Саъдихон
Мавлавихон ўғли

IV

ТАНАЗЗУЛ



16+

821.512.133-311.6
3-99

Саъдихон Мавлавихон ўғли

ТАНАЗЗУЛ

Тарихий роман

IV



„O‘QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ – 2020

УЎК821.512.133-311.6
КБК 84 (5Ў)6
Э 99

Тақризчилар:

Қозоқбой ЙЎЛДОШ – педагогика фанлари доктори, профессор;

Умурзоқ ЎЛЖАБОЕВ – филология фанлари номзоди, доцент.

Масъул муҳаррирлар:

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди, ёзувчи, таржимон;

Шодмон ВОҲИДОВ – тарих фанлари доктори, профессор;

Яҳёхон ДАДАБОЕВ – ўлкашунос олим.



ISBN 978-9943-22-435-3

© Саъдихон Мавлавихон ўғли
© „O‘qituvchi“ НМИУ, 2020

I БОБ

Орадан йиллар ўтди... Қосимбек понсодлар Оқмасжид сафаридан қайтиб келишганидан кейин хон ўрт ой мобайнида халққа ош тортиб, шаҳзода Насриддинбекнинг суннат тўйини ўтказишди. Чор атрофга хабарлар юборилди. Катта Кенагас йўлидаги кенг яланглиқда ҳар куни кўпкари. Қурама, Дашти Қипчоқ, Тошканд, Чиноз, Бухоро амирлигидан, Хива хонлигидан, Самарқанд, Жизах, Зомин, Ўратепа, Қоратегин, Ҳисор, Дарвоз, Кўлоб, Қашқар, Ёркент шаҳар ва ўлкаларидан „манаман" деган полвонлар тўп-тўп бўлиб келишди. Шаҳар ичида, ён-атроф қишлоқ, чорбоғларда қўноқлар жойлаштирилди. Эрталаб ош тортилгандан кейин чошгоҳдан асргача кўпкари ташланди. Хондан кейин Суфибек Андижонда ўғли Назирбекнинг суннат тўйини бошлаб юборди. Полвонлар, қўноқлар, кўпкарининг ашаддий ишқибозлари ёппасига Андижонга кўчишди. Суфибек хончалик тўй қилмаган бўлса ҳам қарийб бир ой халққа ош берди, бир ой кўпкари бўлди.

Савр ўтиб, жавзо бошланди. Ёзга чиқиб, Олтиной ўғил туғиб берди. Қўқоннинг олди доялари саройда. Чақалоқ туғилиб, Ҳокимойимнинг боши кўкка етди. Қувончининг чеки йўқ эди. „Инга"лаган товуш эшитилганда юраги ҳаприқиб, Насриддинбек туғилганда қанчалик шодланган бўлса, бунга ҳам шунчалик севиниб кетди.

– Худойимга шукур, Худойимга шукур... Сарви-и, ўғилми, ҳолва?

– Суюнчи беринг, ойихоним! Полвондай ўғил туғилди!

– Ўзингга шукур, – Ҳокимойим алланималарни пичирлаб, атрофга „суф-суф"лаб қўйди. – Суюнчи сендан айлансин. Олтинойнинг ўзи яхшими? Қийналмадими?

– Олтиним отдай, ойихоним. Асло қийналгани йўқ. Худо йўл бериб, осонгина туғди-қўйди.

– Худойимга шукур, айтгандай доялларга бир тилладан танга билан бошдан оёқ сарпана бер.

– Хўп бўлади, ойихоним.

Бир ҳафтадан кейин Ҳокимойимнинг маслаҳати билан хоннинг пири бўлмиш Соҳибзода ҳазратлари саройга ташриф буюрди. Чақалоқнинг қулоғига азон-такбир айтиб, исмини Саидакрамхон қўйишди. Ҳокимойим гўдакнинг олдида парвона. Чилласи чиққунга қадар Олтинойчақалоғи билан саройда қолди.

Саратон ойи Таласда Қилич билан Бодомгулнинг ҳам тўйлари бўлиб ўтди. Куёв томондан йигитлар, келин томондан қизлар бир-бирларига лапарлар айтишиб, тўй қизигандан қизиди. Бейсимбий боймоқлининг овули яқин орада бунақа тўй кўрмаган деса ҳам бўлади. Хоннинг рухсати билан Саидбек ўн беш-йигирмата беклар ҳамроҳлигида тўйга ташриф буюрди. Унинг Таласга келганини эшитиб, Довоновул халқи Раббаноқулбий бошчилигида кўчиб келди ҳисоб. Тўй тугагунча Раббаноқулбий Саидбекнинг ёнидан жилмади. Бейсимбий боймоқли Раббаноқулбийни ҳар галгидек гап билан чимчилаб олмоқчи бўлди.

– Қудам қизиға хонди қизидай қип қолин олди, энағар.

– Қолин берған бусанғ, берипсан-да, бой буғир, нима, жутқизармидинғ? Ўтовинға ойдай келин кеған буса, кейин кайванилардинғ опкеған гўр-жери қолининғди ўн баравар қип қоплайди-ғу?

– Қоплайма, қопламайма, маған бир игна теккан буса, ўлдир.

– Вой боёв... Бу боймоқлини тентагиға қора, қоттиликда сартларданам ўтадиёв. Ҳа, улунға буғани саған буғани-да, гўрсўхта.

– Ҳи-ҳи-ҳи...

Қиличнинг тўйини ўтказиб, асад ойининг бошларида хоннинг фармони билан Саидбек, Нормуҳаммад бир

гуруҳ беклар ҳамда юз навкар кузатувида Қашқарга жўнаб кетишди. У ердан Селимохуннинг карвони билан ҳамроҳликда Туркия мамлакатига сафар қилишди. Истамбулда Туркия султони ҳамда вазирлари билан мулоқаралар олиб борилди. Музокаралардан кейин бир сафга ўттач асбоб-ускуна ортилган карвон йўлга чиқди. Чегара, божхоналарда гап-сўз бўлиб кетмаслиги учун юклар пахта, пилла чувийдиган, тўқийдиган дастгоҳ деб ҳужжатлаштирилди. Машҳад, Бағдод, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон орқали қарийб бир ой деганда Қўқонга кириб келишди.

Эртаси куни шомга яқин хон уларни „Ҳужраи хос"да қабул қилди. Азимбек олдинга ўтиб, Саидбек, Нормуҳаммад ва Селимохунларни „Ҳужраи хос"га бошлаб киргунида хон харита ёзилган хонтахта устида мук тушиб ўтирарди. Беклар таъзим адо қилиб, қўл қовуштириб туришди. Хон ўзини орқа болишга ташлаганича уларга қараб, жилмайди.

– Келдиларингми? Оббо, азаматлар-ей... Қани, бу ёққа марҳамат қилинглар, – деди хон уларни кўрпачага таклиф қилиб, Селимохунга алоҳида илтифот кўрсатди. – Селимохун жаноблари, менинг ўнг томонимга келиб ўтиринг. Сиз билан ҳали алоҳида гурунглашамиз. Ҳамма ўтирдими? Илоҳи омин... – Фотиҳа тортилиб, ҳам расмий, ҳам самимий ҳол-аҳвол сўрашилгандан кейин хон гапини давом қилди. – Бугун удумни бошқача қиламиз, яъни „аввал калом, баъдаз таом". Маъқулми? Яхши, бу кеча обдон гурунглашамиз. Икки йил ичида икки марта сафар қилдиларинг. Яна қаерга? Туркияга-я. Унча-мунча карвонбошиларнинг қадами етмаган жой. Иккинчи сафарингиз биринчисидан зўр бўлгандир?

– Шундай, хон ҳазратлари, иккинчи сафаримиз ҳақиқатан ҳам зўр бўлди. Беш-олти мамлакатни кўриб, азиз жойларни зиёрат қилиб келдик. Ҳатто Селимохун жанобларининг ўзлари ҳам араб, Туркия мамлакатларига биринчи марта ташриф буюришлари экан. Шундайми, тақсир?

– Ҳаққаст рост. У диёрларга биринчи боришим. Анчагина дўстлар орттирдим.

– Шунақа денглар? Сизларга ҳавасим келяпти. Кейинги гал сизларга қўшилиб бораман. Ҳозирча харита билан сафар қилиб турайлик. Қўқондан Кашмиргача бўлган сафар йўлларини ёддан биламан. Ҳу-уш, мана Қўқон, Ўзган, Тирак довони, бу ёғи Шарқий Туркистон, мана Қашқар, Ёркент, Хўтан чўли, бу ёғи Тибат. Довондан кейин Ҳиндистон бошланади. Мана Кашмир. Сизлар тўғри бориб, Кашмирга қўндиларингизми?

– Шундай, хон ҳазратлари, лекин Кашмирга етиб келгунга қадар беш-олти жойга қўндик. Кашмирда бир ҳафта дам олиб, йўлга тайёрландик. Бу орада Селимохун жаноблари ҳинд савдогарлари билан савдо-сотиқ қилдилар. Ҳиндистонда бизнинг диёрларимизда бўлмаган ҳайвонлар жуда кўп, хон ҳазратлари, қўлга ўргатилган филлар жуда кўп. Ёввойилари ҳам бор экан, ўн бешйигирматадан тўп-тўп бўлиб, жунглида кун кечирар экан.

– „Жунгли“ дейсанми? Нима экан у?

– Бир-бирига чирмашиб кетган қалин ўрмонни ҳиндлар жунгли дейишар экан. Маймунлар жуда кўп. Тўтиқушларни айтмайсизми? Худди бизнинг мусичаларга ўхшаб учиб юришади. Фақат гала-гала бўлиб учишар экан. Бир ҳафтадан кейин йўлга тушдик. Йўлда қийналмаслигимиз учун инглизлар йўл бошловчи беришди. Ҳиндистондан чиқиб, Афғонистон мамлакатидаги Пешоварга келиб қўндик. Афғонлар уруғ-уруғ бўлиб яшашар экан. Мозори Шариф, Файзободда асосан ўзбеклар истиқомат қилишаркан. Кейин Қобул, Ҳиротдан ўтиб, Эрон мамлакатининг Хуросон вилоятига етиб келдик.

– Шошма, Саид, шошма... Хуросон, Ҳирот... Мана ҳозир, – хон харитага кўз югуртириб, бармоғини нуқди, – мана Ҳирот, мана Хуросон. Бири Афғонда, бири Эронда. Амир Темур даврларида Ҳирот Хуросон вилоятининг пойтахти бўлган. Шундайми, Саид?

– Шундай, хон ҳазратлари, лекин ҳозир иккала шаҳар алоҳида-алоҳида. Хуросон Эрон мамлакатида, Ҳирот Афғонистон мамлакатида.

– Э-эҳ, қандай ажойиб даврлар бўлган эди-я... Эсингдами, Саид? Бир пайтлар марҳум устозимиз Сайдуллохон махсум жаноблари жангномалардан ҳам ўқитар эдилар. Сен буларни мендан яхшироқ биласан. Бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари даврларида учта вилоят бирлашган. Хуросон вилояти, Хоразм вилояти, Мовароуннаҳр вилояти. Шундайми?

– Шундай, хон ҳазратлари.

– Баракалла... Шунинг учун ҳам Амир Темур ҳазратларининг байроқларида учта ҳалқа бор. Бу улкан мамлакатнинг пойтахти Самарқанд бўлган. Шарқий сарҳадлар Қашқардан тортиб қарийб буюк Хитой деворигача борган. Ғарбий, шимолий ҳудудлар қисман фаранглар... Э-эҳ, Олтин Ўрда билан бўлган жанг-жадаллар... Айтгандай, Олтин Ўрда қаерда жойлашган, Саид?

– Олтин Ўрда мамлакати Эдил дарёси бўйида қурилган, хон ҳазратлари, фақат кейинроқ қурилган. Чингизхон даврида Мўғул давлатининг пойтахти Қорақурум шаҳри бўлган, мана бу ерда. Чингизхоннинг невараси Ботухон даврида бутун Дашти Қипчоқ ва рус князликларини босиб олиб, Олтин Ўрда давлатига асос солди. Пойтахтини Эдил дарёсининг қуйи оқимида Астрахан шаҳри яқинида қурдирди. Ўрис князликлари ҳар йили Олтин Ўрдага бож тўлаб туришган.

– Эҳ, Саид... Фалак чархининг тескари айланишини қара? Бир пайтлар бобокалонларимизга бож тўлаб турган ўрислар энди бизларнинг ерларимизга кўз олайтиришмоқда. Адашмасам айрим ғарб мамлакатлари ҳам бож тўлаб туришган. Ҳа-а, вақтида мўғуллар бошчилигида туркий уруғлар дунёнинг қарийб ярмини босиб олишган, бутун дунёнинг ярмини-я.

– Шундай деса ҳам бўлади, хон ҳазратлари.

– Қойи-ил, туркий қўшинларга қойил қолиш керак. Катта-катта давлатларни босиб олиш ҳазилакам иш эмас. Нима дединг, Нормуҳаммад?

– Шундай, хон ҳазратлари, туркийларга қойил, – Нормуҳаммад жойида бир қимирлаб олди.

– Лекин бобокалонимиз Амир Темур ҳазратлари шундай улкан, буюк Олтин Ўрдани тиз чўктирдилар. Четдан қараганда таҳсинга сазовор, лекин бундай ҳол фақат ўрис, фаранглар учун байрам, туркий уруғлар учун аза деса ҳам бўлаверади. – Беклар ажаблангандай пешоналарини тириштиришди. Хон аччиқ кулимсираганча гапини давом қилди: – Туркий мамлакатлар бирлашиш ўрнига бир-бири билан жанг қилиши биз туркийлар учун фожианинг ўзгинаси. Ғайридин мамлакатлар бобокалонимиз Амир Темур ҳазратларидан ўта миннатдор бўлишлари лозим! Ахир уларни қирғиндан асраб, мутеликдан озод қилиб юбордилар. Соҳибқиронга олтиндан ҳайкал ўрнатишса ҳам кам. Нима дединг, Саид?

– Шундайку-я, хон ҳазратлари, аввалига Амир Темур ҳазратларининг мададлари билан Чингизхон авлодидан бўлмиш Тўхтамишхон Олтин Ўрда хони Мамайхон устидан ғалаба қозонди ва Олтин Ўрдага хон бўлиб, тахтга ўтирди. Орадан бир йил ўтиб, Олтин Ўрда ва ўрис князликлари ўртасида аёвсиз жанг бўлди. Бу жангда ўрислар Олтин Ўрдага қақшатқич зарба бериб, ютиб чиқишди. Шу жангдан кейин ўрис князликлари Олтин Ўрда қарамлигидан қисман қутулди.

– Афсуски гапларинг тўғри, Саид, ота-боболаримиз муроса қилиб, ўрис, фаранглар устига қўшин тортиб бориш ўрнига боя айтганимдай бир-бирлари билан жанг қилишган. Ҳозиргача шу аҳвол. Агар туркий уруғлар Чингизхон давридагидай бир ёқадан бош чиқариб, қўшин тортишганда эди, ҳозир Русия, Фаранглар бизларга қарам бўлган бўлармиди? Айтгандай ўрислар билан Олтин Ўрда ўртасида қайси йили жанг бўлган?

– Милодий йил билан 1380 йилларда Куликовода жанг бўлган, ўрис аскарларга княз Дмитрий Донской саркардалик қилган, хон ҳазратлари.

– Ҳм... Шунақа дегин? Махсум домламизнинг китобларида „ўрисларнинг ерида жанг бўлган“ дейилган холос, буни ўзинг ҳам биласан. Жанг тафсилотлари у қадар яхши ёритилмаган. Нима бўлган тақдирда ҳам Тўхтамишхон

Мамайхоннинг устидан ғалаба қозонгандан кейин ҳали ўзига келмай туриб, ўрислар билан жанг қилиб, мағлубият аламини чекди... Майли, гапингни давом қил.

– Бош устига, хон ҳазратлари, ижозатлари билан... Куликово жангидан кейин Тўхтамишхон ўрислар билан қайта жанг қилишга юраги дов бермади. Йиллар ўтиб, қаддини ростлаб олгач, Амир Темур ҳазратларини юзхотир қилмай Мовароуннаҳр ва Хоразм вилоятларига босқинчилик қилади. Икки ўртада уч-тўрт маротаба қаттиқ жанглар бўлиб ўтди. Бу жанглардан ҳазратларининг ҳам хабарлари бор. Охирги жангда Амир Темур ҳазратлари Тўхтамишхонни ер билан яксон қилиб ташладилар. Бу жангда Тўхтамишхон қўшини шу даражада қаттиқ зарбага учрадики, шундан кейин Олтин Ўрда ўзига кела олмади. Натижада ўрис князликлари қарамликдан батамом қутулишди. Йиллар ўтиб, Олтин Ўрда мамлакати Қрим хонлиги, Қозон хонлиги, кейинчалик Аштархон хонлиги, Сибирь хонликларига бўлиниб кетди. Ана шундан кейин ўрисларга Худо берди. Князликлар бирлашиб, Рус давлати ташкил топди. Амир Темур ҳазратларидан юз эллик йиллардан кейин Россия подшолиги Қрим, Қозон, Аштархон ва Сибирь хонликларини бирин-кетин босиб олди. Асрлар ўтиб, Россия дунёда кучли давлатлардан бирига айланди.

Хонада жимлик чўкди. Селимохун, Нормуҳаммад, Азимбек Саидбекнинг гапларини берилиб эшитишар, ундан кўзларини узишмасди. Хон бир тин олиб, болишга суянди. Пешонасини тириштирганча Саидбекка қаради.

– Қиёмат! Бож тўлаб юрган давлат бориб-бориб, бож оладиган давлатларни босиб олса-я, товба қилдим. Олтин Ўрдадай улкан давлатни Амир Темур ҳазратлари парчалаб ташладилар, лекин йиллар ўтиб, Амир Темур ҳазратлари бунёд этган буюк давлат ҳам парчаланиб кетди. Шундай буюк туркий давлатлар бир-бирларини парчалаб ташлашса-я, туриб-туриб одамга алам қилар экан. Бирлашганларида қандай яхши бўларди. Ҳа, майли, ўтган ишга салавот. Темурийларнинг устига қўшин тортган кимиди? Исми ёдимдан кўтарилди.

– Шайбонийхон, хон ҳазратлари.

– Ҳа, ҳа, Шайбонийхон... Муҳаммад Шоҳбахт Шайбонийхон. Бир вақтлар махсум домламиз жангномаларда ўқитган „Шайбоний келди, Бобур қоч“ деган жумлалар бўларди, эсингдами, Саид?

– Шундай, хон ҳазратлари, Шайбонийхон билан темурийлар ўртасида бўлган жангномаларини ўқирдик.

– Давом қил.

– Йиллар ўтиб, Олтин Ўрда иккига: Кўк Ўрда, Оқ Ўрдага бўлинган. Сиёсий жиҳатдан Оқ Ўрда Кўк Ўрдага қарам бўлган. Оқ Ўрда давлатига Сирдарё ҳавзалари, Дашти Қипчоқ, Ғарбий Сибирь, шаҳар, қишлоқ, овул, бепоён чўллар, ўрмонлар кирган. Шайбонийхон Дашти Қипчоқда қудратли қўшин йиғиб, темурийлар салтанатига ҳужум қилди ва уни парчалаб ташлади. Шайбонийлардан кейин учта хонлик – Бухоро, Хоразм, Қўқон хонликлари вужудга келди, хон ҳазратлари.

– Ў-ўҳ, Саид, қойи-ил, – хон жилмайганча Селимохун, Нормуҳаммад, Азимбекка бир-бир кўз ташлаб қўйди, – бир дамда Чингизхон, Ботухон, Амир Темур, Шайбонийхон даврларига олиб бориб, олиб келдинг. Тарих илми, яхши илм. Бу илмни мукаммал билиб олибсан, бу яхши. Ҳў-ўш... Хуросон давлатига охирги марта кимлар хон бўлган?

– Темурийлар авлодидан Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари ва у кишининг ўғиллари Бадиуззамон хонлик қилишган. Навоий ҳазратлари ҳам ўша даврда яшаб ўтганлар. Бул зотларнинг қабрлари Ҳирот шаҳрида. Боришда йўл-йўлакай зиёрат қилиб ўтдик.

– Шундай, хон ҳазратлари, зиёрат қилдик, – Нормуҳаммад бош ирғаб, Саидбекнинг гапларини тасдиқлади.

– Қандай буюк зотлар ўтишган. Уларнинг қабрларини зиёрат қилиб, яхши иш қилгансизлар. Ҳар кимга ҳам бундай зиёратлар насиб қилавермайди. Парвардигор бу ўтганларнинг ҳаммасини раҳматига олсин. Хўп, энди ўзимизнинг даврга қайтайлик. Қаерда қолувдик, Саид?

– Хуросон вилоятида қолувдик, хон ҳазратлари.

– Шундай, Хуросонда қолувдик. Қани, харитага қараб, давом эт.

– Бош устига. Хуросондан ўтиб, Мирзачўлдай келадиган катта-катта сахролардан ўтдик. Эронийлар бу чўлларни Дашти Кабир, Дашти Лур дейишар экан. Исфаҳон, Теҳрондан ўтиб, араблар диёри бўлмиш Бағдодга етиб келдик. Бу ерда бизларни турклар кутиб олишди.

– Шошма, Саид, турклар арабларнинг қайси мамлакатларини босиб олган, ўзи?

– Туркия мамлакати Бағдод, Дамашқ, Сурия, Ҳижоз, Макка, Мадина, Миср яна Ғарб томондан ҳам бир қанча давлатларни мустамлака қилиб олган, хон ҳазратлари.

– Ҳа-а-а, Гапларинг тўғри, Саид, – хон чуқур нафас олди. – Турклар худди Чингизхонга ўхшаб, босиб олган ерларини маҳкам идора қилиб туришибди. Бизларга ўхшаб бўлиниб кетишмади. Турк элчилари айтишувди. Араб давлатларини Султон Сулаймон даврида босиб олишган экан. Неччи йил бўлади?

– Уч юз эллик йил, нари-бери.

– Қойил, мана буни салтанат деса бўлади. Давом эт, Саид.

– Сурия пойтахти Дамашқдан ўтиб, Туркия ерига қадам босдик. Бир ҳафта деганда Босфор бўғозига етиб келдик. Мана у, Мармар денгизи билан Қора денгизни бирлаштириб турибди. Туркия пойтахти Истамбулнинг қарийб ўртасидан ўтган. Истамбулда ташқи ишлар вазири Меҳмет пошо бизларни элчи сифатида муносиб кутиб олиб, меҳмонхонага навкарларни сарбозхонага, карвонни юки билан карвонсаройга йўллади. Икки кундан кейин бизни Туркия султони Султон Абдулмажид ҳазратлари қабул қилдилар. Султон ҳазратларига таъзим адо қилдик. Расмият юзасидан савол-жавоблар бўлгач, ҳазратлари номларидан битилган ишончномани қутидан чиқардим. Вазирлардан бири ишончномани қўлимдан олиб, таъзим қилган ҳолда икки қўллаб султон ҳазратларига тутди. Султон ҳазратлари карнай қилиб ўралган ишончномани муҳрини синдириб ёйди. Бирров кўз югуртиргач, ёнида

қўл боғлаб турган вазирга берди. Шундан кейин дўстона музокаралар бошланди. Бу ерда қоғозга туширилган ўн саккиз бандли шартномани бир-бир ўртага ташладик. Муҳокама қилиниб, қарийб ҳаммаси ижобий ҳал бўлди. Айрим бандларга тузатишлар киритдик. Музокара давомида бизнинг таклифимиз султон ҳазратларига маъқул келди шекилли, ёнидаги вазирлари билан пичирлашиб олиб, бош ирғаб қўйди. Музокара беш-олти соатга чўзилди. Натижасидан иккала томон ҳам қониқиш ҳосил қилдик. Ижозатлари билан султон саройида бўлган музокаралар ҳақида кенгашда ҳисобот берсам.

– Маъқул.

– Музокаралар тугаб, хайрлашиш олдидан Султон Абдулмажид ҳазратлари тахтда ўтирган ҳолда бизларга илиқ сўзлар айтиб, шундай дедилар: „Муҳтарам, афандилар! Сизларни Туркия пойтахти Истамбулда кўришимдан бениҳоя хурсандман. Суҳбатимиз ниҳоятда мазмунли ўтди. Музокараларда айтилган гаплар, иншооллоҳ, амалга ошажак. Асбоб-ускуналарни икки-уч кун ичида карвонга юклаб беришади. Албатта, усталардан ҳам берамиз. Сизлар дастгоҳларни олиб бориб, ишга туширинг. Навкарларни яхшилаб, қуроллантиринг. Бир йил-ярим йил машқ қилдиринг. Энди асосий масалада тўхталсак. Саидбек афанди, Бухоро, Хива хонликлари билан бўладиган режаларингиз бизга маъқул. Лекин бу давлатлар билан бўладиган музокараларни вақтинча тўхтатиб туришга тўғри келади. Сизларга маълумки, биз ҳозир Русия билан уруш ҳолатидамиз. Айни пайтда қонли жанглар кетмоқда. Уруш қачон тугашини ёлғиз Оллоҳнинг ўзи билади. Уруш тугаб, музокара, битимлар ниҳоясига етиши билан элчиларимизни Бухоро, Хива хонлигига юборамиз. Музокараларимиз иншооллоҳ ижобий ҳал бўлишига иймоним комилдир. Энди қўшин масаласида. Биз албатта ёрдам сифатида сизларга қўшин ажратамиз. Фақат ўрисларнинг қалъаларига ҳужум қилишдан олдин хон ҳазратларининг ихтиёрларига ўн беш-йигирма минг яхши қуролланган қўшин юборамиз. Худо хоҳласа,

бирталикда астойдил ҳаракат қилсак, ўрисларни Дашти Қипчоқ ҳудудларидан батамом қувиб чиқарамиз. Бизнинг илтимосимизни ерда қолдирмай Оқмачит қалъасига қўшин юборганлари учун хон ҳазратларига миннатдорлигимизни ҳамда саломимизни етказасиз, деган умиддамиз. Сизларга оқ йўл, афандилар. Йўлда қийналмасдан, соғ-саломат ватанларингизга етиб олишингизда Тангри ёр бўлсин. Хайр, афандилар!" Бир ҳафтадан кейин дастҳоҳлар ортилган карвон билан йўлга чиқдик. Турклар бизни Эрон чегарасигача кузатиб қўйишди. Бу ёғига қандай келган бўлсак, ўша йўл билан Қўқонга соғ-саломат қайтиб келдик, хон ҳазратлари.

Саидбек гапини тугатиб, ўтирган жойида хонга ним таъзим қилди. Ҳаяжондан хоннинг кўзлари чақнаб кетди. „Йигирма минг, йигирма минг навкар-а... Э, Худо-ей, ўзимда ўн минг дейлик, Қурама, Тошканддан ўн мингдан йигирма минг, Чимканд, Туркистондан йигирма минг, жами етмиш-саксон минг. Худо берди. Ана куч, ана қудрат. Оқмасжидни олганимдан кейин Пишпак билан Тўқмоқ қалъаларини мустаҳкамлайман. Дашти Қипчоқ ўзимники бўлади. Урумчи, Қашқар, Ёркент, Хўтан, боринги, Шарқий Туркистонни бир ёзнинг ўзида босиб оламан. Қиши билан тайёрланиб, келаси ёзда, йўқ, баҳордан бошлаб. Хитой деворигача бу ёғи Мўғулистон... Ё товба, нималар деяпман ўзи! Товба қилдим, Парвардигор, товба қилдим". Хон болишга суяниб, терлаган пешонасини рўмол билан артди. У ўзича тавба қилган бўлса ҳам уйлаганлари миясининг бир бурчагида ғимирларди.

– Саид.

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Султон ростдан ҳам „йигирма минг навкар бераман", дедими?

– Шундай, хон ҳазратлари.

– Яхши, турк усталари неччи киши?

– Олти киши, хон ҳазратлари. Жонибек қурбошининг сарбозхонасига жойлаштирдик. Икки юз навкар ётиб турадиган хона уларга маъқул келди. Шу хонага даст-

гоҳларни ўрнатишмоқчи. Ҳафта-ўн кун ичида ўрнатиб бўлишса, бир ой-икки ойлардан кейин милтиқ ишлаб чиқишса ажаб эмас.

– Яхши, жуда яхши, жуда соз. Ёрдамга ўзимизнинг усталардан қўй. Туркларнинг ҳаммасига бек-мекларнинг қизларини олиб берамиз. Ҳовли-жой қилиб берсак, шу ерда қолиб кетишади. Бўпти, бу кейинги масала. Ҳў-ўш, калом бўлди. Энди таомни кўрайлик. Азимбек, баковулга айт, дастурхон тузасин.

Йигирма дақиқалардан кейин ҳаммалари овқатга машғул бўлишди.

* * *

Жавзо охирлаб қолгани боис эрталабдан қуёш қиздира бошлади. Бугун сарой ҳар кунгига қараганда гавжумроқ. Сайисларнинг қўли қўлига тегмайди. Новвой, ошпазлар ҳам одатдагидан ташқари елиб-югуришган. Мулозимлар ташқи ҳовлини супуриб-сидиришар, тўрттаси ҳовли бурчагида иккита қўчқорни терилашарди. Тарвақайлаб кетган тут тагидаги супада кўрпача, гиламлар тоғ қилиб уйиб ташланган. Дарвоза олди соқчи навкарлар ҳушёр бўлиб туришар, беклар ёки арконлар ўтиб қолса, ғоз қотишар, ўтиб кетгандан кейин жойларида яна қимирлаб қолишарди. Навкарлардан бири дарвозадан ичкарига кўз ташлаб қўйиб деди:

– Арконларнинг ҳам, мулозимларнинг ҳам юриш-туришлари бошқача, хон эҳсон-пеҳсон қиладими, дейман, Раҳмонжон ака? Ичкарида тайёргарлик катта.

– Шундай, боя каттамиздан эшитиб қолдим. Пешиндан кейин бек, аркон, казо-казоларга хон ош берармиш.

– Ие, ош пешиндан кейин бўлса, булар ҳозирдан йиғилиб келишди-ю, бандардаги отларнинг кўплигини қаранг!

– Ҳозир бари йиғилиб, турк усталар ясаган аллаимани кўргани Жонибек понсоднинг сарбозхонасига боришармиш. Кеча хоннинг фармони билан ҳудайчи ҳаммага тайинлаб чиқибди.

– Айтдим-а, мингбоши ҳужрадан-ҳужрага югуриб юрибди, деб. Жонибек понсоднинг сарбозхонасига боришади дейт. Уша нарсани саройга олиб келиб, кўрсатишса бўлмасмикин? Баҳонада биз ҳам томоша қилардик.

– Иложи йўқ, шекилли, оғир бўлса керак-да.

– Товба, шунақа оғир нарсани ясаб нима қиларди.

Арконлар, беклар ҳайитга борадигандай ясаниб олишган. Иккита сайис хоннинг отини маҳкама дарвозаси олдида тайёр ушлаб туришар, ўрта ҳовлида арконлар давра-давра бўлиб олиб гурунглашганча хоннинг чиқишини кутишарди. Хон ҳузурида Нормуҳаммад қушбеги, Саидбек, Азимбек курсиларда ўтиришар, Саидбек қўлида қоғоз тутган ҳолда айғоқчилар келтирган хабарлар ҳақида хонга ҳисобот берарди.

– Шимолий сарҳадларимизда ўрислар томондан ишғол қилинган қалъаларда ҳозирча тинчлик. Унча-мунча қўрилишларни ҳисобга олмаганда ўрислар томондан ҳарбий ҳаракатлар сезилмаган. Икки ойларча олдин императорнинг фармонига мувофиқ Оренбург губернаторини алмаштиришган...

– Кимни дединг?

– Губернаторни, хон ҳазратлари. Ўрисларда вилоят ҳокимини губернатор дейишади. Оренбург губернатори Перовскийнинг ўрнига генерал Катенин тайинланибди.

– Эски ҳоким нима гуноҳ қилибди?

– Ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, хон ҳазратлари. Соғлиги юзасидан истеъфога чиқишга мажбур бўлганмиш.

– Ҳм, давом қил.

– Шарқий сарҳадларимиздаги Пишпак, Тўқмоқ қалъаларида ҳам тинчлик. Лекин Олмаота овули ёнида ўрислар томонидан қурилган қалъада бир гуруҳ казаклар ғимирлаб қолишган.

– Ғимирлаб қолишган?! – хон ҳушёр тортиб, каддини ростлади. – Қанақасига ғимирлашади?

– Уша қалъадан ўн беш-йигирма чоғли казаклар ўрис олим бошчилигида сарҳадларимиздан ўтиб, уч-тўрт ойлича жойларни айланишган. Икки йил ичида икки марта

сафарга чиқишган. Йўлбошчилари, хизматчилари қирғизлар бўлган.

– Олим одам аскарларни ичида нима қилади? Товба, қаерларни айланишган?

– Биринчи сафарларида Иссиққўл атрофини, Тўқмоқ ва Пишпак қалъаларига борадиган йўллар, хуллас, юзлаб чақирим келадиган йўлларни атрофлича ўша олим харитага туширган.

– „Харитага туширган", дейсанми? – хон астойдил хавотирланиб, Нормуҳаммад билан Азимбекка қараб қўйди. – Ахир бу айғоқчиликнинг ўзгинаси-ку.

– Шунақага ўхшайди, – Саидбек хоннинг гумонини тасдиқлаб. – Иккинчи сафарда ўша гуруҳнинг ўзи Шарқий Туркистонга туташган тоғларнинг ён-бағирларини харитага туширган.

– Ё, товба, тоғ уларга нимага керак бўлиб қолибди?

– Менимча, улар Шарқий Туркистонни ҳам босиб олишмоқчи.

– Ўҳ-ҳў, – хон ўзини тахт суянчиғига ташлаб, гапида давом этди, – ўрисларинг иштаҳаси зўр-ку, Саид? Ахир ўзинг айтувдинг-ку, „урушда ўрислар ютқазди", деб.

– Шундай, хон ҳазратлари. Бир йил олдин уруш Русиянинг мағлубияти билан тугади. Лекин улар келажакда бўладиган ишлар учун замин тайёрлашяпти.

– Тушунарли, уларнинг бу ҳаракатларига қараганда бир-икки йил ўтиб, бизнинг ерларимизга босиб келиши муқаррар. Турк султони нима бўлди? Берган ваъдаларининг устидан чиқармикин?

– Айни пайтда Туркия, Англия, Франция билан Русия ўртасида музокаралар олиб бориляпти. Музокаралар тугаши билан улар билан хабарлашамиз, хон ҳазратлари.

– Маъқул, – хон бир лаҳза ўйланиб туриб, Саидбекка қараб, сўз қотди. – Айтгандай, Саид, ойихонимни кўрдингми?

– Йўғ-а...

– Охирги марта қачон ҳузурларида бўлувдинг?

– Икки ҳафталардан ошиб қолдиёв назаримда.

– Ие, қанақа куёвсан ўзи? Товба, кун ора, уч кунда бир қайнонангни кўриб турмайсанми?

– Тортинаман-да, хон ҳазратлари.

– Тортинармиш, товба. Ҳа, майли, гапни эшитинглар, кеча ойихонимнинг ҳузурларига кирувдим. Анча вақтгача гаплашиб ўтирдик. Гапдан гап чиқиб, акам Маллахонни Бухородан чақиртириб келмоқчиман, „нима дейсиз?“, деб сўрадим.

Учала бек „Ҳокимойим нима деб жавоб бердилар?“ дегандай хонга кўз тикишди.

– Менинг бу гапларимдан ойихонимнинг кўзлари чақнаб кетди. „Ўзинг биласан“, дедилар холос. Лекин хурсанд бўлиб кетганларини дарров сездим. Она рози – Худо рози. Бу ёғи энди учовингнинг ишларинг. Маллахонни Бухорога қандай жўнатган бўлсаларинг, ўшандай қайтариб олиб келасанлар.

– Бош устига, хон ҳазратлари, – деди учови баравариға бош эгиб.

– Бугунги кўрикни ўтказамиз-да, бир кун тайёрланиб, кейинги кун учаланг Бухорога жўнайсизлар. Қандай қилиб бўлмасин Маллахонни Қўқонга олиб келасизлар, вассалом.

Учови жавоб беришга улгурмасдан хонага Ўтаббой мингбоши кириб, таъзим қилди.

– Хон ҳазратлари, беклар, арконлар йиғилиб бўлишди. Ҳаммалари ташқарида мунтазир.

– Яхши.

Хон тахтдан туриши билан учовлари ҳам ўринларидан туриб, қўл қовуштиришди. Икки қадам ташлашган эди ҳамки, ҳудайчи кириб, таъзим қилди.

– Нима гап?

– Хон ҳазратлари, ижозат берсалар, камина қуллари сарбозхонага олдинроқ бориб турсам.

Хон „ижозат“ дегандай бош ирғади. Ун дақиқалардан кейин хон арконлар ҳамроҳлигида отлиқ Жонибек поччасоднинг сарбозхонасига қараб, йўл олишди.

* * *

Жонибек понсоднинг сарбозхонаси. Икки йил ичида сарбозхона ҳам, навкарлар ҳам ўзгариб кетди. Машқ майдони кенгайтирилди. Отлиқ навкарлар учун алоҳида, пиёдалар учун ҳам алоҳида ёнма-ён майдон тайёрлашди. Отлиқлар майдонида отда саф тортиб юришни ўрганиш учун энли, узун йўлка, отлиқлар сакраб ўтиши учун ҳар хил тўсиқлар, кичик-кичик зовурлар қазишди. Пиёда навкарлар югурадиган айланага йўлакча, осилиб чиқадиган, сакраб ўтадиган, эмаклаб юрадиган ҳар хил тўсиқлар қуришди. Саф тортиб, ҳарбийчасига юришни машқ қилиш учун эни йигирма газ, узунлиги қарийб етти юз-саккиз юз газ келадиган йўлакка тош териб чиқишди. Навкарлар ҳар куни, кун ора тош терилган йўлакдан саф тортганча қўш карнай, қўш сурнай, ноғоралар садоси остида гурс-гурс қадам ташлаб, ҳарбийча юришни машқ қилишади. Сарбозхона четидаги икки юз навкарга мўлжалланган улкан хонада милтиқ, замбарак қуядиган асбоб-ускуна, дастгоҳ, дегрезлик устахонаси қурилган. Бу ерда турк усталари маҳаллий дегрезлар билан ҳамкорликда милтиқ ва замбарак қуйишади. Юзбошилар тўқайдаги машқ майдонида милтиқларни ҳам, замбараклари ҳам олдин синовдан ўтказиб олишади-да, кейин навкарлар машқ қилишади. Машқлар билан бирга фақат Жонибек понсоднинг навкарларини бир хил қилиб кийинтирилди. Чакмонларга буюртма беришдан олдин Қилич Саидбекнинг ҳужрасида чакмон андозаси чизилган қоғозга қараб туриб, норозисимон деди:

– Туражоним, шу чакмонни бошқачароқ қилиб тиктирсак бўлмайдими?

– Қанақа қилиб дейсан?

– Масалан, ўзимизникидай. Поручик формасидай қилибми, жилла бўлмаганда шинелга ўхшатиб тиктириб қўяқолайлик.

– Бўлмайди.

– Ия, нега бўлмайди, турам? Ахир навкарларга чак-

мондан шинел қулайроқ-ку. Ихчам, ёқали, чўнтаклари бор, тасма учун орқада камар тутиб турадиган боғичи ҳам бор. Қатор тугмаларини айтмайсизми! Чакмонга қараганда минг марта қулай ҳам чиройли кўринади. Айтгандай, турклар-чи? Турк навкарларининг кийими қанақа?

– Туркларнинг кийимими? Ҳм, уларники униформа.

– Ана, бўлар экан-ку, ахир турклар ҳам мусулмон-ку.

– Тўғри, лекин Туркия билан бизнинг мамлакатимиз ўртасида катта фарқ бор. Улар мамлакат бўлиб шаклланганига саккиз юз йилдан ошиб кетди. Охирги юз йилларда фақат Ғарб мамлакатлари билан жанг олиб боришди. Кўп нарсаларни кўришди. Тажриба орттиришди. Бу орада уларнинг тушунган муллалари униформа кийиш учун сарбозларига фатво берган бўлса ҳам ажаб эмас. Бизнинг мамлакатимиз эса шаклланганига бор-йўғи юз эллик йил нари-бери бўлди холос. Биз ҳам сал нарироққа борайлик. Кўрайлик, тажриба орттирайлик. Кейин бир гап бўлар. Ахир бирданига форма, шинелга ўтиб бўлмайди, Қилич, мусулмончилик аста-секин, дейишган-ку. Ўзи яқиндагина навкарларимиз ўрислар билан жанг қилиб келишди. Навкарларимиз у ёқда турсин, халқимизнинг ҳам ўрислардан алами катта. Агар чакмонни шинелга айлантирсак, бошлаб муллалар, мударрислар „кофирнинг кийими" деб „миш-миш" тарқатишади, кейин қаландарлар айюҳаннос солишади, халқнинг ичида гап кўпаяди. Ҳамма ҳар хил хаёлга боради. Бирликка раҳна тушади. Шу керакми сенга?

– Ў-ўҳ, бу ёғини ўйламабман, турам, – Қилич бўшашиб, ўзини курси суянчиғига ташлади.

– Ҳали вақти келади. Бизнинг ҳам муллаларимиз тушуниб, фатво беришсин. Ўшанда навкарларимизга ёқали, чўнтакли, тугмали қилиб, формалар тиктириб берамиз, қалай, гапларим маъқулми?

– Маъқул, турамжон, илоҳим, ўша пайтлар тезроқ келсин.

Ўша гаплардан кейин бир йил-ярим йил орасида навкарларга бир хил қилиб тикилган тўрт мингта қора

чакмон тарқатилди. Юзбошиларга малла ранг, понсод, шиғовул, додхоҳ, тўқсобаларга эса оқ чакмон берилди. Сарбозхонада бир ойдан бу ёғига қаттиқ тайёргарлик кетарди. Қиличнинг талаби билан понсодлар, тўқсобалар, шиғовуллар ҳам машққа жалб қилинди. Олдинига беклар машқ қилишга кўнмай қатъиян бош тортишди.

– Сен бизни навкарларнинг олдида шарманда қилмоқчимисан, Қилич?

– Навкарларнинг олдида бўлса, майлику-я, лекин хон ҳазратларининг олдиларида шарманда бўлишларингдан қўрқаман.

– Ие, нега энди? – деб суради Ғани тўқсоба понсодлар билан кўз уриштириб олар экан. – Хон ҳазратларининг олдиларида нега шарманда бўларканмиз?

– Жаноблaрингизга маълумки, уч-тўрт ойлардан кейин Жонибек понсоднинг сарбозхонасида курик утказилади. Хон ҳазратлари арконлар билан курикнинг қандай утишини шоҳсупада утириб кузатадилар. Тўрт минг пиёда, отлиқ навкарлар сафи олдида биринчи бўлиб сизлар утасизлар.

– Бизл-а-ар!?

– Шундай, саф олдида икки юзта бек байроқ кутариб утиши лозим.

– Уҳ-ҳў-ў...

– Навкарлар ҳарбийчасига саф тортиб, хон ҳазратларининг олдиларидан қарсиллаб утишса-ю, сизлар шалпайиб утсаларинг, хон ҳазратлари сизлардан...

– Бўлди, Қилич, бўлди... Бу ёғини айтмасанг ҳам бўлади, – беклар ҳушёр тортиб, бараварига қадларини ростлашди. – Биз тушундик. Айт, нима қилайлик?

– Бу бошқа гап, жаноблар, – Қилич жилмайганча бирров бекларга кўз югуртириб чиқди. – Эртадан бошлаб Жонибек понсоднинг сарбозхонасида юзбошилар билан бирга...

– Э, э, шошма, бек йигит, шошма, – Қиличнинг гапини бўлди Ҳамдам понсод, – бу ишга юзбошиларни аралаштириб нима қиласан? „Фалончи юзбоши понсодларга

таълим берибди" деган гап бизга тўғри келмайди. Шундаймми, жаноблар?

– Шундай, шундай...

– Юзбошилар тўғри келмайди.

– Обруйимиз тушади.

– Тўғри...

– Жаноблар, тинчланинг, – Ҳамдам понсод қўлини кўтариб, кейин Қиличга қараб деди: – Бундай қиламиз, Қилич. Бизга ўзинг таълим берасан, вассалом. Маъқулми, жаноблар?

– Маъқул.

– Бу бошқа гап.

– Ўзи таълим берса бўлади.

– Обруйимиз ҳам тушмайди.

– Жоним билан, бек акалар, – деди Қилич қўлини кўксига қўйди.

– Балли, азамат, қачон йиғиламиз?

– Эртага бомдоддан кейин Жонибек понсоднинг сарбозхонасида.

– Келишдик, бек йигит.

Эртасига беклар билан машғулотлар бошланиб кетди. Навкарлар юзбошилар бошчилигида кўтаринки руҳ билан, завқ-шавқ билан сарбозхонанинг ички-ташқи ерларини тартибга келтиришарди. Машқ майдонларига, йўлакларга ҳар куни сув сепиб, супуриб-сидиришган, ҳатто отлар турадиган қишки-ёзги кўраларни чиройли қилиб таъмирлашди. Сарбозхонада иш қайнаган. Новвойлар ҳам, ошпазлар ҳам ўз ишлари билан машғул. Пешонасини оқ рўмол билан танғиб олган новвой хамбада хамир қорар, мис қумғон ушлаб олган бош новвой хар замонда вақт меъёрига қараб, хамбага сув қуйиб турарди. Новвой хамба четидаги унни юғуриб, хамирга қўшиб қорар экан, бош новвойга деди:

– Сувдан қуйинг, уста ака, яна озгина, бўлди. – деразадан ташқарига қараб қўйиб сўради: – Ановилар нима қиляпти, уста ака?

– Майдондагиларми? Машқ қилишяпти, шекилли.

– Йўқ, тош ётқизилган йўлак четидагиларни айтяпман. Лой, гувала билан алламбалолар қилишяпти.

– Ҳа-а, уларми? Шоҳсупа қуришяпти.

– Шоҳсупа-а?!

– Шундай, бирор ҳафталардан кейин хон ҳазратлари навкарлар кўригини ўтказиш учун сарбозхонамизга ташриф буюрармишлар.

– Хон ҳазратлари-я! – новвой хамир қоришдан тўхтаб, устага ҳайратланиб қаради. – Ростдан келармиканлар?

– Ҳей, ҳей, муштлашни тўхтатмасдан гапир, ана шундай, юзбошилар „хон ҳазратлари келадилар" дегандай гап қилишди. Лекин қачон келишларини ҳеч ким билмайди.

– Қойил, хон ҳазратларини кўрмаганимга ҳам юз йил бўлди. Айтдим-а, навкарлар анчадан бери ғимирлаб қолишди, деб. Гап бу ёқда экан-да.

– Тайёргарлик каттага ўхшайди. Кеча ун олгани омборхонага борсам, „нимани кўрдингиз" дегин?

– Нимани кўрдингиз, уста ака?

– Пешайвонда йигирматача яп-янги, қип-қизил гиламларни тахлаб ташлашибди. Кўрпачаларни-ку, сўрама. Тоғдай қилиб тахлаб ташлашибди.

– Вой-бу-у, шу-унча гилам, кўрпачаларни нима қилишади, уста ака?

– Шуни ҳам билмайсанми, галварс? Гиламларни шоҳсупага ташлашади, устидан кўрпачаларни тўшашади. Шоҳсупа ортидаги харракларни кўряпсанми?

– Ҳа, ҳа, кўряпман, уста ака, уч-тўрт қатор чиқаров.

– Ҳа, балли, кўрпачаларнинг қолганини харраклар устига тўшашади. Арконлар, мударрислар, беклар, боёнлар ўтиришлари учун.

– Ўҳ-ҳў, унақада арконлардан ташқари юз-юз элликта одам келар экан-да?

Бош новвой харракларни кўзи билан чамалаб бош ирғади.

– Гапинг тўғрига ўхшайди, шоҳсупадан ташқари харракларнинг ўзига икки юзта одам бемалол сиғади.

– Ўша куни биз ҳам томоша қиламизми, уста ака?

– Ие, унақада нонни ким ёпади?

– Бир кун олдин нонни кечаси билан ёпиб қўяқоламиз, уста ака. Зувала билан паркашликни ҳам ўзим қиламан. Сиз тандирга ёпиб, узсангиз бўлди.

– Майли-ку-я, лекин хон ҳазратлари қачон келишларини билмаймиз-ку?

– Бундан осони йўқ, уста ака. Қиличбек акамдан секин суриштириб, билиб оламан. Ахир бек акам хон ҳазратларининг қачон келишларини билсалар керак.

– Гапинг тўғри, ҳеч ким билмаган тақдирда ҳам Қиличбек билиши аниқ. Майли, сен суриштириб, кунини аниқлагин, бу ёғини амаллаймиз.

Новвой мамнун ҳолда хамирни меҳр билан муштлай кетди.

Ниҳоят, хон ташриф буюрадиган кун ҳам келди. Арконлардан ташқари шаҳардан шайхулислом, қозикалон, муфти, қори домлалар, мударрислар, беклар, бойлар ҳам таклиф этилди. Чошгоҳ бўлмасиданоқ меҳмонлар тўп-тўп бўлиб кела бошлашди. Қилич, Жонибек понсод, Йўлчибек додхоҳлар бошчилигида юзбошилар меҳмонларга пешвоз чиқишди. Насл-насаб, обрў-эътиборига қараб, шоҳсупа ортидаги кўрпача ташланган харракларга қатор қилиб ўтқиза бошлашди. Майдоннинг нариги чеккасида бир хил кийинган икки минг пиёда навкар ва икки минг отлиқ навкарлар саф тортиб туришарди. Шоҳсупанинг ён томон пастроғида икки қатор харракда созандалар ўтиришарди. Меҳмонлар келиб бўлишган. Иккитадан-учтадан бўлиб олиб, паст товушда гурунглашиб хонни кутишарди.

– Нима бўлар экан, тақсир?

– Менга „кўрик бўлади“, деб хабар қилишди холос.

– Менга ҳам шундай дейишди.

– Қанақа кўрик? Нима ўзи у?

– Қизиқчилар бўлса керак. Бирор-бир нағма кўрсатишса керак-да.

– Қизиқчиларнинг ўтови кўринмайди-ку!

– Шунга ҳайронман.
– Нимани кўрсатишар экан?
– Хабарим йўқ.
– Зиёфат ҳам бўлар эканми?
– Дастурхон йўқ-ку.
– Ҳув анови бир хил кийинган навкарларми?
– Навкарлар. Отлиқлари ҳам бир хил кийинишибди.
– Оқ чакмонлилар ким бўлди?
– Беклар бўлса керагов, узоқдан таниб бўлмаяпти.
– Байроқ ушлаб олишибди, кўплигини қаранг.
– Шунча бир хил кийимни қаердан топишди экан?
– Бирорта карвонбоши Эрон-перондан кўтара олиб келиб, буларга сотган бўлса керак.
– Шунақага ўхшайди.

Шу пайт сарбозхона дарвозасидан отлиқ ҳудайчи кўринди. Отдан тушиб, жиловни юргилаб келган сайисга тутқазди-да, ўзи тез-тез қадамлар билан шоҳсупа томон юриб кетди. Харракда ўтирганларга қўлини кўксига қўйган ҳолда умумий салом берди. Тўшалган гилам, кўрпачаларни бирров кўздан кечириб чиқар экан, ўзи томон келаётган Қиличга кўзи тушди. Иккови бир фурсат алланималарни гаплашиб олишгач, ҳудайчи созандалар томон кўз ташлаб қўйди-да, „маъқул“ дегандай бош ирғади. Шу пайт дарвозадан отлиқ шаҳсуворнинг бир қисми йўрға юришда кириб келиб, отларини четга буришди. Ҳудайчи дарвоза томон шошилиб юрди. Хон арконлар билан отлиқ дарвозадан кириб келиши билан у жойида таққа тўхтаб қичқирди:

– Хон ҳазратлари ташриф буюрдила-а-ар!!

Бошлаб ҳудайчи, меҳмонлардан тортиб навкаргача ҳамма таъзимда турди. Фақат сайисларгина отларни тўрттадан, бештадан дасталаб, бандар томон етаклаб кетишди. Хоннинг бир ўзи шоҳсупага чиқиб келиб, кўрпачага ўтириши билан ҳудайчи қаддини ростлаб қичқирди:

– Фароғат ато этдила-а-ар!!

Ҳамма қаддини ростлаб, жой-жойига ўтирди. Арконлар ҳам шоҳсупа ортидан жой олишди. Хоннинг ишора-

ги билан ҳудайчи ун беш-йигирма чоғли обрў-эътиборли уламо, аркон, бекларни нимсупага таклиф қилди. Хоннинг унг томонида шайхулислом, қозикалон, муфтий уламолар, бойлар, чап томонида Ўтаббой мингбоши, девонбеги, Баҳодир шиғовул, Умарали понсод, арконлар, беклар утиришди. Нормуҳаммад, Саидбек, Азимбеклар ҳам шулар қаторида. Ҳаммалари жойлашиб бўлишгач, ҳудайчи қўлларини кўтариб, шайхулисломга қаради.

- Қани, ҳазратим.

Шайхулислом дуо ўқиб бўлгач, юзларга фотиҳа тортилди. Сарбозхонада сукунат чўкди. Ҳамма сабрсизлик билан ниманидир кутарди. Шу пайт созандалар бараварига аллақандай куйни ижро қила бошлади. Йўлак олдида тайёр турган Қилич куйга монанд шахдам қадамлар билан шоҳсупага яқинлашиб келиб, таққа тўхтади. Куй ҳам бирдан тинди. Қилич хонга бир таъзим қилиб олдида, каддини ғоз тутиб, баланд товушда дона-дона қилиб деди:

– Хон ҳазратлари, биринчи ҳарбий юриш кўригини бошлашга рухсат берсалар!

Хон жилмайиб, „изн бердик“ дегандай бош ирғади. Қилич яна бир таъзим қилиб, жойида кескин бурилди-да, тош ётқизилган йўлак томонга йигирма қадамча юриб, таққа тўхтади. Ҳамма нигоҳини унга қаратган. Карнайчи, сурнайчи ва ноғорачилар ҳарбийча куй чалишга тайёр туришар, майдон тўрида беклар, навкарлар, отлиқлар ҳам Қиличнинг буйруғига мунтазир бўлиб туришарди. Харракдагилар шивирлашиб олишди.

– Бек йигитнинг юриши одам юришига ўхшамайдиёв.

– Сездиларингми, ноғора, сурнайларнинг товуши билан баб-баравар юриб кетди.

– Ноғора, сурнай билан юргани яхши, буни биз ҳам кўрдик, билдик. Лекин хон ҳазратларининг олдиларида шартта бурилиб кетди-я. Бу одобсизлик.

– Йўғ-е, буни ҳарбийча юриш дейишяпти.

– Товба, бунақа юришни умримизда кўрмовдик.

– Ҳей, жим бўлинглар, бу ёғини кўрайлик.

Шу пайт Қилич қиличини суғуриб, баланд тутган ҳолда ҳайқирди:

– Бекла-а-ар!! Навкарла-а-ар!! – қиличини пастга қараб силтади. – Бошлангла-а-арр!!

Байроқ кўтарган беклар биринчи қадамни босишлари билан гумбура-гумбур қилиб, ноғора, карнай, сурнайлар бараварига қадамларга мос куйни чалиб юборишди. Супадагилар ҳам, харракдагилар ҳам этлари жимирлашганча ҳаяжонланиб кетишди. Саф тортиб келаётганлардан кўз узмаган ҳолда яккам-дуккам гаплар ҳам бўлди.

– Ҳа, мана буни юриш деса бўлади.

– Қаранг, бараварига қадам ташлашяпти.

– Елкалари ҳам бир вақтда баланд-паст бўлиб юришяпти.

– Офари-и-ин...

Беклар, навкарлар бир маромда қадам ташлаб келишарди. Майдоннинг бурчагига етиб келишлари билан тош ётқизилган йўлакка бурилишди-да, шоҳсупа томон юриб кетишди. Шоҳсупага яқинлашиб келишувди ҳамки, саф олдида кетаётган Ҳамдам понсод ҳайқириб қолди:

– Ҳа, бекла-а-ар!!

Беклар бир овоздан ҳайқиришди:

– Ҳа-ҳа-а-а-а-айт!!!

Ҳайқирикдан кейин ҳаммалари бараварига қўлларини пастга зич қилиб, оёқларини баланд кўтариб ташлаганча „гурс-гурс“ қадам ташлай бошлашди. Ер ларзага келди. Шоҳсупаю харракдагиларнинг юраклари ҳаприкиб кетди. Айримлари ҳатто ўринларидан ярим туриб кетишди.

– Ў-ў-ўҳҳ...

– Мана буниси ҳақиқатан ҳам бошқача бўлди.

– Булар Қиличдан ҳам ўтказдиёв.

Беклардан кейин шоҳсупага навкарлар яқинлашиб қолишди. Навкарлардан уч қадам олдинда кетаётган юзбоши қиличини суғуриб, баланд кўтарди-да, визиллатиб, пастга тушириб ҳайқирди:

– Навкарла-а-ар!!

– Ҳа-ҳа-а-а-а-айт!!!

Навкарлар яп-янги милтиқ қундоқларини кафтларига қўйиб, милини елкаларига тираганча „гурс-гурс“ қадам ташлаб, шоҳсупа олдидан ўта бошлашди. Биринчи юзликнинг ортидан иккинчи юзлик, унинг ортидан учинчи, тўртинчи... Шу ўтишда узилмасдан йигирмата юзлик ўтди. Бунақа ҳарбийча юришни биринчи марта кўриб турганлари учун ҳамма ҳайратда. Ўн-ўн беш дақиқа мижжа қоқмай кузатиб туришди-да, кейин азбаройи завқлари келиб, тўлқинланиб бир-бирлари билан гурунглаша бошлашди.

– Мана бу бошқа га-ап. Навкарларнинг юриши ҳаммасидан ошиб тушди.

– Бир хил қоп-қора чакмон, оёқ олишлари ҳам бир текис, қойил.

– Юришларини кўриб, ичим қизиб кетяпти.

– Қўшинларимизнинг ҳаммаси мана шундай бўлса урисларни таг-туги билан бемалол ағдарса бўлади.

– Илоҳим, айтганингиз келсин.

– Ҳаммаси чиройлику-я, лекин „гурс-гурс“ юриб, этикларни расво қилишди.

– Товба-товба... Бойлигингизга борасиз-да, биродар. Мана бундай шавкатли навкарларимизнинг ҳарбий машқларию юришлари олдида этик нима деган гап?

– Ҳа, энди ҳайф бўлмасин дейман-да, бек ака.

– Тагига нағал қоқилган. Ҳеч нарса қилмайди, вассалом.

– Ундай бўлса, бошқа гап, бек ака, бошқа гап.

Навкарларнинг юришидан хоннинг кўзлари чақнаб кетди. Чордонадан чўкка тушиб ўтириб олди. Хон ҳар бир юзликнинг ўтишини диққат билан кузатар экан, жиддийлашган юзи жилмайиш билан алмашди. „Мана буларни навкар деса бўлади. Бир хил қийимда, салобатли. Бундай юриш уларни руҳан кўтаради. Бундай кўтаринки руҳ билан ҳар қандай ёвга бас келиши турган гап. Яшаворинглар, Саид, Қилич! Яшаворинглар! Катта иш қилдиларинг. Навкарлар тубдан ўзгаргани кўриниб ту-

рибди. Қуроллар янги, ҳам замонавий. Навкарлар сонини кўпайтиришим керак. Пиёдани ҳам, отлиқни ҳам. Агар йигирма беш-ўттиз мингтага етказиб олсам, марра меники. Қурама, Тошканд навкарларини ҳам кўриб чиқиш керак. Бир йил-ярим йил ичида уларни қурол билан таъминлай олсам, кийимларини ўзлари топишади. Ана шундагина хотиржам тортсам керак". Охирги юзлик ўтиши билан ноғорачилар бир фурсат резга чалиб туришди. Сурнайчининг ишораси билан созандалар бараварига бошқа куйни чалиб юборишди. Шу куйга монанд йўлкадан отлиқлар ўта бошлашди. Отларнинг қадам ташлашлари бир хил бўлмаса-да, сафлари текис, чиройли ўтишарди. Ҳамма отлиқларга маҳлиё бўлиб қолди.

– Ё, товба... Отларни ҳам ўргатса бўлар экан-да?

– Таажжуб...

– Нима қипти? Маччойилар айиқни ўргатганда, отлар нима деган гап.

– Тўғри айтасиз.

– Лекин мана шундай ҳолга олиб келишнинг ўзи бўлмайди.

– Тўғри, тўғри...

Ниҳоят, отлиқлар ҳам ўтиб бўлишди. Навкарлар ҳам, отлиқлар ҳам машқ майдонининг икки чеккасидан жой олишди. Ўтирганлар „яна нима ҳунар кўрсатишар экан" дегандай майдоннинг дам у томонига, дам бу томонига сабрсизлик билан кўз югуртиришарди. Шу пайт Йўлчибек додхоҳ шоҳсупа томон кела бошлади. Шоҳсупа рўпарасида таққа тўхтади-да, иккала қўли билан икки томонга ишора қилди. Икки чеккадан йигирматадан қирқта навкар югургилаб келиб, Йўлчибек додхоҳнинг икки томонида саф тортганча ғоз қотишди. Додхоҳнинг ишораси билан навкарлар тарафма-тараф бўлиб, қиличбозлик санъатини намойиш қила кетишди. Гапирса, қилич тегиб кетадигандай ҳамма нафасини ютиб, кўзлари чақнаб жим кузатишди. Ниҳоят, биттаси юрак ютиб, дудуқланиб сўради:

– Қ-қиличлар ҳақ-қиқиймми ёки ч-чўпданми?

– Қарсиллаганини эшитмаяпсизми? Ҳақиқий қилич.

– Э, Худойим-ей...

Қиличбозлардан кейин отлиқ навкарларга гал келди. Юзтача отлиқлар кетма-кет от қўйиб чиқишди. Олдинига майдонни бир мартага айланиб чиқишди-да, кейин баланд-паст тусиқлардан, зовурлардан сакраб ўта бошлашди. Шоҳсупа, харрақдагилар ўзлари ҳам иштирок этаётгандай нафасларини ютиб, ҳаяжонланганча кузатиб ўтиришарди. Отлиқлар бирор-бир қийинроқ тусиқдан сакраб ўтишганда ҳаммалари бараварига „ўҳ" тортиб юборишарди. Отлиқлардан кейин мерганларга навбат келди. Йўлчибек додхоҳнинг ишораси билан навкарлар тарвуздай-тарвуздай келадиган хумчаларнинг йигирматасини юз қадам масофага қатор қилиб териб қўйишди. Биринчи отишмадаёқ хумчалар чил-чил чинди. Майдонни гумбурлаган товушлару оқишсимон тутун қоплади. Юраклари ҳаприқиб, завқланган одамлар қийқириб юборишди. Ҳар отишмадан кейин янги хумчаларни йигирма қадам масофага узоқлаштириб боришди. Нишонга тегизолмаганлар бирин-кетин чиқиб кетишарди...

Ниҳоят, мерганлар мусобақаси ҳам тугади. Курик бошлангандан бу ёғига уч соатларча вақт ўтиб, ниҳоясига етди. Хон шоҳсупада атрофдагилари билан бир зум кенгашиб олди-да, сўнгра ўрнидан турди. Ҳамма қалқиб қўзғалди. Хон табассум билан машқ майдонида турган бекларга, навкарларга қарата баланд товуш билан деди:

– Жаноби беклар! Навкарлар! Сизлар мардонавор юришингиз, кўз илғамайдиган даражада моҳир қиличбозлик, чапдастлик билан от ўйнатиб, тусиқлардан сакрашда беқиёс чавандозлик, узоқдаги нишонни ҳам отиб йиқитадиган мерганлик санъатларингизни кўрсатиб, бизларни хурсанд қилдингиз. Биз ниҳоятда қувондик. Машқларни обдон тобига етказибсизлар. Баракалла! Ҳар доим мана шундай юқори мақомда бўлинглар. Худо хоҳласа, бошқа сарбозхоналарда мана шу машқларни жорий қиламиз. Сарбозхоналар ўртасида мусобақаларни ташкиллаштирамиз. Қиличбозлик, чавандозлик, мерган-

ликда ютиб чиққан навкарлар учун соврин, мукофотларни тавочи беради, – хон атрофга аланглаб қичқирди: – Тавочи-и!!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Бекларга йигирма тангадан, юзбошиларга ўн беш тангадан, сарбозларга ўн тангадан мукофот пули бер.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Машқ майдонида турган Ҳамдам понсод қўлидаги байроқни юқорига силтаган ҳолда ҳайқирди:

– Хон ҳазратлари, яшасинла-а-а-а-ар!!!

Беклар, навкарларга қушилиб, харракдагилар ҳам ҳайқиришди.

– Хон ҳазратлари, яшасинла-а-а-ар!!

– Юзга кирсинла-а-а-ар!!

– Юз йил даврон сурсинла-а-а-ар!!

Ҳудайчи қўлларини кўтариб, шайхулисломга қараб деди:

– Қани, ҳазратим, эл-улусимизни, шуларнинг қаторида шавкатли навкарларимизни дуо қилсинлар.

– Илоҳи, оми-и-ин...

Ҳамма дуога қўл кўтарди. Шайхулислом узундан-узоқ дуо қилганидан сўнг юзларига фотиҳа тортишди. Хон ҳудайчига алланималар деди-да, шоҳсупадан тушиб, дарвоза томон юра бошлади. Арконлар унга эргашишди. Иккита сайис хон отини югургилатиб, олиб келди. Хон арконлар, шаҳсуворлар билан сарбозхонани тарк этгунга қадар қолганлар қўл қовуштириб туришди. Ҳудайчи харракдагиларга қараб қичқирди:

– Ҳаммаларингиз саройга марҳамат қилингларо-ҳо-о-о-ой!!

– Битта қолмай тўғри саройга марҳамат қилингларо-ҳо-о-о-ой!!

– Бир пиёла чой ичиб кетасизларо-ҳо-о-о-ой!!

Харракдагилар „маъқул“ дегандай бош ирғаб, дарвоза томон шошмасдан юра бошлашди. Сайислар бандардан отларнинг жиловини даставлаб, етаклаб келиб, тайёр

турган ҳолда меҳмонларни кутишарди. Тавочи бир чеккада Ҳамдам понсод ва Жонибек понсоддан бек, навкарларнинг рўйхатини ёзиб оларди.

* * *

Оренбург... Шаҳар ҳар галгидай гавжум. Беш-ўнта давлатлардан мунтазам равишда савдогарлар қатнагани учун бу шаҳар Россиянинг бошқа шаҳарларига қараганда анчагина обод. Россия Туркия, Англия, Франция давлатлари билан жанг олиб бораётган бўлса ҳам урушнинг шаҳарга деярли таъсири бўлмади. Ўттизтага яқин катта-кичик офицерларни фронтга чақиртиришди холос. „Уруш ўз йўли билан, тирикчилик ҳам керак“ дегандай ҳатто Туркистон хонликларидан ҳам карвонлар кела бошлади. Халқ кундалик иши билан машғул. Фақат император Николай I бевақт вафот этиши муносабати билан шаҳарда уч кун мотам эълон қилинди. Губернатор биноси томидаги байроққа қора лента боғлаб қўйишди. Шаҳарда уч кун кўнгилочар тадбирлар бўлмади.

Ҳақиқатан ҳам уруш айни авжига чиққан пайтда Россия императори Николай I 1855 йил 2 мартда тўсатдан вафот этди. Ўғли Александр II тахтга ўтирди. Императорнинг ўлими Перовскийга қаттиқ таъсир қилди. Унинг императордан умиди катта эди. Уруш бошланмасдан олдин ўйлаб қўйган режаларини батафсил қоғозга тушириб, Петербургга жўнатди. Уч ойлар ичида императордан „тасдиқлайман“ деган жавобнома олди. Режалари министрлар муҳокамасидан ўтиб, император томонидан тасдиқланиши Перовскийни беҳад қувонтириб юборди. Лекин уруш бошланиб режалари амалга ошмай қолди. „Ҳақ“ деб уруш тугашини сабрсизлик билан кутиб юрган эди, „дард устига чипқон“ дегандай император юрак хуружи оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Ниҳоят, бир йилдан кейин 1856 йил февраль, март ойларида Россия империясининг мағлубияти билан уруш тугади. Англия, Франция, Туркия иттифоқи ғалаба қозонди. Давлатлар ўртасида

музокаралар олиб борилди. Иттифоқ фойдасига битимлар тузилиб, шартномаларга қўл қўйилди. Урушдан ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жароҳат олиб, чарчаб чиққан тўртала давлат ўзларига келиб олиши учун узоқ йиллар керак бўлди.

Перовский доим юраги ғаш бўлиб юрганидан тез-тез касалга чалинадиган бўлиб қолди. Яқин орада бир иш чиқишига кўзи етмагани учун истеъфо сўраб, мактуб битди. Александр II истеъфони қабул қилмай уни „тож кийиш" муносабати билан Петербургга чақиртирди. Хизматлари учун киборлар олдида тантана билан граф унвонини бериб, авлиё Андрей Первозванний ордени билан тақдирлади. Император қабул охирида қўлини Перовскийнинг елкасига дўстона қўйиб деди:

– Василий Алексеевич, сизни ниҳоятда ҳурмат қиламан. Марҳум отам сиз ҳақингизда кўп илиқ гаплар айтар эдилар. Отамга ёзган ҳисоботларингизни ўқиб чиқдим. Ҳисоботда ёзган режаларингиз менга жуда ҳам маъқул. Мамлакатимизнинг Ғарбий Сибирь ҳамда Сирдарё чизиғи бўйлаб Орол форти билан бирлаштириш ўта муҳим. Агар шу ишни амалга оширсак, учала хонликни биринкетин босиб олишимиз учун катта имконият очилади. Албатта, Қўқон хонлигидан бошлаймиз. Ҳали бирга кўп ишлар қиламиз, Василий Алексеевич, фақат бир оз сабр қилиб туришимиз лозим. Хабарингиз бор, яқиндагина урушдан чиқдик. Ўзимизга келиб олишимиз керак. Узоғи билан бир йил-ярим йил. Вақти келди, дегунча сизга хабар юбораман. Истеъфо тўғрисида эшитишни ҳам истамайман. Ниятим Ўрта Осиёга сизни генерал губернатор этиб тайинлаш.

Графлик мақоми ҳамда орден билан тақдирланган Перовский императорнинг гапини қайтаришга ботинмади. Оренбургга қайтиб келишга мажбур бўлди. Кабинетида алланималарни ёзиб бўлиб, ручкани сиёҳдон четига оҳиста қийшайтириб қўйди. Чуқур нафас олиб, оромкурсига ўзини ташлади. Кўзларини юмганча хаёлга чўмди. „Биби Марям, император истеъфога чиқишимни қабул

қилмади. Устига устак, орден берди, графликни ҳам берди. Бу умрнинг охиригача хизмат қилиш дегани. Хизматдан қочмайман, лекин кутиш жонга тегди. Яна қанча кутиш мумкин? Ёз ҳам бошланиб қолди. Ҳарбий юришнинг айни пайти. Лекин юқоридан рухсат бўлмагунча бунинг иложи йўқ. Рухсат кутиб ўтирмасдан бор захиралар билан ўзим бошлаб юборсаммикин? Биринчи бўлиб Туркистонни оламан, кейин Чимкентни. Ғолибларни суд қилишмайди. Ана ундан кейин маблағ ҳам, қурол-ярог ҳам, озиқ-овқат ҳам юборишади. Шон-шараф ўзи келади. Ғалаба қозонсам яхши, Худо кўрсатмасин, мағлубиятга учраб қолсам-чи? – Хивадаги мағлубиятини эслаб, Перовскийни тер босди. – Э йў-ўқ, кўр ҳассасини бир марта йўқотади. Мағлубиятдан ортиқ шармандалик бўлмаса керак. Жангда мағлубиятга учрасам ҳам майлига эди. Лаънати қумбурон, совуқ, ўлатдан минглаб аскарлар бекордан-бекорга қирилиб кетди-я. От ва туяларни айтмасам ҳам бўлади. Мана шуларнинг аламини олишим керак. Уч-тўртта қўрғончалар, Оқмачит камлик қилади. Туркистон, Чимкентдан кейин Тошкентни ҳам оламан. Ушандагина хотиржам тортаман. Ишқилиб, соғлиғим панд бериб қўймаса бўлди. Касалликдан ўлиб кетсам-а... Бр-р-р... Қандай бемаъни ўлим. Парвардигор, бундай бемаҳал ўлимдан ўзинг сақла. Адмирал Нахимов шарафли ўлим топди. Жанг пайтида снайпер ўқидан ўлди, дейишди. Нақадар шарафли ўлим". Шу пайт стаканли лимонча кўтарган адъютант кириб келди.

– Жаноби олийлари, дори ичадиган вақтингиз бўлди.

Перовский индамасдан дорини ичиб, стаканни қайтариб берар экан, афтини бужмайтирди.

– Ф-фу, жин урсин, бунча ҳам аччиқ бўлмаса.

Қабулхона томондан оёқ товуши эшитилиб, иккови ҳам эшикка қарашди. Қия очиқ эшикдан Карпиннинг кулиб турган юзи кўринди.

– Рухсат этинг, граф жаноблари.

Карпинни кўриб, Перовскийнинг кайфияти кўтарилди, ҳатто астойдил хурсанд бўлиб кетди. Ана энди обдан суҳбатлашади. Ичида борини тўкиб солади.

– О-о... Дмитрий Максимович, марҳамат, азизим, марҳамат, – Перовский унга пешвоз чиқиб, қўл сиқишиб сўраша кетди, – неччи ёз, неччи қиш, қарийб тўрт йил бўлибди-я. Яхши келдингизми? Йўлда қийналмадингизми?

– Худога шукур, ниҳоят, етиб келдим. Йўл азобини ўзингиз биласиз-ку! Дам отда, дам извошда. Ўзингиз яхшимисиз, Василий Алексеевич? Титул, орденлар билан табриклайман. Эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим.

– Ташаккур. Қаердан эшита қолдингиз?

– Ишимиз шунақа, Василий Алексеевич.

– Шундай денг.

Адъютант ликопча тутган ҳолда қаддини ғоз тутиб, пошналарини уриштирди-да, бош силкиб кабинетдан чиқди. Перовский Карпинни курсига таклиф этди.

– Бу ёққа марҳамат қилинг, Дмитрий Максимович, рўпарамга ўтиринг, ана шундай. Энди гапиринг, азизим, тўмток қилиб тугатиб қўяқолманг, бир чеккадан батафсил гапириб беринг. Ахир тўрт йил бекорга юрмаган бўлсангиз керак?

– Шундай, Василий Алексеевич, тўрт йил ичида кўп ишлар қилдик. Бошламасига, генерал Гасфорд жаноблари-дан сизга кўпдан-кўп саломларини етказиб қўйишимни илтимос қилдилар.

– О-о, генерал Гасфорд, Сибирь аристократи.

– Тўғри топдингиз, ҳақиқий немис аристократи. Сибирь губерниясида шундай тартиб ўрнатдики, мужиклар у ёқда турсин, ҳатто қозоқлар ҳам баринларга тақлид қиладиган бўлиб кетишди.

– Қозоқлар ҳам денг? Ҳа-ҳа-ҳа, – Перовский бошини орқага ташлаганча қаҳ-қаҳ отиб кулди. – Бу иш Гасфорд жанобларининг қўлидан келади. Қозоқлар билан тил топиша олдингларми?

– Топганда қандай. „Ким ёрдам берди“ денг?

– Ким ёрдам берди?

– Семёнов. Пётр Петрович.

– Анови география, ботаника билан шуғулланиб юрадиган олимни айтяпсизми?

– Худди шундай, граф жаноблари. Биз у жанобни разведкага жалб қилдик.

– Разведкага-а?! – ҳайратланиб сўради Перовский. – Қўлли микроскоп, қалам-қоғоз бўлган олимдан қандай разведкачи чиқиши мумкин?

– О-о, граф жаноблари, унча-мунча тажрибали разведкачи қила олмаган ишларни Пётр Петрович қалам-қоғоз билан дўндириб ташлади.

– Йўғ-е, ростданми?

– Ростдан. Ўтган йили Пётр Петровични экспедицияга бошлиқ қилиб...

– Маъзур тутинг, Дмитрий Максимович, – Перовский Карпиннинг гапини бўлди, – марҳамат қилиб, воқеаларни бир бошдан гапириб берсангиз. Ахир биз учун дунёда бўлаётган ҳамма нарса қизиқ-ку.

– Шунақа денг? Марҳамат, ижозатингиз билан бир бошдан бўлса, бир бошдан-да. Ёдингизда бўлса, чамаси турт йиллар олдин худди шу кабинетда сизлар билан хайрлашиб, Петербургга жўнаб кетувдим. Извошдан извошга миниб, Қозонга, кейин Москвага, Москвадан Петербурггача паровозда етиб олдим. Эртаси куни граф Орлов адъютанти олдига кириб, қабулга ёздирдим. Бир ҳафтадан кейин граф қабулига чақиртирди. Икковимиз қарийб икки соатларча суҳбат қилдик. Режаларим унга маъқул бўлди. Хуллас, йигирма кунлардан кейин император зоти олийларининг буйруқларига биноан Москвага жўнаб кетдим. Москвадан Қозонгача извошларда етиб олдим. Қозондан ўқ-дори, қурол-яроғ ортилган йигирмата от-арава билан аскарлар кузатувида, йигирма кунларда кўзлаган манзилимиз Ғарбий Сибирь губернияси пойтахти Омск шаҳрига етиб келдик. Губернаторнинг қабулига кирдим. Ҳужжатларни топширдим. Генерал Гасфорд билан танишдик, гаплашдик, ҳатто бирга тушлик қилдик. Қўқон хонлигига қарашли ерларга нисбатан сиёсий, ҳарбий фикрларимиз бир жойдан чиққани учун гапларимиз қовушиб кетди. Бир ҳафта ичида келгуси ишларимизнинг майда-чуйдасигача муҳокама қилдик.

Режаларимиз бўйича Усть-Каменогорск шаҳридан бошлаб, Или дарёси ортигача уч-тўртта қалъалар қуришимиз лозим эди. Бу ерлар Сибирь ерларига қўшилиб кетган Дашти Қипчоқ ерлари. Бу жойларда қозоқларнинг Катта жуз уруғлари кўчманчи ҳаёт кечиришади. Катта жуз уруғининг бир қисми Россия тобелигига ўтган. Лекин Или ортидаги қозоқ уруғлари Қўқон хонлиги тасарруфида эди. Биз охирги қалъани Олмаота овули ёнига қуришни мўлжалладик. Агар мана шу ишларимиз амалга ошса Қўқон хонлигига қарашли Туқмоқ қалъасига юз эллик чақирим, Пишпак қалъасига эса икки юз қирқ чақирим қолади. Мен Ғарбий Сибирь губерниясини учинчи бўлимини бошқара бошладим. Гасфорд жаноблари билан хайрлашдим-да, ўттиз иккита аравадан иборат карвон билан аскарлар кузатувида Павлодар, Семипалатинск орқали Усть-Каменогорск шаҳрига етиб келдим. Бир ҳафта ичида жойлашиб, ён-атрофни кўздан кечирганимдан кейин ишни ўзимизга тобе уч-тўртта қозоқ бийларидан бошладим. Улардан Или дарёси ортида яшовчи қозоқларни суриштирдим. Ҳар бир уруғ бийларини алоҳида-алоҳида рўйхатга олиб, ўрганиб чиқдим. Кейин уруғларнинг бир-бирига нисбатан муносабатини аниқладим. Уруғлар ўртасида иттифоқлик деярли йўқ. Ҳар икки-уч ой ичида бир уруғ иккинчи уруғнинг овулига бостириб бориб, зўравонлик қилар экан.

– Бостириб борар экан? Ё товба, нима учун?

– Сиёсат учун бўлса керак. Бир мартага қирғин қилиб, қизларни, ёш келинчакларни асирга олишар, овулга ўт қўйиб, молларни ҳайдаб кетишар экан. Мағлубиятга учраган, таҳқирланган уруғлар кўпчиликни ташкил қиларкан. Шу ерлик ёши улуғ бийлардан иккитасини ўртага қўйиб, мағлубиятга учраган бийларни битта-битта чақиртириб, суҳбатлашдим. Уларга қурол-яроғ билан ёрдам беришимни айтганимда кўзлари чақнаб кетганини кўрсангиз эди. Бийларнинг ҳаммалари билан деярли бир хил шартномалар тўздик.

– Ўҳ-ҳў, қозоқ бийлари билан шартнома тўздингизми?

– Худди шундай. Шартнома беш-олти банддан иборат бўлиб, биринчи бандида Россия давлати билан дўстона муносабатда бўлиш, биздан қурол-яроғ олган уруғ билан алашмаслик, қурол-яроғ эвазига қалъа қурилишига ҳар томонлама ёрдам бериш ва маълум вақтгача қалъада ишловчиларни озиқ-овқат билан таъминлаш ва ҳоказо.

Шартномаларга муҳрлар босилгандан кейин бийларнинг уруғида эркаклар сонига қараб, юз эллик-икки юзтадан милтиқ, патрон улашдим. Шундай қилиб, ишларимиз юришиб кетди. Қалъа қурилишларини бошлаб юбордик. Усть-Каменогорск шаҳридан Олмаота овулигача минг чақиримдан кўпроқ. Юз эллик-икки юз чақиримда биттадан қалъа қура бошладик. Олтита қалъани деярли бир вақтда бошладик. Омск, Железинск, Петропавловск, Павлодар, Семипалатинск, Усть-Каменогорск шаҳарларидан қурилиш батальон аскарларини ташладик. Қозоқлар бизларни мунтазам равишда озиқ-овқат билан таъминлаб туришди ҳамда мингга яқин ишчи кучи беришди. Қурилиш ишлари қарийб ярмидан ўтиб қолганида император зоти олийлари тўсатдан вафот этиб қолдилар. „Ишни тўхтатишмаса эди“, деб чўчиб турувдим, қурилиш материаллари ва ишчи кучи ички резервдан бўлганлиги учун ҳартугул тўхтатишмади.

– Маъзур тутинг, Дмитрий Максимович, сиздан қурол олган қозоқлар нима қилишди?

– О-о, уларми? Улар тўрт-беш ой ичида ҳамма ғаним-ларидан уч олишди. Шундай уч олишдики, қизлар билан молларни икки баробар қилиб қайтариб олишди.

– Шунақа денг?

– Қизиғи шундаки, уша ур-тўполон, қирғиндан кейин у томондан ҳам, бу томондан ҳам бийлар бошчилигида уруғлар бирин-кетин Россия тобелигига ўта бошлашди. Икки йил ичида қалъаларни деярли қуриб бўлдик. Ўртадаги қалъалар ихчамроқ бўлса-да, лекин Олмаота овули ёнида қурилган қалъани ҳашаматли қилиб қурдик. Уша атрофдагиларнинг кўзига сиёсат учун. Қалъага „Верний“ деб ном бердик.

– „Верний“ деб ном қўйдик, дейсизми?

– Худди шундай.

– Қойи-ил, қурилиш ишларига хоннинг навкарлари қаршилик кўрсатишмадими?

– Йўқ, қаршилик кўрсатишмади, фақат бир марта Тўқмоқ қалъасидан юз-юз элликтача отлиқ навкарлар келишди. Узоқдан бизни кузатиб туришди. Биз ҳам ҳар эҳтимолга қарши тайёрланиб турдик, лекин ишни тўхтатмадик. Ишни тўхтатмаслик жуда муҳим эди. Ўзимиз учун ҳам, қозоқлар учун ҳам, навкарлар учун ҳам. Бу бир сиёсат эди. Навкарлар ярим соатча у ёқдан-бу ёққа от йўрттириб юришди-да, кейин бирдан келган жойларига қараб от қўйиб кетишди.

– Навкарлар бошқа келишмадими?

– Йўқ, келишмади.

– Қозоқлар-чи? Қозоқлар нима қилишди?

– Уларнинг кўпчилиги Россия тобелигига ўтишган бўлса ҳам, бетараф бўлиб туришди. Бизнинг заррача ҳам чўчимасдан ишни давом эттанимизни кўриб, бизга нисбатан ишончлари ошди. Назаримда олдин ҳадиксираб юришарди, навкарлар ҳеч иш қилолмай кетишгандан кейин анча хотиржам тортишди. Биз Усть-Каменогорск шаҳридан Верний қалъасигача чегараларимизни мустаҳкамлаб олдик. Лекин бу режаларимизнинг биринчи босқичи эди холос. Ўзингизга маълумки, кейинги босқичлар Тўқмоқ ва Пишпак қалъааси атрофларини ўрганиш, қалъага қайси томондан, қандай бориш керак ва ҳоказо. Кейин қирғиз уруғларининг ерлари бўлмиш Иссиққўл, Тянь-Шань тоғларининг географик томонларини ўрганишимиз жуда зарур эди.

– Ё, товба, Тянь-Шань тоғининг бизга нима кераги бор?

– Керак бўлганда қандай, Василий Алексеевич! Олдинига Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота қалъаларини босиб оламиз. Бир вақтнинг ўзида сиз бу ёқдан Туркистон, Чимкент шаҳарларини босиб оласиз. Кейин биргаликда Тошкент шаҳрини забт этамиз. Ёдингизда бўлса, бу режаларни иккимиз тузган эдик.

– Шундай, мен бу ҳақда император зоти олийларига хисоботимда баён қилиб юборган эдим.

– Биламан, шунинг учун ҳам ишларимиз тезлашиб кетди. Хуллас, Тошкентни олганимиздан кейин бизга Иссиққул билан Тянь-Шань керак бўлади. Боя айтганимдек, у ерларда асосан қирғиз уруғлари яшайди. Уларни қўлга олганимиздан кейин биз учун Шарқий Туркистонга йўл очилади.

– Ўҳ-ҳў, Шарқий Туркистон? Бу ҳақда олдин менга ҳеч нарса демаган эдингиз.

– Маъзур тутинг, Василий Алексеевич, бу фикр менда кейин туғилди. Разведка маълумотларига қараганда Шарқий Туркистон Қашқар, Қулжа, Урумчи, Хўтан, Или, Кучарга ўхшаган бир нечта майда хонликларга бўлиниб кетган экан. Биз уларни бир ҳамлада босиб оламиз. Кейин бизга қуруқлик томондан Хитойга йўл очилади.

– Хитойга-а-а!

– Худди шундай, Хитойга... Кейинчалик Шарқий Туркистонни Порт-Артур шаҳри билан бирлаштириш ниятимиз ҳам йўқ эмас.

– Ўҳ-ҳў, қойи-ил... Бу дунёнинг учдан бири деса ҳам бўлади.

– Қарийб ярмиси ҳам деяверинг, шундай қилиб, Верний қалъаси ён-атрофларини мустаҳкамлаб олдик. Энди Туқмоқ ва Пишпак қалъаларини босиб олиши учун қулай фурсатни кутиш қолган эди. Лекин биз у ерларни паст-баландини билмасдик. Юз-юз элликта отлиқ казак билан разведка қилиш эса, бу очиқдан-очиқ ўзга мамлакат ерига бостириб кириш билан баробар эди. Шунинг учун биз Госфорд жаноблари билан антиқа йўл тутдик. Бир вақтлар Петербургдалигимда география-археология уюшмасининг олимлари ўртасида „Сибирь ерларига экспедиция уюштириш керак“ деган гаплар қулоғимга чалингандай бўлувди. Омскка келиб, Гасфорд жаноблари билан кимга учрашиш ва нималар қилиш ҳақида маслаҳатлашиб олдим-да, эртаси куни Петербургга жўнаб кетдим. Уюшмада Пётр Петрович билан учрашиб,

икковимиз роса суҳбатлашдик. Экспедицияга кетадиган харажатлар Ғарбий Сибирь губернияси томонидан таъминланишини эшитиб, дарҳол рози бўлиб қўяқолди. Икки кундан кейин иккита ассистентини ва керакли асбобларини олди-да, бирга паровозга ўтириб, жўнаб кетдик. Экспедицияни узоқ сафарга Верний қалъасида тайёрладик. Тўрт-беш ойга етадиган озиқ-овқат захира олишди. Кейин нивелир, теодолит, микроскоп, қаламқоғозлар, хуллас, гугуртдан тузгача, ипдан игнагача таъминлаб бердик.

– Экспедицияга нечта одам борадиган бўлди?

– Борадиганларми? Пётр Петрович билан иккита ассистенти, олтита казак, Чодир тортиш, отлардан юкларни ортиш-тушириш учун тўртта қирғиз, битта ошпаз, битта йўл бошловчи қирғиз, битта тилмоч татар, жами ўн олти киши.

– Нега энди қирғизлар? Қозоқлар-чи?

– Экспедиция юрадиган маршрутларда фақат қирғизлар яшайди. Қирғизларни ишга олишимиз шундан. Хуллас, ўтган йил июнь ойининг бошларида Иссиққўл томон жўнаб кетишди-да, сентябрь ойининг ўрталарида қайтиб келишди.

– Ўҳ-ҳў, салкам тўрт ой юришибди-я.

– Худди шундай. Мана шу тўрт ой ичида Пётр Петрович биз учун ниҳоятда қимматли, ноёб материаллар олиб келдилар. Қанақа денг? Иссиққўлнинг айланаси бўйича, Тўқмоқ ва Пишпак қалъаларининг ён-атрофларини картография қилиб, кейин харитага туширилган. Бу ҳақиқатан ноёб материал. Ҳозирнинг ўзидаёқ Тўқмоқ ва Пишпак қалъаларига ҳужум қилса бўлаверади.

– Қойил, зўр-ку.

– Бу йил ёзга чиқиб, Пётр Петрович янги экспедиция уюштирмоқчилар. Бу сафар Тянь-Шань тоғининг ёнбағирларига саёҳат қилишмоқчи. Шу муносабат билан олдингизга бир илтимос билан келувдим.

– Марҳамат.

– Бизга жаноб Вельяминов-Зерновни берсангиз.

– Владимир Владимировични айтяпсизми?

– Худди шундай, у жаноб қирғиз, қозоқ тилларини яхши биладилар, ҳам географияга қизиқадилар. Экспедицияда Пётр Петровичга ҳамроҳ бўлсалар, айни муддао бўлар эди.

– Афсус, бунинг иложи йўқ.

– Иложи йўқ? Нега энди?

– Жаноб Вельяминов-Зерновни ўтган йили Осиё департаментига чақиртириб олишди. Ҳозир у Петербургда.

– Эҳ, буни қаранг-а... Ростдан чақиртиришдими?

– Ростдан, Дмитрий Максимович. Жаноб Вельяминов-Зернов бир йилдан бери департаментда хизмат қилаяптилар.

– Афсус, олдинроқ Омскдан телеграф орқали билиб олсам бўлар экан, минг афсус. Энди нима қилдим?

– Асло ташвиш тортманг, азизим, бундан осони йўқ. Биздан Петербургга телеграф жўнатиб қўяқоласиз, вассалом. Жаноб Вельяминов-Зерновни ўзлари жўнатиб юборишади-қўйишади. Қалай, бўладими?

– Ташаккур! Бўлганда қандоқ. Худди айтганингиздек қиламан.

– Константин, – Перовский адъютантини чақирди.

– Эшитаман, жаноби олийлари.

– Дмитрий Максимовични телеграфхонамизга кузатиб боринг.

– Эшитаман, жаноби олийлари.

– Сизни эса кечки овқатга таклиф этаман, Дмитрий Максимович. Кахетин виносидан бор. Би-ир суҳбатлашамиз.

– Жоним билан, Василий Алексеевич. Кечқурун албатта ҳузурингизда бўламан. Энди менга рухсат.

Карпин қаддини ғоз тутиб, бош силкиди-да, Константиннинг ортидан эргашиб, кабинетдан чиқди. Перовский уни кузатиб, қайта оромкурсига ўтирди. Бошини орқага ташлаб, кўзларини юмганча хаёлга чўмди. „Эҳ, Карпин, Карпин... Яшавор, азамат. Икки йил ичида анча-мунча ишларни амалга оширибди-я. Энг муҳими – Верний

қалъаси билан харита. Гапларига қараганда бу йил ҳарбий юриш бўлмайди, шекилли. Унда қачон бўлади? Ҳечқиси йўқ. Кечқурун суҳбатда у билан гаплашиб, келишиб оламан. Карпин билан келишса бўлади. Келаси йил ҳарбий юришни бошлашга кўндираман. Э, Худо, қани энди ҳарбий юриш тезроқ бошланса. У ёқдан Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота қалъалари босиб олинса, бир вақтнинг ўзида бу ёқдан Туркистон, Чимкент, кейин бирлашиб, Тошкент босиб олинса. Мен Туркистонга губернатор бўлсам. Қандай яхши. Фақат соғлиғим панд бериб қўймаса бўлди. Ў-ўҳ, лаънати касаллик". Перовский ширин хаёллардан кейин аччиқ дори ичгандай юзини бужмайтирди. Лекин у ниятига етолмади. Орзулари рўёбга чиқмади. Соғлиғи кундан-кунга ёмонлашиб бораверди. Врачлар консилиум ўтказиб, ҳавони ўзгартиришни маслаҳат беришди. Перовский соғлиғи жиҳатидан истеъфога чиқаришларини сўраб, императорга ҳат орқали мурожаат қилди. Император бу сафар унинг илтимосини рад этмади. Перовскийнинг ўрнига губернатор қилиб генерал Катенинни юборди. Бир ҳафта ичида губернаторлик ишларини Катенинга топширди. Хайрлашиш олдидан қалингина жилдни стол устига оҳиста қўйди. Катенинга қараб, аранг жилмайганча ҳорғин товушда деди:

– Бу менинг рўёбга чиқмаган орзуларим. Бир нусхасини зоти олийларига юборганман. Тасдиқдан ўтган. Бу ишларни амалга ошириш менга насиб қилмайди, шекилли. Илоҳим, сизга насиб қилсин. Мана шу режалар бўйича иш олиб борсангиз, сиздан беҳад миннатдор бўлардим. Телеграф ёки хат орқали Гасфорд ва Карпин жаноблари билан алоқада бўлиб туринг. У жаноблар билан орзу, режаларимиз бир хил, Ўрта Осиёни тамоман босиб олишдан иборат эди. Энди менинг ўрнимга сиз ҳаракат қилинг. Ана шунақа гаплар, азизим, сизга омад тилайман.

Перовскийнинг аранг гапирган гапларидан таъсирланган Катенин ўрнидан туриб кетди. У Перовскийга қандай қилиб тасалли беришни билмасди.

– Граф жаноблари, Василий Алексеевич, нималар де-

яхсиз? Бу ишларга ҳали ўзингиз бош бўлиб, охирига етказасиз. Мен фақат сиз айтгандай қилиб, ишларни олиб бораман, холос. Сиз Қримдан даволаниб келгунингизга қадар режаларингиз бўйича иш олиб боришга онт ичаман.

– Миннатдорман, азизим. Сиздан беҳад миннатдорман. Оҳ, қани энди сиз айтгандай бўлса эди...

Эртаси куни Перовский Қримга жўнаб кетди. Қримда бор-йўғи саккиз ойларча яшади холос. Умрининг охиригача Алупкада князь Воронцовнинг қасрида туради ва шу ерда 1857 йил 8 декабрь куни вафот этди. Перовскийдан меросхўр қолмади. У уйланмаган, никоҳсиз туғилган ўғилчаси Алексей эса ёшлигида вафот этган эди.

II БОБ

Дегрезлик маҳалласи... Ҳокимойимнинг тўнғич қизи Моҳлар ойимнинг ички, ташқи ҳовли, боғ-роғлари пахса девор билан ўралган данғиллама хонадони. Уч-тўрт ёшлар атрофидаги ўғилчаси Фозилбекка суннат тўйи муносабати билан бир ҳафта халққа ош берди. Хотиноши, чукбурон ҳам ўтди. Узоқ-яқиндан келган қариндошлар тўйдан кейин уч-тўрт кун мириқиб „супрақоқди“ қилишди-да, бешинчи куни бола-бақралари билан чувиллашганча қишлоқ, овулларига жўнаб кетишди. Хизматдаги йигитлар дарвоза олди майдончанинг бир чеккасида қурилган дошқозонларни ерўчоқдан кўчириб, араваларга ортишарди. Бошини оқ дурра билан танғиб олган бош ошпаз терлаб-пишганча йигитларга йўл-йўриқ кўрсатарди.

– Қозонларни араваларга тунтариб ортинглар, ҳа, баракалла, энди арқон билан тўрт томондан тортиб боғланглар, ана шундай. Қолган ўтинларни жойига олиб бориб, тахланглар. Сан учовинг ўчоқларни бир чеккадан кўмаверинглар.

Ичкари ҳовлида канизаклар идиш-товоқларни ювиб, артган, ҳовлини супуриб-сидирган, ҳужра, танобийларни тартибга келтириш билан машғул. Меҳмонларни кутиб,

кузатишдан чарчаган Ҳокимойим таҳорат олиш учун канизак кузатувида хос ҳужрасидан чиқиб, атрофга аланглади. Ён томондаги ҳужрадан чақалоқнинг қийқирганию канизакларнинг кулгиларини эшитиб, жилмайди. Бир йил олдин хоннинг хотини Пошша Бону ойим ўғил туғди. Бир дунё қувончга тўлган Ҳокимойим неварасига Мадаминбек деб исм қўйиб, қулоғига азон-такбир айттирди. „Худойимга шукур, авлодим кўпайди. Кўпаяверсин. Худо хоҳласа, бу йил ўтиб, янаги йил Султонмуродбекнинг ҳам бошини иккита қилиб қўйсам хотиржам бўлардим. Илоҳим, шу кунларга омон-эсон етқазгин, Парвардигорим". Ҳужрага қараб юрар экан, ортидан келаётган канизакка деди:

– Сен бориб, офтобани тўғрилаб тур.

– Хўп бўлади, ойихоним.

Ҳокимойим ҳужрага кириши билан малика ойимлар, канизаклар дарҳол туриб, таъзим адо қилишди. Фақат кайвони ўтирган ҳолда шаҳзодани бешикдан олиб, чаққон кийинтирарди.

– Келдингизми, хонбувиси? Мана, биз ҳам аммаси берган янги кўйлакчаларни кийиб бўлдик. Ана, хонбувиси келдилар... Ё, пирим! – кайвони шаҳзодани даст кўтариб, Ҳокимойимга қараб юрди. – Ана, хонбуви, ҳай-ҳай, секинроқ, қўлимдан тушиб кетасан...

Шаҳзода Ҳокимойимга талпинди.

– Вой, ўзимнинг шаҳзодам, полвоним, баҳодирим, – Ҳокимойим уни қўлига олиб, юзларидан чўлп-чўлп ўпди, – асалим, ширинам... Буни қара, Сарви, қош-кўзи хоннинг ўзгинаси-я, қуйиб қўйгандай, – шаҳзодани бир оз эркалади-да, кейин онасига берди. – Қани, малика ойим, шаҳзодани олинг, ана шундай, – танобийга қараб юрар экан, кайвонини чақирди. – Сарви-и, сан бу ёққа юр.

– Лаббай, ойихоним.

– Мунча ташқари жим-жит? Қолганлар қани?

– Ҳаммалари Фозилбекнинг ҳужрасида, ойихоним. Тўй болани ўртага олиб, у ёқдан-бу ёққа юрғизишяпти.

– Яхши, ман аср намозини ўқиб, бир оз дам оламан.

Бу ёғига ўзинг қара. Болалар эсингдан чиқмасин. Кун бўйи югуришиб, чувиллашиб, овқат ҳам ейишмагандир.

– Бу ёғидан хотиржам бўлинг, ойихоним, бемалол намозингизни ўқиб, дам олаверинг. Ҳаммасини саранжом қилиб, кейин олдингизга кираман.

– Маъқул...

Ҳовлида Олтиной бир тўп болалар билан ёнғоқ ўйнарди. Ўғил-қиз аралаш. Саидакрамхон ҳам шуларнинг ичида. Югур-югурдан ҳаммалари терлаб, пишган. Фақат чеккароқда Бодомгул Олтиной ютиб олган ёнғоқларни халтачада кўтариб олган, олдида типирчилаб турган уч яшар қизи Олмагул билан Олтинойнинг иккига кирган уғилчаси Саидаъзамхонни бир қўллаб аранг ушлаб турарди. Болаларга қўшилиб югургиси келган Олмагул ҳар-ҳар вақт онасига хархаша қилиб қуяди.

– Мен ҳам ёнғоқ ўйнайман.

– Ҳали ёшсан, қизим, сал катта бўлгин, кейин ўйнайсан. Қара, туражоним ҳам ўйнамаяпти-ку.

– Й-ў-ўқ...

Ҳокимойим таҳорат олиш учун танобийдан юриб, ҳовлига чиқар экан, болалар билан қий-чув қилиб, ёнғоқ ўйнаётган Олтинойга кўзи тушди.

– Ия, вой, ё товба, – жойида таққа тухтаб, қовоғини уйганча Олтинойга қараб, қичқирди, – ҳой, сан болаларнинг ичида нима қилиб юрибсан, туяқуш?

– Ёнғоқ ўйнаяпман, ойихоним, – жавоб берди, Олтиной, терлаган юзини артиб.

– Ҳе, ёнғоқ ўйнамай ҳар нарса бўл. Кап-катта хотин ёш болалар билан ёнғоқ ўйнагани уялмайсанми? Афтингорингга қара!

– Вой, ойихоним, афтимга нима қипти? Ундан кўра мана буни қаранг, қанча ёнғоқ ютиб олдим. Бодом, ойихонимга ёнғоқларимни кўрсат. Чаққон ўйнаганимни бир кўрсангиз эди, ўзингиз ҳам ўйинга қўшилиб кетар эдингиз.

– Нима-а? Ме-ен? Товба, товба, оламда бу икковидан ўтадиган тентак йўқ, – ҳовучи тўла ёнғоқ ушлаб турган Бодомгулга ўқрайиб қаради. – Сан нимага бақрайиб турибсан?

– Хонзода ойим ёнғоқ ютиб олдилар, ойихоним.

– Йўқол, икковинг ҳам, аҳмоқлар! Ёнғоқ ўйнаганларингни бошқа кўрмай. Нақ териларингни шилиб оламан.

– Бодом, қочдик! – Олтиной танобийга қараб югуриб қолди.

– Ҳой, тўхта, халтани ташлаб кет, писмиқ... Энди йўқол!

Бодомгул қўлидаги халтачани ерга ташлади-да, ўзи Олтинойнинг ортидан югургилаб қолди. Ҳокимойим жилмайганча бир-бирини суриб, йиқитиб, халтани тортқилаётган болаларнинг бирини бошини, бирини елкасини силаб туриб, бир сирни очмоқчи бўлгандай уларга қараб шивирлади:

– Менга қаранглар, бир нарса айтайми?

– Айтинг, хонбуви.

– Тезроқ айтақолинг.

– Менгаям айтинг.

– Секин, жим бўл баринг. „Жим“ деяпман. Ҳозир секин Сарви холангни олдига боринглар, сизларга бир нарса беради.

– Нима беради, эна?

– Бир нарса. Тез боринглар.

Болалар чувиллашганча танобийга қараб югуриб қолишди. Ҳокимойим таҳорат олиб, хос ҳужрасида намозни ўқиб бўлгач, болишга суяниб, тин олди. „Уф-ф, Худога шукур, тўй яхши ўтди. Меҳмонлар ҳам хурсанд бўлиб кетишди. Илоҳим, ҳар доим хурсандчилик бўлсин, Парвардигор“. Кўзларини юмиб, хаёлга чўмган ҳолда тасбеҳ ўгира кетди...

...Икки йил олдин Нормуҳаммад, Саидбек, Азимбекларнинг воситачилигида Маллахон Бухородан қайтиб келди. Фалак чархининг кажрафторлигидан узоқ вақт юз кўришмаган ака-укалар самимий қучоқлашиб кўришишди. Куз ёши ҳам бўлди. Айниқса отасини соғиниб, ичиккан Султон Сайидхон ундан бир қарич ҳам жилмай қўйди. Оилавий дастурхон устида Худоёрхон акасига қараб деди:

– Хоҳлаган шаҳрингизда ҳокимлик қилинг, акажон. Андижон, Наманган, Хўжанд, Тошканд, хоҳлаганингизни танланг.

Ҳокимойим хавотирланиб Маллахонга қаради. „Э, Худойим-ей, ишқилиб, Тошканд ҳокимлигини сўрамасин-да“. Маллахон орқа болишга ўзини ташлаб, жилмайганча деди:

– Э, йў-ўқ, укажон, бундан кейин бирорта ҳам шаҳарга ҳокимлик қилмайман. Агар ижозат берсалар, Азимбек, Саид, Нормуҳаммадлар билан саройда хизмат қилсам. Нима дедингиз, ойихоним?

– Илоҳим, барака топ, ўғлим, шундай қилақол, – Ҳокимойим енгил тортиб. – Ака-укалар бир жойда юрганига нима етсин.

Худоёрхон кулимсираганча сўзсиз бош иргаб қўяқолди. Шундан бери Маллахон Саидбек, Нормуҳаммадлар билан бирга саройда астойдил хизмат қила бошлади. Айниқса, Ўратепа беги Рустамбек юз билан Олмабароздаги жангда Маллахон ўз садоқатини хонга намойиш қилди. Рустамбек мустақиллик эълон қилгани учун Худоёрхон Ўратепага қўшин тортиб борди. Рақиблар қир, адир, жар, дара, сойдан иборат бўлган Олмабарозда рўпара бўлишди. Ўша пайтлар куз фасли бўлгани учун ёмғирли, туманли кунлар эди. Хон ҳужумга фармон берди. Минглаб навкарлар қийқиришганча душман устига от қўйишди. Сойдан қуюқ туман кўтарилгани учун навкарлар жарликни кўрмай тўп-тўп бўлиб, от-поти билан жарликка учиб кетишди. Қийқириқ оҳ-воҳга айланиб кетди. Икки мингдан ортиқроқ навкар нобуд бўлди. Биринчи учиб тушганлар тил тортмай ўлишди. Кейинги учганлардан бирининг оёғи синган, бошқасининг қўли синган, боши ёрилган. Олмабароз навкарларнинг дод-вой, нолиши билан отларнинг аянчли кишнашларига тўлиб кетди. Хон беклар ёрдамида қолган навкарларни аранг тўхтатиб қолди.

– Ҳамма жойида таққа тўхтасин!! Қимирламанглар! Туман тарқалишини кутамиз!

Туман тарқалгандан кейин Худоёрхон отини ниқтаб, дўнгроқ жойга чиқди-да, атрофга аланглади. Аҳволни кўриб, юраги орқасига тортиб кетди. Қўшиннинг ярмидан кўпроғи жарга қулаган, тушкунликка тушган навкарлар ўта ноқулай жойда туришарди. От устида қисқа кенгашувдан кейин беклар олдинга тушиб, қолган навкарларни эҳтиётлик билан тор дарадан қир ортидаги адирга олиб чиқишди. Яланглиққа чиқишар-чиқишмас Рустамбекнинг навкарлари ҳайқириқ, қийқириқлар билан хоннинг навкарлари устига от қўйишди. Қарсиллаган қиличлар, бақир-чақир, оҳу фиғонлар оламни тутди. От устида жанг майдонини кузатаётган хон Рустамбекнинг қўли баланд келаётганини сезди. „Ўзинг қувват бер, Парвардигорим, навкарларим ҳам чарчаган, отлари ҳам чарчаган. Ўзинг қувват бер". Шу пайт кунботар томондан от қўйиб келаётган сон-саноқсиз навкарларга кўзи тушиб, юраги зирқираб кетди. „Э, Худойим, Рустамбекнинг захирадаги навкарлари бўлса-я? Офату балодан ўзинг асра". Отлиқлар жанг маъракасига етиб келмасданоқ Рустамбекнинг навкарлари пароканда бўлиб, ҳар томонга тумтарақай қочиб қолди. Ўз вақтида от қўйиб келганлар Маллахоннинг сарбозлари эди...

Ҳокимойим шуларни хаёлидан ўтказаркан, ярим очиқ эшикдан Сарви кайвони кириб келди. Ҳокимойим кўзларини очиб, кайвонига қаради.

– Келдингми, Сарви?

– Келдим, ойихоним, келдим.

– Ҳовлини йиғиштирдиларингми?

– Ҳаммасини йиғиштирдик, ойихоним, ҳаммасини. Ҳовли ҳам бўлди, танобий, ҳужралар ҳам бўлди, – кайвони кўрпачага омонат ўтирди. – Бўлинг энди, ўтиравераси зми?

– Ҳа, нима гап?

– Арава тайёр, ойихоним, саройга қайтамиз.

– Ия, дарров-а?

– Дарровмиш. Ҳа, келганингизга қарийб ўн кун бўлди, ойихоним.

– Ҳа-я... Вақтнинг ўтишини қара, Сарви? Болаларни нима қилдинг?

– Ҳаммасини малика ойимлару хонзода ойимлар билан бирга саройга, уйларига жўнатиб юбордим.

– Яхши қилибсан. Бу ердагилар ҳам сал қулоғи тинчиб, дамларини олишсин.

Шу пайт эшикдан канизак кириб, ҳокимойимга таъзим адо қилди.

– Нима гап?

– Хонзода жаноблари ҳузурингизга киришга изн сўраяптилар.

– Қайси бири?

– Маллахон жаноблари.

– Маллахон!? – Ҳокимойим ажабланиб кайвонига қараб қўйди. – Кеч бўлганда Маллахон нега келдийкин, Сарви?

– Зарур гаплари бўлса керак-да, ойихоним.

– Қандай зарур гапи борикин? Майли, айт, кирсин.

– Мен ҳам чиқақолай, ойихоним, кейинроқ кирарман.

– Маъқул.

Иккови ҳужрадан чиқишди-да, бир оздан кейин Маллахон кириб, таъзим адо қилди.

– Ассалому алайкум, ойихоним.

– Ваалайкум ассалом, кел, ўғлим, – Ҳокимойим ўтирган жойида Маллахоннинг елкасидан тавоф қилиб, жой кўрсатди, – мана бу ёққа, кўрпачага ўтир. Илоҳи, омин...

Фотиҳа ўқилиб, ҳол-аҳвол сўрашаркан, Ҳокимойим ўғлига ҳадиксираб қаради. „Нима бўлдийкин? Куринишдан хотиржамга ўхшайди. Бу ерга бекорга келмайди. Бир нарса бўлганов. Илоҳим, тинчлик бўлсин, Парвардигор". Ҳокимойимнинг савол назари билан қараганини кўрган Маллахон сўз бошлади.

– Ойихоним, хон ҳазратларининг фармонлари билан эртага саҳарлаб йўлга чиқяпман. Сафар олдидан фотиҳангизни олай, деб келдим.

– Сафарга-а? Қаёққа? Йул бўлсин?

– Олдин Тошкандга, кейин Чимканд орқали Авлиёота[1]га борамиз.

– Ё товба, Авлиёотага-а? – Ҳокимойимнинг юраги гумуриб кетди. – Ростдан ҳам Авлиёотага борасанми?

– Шундай, ойихоним, Авлиёотага.

– Қандай яхши. Авлиёотадан Таласгача бир қадам. Талас – ота Ватанимиз! Баринг Талас овулларида туғилиб, қир, далаларида югуриб, булоқлардан сув ичиб, катта бўлгансизлар. Тоғаларинг, холаларинг, қариндошлар – бари ўша ерда. Авлиёотага борганингда албатта Таласга ўт, – завқ билан гапираётган Ҳокимойим бирдан сергак тортди: – шошма, Авлиёотага нега боряпсан?

– Авлиёотада қозоқлар ғалаён кўтариб, Тошканд ҳокими Мирзо Аҳмад қушбегини ёнидаги беклари билан бирга қалъада қамал қилишибди.

– Ия, нега ғалаён кўтаришади? Нега қамалга олишади?

– Мирзо Аҳмад қушбеги йиллик закот, ушр, солиқларни меъёридан ошириб юборган бўлса керак. Акс ҳолда қозоқлар бекордан-бекорга ғалаён кўтаришмайди.

– Э, Худойим-ей! Тус-туполонда одам ўлмаганми, ишқилиб?

– Ўлган, ойихоним, беш-ўнта одам ўлган.

– Ё, товба. Ўлганларни Худо раҳмат қилсин. Хон нима деди? Авлиёотага қўшин тортиб борасанми?

– Йўғ-е, ойихоним, бу ердан йигирма беш-уттизта навкар билан енгил жўнаймиз. Сиёсат учун Тошканддан беш юз-мингтача навкар оламиз, шу кифоя қилади.

– Шерикларинг ким?

– Шодмонхўжа қушбеги, Турдали понсод, Ғайбулла понсод, Тўрақул понсод, беш-ўнта беклар бор.

– Жиловбардоринг ким?

– Алимқул понсод.

– Алимқул понсод, дейсанми? Эшитмаган эканман. Ким у?

[1] Авлиёота – ҳозирги Қозоғистон республикасидаги Жамбул шаҳри.

– Қўрғонтепа бекларидан. Отаси ёшлигида қазо қилган. Тоғаси Мулло Дўст охунд тарбиясида бўлиб, Андижонда мадрасани битирган. Ўқимишли, яхши йигит. Бир пиллар олдин хизматимга кирувди.

– Яхши, мадрасани битирган бўлса, яхши. Мадрасани ўқиган одамлар жангари бўлишмайди, – Ҳокимойим хотиржам тортди – Авлиёотага борганингда ҳушёр бўл, ўғлим. Нима бўлган тақдирда ҳам қирғинга йўл қўйма. Урушнинг оти ўчсин. Қозоқ бийларини йиғиб, гаплаш. Солиқ бермаса ҳам майли. Нима қилсанг, қилгину, фақат сулҳ тузгин, ўғлим. Уруш бўлмасин, тинчлик бўлсин.

– Хотиржам бўлинг, ойихоним, айтганингиздай қиламан. Энди менга фотиҳа беринг. Ҳали бориб, йўлга тайёрланишим керак.

Ҳокимойим узундан-узоқ дуолар ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Маллахон ҳам фотиҳа тортиб, онасига таъзим қилди-да, хайрлашиб, ҳужрадан чиқди. Ўғлининг сафари деярли бехатар бўлса ҳам Ҳокимойимнинг юраги ғаш тортди. Дармони қуриб бораётганини ҳис қилди. Ўтирган жойида бошини қуйи солиб, тек қотди. „Парвардигорим, нима гуноҳ қилдим? Мунча ҳам юрагимни ғаш қилмасанг. Ўғлимни паноҳингга ол. Илоҳим, соғ-саломат бориб-келсин“. Эшик очилиб, ҳужрага кайвони билан Моҳлар ойим кириб келишди. Ҳокимойим уларга ҳорғин қаради.

– Маллахонни кузатдиларингми?

– Кузатдик, ойихоним, кузатдик.

– Арава тайёрми?

– Тайёр, ойихоним. Тинчликми ўзи? Нима гап бўлди?

– Тинчлик, Сарви, тинчлик. Тезроқ саройга қайтайлик. Уша ерда гаплашамиз. Жуда чарчадим.

Учовлари ҳужрадан чиқишди-да, канизаклар кузатувида ташқи ҳовлига қараб, шошмасдан юриб кетишди.

* * *

Турғайовул... Овулликлар мол-ҳоллари билан қишдан омон-эсон чиқиб олишди. Фақат қиш чилласида бешунта мол, қўйларни бўрига олдиришди холос. Ҳамал ки-

риши билан овулликлар қушни овул, қишлоқлар билан бирга Наврўз байрамини хурсандчиликда ўтказишди. Кайвонилар сумалак пиширган, чавандозлар кўпкари чопган, полвонлар кураш тушган, бола-бақра бақир-чақир, қий-чув қилиб чиллак уйнаган, бахшилар достон куйлаган, гулхан атрофида йигит-қизлар лапар, қўшиқ айтишган. Хуллас, ҳафта-ўн кун ичида ҳамманинг қиши билан йиғилган ғубори чиқди. Савр ойининг бошларида Абдураҳмон бийлар билан кенгашиб, ёзги яйловга ялпи кўчишга буйруқ берди. Ўтовларнинг кигизларини тахлаб, кегайларини дасталаб, туя, от, эшакларга ортишди. Минглаб мол, қўйлар, уюр-уюр отларни ҳайдаб, ҳар йили қунадиган Ола-Бел довонининг ёнбағрида ўтов тикишди. Бандар, қуралар қурилиб, овулликлар жойлашгандай бўлди. Ҳамма ўз иши билан машғул. Йигит-яланглар уюр-уюр отларни тоғнинг бир томонига, қутон-қутон қўйларни бошқа томонга ўтлатгани ҳайдаб кетишган. Қизлар, келинчаклар сигирларга қараган, кайвонилар янги қирқилган қўй жунини титиб, ип йигириш, кигиз босиш билан банд. Бир ҳафта олдин Пиштпак билан Тўқмоқ оралиғидаги овуллардан бирининг бийи Жонкелдибийнинг йигитлари турғайовулликларни ёппа кўпкари туйга хабар қилиб кетишди. Абдураҳмон беш-ўнта бийлар билан йўлга ҳозирланар экан, Қозоқ ойимдан нома олди. Ўтовга шошмасдан кирди-да, номани очиб, ўқий бошлади.

Суянган тоғим, меҳрибоним акажонимга!

Ассалому алайкум, акажон. Ушбу нома етиб маълум ва равшан бўлсинким, саврнинг ўн саккизинчи куни Тошканддан чопар келди. Ҳарам канизакларининг „миш-миш“ларига қараганда Дашти Қипчоқ томонда қозоқлар қўзғолон кутаришибди. Қайси шаҳар ёки овуллигини билолмадим. Қўзғолонда иккала томондан ҳам одамлар ўлибди. Тошканд беги Мирза Аҳмаднинг навкарлари билан бирга аллақайси қалъада қамал қилишибди. Қўзғолоннинг сабабини ҳам билишга имкон бўлмади.

Ушигиз одам қўйиб, аниғини билиб оларсиз. Эртаси куни хон бекларни чақиртириб, кенгаш қилди. Кенгашда бир даста бек ва навкарларга бош бўлиб, хонзода Маллахон Тошкандга жўнаб кетишса керак. Қачон кетишлари номаълум. Боқий калом маъал эҳтиром вассалом. Сингилингиз Норхол ойим. 1274 ҳижрий, савр ойи 20 чоршанба куни битилди.

Абдураҳмон номани ўқиб бўлди. Карнай қилиб ўраркан, пешонасини тириштириб ўйлай бошлади. „Қозоқлар нега қўзғолон кўтариб, қушбегини қамал қилишдийкин? Лекин улар бекордан-бекорга қўзғолон кўтаришмайди. Иккала томондан ҳам одам ўлган бўлса, демак, жиддий сабаб бўлиши керак. Қўзғолон қаерда бўлдийкин? Чимканддами? Ёки Туркистондами? Ёки бирор бир овулда бўлдимикин. Буни ҳали аниқлайман. Баракалла, сингилжон. Мен учун зўр хушхабар юборибсан. Бу мен учун яхши имконият. Ҳў-ўш... Қўзғолон кўтарилгани бу – яхши. Энди унинг олови ўчмасдан туриб, аланғалатиш керак. Лекин қандай қилиб? Навкарларга бош Маллахон. Бу – яхши. Маллахон Дашти Қипчоқда, Худоёрхон Қўқонда. Оралиқ анча масофа. Ака-укаларнинг ўртасига нифоқ солиш вақти етди. Вазиятдан фойдаланиб, шундай нифоқ солайки, Қурама, Дашти Қипчоқ билан бирга Фарғона мамлакати ҳам аланга олсин. Ўтган сафар Ўтаббой панд берувди. Бу сафар шундай қилайки, ҳатто Саид билан Қилич ҳам ип эшолмай қолсин. Ишни Қўйлибойдан бошлайман. Дашти Қипчоққа Қўйлибойни юбораман. Шу бугуноқ юбораман. Кейин Жонкелдининг овулида учрашамиз. Ана шундай қиламан“. Абдураҳмон бир қарорга келди-да, қоғоз, довот олиб, нома бита бошлади. Бир зумда номани битиб, пуфлаб, қуритар экан, мулозимини чақирди:

– Синдор!

– Лаббай, катта бий.

– Ёнингга Маматни ол-да, мана бу номани тездан Қўйлибой оғанга етказ. Қаёққа боришини ўзи билади.

– Жавобнома опкелайма?

– Йўқ. – деди Абдураҳмон номани ўраб, Синдорга берар экан. – Ишни бажаргандан кейин ўзи менга учрашади. Лекин қаттиқ тайинла. Шу бугуноқ йўлга тушсин. Тушундингми?

Синдор сўзсиз бош ирғади-да, номани қўйнига тиқиб, ўтовдан чиқди.

Эртаси куни Абдураҳмон бир тўп бийлар ҳамроҳлигида Тўқмоқ томон отлиқ жўнаб кетишди. Йўл-йўлакай овулларда қўниб ўтди. Қаерга бормасин, „раҳматли катта бий Мусулмонқул мингбошининг ўғли“, деб иззат-икром билан кутиб олиб, ҳурматини жойига қўйиб, кузатишарди. Овул, ўтовларда дув-дув гап бўлиб кетди.

– Катта бийдинг ули кеппа?

– Шундайча дийди.

– Отасидай борма?

– Отасидан зўр чиғаров. Илми боракан.

– Овулдинг мўлласи „катта мадрасада ўқиган“, деб ойтти.

– Ана ойттим-ғў...

– Нимаға кепти?

– Жонкелдибийдинг тўйиға борятғаммиш.

– Ҳа-а-а... Туври-туври, биздинг овулди бийлари ҳам катта бийдинг тўпиға қўшилиб, тўйға кетди. Жонкелдибий хавар қиған.

Бийлар Абдураҳмон бошчилигида тўйнинг айни қизиган пайтида етиб келишди. Овулга кираверишда бир тўп бийлар билан „хуш кепсан“га турган Жонкелдибий келаётган отлиқлар томон қўлини соябон қилиб қаради. „Қирқ-эллик одам чиғаров. Чап томонда Наймановулди одамлари, ўнг томондағиси Парчажуз. Ўртадағи Тўрғайовулди одамлариға ўхшайдиёв. Олдиндағиси ким бўлди? Ё, товба!“ Отлиқлар олдида савлат тўкиб келаётган Абдураҳмонни таниб қолиб, Жонкелдибий шошиб қолди.

– Ия... Воё-боёв, олдинда келаётқан катта бийма?

– Катта бийға ўхшайди.

– Туври, катта бийдинг ўзганаси.

– Мийманларди қаёққа оламиз, бий оға?

– Ҳаммасини тўп-тўпи билан чодир, ўтовларга қўноқ қиламиз.

– Маъқул.

Жонкелдибий атрофда хизмат қилиб юрган йигитларга буйруқ бера кетди.

– Ҳой, маған қора баринг... Миймонларди отиға қорашғлар. Қаерда қўноқ бўса, отини ў жерға оппориб байла. Туянаға кеған молларди қўраға қоманғлар. Қирмонбий қона? Қирмонбий, қонисан?

– Лаббай, бий оға, шуйдаман.

– Турғайовулликлар сени ўтовингда қўноқ бўлишади, маъқулма?

– Маъқул, бий оға, жайди катта қип қўйдирғамман. Олойдан Олимбек оға бийлари минан кеған. Иссиққўл билан Тўқмоқди бийлари ҳам шуйда.

– Қайтаға бажахши. Катта бийди Олимбекди ўтовиға ол. Бийлар жийилса, гурунг қизийди. Қона, миймонларға қора баринг.

Отлиқлар жиловни йигитларга тутқазиб, Жонкелдибий томон юришди. Бошлаб Абдураҳмон бийни суннат туй билан қутлади.

– Туй қулли бўлсин, бий оға.

– Ойнолойин, катта бий, қулли, қулли...

Ҳаммалари қучоқлашиб, кўришиб, расмиятчилик юзасидан ҳол-аҳвол сўрашилди. Кейин меҳмонларни тўп-тўпи билан ўтовларга олиб кетишди. Қирмонбий Абдураҳмонни Олимбек додхоҳ ўтирган ўтовга бошлади.

– Қона, ичкариға марҳамат қинг, катта бий.

Абдураҳмон этикларини қоқиб, ичкарига кирди. Бийлар шоша-пиша ўринларидан туриб, қўл қовуштирганча бир-бирлари билан шивирлаша кетишди.

– Катта бийма?

– Катта бийдинг ўзганаси.

– Отасининг жаназасида кўрибедим. Кичкинтайғана болайиди. Энди катта бийға хил кепти.

– Отасининг шайит буғаниға беш олти жил бўлдиёв.

– Шундай.

Турда турган Олимбек додхоҳ қулочини ёзиб, Абдураҳмонга қаради.

– Ия, ия... Катта бийма? Абдураҳмонбийма? Марҳамат қинғ. Қадамлариға ҳасанот. Қона, бийлар, катта бийға жой бўшатинғлар. Дадилроқ сурил баринғ. Ана шундай.

Олимбек додхоҳнинг ёши элликлар атрофида, ўрта бўйли, буғдойранг, туларокдан келган. Олой қирғизларининг беги. Умархон даврида додхоҳ унвонини олган. Хонга қарам бўлса ҳам пойтахтдан узокроқ учун ўзини эркинроқ тутади. Абдураҳмон Олимбек додхоҳни кўриб, севинчини яшириб ўтирмади. Унга ёши катта, тажрибали, паст-баландни биладиган, маслаҳатлашадиган одам ниҳоятда зарур эди. Додхоҳ билан астойдил қучоқлашиб кўришди.

– Бормисиз, бек ака, сизни кўришимдан беҳад хурсандман. Икковимизни Худонинг ўзи учраштирди.

– Тинчликма, катта бий?

– Ҳали гаплашамиз.

– Маъқул.

Абдураҳмон турда Олимбек додхоҳ билан ёнма-ён ўтирди. Фотиҳа тортилгандан кейин ҳар битта бий билан алоҳида ҳол-аҳвол сўрашиб чиқди. Гурунг бошланди. Қўйлар сўйилган, дошқозонлар осилган. Катта бий шарафига шоҳона зиёфат бошланди. Уша туни зиёфатдан кейин алламаҳалгача иккови пичирлашишди, маслаҳатлашишди, бир-бирларига фикрларини билдиришди. Ниҳоят, гаплари тугагач, Олимбек додхоҳ сўради:

– Бу ишди қай вақт бошлаймиз?

– Бугун-эрта Қўйлибой додхоҳ Чимканд томондан келиши керак. Келтирган хабарига кўра иш бошлаймиз. Боя келишганимиздек, бу ишга ўзингиз бошчилик қиласиз, бек ака, бийларни ўзингиз бошлаб борасиз. Мирзо Аҳмад қушбеги билан музокарани ўзингиз олиб борасиз. Маллахон келгандан кейин шароитга қараб иш тутасиз.

– Маъқул.

Эртаси кундан бошлаб ҳар томондан келган полвонлар иштирокида кўпкари бошланди. Кундузлари кўпкари томоша қилишди. Кечқурунлари гулхан атрофида мириқиб, гурунглашишди. Номи чиққан бахшилар галма-галдан достон, ўлан, терма айтишди. Ана шундай кечаларнинг бирида Абдураҳмон ва Олимбек додхоҳ билан Иссиққўл, Туқмоқ бийларининг орасида гурунг қизиди.

– „Ўрислар қалъа қурди", денг? – сўради Абдураҳмон Олимбек додхоҳга бир қараб олиб. – Қаерда қуришди? Бу ердан олисдами?

– Олмаота овулининг жанғанасида қуришди, катта бий, – жавоб берди Иссиққўллик қирғиз бийларнинг кексароғи. – Бул жердан олис чиғаров, лекин бизди овулдан тиккасиға саксон, айламма жўл билан тўқсон-жуз чоғирим чиғиб қоларов, тағинам Ўғоним билади.

– Ўрис навкарлар кўпми?

– Пияда, отлиқ аралаш нари-бери минғта чиғиб қоса кераков.

– Қўшни овулларга ҳужум қилиб, босиб, талаб туришадими?

– Жўғ-е, катта бий, урисларди кеғаниға уч-тўрт жил буған бўса ҳали бирор марта ҳам бизлар билан жанжал қиғани жўқ. Ҳеч бир овулди босғани жўқ. Латта-путта, гўржер бериб, сут-қатиқ, мол, қўйға алмашиб, овул одамлари билан мамла қип жатир. Мамласи жахши. „Бировди урислар олдопти", деған гапти эшитғанимиз жўқ. Қойта хонди навкарлари овулларимизди толаб жатир.

– Ия, хоннинг навкарлари дийсамма? Улар қанақасиға талайди? – ажабланиб сўради Абдураҳмон.

– Ҳа, энди тувридан-туври толомосаям толошдан баттар қип жатир. Бир жилди ичида солиқларди кўпайтиб жуварди. Жиллиқ солиқдан ташқари ҳали қорасанғ, закат дийди, ҳали қорасанғ, ушр дийди. Қиз чиғарғандан бир тилла, келин оғандан бир тилладан оп жатир. Олдин отлардан закат омасиди, ҳозир отларданам закат оладиған буған. Маллахонди беклик даврида жайраб қовдиқ. Мамласи жахшийиди. Ўзи овулларди ойлониб, халқ билан

суйлашарди. Кўпкари тўйларга кеп турарди. Биз ҳам хурсанчилиқ билан жиллиқ солиқларди ўзимиз оппориб берайидиқ. Маллахонди ўрниға бошқаси кеп, шўримиз қуриди. Оти нимайиди?

– Оти Мирза Аҳмад қушбеги. Ҳали ўзини кўрганимиз жўқ.

– Ҳа, ҳа, туври, оти Мирза Аҳмад қушбеги. Бул одамди инсофи жўғакан. Ҳар уч-тўрт ойда закат оладиған одамини жуваради. Шул кетишда бўса, бир бала бўлиши ониқ. Қона энди шу одамди ўрниға тағин Маллахон бек бўсайиди, баримиз олдинғидай жайраб қолармидиқ.

– Шундайча де? Жахши ният жарим мол дейишған. – Олимбек додхоҳ Абдураҳмонга бир қараб олиб, кейин тиржайганча гапини давом қилди. – Гапларинғга паришта овмин деп, Худо „ол қулим" деса, Маллахон бек эмас, хон бўп кетса-я.

Бийлар Олимбек додхоҳнинг қалтис гапидан хавотирланиб, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди.

– Вой-бойо-о-ов... Оҳимиз Худоға жетип, қона энди шундайча бўса. Маллахон хон бўлармикин, катта бий?

– Худо хоҳласа, бўлади, бий оға, – Абдураҳмон бийни тинчлантириб. – Энди ўрислардан гапиринглар. Ўрислар қалъадан чиғиб туришадима?

– Жўқ, чиқишмайди. Чиққанда ҳам Дашти Қипчоққа қараб журишади. Ў жердан ўзларининғ карванлари келади. Туври, чамаси икки жиллар олдин ўн беш-жийирма чоқли ўрис навкарлар биз томонға келишди. Ҳафта, ўн кун пияда журиб, кўлди ойлоносиға ойлониб чиғишди.

– „Айланиб чиқишди", дейсизми?

– Шундай, катта бий, пияда ойлониб чиғишди. Кейин Танғри Товди беш-олти жеридан жўғариға қараб ўрмалашди.

– „Юқорига ўрмалашди", денг? Қизиқ, тоғ ёнбағрида улар нима қилишди?

– Тахтачаға маккамланған қувурчадан қарашди. Кейин қоғозға бир балаларди жозиб, чизишди.

– „Ёзиб, чизишди", дейсизми? – Абдураҳмон сергак-

ланиб, чордонадан чўкка тушиб ўтирди. – Кўл атрофини ҳам ёзиб, чизишдими?

– Шундай, катта бий, жозувди Тўқмоқдан бошлаб жозган.

– Ие, Тўқмоққа ҳам боришдими?

– Тўқмоқди ўзиға борғани жўқ. Беш-ўн чоғирим жетмасдан қойтти. Кейин кўлди ойлониб, товға қараб журди.

Абдураҳмон калта соқолини силаганча хаёлга чўмди. „Урислар атрофни харитага туширгани аниқ. Лекин тог томон нимага керак бўлди экан? Тоғнинг нариги томони Ёрқанд, Қашқар, Тибат. Наҳотки урислар ўша томонларга ҳам қўшин тортиб боришса? Ақлга сиғмайди. Ахир урислар турку фаранглар билан бўлган жангни яқиндагина тугатишди, ҳали икки-уч йил ҳам бўлганича йўқ. Наҳотки жангда олинган жароҳатлар, талафотлар битиб кетган бўлса? Қайси томон ғолиб келганини ҳам билиб бўлмади, жин урсин. Келган карвондан сурасанг, ҳаммаси елкасини қисади. Қозоқ бийлари билан бўлган суҳбатда бийлар урисларга нисбатан илиқ гаплар гапиришди. Ҳатто қозоқ йигитлари урислар хизматига кирганмиш. Урислар Тўқмоқ атрофини бекордан-бекорга харитага туширишмайди. Бу ерда бир гап бор. Ҳалироқ урислар хизматига кирган қозоқ йигитлар билан суҳбатлашаман“. Шу пайт Жонкелдибий ўтовга кириб, қўл қовуштирди.

– Жахши ўтирибсизларма, бий оғалар? Камчилиқ жўқма, катта бий?

– Камчилик йўқ, бий оға, ҳаммаси яхши, жойида. Келди-кетди, югур-югур билан ўзингиз чарчамаяпсизми?

– Сизлар шуйда ўтирсаларингиз, мен гарттай ҳам чарчамайман, катта бий, – Жонкелдибий Абдураҳмонга маъноли қаради.

– Нима гап, бий оға, гапираверинг.

– Қўйлибой икки жигит билан кеганакан. Авзайи бошқача. „Тез катта бийди кўришим керак. Зарур гавим бор“ дийди. Тағин „гурунғди бузмасин“, деп олдин ўзим кирдим, катта бий. Нима қилай? Бийларди бошқа ўтовга олайма?

Бийлар ҳам ажабланиб, ҳам малол келгандай Абдураҳмонга кўз тикишди. Абдураҳмон бирров даврага кўз югуртириб чиқди-да, кулимсираган ҳолда деди:

– Менинг бий оғалардан яширадиган сирим йўқ. Қўйлибойга айтинг, ўзи кирсин. Ўзингиз ҳам ўтиринг.

– Хўп бўлади, катта бий, – Жонкелдибий ташқарига қараб, қичқирди, – ҳой, маған қора, жигитларди ўтовға онғлар, – Қўйлибой додхоҳга қараб гапида давом этди, – Қўйлибой, сен ичкари кир, ўтоғаси, кирабер. Катта бий чақиражатир.

Қўйлибой додхоҳ ўтовга шоша-пиша кирди-да, бегона бийларга кўзи тушиб, ҳаяжонланганидан дудуқланиб қолди.

– И, и... Катта бий... А-ас-саломалайкум, – қўл қовуштирган ҳолда таъзим қилган бўлиб, Абдураҳмонга қаради.

– Ваалайкум ассалом, – ҳамма учун жавоб берди Абдураҳмон. Бийлар бош қимирлатиб қўяқолишди. – Келдингми, Қўйлибой? Ўтир.

– Оҳ, катта бий, – Қўйлибой додхоҳ таъзияга борган одамдай уввос тортиб юборди, – Авлияотадағи қозоқларди шўри қуриди! Маллахон Авлияотаға қўшин тортиб кеп жатир. Қирғин бўладиёв.

Бийлар гарангсираганча бир-бирларига қараб, ғулдираб қолишди.

– Нима қипти?

– Маллахон қўшин тортип кепти.

– Ия, нега қўшин тортади?

– Қозоқлар нима гуна қипти?

– Ониқ қип говир, ўтоғаси.

Абдураҳмон қўлини кўтариши билан ғала-ғовур тинди.

– Шошманглар! – деди ва Қўйлибой додхоҳга қараб гапида давом этди. – Ўтир, Қўйлибой, ўтир деяпман сенга! Сиз ҳам ўтиринг, бий оға. Ана шундай. Бий оғанга яқинроқ ўтириб, нафасингни ростлаб ол.

Қўйлибой додхоҳ Жонкелдибийнинг ёнида чордона қуриб ўтирди. Қўйнидан рўмол чиқариб, маржон-мар-

жон терлаган юз, пешонасини бўйни аралаш артди. Бийларга бирров қараб қўйди-да, бошини бир оз эгган ҳолда Абдураҳмонга тикилди.

– Нафасингни ростлаб олдингми? Яхши, энди бир бошдан гапир.

– Овулдан бошлаб гапирайма, катта бий?

– Овулдан бошлаб гапир, – деди Абдураҳмон тоқатсизланиб.

– Синдор оппорган номани ўқидимдоғин ўша кунниғ ўзидаяқ қоватимга икки жигитти оп, Таласға қораб жўнаб кеттиқ. Жўлдағи овулда бир кеча қўноқ бўп, эртаси кун Таласға жетиб бордиқ. Таласда ҳеч гап жўқ. Жимжит. Одамлар ўз ишини қип жатир. Бир кеча қўноқ бўп, эртаси Авлияотаға қараб жўнадиқ. Журған сари жўлдағи овулларда эркак зоти жўқ. „Ҳа" десам, кайванилар„эркакларди бари Авлияотаға кетти" деп ойтти. Бир-икки касалли ойранди ичдиқдоғин отларди қичаб, жўлға тушдиқ. Пешин нари-бери Авлияотаға жетиб бордиқ. Қорасам, Авлияотада қиямат бўпти, катта бий, қияматти ўзғинаси бўпти.

– Нима бўлибди?

– Қирғин бўпти, катта бий, қирғин. Тошкандди беги Мирза Аҳмад қушбеги минғдан ошиқ навкари билан кеп, Авлияота қалъасиға қўнипти. Атроф овулларға закат жиядиған мирзаларини навкарлар билан бирға жўнатипти. Мирзалар овулларға бориб, ҳаддидан ошиб кетипти. „От билан туяғаям закат берасан", депти. „Куш пули, Ўт пули, кўк пули" деп, беш-олти солиқларди ойтипти. Бўй жетған қизларғаям тийинишипти. Мирзаларди бу ишидан халқ норози бўпти. Уч-тўртта овулди бийлари кенгаш қиптидағин мирзаларға „солиқ бермаймиз" деп ойтипти. Мирзаларди буйруғи билан навкарлар бийларди қомчилапти. Бийлар боқирғонакан овулларди одамлари жоппа кўтарилипти. Кейин қирғин бўпти. Навкарлар билан қозоқлар савашипти. Навкарларданам ўлипти, қозоқларданам ўлипти. Мирзаларди оломон қип, ўлдиришипти. Навкарларди тирик қоғани Авлия-

отаға қараб, от қўйипти. Қозоқлар ҳам навкарларди орқасидан отда қувипти. Жўл-жўлакай овулларди эркаклари қўшилипти. Навкарлар қочип кеп, туври Авлияота қалъасиға кириб кетиптидоғин, кейин дорвозани тездан жовип қўйишипти.

Қўйлибой додхоҳнинг гапларини эшитган бийлар ангрaйиб қолишди. Бир муддат ўртада жимлик бўлди. Кейин ҳаммалари бирданига ўз фикрларини билдира кетишди.

– Мирзаларди ўлдириб, жахши қилишған.

– Энди нима бўлади?

– Мирзаларди ўлдирмаса бўларди.

– Ўлғани жахши. Кейинғи сафар ўйлаб иш қилади.

– Э-э... Жахши иш бумапти.

– Қўйлибой! – суради Олимбек додхоҳ. – Қўзғолонди қойси уруқ бошлади?

– Олдиниға дуғлатлар билан истамчаликлар кўтарилипти. Кейин уларға кўклинлар, қанжиғалиқлар, кутенчилар қўшилған. Жўл-жўлакай бошқа овуллардағи уруқлар ҳам қўшилипти.

– Маллахонни қай жерда кўрдинғ?

– Уни кўрғаним жўқ. Тошканд томондан кеған чопар ойтти.

– Чопар?! Кимнинг чопари?

– Улли жуздинғ катта бийи Бойзоқбийдинғ чопари кеп ойтти.

– Ҳа-а-а...

– Бойзоқбий ойтиб жуварған бўса, бари туври гап.

Бийлар кўзларини ола-кула қилиб бир-бирларига қараб олишди-да, кейин Абдураҳмонга кўз тикишди. Абдураҳмон гапга қўшилмай бир нуқтага тикилганча хаёл сурарди: „Ху-уш... Маллахон шу кунларда Тошканддан чиққан бўлса, Авлиёотага етиб келишига камида уч-тўрт кун бор. Вақт етарли. Энди бу ёғини кўрайлик. Улли жузнинг қарийб ярми кўтарилган. Бу яхши. Бойзоқбийға нома битиб юбориш керак, қолган уруғларни кўтарсин. Тошканд, Қурама бекликлари ҳам қўшилади. Бу турган

гап. Андижонда Суфибек ҳам қўшилиши керак. Туққан акасига қарши бормайди-ку. Худоёрхон ҳар ҳолда ўгай. Суфибекнинг ортидан Наманган, Марғилон, Ўш, Ўзган беклари ҳам қўшилади. Бу ерда Талас, Пишпак, Туқмоқ, Иссиққўл қирғиз, қипчоқларини кўтариш керак. Агар ҳаммаси йиғилса ўттиз-қирқ минг атрофида қўшин бўлади. Бундай куч билан Худоёрхонни бемалол тахтдан ағдарса бўлади. Қани энди шундай бўлса. Парвардигор, ўзинг қувват бер". Ғала-ғовур тинганини эшитиб, бошини кўтарди. Бийлар ўзига тикилиб турганини кўриб, бир-икки томоғини қирди-да, чордонадан чўкка тушиб ўтирди. Бийларга яна бирров кўз югуртириб чиқиб, гап бошлади.

– Ҳамма гапириб бўлдими?

– Гапириб бўлдиқ, катта бий, бўлдиқ.

– Энди, гап бундай. Бояги гапларимизга фаришта „омин" деганга ўхшайди.

– Қойси говимизға, катта бий?

– „Маллахонни хон қилиб кўтарамиз", деган гапимизга фаришта „омин"деган. Худо хоҳласа, Маллахонни шартта хон қилиб кўтарамиз, вассалом!

– Ия-а-а...

– Зўр-ғў...

– Қона, энди Маллахон, хон бўса.

– Маллахонди қойтиб хон қиламиз, катта бий?

– Худоёрхон қўймайдиёв.

– Худоёрхонди тахттан жиғитиш керак.

– Уни қойтиб, жиғитамиз?

– Катта бий билади.

– Шошманглар, – Абдураҳмон қўлини кўтариши билан ўтовда жимлик бўлди. Бир муддат ўйланиб турди-да, кейин салмоқ билан, дона-дона қилиб, гапира кетди: – Мана бундай қиламиз. Олдин Маллахонни Авлиёота қалъасида оқ кигизга ўтқазиб, хон қилиб кўтарамиз. Кейин Қўқонга қараб юриш қиламиз. Бу ердан Иссиққўл, Туқмоқ, Пишпак, Талас, Авлиёота қўшинлари қўшилади. Йул-йўлакай Жўлак, Туркистон, Чимканд, Тошканд, Қу-

рама беклари қўшилади. Андижонда Маллахоннинг туққан укаси Суфибек кўтарилса, Наманган, Марғилон, Ўш, Ўзган беклари ҳам қўшилади. Қўқонга боргунга қадар сон-саноқсиз қўшин йиғилади. Бундай қўшинга қарши Худоёрхон у ёқда турсин, Бухоро амири Насруллохоннинг ўзи ҳам бас кела олмайди. Хўш, қалай? Гапларим маъқулми, бий оғалар?

Бийлар бир овоздан Абдураҳмоннинг гапларини маъқуллашди. Улар ҳақиқатан ҳам солиқларнинг хилма-хиллигидан безор бўлиб, хон бекларининг сиёсатларидан юраклари безиллаб қолган эди. Шунинг учун ҳам Маллахонни хон қилиб кўтаришга „жон-жон" деб рози бўлиб қўяқолишди.

– Розимиз, – деди бийларнинг ёши улуғи, ёнидагиларга қараб олиб, – катта бий туври гав ойтти. Нима дединғлар?

– Туври, туври... Баримиз розимиз.

– Илми бор-да...

– Катта бий ойтқан қўшин бир жерға жийилса Худоёрхонди бемалол тахттан жиғитиб, Маллахонди ўтқазамиз.

– Шундай.

– Маллахон хон бўса, элға жахши бўлади.

– Илойим, шундай бўсин.

Абдураҳмон Қўйлибой додхоҳнинг ёнида ўтирган Жонкелдибийга қараб деди:

– Жонкелдибий оға.

– Лаббай, катта бий.

– Ҳозир қўноқ ўтовларни оралаб, кўпкари чопадиган полвонларнинг қирқ-элликтасини ажратинг. Саҳарлаб йўлга чиқишсин. Авлиёотадан ўтиб, Маллахонга пешвоз чиқишсин.

– Хўп бўлади, катта бий.

– Хўш, бу масала ҳал бўлди. – Бийларга бир кўз югуртириб чиқиб, гапини давом қилди. – Энди, бундай қиламиз, бий оғалар, Сизлар Авлиёотага Маллахондан олдин етиб боришларингиз керак. Шунинг учун саҳар бомдод-

ни ўқий солиб, йўлга тушасизлар. Сизларга Олимбек додхоҳ бош бўлади.

– Шошма, катта бий, сен ўзинг бизга бош бўп бормайсамма?

– Йўқ, сизларга бош бўлиб борсам, Маллахон „отасини ўчини олмоқчи" деган хаёлга боради.

– Туври, туври.

– Катта бий оролошмой турғани маъқул.

– Қўшин жиймаймизма, катта бий?

– Ҳозирча Авлиёотадаги қўшин кифоя қилади. Авлиёотанинг ўзида Олимбек додхоҳ бошчилигида Маллахонни оқ кигизга ўтқазиб, хон қилиб кўтарганларингдан кейин ёппа қўшин йиғамиз.

– Маъқул.

Абдраҳмон, Олимбек додхоҳ бийлар билан қарийб тун ярмигача кенгаш қилишди. Бу пайтда овулдагилар туй хизматидан чарчаб, қотганча ухлаб ётишар, фақат кайвонилар, ошпазлар, новвойларгина эртанги куннинг ҳаракатини қилишарди.

* * *

Икки кун олдин Чимканд қалъасидан чиққан Маллахон минг навкарга яқин қўшини билан Маймоқовулда бир кеча қўниб, эртаси куни Авлиёота қалъаси томон йўл олди. Чимканддан бу ёғига бир неча овулларда бўлди. Қуноқ бўлиб, қимиз ичди. Бийлар билан гурунглашди. Ҳамма овулларда аҳвол деярли бир хил. Ҳамма бийлар хон закотчиларидан нолишди. Маллахон уларни диққат билан эшитди. Ҳеч бир овулда бақир-чақир қилиб, куч ишлатмади. Аксинча, бийлар билан яхши муомалада бўлди. Ҳамма муаммоларни сулҳ йўли билан ҳал қилди. Айрим овуллардан бир йиллик олинадиган солиқларни кечиб юборди. Айрим овуллардан ортиқча олинган молларни қайтариб беришга ваъда берди. Навбатдаги овул одамларини тинчлантириб, олдинга ўтиб кетган илғорлар ортидан от бошини йўлга бурар экан, поёнсиз дала,

қирларга кўз ташлаб, хаёлга ботди. „Жин урсин, закотчилар нима қиляпти ўзи? Қароқчилар ҳам бу ишни қилмайди. Зулм кўрмаган овул қолмабди-я. Бирдай талашибди лаънатилар. Қушбеги қаёққа қарайди. Ахир закотчиларнинг бу ишлари халқни хонга қайраш билан баравар-ку. Таҳқирланган одамлар закотчиларни оломон қилиб, ўлдириб, жуда тўғри иш қилишган. Акс ҳолда бу бемаънигарчилик узоқ давом этиши мумкин эди. Лекин овул одамларидан ҳам ўлган. Мана буниси ёмон. Жуда ҳам ёмон. Товба қилдим, Парвардигор, минг марта товба қилдим. Бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди. Яхшиям Мирза Аҳмад қушбеги куч ишлатмаган. Қалъа ичида қамалиб қўяқолган. Шу билан халқ ҳам ҳовуридан тушган. Бу яхши. Лекин, бу ёғига энди нима қилиш керак? Хўш... Авлиёотага етиб бордик ҳам дейлик. Халқ қалъани ураб олгани аниқ. Қўшин билан сиёсат қилиб борсам тарқалармикин? Йўқ, тарқалиши даргумон. Тарқалмаса керак. Қайтага баттар ғала-ғовур бўлиб кетади. Яхшиси, қўшинни бир чақирим берида қолдириб, беш-ўнта беклар билан ўзим бораман. Кенг майдонда, халқ олдида бийлар билан ўзим гаплашаман. Музокаралар олиб бораман. Нима қилиб бўлса ҳам сулҳ тузаман. Хон хазинасининг зарарига бўлса ҳам, вассалом. Ана шундай қиламан". Шу пайт Тўрақул понсоднинг ёнида кетаётган Шодмонхўжа қушбеги қир томонга қаттиқ тикилганча от жиловини тортиб, секинлади. Кейин қўлини пешонасига соябон қилиб, бир муддат тикилиб турди-да, Маллахонга деди:

– Хонзода жаноблари.

– Нима гап? – Маллахоннинг хаёли бўлиниб, Шодмонхўжа қушбегига қаради.

– Ҳув, қир томонга қарасинлар. Илғорлардан иккитаси от қўйиб келяпти.

Олдинма-кетин келаётган беклар ҳам қир томонга тикилиб, жиловларини тортишди. Ҳақиқатан ҳам қир тарафдан икки отлиқ елиб келарди. Беклар бир-бирларига хавотирланиб қараб олишди.

– Нима бўлдийкин?

– Бекордан-бекорга от қўйиб келишмайди.

– Қозоқ, қирғизлар қўшин тортиб келаётган бўлса-я.

– Йўғ-е...

Бу пайтда отлиқлар етиб келишди. Йигирма қадамлар етмай отлардан чаққонлик билан тушиб, Маллахонга таъзим адо қилишди.

– Нима гап? – сўради Маллахон дам унисига, дам бунисига қараб.

– Хонзода жаноблари, дунгни айланиб ўтувдик, олдимиздан элликта атрофида отлиқлар келаётган экан.

– Ким экан улар? Қуроллари борми?

– Ҳаммаси кўпкари чопадиган полвонлар экан. Қуроллари йўқ. На битта қилич, на битта милтиқ. Сўрасак, Жонкелдибийнинг туйида кўпкари чопишибди.

– Бу ерда нима қилиб юришибди?

– Жанобларини пешвоз олгани келишибди.

– Шунақа дегин, – деди Маллахон енгил тортиб. – Яхши. Сизларга рухсат. Қани, жаноб беклар, – отини ниқтаб, урнидан қўзғалар экан, – полвонларни кутдириб қўймайлик.

Беклар Маллахоннинг ортидан отларини ниқташди. Бир фурсат гап-сўзсиз йўрға юришда юришгандан кейин узоқда тўхтаб турган отлиқлар кўзга ташланди. Маллахон кенг ялангликка кўз ташлаб қўйиб, яна отлиқларга қарайди. „Қизиқ, олдинлари закотчиларни бундай ҳурмат билан пешвоз олишмаган. Нега чиқишдийикин булар? Ҳарбий ҳийла бўлмасин яна? Йўқ, ҳарбий ҳийлага ўхшамайди. Атроф кафтда тургандай кўриниб турибди. Яширинадиган жой йўқ. Жанг қиладиганга ўхшамайди. Бу яхши. Лекин нимани ўйладийкин, булар? Мана буниси, қизиқ. Майли, борганда кўрамиз. Нима бўлган тақдирда ҳам сулҳ тузаман“.

Маллахон қўшинни тўхташга буйруқ бериб, беклар билан юришда давом қилади, Илғордаги навкарлар отларини четга ҳайдаб, уларга йўл беришди. Полвонлар Маллахонни кўриши билан шоша-пиша отларидан тушиб,

таъзим адо қилишди. Маллахон қирқ-эллик қадам етмасдан тўхтаб, уларга кўз югуртирди. Олдинроқда турган полвонни таниб қолди. Беш-олти йил олдин Қурамада кўпкарида кўрган эди.

– Ие, полвон, ўзингмисан?

– Ўзимман, хон тўрамжон, ўзимман, – Маллахон таниганидан хурсанд бўлиб, қайта-қайта таъзим қилди, – Жўлаклиқ полвонман, хон тўрамжон, жахши келдингизма? Жўлда қийнолмодингизма?

– Яхши. Ҳаммаси жойида, – деди Маллахон. „Хон тўрамжон" деган гапни эшитиб, этлари жимирлашиб кетди. – Сизлар бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

– Биз Жонкелдибийнинг туйида кўпкари човуп журувдиқ, хон тўрамжон. Икки кун олдин Жонкелдибийнинг ўзи уч-тўртта бийлар билан биз қўноқ бўп турғон ўтовға кириб, маған „полвонларди қирқ-эллувини қаватинға олғиндағин жўлға чиғиб, хон тўрамди кутиб онғлар. Кейин Авлияотаға ияртиб кенғлар", деп ойтти.

– Бийларнинг ўзи қаерда?

– Бийларди бари оқлли гапларди гапирсаям бизлардай отти тез човолмайди, хон тўрамжон, бизларға „кийинроқ жўлға чиғамиз", депиди. Ҳозир Авлияотаға жетиб кеған бўса керак.

– Авлиёотада нима қилишади?

– Билмадимов. „Бир балалар қиламиз", деп журувди бари. Биз бийлардинғ говини унча тушуммаймиз, хон тўрамжон, бизға кўпкари бўса бўлди, бомдоттан шомғача тасира-тусур човаверамиз.

– Ҳа-ҳа-ҳа... Шунақа дегин, яхши. – Маллахон полвоннинг самимий гапларидан завқланди, – Авлиёотагача қанча бор?

– Кўпмас, хон тўрамжон, ўн-ўн беш чоғирим чиғип қолар. Қичап ҳойдасақ, пешинға қомай жетип қўямизов.

– Маъқул. Қани, ҳайдадик бўлмаса.

Маллахон отини ниқтаб, ўрнидан қўзғалиши билан четроқда турган илғор навкарлар юзбошининг ишорасига кўра қамчи босиб, олдинга от қўйиб кетишди.

* * *

Авлиёота қалъаси... Турт дарвоза, қарийб етти газ баландликда девор билан ўралган бу қалъа Қўқон хонлигининг ғарбий сарҳадларидан бири. Шимол томони Дашти Қипчоқ бўлиб, асосан Улли Жуз қозоқларининг уговлари жойлашган. Жанубий, шарқий томонларида қирғиз, қипчоқ овуллари бор. Шу кунларда қалъа атрофидаги овуллар арининг уясидай нотинч. Қозоқ, қирғиз, қипчоқлар бирлашиб, Авлиёота қалъасини қамал қилишган. Қалъа ичида Тошканд беги Мирзо Аҳмад қушбеги навкарлари билан ҳафта-ун кундан бери қамалиб олган. Қалъанинг тўртала дарвозасини ҳам ташқаридан, ҳам ичкаридан қўриқлашади. Қалъа ичидан қушбегининг навкарлари шинаклар орқали, кечаю кундуз ташқарини кузатишади, Ташқарида эса ҳар бир дарвоза олди майдонда қўзғолон кўтарганлар ўзига қарашли уруғлари билан қур тўкиб, давра қуриб, гурунглашиб, ўтиришарди. Тунлари гулхан ёқишарди. Иккала томон ҳам бир-бирларига ҳужум қилиб, ўқ отишмас, фақат аҳён-аҳёнда даҳанаки жанг қилишади. Қалъанинг марказий дарвоза олдидаги майдон бир чеккасида ўсиб ётган қатор тераклар тагида бийлар гурунглашиб ўтиришарди.

– Бугун ўнинчи кун, бий оғалар.

– Биёғиға нима қиламиз?

– Ҳалиям бўса, абийримиз борида қушбегини навкарлари билан бирға қўйиб жуварсақмикин, кетсин. Нима дединғлар?

– Бўмайди. Кеча кеған полвонлар „Олимбек додхоҳ бийлар билан кеп жатир" деп ойтти-ғу. Олимбек додхоҳ бекардан-бекарға кемойди, бир нарсани биладики, бийлар билан кеп жатир. Кеса кенгаш қиламиз, суйлашамиз. Кейин биргалашиб, Маллахондиям келишиға қораймиз. Уминан суйлашамиз. Бошқа бундайча ғалва бўмайдиған қип, орани очиқ қип олишимиз керак. Нима дединғлар? Говим туврима?

– Туври, туври...

– У кеп, қирғинди бошлаб жуварса-чи?

– Жуғ-е... Маллахон ундайча ишди қимайди. Жонкелдибий жуварған полвонлар жулиға чиқди-ғу. Кеғанча хонзода билан мамлани жахши қип келади. Кеғандан кейин ўзимиз суйлашамиз. Қуй суямиз. Қимиз шопирамиз. Кулчатай қип, димағини чақ қиламиз. Қалай, булама?

– Маъқул.

Шу пайт хизматда юрган йигитларнинг бири бийларнинг олдига югуриб келиб, қул қовуштирди. Давранинг туррофида утирган бийларнинг кексароғи Раҳмонқулбий ундан суради:

– Нима гап, утоғаси?

– Талас томондан бир туп бийлар кеп жатир.

– Қойси уруқди бийлари? Тонимодингма?

– Бирини тонифондайман. Олимбек додхоҳға ухшайдиёв.

– Қардошингди шуниси жахши. Бошингға ташвиш тушғанда „хорманғлар" деп келиши тувғанингданам утади. Жигитларға ойт, миймонларди отиға қорасин. Кейин барини шул жерға ияртип ке.

– Хуп булади, бий оға.

Йигит илдам юриб, куздан ғойиб булгач, Раҳмонқулбий бийларга куз югуртириб чиқди.

– Қона, бийлар, тур баринғ. Миймонларди ҳурматиға беш-ун қадам олдиға чиқайиқ. Ғалаян билан буп, Жонкелдибийдинғ туйиға боролмадиқ. Ҳали курғанда баримиздан қапа буп журмаса гургайиди.

Бийлар бирин-кетин утирган жойларидан туриб, узуқ-юлуқ гурунглашган ҳолда юра бошлашди. Шу пайт отда йурға юришда келаётган Олимбек додхоҳ бошлиқ бийлар куриниб қолди. Қул қовуштириб турган йигитлар олдида жиловни тортиб, тухташди-да, тапир-тупир отдан туша бошлашди.

– Ия, миймонлар кеп қуйди-ғу.

– Ҳой, орқадағилар, қадамди катта оп, жетиб онғлар.

– Биз тайяр.

– Раҳмонқулбий оға, каттамиз сиз. Олдинға қораб тортинғ.

– Қона, журинғлар бўмаса. Мана, бошладим.

Раҳмонқулбий илдам қадам ташлаб, бийларнинг олдида келаётган Олимбек додхоҳга қараб юрди. Беш-олти қадам қолганда қулочини ёзди.

– Келинғлар, миймонлар, келинғлар. Ойнолойин. Қадамларинг қутли бўсин, – бошлаб Олимбек додхоҳ билан қучоқлашиб кўришди. – Жахши келдингма, утоғаси? Димоқлар чоқма? Вақтинг хушма? Мол-жон омонма? Жонкелдибийдинг ўзи, кемадима? Туй қип жатир? Майли, майли... Туй бўсин. Қулли бўсинға кейинрақ борамиз.

Бийлар бир-бирлари билан қучоқлашиб, кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашишди. Ҳаммалари терак тагида ўтиришди-да, ғалаёнда ўлганларга, тиловат қилиб, юзларига фотиҳа тортишди. Кейин расмиятчилик юзасидан яна ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди. Раҳмонқулбий Олимбек додхоҳга юзланди.

– Додхоҳ, моған қора.

– Лаббай, бий оға.

– Туя суйсамам мана шуйтиб, баринғ жийилиб кемайсан. Сизларди бундайча кутиб оғанимизға қопа бўманғлар. Бул жерда овулимиз, утовимиз жўқ. Агар овулда бўсайидиқ биз сизларди бошқача қип...

– Шашма, Раҳмонқулбий оға, шашма, – Олимбек додхоҳ Раҳмонқулбийнинг гапини бўлиди, – биз бул жерга эт жеб, қимиз ичғани кеғанимиз жўқ. Биз бул жерға сизлардан ҳол-аҳвол сўрағани кеғаммиз. Кейин жардам берғани кеғаммиз, – Олимбек додхоҳ бийларга кўз югуртириб чиқиб сўради. – Маллахоннинг навкар билан келажатғанидан хабарларинғ бўса керак?

– Хабаримиз бор. Қойси кун Бойзоқбийди одами кеп ойтти. – Ҳамма учун жавоб берди Раҳмонқулбий.

– Жахши, эса булай қиламиз. Биз жўғари, пасқи, ўрта овуллардинг бийлари билан кенғаш қип, шул қарорға келдиқ. Шу ишди сизлар билан ҳам кенғаш қимоқчимиз. Маллахон кеғанда ул билан гаплашамиздағин, кейин шартта хон қип кўтариб қўяғоямиз.

– Ия-а-а...

– Ана бўмаса.

– Олимбек додхоҳ маъқул гапти ойтти.

– Маллахон хон бўса, ҳаммамизға жахши бўлади, туврима?

– Туври, туври...

– Ўған қойтип ойтамиз?

– „Хон бўласамма“, десанғ, ким „жўқ“ дийди, ойна.

– Шашма! Тўхта баринғ! – Олимбек додхоҳ тиззалаб ўтириб, қўлини кўтарди. – Бир нарсани ониқ қип олайиқ. Маллахонди хон бўлишиға баринғ розимисан?

– Розимиз, – бир овоздан жавоб беришди бийлар.

– Эса, бундай қиламиз...

Бийлар йигирма дақиқача кенгашиб олишгандан кейин Раҳмонқулбийнинг ишораси билан беш-олтита бийлар ўринларидан туришди-да, қур тўкиб гурунглашиб ўтирган, чўзилиб ётган, мудраб ўтирган юзлаб қозоқ, қирғизларни ҳайдай бошлашди.

– Тур баринғ! Тез-тез қимирланғлар. Жуз эллув-икки жуз қодам нари бориб туринғлар. Бийлар қалъа ичиға кириб, қушбеги билан сўйлашмақчи. Тез бўл баринғ!

– Ия, бий оға, овулға кетамизма?

– Овулға кетаракаммиз, тур баринғ.

– Савашмаймизма?

– Жўқ. „Кет“ деяпти-ғў.

Кутавериб, тоқатлари тоқ бўлган минглаб одамлар узуқ-юлуқ савол-жавобдан кейин шоша-пиша дарвозадан узоқлашишди. Бийлар бир фурсат кутиб туришди-да, кейин ўринларидан туриб, дарвоза томон шошмасдан юриб кетишди. Шинакда ўтирган навкарлар ташқарида бўлаётган ҳаракатларни кўриб, ҳушёр тортишди. Бир муддат кўз узмай қараб туришди-да, кейин ғала-ғовур бошланиб кетди.

– Қозоқлар кетишяпти, шекилли.

– Хайрият.

– Ия, мана булари биз томон келишяпти.

– Ҳарбий ҳийла бўлмасин яна?

– Э, ҳарбий ҳийла нима қилади? Бари чоллар-ку. Қуролиям йўқ.

– Ҳой, биттанг юзбошини чақир.

– Ёшроғинг пастга югур.

Кимдир пастга қараб қичқирди. Навкардан бири зинадан пастга қараб, чопиб кетди. Пастдагилар шинакка қараб югуришди. Бу орада бийлар дарвозага йигирма қадамларча етмай тўхташди. Олимбек додхоҳнинг имоси билан Раҳмонқулбий шинакдагиларга қараб қичқирди:

– Ҳой, жигитлар, оранғда каттанғ борма? Каттанғ ким?

– Мен, – деб жавоб берди юзбоши, бийларга хавотирланганча қараб.

– Говимди жахшилаб эшит, утоғаси. Қушбегининғ олдиға борғиндағин „бийлар сен билан сўйлашмоқчи, зарил гави боракан“, деп ойт.

– Хўп! Айтаман, – деди юзбоши енгил тортиб.

Ўн беш-йигирма дақиқалардан кейин навкарлар залворли дарвозанинг бир табақасини очишди. Юзбоши олдинга чиқиб, бийларни ичкарига таклиф қилди.

– Қани, бий оғалар, ичкарига марҳамат қилинглар.

Бийлар бирин-кетин ичкарига кирган заҳоти юзбошининг ишораси билан навкарлар дарвозани шоша-пиша ёпиб қўйишди.

* * *

Маллахон қушини билан охирги қишлоқни айланиб ўтиб, кенг далага чиқиши билан узоқдан Авлиёота қалъаси кўзга ташланди. Қалъага яқинлашган сари одамлар, отлар, дарвоза, шинаклар аниқ кўрина бошлади. Маллахон диққат билан тикилиб қарар экан, қалъа дарвозалари ланг очиқлигини кўриб ҳайратланди: „Товба қилдим, қушбеги навкарлари билан қамалда эди-ку? Нега дарвозалар очиқ? Ёки овулликлар ҳужум қилиб, қалъани қўлга олишдимикин? Навкару бекларни қатл қилишган бўлса-я. Парвардигор, балою қазодан ўзинг асра. Лекин одамларнинг юриш-туришига қараганда қирғин бўлганга ўхшамайди. Илоҳим, тинчлик бўлсин. Анови от қўйиб келаётганлар ким бўлди яна? Илғорлардан бўлса керак“. Маллахон от жиловини тортиб тўхтади.

– Қушбеги, – Маллахон ёнидаги Шодмонхужа қушбегига мурожаат қилди: – Қалъа дарвозалари очиққа ухшайдими?

– Шунақага ухшайди, хонзода жаноблари. Шинакдаги навкарлар ҳам бемалол ўтиришибди. Худди туйга келгандай.

– Дарвозалар очиқ бўлса, бу „қамал йўқ“ дегани, шундайми?

– Шундай, хонзода жаноблари.

– Унақада Мирзо Аҳмад қушбеги навкарлари билан нима бўлдийикин? Шошма, полвондан сураймиз. Полвон қани? – Маллахон от бошини ярим бурганча орқага қараб қичқирди. – Полво-он!

– Лаббай, хон турамжон, шуйдаман, шуйдаман.

– Қалъада нима бўляпти?

– Жонкелдибий кеган буса, мирзалар билан мамла қиган буса керак. Бориб, билиб келайма, хон турамжон.

Маллахон „шошмай тур“ дегандай қўл силтаб, етиб келган отлиқларга қаради. Навкарлар отларидан туша солиб, таъзим адо қилишди.

– Нима гап? – суради Маллахон.

– Хонзода жаноблари, қалъа дарвозалари ланг очиқ.

– Буни ўзим ҳам кўриб турибман. Қозоқлар қалъани қўлга олишибдими?

– Қўлга олишган шекилли. Лекин жанг бўлганга ухшамайди. Уликлар кўринмади. Навкарлар ҳам, қозоқ, қирғизлар ҳам қалъа дарвозасидан кириб-чиқиб юришипти.

– Қозоқ, қирғизлар қанча?

– Курганимиз уч-тўрт мингча чиқиб қоладиёв. Қалъанинг орқа томонида ҳам бўлса керак.

Маллахон пешонасини тириштирди. „Бийлар сулҳ тузишмоқчи. Бу аниқ. Акс ҳолда, қирғин бўлиши керак эди. Қирғин бўлмаган. Демак, сулҳ тузишган. Мирзо Аҳмад қушбеги билан сулҳ тузишган. Бу яхши. Жуда ҳам яхши. Лекин қушбегига қандай шартлар қўйишдийикин? Эҳ, қандай шарт қўйса қўяр, энг муҳими сулҳ тузил-

ган. Бу катта гап. Ҳозир бориб, бийларнинг арз-додини тинглайман-да, кейин ёппасига бир йиллик солиқдан кечиб юбораман, вассалом". Маллахон шу қарорга келиб, соқчибошини чақирди.

– Алимқул!

– Лаббай, хонзода жаноблари.

– Юзбошиларга буюр. Навкарлар шу ерда қолишади. Овқатланиб, дам олишсин. Илғорларни ҳам қайтар. Ёнимда фақат беклар, полвонлар бўлади. Ўзинг хос навкар билан орқамдан юр.

– Бош устига.

Маллахон бир қадам орқада турган бекларга қараб:

– Қани, жаноб беклар, олға! – деб қичқириб, отига қамчи босди.

Беклар, полвонлар, Алимқул понсод бошчилигида хос навкарлар хонзоданинг ортидан от қўйишди. Фурсат ўтиб, қалъага яқинлашишар экан, дарвоза олдидаги майдонда одамлар тўп-тўпига қараб, югуриб қолишди. Маллахон майдондагиларни кўздан кечирар экан, хаёлидан ўтди: „Ўҳ-ҳў... Одамлар кўпайиб қолгандайми? Камида беш-олти минг чиқиб қоладиёв. Навкарлар ҳисобигамикин? Йўқ, навкарлар оз. Нариги дарвозаларда турганлар келиб, қўшилганга ўхшайди. Ўртада турганлар ким бўлди? Олимбек додхоҳ-ку? Ҳа, ўша. Ёнидаги Мирза Аҳмад. Хайрият, қушбеги тирик экан. Қолгани бийлар. Бунча кўпчилик бўлмаса булар. Четдаги овуллардан келишган бўлса керак. Бийлар тўпланишиб, нимани ўйлашдийикин? Эҳ, таваккал. Қирғин бўлмаса, бўлди. Бу ёғи Худодан".

Бийлар, юзбошиларнинг бақир-чақири билан олти минг атрофидаги одамлар дарвозанинг ҳар икки томонида ярим доира шаклида тизилишди. Дарвоза олдида Олимбек додхоҳ, Мирза Аҳмад қушбеги, Раҳмонқулбий орқароқда бир тўп бийлар, беклар туришарди. Маллахон ёнидаги беклар билан яқинлашиб келди-да, от жиловини тортиб тўхташди. Беклар ҳам, полвонлар ҳам баравариға отларидан тушишди. Ёлғиз Маллахоннинг ўзигина от

устида қолди. Алимқул понсод от жиловини йигитлардан бирига тутқазди-да, ўзи Маллахоннинг ёнига келиб турди. Бошлаб дарвоза олдидаги бийлар таъзимга бош эгишлари билан қолган ҳаммалари бараварига таъзим адо қилишди. Олимбек додхоҳ уч қадам олдинга чиқиб, қўлларини кўтариб баланд товушда ҳайқирди:

– Марҳабо, эй хонзода жаноблари, марҳабо-о-о...

Олти минг атрофидаги одам гувиллаганча Маллахонни олқишлашга тушди.

– Қадамларига ҳасано-о-от!..

– Авлиёотага хуш келибдила-а-ар!

– Сафо келибдила-а-ар!

Маллахоннинг олдидаги беклардан беш-олтитаси тўрт томонга юриб, бақира кетишди.

– Хонзода жаноблари, салом беряптила-а-ар...

– Хонзода жаноблари, алик оляптила-а-ар...

– Хонзода жаноблари, фуқаронинг соғлиғини сўраяптила-а-ар...

Халқ ғала-ғовур билан яна уч-тўрт марта таъзим адо қилди. Беш-ўн дақиқа таъзим, олқиш, салом-алик, ҳолаҳвол сўрашилгандан кейин Маллахон унг қўлини баланд кўтарди. Ғала-ғовур пасайиб, ахийри жимлик чўкди. У ўзига кўз тикиб турган минглаб одамларга бирров кўз югуртириб чиқди-да, кейин салмоқ билан дона-дона қилиб, гапира бошлади:

– Азиз фуқаро... Мен, Маллахон Шералихон ўғли, хон ҳазратларининг фармонлари билан бу ўлкаларга шаръий адолат ўрнатгани келдим. Каминага қатл қилдириш, ҳад урдириш, афв қилиш, ҳадя қилиш, солиқларни камайтириш, кечиб юбориш кафолатлари берилган. Мен йўл-йўлакай шаҳар, қишлоқ, овулларда бўлдим. Бийлар билан, оддий фуқаролар билан суҳбатлашдим. Арзларини эшитдим. Кейин ерлик бийлар билан кенгашиб, хулоса чиқариб, сулҳ йўли билан ҳамма муаммоларни ҳал қилдик. Мен бугун Авлиёота қалъасидаман. Кўриб турибман. Ён-атрофдаги ҳамма овулларнинг бийлари йиғилиб келибсиз. Бу яхши. Ҳаммаларингизни арзларин-

гизни эшитишга тайёрман. Худо номига қасам ичаманки, ҳар қандай арзни мувофиқи шариат сулҳ йўли билан ҳал қиламан. Марҳамат, азизлар, сўз сизларга. Қайси бирингиз бошлайсиз? Бу ерда ҳеч қандай яширадиган сир йўқ. Бемалол халқ олдида очиқ айтаверинг, марҳамат.

Бир фурсат жимлик бўлди. Кейин бирдан ғала-ғовур бошланиб, ҳаммалари бийлар турган тўпга кўз тикишди. Бийлар ўзаро пичирлашиб олишди-да, сўнгра Раҳмонқулбий қаддини ғоз тутганча ўртага чиқди. Маллахонга бир таъзим қилиб олиб, қўл қовуштирди:

– Хонзода жаноблари, шул жерда жийилған бийлардинг жаши каттаси менакамман. Бийлар кенгашиб, „сен сўйлағин", деб ойтишди. Маған рухсат берсалар шу атрофдағи бор овуллиқларди номидан сўйласам.

– Сизга рухсат, бий оға, бемалол гапираверинг.

Раҳмонқулбий яна бир таъзим қилиб олди-да, томогини бир-икки қириб олиб, шошмасдан гап бошлади.

– Хонзода жаноблари, шуйда турғон баримиз сизди жахши тониймиз. Қурама овулларида буған кўпкарилардда кўрғаммиз. Сизди баримиз ҳурмат қиламиз. Беклиқ довринғизда бари овуллар хурсандчилиқ билан кун кўрған. Жуварған закатчиларинғиз инсоф билан солиқди оған. Ошиқча бир тона, ё бир қўй оғани жўқ. Қози қойтиб белгилаған буса, закатти шуйтиб оған. Гавим туврима, бийлар?

– Туври, туври...

– Ошиқча оғани жўқ.

– Барини хатға қораб оған.

– Ана, баракалла-а! Энди, гапти туврисини ойтсам, сиз кетғанинғиздан биёғиға баримизди шўримиз қуриди. Икки-уч жил амаллаб чидадиқ. Лекин шул жили закатчилар кеп, бизға қотти зулм қилди. Жан-жанимиздан ўтқазиб жуварди. От билан туяғаям закат берасан деди. Солиқди хилиниям, нархиниям ошириб жуварди. Бўй жетған қизларға жовишди. Энди барини ойтиб ўтирмай, хонзода жаноблари, гап мойдалашиб кетади. Лўнда қип ойтсам, шунча зулмдан кейин бир овул кўтарилувди, қоған овулларам жоппасиға кўтарилип кетти. Худони

ўртаға қўйиб, қасам ичаман. Ҳеч бир овул кенгаш қимасдан бари бирдан ғалаян кўтариб жўварди. Закатчиларди оломон қип, ўлдириб қўяғойишди. Кейин навкарлар билан саваш бўлди. Беш-ўнта у томонданам, бу томонданам ўлди. Бояна ойтғонимдай ҳеч бир овул бийлар билан кенгашмади. Мен бу говим билан бийларни оқламоқчи эмасман. Эл нима бўса, биз ҳам шу, хонзода жаноблари. Энди мана шу ойтқонларимга қораб, адолат қинг. Сиз нима десангиз, шу бўлади. Мени говим тамом.

Раҳмонқулбий гапини тугатиб, қўл қовуштириб турди. Ҳеч бир ғала-ғовур бўлмади. Ўртада оғир сукунат чўкди. Ҳамма „хонзода нима дер экан" деб, кўзларини Маллахонга тикди. Маллахон фикрини жамлаб олиш учун бир зум ўйланиб турди. Кейин бошини баланд кўтариб, шартта-шартта гапира бошлади.

– Азиз фуқаро! Мана шу бўлиб ўтган ғалаёнда ҳар иккала томондан ҳам одамлар ўлди. Бу ўлганларни Парвардигор раҳматига олсин. Бир томон „овулим, элим, ўтовим", деб жонини фидо қилди. Иккинчи томон „ҳукми подшоҳ, вожиб" деб жонини фидо қилди. Закотчиларни Худонинг ўзига солдик. Охиратда Эгамнинг ўзи қози. Зеро, пайғамбаримиз шундай деганлар: „Ўлганларнинг орқасидан ёмон хулқини гапирманг, фақат яхши амалларини гапиринг. Чунки улар борадиган жойига бориб бўлди". Биз фақат „ўтганларни Худо раҳмат қилсин" деймиз холос. „Қолу бало" Худони айтгани бўлади. Бўлар иш бўлиб, ўтди. Энди менинг ҳукмимни эшитинг.

Биринчидан, ғалаёнда қатнашган барча овулликлар ким бўлишидан қатъи назар умумий афв қилинади.

Иккинчидан, Авлиёота қалъасидан бошлаб, шу атрофдаги барча овул, қишлоқлар хон хазинасига тушадиган йиллик солиқ, закотлардан озод қилинади.

Учинчидан, қайси овул ёки қишлоқдан ноҳақ солиқ, закот ундирилган бўлса, ўша овул, қишлоқларга молмулки қайтариб берилади.

Тўртинчидан, ғалаёнда қайси оиланинг одами ўлган бўлса, ўша оилага йиғилган солиқ, закотдан „хунпули" ундириб берилади.

Мен чиқарган ҳукм мана шундай. Бундай шароитда бундан ортиқ адолат бўлмаса керак. Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ.

Маллахон гапини тугатиб, тин олди. У гапираётган пайтда „тиқ" этган товуш чиқмади. Ҳамма нафасини ютиб, жон қулоғи билан эшитиб турди. Унинг гапларидан таъсирланган одамлар ҳаяжон билан ундан кўз узмасди. Сукунатни биринчи бўлиб Олимбек додхоҳ ҳайқириқ билан бузди.

– Яшасин Маллахон жаноблари!!!

Олимбек додхоҳнинг ҳайқиришидан кейин халқ бирдан ўзига келиб, Маллахонни олқишлай кетди.

– Яшасин, хонзода жаноблари, яшасин!

– Э-э... Жуз жил умр кўрсин!

– Барини афв қип жуварди-я... Э, отанға балли.

– Бир жиллиқдиям кечип жуварди.

– „Хунпули"ям беради-ғу.

– Бошқаси бўғанда овп қилиш наржақда турсин, бешунтамизди дорға остирарди.

– Ойтма.

– Қона энди шундайча хон бўса.

– Вой-вое-е-ей... Тилинға асал...

Анчагача олқишлар давом қилди. Раҳмонқулбий оркароқда турган Олимбек додхоҳга қараб, боши билан ишора қилди. Олимбек додхоҳ шахдам қадамлар билан ўртага чиқди-да, ғала-ғовурни тинчитиш учун қўлини кўтарди. Жимлик бўлгач, одамларга қарата баланд товушда деди:

– Халойи-иқ!! Хонзода жанобларининг гаплари баринғизға маъқулма?

– Маъқул, маъқул...

– Маъқул бўғанда қандай.

– Биз баримиз хурсандмиз.

Олимбек додхоҳ яна қўлини кўтарди.

– Эса, говимди жахшилаб тинғлаб онғлар. Бизға Маллахон жанобларига ўхшаган хон керак, – томоғи йиртилгудай бўлиб ҳайқирди. – Малла-ахо-он жанобла-арини хо-он қип кўтарами-и-из!!!

Бир лаҳзалик сукунатдан кейин халқнинг ҳайқиригидан ер ларзага келиб, қалъа деворлари зириллаб кетди.

– Маллахон хон буси-и-ин!..

– Хон буси-и-ин!..

– Бизга шундайча хон керак.

– Эҳ... Худога шукур...

– Хонга жолчийдиган бўлдик.

Бир лаҳзада хон бўлиб кўтарилишидан Маллахон анграйиб қолди. Оғзи қуруқшаб, танаси музлаб кетди. „Ё, Парвардигор, нималар бўяпти узи? Бу фитнанинг узи-ку! Хонга қарши фитна. Хоннинг қулоғига етиб борса, нима бўлади? Бийлар нимани уйлашганини энди тушундим. Бунинг охири нима билан тугашини наҳотки билишмаса аҳмоқлар! Ё Раббий, қуруқ туҳматлардан ўзинг сақла". Бошлари ғувиллаб, атрофга маъносиз боқди. Шу пайт орқароқда турган беклар Маллахоннинг олдига келиб, бири узангидан, бири сўлиқ, югандан ушлаб, хурсандчилик билан муборакбод қила кетишди.

– Хонлик муборак бўлсин!..

– Тож-тахт қутлуқ бўлсин!..

– Дунё тургунча хонлик қилсинлар!..

– Ба-асс!! Бас қилинглар, деяпман санларга! – Маллахон ўкрайганча бекларга кўз югуртириб: – Эсларинг жойидами? Хон ҳазратларининг қулоқларига етиб борса, нима бўлишини биласанларми? Ҳозироқ бас қилинглар!!

Беклар бир-бирларига қараб олиб, яна Маллахонга қарашди. Ҳамма учун Шодмонхўжа қушбеги гапирди.

– Ғишт қолипдан кўчди, хонзодам. Орқага йўл йўқ.

– Йўл йўқ!? Нега йўқ бўлади?

– Чунки жанобларини „хон қилиб кўтарамиз", деган гап биздан олдин хоннинг қулоғига етиб боради, – деб Ғайбулла понсод гапга аралашди. – Саройдагилар бирга унни қушиб етказиши турган гап. Бўлса-бўлмаса, шу бугуннинг ўзидаёқ хоннинг айғоқчилари Қўқонга қараб от қўйишади. Биз бу ишга аралашсак ҳам, аралашмасак ҳам қайтиб борганимиздан кейин хон баримизни ҳибсга олиб, зиндонга ташлайди, суроққа тутади. Кейин нима

бўлишини Худо билади. Ахир айтишади-ку, „бўрининг еса ҳам оғзи қон, емаса ҳам оғзи қон", деб. Яхшиси, хонликни қабул қилиб, тахтга ўтиришингиз ҳаммамиз учун афзал, хонзодам.

Маллахон бўшашиб қолди. „Жин урсин ҳаммасини. Бири кўйлак кийиб, чарх йигирган, бири қамчи еган, бири лавозимидан пастлатилган. Алами йўқнинг ўзи йўқ. Булар бари бийлар томон бўлди шекилли. Ие, нимани кўтариб келишяпти? Оқ кигиз-ку! Ҳозир хон қилиб кўтаришади-ёв. Наҳотки хон бўлсам? Фарғона мамлакатига-я?!" – Маллахоннинг этлари жимирлашиб, танасига илиқлик югурди, – „Тақдирдан қочиб, қутулиб бўлмайди. Эҳ, бўлганча бўлди. Парвардигор, ўзинг қувват бер". Маллахон бир қарорга келиб, отини ниқтади. Алимқул понсод от жиловидан ушлаганча ўртага етаклаб келиб тўхтади. Чап қўлини баланд кўтариб ҳайқирди:

– Халойи-и-иқ!!!

Бир лаҳза жимлик бўлиши билан яна ҳайқирди:

– Давр, даври Маллахон-оҳо-о-о-о-ой!!!

Халқ гувиллаганча Алимқул понсоднинг гапини илиб кетди.

– Давр, даври Маллахо-о-о-он!!!

– Замон, замони Маллахо-о-о-он!!!

– Маллахон жуз жил хон бўси-и-и-ин!!!

– Ҳой, жўлдан қочинғлар...

– Баринг нари тур, бийларга жўл беринглар.

– Кигизди бийларга беринглар.

– Ҳар уруқдан битта бий бўсин, эса, жой жетмай қолади.

Қозоқ, қирғиз, қипчоқ бийлари оқ кигизни айланасига ушлаб кўтариб олишди-да, Маллахоннинг олдига келиб туришди. Алимқул понсод билан Олимбек додхоҳ Маллахоннинг чап томонидан келиб, қўл қовуштириб туришди. Маллахон ўзини эгардан олиши билан иккови хонзоданинг икки томонидан ушлаб, даст кўтариб оҳисталик билан оқ кигиз ўртасига ўтқазишди. Биринчи бўлиб Раҳмонқулбий бошлади.

– Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим... Қони, ҳа... Бараварига кўтар баринг.

Ўттиздан ортиқ бийлар Маллахон ўтирган оқ кигизни яхши ниятлар билан бараварига кўтаришди.

– Хонимиз жахши хон бўсин.

– Адолатли хон бўсин.

– Кўз тиймасин.

– Жомон назар тушмасин.

– Жуз жил хон бўсин.

– Жай тайяр бўгамма?

– Бекди саломхонасида жай қиган.

– Жахши.

Кигизни даст кўтариб олган бийлар, пишиллаганча халқ олқишлари остида қалъа дарвозасидан ичкарига кириб, кўздан ғойиб бўлишди. Шу куни Маллахонни хон қилиб кўтариш муносабати билан Авлиёота қалъасида байрам бўлди. Қўйлар сўйилди. Зиёфат асрдан бошланиб, туни билан давом этди. Бомдодга азон айтилиши билан икки отлиқ шаҳар дарвозасидан чиқишди-да, Қўқон томон от қўйиб кетишди.

III БОБ

Қўқон... Хон саройи. Вақт асрдан ўтиб, шомга яқинлашиб қолган. Арконлар гурунглашганча маҳкамадан чиқиб келишар, сайислар жиловидан ушлаб турган отларига миниб, уй-уйларига жўнаб кетишарди. Сайислар ҳам ўз ишларига пишиқ. Обрўлироқ ёки жанжалкаш бекларни кутиб олишганда дарҳол жиловни қўлдан олиб, бандарга етаклаб кетишар, кузатаётганда бандардан олиб чиқиб, отни кўндаланг қилиб қўйишарди. Мундоқроқ арконлар отларини ўзлари боғлаб, ўзлари ечиб олишарди. Дарвоза олдида соқчи навкарлар милтиқларини елкаларидан ошириб шамдай қотиб туришар, ўзлари қолди дегунча эркинроқ тортиб, бир-бирлари билан сўзлашиб ҳам олишарди. Ҳозир ҳам кўз қирлари билан арконларни кузатишар экан, ёши каттароғи оғирлигини бир оёғига ташлаб, шеригига қарамасдан паст товушда сўради:

– Кимлар қолди яна?

– Бандардаги отларга қараганда мингбоши йигитлари билан шу ерда. Нарироқда турган отлар Саидбек тўрам билан Нормуҳаммад қушбегиники. Девонбеги билан бир-иккита мирзаларнинг ҳам отлари шу ерда. Ҳа, энди, ишикоғасининг вазифаси маълум, кун-тун хон олдида туриши керак. Ҳудайчига саройда қолиб, нима бор? Доим хон ухлагандан кейин кетади. Гоҳида ҳужрасида ҳам ётиб қолади даюс.

– Жин урсин. Бари шомдан кейин кетадиган одамлар. Товба-товба. Буларнинг маҳкамадан бошқа иши йўқми дейман?

– Айтманг. Тезроқ шом бўлақолсайди, дарвозаларни беркитардик-да, кейин бир чойхўрлик қилардик.

– Ана сенга чойхўрлик, – деди соқчиларнинг каттаси узоқда дам йўрттириб, дам югуртириб келаётган отлиқлардан кўзини узмай. – Бевақт шошиб келаётганларига қараганда нақ хон ҳазратларининг ҳузурларига киришадиёв.

– Шунақага ўхшайди. Олдиндагиси Қиличбек, лекин анови икковини танимадим.

– Бас. Жим бўл. Келиб қолишди.

Отлиқлар бандар олдига етиб келишди. Отлардан сакраб-сакраб тушишди-да, жиловларни сайисларга тутқизиб, ўзлари дарвоза томон тез-тез юриб кетишди. Ташқи ҳовлида навкарлар кечки овқатга ҳозирлик кўришарди. Ўрта ҳовли, маҳкама ҳужраларида бир-иккита мирзаларни ҳисобга олмаганда деярли ҳеч ким йўқ. Эшиги қия очиқ ҳужрада ҳудайчи мирза билан гурунглашиб, чойхўрлик қилишарди. „Ҳузури олий"да таҳорат олган хон Азимбек икки қўллаб узатган сочиқни олиб артинар экан, сўради:

– Маллахондан чопар келмадими?

– Келгани йўқ, хон ҳазратлари, ҳали келмади. Келиши билан ҳазратларига хабар қиламан.

Хон индамасдан сочиқни узатди-да, „сенга рухсат" дегандай қўл силтади. Азимбек хонадан товушсиз чиқди. Худоёрхон қўлларини орқасига қилганича бир-бир қа-

дам босиб, хаёлга чўмди: „Жин урсин, шимол томондаги ғалвани бир ёқли қилмасдан туриб, шарқдан ғалва чиқиб турибди. Турклар билан урислар ўртасидаги жанглар тугаганига ҳам қарийб уч йил бўляпти. Турклардан ҳозиргача хабар йўқ. Ёки бўлган музокараларга Бухоро амири кўнмадимикин? Туркияга яна элчи юборсаммикин? Бу ҳақда беклар билан кенгашиб олишим керак. Маллахондан ҳам дарак йўқ. Ҳозиргача Маллахон Авлиёотага етиб борган бўлиши керак. Йўл-йўлакай овулларда ушланиб қолган тақдирда ҳам етиб борган. Хўп, етиб борди, ҳам дейлик. Нима қилдийкин? Бийлар билан тил топишдимикин? Тил топган бўлиши керак. Маллахон бийлар билан қандай муомала қилишни яхши билади. Келишолмай икки ўртада жанг бўлаётган бўлса-я? Йўғ-е, Худо кўрсатмасин. Қозоқлар бекордан-бекорга ғалаён кўтармайди. Лаънати закотчилар! Ҳали қараб тур баринг. Тирик қолганини ўзим дорга торттираман. Қарамагани учун қушбегини ҳам ҳокимликдан олиб ташлайман. Бошқа закотчиларни ҳам бир-бир тафтиш қилдираман. Девондаги ҳамма мирзаларни сафарбар қиламан. Буларга Баҳодир шиғовул билан Умарали понсодни бош қилиб қўяман. Бир чеккадан тафтиш қилиб, адолат қилишсин. Қаерда ноҳақлик бўлган бўлса, уша ернинг ўзида, элнинг олдида закотчиларни жазолашсин. Бешолтита қози аскарни ҳам қўшиб юбориш керак. Жойида қозилик қилсин. Ана шунда ҳамма жойда тартиб бўлади. Хомкалла. Бошидан шундай қилишим керак эди. Майли, ҳали ҳам кеч эмас. Шу сафар Маллахон бийлар билан муомала қилиб, тинчлик ўрнатиб келсин. Худо хоҳласа, ёзнинг ўрталарига бориб, ўзим ҳудудларни айланаман. Сарҳадларни бир-бир айланиб чиқаман. Ҳамма овулларда бўламан. Бийлар билан гаплашаман. Ўзим додхоҳ бўламан. Халқнинг ишончини, ҳурматини қозонишим керак. Бу ўта муҳим. Ана шунда фуқаро хон учун ўзини ўтга ҳам, чўққа ҳам ташлайди. Халқ тўқ бўлса, тинч бўлса давлат равнақ топади. Ўзим ҳам хотиржам бўламан. Парвардигор, тезроқ шундай кунлар келсин“. Шу пайт ҳудайчи

кириб, қўл қовуштириб турди. Хон юрган жойида тўхтаб, унга савол назари билан қаради:

– Хон ҳазратлари, мингбоши жаноблари билан беклар ҳузурингизга киришга изн сўрашяпти.

– Беклар?! – деди хон сергакланиб. – Қайси беклар?

– Нормуҳаммад қушбеги, Саидбек тўрам, Азимбек ишикоғаси, Қиличбек киришга изн сўрашяпти.

– Ўҳ-ҳў, – хоннинг юраги ғаш тортди. – Изн бердик.

Ҳудайчи ташқарига чиқди. Хон шошмасдан тахт томон юрди. „Ишқилиб, тинчлик бўлсин. Булар бекорга бевақт келишмайди. Пешиндан олдин, пешиндан кейин ҳаммаси билан учрашувдим. Қилич йўғиди холос. Демак, бир нарса бўлган". Хон тахтга ўтириши билан беклар кириб, таъзим адо қилишди.

– Келинглар, – хон бекларга илтифот кўрсатиб, курсиларга таклиф қилди, – бу ёққа марҳамат қилинглар, – беклар одоб доирасида курсиларга ўтиришди. – Сараланиб келибсизлар? Тинчликми?

– Хон ҳазратлари, – жавоб берди Ўтаббой мингбоши, – Авлиёотадан чопар келди.

– Маллахонданми?

– Жўқ, айғоқчиларимиз келди.

– Айғоқчиларимиз?! – Хоннинг этлари жимирлашиб кетди. – Хўш?..

– Нохуш хабар келтиришди.

– Қандай нохуш хабар?! – хоннинг асаблари таранг тортилди.

– Авлияотада Маллахонди хон қип кўтаришипти.

– Нима-а-а?!!

Хон ўкириб юборди. Беклар гиламга кўз тикканча чурқ этмай ўтиришди. Ўртада ноқулай жимлик чўкди. Асаблари таранг тортилган хон кўзларини юмди. „Э, Худо! Нималар бўляпти ўзи? Яна тахтга даъвогарликми? Битта овулдан чиққан ғалаён бошқа овулларга ҳам туташган кўринади. Ташқи душмандан кўра ички душман ўн карра хавфли. Ташқаридан душман келса, халқ бирлашади. Ичкаридан душман чиқса, халқ иккига бўлина-

ди. Битта мамлакатнинг ичида халқ бир-бирини қирғин қилади. Бу ташқи душман учун ўта қулай пайт. Бундан ортиқ даҳшат бўлмаса керак. Бир йил-ярим йил ичида Оқмачит томон қўшин тортиб боришни режалаштирган эдик-а... Ё, Парвардигор! Наҳотки шунча қилган тайёргарлигим, шунча қилган меҳнатларим барбод бўлиб, ҳавога учиб кетса? Энди нима бўлади? Э-эҳ... Нима бўларди... Пешонада нима ёзилган бўлса, ўша бўлади. Бу сафар биз – ака-укалар ўртасида жанг бўлиши аниқ. Бу жангда иккимиздан биримиз қолишимиз керак. Пешонадан кўрамиз. Ё мен, ё акам. Буни тақдир дейдилар. Бўладиган ишлар ҳақида Ойихонимга айтиб ўтирмайман. Ҳамма иш бир ёқли бўлгандан кейин у кишининг ўзлари ҳукм чиқарсинлар". Хон кўзларини очиб, бир ютиниб олди-да, буғиқ товушда сўради:

– Маллахонни кимлар хон қилиб кўтарибди?

– Қурама, Олой, Дашти Қипчоқ, Талас, Пишпак, Туқмоқ, Иссиққўл бийлари хон қип кўтаришипти, хон ҳазратлари.

– Бийларни ким йиғди?

– Биров жийғани жўқ, хон ҳазратлари, бийлар Жонкелдибийдинғ кўпкари туйиға мийманға кеған. Хизматдағи жигитлар бийларди барини бир жайға қўнақ қиған. Бийлар уч-тўрт кун эт жеб, қимиз ичиб, гурунғлашған. Кўпкари томоша қиған. Авлияотадан хабар кеғандан кейин бари кенғаш қип, эртаси куни Авлияотаға жўнаб кетишған.

– Товба қилдим, Парвардигор, товба-товба, – Худоёрхон зарда билан ўзини тахт суянчиғига ташлади, – худди биров атайлаб уюштиргандай. Жонкелдибий суннат туйи қилган. Узоқ-яқиндан бийлар йиғилиб келишган. Худди ўша вақтнинг ўзида Авлиёотада ғалаён бўлган. Бийлар кенгашиб, Авлиёотага жўнаб кетишган. Душман учун бундан ортиқ қулай пайт бўлмаса керак. Ҳа, айтгандай, – хон тахтда қаддини ростлаб ўтирди, – Мирза Аҳмад нима бўлди? Навкарлар-чи?

Беклар сукут сақлаб, кўзларини ерга тикишди. Хон уларни бир-бир кўздан кечирди-да, кейин кўзларини чақчайтирганча қичқирди:

– Санлардан сўраяпман... Қушбеги билан навкарлар нима бўлди? Гапир биттанг!!

Ўтаббой мингбоши бошини кўтаравермаганидан кейин Нормуҳаммад томоғини бир қириб олиб, жавоб берди:

– Хон ҳазратлари, ҳазратларига маълумки, Мирза Аҳмад қушбеги навкарлари билан Авлиёота қалъасида қамал ҳолатида қолишган. Маллахон жаноблари Авлиёотага келгунга қадар бийлар қушбеги билан музокара олиб боришган. Музокарани бийларга бош бўлиб, Олой беги Олимбек додхоҳ олиб борган. Хуллас, қушбегини навкарлари билан бирга Маллахон жаноблари томонга ўтишга кўндиришган.

– И-иҳ... Лаънати қушбеги, – хон тиззасидаги қилични чанггаллаганча инграб юборди: – Кўрнамак, хоин!!!

Худоёрхон ўзини тахт суянчиғига ташлади. „Тошканд қўлдан кетди ҳисоб. У ёқда Чимканд, Туркистон... Қаноатшо ким томон бўлар экан? Туркистон чапроқ, лекин Чимканд навкарларини қўшиб олиши аниқ. Ҳў-ўш, бу ёғини кўрайлик. Қўраманинг бир қисми қўл остимда. Бўка, Чинос, Пскат, Туйтепа бу ёғи Хўжандгача. Андижон... Суфибек ким томон бўлар экан? Албатта Маллахон томон бўлади-да, ахир туғишган акасига қарши қилич кўтармайди-ку... Ёки бетараф бўлармикин? Худо билади“. Шу пайт ёқилган шиша лампалар кўтариб олган икки мулозим эшикдан кириб, хоннинг хаёли бузилди. У қаддини ростлаб ўтирди. „Шом қазо бўлиб қолай депти-ку, вақтнинг ўтишини қара“. Мулозимлар тахтнинг икки томонида осилиб турган бежирим занжирларга лампачироқларни илишди-да, илдам юриб, хонадан чиқишди. Хонага ёруғлик таралди. Хон сукут сақлаб ўтирган бекларга қаради.

– Хўш, жаноблар, энди нима маслаҳат берасизлар?

Ўтаббой мингбоши жойида бир қўзғолиб олиб деди:

– Олдин бекларди жийиб, кенгаш қисақмикин?

– Йўқ, кенгаш чақириб ўтирмаймиз, – чўрт кесди Худоёрхон, – ҳамма нарсани шу ерда ўзимиз ҳал қиламиз. Ими-жимида иш қиламиз. Тайёргарлик тугагандан кейин қўшин тортишдан бир кун олдин бекларни кенгашга чақирамиз-да, ёппасига эълон қилиб қўяқоламиз. Маъқулми?

– Маъқул, хон ҳазратлари.

– Қилич.

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Ўтиравер. Сарбозхоналарда навкарларнинг сони қанча?

– Тўртта сарбозхонада янги милтиқлар билан қуролланган ўн икки минг тўрт юзта навкар бор, хон ҳазратлари.

– Янги замбараклар нечтага етди?

– Ҳозирча йигирма тўртта, хон ҳазратлари. Шунга яраша ўқ-дорилар ҳам етарли.

– Яхши. Озуқа қандай?

– Захирада бир йилга етадиган дон-дун бор.

– Жуда соз. Мингбоши жаноблари!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Хашак нима бўлди?

– Ўтган жилдинг ўзида ойтқониғиздай қип қуйғоммиз, хон ҳазратлари. Ҳар қирқ беш-эллув чоғиримда беда, хашак оралаш ғарам-ғарам захира қиғаммиз. Ўн беш-жийирма минг отға бемалол жетади.

– Яхши, жуда яхши, – деди хон қўлларини бир-бирига ишқалаб.

– Хон ҳазратлари, – Нормуҳаммад гапирмоқчи бўлиб, ўрнидан ярим турди.

– Турмасдан гапиравер.

– Хон ҳазратлари, беда, хашак ғарамлари Тошканд йўлига захира қилинган.

– Хуш, нима бўпти? Ахир биз Самарқандга қўшин тортиб бормаймиз-ку.

– Туғрику-я... Маллахон жаноблари Тошканд томондан келса, бунга тайёрмиз. Агар Ола-Бел довонидан ке-

либ қолса-чи? Ҳар эҳтимолга қарши шу томонларни ҳам ҳисобга олиб қўйсакми, девдим.

– Нималар деяпсан, довдир? Қанақа довон? Қанақа Ола-Бел?... Қилич!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Авлиёотадан Ола-Бел довони билан юрилса, Қўқонгача неча чақирим чиқади? Ўтириб гапиравер.

– Саккиз юз чақиримдан сал ошиқроқ, хон ҳазратлари.

– Ўҳ-ҳу... Тошканд билан юрилса-чи?

– Агар Тошканд, Хўжанд билан юрилса, Қўқонгача беш юз олтмиш-беш юз етмиш чақирим. Кандир довони билан юрилса, беш юздан сал ошиқроқ чиқади.

– Ана санларга ҳисоб-китоб. Саккиз юз чақирим қаерда-ю, беш юз чақирим қаерда. Маллахон навкари билан Тошканд томонидан келиши аниқ. Шунга қараб тайёргарлик кўришимиз лозим. Энди қилиниши керак бўладиган ишлар ҳақида гаплашайлик. Сен бир нарса демоқчимисан, Саид?

– Шундай, хон ҳазратлари, агар ижозат берсалар...

– Ҳм-м... Марҳамат, жойингда гапиравер.

– Менимча, Нормуҳаммад жанобларининг гапларида жон бор. Маллахон жаноблари Ола-Бел довони билан келсалар керак.

– Шунақа дегин. Сабаб?

– Сабаби Маллахон жаноблари Тошканд билан юрсалар, қўшин тўплай олмайдилар. Чунки Туркистон, Чимканд ва ўша атрофдаги овуллар сарҳадларимизга яқин. Боз устига Оқмасжид, Қумқўрғон, Жўлак қалъалари урислар тасарруфида. Маллахон жаноблари бу шаҳар, қалъа, овуллардан навкар олмайдилар. Акс ҳолда, урислар бу ҳудудларни осонгина босиб олишлари муқаррар. Шунинг учун Маллахон жаноблари Ола-Бел довони билан юрсалар керак. Бу, албатта, бир ойларсиз бўлмайди. Лекин асосий кучлар ҳам шу томонларда. Авлиёота, Талас, Пишпак, Туқмоқ, Иссиқкўл атрофидаги овуллар бу шаҳар, қалъа, қишлоқ, овулларнинг беку бийлари Маллахон жаноблари тарафида. Бу йигирма беш-ўттиз минг

қушин деган гап. Бу ёғи Андижон, Наманган Ўзган, Ўш шаҳарларини айтмасам ҳам бўлади.

Хон Саидбекнинг гапларини эшитиб, бир фурсат анграйиб қолди. Беклар жонланишди. Хон тахтда бир қўзғолиб олиб деди:

– Ўҳ-ҳў... Сенинг ҳисоб-китобинг ҳаммасидан ошиб тушди-ку, Саид, – ўзини тахт суянчиғига ташлаб, – мени қарийб ишонтирдинг. Хўш, бу ёғига нима қиламиз энди?

– Кутамиз, хон ҳазратлари.

– Кутамиз?! Нимани кутамиз? Кимни кутамиз?

– Айғоқчиларни кутамиз, хон ҳазратлари, боя ҳузурингизга келишдан олдин Қилич Ола-Бел довони билан Тошкандга айғоқчиларни юборди. Беш-олти кунларда қайтиб қолишса керак. Кейин ўшанга қараб, иш қиламиз, хон ҳазратлари.

– Маъқул. Айғоқчиларни юбориб, яхши иш қилибсизлар, – деди Худоёрхон қовоғини уйганча бир фурсат ўйланиб туриб, гапини давом қилди. – Айғоқчилар келгунга қадар бу ишларни сир тутинг. Ҳозирча ҳеч ким билмаслиги лозим. Киши билмас сафарга тайёргарлик кўраверинг. Ҳар эҳтимолга қарши замбарак, ўқ-дориларни ҳам тайёр қилиб қўйинг. Бекларга „чўлга чиқиб, умумий машқ ўтказамиз“, деб қўяқолинг. Уч-тўрт кун ичида ҳамма нарса тахт бўлсин. Айғоқчилар келиши билан ёппасига кенгаш чақирамиз-да, Эртаси куни саҳарлаб йўлга чиқамиз. Ҳаммага тушунарлими?

– Тушунарли, хон ҳазратлари, ҳаммасини тушундик, – ҳамма учун жавоб берди Ўтаббой мингбоши, кейин ўрнидан турди-да, қўл қовуштирган ҳолда гапини давом қилди. – Хон ҳазратлари, мени маъзур тутсинлар. Шуни сўрамасам бўмайди. Беганаларди олдида сўраганда кўра ўз-ўзлиқди олдида сўраган маъқулма дийман.

– Хўш?

– Бу сафарғи тўқнашувда жанғ қотти бўлади. Бу жанғда жахшиғана қирғин бўлади. Қурбонлар бўлиши ониқ. Жарадарларам бўлади. Қирғиз, қипчоқ, қозоқларди қойтиб жанғ қилишини ҳазратларини ўзлари жахши била-

дилар. Энди, бу элчилиқ. Мабодо жанғ маъракасини қизиғида Маллахон туври кеп қоса, нима қилайиқ?

Беклар хоннинг оғзига қарашди. Хон бир сесканиб, кўзларини юмди. „Э, Худо, ўзинг айт. Нима деб жавоб берай? Ўзим шу ҳақда ўйласам, юрагим орқага тортиб кетади. Йўқ, ўлимдан қўрққанимдан эмас. Жанг маъракасида акам билан рўпара келиб қолишдан қўрқаман. Ака-ука бир-бирларига қилич кўтаришини ҳеч ҳам ақлимга сиғдира олмайман. „Биродаркуш" деган номусдан қўрқаман. Номус ўлимдан қаттиқ. Парвардигор, ўзинг йўл кўрсат". Хон кўзини очиб, ўзига тикилиб турган беклларга кўз югуртириб чиқди-да, кейин Ўтаббой мингбошига қараб деди:

– Жуда қалтис савол бердингиз, мингбоши жаноблари, жуда ҳам қалтис. Боя айтганингиздек, бу сафар қаттиқ жанг бўлади. Ҳаёт-мамот жанги бўлади. Душман қўшини рўпара келиши билан навкарларни ўзим жангга бошлаб бораман. Бу ёғи Худодан. Тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди. Худонинг айтгани бўлади. Ҳаммангиз яхши биласиз, Маллахонда заррача хусуматим йўқ. Аксинча, ака-укалик меҳри товланиб, уни Бухородан чақиртириб олдим. Лекин фалак гардиши кажрафторлик қилди. Менинг сизларга берадиган фармоним шундай. Жанг маъракасида Маллахон таслим бўлса, уни ҳибсга олинг. Уни яна Бухорога қайтариб юборамиз. Таслим бўлмаса, жанг қонунига биноан Маллахонни шаҳодатга етказинг. Жангдан кейин маййитни ювиб-тараб, кафанга ўраб, ҳурматини жойига қўйиб, „Даҳмайи шоҳон"га дафн этамиз. Лекин Маллахоннинг ўрнига „Даҳмайи шоҳон"га мени ҳам дафн этишлари мумкин. Буни Худо билади. Энди мени ёлғиз қолдиринглар. Сизларга рухсат жаноблар.

Беклар курсилардан туришди-да, хонга таъзим қилиб, эшик томон юришди. Ҳали ташқарига чиқишмасидан хоннинг товуши эшитилди.

– Саид!

– Лаббай, хон ҳазратлари, – Саидбек хонга ўгирилиб қаради.

– Бир дақиқага.

Саидбек қўл қовуштирди. „Хон нега мени олиб қолдийикин? Маллахон тўғрисида гаплашмоқчимикин? Йўғ-е... Хон бировга ундай, бировга бундай дейдиганлардан эмас. Ёки турклар тўғрисида сўрармикин? Шундай бўлса керак. Яна Худо билади. Ҳозирнинг ўзида бошқа гап сиғмайди".

– Жойингга ўтир, – Саидбек курсига ўтиргач, хон гапини давом қилди. – Саид, ўзинг яхши биласан. Саройда ҳар қандай гап ерда ётмайди. Маллахон ҳақидаги гаплар бугунми, эртами ойихонимнинг қулоқларига етиб бориши турган гап. У кишини яхши биласан. Гапдан хабардор бўлиши билан дарҳол бирор-бир чора топишга ҳаракат қиладилар. Албатта биринчи галда сени чақиртирадилар. Биласан-ку, сен ҳам, мен ҳам бирор гап бўлса, дарҳол ойихонимга маслаҳат соламиз. Жуда бўлмаганда олдиларидан ўтиб қўямиз. Лекин бу гал Маллахон билан боғлиқ бўлган ишларга аралаштиришни асло истамайман, Саид. Бу гал ойихонимга маслаҳат солмаймиз. Олдиларига ҳам кирмаймиз. Бу масалада бизга маслаҳат бера олмайдилар. Руҳан эзилиб кетадилар холос. Нима дединг? Гапларим маъқулми?

– Гапларингиз бир томондан маъқул, хон ҳазратлари, лекин ойихонимга учрашмасдан сафарга жўнаб кетиш ҳам бўлмайди. Ахир ҳарбий машққа кетмаяпмиз-ку. Жуда бўлмаганда сафар олдидан оқ фотиҳаларини олиб кетмаймизми?

– Қанақа оқ фотиҳа, Саид? Нималар деяпсан?! – Хон аччиқ кулди, – Нима, ойихоним бизга „Маллахоннинг устидан ғалаба қозон. Калласини ол", деб фотиҳа берадими? У бармоғини тишласа ҳам оғрийди, бу бармоғини тишласа ҳам оғрийди. Ойихонимнинг шу ҳолатини кўз олдимга келтирсам, танам музлаб кетади. Ўзимга жой тополмай қоламан. Қани, ўзинг айт, Саид. Хўш, „нима қил", дейсан?

– Хон ҳазратлари, қандай ҳолатда эканингизни тушуниб турибман. Лекин тарозининг иккинчи палласи ҳам бор. Боя айтганингиздек, бу галги жанг ҳаёт-мамот

жанги бўлади. Қозоқларни билмадиму, лекин қирғиз, қипчоқлар жангга бор кучларини ташлашади. Жанг маъракасида ким ўлиб, ким қолишини ёлғиз Эгамнинг ўзи билади. Армон бўлиб қолмасин...

– „Видолашамиз" демоқчимисан? – сўради хон Саидбекнинг гапини бўлиб.

– Йўғ-е... Ундай демоқчимасман. Лекин ҳар эҳтимолга қарши видолашиб қўйсак ҳам ёмон бўлмас эди. Шунинг учун ҳам албатта ойихонимнинг олдиларига киришимиз керак. Бизга қандай фотиҳа беришлари ойихонимнинг ўзларига ҳавола.

Хон бошини эгганича чуқур ўйга толди. Беш дақиқаларча шу ҳолатда турди-да, кейин бошини кўтариб, Саидбекка ҳорғин жилмайди.

– Гапларинг тўғри, Саид, – хон тиззаси устидан қиличини ён томонга олди-да, ўрнидан туриб гапини давом қилди. – Майли, сен айтганча бўлақолсин. Жўнаш олдидан ойихонимнинг олдиларига қирамиз. Фақат иккимиз бирга кирамиз. Ойихонимга ўзинг гапирасан. Вассалом!

Саидбек „розиман" дегандай бош ирғаб қўйди. Иккови „Ҳузури олий"дан чиқишганда тун қарийб яримлаб қолган эди.

* * *

Ҳарам... Вақт қиёмдан ўтиб, пешин кириб қолган. Ҳамма ўз иши билан овора. Канизакларнинг бир қисми бичиш-тикиш билан банд, бир қисми тушликка ҳозирлик кўриб, дастурхон тузишарди. Бугунги тушликка ошпаз хотин терлаб-пишиб, бешбармоқ тайёрлаяпти. Икки канизак ҳил-ҳил пишган гуштларни чаққон тўғрашар, четроқда ошпаз ёрдамчиси тахта-ўқловда хамир кесарди. Ёз кунлари фақат катта танобийда Ҳокимойим, малика ойимлар учун дастурхон тузишар, шаҳзода, хонзодалар учун алоҳида, канизаклар эса туп-тупи билан бошқа танобийларда, ҳужраларда овқатланишарди. Қозоқ ойим

пешин намозини ўқиб бўлиб, жойнамоз устида тасбеҳ ўгирганча хаёлга чўмди. „Маллахоннинг жўнаб кетганига йигирма кундан ошди. Тошканд билан Чимкандга аллақачон етиб олган. Тўрт кун Тошканд, тўрт кун Чимканд... Ўн кун ичида ҳар қандай шаҳар, қишлоқ, овулга етиб олса бўлади. Хўп, етиб олди ҳам дейлик. Уч-тўрт кун қозоқ, қирғизларни жазога тортди ҳам дейлик. Хўш, нега ҳалигача чопар юбормади? Ёки бошқа овуллар ҳам ғалаёнга қўшилиб кетишдимикин? Канизаклар орасида ҳам „миш-миш“лар чиқмаяпти. Маллахон аниқ тинчлик ўрнатгани йўқ. Акс ҳолда, аллақачон чопар юборган бўлар эди. Икки ўртада катта жанг бўлаётган бўлса-я? Қани энди шундай бўлса. Қирилиб кетсин бари, илойим. Уф-ф... Мунча вақт секин ўтмаса-ей“. Шу пайт ҳужрага кўзларини уйнатганча канизак шошиб кириб, таъзим адо қилди. Қозоқ ойим унга зимдан қараб, тасбеҳ ўгиришдан тўхтади.

– Ҳа-а... Тинчликми? Қуринишингга қараганда бир нарсанинг ҳидини олганга ўхшайсан. Топдимми?

– Топдингиз, малика ойим, топдингиз. Кеча чошгоҳда Ҳокимойимнинг ҳузурларига Заҳро сатанг ташриф буюрипти.

– Товба-товба, нимайикин деппан? Заҳро сатанг келса нима қипти? Ҳокимойим дутор чалдириб, дардлашмоқчи бўлгандир.

– Ҳамма гап шунда-да, малика ойим. Ҳокимойим дутор чалдирмаган, дардлашмаган ҳам. Заҳро сатанг бошқа иш билан келган. Ҳокимойимга нома келтириб берипти.

– Нома дейсанми? – сўради Қозоқ ойим сергакланиб.

– Шундай. Номани Ҳокимойимга берипти. Кейин беш дақиқадан кейин рухсат сўраб, чиқиб кетипти.

– Айтдим-а, кечадан берига кўринмай қолди, деб. Кеча тушки овқатда ҳам, кечки овқатда ҳам кўринмади. Хонни чақиртирибдими?

– Йўқ, кайвонини чақиртирибди. Иккови хосхонада роса уч соат йўқ бўлиб кетибди. Кейин кайвони йиғидан қовоқлари шишган ҳолда хосхонадан чиқибди.

– Ҳокимойим-чи?

– Ҳокимойим бир кеча-кундуз хосхонадан чиқмабдилар. Шу бугун эрталаб саломхонага чиқдилар. Эътибор берган бўлсангиз, бир кечада узларини анча олдириб қуйибдилар. Таъзим қилганларга жилмайиб алик олсалар ҳам кўзлари ғамгин эди.

– Гапларинг тўғри. Ҳақиқатан ҳам эрталабки саломда Ҳокимойим сал ўзгаргандай кўринди. Бўпти, ишингга боравер.

Канизак бир қўли кўксида ҳужрадан чиқди. Қозоқ ойим яна тасбеҳ ўгирганча хаёлга чўмди. „Қизиқ, Ҳокимойим нима сабабдан азоб чекиб, йиғладийкин? Бир кеча-кундуз-а... Осонми бу? Номада нима битилганикин? Галаёнда қозоқлар Маллахонни ўлдиришдимикин? Йўғ-е... Маллахонни ўлдиришганда Ҳокимойим „дод“ солиб, саройни бошига кўтарган бўлар эди. Бу биринчидан. Иккинчидан, Ҳокимойимдан олдин хонга чопар келган бўлар эди. Бу ерда бошқа гап бор. Номани ким битиб юбордийкин? Кайвонидан секин сураб билиб олсаммикин? Йўқ, кайвонидан гап олиб бўлмайди. Жони чиқса, чиқадики, гап чиқмайди. Суҳбатдоши ким? Ҳа, ҳа... Топдим. Омборчи хотин. Доим бирга пичирлашгани, пичирлашган. Ҳали асрдан кейин ҳовли айланиб, омборхонага кираман. Бир тиллага ҳаммасини битта қолдирмай айтиб беради. Ана шундай қиламан“. Шу пайт баковул хотин эшикни қия очиб, чақириб ўтди.

– Малика ойим, овқатга чиқсинлар.

– Ҳозир.

Қозоқ ойим ҳужрадан чиқиб юрар экан, хаёлидан ўтказди. „Дастурхон устида Ҳокимойим билан ҳол-аҳвол сўрашган бўламан. Ўсмоқчилаб, у - бу нарсани суриштириб оламан. Гапдан гап чиқиб, зора очилиб қолса, – танобийга яқинлашар экан, турганларга кўз ташлади. – Товба қилдим, бугун овсинларнинг иккови ҳам шу ерда. Болаларини ҳам олиб келган бўлса керак. Ҳокимойим чақиртирдимикин? Ҳужрада аллақачон пичирлашиб олганга ўхшайди. Кундошлар-ку, кунда-шунда. Худо олсин.

Кундошлар каммиди, булари яна ошиқча. Овсинларнинг олдида Ҳокимойимнинг ёнида ўтириб бўлмайди. Пастроқда ўтиришга тўғри келади. Ҳокимойимни ҳам гапга солиб бўлмайди энди. Ўлсин икковиям. Ёнига кундошлар қўшмозор бўлсин, илойим". Шу пайт ҳужрадан Ҳокимойим билан Сарви кайвони чиқишди-да, олдинма-кетин бўлиб шошмасдан кела бошлашди. Турганлар таъзим адо қилишди. Ҳокимойим синиқ табассум билан алик олган бўлди.

– Ваалайкум ассалом... Ҳамма бардамми? Бугун қарийб жамоа жам... Малика ойимлар келиб, даврамиз тўлди. Шаҳзодалар, хонзодалар қани? Овкатланишяпти? Яхши... Шоҳмурод билан Султонсайид келишдими?

– Келишмади, ойихоним, қаттиқ тайинловдим, – жавоб берди Саримсоқбекнинг хотини Гулчеҳра ойим, – ҳар куни аҳвол шу. Тонг отди дегандан иккови сарбозхонага от қўйиб кетишади. Кечгача навкарлар билан бирга от чопиб, машқ қилишади. Айрим кунлар сарбозхонанинг ўзида ётиб ҳам қолишади.

– Майли, бекор юргандан машқ қилгани яхши. Қайтага чиниқади. Қани, ўтиринглар... Вой, белим-ей... Ҳамма ўтирдими?.. Илоҳи, оми-ин...

Дуо ўқилиб, фотиҳа тортилгандан кейин жонланиб қолишди. Ҳокимойимнинг ўнг томонида Гулчеҳра ойим, ёнида Қозоқ ойим, чап томонда Маллахоннинг хотини Дилшода ойим ўтирди. Кейин қатор бўлиб Худоёрхоннинг хотинлари, бир-иккита қариндош қизлар, кайвони билан Шабнам ойим ҳар галгидек пастроқда ўтиришди. Биров нон синдирган, биров чой қайтарган. Ҳокимойим „Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм... Қани, олинглар", деб бошлаб берди. Ҳаммалари бир-бирларига „олинг-олинг", деб дастурхонга қўл узатишди. Орада узун-қисқа гурунг ҳам бўлиб турди. Хизматдаги баковул хотин кайвонининг тепасида энгашиб, алланима деган эди, кайвони бошини кўтариб Ҳокимойимга қаради.

– Ойихоним, тайёр бўлипти, опкеловурсинми?

– Опкеловурсин.

– Ғизиллат, Мастон.

Баковул хотин қаддини ростлади-да, ошхона томон қўли билан ишора қилиб қичқирди:

– Ҳой қизлар, бошлайверинглар.

Бир оздан кейин сергўшт бешбармоқли лаганларни кўтариб олган канизаклар қатор бўлиб чаққон юриб келишди. Баковул хотин биринчи лаганни бошлаб Ҳокимойимнинг олдига қўйди-да, кейин бир чеккадан тарқата бошлади. Ҳаммалари овқатга машғул бўлишди. Орасира гаплар ҳам бўлиб турди. Қозоқ ойим ҳар-ҳар вақт Ҳокимойимга, дам Дилшода ойимга кўз қирини ташлаб қўярди. „Ҳокимойим ўзгарган. Анча ўзгарган. Лекин сир бой бермаяпти. Гапга солишнинг иложи йўқ. Дилшода ойим ҳеч ҳам ўзгармаган. Олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Ойимчанинг ҳеч нарсадан хабари йўқ, шекилли. Ҳокимойим унга гапирмагани аниқ. Акс ҳолда, ё ундай, ё бундай бўлиб ўтирарди. Сабр қилиб ўтирайчи, Ҳокимойимнинг ўзидан гап чиқиб қолар". Шу пайт маҳкама томондаги эшикнинг бир табақаси очилиб, тўрт ёшли Саидакрамхон чопқиллаб кирди.

– Хонбуви, хонбувижон, мен келдим.

– Вой, арслонимдан айланай. Сарви, сочиқни бер... Ҳой, секинроқ югур, тойчоғим, йиқиласан, ўзим ўргилиб кетай сендан...

Ҳаммалари Саидакрамхон билан овора бўлиб туришганда эшикдан Олтиной, майда-чуйда кўтариб олган Бодомгул, икки канизак кириб келишди.

– Ассаломалайкум... Ўҳў, зўр-ку, бешбармоқнинг устидан чиқибмиз, Бодом, – Олтиной кулганча хонтахта томон кўз ташлаб. – Сал кеч қолсак, қуруқ қолар эканмиз.

Ҳокимойимдан ташқари ҳаммалари „дув" этиб ўринларидан туришди.

– Вой, хонзода ойим келдилар.

– Яхши келдингизми, хонзода ойим?

– Тўрам яхши юрибдиларми?

Олтиной бошлаб Ҳокимойим билан энгашиб кўришди. Кейин бошқалар билан кўришиб, сураша бошлади.

– Шабнам бича, яхшимисиз? – Олтиной Шабнам ойим билан кўришаётиб биқинидан секингина чимчилаб олди.

– И, вай, мурдам!.. – Шабнам ойимнинг қийқиригидан ҳаммалари кулиб юборишди. У уялинқираб, Ҳокимойимга қараб олди-да, дув қизарганча Олтинойга тикилди. – Ундоқча қилмангди-я, айланай. Ойихонимнинг олдиларига айби калон бўлади-я, - кўрсаткич бармоғини юзига босиб, – уёт, айби– шармандаги.

– Вой, вое-й, ойимча шарманда бўлдилар, энди нима қиламиз?

– И-и, тавба-тавба, ман улай сизга, сиз қизиқди-я...

Ҳокимойимнинг қўл ишораси билан ҳаммалари ўтиришди. Саидакрамхон Ҳокимойимнинг ёнига ўтириб олди. Олтиной Шабнам ойимнинг ёнига ўтирди. Бодомгул қўлидагиларни кайвонига бериб, дугоналари билан канизаклар ўтирган танобийга қараб юрди. Қисқа дуо ўқилиб, фотиҳа тортилгандан кейин Ҳокимойим Олтинойдан сўради:

– Кичкинтойни олиб келмадингми?

– Пешин бўлмасдан Бодомнинг қизчаси билан ухлаб қолишди. Ўзимиз енгилгина бўлиб келавердик, ойихоним. Кейинги сафар ҳаммасини бирга олиб келаман.

Олтиной келиб, даврага файз кирди. У бир пиёла чой ичар-ичмас, баковул хотин бир лаган бешбармоқни олдига қўйиб кетди. Овқат устида обдан чақчақлашиб, кулиб ўтиришди. Ҳар доим жим ўтирадиган Қозоқ ойим ҳам жилмайди. Ниҳоят Ҳокимойим фотиҳа тортганидан кейин ҳаммалари ўринларидан туришди.

– Сарви холаси, – Ҳокимойим неварасини эркалаганча кайвонини чақирди.

– Лаббай, ойихоним.

– Полвонимни болаларнинг олдига олиб бор. Кейин ҳужрамга чойни аччиққина дамлаб олиб кел.

Кайвони бош ирғаб, Саидакрамхонни етаклаб олиб кетди. Ҳокимойим Олтиной билан хос ҳужрага қирди. Малика ойимлар ҳам ўз ҳужраларига қараб юришар экан, Қозоқ ойим атай орқароқда қолиб, канизагининг қулоғига алланарсаларни пичирлади...

Кайвони ҳужрага чой кўтариб кирганида Ҳокимойим Олтиной билан гаплашиб ўтирарди. Ҳокимойим кайвонига „ўзинг ҳам ўтир“ дегандай қўли билан ишора қилди. Олдинига улар дунёнинг ташвишу қувончлари, Саидакрамхоннинг гаплари, янги қилиқлари ҳақида гаплашишди. Ниҳоят, Олтинойнинг сабри чидамай Ҳокимойимдан дангал сўраб қўяқолди.

– Тинчликми, ойихоним? Сарви энамдан бекорга айтдириб юборган бўлмасангиз керак? Кеча кечқурун энам бориб, „ойихоним чақиртирганларини биров билмасин. Ўзинг шундай кўргани боргандай бўлгин“, деганига юрагим ғаш тортди. Сўрасам, тайинли гап гапирмади. Шунинг учун ҳам каллайи саҳарлаб келмасдан пешин қилиб келдим. Эшикдан кирганданоқ сизга кўзим тушиб, бир нарса бўлганини сездим. Ўзимни билмаганга олиб, ҳаммани гап билан чалғитдим. Ўзингизни олдириб қўйибсиз, ойихоним. Тинчликми ўзи? Нима бўлди?

– Тинчлик, қизим, тинчлик. Ўзинг тинчмисан?

– Тинчман, ойихоним.

– Эринг-чи? Эринг қандай? Яхши юрибдими?

– Бегим яхши юрибдилар. Лекин…

– Хўш?

– Бегим қандайдир ҳаловатларини йўқотганлар. Аллақандай хаёллар билан банд. Олдингидай очилиб, кулиб гаплашмайдилар. Тунлари алламаҳалгача уйқулари келмайди. Ўзларини ухлаганга солиб ётадилар. Ўзгариб қолганлар.

– Қачондан берига ўзгариб қолди? – сўради Ҳокимойим.

– Ҳафта-ўн кундан ошиб қолди, ойихоним. Бегим олдингидай эмаслар. Ниманидир мендан яширяптилар. Ўзларича мени билмайди, деб ўйлайдилар. Лекин бегимда қилча ўзгариш бўлса, дарҳол сезаман. Бегимнинг юриш-туришларини ёддан биламан, ойихоним.

– Ўзидан сўрамадингми?

– Йўғ-е, ойихоним, нималар деяпсиз? Сўраб бўлар эканми? Ўзимни билмасликка олиб юрибман. Ўзлари айтсалар, майли. Айтмасалар ўлиб қолсам ҳам сўрамайман.

– Эрингдан сўрамай ақлли иш қилибсан.

– Шундайку-я, ойихонгинам, лекин ўзим қолганимда ич-ичимдан хўрлигим келади. Хафа бўлиб кетаман. Кейин йиғлаб ҳам оламан. Кечқурун келганларида яна ўзимни хурсанд қилиб кўрсатаман. Яхшиям, Саидакрамхон бор.

– Бундан кейин эринг сендан гап яширса, ундан ҳеч ҳам хафа бўлмагин. Бундан кейин хўрланиб, йиғламагин ҳам.

– Ие, нега энди хафа бўлмас эканман, ойихоним?

– Чунки айрим гапларни хотинларга айтиб бўлмайди, қизгинам.

– Во-ой, қанақа гаплар экан у, биз хотинларга айтиб бўлмайдиган?

– Хотинларга айтиб бўлмайдиган гапларни, эринг сендан яшириб юрган ўша гапларни мен биламан, қизим.

– Вой, ростданми, ойихоним?! – Олтинойнинг кўзлари ёниб, Ҳокимойимга қаттиқ тикилди. – Қанақа гап экан? Тезроқ айтақолинг?

Ҳокимойим бир тин олди-да, бир фурсат жим бўлиб, кейин салмоқ билан гапира бошлади:

– Мен сени бу ерга бекорга чақиртирганим йўқ. Ўзинг ақллисан, қизим. Шунинг учун фақат сенга айтишга қарор қилдим. Кеча менга Таласдаги тоғангдан нома келтириб беришди. Гап шундаки, Авлиёота қалъасида қозоқ, қирғиз, қипчоқлар аканг Маллахонни хон қилиб кўтаришибди.

Ҳокимойимнинг гапларидан Олтиной анграйиб қолди. Кейин ўзига келиб, гарангсиган ҳолда гапирди:

– Ия-а-а... Вой ўлмасам, ойихоним, – Олтинойнинг кўзлари жиққа ёшга тўлди, – энди нима бўлади? Ҳе йўқ, бе йўқ, бирданига акамни қандай хон қилиб кўтаришибди? Еки Маллахон акам олдиндан тайёргарлик қилдимикин?

– Йўғ-е, қандай қилиб тайёргарлик кўради? Аканг доим саройда, хоннинг кўз олдида юрувди-ку. Бирор-бир ҳаракат бўлганида эди, дарров билинарди. Бу ёғини яна Худо билади.

– Акам Авлиёотага қандай қилиб бориб қолдилар?

– Бундан бир ойлар чамаси олдин Авлиёота атрофидаги овуллар ноҳақ солинган солиқлар туфайли ғалаён кўтаришган. Ғалаёнда бир қанча одамлар ўлган. Хон ғалаённи тинчитиш учун Маллахон акангни юборган эди. Маллахон у ерларда қанақа сиёсат юргизган, билмайман. Лекин халқ уни хон қилиб кўтаргани аниқ.

– Бу гапларни хон акам биладиларми?

– Билади. Лекин менинг олдимга айтиб киргани йўқ. Мендан яширяпти. Эринг сендан қандай яширган бўлса, хон ҳам мендан шундай яширяпти. Боя „айрим гапларни хотинларга айтиб бўлмайди", деганим мана шу эди. Хон ҳар куни эрталаб саломга киради. Ўзини хушчақчақ кўрсатади. Олдинига эътибор бермадим. Кейин эса шубҳаланиб қолдим. „Нима гап?" деб ўзидан сўрамадим. „Ўзи айтиб қолар" десам, шу пайтгача „ғинг" демади. Саидбекни-ку қўявер, бир ҳафтадан берига саройда қорасини кўрсатмайди. Кеча тоғангдан нома олдиму ҳамма нарса равшан бўлди-қўйди.

– Вой, ойихоним, – Олтинойнинг кўз ёшлари юзига думалаб тушди, – наҳотки Маллахон акам қўшин тортиб келсалар? Ака-ука ўртасида уруш бўладими, ойихоним? Нега индамайсиз?

– Билмадим, қизижоним, билмадим, – Ҳокимойим бир „уф" тортиб, қизига иложсиз қаради.

– Оҳ, Олтиним, Олтингинам, – гапга аралашди кайвони, – кеча кун бўйи шу ҳақда ўйлаб, ойихоним билан йиғлаб кунни кеч қилдик. Тунни саҳарга уладик. Бизларнинг қўлимиздан йиғидан бошқа нима ҳам келарди, айланай.

Хонага юракни эзадиган жимлик чўкди. Олтиной бир нуқтага тикилганча хаёлга чўмди. Кейин бир қарорга келди шекилли, бошини ғоз кўтариб, Ҳокимойимга қатъий гапирди:

– Сиз билмасангиз мен биламан, ойихоним, – Ҳокимойим кўзларини жавдиратиб турган кайвонига бир қараб олиб, кейин „сен нимани биласан?" дегандай Олтинойга

қаради. Олтиной гапини давом қилди: – Шу бугуноқ бориб, бегим билан гаплашаман. Керак бўлса, қилич тақиб, от ўйнатиб чиқаман. Канизакларимни барини кийинтириб, қуроллантираман. Ўтга кирсам, улар ҳам ўтга киришади. Таласга от қўйиб бораман. Бари элат, овул менга эргашади. Бегимнинг ёнида туриб, душманга шундай от солайки...

– Бас-с... Жим бўл! Жим бўл, деяпман санга, аҳмоқ! – Ҳокимойим кўзларини чақчайтириб Олтинойнинг гапини шартта бўлди: – Қайси душманга қарши от қўясан? Ўз аканга қарши от қўясанми?

Олтиной йиғлаб юборди. Ҳокимойим пиёладаги чойни шошмасдан ҳўплаб ичди-да, кейин дона-дона қилиб, гапира бошлади:

– Менга қара, қизим. Мен сени бу ерга гапингни эшитгани чақиртирганим йўқ. Энди гапимга қулоқ сол! – Олтиной бошини кўтариб, онасига қаради. – Шу бугун уйингга боргин-да, ҳар эҳтимолга қарши киши билмас узоқ сафарга тайёргарлик кўр.

– Сафарга-а?! – сергакланиб сўради Олтиной. – Қанақа сафарга? Қаерга?

– Олдин Жиззах, Самарқандга, кейин Бухорога борамиз, қизим.

– Бухорога-а! – Олтиной анграйиб қолди: – Товба-товба, нималар деяпсиз, ойихоним? Тушунтириброқ гапиринг.

– Тушунтириброқ гапирсам, иккала аканг ўртасида жанг бўлиши аниққа ўхшаб қолди. Бу гал мен ўртага қози бўлиб тушолмайман. Аралашолмайман, қизим. Бу тақдир. Қайси бири тахтда қолишини ёлғиз Парвардигоримнинг ўзи билади. Агар жангда Маллахон ғолиб келса, Бухорога қараб сафар қиламиз. Худоёрхон ғолиб келса, Қўқонда қоламиз. „Ҳар эҳтимолга қарши сафарга тайёргарлигингни кўр“, деганим шундан. Энди тушундингми, она қизим?

– Тушундим, ойихоним. – Олтиной Ҳокимойимга тик қаради. Энди у йиғламас, фақат кўзлари чақнарди. – Сизни жуда ҳам яхши тушундим. Уйга бориб, айтганин-

гиздай қиламан. Сафарга тайёргарлик кўраман. Лекин олдин бегим билан очиқчасига гаплашиб оламан. Бегим нима десалар, шуни қиламан. Майлими, ойихоним?

– Маъқул. Балки гаплашиб олганинг яхшироқдир. Саидбек ақлли йигит.

Учовлари или-милиқ бўлиб қолган чойдан бир пиёладан ичишди-да, кейин сафарга қандай тайёргарлик кўриш ҳақида асргача маслаҳатлашиб ўтиришди.

* * *

Қозоқ ойим ҳужрасида ёстиққа суянган ҳолда хаёлга чўмиб ўтирарди. Эшик очилиб, ҳаяжондан юзи қип-қизариб кетган канизаги кириб келди.

– Хўш, билдингми? – Қозоқ ойим қаддини ростлаб ўтирди.

– Билдим, малика ойим, билдим.

– Хўш?

– Хос ҳужрага бораётсам, кайвони ошхонадан чой кўтариб келаётган экан. Шартта ўтиб кетдим. Қайтиб келиб, ҳужра эшиги олдида тўхтадим. У ёқ - бу ёққа қарадим. Ҳеч ким кўринмади. Киссамдан бир ҳовуч нўхатни олиб, эшик олдига сочиб юбордим. Кейин ўтириб олдим-да, шошмасдан бир-бир тера бошладим. „Нималарни эшитдинг“, денг!

– Нималарни эшитдинг?

– Маллахонни Авлиёотада хон қилиб кўтаришибди.

– Йўғ-е?!.. Нималар деяпсан?! Ростданми?

– Ўлай агар, малика ойим, ўз қулоғим билан эшитдим.

– Бўпти, бўпти... Кейин нима бўлди?

– Кейин Ҳокимойим Олтинойга сафарга тайёргарлик кўришни буюрди.

– Сафарга!? Қанақа сафарга?

– Бухорога жўнаб кетишармиш.

– Бухорога, дейсанми? Яхши, жуда яхши. Бўлди, гапирма. Жим бўл.

Қозоқ ойимнинг мияси чақмоқ тезлигида ишлай бошлади. „Маллахонни хон қилиб кўтаришибди. Ҳоким-ойимга келган номада мана шу хабар битилгани аниқ. Буни акам уюштириб, бийларни ишга солган бўлса керак. Энди битта мамлакатда иккита хон бўлмайди. Демак, ака-укалар ўртасида тахт талашиш бўлиши аниқ. Жанг бўлиши турган гап. Жанг бўлганда ҳам катта жанг бўлади. Қандай яхши! Икковидан бири ўлиши керак. Худоёрхон ўлса, яхши бўларди. Иккови ўлса, яна ҳам яхши. Ҳокимойимнинг уззукун йиғлаши сабаби ҳам худди шунинг ўзгинаси. Хўш, энди нима қилиш керак? Мен ҳам сафарга тайёрланаман. Лекин Бухорога эмас, Тўрғайовулга, ота юртимга кетаман. Уруғ-аймоқларим бари ўша ерда. Бундан кейин қимиз ичиб, эт еб, қирма-қир от чоптириб юраман. Қандай яхши". Қозоқ ойим жимгина ўзига тикилиб ўтирган канизагига қараб деди:

– Менга қара, ҳозирги айтган гапларингни бирор-бир жон зоти билмаслиги керак. Тушундингми?

– Тушундим, малика ойим.

– Акс ҳолда, саройда ғала-ғовур, туполон бўлиб кетади. Биз ҳам киши билмас сафарга тайёргарлик кўришимиз керак. Тўрғайовулга жўнаб кетамиз.

– Вой, қандай яхши, малика ойим.

– Секинроқ, биров билмасин. Энди сен бундай қиласан...

Қозоқ ойим канизакка нима қилиш кераклигини узоқ вақт тушунтирди.

* * *

Соқчи навкарлар шошганча ўрта ҳовли дарвозасини ланг очиб ўзлари сайислар билан таъзимда туришди. Олтиной канизаклари билан отлиқ йўрға юришда ўрта ҳовлидан чиқиб келарди. Ташқи ҳовлида ўз ишлари билан машғул беклар, навкарлар отлиқларга кўзлари тушиши билан дарҳол таъзимда туришди. Олдинда Олтиной, ёнида Саидакрамхонни олдига ўтқазиб олган Бодомгул,

орқароқда икки канизак келишарди. Сарой дарвозасидан чиқиб, шоҳкўчадан кетишар экан, пиёда ҳам, отлиқ ҳам жойларида таққа тўхтаб, таъзим қилишарди. Ҳамма нарсага қизиқувчан Саидакрамхоннинг „у нима, бу нима?“ дея ғужурлаб берган бир дунё саволларига Бодомгул ўлда-жўлда, лоқайдлик билан жавоб берарди. У кўзлари қизарган Олтинойга зимдан қараб қўярди. „Хонзода ойимга нима бўлди? Қовоқлари шишган. Ойихоним уришдилармикин? Йўғ-е... Нега уришар эканлар? Ойихонимнинг ҳам кўринишлари бир аҳволда, олдингидай эмас. Нима бўлдийкин? Ёки хонзода ойим турамнинг устларидан ойихонимга шикоят қилдилармикин? Йўқ. Турам қамчи тортганларида ҳам хонзода ойим „ғинг“ демайдилар. Хонзода ойимни яхши биламан. Уф-ф... Худойим-ей, нима бўлганда ҳам ишқилиб яхшиликка бўлсин“. Олтиной от жиловини сал тортиб, Бодомгулга қаради.

– Ҳа, Бодом, хаёл суриб қолдинг?

– Шундай, ўзим, хонзода ойим, ўзингиз-чи? Ўзингиз тинчми?

– Оҳ, Бодом, яқин орада бунчалик тўйиб йиғламаган эдим.

– Вой, нима бўлди, хонзода ойим? – Бодомгул ташвишланиб, Олтинойга тикилиб қаради. – Ойихонимга айтдингизми?

– Айтдим, Бодом. Ҳаммасини тўкиб, солдим.

– Вой ўлмасам, кейин нима бўлди? Ойихоним уришиб бердиларми?

– Йўқ, Бодом, аксинча, маъқулладилар.

– Маъқулладилар!? Ё, товба...

– Иш мен билан сен ўйлагандай эмас экан, Бодом. Минг марта қўркинчли, минг марта хавфлироқ экан.

– Э, Худойим-ей... Одамни қўрқитманг, хонзода ойим.

– Бўлди, бас қил, Бодом. Уйга борганда гаплашамиз. Қани, энди тезлат. Уйга тезроқ етиб олайлик, – шундай дея Олтиной отига қамчи босди...

Шом қазо бўлиб, хуфтон кирибди ҳамки, танобийда ўтириб олган Олтиной билан Бодомгулнинг гаплари

тугамади. Шу пайт ташқи ҳовлидан от туёқларининг дупурию эркакларнинг узуқ-юлуқ гаплари эшитилди.

– Бегим келдилар шекилли, Бодом, – Олтиной қулоғини динг қилиб, – аниқ, Бегим. Турдик. Сен ўрта ҳовлига чиқиб, эрингни кутиб ол. Бегимга ўзим қарайман. Қолганини эртага гаплашамиз.

– Хўп бўлади, хонзода ойим...

Саидбек ичкари ҳовлига кириб келганда Олтиной ҳар галгидай уни табассум билан кутиб олди. „Бугун Олтиним бошқачадайми? – табассумга табассум билан жавоб бериб. – Қовоқчалари шишгандай? Йиғладимикин? Йўғ-е, нега йиғлар экан? Лекин кулиши чиройли. Қўнғироқдай".

– Яхши келдингизми, бегим?

– Худога шукур, ўзларингиз яхшими? Йигитчалар кўринмайди?

– Ҳозиргина канизаклар ухлатишди. Уйғотайми?

– Йўғ-е, қўй, ухлашсин, – қилич осилган камари билан юпқа чопонни ечар экан, Олтиной эрининг қўлидан олиб, канизакка узатди-да, ўзи обдастада унинг қўлига сув қуйди. Канизаклар танобийда шипиллаганча дастурхон туза бошлашди. Олтиной эрининг шошмасдан овқатланишини кузатаркан, ўзи ҳам чўқилаб ўтирди. Бир фурсат Саидакрамхон, Саидаъзамхонларнинг гапларию қиликларини гапириб, завқланиб ўтиришди. Гап орасида Олтиной эрига қараб деди:

– Бегим, бугун сиздан рухсат сўрамасдан бир иш қилиб қўйдик.

– Нима иш экан? – лоқайдлик билан сўради Саидбек.

– Бугун Саидакрамхон билан ойихонимни кургани бордик.

– Шунақа денг? – Саидбек сергакланиб, Олтинойга қараб қўйди. – Ойихонимнинг кайфиятлари қандай? Яхши юрибдиларми?

– Яхши юрибдилар. Сизга салом айтиб қўйдилар.

– Саломат бўлсинлар.

Олтиной Саидбекнинг пиёладаги чойни тугатишини

кутиб турди-да, кейин унинг кўзларига тикилиб туриб деди:

– Бегим, ойихоним менга ҳаммасини айтиб бердилар.

– Ниманинг ҳаммасини? – Саидбекнинг юраги безиллаб, хотинига қаради.

– Маллахон акамнинг хон қилиб кўтаришганини.

– Ия... Т-товба!..

Саидбек дудуқланганча Олтинойга қараб, қотиб қолди. „Ё товба, ойихоним қаёқдан билиб қолдилар экан? Олтинимнинг қовоқчалари шишгани шундан экан-да! Бир ҳисобда билгани ҳам яхши бўлди. Ўзим ҳам қийналиб кетувдим. Яхшиям, Олтиним айримларга ўхшаб уввос тортиб юбормайди, ҳар қандай шароитда ўзини тута олади. Ҳозир ҳам асаблари таранг тортилган, лекин билинтирмай ўтирибди. Ўзимнинг ақллигинам". Саидбекнинг сукут сақлаб туришидан Олтинойнинг тоқати тоқ бўлиб кетди.

– Нега индамайсиз, бегим?

– Ахир ойихоним ҳамма гапни айтибдилар-ку!

– Шу гапларни бошда нега ўзимга айтиб қўяқолмадингиз?

– Ростини айтсам, сизни аядим, фариштам, қийналманг, дедим. Сизнинг руҳан қийналиб юришингизни асло истамайман.

– Оҳ, бегим, бегим, гап яшириб, мени юз чандон қийнаб юборганингизни наҳотки билмасангиз?

– Юз чандон?! Ё, Парвардигор, нималар деяпсиз, фариштам. Наҳотки мен сизни қийнаган бўлсам?

– Қийнаганда қандай? Биринчи куниёқ сезганман. Ўшандан бу ёғига кўнглим ғаш тортиб юрибди.

– „Биринчи кундан", дейсизми? – Саидбек ажабланиб сўради: – Товба, қандай қилиб сездингиз?

– Қандай қилиб бўларди, бегим, оддийгина. Юзингизга шундай қараб, билиб оламан, кўяман, вассалом.

– Товба... – ғудранди Саидбек қулоқларигача қизариб.

– Ҳа, майли, бегим, бўладиган ишларни гаплашайлик. Хон акам билан Маллахон акамларнинг ўрталарида жанг бўладими?

– Жанг бўлади.

– Тўхтатишнинг иложи йўқми, бегим?

– Иложи йўқ. Ғишт қолипдан кўчган, – бир тин олиб, сўради. – Бу ҳақда ойихоним нима дедилар? Ахир бирор нарса дегандирлар.

– Ойихоним „бу сафар ўғилларимнинг орасига туша олмайман“, дедилар. Кейин менга „кўчингни тайёрлаб қўй. Бирор нарса бўлса, Бухорога кўчамиз“, дедилар.

– Ҳожати йўқ. Биз ҳеч қаёққа кўчмаймиз, фариштам.

– Нега, бегим?

– Чунки биз зафар қозонамиз.

– Ростданми, бегим?

– Ростдан, фариштам, ростдан. Ахир мен сизга ёлғон гапирмайман-ку. Ҳозирги замонда жанг масаласини навкарлар сони эмас, замонавий қурол-яроғ ҳал қилади. Маллахоннинг қўшинида фақат қилич билан пилта милтиқ бор холос. Пилта милтиқ саноқлигина. Бизда ўн тўрт минг замонавий милтиқ билан ўн олтита замбарак бор. Сарбозхоналарда кечаю кундуз машқ олиб боряпмиз. Шунинг учун ҳам зафар қозонишимизга иймоним комил.

Олтиной сурилиб, эрининг ёнига борди. Қўлларини унинг елкасига қўйиб, қийналиброқ сўради:

– Охири нима бўлади, бегим?

Саидбек Олтинойнинг нима демоқчи эканини тушунди. Жавоб беришга қийналди. Бир зум ўйланиб турди-да, кейин чуқур нафас олиб, оҳиста деди:

– Тақдир билади, фариштам. Лекин Маллахонни тириклай ҳибсга олиш учун ҳаракат қиламиз. Бу ҳақда хондан яширинча Нормуҳаммад, Азимбек, Қилич тўртовимиз маслаҳатлашиб олдик. Жанг бошланганда шароитга қараб иш тутамиз.

Олтиной табассум қилгандек эрига қараб турида, кейин бошини унинг кўксига қўйиб, бирдан йиғлаб юборди. Йиғлаганда ҳам баралла йиғлади. Олтинойнинг йиғисини кутмаган Саидбек шошиб қолди.

– Ие, ие, фариштам, сизга нима бўлди? – Олтинойнинг сочини силади. – Йиғламанг, азизам, йиғи сизга ярашмайди.

– Оҳ, бегим, йиғламай бўлар эканми! – деди Олтиной ҳиқиллаб, – Ўз номи билан уруш деб қўйибди. Дайди ўқлар учиб юради. Жанг яна икки акамнинг ўртасида бўлади. Ҳар хил хаёлга бораман, бегим.

Олтиной эрининг бўйнидан қучоқлаб, товушсиз йиғлади. Бир фурсат икковлари ҳам жим бўлиб қолишди. Ниҳоят, Саидбек хотинининг елкаларидан оҳиста силаб, юпата бошлади.

– Бўлди, фаришtам, бўлди... Йиғламанг. Нима бўлган тақдирда ҳам сиз йиғламаслигингиз керак. Сиз оддий аёл эмассиз. Сиз хон авлодисиз. Насабингизга муносиб бўлинг. Агар сиз йиғласангиз, раъиятдан нимани кутиш мумкин? Бундан кейин асло йиғламанг, азизам. Ҳар қандай ҳолда табассум қилинг, кулинг, лекин йиғламанг. Шу охиргиси бўлсин. Майлими, Олтиним?

Олтиной эрининг юзига қараб туриб жилмайди. „Шўрлик бегим, мени қийналмасин, деб, ўзи мендан бадтар қийналиб кетибди. Кўзлари ҳам киртайиб қолибди. Бундан кейин бегимни хурсанд қилиб юраман. Бошқа сира йиғламайман. Йиғласам ҳам бегимдан яшириб, секингина йиғлаб оламан. Бодомга ҳам тайинлаб қўяман. Эрининг олдида ҳўмрайиб ўтирмасин, кулиб ўтирсин“. Олтинойнинг жилмайгани Саидбек ҳам жилмайди. Унинг жилмайганига Олтиной ҳовлини бошига кўтариб, қўнғироқдек товуш билан хандон отиб кулиб юборди.

– Ҳай, ҳай, фаришtам, секинроқ, – Саидбек товушсиз кулиб, атрофга аланглаб қўйди. – Сиз кулганингизга танобий кулди, ҳовли кулди, хонадонга файз кирди. Олтиним яна Олтиной бўлди.

– Ҳам кулдираман, ҳам куйдираман, бегим, – ноз-ланди эрининг юзидан чўлп-чўлп ўпиб. – Йўқ. Куйдирмайман. Сизни куйдириб бўлар эканми? Юринг, бегим, қолганини хобхонада гаплашамиз. Чойнакни кўтариб олайми?

– Ҳожати йўқ.

– Ундай бўлса, юринг.

Олтиной Саидбекнинг қўлларидан тутганича хобхо-

на томон етаклаб кетди. Беш дақиқалардан кейин ошхона ёнидаги ҳужрадан ошпаз хотин ишшайганча чиқиб келди. Дастурхонни йиғиштирди, кейин лампачироқ пилигини пасайтириб, пуфлаб ўчирди...

Эртаси куни Саидбек билан Қилич хизматга жўнаб кетишгач, Олтиной Бодомгул билан чошгоҳгача пичирлашиб ўтиришди. Асосан Олтиной гапирар, Бодомгул ҳар-ҳар вақт бошини лиқиллатиб, индамай эшитиб ўтирарди.

– Мана шунақа гаплар, Бодом. Бегим „кўчмаймиз", дедилар, „йўлга тайёргарлик кўриш ҳожати йўқ", деб айтдилар.

– Дадаси ҳам шунақа дедилар, хонзода ойим.

– Шундай дегин, яхши. Эрларимиздан яшириб, бир иш қиламиз, Бодом.

– Вой, нима иш қиламиз, хонзода ойим?

– Ойихонимнинг айтганларини қиламиз.

– Тайёргарлик кўрамизми?

– Шундай, лекин енгил йиғинамиз. Канизакларга „хонзода ойим буюрдилар, бир жойларга зиёратга борар эканмиз. Ҳамманг тайёргарлигингни кўр", деб айтасан. Улар ҳозирча билмай тур. Олдин тилла-кумуш тақинчоқлар, тангаларни қутичалардан олиб, пишиқроқ халтачаларга соламиз. Кийим-кечаклардан эса...

Икковлари обдан маслаҳатлашиб олишгач, кейин киши билмас тайёргарлик кўра бошлашди.

* * *

Ола-Бел довони... Баҳор тугаб, ёз бошланганига қарамай тоғ ҳавоси анча салқин. Тоғларнинг ёнбағирлари кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланган. Бу ерларда катта-кичик булоқлар, арча, ёнғоқ, тоғписта, ёввойи олмалар сероб. Довоннинг икки томонида ҳам чорва боқиб, қишга тайёрланиш учун овуллар кўчиб келишган. Минг-минглаб ўтлаб юрган қўй-қўзилар узоқдан худди деворда юрган чумолидек кўринади. Бир томонда уюр-уюр отлар, бошини кўкатдан кўтармайди. Овулдагиларнинг

ҳаммаси ўз иши билан машғул. Овулларнинг оралиқ масофасини жуда ҳам яқин деб бўлмайди. Бир овулдан иккинчи овулга бориш учун бир қир, айрим овулларга икки, ҳатто уч қир ошиб ўтиш керак. Лекин овул болалари учун оралиқ йўл чўт эмас. Соғин сигир, тана, бияларни ўтлатиш учун қирларга ҳайдаб боришади. Кейин тарафма-тараф бўлиб олиб, эшак, от аралаш кўпкари чопишади, кураш тушишади, чиллак ўйнашади. Тушликда халтадаги озиқларини ўртага қўйиб, бирга баҳам кўришади. Бир ҳафта олдин овул болалари чошгоҳ бўлмасданоқ молларни ўтлоққа ҳайдашди-да, навбатдаги икки болани қоровулликка қўйиб, ўзлари чиллак ўйинини бошлаб юборишди. Ўйиннинг айни қизиган пайти. Учган чиллакнинг ортидан югуриб бораётган бола бирдан жойида таққа тўхтаб қолди. Бир фурсат қотиб турди. Кейин ўгирилиб, довон томонни қўли билан кўрсатганча болаларга қараб қичқирди:

– Болала-а-ар!!! Қарангла-а-ар!! Отлиқла-а-ар!!!

Ҳаммалари довон томонга қарашди. Довондан минг-минглаб қуролланган отлиқлар дарёдай оқиб келарди. Болалар буйинларини чўзганча сон-саноқсиз отлиқ қўшинни ҳаяжон билан кузатишарди.

– Вой-бу-уй... Куплигини қара.

– Юзта овулнинг одамлари йиғилганга ўхшайди.

– Шунақа бўлса керак.

– Кети кўринмайди-я...

– Юзта овулдан ҳам кўпроқ чиқаров.

– Милтиқлари ҳам боракан.

– Анови найзага илиб олган нима у?

– Туғ. Ҳар бир уруғнинг ўз туғи бўлади.

– Ҳа-а-а...

Болалар ўйинни тўхтатиб, анча пайтгача отлиқларни томоша қилиб туришди. Ола-Бел довони ортидаги қозоқ, қирғиз, қипчоқ уруғлари бирлашиб, Маллахон тараф бўлишди. Алимқул понсод, Олимбек додхоҳлар бошчилигида бийлар водий томон йўл босиб боришарди...

Довоннинг ён томони икки қир нарида тўрғайовулликлар жойлашган. Вақт пешин билан аср ораси. Овул эркаклари ҳам, аёллари ҳам ўз иши билан машғул. Ўтов олдига тортилган чодир тагида Абдураҳмон кийик ўтидан дамланган чойдан ҳўплаб, улкан тоғларга қараганча хаёлга чўмди. „Маллахоннинг хон қилиб кўтаришгани Худоёрхоннинг қулоғига етган бўлса керак. Хоннинг ҳамма жойда айғоқчилари бор. Хон эшитиб, қай аҳволга тушди экан? Ўша ҳолатини бир кўрсам эди, – Абдураҳмон ҳузурланиб, кўзларини юмди. – Кўкариб кетгандир? Ғазаби қайнаб, бақир-чақир ҳам қилгандир. Лекин бақир-чақир қилишнинг ўзи билан иш битмайди. Нима тадбир қилди экан? Бекларни кенгашга йиғади. Хўш, кейин-чи? Кенгашда муҳокама бўлади. Мана шу томони бизга қоронғу. Кенгаш охирида қандай фармон бўлар экан? Тошканд томон қўшин тортишга фармон бўлса-я! Зўр бўларди-да. Маллахон Қўқонни жанг-жадалсиз босиб олиб қўяқоларди. Э, йўқ. Хон аҳмоқ эмас. Турт томонга айғоқчиларини юбориб, ўзи йўлга ҳозирлик кўраётган бўлса керак. Хўп, ака-укалар тўқнашди ҳам дейлик. Қўшин сони жиҳатидан Маллахон устун. Наманган, Андижон, Ўш, Ўзган қўшинлари қўшилса, икки, ҳатто уч баробарга кўпаяди. Лекин Худоёрхонда янги милтиқлар бор. Ўтган йили Қўйлибой „хонди навкарларида ўн мингдан кўпроқ янги милтиқ бор“, девди. Бу йил яна кўпайган бўлиши керак. Янги замбараклардан ҳам ўн бештача бор. Бу хавфли. Жуда ҳам хавфли...“, – шу пайт от дупури эшитилиб, Абдураҳмон кўзини очди, – „Э-ҳа, бўрини эсласанг, қулоғи куринади. Қўйлибой-ку. Нима хабар келтирдийкин? Куринишидан кайфияти яхшига ўхшайди. Отни қантарганига қараганда овулига кирмасдан тўғри шу ерга келган. Бир қоп гап кўтариб келгани аниқ“. Қўйлибой бандар тепасига маҳкамланган ходага отини қантарди-да, нарироқда куви пишаётган келинчакка йигирма дақиқалардан кейин отга сув, хашак беришини тайинлаб, чодирга қараб юрди.

– Ассалому алайкум, катта бий.

– Ваалайкум... Келдингми, Қуйлибой? – Абдураҳмон ўтирган жойидан қўл узатди. – Яхши келдингми? Мол-жон омонми?

– Худойга шукур. Ўзингиз тинчма?

– Тинч, Қуйлибой, тинч. Чойдан ичасанми?

– Қуйинг.

Қуйлибой додхоҳ қўйнидан рўмол чиқариб, терлаган юз-пешонасини артди. Абдураҳмон узатган чойни шошмасдан ҳўплаб ича бошлади. Абдураҳмон уни бир фурсат кузатиб туриб сўради:

– Овулга кирмадингми?

– Жўк, отти бошини туври шуйга қораб бурдим.

– Яхши, довон ортида нима гаплар?

– Эҳ, катта бий, довон ортида гаплар кўп, – Қуйлибой додхоҳ бўшаган пиёлани олдига қўйди. – Ойтқонингиздай қип Талас, Пишпак, биёғи Тўқмоқ, Иссиқ кўл атрофидаги бари овулларди ойлониб чиқдим.

– Ўҳў...

– Қайси овулга кирмай „катта бийдинг одами“, деп абийримди жайиға қўйишди. Ўзимди мийман қип, отимга қораб, ҳурмат билан жўнатишди.

– Шунақа дегин? – деди Абдураҳмон кулимсираб.

– Овуллардинг барида қимиз ичиб, эт жеб журдим. Беш-ўн кун жаним кириб қолди. „Тез кел“, деп ойтмоғонингизда кузғачайин қоп журардим. Овулларда жесир...

– Эзмаланмасдан гапнинг индаллосини гапир, – Абдураҳмон ғижиниб жойида қимирлаб қўйди.

– Хўп, хўп, катта бий, хўп. – ялтоқланиб ўтирган Қуйлибой додхоҳ бирдан сергак тортиб қолди. – Гапти индаллосини ойтсам, ишди Талас атрофидаги овуллардан бошладим. Овуллардинг бари чумолининг уйидай жугур-жугур. Бири нон жовған, бири қотирма қиған, бири хуржунға гўр-жер соған. Олдиниға „буларди бари бошқа жайға кучяппа“, деп ўйлаппан. Кейин қорасам, овулди бийлари жигитларди жўлға тайярлаяптиякан. Бир кеча

қуноқ бўлдимдағин эртаси куни Пишпакти жўлидағи овулларға кирдим. Ул жердаям шу гап. Уч-тўрт кун ойлониб, кейин туври Тўқмоққа қораб журдим. Жўлда „кимларди кўрдинғ?“ денг.

– Хуш, кимларди кўрдинг?

– Би-ир майдан отлиқларди кўрдим. Бари Тўқмоқ билан Иссиққўлди одамлари экан. Туп-тўпиминан, уруғ-уруғиминан кеп жатир. Барининғ белида қиличи бор. Кубини милтиғиям бор. Урис милтиғам оралаш. Бийларди тониғони маған салом берди. Тонимоғони „бу ким?“ деп сўради. Тониғон бийлар „бу катта бийдинғ одами“, деп ойтти. Кейин бари салом берди. „Жўл бўсин?“ деп сўровдим, „довонда Талас, Пишпакти одамлари билан бирлашамиздағин кейин водийға қораб журамиз. Қўқонди босамиз. Худаярханди жўқ қип, тахтға Маллаханди ўтқизамиз“, деп ойтти. „Жўлинғизди берсин“, дедимдағин ўзим Тўқмоққа қораб журдим. Ойтғондай, катта бий, беш-ўн кун олдин довондан водийға қораб катта қўшин ўттима?

– Ўтди.

– Ана, ойттим-ғў! Нима диятувдим? Ҳа, кейин туври Тўқмоққа қораб журдим.

– Шошма, Қўйлибой, шошма, мен сени нима ишга юборувдим?

– Ҳа, „Талас, Пишпак, Тўқмоқ тағин Иссиққўлдағи овулларди барини ойлониб чиқ“, деп ойттинғиз.

– Хуш?

– Овулди одамлари қўшинға қўшиляппа, жўқма билиб ке“, деп ойттинғиз.

– Ҳа, баракалла, йўлда Тўқмоқ, Иссиққўл атрофидаги овуллардан йиғилиб келаётган қўшинларни кўрибсан, шундайми?

– Кўрдим, катта бий.

– Кўрган бўлсанг, Тўқмоққа яна нима учун бординг?

– Ҳа, ўзинғиз „Тўқмоққачайин бор“, деп ойттинғиз-ғу.

– Вой, тентак. Ҳа, майли, гапир, кейин нима бўлди?

– Тўқмоқда бари овулди бийлариминан бир ўтовда жийилиб, гурунғлашдиқ. Бийларди каттаси маған қораб,

„катта бий саройға бориб, бош вазир бўлармиш, деп эшттиқ, шу гап туврима?“ деп сўради. „Туври“, дедим „катта бий саройда бош вазир бўп, кейин мени қоватиға чоқиради“, деп ойттим.

– Аҳмоқ. – Абдураҳмон зарда билан Қўйлибой додхоҳнинг гапини шартта бўлди.

– И-и... Катта бий, нима қилдим? – ўтакаси ёрилган Қўйлибой додхоҳ кўзларини пирпиратиб. – Мен нима қилдим?

– Яна „нима қилдим?“ дейди-я, овсар. Қанақа сарой? Қанақа бош вазир? „Катта бий бош вазир бўлади“, деп сенга ким айтди, ҳайвонот?

– Вой-вой, товба қилдим, катта бий, товба-товба, – ишнинг тескари кетганидан Қўйлибой додхоҳ довдираб қолди, – мени „тентак“ дийсиз, „ҳайвон“ дийсиз... Адолат қинғ-да, катта бий.

– Адолат!? Қанақа адолат? Яна нимани адолат қилай?

– Ахир Маллахонди хон қип кўтариш қайси бийдинғ эсиға кепти? Ҳеч қойсини. Бийлардинғ бошини бир жайға жийиб, ақл ургаттинғиз. Гап ургаттинғиз. Жўл кўрсаттинғиз. Ҳамма иш битғандан кийин ўзинғиз четға чиғиб турасма? Сиздан бўлак ким бош вазир бўлади? Ҳеч ким. Бош вазирлиқ фақат сизға жарашади, катта бий.

– Менга бош вазирлигиям, Маллахоннинг ўзиям керакмас.

– Ия-а-а... Товба қилдим, катта бий, товба-товба... Нима учун? Нимага? Саройға бормай, овулда жураберасма?

– Шундай. Маллахоннинг ёши катта. Тажрибаси бор. Ақлли. Уни йўлга солиб бўлмайди. Бизга эсини танимаган ёш хон керак, тушундингми?

– Т-тушундим, – Қўйлибой додхоҳ дудуқланганча ҳеч нарсани тушунмаган бўлса ҳам Абдураҳмонга қараб, анграйиб қолди. „Ё, товба-а... Катта бий эсини жеб қўйғамма? Ҳали Маллахонди тахтға ўтқизмасдан „бу бўмайди“, дийди-я. Жаш хон керакмиш. Бу ишди дарровдан қип бўлама? Сурасаммикан? Жўқ. Сурасам, бетимға қараб, тағин „овсар, тентак“, деп ойтади. Жахшиси барини

билиб турғандай жимғана ўтираман". Абдураҳмон Қўйлибой додхоҳнинг хаёлидан нималар ўтганини билгандай унга истеҳзоли кулиб деди:

– Буни ҳали вақт кўрсатади, додхоҳ жаноблари, Маллахон бир йил-ярим йил хонлик қилиб турсин. Шу вақтнинг ичида арконлар уч-тўрт марталаб алмашиши турган гап. Маллахон пишиб етилгандан кейин сарой бекларининг ўзлари уни олиб ташлашади. Кейин ўрнига ёш хонзодани хон қилиб кўтаришади. Ёш хоннинг қўли билан тахтга даъвогар хонзода, шаҳзодаларни батамом қириб ташласа бўлади. Ана шундагина қирилиб кетган қипчоқ уруғининг учи олинди, деса бўлади.

Қўйлибой додхоҳ оғзини очганча Абдураҳмонга қараб турди-да, кейин аранг ютинди. „Жўқ. Катта бий эсини жеб қўйғани жўқ. Эси жайида. Лекин эси жўқ одамди говини гапириб жатир. Хонди барини жўқ қип жуварсақ, нима бўлади? Биттаям хон қомайди-ғу? Хонсиз иш бўлама?" Қўйлибой додхоҳ томоғини қириб, Абдураҳмонга қаради.

– Бир нарсаға ақлим жетмай турипти, катта бий?

– Товба, ақлинг бўлса етади-да, овсар, – кулиб деди Абдураҳмон. – Хўш, гапир, нимага ақлинг етмаяпти?

– Хонди барини жўқ қип жуварсақ, хонсиз қоп кетамиз-ғу? Мана шуған ақлим жетмай турипти, катта бий.

– Шунақа дегин? Ҳмм, қани менга айт-чи, хонзода, шаҳзодаларни қириб ташласак, тахтга даъвогар қолмайди, шундайми?

– Менам шуни ойтяппанда, катта бий, даъвогар ҳеч ким қомайди.

– Баракалла. Битта ҳам хон қолмагандан кейин катта қурултой чақирамиз-да, кейинги хонни минг уруғидан эмас, қипчоқ уруғидан сайлаймиз, вассалом. Қалай, бу гаплар сенга маъқулми?

– Ия-а-а... Катта бий, қипчоқди уруғидан дейсизма? Зур-ғу, – Қўйлибой додхоҳнинг оғзи қулоғига етиб, Абдураҳмонга меҳр билан қаради, – маъқул буғанда қондай. Фарғона мамлакатиға ўзингиз хон бўласма, катта бий?

– Буни Худо билади. Лекин бу ҳақда бировга „чурқ“ эта кўрма.

– „Чурқ“ дисам, довондан жиғилиб ўлай, катта бий.

Шу пайт овул кайвониларидан бири чодирга яқинлашиб, ним таъзим қилди.

– Катта бий, ўтов ичида дастурхон жозғаммиз. Овқат ҳам тайяр.

– Маъқул, ҳозир борамиз, – деди Абдураҳмон, кейин Қўйлибой додхоҳга қараб, – энди бундай қиламиз. Бугун овулингга бориб, бир ҳафта дам олиб, кейин тўғри шу ерга кел. Хуржунни шу ернинг ўзида тайёрлатиб қўяман. Сафарга жўнайсан.

– Қаерга бораман, катта бий?

– Қўқонга. Тур, яхшиси гапни овқатни устида давом қиламиз.

– Маъқул.

Икковлари ўринларидан туришди-да, дастурхон тузалган ўтов томон олдинма-кетин юриб кетишди.

IV БОБ

Маллахоннинг қўшини бир ойлар давомида йўл босиб, Андижон шаҳрига яқинлашиб келди. Беклар, бийларнинг буйруғи билан йўлда учраган ҳар бир шаҳар, қишлоқ, овул йигитлари тўп-тўп бўлиб, уруғ-уруғлари билан қўшинга қўшилиб кетишарди. Маллахоннинг қатъий фармони билан қўшин йўл устидаги бирор-бир қишлоқ, овулни таламади. Ҳатто четроқда ўтлаб юрган мол, қўйларга ҳам тегишмади. Шунинг учун ҳам халқ ичида унинг обрў-эътибори кун сайин ортиб борди. Бош-кети кўринмай кетган қўшин овуллардан бирининг ёнидан ўтиб борар экан, бола-бақралар қийқириб, бақир-чақир қилиб, югуришган, кайвонилардан тортиб, хотин-халаж, қизларгача ишларини ташлаб, қўшинни томоша қилишарди. Кайвонилардан бири келинига ўшқириб берди:

– Ҳой, маған қора, қизингди кўздан жўғат.

– Вой, эна, овулди биров босяппа?

– Босса, ҳисоппа? Жўғат, дедим, саған!

– Вой-боёв, овулға ўт кеттима, нима бала? Хўп... Ҳозирди ўзида жўғатаман, – қайнонасининг ўшқиришидан бўғриқиб кетган келин атрофга аланглаганча жаҳл билан қизини чақирди, – Қалбике-е-е, қонасан? Молларға қора, жер жуткур...

Ўртароқда туриб олган бир тўп оқсоқоллар дупур-дупур ўтаётган отлиқларни томоша қилганча бошларини сарак-сарак қилиб, бир-бирлари билан гурунглашиб олишарди.

– Маллахон хон бўппа?

– Шундайча дийди. Жахши хонға ўхшайди. Қўшини биттаям овулға тиймапти.

– Овулларға тиймаған бўса, толамаған бўса, бу – жахши. Худо хоҳласа, Маллахондан жахши хон чиғади. Ҳали мени ойтти дийсан.

– Шу қўшинди бари Маллахондикима?

– Бари Маллахондики.

– Ундайчада Худоёрхондан тахтти тортиб опқўйиши ониқ.

– Бизданам жигитлар қўшилиб кетти.

– Илойим, Маллахон тахтти осин, овмин!

– Овмин...

Қўшин олдида бир тўп беклар, бийлар қуршовида Маллахон борар, ўнг томонида Алимқул понсод, Мирзо Аҳмад қушбеги, Шодмонхўжа додхоҳ, чап томонида Олимбек додхоҳ, Ирисали понсод, Душабой понсодлар боришарди. Вақт асрга яқинлашиб қолган. Шу пайт қарама-қарши томондан бир тўп отлиқлар кўриниб қолди. Ҳамма уларга тикилиб қолди. Маллахондан олдин гапиришга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмади. Келаётган отлиқлар шаҳар уламолари шайхулислом, қози, муфтий, қорилар, мударрислар, ўрда беклари, бойлар, савдогарлар бўлиб, Маллахоннинг ҳурматини жойига қўйиб, кутиб олиш учун уларни Суфибек юборган эди. Хон қўлини пешонасига соябон қилиб, бир фурсат тикилиб туриб сўради:

– Келаётган отлиқлар илғор йигитларимизга ўхшамайдиёв. Ким бўлди булар?

– Булар шаҳарнинг казо-казолари шекилли, хон ҳазратлари.

– Казо-казолари? Улар нега келишяпти?

– Удумларимизга мувофиқ ҳазратларини кутиб олиш учун инингиз Суфибек жаноблари юборган бўлсалар керак.

– Шунақа денг? Яхши, жуда яхши, – деди чап томонига ўгирилиб. – Олимбек додхоҳ!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Бекларга буюринг, қўшинни тўхтатмай шаҳарни айланиб ўтишсин. Тўхтаб, овқат қилиб, дам олишсин. Бир кеча қўниб, эртасига саҳарлаб йўлга чиқамиз.

– Хўп бўлади, хон ҳазратлари.

Бу орада отлиқлар етиб келишди. Эллик-олтмиш қадам етмасдан отларидан тушишди-да, отларини етаклаганча бир оз пиёда юришди. Кейин тўхтаб, бараварига таъзим адо қилишди. Қадларини ростлаб, Маллахоннинг хон бўлиши муносабати билан муборакбод қилиб, яхши тилаклар тилашди.

– Марҳабо, хон ҳазратлари. Марҳабо?

– Қадамларига ҳасанот!

– Хавоқини маврусий муборакбод бўлсин, хон ҳазратлари.

– Юз йил хонлик қилсинлар!

– Хуш келибдилар!

– Сафо келибдилар!

– Ёмон кўзлардан асрасин!

– Адолатли хон бўлишингизда, Худо ёр бўлиб, қувват берсин!

Расмиятчилик юзасидан ҳол-аҳвол сўрашилгандан кейин Маллахоннинг рухсати билан отларини четроққа етаклаб чиқиб, миниб олишди. Маллахон ёнидаги беклар билан қисқа гаплашиб олгач, отини ниқтади. У жойидан жилиши билан беклар отларини тезлатиб, „чуҳ-чуҳ“лаб, шаҳар дарвозаси томон йўрттириб кетишди. Ўттиз-қирқ дақиқалар ичида суворийлар отларини гоҳ йўрттириб, гоҳ чоптириб, ниҳоят, шаҳар дарвозаси олдига етиб ке-

лишди. Дарвоза олдидаги ялангликда отлиқлар қатор саф тортиб туришар, ўртада Суфибек бир тўп беклар билан Маллахонни кутарди. Шу пайт беклардан бирининг ишораси билан четроқда тайёр турган ноғорачилар гумбурлатиб ноғораларини чалиб юборишди. Уларга карнайчи, сурнайчилар ҳам жўровоз бўлиб қўшилишди. Карнай-сурнай садолари одамларга байрам кайфиятини берди. Ҳамма хурсанд. Одамлар руҳиятлари тетиклигидан бир-бирлари билан киши билмас ҳазиллашиб ҳам қўйишарди. Маллахон от жиловини тортиб тўхтаганида Суфибек ва бошқа беклар бараварига отларидан тушишди. Суфибекнинг ўзи томон келаётганини кўрган Маллахон ҳам отидан тушди. Бир-икки қадам орқароқда турган беклар ҳам пастга тушишди. Ака-укалар қучоқлашиб кўришишди.

– Хонлик муборак бўлсин, акажон!

– Раҳмат, укажон, раҳмат, – деди Маллахон синиқ товуш билан. – Ўзингга ҳам муборак бўлсин.

– Кайфиятингиз йўқроқдай кўринади?

– Йўл азобини биласан-ку... Ўзинг бардаммисан?

– Худога шукур.

– Тезроқ ўрдага бошла, итдай чарчаганман. Ўша ерда гаплашамиз. Жой тайёрми?

– Ҳаммасини муҳайё қилишган. Ташқи ҳовлида беклар учун жой тайёрлаб қўйишган. Хос ҳужрам сизнинг ихтиёрингизда.

– Яхши. Қани, бўлмаса, отларга миндик.

Отлиқлар шаҳар дарвозасидан кириб, Чорсудан ўтиб боришар экан, шаҳар халқи Маллахонга таъзим адо қилиб, уни олқишлай кетди:

– Давр, даври Маллахон-оҳо-о-о-ой!!!

– Давр, даври Маллахон-оҳо-о-о-ой!!!

– Маллахон юз йил хон бўлсин-оҳо-о-о-ой!!!

– Яшасин, Маллахон-оҳо-о-о-ой!!!

Халқнинг ҳайқириқ, олқишлари остида Маллахон, Суфибек бошлиқ беклар, бийлар ўрда дарвозасидан кириб кетишди...

Шом қазо бўлиб, аллақачон хуфтон кирган. Ташқи ҳовлида берилган қуюқ зиёфатдан сўнг кун бўйи йўл босиб чарчаган беклар ўтирган жойларида чўзилиб қуя қолишди. Лампачироқ билан ёритилган хос ҳужрада Маллахон билан Суфибек суҳбатлашиб ўтиришарди. Икковини ҳам бу учрашувдан хурсанд деб бўлмайди. Юзлари жиддий, қовоқлари уюлган. Асосан Маллахон гапирар, Суфибек унинг гапини бўлмасдан жимгина эшитарди.

– Мана шунақа гаплар, укажон, – деди Маллахон гапларига якун ясар экан. – Минг-минглаб халқнинг ҳайқириғи остида бийлар мени оқ кигизга ўтқазишди-да, хон қилиб кўтаришди. Кейин оқ кигизни даст кўтариб, қалъа бегининг ўрдасига олиб киришди. Саломхонада бекнинг курсисига ўтқазишди. Юз-юзлаб беклар, бийлар менга байъат қилишди. Шундай қилиб хон бўлдим, қўйдим.

Ҳужрада жимлик чўкди. Иккови ҳам ўз хаёли билан банд. „Э, Худо, нималар бўляпти, ўзи, – хаёлидан ўтказди Суфибек, бир нуқтага тикилиб қолган акасига бир қараб олиб. – Шўрлик акам, нима қилишини ҳам билмай боши қотиб қолган. Хон акам эшитиб, нима қилдийикин? Қандай хаёлга бордийикин? Ойихоним-чи? Бечора ойихоним, шишиб йиғлаган бўлса керак. Сулҳга келтириш учун бирор-бир тадбир қилармикин? Бояқиш, қўлидан нима ҳам келарди? Яна Худо билади. Олтиной-чи? Қай акасига югурсин? Малика ойимлар-чи? Ишқилиб овсинлар бир-бирларига ёвлашиб қолишмаган бўлсин. Бу ёғи нима бўларкин? Мен нима қилай? Бир акамга қўшилиб, иккинчи акамга қилич кўтарайми? О-оҳ... Буни уйлашнинг ўзи даҳшат. Парвардигорим, бундай зиддиятли мушкулотларни ўзинг осон қил". Суфибек бир тин олди-да, мунғайиб акасига қаради.

– Акажон, бу ёғи энди нима бўлади?

– Эҳ, укажон, укажон, „энди нима бўлади?" деб, мени қийнама. Пешонамда нима ёзилган бўлса, ўша бўлади. Ортимдан селдай оқиб келаётган қўшин бекорга келаётгани йўқ-ку. Селнинг олдини тўсиб бўлмайди. Ҳайқириб келаётган селнинг олдини тўссанг, чирпирак қилиб учириб юборади. Мен ҳеч нарса қила олмайман.

– Қушиннинг сони қанча?

– Ким билади дейсан! Қизиққаним ҳам йўқ. Бир ҳафталар олдин Олимбек додхоҳ „қушинимиз йигирма саккиз мингга етди“, деётгандай бўлувди. Ҳафта ичида яна қушилган бўлса, уттиз минглардан ошиб қолган бўлса керак.

Суфибек қўлларини хонтахтага тираб, чордонадан чўкка тушиб ўтириб олди-да, Маллахоннинг кўзларига тикилиб туриб сўради:

– Жанг бўладими, ака?

– Жанг бўлади, укажон, жанг бўлганда ҳам катта жанг бўлади. Жуда катта қирғин бўлади. Қушин асосан қозоқ, қирғиз, қипчоқдан иборат. Буларни ҳеч ҳам тўхтатиб бўлмайди. Буни ўзинг ҳам яхши биласан. Лекин бир иш қилайки, бу ғалаён, жангу жадал, қирғинбарот барига бирдан чек қўяман.

– Барига чек қўяман?! Ё, товба, қандай қилиб?

– Буни тақдир дейдилар, укажон, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди.

– Ахир, нима қилмоқчисиз?

– Буни билмаганинг маъқул. Шунинг учун ҳам сен Қўқонга бормайсан. Шу ерда қоласан.

– Ия, нега энди?

– Кўрмайсан ҳам, куймайсан ҳам. Вассалом, энди мендан бошқа ҳеч нарса сўрама, укажон. Ухлашимиз керак. Эртага вақтлироқ йўлга чиқамиз.

– Майли, сиз нима десангиз, шу.

Суфибек акасига хайрли тун тилаб, бир аҳволда ҳужрадан чиқди. Маллахон бошини ёстиққа қўйиб, уйга толди. „Хуш, боя Олимбек додхоҳ „бугун Ўзгандан қушин келиб қушилади“, деган эди. Келиб қушилдимикин? Шаҳрихонда Ўш билан Наманган бекликлари келиб қушилиши керак. Бунга уч-тўрт кун вақт кетади. Худоёрхон билан қаерда учрашар эканмиз?“... Чарчоқлик ғолиб келиб, кўзлари ўз-ўзидан юмилди-да, Маллахон қаттиқ уйқуга кетди.

* * *

Худоёрхоннинг ўн тўрт минг атрофидаги қўшини икки кун йўл босиб, учинчи кун деганда пешинга яқин Сомончи қишлоғига етиб келди. Қишлоқнинг кўчалари қинғир-қийшиқ, уйлари ҳам кўчаларига монанд баланд-паст. Уйлар асосан пахса, гувала билан кўтарилган, ҳовлилари кенг-кенг, чорак танобдан тортиб, бир, ҳатто икки таноблилари ҳам бор. Сомончи қишлоғидан ўн-ўн беш чақиримлардан кейин Андижон томон Ёзёвон чўли бошланади. Қўшин қишлоқни бир чақиримлар чеккароқдан айланиб ўта бошлади. Икки-уч чақиримлар олдинда илғор юзлик борарди. Хон бир тўп беклар билан қўшин олдида борар, орқароқда ярим доира шаклида шаҳсуворлар, юз-юз эллик қадамлардан кейин янги навдаги йигирма тўртта замбаракларни тўрттадан қўшилган отлар тортиб боришарди. Замбараклардан кейин даста-даста бўлиб тартиб билан асосий қўшин борар, кейинда навкарлар суйиб ейишлари учун юзлаб моллар, озуқа ортилган туялар, аравалар борарди. Қовоқларини уйганча хаёл суриб келаётган Худоёрхон қишлоқ атрофидаги узун-узун тераклар, боғ, экинзорларга бир кўз ташлаб қўйиб, яна хаёлга чўмди. „Айғоқчиларнинг хабарига кўра, Маллахон Шаҳрихонда бўлган. Агар кеча йўлга чиққан бўлса, бугун-эрта рупара келишимиз аниқ. Хўш... Қўшини кўпликка-кўп, лекин қуроллари фақат қиличдан иборат. Милтиқларни айтмаса ҳам бўлади. Менда янги замбараклар, янги милтиқлар бор. Душман қўшини эллик минг бўлган тақдирда ҳам уларни бедадай уриб ташлайман. Қирғин қиламан. Шундай қирғин қилайки, бундан кейин бирортаси ҳам қилич у ёқда турсин, бошини ҳам кўтара олмасин. Қирғин қиламан, вассалом“, – Худоёрхон қамчи билан этигининг соғисига қарсиллатиб урди. Атрофга бир аланглаб қўйиб, яна хаёлга берилди. Онасини эслади, – „Бечора ойихоним! У киши ҳаммасини аллақачон билганлар. Лекин билмасликка олардилар. Эзилганларини билдирмасдилар. Саидни ҳам чақиртирмадилар. Боя-

қиш, икки ўт орасида қолдилар. Жўнаш олдидан „дуоларини олай“, деб саломхонага кирганимда бир нималар демоқчи бўлдилару лекин айтолмадилар. Ичларига ютдилар. Фақат кўзларида милт-милт ёш билан „доим бошларинг омон бўлсин“, деб дуо қилдилар холос. Акам иккимизни назарда тутганлари аниқ. Э, Худо... Жангдан кейин иккимизнинг ҳам омон қолишимиз даргумон. Қай биримизнинг мурдамизни қучоқлаб, уввос тортасиз, шўрлик ойихоним? Буни ёлғиз Эгамнинг ўзи билади“, – хоннинг кўзларида ёш милтиллади. – „Қани, энди, сиз ҳам Олтинойдек шодон кулиб, чарақлаб, табассум билан юрсангиз. Ҳар доим ҳам бандасининг айтгани бўлавермас экан. Парвардигорим, ўзинг қозилик қилгин“. Хон чуқур „ух“ тортиб қўйди. Бекларга зимдан кўз ташлаб чиқди. Беклар ҳам ўз хаёллари билан банд. Айримлари бўладиган жанг ҳақида бир-бирлари билан фикр алмашишарди. Нормуҳаммаднинг ёнида бораётган Саидбек хонга ташвишли қараб қўйди. Хон ундан лоқайдлик билан сўради:

– Нима гап, Саид?

– Икки отлиқ кўринди, илғор юзликдан хабар келаётганга ўхшайди, хон ҳазратлари.

– Илғор юзликдан дейсанми? – хон узоқда осмонга кўтарилаётган чангга тикилиб қаради. – Мунча ҳам от қўйиб келишмаса, бу иссиқда отни расво қилишади-ку.

– Душман қўшинини кўришганга ўхшайди, хон ҳазратлари.

– Гапинг тўғри, Саид, – хон от жиловини тортиб, тўхташи билан шаҳсуворларнинг юзбошиси орқада келаётган қўшинга „тўхта“ ишорасини қилиб, найзага илинган байроқни силкитди. Хон узангига тиралганча қаддини тик тутган ҳолда олисларга қаради: – Бу чўли биёбонда бошқа қандай хабар бўларди, – эгарга жойлашиб ўтирар экан, – етиб келишсин, яна аниғини биламиз-қўямиз.

Йигирма дақиқаларда отлиқлар яқинлашиб келиб, тўхташди-да, бараварига отларидан тушишди. Навкарлардан бири от жиловини шеригига тутқизди, сўнгра ил-

дам юриб келиб, хонга таъзим адо қилди. Хон индамасдан унга савол назари билан қаради.

– Хон ҳазратлари, душман қўшини яқинлашиб келмоқда.

– Қўшинни кўрдиларингми?

– Йўқ, фақат илғорни кўрдик.

– Қанча вақт бор?

– Шомга яқин кўриниб қолса керак, хон ҳазратлари.

– Яхши. Тўпингга боравер, – хон от бошини буриб, бекларга юзланди. – Жаноблар! Ўзингиз эшитдингиз. Душман қўшини келиб, қўшинни жангга ростлагунча шом тугул хуфтон кириб қолади. Жанг эрта саҳардан бошланиши аниқ. Тайёргарлик кўришимиз учун вақт етарли. Душманни шу атрофда кутиб оламиз, – хон беклар ўртасида байроқ кўтариб олган Ғани тўқсобани чақирди. – Ғани тўқсоба!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Анови кўриниб турган тепалик менинг қароргоҳим бўлади. Чодирларни ўша тепаликка тикдириб, байроқни чодир кегайлисига илдиринг.

– Хўп бўлади, хон ҳазратлари.

– Қилич!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Замбарақларнинг ҳаммасини тепаликдан сал олислаттириб жойлаштир. Қандай жойлаштиришни ўзинг биласан.

– Хўп бўлади, хон ҳазратлари.

– Ўтаббой мингбоши!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Бекларга буюринг. Замбараклар жойлашган ердан мўлжал олиб, навкар ростлашсин. Захирадаги навкарни тепалик ортига олишсин.

– Хўп бўлади, хон ҳазратлари.

– Ҳамма нарса бўлдими? Ҳеч нарса қолмадими? Ҳа, айтгандай, Эргаш тавочи қани? Тавочи-и! Қанисан?

Бекларнинг ортидан Эргаш тавочининг товуши эшитилди.

– Шу ердаман, хон ҳазратлари, шу ердаман.

– Бу ёққа чиқ. Саройда-ку ҳужрангдан чиқмайсан. Бу ерда ҳам бекларнинг орқасига тиқилиб олганингни қара. Озиқни нима қилдинг?

– Ҳаммасини тахт қилиб қўйганман, хон ҳазратлари. Йўлга чиқишимиздан олдин ҳар бир юзликка бир ҳафталик озиғини бердим. Яна орқада туяларда, аравада бир ҳафталик озиқ келяпти. Ҳеч нарсадан камчилик йўқ, хон ҳазратлари.

– Яхши, қўшиннинг кечки овқати билан саҳарлигини назорат қилинглар.

– Хўп бўлади, хон ҳазратлари.

Хон бекларга кўз югуртириб буюрди.

– Жаноблар! Хизматга буюрилганлар марҳамат қилиб, ўз вазифаларини бажаришсин. Сизларга рухсат.

Бекларнинг кўпчилиги от устида ним таъзим қилиб, ўз даста лари томон отларини йўрттириб кетишди. Хоннинг ёнида Нормуҳаммад, Саидбек, Азимбек ва беш-ўнта арконлар қолишди. Нормуҳаммад хон томонга бўйнини чўзиб туриб, оҳиста деди:

– Хон ҳазратлари, чодирлар тикилгунга қадар ён-атрофни айлансак, қандай бўлар экан? Баҳонада паст-баланд ерларни кўздан кечириб олардик.

– Маъқул.

Шундай дея хон от бошини чўлга буриб ниқтади. Беклар унга эргашишди. Тўхтаб қолган қўшин яна ҳаракатга келди. Бошлаб замбаракларни тортиб бораётган отлар уч-тўрт қатор бўлиб, олдинма-кетин юра бошлашди. Ўтаббой мингбоши от устида қамчини силкиганча минг-минглаб навкарларни тартибга соларди.

– Ҳамдам! Жўрақул икковинг дасталаринғди об, дўнғди ойлониб ўтинғлардағин шуйда кораб туринғлар. Қоерда туришинғди саған кейин ойтаман, – замбарак тортиб ўтаётган отларни „чуҳ-чуҳ“лаб бораётган навкарларнинг юзбошисидан сўради, – Ҳой, маған қора, ўтоғаси, Қилич қона? Жай кўряпти? Қоерда? Ҳа-а... Ўҳў-ў... Дўнғдан олислаб кегибди-ғу. Боқирсам, эшитармикин? Қили-ич! Қилич, деяппан!.. Ҳа, ҳа... Замбарак ларди шуйға

қўясамма? Жахши. Ҳамдам! Қиличди кўряпсамма? Ҳа, баракалла. Дастанғди барини Қиличдан олислатиб жайлаштир. Жўрақулғаям ойт... Вой-боёв, бўларға боқириб, бўғилиб қўяғоздимов! – мулозимига қараб, – Ўска-ан, қонисан?

– Лаббай, катта бий.

– Жигитлардан ойттириб жувар, понсодлар икки дастани Ҳамдам понсотти қаватиға жуварсиндағин қоған дасталарди замбарақларди чап томониға жайлаштирсин.

Ўсканбий сўзсиз бош силкиди, сўнгра навкарларига алланималарни уқтириб, қўшин томон жўнатиб юборди. Замбарақларни ҳайдаб бораётган навкарлар Қилич кўрсатган ерда тўхташди-да, отларни ажратиб, четроққа олиб чиқишди. Замбарақларнинг орасини эллик-олтмиш қадамдан қилиб, олти гуруҳга бўлиб ташлашди. Ҳар бир гуруҳга тўрттадан замбарак қўйишди. Навкарлар даста-даста бўлиб олиб, понсод, шиғовул, юзбошиларнинг буйруқлари билан замбарақларнинг икки томонига жойлаша бошлашди. Тепаликнинг орқа томонига тўрт минг отлиқ навкарни захирага қўйишди. Шаҳсуворлар тепаликни ўраб олишди. Ҳамма ўз иши билан машғул. Ҳар бир юзликнинг ошпазлари қозон-ўчоқ қилиб, кечки овқатга уннаган. Янги тортилган шоҳона чодир тепасига байроқ илинган. Пастроқда арконлар учун яна тўртта чодир тортилган. Чодирлардан йигирма қадам четроқда хон ошпази ёрдамчилари билан ўчоқ кавлаб, қозон ўрнатарди. Бу пайтда хон беклар билан адир айланиб, улар билан суҳбатлашар, ора-сира навкарлар томон кўз ташлаб қўярди. Замбаракнинг икки томонига жойлашаётган навкарлар ҳаракатини обдан кузатар экан, ёнидагиларга деди:

– Жаноблар, замбарақларнинг ўрнатилиши бизга маъқул, гуруҳлар орасидаги масофа ҳам меъёрида. Мингбоши, понсод, юзбошилар ўз ишларини яхши билишадику-я, лекин менинг назаримда қўшин энига чўзилиб кетмадимикин? – савол умумий берилгани боис арконлар одоб сақлаб туришди, – хўш, Нормуҳаммадбек, орамиз-

да жанг-жадални кўпроқ сен кўргансан. Бу ҳақда сенинг фикринг қандай?

– Ижозатингиз билан, хон ҳазратлари, понсодлар, юзбошилар дасталарни жойлаштиришда отларни ҳам ҳисобга олишган-да. Лекин эрта жанг олдидан бу кенглик икки баравардан ҳам кўпга қисқаради.

– Ҳм, шунақа дегин. Яхши, – хон Нормуҳаммаднинг бир нарса демоқчилигини сезиб, отини ниқтади. Бир фурсат йўл юргач сўради. – Бирор нарса демоқчимисан?

– Шундай, хон ҳазратлари, боя ҳазратлари арконлар билан сўзлашиб турганларида биз гаплашиб олдик.

– Учовингми?

– Учовимиз, хон ҳазратлари.

– Хўш?

– Эрта жанг бошланганда мавридини топиб, битта минглик билан Маллахоннинг тўпини ёриб кирамиз-да, уни юлиб олиб чиқиб кетмоқчимиз. Шу режамизга ҳазратлари рухсат берсалар.

Хон бир лаҳза бошини қуйи солиб, ўйланиб қолди. „Бир марта акасини кечирувди-ку! Яна кечирса, яна шу аҳволми? Йўқ, бу сафар Эгамнинг айтгани бўлади. Бу нарсаларга чек қўйиш керак". Худоёрхон бошини кўтариб, қатъиятлилик билан жавоб берди.

– Йўқ! Рухсат бермайман, Нормуҳаммад, қатъиян рухсат бермайман. Маллахоннинг пайига тушманглар. Иккимиз ҳам пешонада ёзилганини кўрамиз. Тақдирни алдаб бўлмайди. Қарши бориб ҳам бўлмайди. Қочиб, қутулиб ҳам бўлмайди. Бас-с... Бу мавзуда бошқа гапирманглар.

Нормуҳаммад сўзсиз қўлини кўксига қўйиб, бошини эгди. Хон от бошини буриб, арконларга қаради.

– Жаноблар! Чодирлар тортилганга ўхшайди. Бориб, дам оламиз. Кечки овқатдан кейин ҳарбий кенгаш ўтказамиз. Азимбек!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Понсодларга одам юбор. Шомдан кейин чодирга йиғилишсин.

– Хўп бўлади, хон ҳазратлари.

Хон от бошини чодир томон буриб, қамчи босди. Арконлар ҳам хоннинг ортидан от қўйиб кетишди...

Хуфтон кирган... Осмон тўла чарақлаган юлдузлар. Ой тўлмаган бўлса ҳам хирагина нур таратиб турибди. Кун буйи қуёш тафтидан терлаб-пишган навкарлар тунда бир оз салқинлангандай бўлишди. Қўшиннинг қарийб ҳаммаси кечки овқатни еб бўлган. Ошпазлар ёрдамчилари билан саҳарликка тайёргарлик кўришарди. Навкарларнинг асосий қисми қурол-яроғини нари-бери кўздан кечириб, уйқуга кетган, айримлари ўчай деб қолган гулхан атрофида гурунглашиб ўтиришибди. Ёшроқлари отлар билан овора. Хоннинг катта чодирида йигирма беш-ўттиз нафарга яқин беклар, арконлар йиғилишган. Ҳарбий кенгаш бўляпти. Беклар руҳан кўтарилган. Душман қўшини устидан бемалол ғалаба қозонишларига заррача ҳам шубҳалари йўқ. Ишонганлари янги навдаги замбараклар билан милтиқлар. Уруш кўрган ёши катта понсодлар ўз фикр, мулоҳазаларини бир-бир ўртага ташлашди. Ҳамма масалалар муҳокама қилиниб, кенгаш охирлаб қолган пайтда чодирга ҳудайчи кириб, хонга таъзим қилди. Хон унга норозисимон қаради.

– Нима гап?

– Хон ҳазратлари, илғордан одам келди.

– Шунақа дегин? – хоннинг юзи ёришиб, ўтирган жойида бир қимирлаб олди, – айт, кирсин.

Ҳудайчи сўзсиз қўлини кўксига қўйган ҳолда чодирдан чиқиши билан навкар кириб, хонга таъзим адо қилди.

– Хўш?

– Хон ҳазратлари, бу ердан уч-тўрт чақирим нарига душман қўшини келиб, қўнди.

– Қайси пайтда?

– Шом аралаш келишди. Бирпасдан кейин сон-саноқсиз гулханлар ёқилди. Овқат қилишаётган бўлишса керак, хон ҳазратлари.

– Илғор қаерда?

– Душман қўшинидан бир чақиримлар берироқда, хон ҳазратлари, бек акам ҳар эҳтимолга қарши ҳар-ҳар жойларга соқчи қўйиб ташладилар.

– Яхши, баракалла. Юзбошига бориб айт, тонгга яқин юзлиги билан ўз дастасига келиб қўшилсин. Сенга рухсат, боравер.

Навкар таъзим билан чодирдан чиқиб, кўздан ғойиб бўлди. Хон бир тин олиб, бекларга кўз югуртирди.

– Жаноблар! Эртанги жангга тааллуқли бўлган ҳамма масалалар ҳал қилинди, шекилли. Ҳаммангизга вазифалар тайинланди. Қайси пайтда нима қилишни яхши биласиз. Энг масъулиятли иш замбаракларда. Жангни замбараклар бошлаб беради. Қилич!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Замбаракларинг маълум пайтгача душман қўшинига узлуксиз ўт очиб туриши керак. Буни ўзинг яхши биласан. Замбаракларингни ўқ-дориси етарлими?

– Етарли, хон ҳазратлари, ҳатто уч-тўрт кунга ҳам етади.

– Яхши, Худо хоҳласа, бизга бир куннинг ўзи кифоя қилади. Жаноблар, бу ердан бориб, юзбошиларга қаттиқ тайинлаб қўйинг. Улар ҳам ўз навбатларида ўнбошиларга тайинлашсин. Душман қўшини ҳужумга ўтганда биринчи бўлиб замбараклар ўт очишади. Бу ҳолат бир неча марта такрорланиши мумкин. Сизлар ҳужумга ўтмай, фақат кутиб турасизлар. Қачонки Ўтаббой мингбошининг ишораси билан ноғорачилар ноғораларини чалганда белгиланган дасталаргина ҳужумга ўтишади. Кейин шу нарса ёдларингдан чиқмасин. Маълум вақтдан кейин ноғоралар яна чалиниши билан бараварига дарҳол чекинишсин. Акс ҳолда, душман қўшини билан бирга замбаракларнинг ажал сочувчи оловига дучор бўлиб қолишлари ҳеч гап эмас. Ҳаммаси тушунарлими? Яхши. Эртанги буладиган жангда Худо бизга ёр бўлсин, пирлар мададкор бўлсин. Сизларга рухсат, жаноблар. Чодирларингизга бориб, дамингизни олинг.

Беклар ўринларидан туришди-да, хонга таъзим қилиб, бир-бир чодирни тарк этишди. Қўшин уйқуга кетди. Фақат атрофга қўйилган соқчиларгина гулхан ёруғида у ёқдан-бу ёққа бориб келишарди...

...Ниҳоят, ғира-шира тонг ота бошлади. Туни билан тинмаган ошпазлар тонг қоронғусида навкарларга ош тортиб бўлиб, пинакка кетишган, ёрдамчилари қозонтовоқларни ювиб, саранжом-саришта қилишарди. Навкарлар камарларини тортиб боғлаб, қурол-яроқларини кўздан кечириб, жангга тайёрланишарди. Ҳар бир замбарак гуруҳи олдида зиғир ёғида ёнадиган қорачироқ ёқиб қўйилган. Ўт очиш учун фақат буйруқ кутишарди холос. Хон беклар билан нонушта қилиб бўлиши биланоқ чодирларни йиғиштириб, отларни келтиришни буюрди. Ўн дақиқалардан кейин от устида ўтирган ҳолда душман қўшини томонидан кўзини узмас, ҳар-ҳар вақт дурбиндан қараб қўярди. Хоннинг қовоқлари уйилган. Беклар ҳам от устида сўзсиз душман қўшини келадиган томонга тикилиб туришарди. Хон яна дурбиндан қарар экан, сабрсизлик билан хаёлидан ўтказди. „Жин урсин... Нега булар кўринмаяпти? Ухлаб қолишмаган бўлса керак. Ҳужум қилиш у ёқда турсин, ҳатто кўзга кўринмаяпти-ю. Ёки ҳарбий ҳийла ишлатишмоқчимикин? Йўқ, бу ҳайҳотдай чўлда ҳарбий ҳийла нима қилади? Ёки менинг ҳужум қилишимни кутишяптимикин? Э, йў-ўқ... Биринчи бўлиб ҳужумга ўтиш, бу мағлубият билан баббаравар. Айғоқчиларнинг хабарига кўра, Маллахоннинг қўл остида ўттиз-қирқ минг қўшини бор. Бизларни ўраб олиб, қириб ташлашлари ҳеч гап эмас. Кенгашдаги гаплар бўйича уларни олдинига замбараклардан обдон тутдай тўкиш керак. Шундай тўкиш керакки, душман қўшинининг ярми ҳам қолмасин. Пароканда бўлсин. Кейин навкарларимиз қўшинга қаратиб бир неча марта милтиқлардан ўқ узишади. Ана ундан кейин дасталар шердай ҳужумга ташланишади. Ҳал қилувчи ҳужумда навкарларни жангга ўзим бошлаб бораман. Ҳайқириб от қўяман. Навкарларимни руҳан кўтариш учун ҳайқириб, қийқириб от қўяман. Ия... Бу нима бўлди яна? Ҳа-а... Чанг кўтарилди, шекилли“, – хон дарҳол кўзларига дурбинни олиб борди, – „Ух-ҳў, бу душман қўшини-ку, ниҳоят, кўринди-я, хайрият. Ўттиз-қирқ мингдан ҳам ортиқроқ

чиқаров. Захирага ажратмаган, шекилли. Йўғ-е, ажратган бўлиши керак. Барини бирданига жангга ташламайди-ку. Маллахоннинг ўзи ҳозир қайси дастада экан? Дастада нима қилади? У ҳам менга ўхшаб бирор бир тепалик устида қўшин ҳаракатини кузатаётган бўлса керак. Ҳозир у нималарни ўйлаётганикин?" – хон дурбинни пастга тушириб, замбараклар томон кўз ташлади. – „Замбаракчилар жой-жойида, пиликлар ҳам ёқилган. Бу яхши", – хон навкарлар томон кўз югуртирди: – „Ўх-ҳў, бари душман қўшини томон қараб, ҳайкалдай қотиб туришибди-ку... Қарайверинглар. Асабларинг таранг тортилсин. Ҳали пайконни ёйдан узгандай душман устига от қўясанлар". Хондан икки-уч қадам орқароқда турган беклар душман томондан кўз узмаган ҳолда бир-бирлари билан паст товушда гурунглашиб олишарди.

– Даҳшат билан от қўйиб келишяпти.

– Шу келиши ўн мингдан кўп чиқаров.

– Қолгани қаердайикин?

– Бўлиб-бўлиб жангга ташлашса керак.

– Шунақага ўхшайди, жин урсин.

От қўйиб келаётган душман қўшини замбаракларга бир чақиримларча қолганда бараварига ҳайқириб, қийқириб юборишди. Бу ёқда турган беку навкарларнинг этлари жимирлашиб, туклари тик бўлиб кетди.

– Ҳа-а, қийқирмай ўл, онағарлар!

– Ҳой, кеп қолди-ку... Нега замбараклар ўт очишмаяпти?

– Замбаракларнинг олдида қиличини чангаллаб, Қиличбек турибди-ку... Қачон ўт очишни ўзи билади.

– Қилич душманни кўряптими ўзи?

Шу пайтгача пинагини бузмай турган хоннинг ўзи ҳам Қилич томон зимдан қараб қўйди. „Вой, аҳмоқ! Яна беш-олти дақиқа қўйиб берса, отлиқларнинг олди замбаракларга етиб келади-ку. Ана унда замбарагинг ҳам..." Гумбурлаган товушдан отлар ҳуркиб, хоннинг хаёли бўлинди. Қиличнинг ҳайқириғи билан биринчи гуруҳ олдинма-кетин ўт очиб юборишди. Биринчи гуруҳ ўт очиб бўлиши билан Қиличнинг яна ҳайқириғи янгради.

– Иккинчи гуруҳ, ўт оч!!

– Учинчи гуруҳ, ўт оч!!...

Гуруҳлар бирин-кетин гумбурлатиб ўт оча бошлашди. Бу орада олдинги гуруҳлар замбарақларни қайтадан ўқлаб бўлиб, Қиличнинг ҳайқириғини кутишарди. Олтинчи гуруҳ ўт очиб бўлиши билан Қилич қўлидаги қиличини сирмаб, биринчи гуруҳга қараб ҳайқирди:

– Биринчи гуруҳ, ўт оч!!!

Ҳайқирганча от қўйиб келаётган душман қўшинининг товуши бирдан ўчди. Кўзга кўринмас қандайдир бир куч қўшинни бир силтаб, секинлатиб қўйгандай бўлди. Фурсат ўтиб, қўшин тўхтаб ҳам қолди. Ҳайқириқ, қийқириқларнинг ўрнига нолаю фиғонлар, оҳу воҳлар чўлни тутиб кетди. Узлуксиз портлашлардан, қон ҳидидан даҳшатга тушган отлар дуч келган томонга ўзларини уришарди. Ҳар портлашда беш-ўнта отлиқ гоҳ ўзи, гоҳ отпоти билан ағдариларди. Юзларча, мингларча навкарлар эгардан учиб кетган, янги кишнашлар, янги „оҳ-воҳ“лар, „вой, ўлдим“, „вой, жоним“, „вой, эна“ деганлар қанча. Ниҳоят, душман қўшини чекингандай бўлди. Қўшин бошида турган Ўтаббой мингбоши бир тўп беклар билан отларини тинчитганча ҳаяжон билан жанг майдонини кузатишарди. Беклардан бирининг сабри чидамади.

– Мингбоши жаноблари, ҳозир айни пайти. Рухсат берсангиз, душманнинг ортидан қуюндай от қўйиб борсак. Юзтасининг калласини олсак, қолгани тумтарақай қочади. Тезроқ рухсат беринг.

– Жўқ, рухсат жўқ, ўтоғаси, ҳали жиндайғана бор. Совр қип тур. Душман тағин ҳужум қисин. Сал туриб, ўзим ойтаман. Маъқулма?

– Маъқул.

Бу орада замбаракчилар бир фурсат нафасларини ростлаб олишди. Душманнинг чекинганидан ҳаммалари руҳан кўтарилган, ўзларида йўқ хурсанд. Бир-бирлари билан ҳазил-ҳузул ҳам қилиб олишди.

– Шодивой, – замбарак қувури ичини учига латта ўралган узун даста билан тозалаётган навкар шеригига

деди, – кетма-кет шу-унча замбарак ўқлаб, тозалабман, ишонсанг, бир мисқол ҳам чарчаганим йўқ. Ўлай агар.

– Чарчамаган сенми, менми? – ишшайиб деди Шодивой қўллари билинар-билинмас титраб, – Товба қилдим, худди осмонда сузиб юргандайман. Эсингдами? Машқ пайтларида тилларимиз бир қарич осилиб қоларди.

– Ҳи-ҳи-ҳи...

Ўт очиш пайтида, ўқлаш пайтида навкарлар довдираб қолмасдан ўз вазифасини чапдастлик билан бажаргани учун гуруҳ юзбошилари ҳам хурсанд. Машқ машқ билан. Лекин ҳақиқий жангда яна хон ҳазратлари назорати остида синовдан яхши натижалар билан ўтишнинг ўзи навкарлар учун ҳар қандай мукофотдан устун турарди. Қилич гуруҳ юзбошиларини олдига чақиртирди.

– Ҳормanглар, энди. Кайфиятлар қандай?

– Кайфиятлар жойида, бек ака, – бир овоздан жавоб беришди, беклар.

– Баракалла, азаматлар, биринчи синовдан яхши ўтдингиз. Жуда ҳам аъло деб бўлмайди, лекин яхши ўтдингиз. Йиллар буйи қилган машқларимиз зое кетмабди. Вақтимиз ўта зиқ. Гапларимни яхшилаб эшитиб олинг, жаноблар. Тонгги салқинда замбарақдан ўт очиш билан кун қизиганда ўт очишнинг фарқи бор. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Кейинги ҳужумда ҳар ўт очилганда қувурларни текшириб туринг. Ўта қизиб кетмасидан сув сепиб, салқинлатиб туринг. Акс ҳолда қизиб кетган... – Қилич гапини узиб, чўл томонга бир зум диққат билан қараб турди-да, кейин тездан гапларини тугатди. – Қизиб кетган замбарақларни ўқлаб бўлмай қолади. Гапим тамом. Жаноблар! Душман ғимирлаб қолди. Ҳамма жойжойига!

Юзбошилар ўз гуруҳлари томон ғизиллаб югуриб кетишди. Қилич гуруҳларга кўз югуртириб чиқди. Яхши. Ҳаммаси жойида. Навкарлар таёқча учига маҳкамланган пилтани пиликдан ўт олдириб, тайёр туришарди. Шу пайт душман қўшини олдингидан ҳам даҳшатлироқ ҳайқириб, қийқириб, ҳужумга ташланишди. Бу сафар

қандай бўлмасин, замбаракларга етиб олиш учун бийлар дастани икки баробар кўпроқ ташлашди. Ўтаббой минг-боши қўлини соябон қилиб, от қўйиб келаётганларни кузатар экан даста бошида турган Ҳамдам понсодга қараб қичқирди:

– Ҳамда-а-а-ам!! Жўрақул икковинг тайяр бўп туринглар! Ноғоралар чалиниши минан иккитадан тўрт дастани об жанғга отилиб кирасанлар. Эшиттингма-а!!

Ҳамдам понсод „тушундим" дегандай бош силкиди. Шу пайт замбараклар гуруҳ-гуруҳи билан гумбура-гумбур ўт оча бошлашди. Ағдарилганлар, портлаш тўлқини зарбидан эгардан учиб кетганлар, нолаю фиғон, „оҳ-воҳ"лар ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Бу сафар замбаракларнинг портлашларидан душман қўшини бир қалқигандай бўлди. Лекин ўзини ўнглаб олиб, замбараклар томон қуюндай ташланди. Шу пайт ноғоралар тирилламатиб рез бериб қолишди. Ҳамдам понсод қиличини суғуриб, бор товуши билан ҳайқирди:

– Қани, ҳа-а-а-а... Лочинларим!!! Милтиқларни қўлларингга олингла-а-а-ар! Бир мартага ўқ узиб, кейин қиличлашамиз. Барингга Худо ёр бўлсин!!! Ҳа-ҳа-ҳа-а-а-а-айт!!!

Ҳайқириқдан этлари жимирлашиб кетган навкарлар Ҳамдам понсоднинг ортидан бараварига қийқириб, от қўйиб юборишди.

– Ҳи-и-и-и-ий... ҳа-ҳа-ҳа-а-а-а-айт

– Аҳа-ҳа-а-айт... ҳайт-ҳайт!!!... Ур онағарларни!!!

– Ур, ҳа-а-а-а... Ур, ур... Ур-ре-е-е-е-е,... ур!!!

Бир фурсат от қўйиб боришгач, душман қўшинига юз-юз эллик қадам қолганда тўрт даста олдинма-кетин милтиқлардан ўқ узишди. Еру осмонни тутун қоплади. Юзлаб одамлар отдан ағдарилган, юзлаб отлар жанг майдони бўйлаб бетартиб югуриб юришарди. Ҳамдам понсод қиличини баланд кўтариб ҳайқирди:

– Йигитла-а-а-ар!!! Бос ғанимни!!!

Навкарлар милтиқларини елкаларига ошира солиб, қиличларини суғуришди-да, қийқиришганча от қўйиш-

ди. Ниҳоят, навкарлар билан душман қўшини гурсиллаб тўқнашишди. От устида пала-партиш қиличбозлик бошланди. Бақир-чақирлар, ҳайқириқлар, қийқириқлар, додфарёдлар, сўкинишлар Ёзёвон чўлини тутиб кетди. Иккала қўшин ҳам деярли бир хил жанг қилишарди. Лекин Худоёрхоннинг қўшини руҳан кўтарилган, Маллахоннинг қўшини ҳумрайиб, қовоқларини уйганча жанг қилишарди. Ер одам, от улигига, ярадорларга тўлиб, тошиб кетган. Шу сабабдан жанг майдони кенгайгандан-кенгайиб борарди. Маллахоннинг бийлари жангнинг суръатини ошириш учун яна тўрт дастани жангга ташлади.

– Ия, ана бўлмаса! – Ҳаяжон билан қичқириб юборди Ўтаббой мингбошининг ёнида турган беклардан бири. – Мингбоши жаноблари, биз ҳам икки даста ташлайлик?!

– Жўқ, даста ташлашга ҳали бор. Буларди ўзи тағин азғана туриб берсин. Кейин битта қип саваймиз. Тағин азғана... Бошқача иш қиламиз. Ана энди воқти жетти... Уска-а-ан!! Қонасан? Ноғорачиларға ойт, „қойтиш"ға чалсин. Тездан ойт, – сабри чидамай ўзи ноғорачилар томон қараб бақирди. – Ноғоранғди чал, ноғорачи буған инанғди... Тездан чал!

Ўндан ортиқ ноғорачилар гумбура-гумбур ноғораларини чала кетишди. Ҳамдам понсод навкарлари билан унга, сўлга қилич тортар экан, ноғора товушини эшитиб ҳайқирди:

– Йигитла-а-ар!! Орқага-а-а!!... Жўрақул, замбараклар-нинг ўқига қолиб кетмасдан дасталарни олиб чиқ!!

Навкарлар от қўйиб, чекинишлари билан замбараклар „тилга кирди". Янги ташланган дасталар анча-мунча талафот кўрди. Хон ҳаяжон билан жанг майдонини дурбинда кузатар экан, лабларини маҳкам қисганича жангни кузатаётган Саидбекка қаради.

– Саид!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Маллахон ҳамма дасталарини ташлаб бўлдимикин? Нима деб ўйлайсан?

– Менимча, ҳаммасини ташламаган, хон ҳазратлари. Захирадан ташқари яна дасталари бўлса керак.

– Шунақа дегин? Яхши. Жанг майдонини кўряпсанми?

– Кўряпман, хон ҳазратлари.

– Қара, Ўтаббой мингбоши замбараклардан талафот кўрган анови тўртта дастага қарши иккита даста ташлади. Агар ҳеч ким халақит бермаса, шубҳасиз, ғалаба биз томонда. Лекин Маллахон яна даста ташлайди. Даста ташлаши билан захирадагидан ташқари ёппасига от қўямиз. Қўшинни ўзим жангга бошлаб бораман.

– Ҳали вақтли эмасмикин, хон ҳазратлари?

– Йўқ. Айни пайти. Ёппасига от қўйсак, уларни жанг майдонидан суриб чиқариб юборамиз – вассалом. Ўҳ-ҳў... Бошланди шекилли. Кўряпсанми, Саид? Маллахон охирги дасталарини ташлаяпти. Ўзи ҳам жанг майдонига тушса керак, – хон бошини буриб қичқирди. – Нормуҳаммад! Ғани тўқсоба!

– Лаббай, хон ҳазратлари! – дейишди иккови бир овоздан.

– Захирага сенлар жавоб берасанлар. Жангнинг боришига қараб, бўлиб-бўлиб, майдонга ташланглар.

– Хўп бўлади, хон ҳазратлари.

– Оми-и-ин!!! – Худоёрхон от устида қўлини дуога кўтарди. – Жанг майдонида Худо бизга ёр бўлсин. Пирлар мададкор бўлсин, Оллоҳу акбар!!!

– Оллоҳу акбар!!! – жўр бўлишди беклар.

Худоёрхон юзига фотиҳа торта солиб, отига қамчи босди. Нормуҳаммад билан Ғани тўқсобадан ташқари ҳамма беклар хон ортидан от қўйишди. Шаҳсуворларнинг бир ерга йиғилаётганини кўрган Ўтаббой мингбоши ажабланиб, тепаликка қаради-ю, хоннинг беклар билан от қўйиб келаётганини кўриб, юраги шувиллаб кетди.

– Ия, вой... Хон от қўйип кеп жатир. Ҳой, тўхта! Тўхта дийман саған!.. Энди уни тўхтатиб бўлама. Ҳа, инанғди... Товба қилдим, товба-товба. Хонларди сўкип бўмайди. Бўлар иш, бўлди, энди биёғи пешанадан. Худо „ол қулим", деса, Маллахонди женғиб қўйишимиз ҳеч гапмас, – Ўтаббой мингбоши атрофга аланглаб ҳайқирди: – ҳой, беклар, жигитлар, Ўска-а-ан!!! Маған қора баринғ. Хон олди-

миздан ўтиши минан баринғ қийқириб, орқасидан от қўй. Жоппасиға душманди босамиз. Қона, овмин... Шул жанғда Хизр бовом баримизди... И, и, и, хон кеп қўйдиғў. – Ўтаббой мингбоши оминни қўйиб, қийқириб юборди. – Ҳа, ҳа, ҳа-а-а-айт!.. Қийқир баринғ, илойим, ғалаба қилайиқ!

Хон беклару шаҳсуворларни ортидан эргаштириб, олдинга чиқиши билан қўшин дасталари қийқиришганча от қўйиб кетишди. Бир зумда хоннинг шаҳсуворлари билан икки томондан ўраб олишди. Хоннинг шахсан ўзи қўшин олдида от қўйиб бораётгани учун беклар ҳам, навкарлар ҳам руҳан кўтарилган, кўзлари чақнаган ҳолда узлуксиз равишда ҳайқириб боришарди. Жанг қилаётган навкарлар қўшин олдида қуюндек учиб келаётган хонга кўзлари тушиб, кучларига куч қўшилди. Худди машқ майдонида қиличбозлик қилгандай ҳайқириб, гапириб, қилич солишарди.

– Ҳа, ҳа, ҳа-а-айт!!! Хон от қўйиб келяпти!!!

– Қуюндай учиб келяпти... Ҳи-и-ий, ҳайт-ҳайт!!!

– Ур, занталоқларни!..

– Ур, занғарларни!..

Саидбек билан Азимбек хоннинг икки томонида, орқарокда беклар от қўйиб боришарди. Шаҳсуворлар ҳалқадек ўраб олишган. От қўйиб бораётган навкарлар секинлади. Жанг қилаётганлар ҳар қайси ўз томонига чекингандай бўлиб, янги ташланган дасталарга жой бўшатиб беришди. Майдонда одамларнинг, отларнинг уликлари, ярадорлари тўп-тўп бўлиб ётар, жанг қилишга халақит берарди. Шу пайт понсодларнинг буйруғи билан навкарлар мингларча милтиқлардан қарийб бараварига варанглатиб ўқ узиб юборишди. Олдинга интилиб келаётган Маллахоннинг олд қўшини беда ўрилгандай отдан ағдарилди. Қўшин бир қалқиб кетди. Бундан руҳланган навкарлар милтиқларини елкадан ошириб, қиличларини суғуришди. Ҳайқириқ кўтариб бирвакайига душманга ташланишди. Хон жон-жаҳди билан қилич соларди. Шаҳсуворларнинг қарийб ярми сафдан чиққан. Ур-сурда чет-

роққа сурилиб қолган Ўтаббой мингбоши томоғи йиртилгудай бўлиб ҳайқирди:

– Ҳой, жигитлар!!! Хонди ўртаға онғлар!! Ўлдириб қўйишмасин! Ўртаға ол, энағарлар!! Ҳа, ана шундай, тағин сурил...

Навкарлар хоннинг беш-ўнта беклари билан бирга девордай ўраб олишди. Қиличбозликдан терлаб-пишиб, қизиб кетган Худоёрхон олдида жонли деворни кўриб, ғазаби қайнаб кетди.

– Йўлни бўшат!!! Йўлни бўшат, деяпман санларга! Саид! Йўлни оч!! Тез бўл!!

– Хон ҳазратлари...

– Ба-асс!!! Йўлни оч!! Йўқса, ўзим қилич билан очаман!!!

Хонни бу йўлдан қайтариш бефойдалигини сезган Саидбек боши билан Азимбекка ишора қилиб, иккови бараварига олдинга ташланди. Олдинда кетаётган отларнинг сағрисига қилич ёни билан тарсиллатиб уриб ҳайқиришди:

– Хонга йўл бўша-а-ат!!!

– Икки ёнга сурилингла-а-ар!!!

Навкарлар икки ёнга сурилишлари билан хон олдинга ташланди. Саидбек, Азимбек ва беклар хоннинг икки томонида туриб, қилич солишарди. Иккала томон ҳам жон-жаҳдлари билан жанг қилишарди. Фурсат ўтиб, иккала томондан ҳам захира дасталари ташланди. Жанг қизигандан-қизирди. Вақт пешинга бориб қолган. Синган қиличлар алмашилди. Ўликлар, яралорлар бир-бирларига тахланиб кетди. Жанг давомида Худоёрхоннинг қўли баланд келгандай бўлди. Секинлик билан бўлса ҳам унинг қўшинлари Маллахоннинг қўшинларини жанг майдонидан суриб чиқара бошлади. Шу пайт жанг қилаётганлар жойларида тўхтаб қолгандай бўлишди. Аралаш-қуралаш бўлиб кетган қўшинлар бир чайқалиб, хон навкарлари бир-икки қадам орқага ҳам чекинишди. Бу чекинишдан ғазаби қайнаган хон қаҳр билан ҳайқирди:

– Йигит пири, Шоҳимардон Али ҳақи, Парвардигорим, ўзинг қувват бер!!! Ҳа, йигитлар!!! Ур ғанимни!!!

Хоннинг ҳайқириғидан руҳланган навкарлар олдинга интилишди-да, бирдан ўзларини четга олдилар. Шу пайт Худоёрхон билан Маллахон бир-бирларига юзма-юз келишди. Қиличбозлик ҳолатида қиличларини чалиштириб, бир зумгина бир-бирларига қараганча қотиб қолишди.

– Акажон!!!

– Укажон!!!

Бу ҳолни кўрган Ўтаббой мингбоши қиличини боши узра айлантириб ҳайқирди:

– Оҳо-ҳо-о-о-ой!!! Хонзодаларга тегманглар!!! Ўзлари ҳал қилсинларо-охо-о-ой!!!

– Мингбоши тўғри айтаяпти...

– Четроқ туринглар!

– Давра олинглар!

– Ака-ука ўзлари ҳал қилишсин.

– Икковига Худонинг ўзи қози бўлсин.

Беш-ўнта жарчилар қўшин ичида у ёқдан-бу ёққа юриб, жангни тўхтатишга даъват қилиб, жар чақира бошлашди. Жанг қилавериб, терлаб-пишган, ҳориб, чарчаган иккала томон секинлик билан бўлса ҳам жангни тўхтатишди. Навкарлар бир зумда давра олишди. Ҳамма ҳансираган ҳолда бу қалтис ҳолат нима билан тугашини сабрсизлик билан кутишарди. Маллахон отини бир қадам тислантирди-да, қилич билан қарсиллатиб, Худоёрхонга зарба бера кетди. Худоёрхон акасининг зарбаларини яхшигина қайтариб, ўзи ҳужумга ўтди. Ҳал қилувчи зарбани бериш учун қулочкашлаб, қилич сермади. Хоннинг қиличи ҳеч қандай қаршиликка учрамай визиллаганча ҳавони кесиб, Маллахоннинг бўйнига учиб борарди. Маллахон қиличини пастга туширган, бошини ғоз тутганча кўзларини чирт юмиб олган эди. Охирги сонияда Худоёрхон қиличининг ёни билан акасининг елкасига қарсиллатиб урди. Маллахон кўзларини очди. Кўзларидан ёш думалаганча укасига қараб ҳайқирди:

– Бўйнимга ур, укажон, бўйнимга ур!!! Бу ғавғолардан ҳаммамиз ҳам қутуламиз. Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, деганлари ҳаққаст рост! Ур, укажон!!! Бир силташда калламни учириб юбор!!!

Худоёрхон ҳансираганча қиличини пастга туширди. Бир зум болалик даврлари кўз олдидан ўтди. Танаси бўшашиб, кўзлари ёшланди. Депсинаётган отини тинчитиб, акасига қараб деди:

– Э, йўқ, акажон, мен бу ишни қила олмайман. „Қиёматгача оғир юк бўлади“, деб, ойихоним айтганлар. Менинг ўрнимда сиз ҳам бу ишни қила олмаган бўлар эдингиз. Бу тақдир, акажон. Парвардигорим сизни хон бўлишга муносиб кўрибди. Олинг, тахт сизники, акажон.

Худоёрхон қиличини ерга ташлади. Қунжидан қамчини олди. От бошини буриши билан навкарлар икки томонга сурилиб, йўл очишди. Хон отига қамчи босди. Беклар, шаҳсуворларнинг қолганлари билан хон ортидан от қўйишди. Бу орада қўшинлар ўртасида жанг батамом тўхтаган эди. Иккала қўшин ҳам ўзларини ғолиб ҳис қилмай ўз қароргоҳлари томон отларини ўз ҳолига қўйганча лўкки юришда шошмасдан кетишди. Бир ҳафта давомида ўликларни ўша жойнинг ўзида дафн қилишди. Ўликларни „бу Худоёрхоннинг одами, бу Маллахоннинг одами“, деб ажратиб ўтиришмади. Аралашига юзтадан икки юзтадан қилиб теришди. Кейин жанозасини битта қилиб ўқишди-да, катта-катта чуқурларга дафн қилишди. Чалажон отларни суйиб олишди. Ўлган отлар чўлнинг қашқир, қузғунларига ем бўлди.

* * *

Қўқон... Худоёрхон билан Маллахон ўртасида даҳшатли жанг ўтган бўлса-да, шаҳар деярли тинч. Бозор, раста, чойхона, гузарларда одамлар гавжум. Хон жанг майдонидан тўғри саройга келиб тушди. Бир ҳафтача сафарга тайёргарлик кўрди. Бу орада хоннинг пири бўлмиш Соҳибзода Ҳазрат, шайхулислом ҳазратлари, қози, муфтий, беклардан Умарали понсод, Султонбек парвоначи, Баҳо-

дир шиғовуллар Маллахон билан музокаралар олиб бориш учун хон томондан вакил бўлиб боришди. Маллахон вакилларнинг ҳурматини жойига қўйиб, кутиб олди. Вакиллар шарафига берилган зиёфатда уларга қарата шундай деди:

– Ҳазратим, жаноблар, ҳеч қандай музокара бўлмайди. Жаноблари бизларга қандай шарт қўйишларидан қатъи назар ҳозирдан ҳаммасини сўзсиз қабул қиламиз. Яна такрор айтаман, қандай шартлар бўлишидан қатъи назар биз ҳаммасига розимиз.

Жангда қатнашган ҳамма беклар, навкарлар умумий афв этилди. Ҳеч ким ҳибсга олинмайди. Ҳеч ким қатл қилинмайди. Худоёрхоннинг ўзи, ёнидаги беклари ҳамда оила аъзолари, канизаклар хавфсизлиги кафолатланади. Ҳозирча сарой хизматидаги арконлар, шаҳар, қишлоқдаги беклар жой-жойларида қоладиган бўлди. Шуларга ўхшаш беш-ўнта муаммо, масалаларни иккала томон ҳам хурсандчилик билан ижобий ҳал қилишди. Худоёрхоннинг фармони билан бир ҳафта давомида сафарга тайёргарлик кўрилди. Малика ойимлар билан беш-ўнта канизаклар Бухорога кетадиган бўлишди. Қолган канизаклар Ҳокимойимнинг ҳузурига кириб, қўл қовуштиришди.

– Нима гап?

– Ойихоним, биз Бухорога бормаймизми?

– Шундай, сизлар саройда қоласизлар. Сизларга Сарви бош бўлади. Бу хоннинг фармони. Сарви-и... Қанисан?

– Лаббай, ойихоним, шу ердаман, – деди кайвони ичкарига кириб.

– Пошшо Бону билан шаҳзодани йўлга ҳозирладингми?

– Шундай, ойихоним, малика ойимнинг майда-чуйдаларини икки аравага жойлаштирдим. Битта аравада она-бола, канизаги билан боришади.

– Канизаги ким?

– Гулзода бегим.

– Чоркуҳ тумани ҳокимининг қизими?

– Шундай, ойихоним, айтгандай, мен ўзимнинг лашлушларимни битта тугунчага боғлаб, сизнинг аравангизга ортдим. Сиз билан бирга кетаман.

– Йўқ, Сарви, сен саройда қоласан. Мана бу гулларга боғбон бўласан. Сизлар жой-жойларингга боринглар. – Канизаклар саломхонадан чиқиб, кўздан ғойиб бўлгач, Ҳокимойим кайвонига қаради. – Ҳа, мунча, қовоқларинг осилиб кетди?

Сарви кайвони „ув" тортганча Ҳокимойимнинг этагига осилиб олди.

– Ойихоним, мен саройда қолмайман. Мен сиз билан кетаман.

– Жим, жим бўл... Бас, деяпман сенга! – Ҳокимойим кайвонига ўшқириб берди. Кайвонининг дами ичига тушиб, Ҳокимойимга мўлтираб қараб қолди. Ҳокимойим ҳазин товушда гапирди, – менга қара, Сарви, ёшлигимиздан овулда бирга катта бўлдик. Қарийб эллик йилдан бери биргамиз. Сенга шундай суяниб қолганманки, буни сўз билан изоҳлаб бўлмайди. Саройга келаётган хон мангит эмас, ўзинг катта қилган ўғлинг, Маллахон. Сен саройда қолмасанг бўлмайди. Ҳарамни сендан яхши бошқарадиган одам йўқ. Сен қолмасанг, ҳарам вайронага айланади. Сен шу ерда қолсанг, у ерда мен хотиржам юраман. Менинг хурсандлигимга қарасанг, саройда қоласан.

Кайвони бурнини тортганича сўзсиз бошини лиқиллатди...

Йўлга чиқишдан бир кун олдин Худоёрхон онасининг олдига, саломхонага ташриф буюрди. Сафарга боғлиқ айрим масалаларни ҳал қилиб бўлишгач, Ҳокимойим ўғлига қараб деди:

– Сизлар бораверинглар, ўғлим. Бу ерда озгина қиладиган ишим бор. Худо хоҳласа, бир-икки кундан кейин ўзимга қарашли канизаклар билан ортингиздан етиб бораман.

Ҳокимойимнинг бир гаплигини билган Худоёрхон сўзсиз бош ирғади.

– Маъқул. Сизни қаерда кутай, ойихоним?

– Қисақўзда. Енгил араваларимни ўзинг билан олакет. Биз отда борамиз.

Худоёрхон „маъқул“ дегандай бош ирғади. Эртаси куни саҳарлаб, беклар ҳамроҳлигида чоғроқ карвон билан беш юз навкар назоратида кишибилмас Хўжанд дарвозасидан чиқиб кетишди...

Ака-укалар ўртасида бўлиб ўтган жанг шаҳар, қишлоқларга аллақачон тарқалиб кетди. Маллахоннинг хон бўлганини ҳам ҳамма билиб бўлган. Халқнинг юрагида хотиржамлик йўқолиб, ўрнини бир оз хавотирлик эгаллаган. Одамлар гузар, расталарда очиқчасига бўлмаса ҳам хуфёнага ўхшаш гурунглашиб олишарди.

– Эшитдингизми?

– Нимани?

– Товба, ниманимиш? Маллахоннинг хон бўлганинида?

– Ҳа-а... Уними? – У ёқ-бу ёққа қараб олиб: – Шунақа дейишяпти.

– Нима деб ўйлайсиз? Маллахондан яхши хон чиқармикин?

– Худо билади.

– Нима бўлса ҳам ишқилиб, яхши хон чиқсин.

– Шундай, яхши хон бўлсин.

Одамлар янгидан-янги хабарларни эшитиш учун Чорсудаги Охуннинг чойхонасига боришарди. Шаҳарнинг чойхоналари мижозларнинг кўплиги борасида Охуннинг чойхонасига ҳавас қилишарди, ҳасад ҳам қилишарди. Бугун ҳам Охуннинг чойхонасида одам гавжум. Бўш сури йўқ. Чойхўрлар чойхоначининг жанг ҳақидаги гапларини астойдил берилиб тинглашарди. Охуннинг ўзи жангда қатнашгандай қўл ҳаракатлари билан ўта ишончли қилиб, ҳикоя қиларди.

– Худоёрхон ҳазратлари қўшиннинг бошида Рустами достондай от қўйиб бордилар. Кейин Абомуслими соҳибқирондай душман қўшинини шундай қирдиларки, қон дарё бўлиб, ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлди. Навкарлар сой сувини кечиб ўтгандай шарқираб оқа-

ётган қонларни кечиб ўтишди. Кейин ўликлардан ҳосил бўлган тепаликларни айланиб ўтишди, – Охун гапидан тўхтаб, чойхўрларга кўз югуртириб чиқди. Илон олдида сеҳрланиб қолган қуёнлардай ҳаммалари Охунга тикилиб қолишган. Охун мамнун ишшайганча яна гулдурос гапини давом қиларди. – Анча қирғиндан кейин хон ҳазратлари отларига дам бермоқчи бўлиб, бир фурсат тўхтадилар. Шу пайт дунгликнинг орқасидан Маллахон жанобларининг юзта мерганлари отилиб чиқишди-да, хон ҳазратларига ўн қадам қолганда тўхташди. Милтиқларидан мўлжаллаб, бараварига гумбурлатиб ўқ узишди.

– Э, вой-ей...

– Ё, алҳазар!..

– Хон ҳазратлари шаҳид бўлдиларми?

– Қолу инно лиллоҳи...

Охун қовоғини уйиб, кўзларини чақчайтирганча чойхўрларнинг хитобларига парво қилмай кўпириб, тошириб, гапини давом қилди.

– Ер-осмонни милтиқ дорисининг тутуни қоплаб кетди. Бир чақирим жойгача ҳеч нарса кўринмай қолди.

– Субҳонолло...

– Парвардигор, тутундан ўзинг асра...

– Кейин нима бўлди денг!

– Нима бўлди, Охун?

– Тутун тарқалди.

– Э, ўл-е... Охун, тутунинг қурсин. Хон ҳазратлари нима бўлдилар? Шундан гапирмайсанми, аблаҳ.

– Хон ҳазратларими? Шу десангиз хон ҳазратлари от устида Ҳазрат Алидай қиличларини ўйнатиб турдилар.

– Ия-а-а-а...

– Ё, товба!!

– Ана шунақа, биродарлар. Ўн қадамдан отилган юзта милтиқдан бирортаси ҳам хон ҳазратларига тегмади.

– Ё, қудратингдан!..

Одамлар анграйганча бир-бирлари билан кўз уришгириб олишди. Сўрида ўтирганлардан бири гарангсираб сўради:

– Охун ака, ўн қадамдан наҳотки битта ҳам ўқ тегмаган бўлса?

– Ҳў-ўй... Сан, ўзи қайси қишлоқдан келгансан?

– Кекирдак қишлоғидан келганман, Охун ака.

– Кекирдакдан келиб, нимага бу ерда кекирдагингни чўзасан, а? Парвардигорим „асрайман", деса, ўн қадам эмас, ўн қаричдан ҳам асрайди. Ҳаммаси Худойимнинг қўлида. Тўғрими, биродарлар?

– Тўғри, Охун ака, тўғри.

– Ҳой, „гапинг тўғри" деб турибсан. Қолганини эшитайлик.

– Тўғри, тўғри, Охун ака, кейин нима бўлди?

– Кейин шу десангиз, хон ҳазратлари, „ё, Али!" деб отларига қамчи босдилар. Ҳазратимнинг отлари мисоли Дулдулдай бир дунгнинг устидан иккинчи дунгнинг устига сакраб ўтди.

– Ола-а-а!.. – деди шаҳарлик чойхурлардан бири суридагилар билан кўз уриштириб олиб. – Ҳали бизнинг Қуқондан Дулдул чиққани йўқ, буйидан акаси!

– Улай агар, гапларим ҳаққаст рост. Ишонмасаларинг, девонаи Баҳоваддин пиримга қасам ичаман. Улай агар.

– Ўлмай ўл-е, Охун, ўтирганларнинг ҳаммасини девона қилиб бўлдинг, хумпар!

Шу пайт Чорсу майдонида югур-югур бўлиб қолди. Одамлар бир-бирларига „келишяпти, келишяпти", деб дарвоза томонни кўрсатишарди. Бирдан Қашқар дарвозаси томондан ноғораларнинг гумбура-гумбур чалиниши эшитилди. Орқасидан карнай, сурнайлар ҳам жўр бўлишди. Одамларнинг этлари жимирлашиб кетди. Ҳамма шоҳкўча томон шоша-пиша юриб кетишди. Ҳатто раста, дукондагилар ҳам жойларидан чиқиб, йўл четида туришди. Ҳамма ҳаяжонда.

– Нима гап ўзи, биродар?

– Янги хон шу кучадан саройга ўтармиш.

– Ия, Маллахонми? Ростданми?

– Шунақа дейишяпти.

– Худоёрхон саройдан кетдими?

– Кетган бўлса керак. Бир қозонда икки қўчқорнинг боши қайнамайди дегандай ҳеч вақт бир саройда икки хон бўлмайди-да.

– Шундай, шундай...

Биринчи бўлиб шаҳсуворларнинг бир қисми „пўшт-пўшт“лаб ўтиб кетди. Ниҳоят, башанг кийинган безатилган отда Маллахон кўринди. Унинг ортидан кўпчилиги халққа нотаниш бўлган бийлар келишарди. Одамлар от устида гердайганча ишшайиб келаётган қирғиз, қипчоқ бийларига хавотирланиб қарашди.

– Э, Худо, хоннинг атрофидаги бекларнинг қарийб ҳаммаси қирғиз, қипчоқлар-ку!

– Турқи тароватига қара, бирортасини ҳам „бек“ деб бўлмайди-я.

– Тўғри саҳродан келганлиги шундоққина кўриниб турибди.

– Ҳаммаси қароқчининг ўзгинаси.

– Шу аҳвол билан давлат ишини қандай қилиб бошқариб боришар экан?

– Айтманг. Арзимизни эшитадиган бекларга ўхшамайди булар.

– Ишқилиб, Маллахон яхши хон бўлсин.

– Айтганингиз келсин.

Шу пайт бекларнинг бири узангига тиралганча гавдасини кўтариб, ҳайқириб юборди:

– Давр, даври Маллахоноҳо-ҳо-о-о-о-ой!!!

Шоҳкўчанинг икки томонида турган халқ ҳайқириқни илиб кетди.

– Давр, даври Маллахоноҳо-ҳо-о-о-о-ой!!!

– Маллахон юз йил хон бўлси-и-ин!!!

– Ёмон кўзлардан асраси-и-ин!!!

– Хуш келибдила-а-а-а-ар!!!

– Сафо келибдила-а-а-а-ар!!!

Халқ олқишига жавобан Маллахон дам унга, дам сўлга расмиятчилик юзасидан бош қимирлатиб борарди. Уни жуда ҳам хурсанд деб бўлмасди. От устида аранг

ўтирарди. Қарийб икки ой вақт ичидаги зўраки ташвишлар, тайёргарликлар, жанглар, музокаралар уни ҳам руҳан, ҳам жисман жуда чарчатиб қўйганди. Тезроқ саройга етиб борса-ю, ҳужралардан бирига кириб, таппа ташласа. Бир ҳафта тўйиб ухласа. Шоҳкўчадан сарой томон бурилди. Навкарлар, шаҳсуворлар отларидан тушиб, сарой дарвозаси томон таъзимда туришганини кўриб, ажабланди. Ҳатто ўтган-кетганлар ҳам таъзимда туришарди. Сарой ташқи ҳовли дарвозасидан ўн-ўн бешта канизаклар олдида бошини ғоз тутган ҳолда виқор билан Ҳокимойим отлиқ келарди. „Ойихоним, ойихонгинам!..“ Маллахоннинг юраги гумуриб кетди. Отидан сакраб тушар экан негадир хўрлиги келиб, кўзларидан ёш думалади. Орқасидаги беклар, навкарлар шоша-пиша отларидан тушиб, мажбуран таъзимда туришди. Маллахон югуриб келиб, Ҳокимойимнинг узанги аралаш этигига пешонасини қўйиб, тавоф қилди.

– Ойихоним!!!

– Жоним, ўғлим! – Ҳокимойим сал энгашган ҳолда ўғлининг бўйин аралаш елкасини силади. – Икки кундан бери сени кутаман. Худойимга шукур, юз кўришдик. Икковингни соғ-саломат кўрганимга минг марта шукур.

– Ойихоним, қаёққа кетяпсиз? Мен ҳам ўғлингиз-ку... Саройда қолинг, ойихоним.

– Сени кўрдим, сендан кўнглим тўқ, ўғлим. Укангнинг олдида бўлмасам, бўлмайди. Ахир мусофир юрт. Ўзинг биласан-ку. Яхши қол, ўғлим, Худо сенга ёр бўлсин. Яна кўришамизми, йўқми, Худо билади. Ўғлим, ҳар эҳтимолга қарши мендан рози бўл. Мен ҳам сендан мингдан-минг розиман. Тупроқ олсанг, олтин бўлсин. Хайр, энди.

– Ойихоним, ахир йўлларда қийналасиз...

– Йўл азобидан қўрқмайман, ўғлим. Қишдан ёзга, ёздан қишга овуллар билан кўчавериб, меҳнатга, йўл азобига кўникиб қолганман. Ахир ўзинг яхши биласан-ку, ўғлим. Эсингда бўлса, ҳаммамиз бирга кўчардик. Мендан кўнглинг тўқ бўлсин. Айтгандай, „тахт талашдим“, деб юрагингни ғашлаб юрма. Бу тақдир. Ҳамма хонлар-

нинг ҳам ҳаётида бўлиб турадиган табиий ҳол. Адолат билан иш қил, ўғлим. Ўтаббойни, Нормуҳаммадни дунё кўрган уч-тўртта бекларни ёнингга ол. Бирор-бир масалада қийналсанг, Умарали, Баҳодирбек, Султонбеклардан маслаҳат сўра. Энди яхши қол.

Ҳокимойим отини ниқтади.

– Яхши боринг, ойихоним, – деди Маллахон хириллаган товуш билан.

Маллахон отларнинг ортидан беш-ўн қадам ташлади. Шоҳкўчага бурилишда Ҳокимойим ўғли томон бурилиб қаради. Кўчанинг икки чеккасида беклар, навкарлар отларининг жиловидан ушлаб туришар, кўчанинг ўртасида Маллахоннинг бир ўзи мунғайиб турарди. Ҳокимойим оналик меҳри билан ўғлини охирги марта кураётганини ҳис қилди. „Шўрлик болам, атрофидаги бекларнинг ҳаммаси овуллардан келган шекилли. Бирортаси ҳам сарой кўрмаган. Бу саҳроликлар давлат ишларини қандай олиб боришар экан? Боламга қийин бўлади. Ҳали ҳамма қийинчиликлари олдинда. Бунча ҳам пешонанг шўр бўлмаса, ўғлим“, лаблари титраб, кўзларида ёш айланди. Кўз ёшини канизаклар кўрмасликлари учун қамчи босиб, отини йўрттириб кетди.

* * *

Худоёрхон кичкина карвон билан Бешариқ, Конибодомда бир кечадан қўниб, учинчи куни пешинга яқин Маҳрамга яқинлашиб қолди. Ҳокимойимнинг канизаклари билан етиб олишлари учун атайлаб секин юрарди. Юзта навкар илғорда, карвоннинг ҳар бир тарафида юзтадан навкар, карвон охирида икки юзта навкар борарди. Элликтачатуягаюкларортилган,юзданортиқюкаравалар, йигирматача усти ёпилган енгил аравада малика ойимлар, шаҳзодалар, хонзодалар, канизаклар боришарди. Олтиной ҳам боласи, канизаклари билан шу енгил аравада. Арава ёнида Султонмуродбек билан Қилич отларини йўрттириб боришарди. Ҳар замонда Султонмуродбек опасининг рухсати билан жияни Саидакрамхонни

отда бир оз айлантириб келарди. Фақат Ҳокимойимга қарашли енгил аравалар бўш. Худоёрхон карвон олдида беклар билан бораркан, Исфара томонда кўриниб турган ҳайбатли тоғларга маъносиз назар ташлаб, ўйга ботди. „Ойихоним „икки кундан кейин йўлга чиқаман", деган эдилар. Демак, кеча йўлга чиққан бўлишлари керак. „Ишим бор", дедилар. Маллахондан бошқа нима ишлари бўлиши мумкин? Худди мен билмайдигандай. Шунинг учун ҳам „қанақа иш? Нимага? Нима учун?" деган саволларга тутмадим. Маллахон ойихонимни саройда олиб қолса-я? Э, йўқ. Маллахон минг ялингани билан ойихоним саройда қолмайдилар. Ўғиллари билан хайрлашадилар холос. Рози-ризочилик сўрашлари ҳам мумкин. Бундан ортиқ эмас. Агар кеча йўлга чиққан бўлсалар, бир кеча Конибодомда қўниб, бугун Қисакўзга етиб келсалар ажаб эмас. Йўқ, ойихонимнинг ёшларида Қўқондан Қисакўзгача икки кунда етиб бўлмайди. Чарчаб қоладилар. Тўрт кунда, йўқ, бир ҳафтада келсалар ҳам майли. Қанча керак бўлса, шунча кутаман. Бугунми, эртами, барибир Қисакўзга..." Хоннинг хаёлини Саидбек бузди.

– Хон ҳазратлари, – узоқдан аранг кўзга ташланган Маҳрам қалъаси томон боши билан ишора қилиб. – Маҳрамда қунамизми?

– Йўқ, Саид, Маҳрамда фақат овқатланиб, бир оз дам олиш учунгина тўхтаймиз. Бугун жадаллаб бўлса ҳам олдин Қароқчиқумга, кейин Қисакўзга етиб олишимиз керак. Неччи кун бўлса ҳам ўша ерда қунамиз. Ойихоним „Қисакўзда кут", деганлар, – Худоёрхон от жиловини тортиб, секинлади. – Ие, Саид, бу келаётганлар ким бўлди яна?

– Отлиқларнинг иккитаси илғорлардан. Қолган олтитасини танимадим.

– Шунақа дегин? Мен буларнинг биттасини танигандайман. Адашмасам, олдинда келаётган жаноб Бузрукхон туранинг худди ўзлари бўладилар. Тўрт йилларча олдин Ўратепага бек қилиб тайинлаш учун Рустамбекни бизга тавсия қилганлар, – деб ўгирилди-да, мулозимини чақирди:

– Давлатбой! Шу ердамисан. Айт, карвонни тўхтатмасдан Маҳрамга қараб юришсин. Қалъа олдидаги карвонсаройга қўнишсин. Овқат қилиб, бизни кутишсин.

– Хўп бўлади, хон ҳазратлари.

Бу орада отлиқлар яқинлашиб келишди-да, отларидан тушиб, хонга таъзим адо қилишди. Кейин ҳаммалари қўл қовуштириб ерга тикилиб туришди. Сарой тартиб, удумларига биноан расмий ҳолатда хондан изн бўлмагунча ҳеч ким гапира олмас эди. Хондан изн олиб бериб, гапни гапга улайдиган ҳудайчи бу ерда йўқ. Худоёрхон қўл қовуштириб турганларга бирров кўз югуртириб чиқди. „Туранинг аҳволига қараганда кайфияти йўқ. Нима бўлдийикин? Ўратепадан Қўқонга қараб бекордан-бекорга от қўймаса керак? Майли, ўзидан сўраб кўрамиз. Ниҳоят, ноқулай жимликни биринчи бўлиб Худоёрхоннинг ўзи бузди.

– Адашмасам, жаноблариниг исми шарифлари Бузрукхон тўра эди, шундайми?

– Орий рост, хон ҳазратлари.

– Арзингизни айтинг, қулоғим сизда.

Бузрукхон тўра гапни нимадан бошлашини билмай бир оз тараддудланиб қолди. Кейин бир қарорга келди шекилли, бошини кўтариб, ҳаяжонланганча гапира бошлади.

– Олампаноҳ, каминанинг бир қошиқ қонидан кечсинлар. Ҳазратларига мудҳиш хабар келтирдим.

– Мудҳиш хабар? Ҳа-ҳа-ҳа, – Худоёрхон эгар қошини ушлаганча ўзини орқага ташлаб, кулиб юборди. – Мен учун яна қандай мудҳиш хабар бўлиши мумкин тақсир? Бемалол гапираверсинлар!

– Бухоро амири Насруллохон Ўратепани босиб олди.

– Амир Насруллохон?! – сергакланиб сўради Худоёрхон.

– Шундай, хон ҳазратлари. Бир ҳафта олдин амир ҳазратлари катта қўшин билан келиб, Ўратепани муҳосара қилдилар. Жанг-жадал билан шаҳарни қўлга олдилар. Ўтган куни амир ҳазратларининг фармонлари билан ик-

кита жаллод Ўратепа беги Рустамбек жанобларини Муғ қалъасида кундага қўйиб, бошларини танларидан жудо қилишди.

– Ё, Парвардигор! Рустамбек қатл қилиндими?

– Шундай, хон ҳазратлари, Рустамбек қатл қилинди. Бир пайтлар бизнинг тавсиямиз билан ҳазратлари ул жанобга Ўратепа беклиги лавозимини топширувдилар. Лекин уч-тўртта кўрнамак бекларнинг гапларига учиб, мутобаатдан мухолифатга ўтди. Ҳазратларига шаккоклик қилди. Камина ўша заҳоти мушовирликдан истеъфога чиқиб, давлат ишларига аралашмай қўйдим. Рустамбек ҳам валлоҳуаълам, ўз жазосини олди. Лекин гап бунда эмас, хон ҳазратлари. Амир Насруллохон Ўратепани тамоман ишғол қилиб бўлгандан кейин аввал Хўжандга, кейин Қўқонга қўшин тортиб келмоқчилар.

– Ўҳ-ҳў, – Худоёрхоннинг кўзлари чақнаб, қовоқлари уйилди. – Маълумот аниқми?

– Маълумот аниқ, хон ҳазратлари. Уч-тўртта бухоролик бекка хизмат қилган чойхоначи бу хабарни менга хуфя етказди. Қатл куни йўлга чиққан пайтимизда қўшиннинг олди йўлга тайёргарлик кўраётган эди.

Худоёрхон пешонасини тириштирганча ўйланиб қолди. „Э, Худойим, мана буни дард устига чипқон деса бўлади. Шаҳар, қишлоқларни талаб келаётган амир қўшинидан оиламни муҳофаза қилишим керак. Амирга чопар юборсаммикин? Шундай қиламан. Қўшин кеча йўлга отланишган бўлса, ҳозир Қўрғонча ёки Уясга етиб қолгандир. Балки ўтиб ҳам кетгандир. Бу ҳақда Хўжандга хабар етган бўлиши керак. Айғоқчилар етказгани аниқ, лекин Қўқонга-чи? Эҳ, ҳали Маллахоннинг Ўратепада ҳам, бошқа жойларда ҳам айғоқчилари йўқ. Бу хабарни унга қандай қилиб бўлса ҳам етказиш керак. Наилож, туранинг ўзлари бориб айтадилар“. Бир тин олиб, Бузрукхон тўрадан сўради:

– Биз ҳақимизда эшитгандирсиз?

– Шундай, хон ҳазратлари, лекин бизнинг бир нарсага ишончимиз комил. Худо хоҳласа, сув оққан сойдан яна сув оқади.

– Шунақа денг? – Худоёрхон хорғин жилмайди. – Ёнингиздаги йигитлар ким? Ишончли йигитларми?

– Бундан ишончлиси бўлмайди, хон ҳазратлари. Булар Қорасоқол Ўроқли уруғидан. Бизларга мурид бўлишади.

– Яхши, – Худоёрхон илғордан келган икки навкарга деди. – Сизлар ўз дастангизга боринг, – Бузрукхон тўрага қараб, – сизлар бундай қиласизлар. Отлар совумай туриб аввал Конибодомга от қўясизлар, бир оз нафасни ростлаб, кейин Қўқонга... – Азимбекнинг томоқ қиришидан Худоёрхон гапини тўхтатиб, унга қаради. – Нима гап?

– Хон ҳазратлари, тўрттаси биз томон от қўйиб келяпти. Иккитаси илғорлардан.

Худоёрхон Азимбек кўрсатган томон тикилиб қаради.

– Булар ким бўлди яна? – отлиқлар яқинлашган сайин Худоёрхоннинг чеҳраси очила бошлади. – Бу азаматларнинг иккитаси бизга қарашли.

Отлиқлар отларидан тушиб, таъзим адо қилишгач, хон сабрсизлик билан сўради:

– Хўш?

– Хон ҳазратлари, Бухоро амири Ўратепа шаҳрини...

– Бундан хабарим бор, – айғоқчининг гапини бўлди Худоёрхон. – Амирнинг қўшини ҳозир қаерда?

– Хўжандга қўшин тортиб келаётган эди. Лекин Нов қалъасига етмасдан шартта бурилиб қайтиб кетишди.

– Ўҳ... Қайтиб кетишди, дейсанми? Аниқми?

– Аниқ, хон ҳазратлари, қўшин қанотида юрадиган савдогарлар билан гаплашдик. Бухородан чопар келибди. Туркманлар Шофиркон билан Ғиждувон қалъаларини қамал қилиб, талашибди. Шу сабабли амирнинг қўшини шошилинч равишда Бухорога қараб йўл олишди.

Худоёрхон енгил тортди. „Уф-ф, хайрият, Худога шукур. Хўжанд ҳам, атрофидаги қишлоқлар ҳам қамалдан, таловдан қутулди. Амир менинг тахтдан кетганимни эшитган бўлса керак. Албатта эшитган. Амирнинг айғоқчилари ўша замоннинг ўзидаёқ етказишган. Амир айёр. Ўта айёр. Қулай пайтдан фойдаланмоқчи бўлган.

Ака-укалар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, иккала томон ҳам чарчаганини билган. Иккимиздан биримизга ёрдам бериш баҳонасида қўшин тортган. Хўжанд, Қўқон, йўл бўйи шаҳарлар атрофдаги қишлоқ, овуллар қўшин учун яхшигина ўлжа. Оббо айёр-ей. Яхшиям, туркманлар ҳужум қилган, йўқса... Ў-ўҳ, бу ёғини ўйлашнинг ўзи даҳшат. Худога шукур, ҳаммаси яхшилик билан тугади". Худоёрхон айғоқчиларга қараб деди:

– Яхши хабар келтирдингиз, йигитлар, жуда яхши хабар. Бизни беҳад хурсанд қилдингиз. Сен бирор нарса демоқчимисан?

– Шундай, хон ҳазратлари, хабарни бир оз кечикиброқ олиб келдик. Муҳосара пайтида қалъадан чиқишнинг иложи бўлмади. Қалъа қўлга олингандан кейин савдогарларга қўшилиб, аранг чиқиб олдик.

– Ҳечқиси йўқ. Бир ҳисобга кеч бўлгани ҳам яхши бўлди. Сизларнинг хизматингиздан хурсандмиз, – ўгирилиб, қулини чақирди. – Давлатбой, йигитларга шароитни тушунтир, биздан фармон кутишсин. Кейин хурсанд қилиб, кузатиб юбор.

– Хўп бўлади, хон ҳазратлари.

Айғоқчиларнинг келтирган хабаридан кайфияти кўтарилган Худоёрхон Бузрукхон тўрага табассум билан қараб деди:

– Муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлди-қўйди, жаноблар. Сизларнинг Конибодомга, Қўқонга боришингизга ҳожат қолмади. Энди биз билан борасизлар, ҳеч қандай узр қабул қилинмайди. Маҳрам қалъасида бизни тансиқ таом кутаётир. Бир пиёла чой устида суҳбатни давом қиламиз. Энди отга миниб, менинг ортимдан марҳамат қилинглар.

Худоёрхон Бузрукхон тўранинг отга минишини кутиб турди-да, кейин от бошини Маҳрам қалъаси томон буриб, қамчи босди.

V БОБ

Верний қалъаси... Император Николай I фармонига биноан бундан тўрт йилларча олдин, аниқроғи, 1854 йилнинг февраль ойида ҳарбий мутахассисларнинг маслаҳати билан қурувчи батальон аскарлари Олмаота овули яқинида кичик Олмати дарёси қирғоғи бўйлаб қалъа қурилишини бошлаб юборишди. Қарийб икки йил давомида қалъани қуриб битказишди. Атрофдаги катта-кичик дарёлар Или дарёси билан бирлашиб, Балхаш кўлига қуйилади. Беш бурчакдан иборат бўлган қалъа деворлари узун-узун ёғоч тўсинлардан қурилган бўлиб, беш бурчагида соқчи аскарлар турадиган жойлар шинаклари билан хом ғиштдан терилган. Қалъа ҳарбийларга топширилиши билан Дон, Кубань, Ғарбий Сибирь губерниясидан казаклар, руслар, татарлар, бошқирдлар кўчиб кела бошлади. Қалъада катта-кичик иккита станица, татарлар, бошқирдлар маҳалласи, беш-олти минг аскар учун казармалар, ўқ-дори, озиқ-овқатлар учун омборлар, отлар ва уй ҳайвонлари учун ёзги, қишки қўриқхоналар, штаб, офицерлар уйи, аскарлар, казаклар ҳарбий машқлари учун бир неча машқ майдончалар мавжуд. Қалъанинг марказий дарвоза олди майдонидан йўлга чиқаверишда навбатчи офицерлар учун оқ-қорага бўялган, будка сал нарироқда шлагбаум қўйилган. Шлагбаум олдида ҳамма вақт иккита соқчи аскарлар навбатчилик қилишади. Қалъада ҳар кунги ҳарбий режа бўйича ҳамма ўз иши билан банд. Аскарлар саф тортиб юриш машқини қилишар, казаклар от уйнатиб, қиличбозлик санъатини кўрсатишарди. Бир взвод аскар муйловдор старшинанинг назорати остида узун стол устида милтиқларини бўлак-бўлакка бўлиб, артиб, ёғлаб, яна қайтадан йиғишарди. Наряддаги иккита аскар штаб олди йўлакларни дастаси узун супургилар билан супуришарди. Ёши каттароқ аскар ён томонга бир қараб олиб, шеригига деди:

– Микола, чап томон йўлакни супурайлик, охирроғига бориб, бир мохорка тутатиб, маза қиламиз. Кўздан панароқ.

– Яхши.

Ўн дақиқалардан кейин бири газетага ўралган, иккинчиси мундуштуқда ҳузур қилиб, тамаки чекишарди. Штабга бирин-кетин келаётган офицерларни панароқда индамасдан кузатиб туришди-да, кейин Микола шеригига деди:

– Кеча фельдегер келиб, кетгандан бери офицерлар оёғи куйган товуқдай югургилашиб қолишди, сездингми?

– Кечанинг ўзидаёқ сезганман. Фельдегер билан фуқароча кийинган бир жаноб ҳам келди. Уни бир кўришда танидим. Ўзига бино қўйганлардан. Ҳатто генералнинг ўзи унга пешвоз чиқди.

– Ким экан у ўзи?

– Исмини билмайман, лекин икки йилларча олдин қозоқ, қирғиз бийлари билан аллақандай шартномалар тузиб юрди. Кейин бирдан йўқ бўлиб қолди. Кеча яна пайдо бўлиб қолди. Мана кўрасан, эрта-индин бир нарса бошланади.

– Нима бошланади?

– Нима бўларди, ҳарбий походга чиқиб, басурманларнинг бирор-бир шаҳар ёки қалъасини қамал қиламиз, кейин қўлга оламиз, вассалом.

– Қалъада зерикиб ўтиргандан кўра ҳарбий походга чиққанимиз яхши-да, нима дединг? Гапим тўғрими?

– Албатта, тўғри. Походга чиққанимиз минг марта яхши. Бу ерда ҳар куни деярли бир хил. Ҳарбий машқ, наряд, кросс югуриш... Такрорланаверади. Меъдаларимга тегиб кетди. Ҳарбий походда эса бошқа гап. Нотаниш жойларни кўрасан. Омадинг келиб қолса, ўлжага эга бўласан. Қаҳрамонлик кўрсатсанг, медаль ёки орден олишинг ҳеч гап эмас.

– Гапинг тўғри, гап омадда. Омадинг келса, ўлжа ҳам оласан, орден билан...

– Жим! Жим бўл, деяпман сенга, жин ургур, – Миколанинг гапини шартта бўлиб, ўзини дарахт панасига олди. – Генерал билан кимдир келяпти. Штабга кириб кетгунча нафасингни чиқарма. Ие, ёнидаги анови одамку, фельдегер билан бирга келган... Худди ўзгинаси.

– Генералнинг ўзи кузатиб келаётган бўлса, демак, катта одамга ўхшайди.

– Шунақа шекилли. Ниманидир кутариб олган.

– Портфель-ку.

– Қўлтиғидагини айтаяпман, тентак.

– Ҳа, уми, карнай қилиб ўралган катта қоғозга ўхшайди.

– Бўлди, жим бўл энди. Бошингни чиқарма.

Генерал билан алланималарни гаплашиб келаётган одам Карпин эди. Икковлари олдинма-кетин бўлиб штабга киришлари билан навбатчи офицер „смирно" ҳолатида бор товуши билан қичқирди:

– Жаноб офицерла-ар!.. Смирно!!!

Йўлакда, қабулхона олдида турган ўн беш-йигирма чоғли офицерлар гавдаларини ғоз тортганча қотиб туришди.

– Вольно, жаноблар, вольно! – генерал честь бериб, адъютант чаққонлик билан очган эшикдан кенг кабинетига кирди. – Марҳамат қилинглар, жаноблар. Дмитрий Максимович, сиз мана бу ёққа, менинг ёнимдаги курсига марҳамат қилинг.

– Ташаккур.

– Айтилганлардан ҳамма келдими? Ҳамма жойлашдими? Яхши. Диққат, жаноблар! Дмитрий Максимовични қарийб ҳаммаларингиз яхши биласизлар. Янги келганлар учун таништираман. Полковник Карпин Дмитрий Максимович. Граф Орлов қўл остидаги империя хавфсизлиги III бўлимида хизмат қилиб келяптилар. 1853 йилдан ҳозиргача Ғарбий Сибирь губерниясида III бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қиляптилар. Жаноблар, Дмитрий Максимович бизга император олий ҳазратларининг фармонларини олиб келдилар. Фармон эмас, хушхабар деса ҳам бўлади. Яхшиси, сўзни ўзларига берсак. Бошқа таклифлар йўқми? Миннатдорман. Марҳамат, Дмитрий Максимович, сўз сизга.

– Ташаккур.

Генерал ўз креслосига ўтириши билан Карпин ўр-

нидан турди. Бири лоқайд, бири уйқусираб ҳомуза тортган, яна бири „бу Орловнинг лайчаси яна қандай фитна бошлар экан?“ дегандай нописандлик билан қараб ўтирган офицерларга бирров кўз югуртириб чиқди. Бирорта юзи жиддий одамни кўрмагач, кулимсираб қўйди. „Эҳа-а, жаноб офицерлар, икки-уч йилдан берига тамоман нордонлашиб, зерикиб қолибсизлар-ку. Ҳечқиси йўқ. Мен сизларни шундай ишлар билан таъминлаб ташлайки, бош қашишга қўл тегмай қолсин“. Карпин стол устида турган чарм портфелини очиб ҳам ўтирмади. Ҳеч қандай қоғозга қарамасдан равон, жонли тарзда гапира бошлади:

– Жаноб офицерлар! Мен сизларнинг Вақтларингизни кўп олмоқчи эмасман. Сизлар бажарадиган ишларни лўнда қилиб, тушунтириб қўяқоламан, вассалом. Аввало, губернатор Гасфорд жаноблари сиз жаноб офицерларга саломларини етказиб қўйишимни илтимос қилдилар.

– Саломат бўлсинлар! – ҳамма учун жавоб берди генерал.

– Жаноблар, ҳаммаларингизга маълумки, Россия империяси уч йил олдин урушдан чиқди. Урушдан қай ҳолатда чиққанимиз ҳам маълум. Ғалаба ҳам, тўла мағлубият бўлмади. Урушдан кейинги музокаралар бизнинг фойдамизга ҳал бўлди деб бўлмайди. Қримни бутунлай қайтариб олган бўлсак ҳам ҳарбий флотимиз Қора денгизда сузиш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Дунайда ҳам шу аҳвол. Бессарабия билан Валахияни бой бериб қўйдик. Лекин урушнинг биз учун фойда томонлари ҳам бўлди. Флот, қурол-яроғ, ҳужум тактикаларидан катта тажриба орттирдик. Бу келажак учун ниҳоятда керак. Уруш тугаганига уч йил бўлди, Шу йиллар ичида анча ўзимизга келиб қолдик. Анча-мунча ишларни ҳам қилиб қўйдик. Ҳозир айни долзарб масала Россия империяси учун, яъни бизлар учун Туркистон пахтаси ниҳоятда зарур. Шавкатли армиямизга минг-минглаб мундирлар керак. Россия халқи учун ҳам кийим-кечак дегандай. Шунинг учун ҳам биринчи ўринда пахта зарур. Ундан ташқари

ширин-шакар боғ, полиз меваларини айтмайсизми? Хулласи калом, бизга Қўқон хонлигининг ерлари керак. Ахир икки-уч йил ичида бу ерларнинг меваларидан татиб кўргандирсиз? – Карпин ишшайиб, генералга кўз қирини ташлаб қўйди.

– Шундай, Дмитрий Максимович, – генерал Карпиннинг гапларини қувватлаб, – қозоқ, қирғизлар ошхонамизни мунтазам равишда таъминлаб туришади. Ҳақиқатан ҳам жуда мазали. Узумларини айтмайсизми? Кавказ узумларидан минг марта яхши.

Кавказда бўлган офицерлар генералнинг гапларини бош ирғаб, маъқуллашди. Офицерларнинг жонланиб қолишганини кўриб, Карпин бир томоқ қириб олди-да, кўтаринки руҳда гапини давом этди.

– Жаноблар, Петербург, Оренбург, Омск шаҳарларида ҳарбий мутахассислар иштирокида баҳамжиҳатлик билан ажойиб лойиҳа, режалар тузилди. Бу лойиҳани биринчи бўлиб беш-олти йил олдин марҳум граф Василий Алексеевич Перовский жаноблари бошлаган эдилар.

– Биби Марям... – Перовскийнинг номини эшитиб, генерал жойида бир қалқиб, ўрнидан туриб кетди. – Наҳотки Василий Алексеевич вафот этган бўлса?

– Шундай, жаноб олийлари, – жавоб берди Карпин қаддини ғоз тутиб. – Ўтган йили Қримда, Алупкада вафот этди.

– Қандай инсон эди-я, – деди генерал ҳаяжон билан. Кейин офицерларга қараб, оҳиста деди: – Жаноблар, граф Перовский жаноблари хотираси учун бир дақиқа сукут сақлаймиз.

Офицерлар қарийб бараварига ўринларидан туриб, қадларини ғоз тутганча бир дақиқа қотиб туришди.

– Ўтиринглар, жаноблар, – генерал ўрнига ўтирар экан Карпинга қараб деди:

– Давом эттиринг, Дмитрий Максимович.

– Ташаккур, – Карпин ўралган харитани қўлига олиб, генералга қаради, – ижозатингиз билан, жаноби олийлари.

– Марҳамат, марҳамат, Дмитрий Максимович... Йигитлар, марҳамат қилиб, ёрдамлашиб юборинглар.

Офицерлардан бири ўрнидан туриб, Карпиннинг қўлидан харитани олди-да, стол устида ёйди. Қўплашиб текислашди. Тўрт чеккасига дала сумка, портфелларни бостириб қўйишди. Ҳаммалари харитага қизиқиб қараб, ўринларидан туриб кетишди.

– Ўҳ-ҳў-ў... Мана буни харита деса бўлади.

– Бизнинг қалъамиз ҳам бор экан, мана.

– Овулларни кўринг...

– Эҳ-ҳа-а, мана бу чеккасида Оренбург ҳам бор.

– Туркистон давлатлари ҳам бор экан. Мана Бухоро, мана бу...

– Тинчланинглар, жаноблар, тинчланинглар. Тартиб сақлансин. Харита унг бўлиши учун ҳамма бу томонга ўтсин. Ана шундай, Дмитрий Максимовичга жой беринглар, яна озгина, яхши. Марҳамат, Дмитрий Максимович, давом эттираверинг.

– Ташаккур, – Карпин қўлига кўрсаткични олиб, харита устида чаққонлик билан юрғиза кетди, – жаноблар, сиз кўриб турган харита ва шунга боғлиқ лойиҳалар тўрт-беш йиллик меҳнатимиз самарасидир. Мана бу Оренбург губернияси. Айни пайтда губернияда генерал Катенин жаноблари губернатор лавозимида хизмат қилмоқдалар. Мана бу Орол денгизи, Орол қалъаси, Казалинск қалъаси, кейин катта-кичик қалъалар ва ниҳоят, Перовск қалъаси. Маълумингизким 1853 йил ёзда шавкатли армиямиз Оқмачит қалъасини қамал қилиб, босиб олди. Сўнгра император зоти олийларининг фармонлари билан Оқмачит қалъаси, Перовск қалъаси деб номланди. Казалинск қалъасидан Перовск қалъасига довур ерларни шартли равишда „Сирдарё йўналиши“ деб ном қўйганмиз. Энди бу ёққа қаранг. Мана бу биз турган Верний қалъаси, Иссиққўл, Туқмоқ, Пишкак, мана бу Авлиёота қалъаси. Лойиҳамизнинг бир қисми Верний қалъасидан тортиб, Перовск қалъаси ўртасидаги Қўқон хонлигига қарашли қалъаларни босиб олиб, чегара ер-

ларини бирлаштириш. Аниқроғи, „Сирдарё йўналиши“ билан қўшилишимиз керак жаноблар.

Офицерлар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Улар энди Карпинга бошқача кўз билан қарай бошлашган, ҳаммаларида Карпинга нисбатан қандайдир илиқлик уйғонганди. III бўлимда хизмат қиладиган ҳарбийларни сира ёқтирмайдиган офицерларнинг ҳам кўзлари чақнаб кетган эди. Генералнинг ўзи ҳам Карпиннинг гапларига лол қолиб ўтирарди.

– Дмитрий Максимович, ҳозирги айтган гапларингиз лойиҳанинг фақат бир қисми дедингизми?

– Худди шундай, жаноби олийлари.

– Лойиҳанинг қолган қисми қандай бўлади?

– Лойиҳанинг қолган қисми мана бундай бўлади, жаноби олийлари. Икки губерния армияси мана бу ерда „Сирдарё йўналиши“да бирлашгандан кейин мана бу ерда Чимкент ва мана бу ерда Тошкент шаҳарларини қамал қилиб, уларни ҳам босиб оламиз. Лекин бу ҳам лойиҳамизнинг бир қисми холос.

– Қойи-ил... – генерал ўрнидан турди. Шошмасдан қадам ташлаб, узун стол томонга оҳиста яқинлашиб келаркан, офицерлар икки томонга сурилиб, унга йўл беришди. У қўлларини орқасига қилганча харитани диққат билан кўздан кечириб чиқди-да, ўгирилиб, Карпиндан сўради, – Дмитрий Максимович, харитада Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги, Хива хонликларининг ерлари аниқ ва равшан кўрсатилган. Буни қандай тушуниш керак?

– Бу лойиҳамизнинг кейинги қисмлари, жаноби олийлари. Ижозатингиз билан бу ҳақда кейинроқ суҳбатлашсак.

– Айтмасангиз ҳам тушундим, Дмитрий Максимович. Сизни табриклайман. Мана буни лойиҳа деса бўлади, – генерал Карпиннинг қўлларини самимий қисди, сўнгра оромкурсига бориб ўтирар экан, гапини давом қилди, – ҳақиқатан ҳам аъло даражадаги лойиҳа. Биз қалъадагиларнинг вазифамиз нимадан иборат? Шундан гапирсангиз.

– Хўп бўлади, жаноби олийлари. Жаноблар, марҳамат қилиб, эътиборингизни харитага қаратсангиз. Миннатдорман. Верний қалъасидан пастроқда Кастак мавзеси, Чу дарёси ва мана бу Тўқмоқ қалъаси. Кастак мавзесидаги Қўқон хонлигига қарашли майда-чуйда истеҳкомларга ҳужум қилиб, навкарларни Чу дарёсининг водийсига, Тўқмоқ қалъасига ҳайдаб юбориш лозим. Истеҳкомларни бузиб ташлаб, Кастакнинг ўзида қалъа қуришимиз керак. Бугун-эрта Омск шаҳридан қурилиш материаллари ортилган улов ҳамда қурувчи батальон аскарлари келиб қолишади. Сизлар чодир тортиб, уларни қўриқлайсизлар ҳамда қалъа қурилишида ёрдамлашасизлар. Бирор йиллар ичида қалъани қуриб битказсак, келажакда шу қалъадан туриб, Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота қалъаларини қамал қилиб, босиб олишимиз хийла осонлашади.

– Вазифа лўнда ва тушунарли-и, – генерал офицерларга бир қараб олиб, Карпиндан сўради. – Хўш, бу ишни қачон бошлашимиз керак?

– Иложи борича, қанча тезроқ бошланса, шунча яхши. Сабаби бир ойлар олдин Қўқон хонлигида давлат тўнтариши бўлган. Қўқон хони Худоёрхон тахтдан кетиб, ўрнига акаси Маллахон ўтирган.

– Ўҳ-ҳў-ў...

– Авлиёота, Пишпак, Тўқмоқ қалъаларида, атроф овулларда, Иссиққўл атрофидаги овулларда қозоқ, қирғиз, қипчоқ уруғларининг қарийб ҳамма эркаклари Маллахоннинг қўшинига қўшилиб кетишган. Овулларни қўриқлайдиган эркаклар деярли йўқ. Лекин хаританинг мана бу жойларига алоҳида эътибор беринг. Бу ерлар Сарисув, Хонтоғ деб аталади. Бу ерларда қозоқларнинг Катта Жуз уруғи яшайди. Ҳали буларнинг кўпчилиги Россия империясига бўйсунмаган. Хонликка қарашли навкарлар Чу дарёсидан нарига, қувиб юборилгандан кейин мана шу уруққа қарашли ҳамма овулларни бўйсундириш керак. Кейин бемалол қалъани қурсак бўлаверади. Менга саволлар бўлса, марҳамат.

Бир зум сукунат бўлиб турди-да, кейин бирдан ғун-

ғир-ғунғир гап бошланиб кетди. Офицерлар савол беришдан олдин бир-бирлари билан алланималарни сўзлашиб, ҳатто баҳслашиб ҳам олишди. Ниҳоят, тортишув барҳам топиб, тинчланиб, жой-жойларига ўтиришгач офицерлар билан Карпиннинг ўртасида узун-қисқа савол-жавоблар бўлди. Охирида генерал ўтирган жойида ҳар бир сўзини дона-дона қилиб, вазминлик билан гапира бошлади:

– Жаноблар! Дмитрий Максимович ажойиб лойиҳа, режалари билан яқиндан таништирганлари ва мана бу нодир харита, келажакда қилинадиган улкан ишларни ўта жонли равишда бизга гапириб берганлари учун ҳаммамизнинг номимиздан бу жанобга миннатдорчилик билдираман. Биз ҳузурланиб эшитдик ва маза қилдик.

Тасдиқ ишорасида офицерлар Карпин томон бош силкиб қуйишди. Карпин ҳам ўз навбатида ўрнидан ярим туриб, бош силкиди.

– Ташаккур, жаноблар! Миннатдорман.

Генерал офицерларни бир-бир кўздан кечириб, нигоҳини ўртароқда ўтирган офицерга қадади.

– Полковник Перемилский!

– Шу ердаман, жаноби олийлари! – Перемилский ўрнидан туриб, ғоз қотди.

– Ҳарбий походга сиз бошчилик қиласиз.

– Эшитаман, жаноби олийлари.

– Походга тайёрланиш учун сизга уч кун муддат бераман. Ҳозирча бир рота, беш юз казак ва артиллерия сизнинг ихтиёрингизда. Шу бугундан бошлаб уларни саралаб, походга тайёрланг. Капитан Криштановский, штабс-капитан Таккел захирада бўлишади. Қўл остингиздаги офицерлар билан маслаҳатлашиб, иш бошланглар. Икки кундан кейин ҳарбий походга тайёргарлигингиз тўғрисида рапорт кутаман. Жаноб офицерлар! – генерал ўрнидан қўзғалищи билан ҳаммалари ўринларидан туриб, ғоз қотишди. – Сизларга рухсат.

Офицерлар бараварига пошналарини бир-бирига уриштириб, генералга бош силкишди-да, бирин-кетин

кабинетдан чиқиб, кўздан ғойиб бўлишди. Кабинетда генерал билан Карпин қолишгач, икковлари қарийб тушликкача қилинадиган ишлар ҳақида бафуржа суҳбатлашишди.

* * *

Қўқон. Хон саройи... Маллахон тахтга ўтирганига ҳам қарийб икки йил тўлай деб қолди. Худоёрхон даврида ички, ташқи ҳовлилар қандай бўлган бўлса, Маллахон даврида деярли ўзгармади. Фақат ташқи ҳовли сарбозхонада тартиб, интизом бир оз бўшашгандай бўлди. Дарвоза олдида соқчи навкарлар олдингидай қотиб туришмас, аксинча, бир-бирлари билан суҳбат ҳам, хумори тутиб қолганда нос чекиб олиш ҳам бемалол бўлиб қолди. Беклар, арконлар дарвозадан кириб, чиқаётгандагина тартибга риоя қилгандай бўлишади. Юзбоши, ўнбошилар кун бўйи ҳужрадан чиқмай хўриллатганча чилим тортишгани, тортишган. Ҳокимойим Бухорога жўнаб кетганидан кейин ҳарам олдингидай эмас. Канизакларнинг шўхлик қилиб, бир-бирлари билан ҳазиллашишлари ҳам камайган. Кайвони ҳам индамас бўлиб қолган, лекин иш тутишлари олдингидай. Ҳокимойимни соғинганда унинг хос хонасига кириб оларди-да, соатлаб хонани кўздан кечириб, кейин туйиб-туйиб йиғларди. Ҳожати бўлмаса ҳам ҳафтада бир марта шахсан ўзи супуриб-сидириб, деразаларни, токчалардаги идишларни бир-бир артар, кейин қилган ишини узоқ томоша қиларди. Маллахон кайвони билан маслаҳатлашиб, канизакларнинг ярмидан кўпини бекларга хотинликка бериб юборди. Маҳкама, бекликларда ҳам бир қатор ўзгаришлар бўлди. Беклар, бийлар иштирокида сарой сарбозхонасида ниҳоятда катта кенгаш бўлиб ўтди. Асосан бийларга лавозимлар берилди. Кўпчилик бийларда хат-савод йўқлиги ёки етарли даражада бўлмаганлиги учун девонда мирзалар ҳам, мирзабоши ҳам ўз ўрнида қолди. Алимқул понсодга шаҳсуворлар, сарбозхоналар, сарой

навкарлари устидан назорат қилиш тайинланди. Минг-бошилик лавозимига Шодмонхўжа ўтирди. Ўтаббой қушбеги Тошканд шаҳрига ҳоким қилиб жўнатилди. Андижонда ҳоким бўлиб турган Суфибекни Наманган шаҳрига ўтказилди, Ўрнига Олой бийи Олимбек додхоҳ ҳоким этиб тайинланди. Нормуҳаммад қушбеги Марғилонга ҳоким қилиб юборилди. 1277 ҳижрий йилининг бошларида Бухоро амири Насруллохон тўсатдан қазо қилди ва унинг меросхўр ўғли Музаффархон тахтга ўтирди. Амир Насруллохоннинг қазо қилганидан хабар топган Китоб ҳокими Жўрабек додхоҳ билан Шаҳрисабз ҳокими Бобобек парвоначи мутобаатдан бўйин товлаб, мухолифатга ўтишди. Амир Музаффархон уларнинг устига қўшин тортиб борди. Беклар Қўқон хони Маллахондан ёрдам сўрашди. Маллахон Шаҳрисабз, Китоб бекларига ёрдам бериш ҳамда мамлакат жанубий сарҳадларини мустаҳкамлаш мақсадида Ўратепа, Жиззах, Самарқанд шаҳарларида жанг-жадаллар олиб борди. Амир Музаффархон мусоҳарани тўхтатиб, қўшин билан Самарқандга юришга мажбур бўлди. Йўл-йўлакай Маллахонга элчиларини юборди. Икки мамлакат оралиғида чегараларни аниқлаб, тинчлик ўрнатиш учун Бухоро амири Музаффархон билан Қўқон хони Маллахон ўртасида музокаралар бўлди. Шартномалар битилди. Муҳрлар босилди. Сарҳадларда тартиб ўрнатилиб, бир оз тинчлик бўлгандай бўлди. Энди мамлакат ишлари билан астойдил шуғулланаман, деб турганда Суфибек тўсатдан қазо қилиб қолди. Марҳумни Қўқонга олдириб келиб, „Даҳмаи шоҳон“га дафн эттирди. Оиласини ҳам Қўқонга кўчиртириб келди. Укасининг лозим-лузумларини ўтказгач, давлат ишига боши билан шўнғиб кетди. У бир ойча олдин беш-олтита ҳокимларни алмаштирди. Ўтаббой қушбегини Марғилон шаҳрига, Туркистонда ҳокимлик қилаётган Қаноатшони Тошкандга ҳоким қилиб тайинлади. Нормуҳаммад қушбегини Кировчига юборди. Муйлови энди сабза ураётган Шоҳмуродбекни ҳам Тўрақўрғонга ҳоким қилиб жўнатди. Шоҳмуродхон

фармонни қўлларида маҳкам чангаллаганча хонга таъзим адо қилиб, „Ҳузури олий"дан чиқди. Ҳудайчи олдида турган уч-тўртта арконларга ярим таъзим қилиб, саломлашган бўлди-да, танобийга қараб шошилди. Танобийда уни Султон Сайидхон билан Назирбек сабирсизланиб, кутиб туришарди.

– Тинчликми, акажон? – деди Султон Сайидхон ҳаяжон билан Шоҳмуродхонга қараб. – Хон отам сизни нимага чақиртирибдилар?

– Қани, йигитлар, мени муборакбод қилинглар-чи, – деди Шоҳмуродхон табассум билан болаларча қувониб.

– Муборак бўлсин, акажон! Лекин нима билан муборакбод қилайлик?

– Мана бу билан, – карнай қилиб ўралган фармонни Султон Сайидхоннинг қўлига тутқазиб, Назирбекнинг елкасидан қучди. – Юринглар, боққа чиқамиз, ўша ерда ўқийсиз, кейин гаплашамиз.

– Майли.

Беш дақиқалардан кейин учови боғдаги сўрилардан бирига ўтириб, суҳбат қуришарди. Султон Сайидхон билан Назирбекнинг Шоҳмуродхонга ҳаваслари келди.

– Ростдан ҳам ҳокимлик қиласизми, акажон? – сўради ҳаяжон билан Султон Сайидхон фармонни Шоҳмуродхонга қайтариб берар экан.

– Ростдан, ахир фармонни ўзларингиз ўқиб кўрдингиз-ку.

– Қойи-ил!..

– Сизларни ўзим билан бирга олиб кетаман. Биргалашиб ҳокимлик қиламиз. Қалай, бўладими?

– Ў-ўҳ... Зўр-ку, – Назирбекнинг кўзлари чақнаб, ўрнидан туриб кетди.

Шоҳмуродхон ерга тикилиб ўтирган Султон Сайидхонга ажабланиб қаради.

– Нега сиз хурсанд бўлмаяпсиз, Султоним?

– Биз сиз билан боролмаймиз, акажон, – ўкингандай деди Султон Сайидхон.

– Ие, нега энди боролмайсиз?

– Биз саройда қолар эканмиз, Назирбеклар бир ҳафталардан кейин Тошкандга жўнаб кетишяпти.

– Тошкандга-а?!

– Шундай, акажон, қайси кун аям айтдилар, – Назирбекнинг юзидан хурсандлик кетиб, маъюс тортди. – Хон бовом бизларни Тошканддаги ҳовлимизга юборар эканлар.

Султон Сайидхон тасдиқ ишорасида бош иғади. Учови бир фурсат жим қолишди, бир-биридан ажралишни сира исташмасди. Султон Сайидхон билан Назирбек „энди нима қиламиз?“ дегандай Шоҳмуродхонга қарашди. Шоҳмуродхон жилмайганча ўрнидан туриб, икковининг елкасидан қучди. Кейин қаддини ростлаб, каттакалардай жиддий гапира бошлади.

– Қани, йигитлар, бошларингизни баланд кўтаринг-чи, ана шундай. Бундан кейин ҳеч ҳам кайфиятингизни туширманг. Биз тўрт киши эдик. Насриддинбек Бухорога кетиб, уч киши қолдик. Лекин давр тақозоси билан бизлар ҳам ажралиш арафасидамиз. Бу вақтинчалик. Худо хоҳласа, вақти келиб, ҳаммамиз яна бирлашамиз. Муродбек билан Зафарбеклар ҳали ёш. Улар улғайса, қаторга қўшиб оламиз. Бир нарсани унутмайлик, йигитлар. Йиллар ўтиб, қаерда бўлмайлик, ҳар доим бир-биримизни қўллаб-қувватлайлик. Худо кўрсатмасин, бирортамиз хавф-хатарда қолгудек бўлсак, қолганларимиз бараварига ёрдам қўлини чўзайлик. Доноларнинг бир гаплари бор, „Куч – бирликда“ дейишган. Қалай, гапларим маъқулми?

– Жуда ҳам яхши гап бўлди, акажон. Биз розимиз.

– Бундай гапларни қаердан ўргандингиз, акажон? – сўради Назирбек соддадиллик билан.

– Ойихонимдан, – кулимсираб жавоб берди Шоҳмуродхон.

– Ойихонимдан?!

– Шундай, хос ҳужраларида бўлган пайтларида мени чақириб олардилар-да, кейин олдиларига ўтқазиб олиб, мана шу гапларни қулоғимга қуйиб келарди-

лар. Кейин „сен невараларимнинг ичида энг каттасисан. Шунинг учун ҳар доим укаларингга ҳам мана шу гапларни уқтирган“, деганлар.

Учовлари Ҳокимойимни эслашиб, соғинишди. Кейин болаларча орзулар қилиб, анча пайтгача суҳбатлашиб ўтиришди...

Бу орада Маллахон „Ҳузури олий“да навбатдаги бекнинг ишини ҳал қилиб, кузатиб юборгач, тахтдан туриб, хона бўйлаб шошмасдан юра бошлади. Хоннинг юраги ғаш. Ҳали ички низолар, норозиликлар тўла барҳам топганича йўқ. Бир йиллар олдин бўлган воқеани эслади. Тавочи, хазиначи лавозимини эгаллаш учун икки уруғ орасида талашиш, тортишишлар бошланди. Иккала томоннинг бийлари жанжал чиқиб кетмасин деб бир-бирлари билан муомала қилиб, бир қарорга келишди. Иккала уруғдан биттадан бийни сайлашиб, хонга тавсия қилишди. Маллахон таъзим адо қилган бийларга бирров кўз югуртириб чиқиб, Алимқул понсоддан сўради.

– Бийларга нима керак?

– Булар мана бу иккита бийни тавочи, хазиначи лавозимларида хизмат қилишлари учун ҳазратларига тавсия қилишмоқчи экан.

– Шунақа дегин? – Маллахон ижирғанди. – Шу иккаласими? Қани, яқинроқ келинглар-чи... Яна яқинроқ. Хўш, қайси мадрасада ўқигансанлар?

Бийлар Маллахоннинг важоҳатидан чўчиб, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Бирининг „сен айт“ ишораси билан иккинчиси дудуқланиб жавоб берди.

– Б-биз, м-мадрасада ўқимағаммиз, х-хон тўрамжон.

– Нимани ўқигансанлар?

– Ов-овулда журғаммиз, хон тўрамжон, ҳеч нарса ўқимағаммиз. Лекин қонча қўй бўсаям сонаб ташаймиз.

– Туври, туври, хон тўрамжон, бир овулди қўйини моли билан қўшиб, пешинга қомай сонаб қўяғоямиз.

– Аҳмоқлар! Овулда қўй санашни ўрганиб олиб, тавочи, хазиначи бўлиш учун саройга келдиларингми? Бундай лавозимда хизмат қилиш учун камида иккита мадра-

сани битириш керак, ҳайвонотлар, – Маллахон қаддини ростлади-да, бошини хиёл ўнг томонга буриб, қаҳр билан қичқирди. – Мингбоши!

Ишшайиб турган бийларнинг лаблари гезариб кетди. „Мингбоши“ деган қичқирик қулоқларига „жаллод“дай эшитилиб, тарракдай қотиб қолишди. Ҳатто бир-иккиталари „Ҳузури олий“дан қочиб қолишмоқчи ҳам бўлишди.

– Лаббай, хон ҳазратлари, – Шодмонхўжа мингбоши ўрнидан тура солиб, кўзларини пирпиратиб, қўл қовуштирди.

– Сиз кўп жойларда бўлгансиз. Кўп нарсаларни биласиз. Қани, менга айтинг-чи, ёлғиз мана бу икковини растага олиб чиқиб, дорга торттирсаммикин ёки икковининг ёнига мана бу бийларни ҳам қўшиб торттирсаммикин, нима дейсиз?

Маллахоннинг гапларидан анграйиб қолган Шодмонхўжа мингбоши ҳали жавоб бериб улгурмасдан бийларнинг ранги оқариб, бараварига ўзларини гиламга ташлаб, хондан шафқат сўрай кетишди.

– Бир қошиқ қонимиздан ўтинг, хон тўрамжон.

– Шафқат қинг.

– Бўлак бундайча қимоймиз. Ўлип қоппиз.

– Товочи бўмойман.

– Хозиночи бўмойман.

– Қўшни овул бийларини говига кириппиз.

– Ба-асс! Жим бўл баринг! – ҳайқирди Маллахон, – хон саройи санларга овул бўлиб қолдими? Хоҳлаган пайтингда келиб, хоҳлаган нарсангни талаб қиласан! Бундан кейин биттангни саройда кўрсам, шартта дорга торттириб қўяқоламан! Алимқул!!!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Бу ҳайвонларни сарбозхонага олиб кириб, ўн даррадан урдир. Кейин овул-овулига ҳайдаб юбор.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Дордан қутулган бийлар ўзларига келиб, ғулдираганча хонга нари-бери таъзим адо қилган бўлишди-да,

навкарларни кутиб ўтирмасдан ўзлари сарбозхона томон югургилаб қолишди. Шарманда бўлган бийлар аламининг чеки йўқ эди.

– Хон бизди абийримизди тўкти.

– Одамларди олдида шарманда қилди.

– Хон буған инанғди...

– Шашма, шашма, дийман... Жим бўл баринғ. Бир бала қип, холқди хонға қорши қип қўясақ, зўр иш қиған бўлардиқ.

– Қойтип қорши қўямиз?

– Чекка-чекка қишлоқ, овулларди босиб, толоймиз. Хонди навкари кеса, товға қочиб қўяғоямиз.

– Шуни ойтқонини қиламиз. Беш-ўнта овул, қишлоқди толосоқ, холқ хонди жомон кўрип қолади, кейин хонди ўзи бизди чоғирип, ойтқонимизди қилади. Гавим туврима?

– Туври, туври...

Шундан бери ён-атрофдаги қишлоқ, овулларнинг тинчи йўқолди. Қишлоқлар, овуллар таланди. Арз қилганларнинг бири хонга етса, бири етмади. Навкарлар талончилардан бирини ушласа, бошқасини қувиб етолмади. Халқ орасида норозиликлар пайдо бўла бошлади. Шуларни эслаб, Маллахоннинг яна диққати ошди. Қовоғини уйганча бир-бир қадам босиб тахтга ўтирди. Ўзини тахт суянчиғига ташлаб, чуқур „уҳ" тортди. „Жин урсин, тахтга ўтирмасанг, бир бало, ўтирсанг, минг бало. Э, Худойим, бу низолар қачон тугар экан? Тахтга ўтирганимдан бу ёғига ҳаловат йўқ. Устига-устак укам кетди. Икки қанотим қирқилди. Болаларимнинг оёққа туриб олишига ҳали анча бор. Шоҳмуродбекдан кўнглим тўқ. Ҳозирча оталиқ назоратида ҳокимлик қилиб турса, бир-икки йиллардан кейин мустақил бўлиб олади. Худоёрхон билан орамиз қандай бўлишини Худо билади. Майли, бу ёғи пешонадан. Ички муаммоларни ҳал қилиш керак. Бунинг учун жойларда қаттиқ тартиб ўрнатаман. Шундай қилишим керакки, шаҳар, қишлоқ, овулларда қонун-қоидага риоя қилишсин. Бўйсунмаганини растага

олиб чиқиб, шартта дорга торттираман. Вассалом. Шундай қилмасам, бўлмайди. Акс ҳолда, мамлакатда тартиб ўрнатиш қийин. Эҳ, ойихоним, ойихонгинам... Қани энди ёнимда бўлсалар эди. Ойихонимни бир кўрсам, руҳан кўтарилардим. Ўзимда ишонч пайдо бўларди. Ҳозир қаерларда юрган эканлар? Шўрлик ойихоним, мусофир юртларда сарсон-саргардон бўлиб, қийналиб қолмадилармикин? Уф-ф... Наилож, буни тақдир дейдилар. Хонлик даврида укамга ҳам осон бўлмаган экан. Бир томондан ўрислар, бир томондан ички низолар, устига-устак бир томондан мен ғалаён кўтардим. Укамга осон бўлмаган. Қийин бўлган. Жуда ҳам оғир бўлган. Жин урсин бу бекларни. Энди тузаман, деганингда ҳамма нарсани бузиб юборишади. Ҳа, майли, энди бу ёғини, бўладиганини кўрайлик. Хў-ўш... Бухоро томондаги сарҳадларимизни тинч деб бўлмайди. Айғоқчиларимиз келтирган хабарга кўра, Бухоро амири Ўратепа, Нов, Хўжандга қўшин тортиш хавфи бор. Лекин вақти номаълум. Шимол томондаги сарҳадларимиз қандай? Оқмасжидни ҳисобга олмаганда у томонларни ҳозирча тинч десак ҳам бўлаверади. Лекин шарқий сарҳадларимиз тинч эмас. Айғоқчиларимиз нохуш хабарлар келтиришмоқда. Ўрислар Каштакда қалъа қуришибди. Ўрисларнинг бу ишлари яхшиликдан дарак бермайди. Хавфли. Жуда ҳам хавфли. Тезроқ бу ишларнинг олдини олиш керак. Шу бугуноқ кенгаш чақириб, буни ҳал қилиш керак...". Шу пайт ҳудайчи хонага кириб, хонга таъзим адо қилди.

– Хон ҳазратлари.

Хаёли бўлинган Маллахон унга норозисимон савол назари билан қаради.

– Тошканддан чопар келди.

– Чопар? – сергакланди Маллахон.

– Шундай, хон ҳазратлари. Тошканд ҳокими Қаноатшо қушбегидан чопар келди.

– Айт, кирсин.

Ҳудайчи бурилиб, ишора қилиши билан чопар кириб, таъзим адо қилди.

– Хон ҳазратлари.

– Яхши келдингми, йигит?

– Сояи давлатларида, хон ҳазратлари.

Маллахон қўлини чўзиши билан чопар тез-тез юриб келиб, бошини эгган ҳолда икки қўллаб, номани хонга тутқазди-да, орқаси билан юриб, ҳудайчининг ёнига келиб турди. Маллахон ҳудайчига қараб деди:

– Чопарнинг қорнини тўйдиринг, кейин дамини олсин.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Иккови хонадан чиқиб, кўздан ғойиб бўлгач, Маллахон муҳрни синдириб, ўралган номани ёйиб, ўқий бошлади.

Ҳуваллоҳул холиқул бориул мусаввиру лаҳул асмоул ҳусно Фарғона мамлакатининг хоқони Саййид Муҳаммад Маллахон ибн Шералихон ҳазратларига,

Ушбу нома ҳазратларига етиб, маълум ва равшан бўлғайким, бизким, Тошканд шаҳри фуқаролари ҳазратларининг дуойи жонларини қилиб, мутобаатда дунёвий ишлар билан машғулдамиз. Баъдаз дуои бешумор ҳазратларига ушбуни маълум қиламизким, шарқий сарҳадларимиздин айғоқчиларимиз олиб келгон хабарларига кўра жорий йилнинг асад ойининг охирларидан тортиб сунбула ойининг ўнига қадар кофири муртад уруслар Тўқмоқ ила Пишпак қалъаларини мусоҳара қилғонлар. Андак вақт ўтуб, ҳар иккала қалъа устидин зафар қозонғанлар. Жанг-жадалларда Тўқмоқ қалъасининг беги Хонқули додхоҳ шаҳид бўлғай. Пишпак бекларидин Отабек додхоҳ ила Алишер понсод тири кофирдин захмдор ўлуб, уруси лаъинлар ҳибсга олибдурлар. Ўрус асокирлари Тўқмоқ ила Пишпак қалъалари деворлари тағига дорўйи жаҳаннамни қўюб алоб ёқғайлар. Қалъа деворлари осмону фалакка учиб, якбора замин бирла яксон бўлиб, зери замин бўлғай. Қалъаларнинг фуқаро, навкарлари бир дастаси шаҳид бўлғайлар, бир дастаси жонини амонат билиб, ҳар тарафга қочғайлар, бир дастасини ўруси баттоллар ҳибсга олғайлар. Ақли ноқисим бир-

ла ҳазратларига ушбуни маълум қиламанки, ўрус дажжоллар Авлиёота қалъасини ҳам мусоҳара қилиш хавфи бордур. Ҳазратлари фармони олий берсалар камина қулингиз навкарларга бош бўлуб, ўрус асокирларига қарши жанг-жадаллар қилиб, Худо хоҳласа, аларни Пишпак қалъасидин, сўнгра Тўқмоқ қалъасидин, мухтасарида қирғин-барот бирла Кастакдан ҳайдаб, Дашти Қифчоқ томон қувиб, солғаймиз. Ҳазратларининг сиҳат-саломатликларини тилаб, фармони олийларини интизорлик ила кутиб қоламиз.

Боқий калом маъал эҳтирому вассалом. Аддойи гуломингиз Қаноатшо қушбеги муҳр босдим.

Тошканд 1277 ҳижрий сумбула ойининг 14 чоршанба куни битилди.

Маллахон номани ўқиб бўлиб, ўради-да, гиламга тикилиб қолди. „Ё, Парвардигор! Шарқий сарҳадларимиздаги қалъаларимизни ўрислар жанг билан босиб олишибди-я. Ҳозиргина шуларни уйлаб ўтирувдим. Ўрислар билан жанг қандай кечар экан? Аксига олиб, Саид ҳам кетган, Қилич ҳам. Музокарада Қилични олиб қолсам бўлар экан. – Хон асабийлашиб, тиззасида турган қиличини ғижимлади. – Майли, бўлар иш бўлди. Ҳаракат қилиш керак. Шу бугуноқ кенгаш чақирамиз. Қўшин йиғамиз. Ўзим бош бўлиб, бошлаб бораман. Қушбеги айтганидек, лаънати ўрисларни қирғин қилиб, Дашти Қипчоққа довур қувиб юбориш керак. Бу дажжолларни қувиб юборамиз ҳам“. Хаёлга берилган Маллахон ғазабланганидан жон-жаҳди билан ҳайқириб юборди.

– Ҳудайчи-и!!! – ҳудайчи эшикдан кўриниши билан яна ҳайқирди. – Мингбошини чақир! Понсодни чақир! Мирзабошини ҳам чақир! Ҳозирнинг ўзида... Тез бўл! Шошма, тавочини ҳам чақир!

Ҳудайчи сўзсиз кўздан ғойиб бўлди. Бир зумда Шодмонхўжа мингбоши, Алимқул понсод, Муҳаммад Иброҳим мирзабоши, Эргаш тавочи ҳаллослаганча „Ҳузури олий“га кириб, таъзим адо қилишди.

– Бу ёққа ўтиринглар. Ҳозиргина Қаноатшо қушбегидан чопар нома келтирди, – Маллахон қўлидаги номани кўрсатиб. – Баттол ўрислар Тўқмоқ билан Пишпак қалъаларини жанг билан қўлга олишибди.

– Ё, Парвардигор!!

– Ўрислар яна жанг бошлашибдими?

– Парвардигор, ўрислар балосидан ўзинг асра.

– Илоҳим, ўрисларнинг ҳаммаси жаҳаннамда ёнсин!

– Ўрислар билан жанг бошланди, жаноблар. – Маллахон номада битилганларни қисқача гапириб берди.

– Мана шунақа гаплар. Тезроқ кенгаш чақиришимиз керак. Қўшин тўплаб, ўрис кофирларнинг устига қўшин тортиб борамиз.

Хонада жимлик чўкди. Курсида омонат ўтирган Алимқул понсод кўз қири билан мингбоши, девонбеги, тавочини кузатди. Девонбеги билан тавочи кўзларини гиламдан узмай ўтирарди. Шодмонхўжа мингбоши шерикларига бир қараб олди-да, кейин ўрнидан туриб, қўл қовуштирди.

– Ўтириб гапираверсинлар, мингбоши жаноблари.

– Ижозатлари билан, хон ҳазратлари, – мингбоши курсига ўтириб, гапини давом қилди. – Камина қулингизнинг фикрича, кенгаш чақириб ўтирмасак, дейман.

– Ие, нега энди? – ажабланиб сўради Маллахон.

– Кўпчиликдан кўп гап чиқади, хон ҳазратлари, кенгашда маслаҳат қилиб, бир тўхтамга келиб олгунча талай вақт ўтади. Мухтасари нима билан тугашини Худо билади. Ҳозир кузнинг боши бўлса, қўшин тортишимиз қишга қолиб кетмасин, дейман. Бир марта қоқ қиш чилласида ўрислар билан жанг қилиб, адабимизни еганмиз. Ўша пайтда қандай ҳолатда бўлганимизни ўзим биламан, Худо билади.

– Қўқонга кеп, хотинлардиям кўйлак-иштонини кийғансиз, минғбоши жаноблари, ҳи-ҳи-ҳи! – ҳиринглаб кулди Алимқул понсод.

– Бас-с!! Бас қилинг, Алимқул, ҳозир ҳазил қилишнинг мавридимас! – кесиб ташлади жаҳл билан Маллахон. – Давом қилинг, мингбоши жаноблари.

Алимқул понсод тилини тишлаб қолди. Мирзабоши билан Эргаш тавочи кулишдан ўзларини тийиб, аранг ўтиришарди. Шодмонхўжа мингбоши Алимқулга бир ўкрайиб қараб, яна гапини давом этди.

– Вақтни беҳуда ўтказмаслик учун учта ишни уч жойда бараварига бажаришимиз лозим. Биринчи ишимиз шу бугуннинг ўзида Қаноатшо қушбегига нома битиб юборишимиз керак. Қушбеги Тошканд, Чимканд, Авлиёота, Талас қўшинларини бирлаштириб, Ола-Бел довонига борадиган йўлга бориб турсин. Иккинчи ишимиз, Олимбек додхоҳга нома битиб юборишимиз керак. Додхоҳ Андижон, Ўзган, Билқиллама, Кетмонтепа қўшинларини бирлаштириб, Ола-Бел довонидан чиқиб борсин. Учинчи ишимиз камина қулингиз Қўқондан енгил бўлиб чиқаман-да, йўл-йўлакай Хўжанд, Кировчи, Пискат қўшинларини бирлаштириб, Талас орқали Ола-Бел довони йўлига қараб юраман. Довон йўлида уч қўшин бирлашиб, Пишпакка қараб юрамиз. Етиб боргандан кейин шароитга қараб иш тутамиз. Мана шу режа билан ишларни амалга оширсак, талай вақтдан ютган бўламиз, хон ҳазратлари.

Шодмонхўжа мингбоши гапини тугатиб, ўтирган жойида бир қимирлаб олди. Мингбошининг гаплари Маллахонга маъқул келди. „Чаккимас, мингбошининг гаплари билан иш тутсак, ҳақиқатан ҳам анчагина вақтдан ютамиз. Агар ҳар бир бекликдан камида икки-уч мингдан навкар йиғилса, йигирма мингдан ошиб кетади. Бу яхши. Девонбошига буюриш керак. Қушбеги, додхоҳ билан бирга бекларга ҳам алоҳида, алоҳида нома битиб юборсин. Булар боргунга қадар ҳар бир бекликда навкарлар тайёр бўлиб турсин". Маллахон бир оз кайфияти кўтарилган ҳолда Шодмонхўжа мингбошига қараб деди:

– Маъқул, мингбоши жаноблари, режаларингиз менга маъқул. Кенгаш чақириб ўтирмаймиз. Сиз айтганчалик бўла қолсин. Фақат бир нарсани ҳисобга олмадингиз.

– Нима экан, хон ҳазратлари?

– Бизни ҳисобга олмадингиз.

– Ҳазратларини!

– Шундай. Биз қўшинни бошлаб бормоқчимиз. Худо хоҳласа, қўшинни ўзимиз жангга олиб кирмоқчимиз. Ўзимиз қўшин бошида бўлсак, қўшин руҳан кўтарилади. Ўрислар устидан ғалаба қилишимиз осонлашади.

Шодмонхўжа мингбоши ўрнидан туриб, хонга таъзим адо қилди-да, қайта жойига ўтирди.

– Хон ҳазратлари, камина қулларини маъзур тутсинлар. Ҳазратлари тахтга ўтирганларидан бу ёғига отдан тушганлари йўқ. Ҳазратлари шу пайтгача кўпдан-кўп ишларни амалга оширдилар. Шу ишлардан энг улуғи амир Музаффархон билан музокаралар олиб бориб, шартномалар туздилар. Бу жуда улуғ иш бўлди. Ҳали Қўқон хонлигининг тарихида ҳеч бир хон Бухоро амири билан музокаралар олиб бориб, шартномалар тузмаган эди. Ҳазратлари биринчи бўлиб шу ишни амалга оширдилар. Бу билан Фарғона мамлакатининг мақомини жуда ҳам баланд кўтардилар. Энг муҳими, фуқаронинг ҳазратларига ихлоси, ишончи ортиб, хотиржамлик ила дунёвий ишлари билан машғулдирлар. Ҳар бир хон учун фуқаронинг тинчлиги, хотиржамлиги ҳамма нарсадан юқори туради. Ҳазратлари қўшинга бош бўлиб борсалар, келгунларига қадар фуқаронинг хотиржамлиги йўқолади. Шунинг учун ҳам ҳазратларининг пойтахтда қолишлари мақсадга мувофиқдир.

Мингбошининг гапларидан Маллахон маза қилиб, кўзларини юмди. „Оҳ, қани энди фуқароларнинг ҳаммаси ҳам мингбоши айтганчалик тинч, хотиржам бўлса эди. Ўзим ҳам хотиржам бўлардим. Қани энди мен ҳам хотиржам овқат есам, хотиржам дам олсам, хотиржам ухласам. Доим миямнинг бир четида муаммолар, хавотирлик бор. Хотиржамлик эса йўқ. Тақдир шундай бўлгандан кейин илож қанча?“. У ҳорғин кўзини очди.

– Яхши, бу гапларингиз ҳам бизга маъқул. Биз пойтахтда қоламиз. Жаноблари шунақанги далиллар билан гапирдиларки, рози бўлмасдан иложимиз йўқ. – Сўнгра

Муҳаммад Иброҳимга қараб сўзида давом этди. – Мирзабоши!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Қаноатшо қушбеги, Олимбек додхоҳ билан бирга Хужанд, Пискат, Кировчи, Чимканд, Авлиёота, Талас, Ўзганд бекларига ҳам нома битинг. Нома матнини мингбоши билан бирга битинглар. Чопарларни шу бугун тунда йўлга чиқаринг.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

– Тавочи.

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Икки кун ичида мингта навкарга мингбоши жанобларининг назоратлари остида йўл ҳозирлиги учун керакли анжомлар, озиқ-овқатлар билан таъминлайсиз.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

– Бошқа фикр, мулоҳаза, муаммолар бўлмаса, ҳаммангизга рухсат, жаноблар.

Беклар хонга таъзим адо қилиб, „Ҳузури олий"дан чиқишди. Ёлғиз қолган Маллахон бир тин олиб, ўзини тахт суянчиғига ташлади. „Э, Худо, марҳаматингни биз – бандаларингдан дариғ тутма. Эрта-индин навкарларим сафарга чиқишади. Сафар машаққатларини осон қил. Навкарларимнинг руҳан кўтар. Жанг пайтида ўрисларнинг ўқидан ўзинг асра. Улар устидан зафар қозонишимизда ўзинг мадад бер. Навкарларим зафар қозониб, бошлари адл кўтарилган ҳолда яхши кайфият билан сафардан қайтишларини ўзинг уларга насиби рўз қилгин". Шу пайт эшикдан ҳудайчининг боши кўринди.

– Хон ҳазратлари, дастурхон мунтазир.

Маллахон бошини қимирлатиб қўйди. Ҳудайчи кўздан ғойиб бўлгач, тахтдан тушди-да, шошмасдан бир-бир қадам босиб, емакхона томон юриб кетди.

* * *

Пишпак қалъаси... Ички, ташқи пахса девор, ҳамда зовур билан ўралган бу қалъанинг дарвоза атрофи деворлар русларнинг артиллерия залпларидан қулаб тушган, аскар

ва казаклар бозор, дўкон, раста, аҳоли уй-жойларини талаб, айрим жойларга ўт қўйган бўлсалар-да, қалъа вайронага айланиб қолганича йўқ. Қалъа кўчаларида ҳали ҳам маст-аласт аскар, казаклар изғиб юришарди. Сентябрь бўлишига қарамасдан ҳаво иссиқ. Ўрда олди чоғроққина боғда тўрт офицер – полковник Циммерман, капитан Криштановский, штабс-капитан Таккел, капитан Каменоградскийлар тушлик қилишарди. Циммерман вино тўла бокални қўлига олиб, ўрнидан турди.

– Жаноблар! Қудратли армиямизнинг шавкатли аскар, казак, айниқса, артиллериямизнинг қаҳрамонона жанглари туфайли ўн куннинг ичида икки қалъа Тўқмоқ ва Пишпак қалъаларини қамал қилиб, босиб олдик. Бу ғалабамиз биздан император зоти олийларига арзимас совға бўлиб қўяқолсин. Жаноблар, навбатдаги ҳарбий походимизда Талас ва Авлиёота қалъаларини ҳам забт этишимиз учун шу қадаҳларни кўтарайлик.

Офицерлар қадаҳларини қўлларига олиб, ўринларидан туришди-да, қадларини ғоз тутиб қичқиришди:

– Ура!

– Ура!

– Ура!

Тик турган ҳолда бокаллардаги винони сипқориб, жойларига ўтиришди. Полковникнинг гапларидан руҳланган Таккел ундан ҳам ошиб кетиб деди:

– Браво... Жаноб полковник, кунглимдаги гапларни айтдингиз. Ҳақиқатан ҳам аскарларимиз мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатишди. Тўқмоқ қалъасини бир кунда, Пишпак қалъасини тўрт кунда қўлга олдик. Бу биз учун ҳарбий машқдай бўлди. Агар Талас билан Авлиёота қалъаларини ҳам шу зайлда босиб олсак, бу яхши. Лекин Туркистон билан Чимкентни ҳам забт этсак, ундан ҳам яхши бўларди. Гапларим тўғрими, жаноблар?

– Тўғри, тўғри...

– Битта походга куплик қилмасмикин?

– Куплик қилмайди, жаноб полковник, айни муддао.

Офицерлар вино таъсиридиан кайфиятлари кўта-

рилган ҳолда келажакда бўладиган жанглар ҳақида баҳс аралаш қизғин суҳбатлаша кетишди...

Бундан йигирма-йигирма беш кунлар олдин аниқроғи 1860 милодий йили августнинг йигирмаларида икки отлиқ казак Верний қалъасидан бир йилча муқаддам Кастак мавзесида қурилган русларнинг ҳарбий қалъасига „ўта махфий“ деб мухрланган мактуб келтиришди. Қалъа бошлиғи полковник Циммерман империя герби туширилган конвертни қўлида айлантириб, устидаги хатни ўқиди. „Ўта махфий. Полковник Карпиндан. Ҳмм... Қизиқ“. Конвертни очиб, мактубни бир зумда ўқиб чиқди. Иккинчи марта шошмасдан ўқиди. Мактубни стол устига қўйди-да, қўлларини орқасига қилиб, жилмайганча хона бўйлаб юра бошлади. „Ўҳ, Биби Марям... Ниҳоят, зориқиб кутилган буйруқ келди. Шунча меҳнатимиз зое кетмайдиган бўлди. Қандай яхши. Мана бу буйруқ билан озод ҳолда ҳарбий поход уюштириб, жанубга юриш қиламиз. Қалъаларни бирин-кетин босиб оламиз. Яшасин полковник Карпин! Жануб томонга йўл очиб бергани учун граф Игнатьевга ҳам шон-шарафлар бўлсин! Яхшиям буйруқ келди. Акс ҳолда, бу лаънати қалъада жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Хуш, ишни нимадан бошлаймиз? Албатта ҳарбий кенгашдан бошлаймиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ офицерларни чақиртирамиз. Ҳарбий походни сентябрь ойи кирмасдан бошлаш керак. Йўқса, поход давоми кеч кузга, ҳатто қишга ҳам қолиб кетиши мумкин. Бр-р-р... Қишгача қолиб кетиш ҳеч ҳам мумкин эмас. Қишгача қолдирмаймиз. Ҳар қанча қалъа бўлса ҳам икки ой, нари борса, уч ой ичида қўлга олишимиз керак“. Циммерман юришдан тўхтаб, қабулхонада ўтирган адъютантини чақириб буюрди:

– Офицерларни зудлик билан чақиртиринг. Дарҳол кабинетимга келишсин.

Ўн-ўн беш дақиқалардан кейин кабинетга бир тўп офицерлар кириб келишди. Унвони каттароғи офицерларга қараб қичқирди:

– Жаноб офицерла-ар! – кейин ўтирилиб, Циммер-

манга честь берди. – Жаноб полковник, буйруғингизга биноан...

– Вольно, жаноблар, вольно. Курсиларга марҳамат қилинглар. Ҳамма жойлашиб бўлдими? Яхши. Жаноблар! Менга ҳозиргина Верний қалъасида III бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қилаётган полковник Карпин жанобларидан ўта махфий мактуб келтириб беришди, – полковник стол устида турган мактубни офицерларга кўрсатар экан, „ўта махфий" жумласига урғу берди. – Ул жанобга Петербургдан шахсан граф Игнатьев жанобларидан буйруқ келибди. Граф жанобларини ҳаммангиз билсангиз керак, Петербургда бош штаб Осиё бўлими бошлиғи лавозимига тайинланганлар. Яъни бизнинг йўналишимиз бўйича. Жаноблар, Петербургдан бизнинг бўлимимизга келган буйруқни эълон қиламан. Диққат қилинг, Қўқон хонлигига қарашли Тўқмоқ ва Пишпак қалъалари босиб олинсин...

Офицерлар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди-да, кейин бирдан ғала-ғовур бўлиб кетди.

– Хайрият...

– Ниҳоят, буйруқ келди-я...

– Питерликлар қимирлаб қолишибди.

– Аллақачон бу ишни қилиш керак эди.

– Ҳечдан кўра кеч бўлгани ҳам яхши.

– Тинчланинг, жаноблар, тинчланинглар! – ҳаммалари жим бўлишгач, Циммерман гапини давом қилди. – Қайтараман, жаноблар, Қўқон хонлигига қарашли қалъалар, яъни Тўқмоқ ва Пишпак қалъалари босиб олинсин. Қаршилик кўрсатганлар отиб ташлансин. Хон навкарлари ва аҳоли қалъадан қувиб юборилсин. Қалъа деворлари портлатиб юборилсин. Иложи борича қалъалар вайронага айлантирилсин. Буйруқ тахминан мана шундан иборат, жаноблар.

Офицерлар иккитадан, учтадан бўлиб олиб, шивирлаша кетишди. Олдинроқда ўтирган бир офицер ўрнидан турди.

– Рухсат этинг, жаноб полковник.

– Марҳамат, ўтириб гапираверинг.

– Ташаккур. Жаноб полковник, ҳарбий походга қачон чиқамиз?

– Қачон чиқишимиз буйруқда кўрсатилмаган. Шароитимизга қараб, ўзимизга ҳавола қилинган. Лекин ҳаракат қилишимиз керак, жаноблар. Шу уч-тўрт кун ичида обдон тайёрланиб, ҳарбий походга чиқишимиз лозим. Ҳар бир командир ўз рота, взвод, казак, артиллерияси учун жавобгардир. Шу соатдан бошлаб ҳарбий ҳолат эълон қиламан. Бир нарсани қулоқларингизга қуйиб олинглар, жаноблар. Ерли қозоқ, қирғиз, қипчоқ овулларига зинҳор тегманглар. Иложи борича овулларни айланиб ўтинг. Овулликлар бизга душман эмас. Лекин дўст ҳам эмас. Лекин айримлари бизга хайрихоҳдирлар. Ўзимизни шундай тутайликки, қолганлар ҳам бизга хайрихоҳ бўлишсин. Бу ўзимизга боғлиқ. Биз фақат қалъадагилар билан, яъни хон навкарлари билан жанг қиламиз холос. Ҳаммага тушунарлими?

– Тушунарли, жаноб полковник, – бир овоздан жавоб беришди офицерлар.

– Яхши. Жаноблар, иккинчи даражали масалаларни, яъни эпикировка, ўқ-дори, озиқ-овқатлар, шунга ўхшашларни кенгаш охирида кўриб чиқамиз. Энди эса марҳамат қилиб, диққатингизни харитага қаратинг, – Циммерман қўлига кўрсаткични олиб, ўрнидан турди, – Тўқмоқ қалъасига борадиган йўналишларимизни аниқлаб олайлик. Мана бу Кастак мавзесида биз турган қалъа. Мана бу эса Тўқмоқ қалъаси...

Ҳарбий кенгаш тўрт соатларча давом этди. Ҳамма муаммо, масалалар юзасидан фикрлар билдирилгач, Циммерманнинг рухсати билан офицерлар кабинетни тарк этишди.

1860 милодий, 26 августда саҳар қалъа дарвозалари очилиб, бир тўп отлиқлар чиқишди. Отлиқлар олдида полковник Циммерман борарди. Ортидан сотник бошчилигида беш юзта отлиқ казак йўрға юришда келишарди. Ўндан ортиқ тўрт от қўшилган оғир замбарак-

лар, тиғли учини юқорига қаратиб, елкаларига милтиқ осиб олган икки мингта аскар ва энг охирида ўқ-дори, озиқ-овқат ортиб олган обоз келарди. Йўлда овуллар ҳам учраб турди. Циммерманнинг буйруғига мувофиқ овуллар-ни четроқдан айланиб ўтишди. Овулликлар ҳарбий саф тортганларни кўриб, олдинига ваҳимага тушганча югур-югур қилиб қолишди. Айримлари ҳатто мудофаага ҳам тайёрланишди. Русларнинг овулликлар билан иши бўлмай четроқдан ўтаётганини кўриб, қўрқув ўрнини қизиқиш эгаллади. Овулликлар тўп-тўп бўлиб олиб, сафни томоша қилишарди. Сафдагилар бир кеча қўниб, эртаси куни пешин бўлмай икки қатор девор билан ўралган Тўқмоқ қалъасига яқинлашиб келишди. Қалъага етиб келишлари билан аскарлар ҳам, казаклар ҳам ҳарбий режа бўйича ҳаракат қилишди. Энг олдин замбарак-ларни асосий дарвозанинг рўпарасига ўрнатишди. Замбарак-ларнинг ўнг томонида казаклар, чап томонида аскарлар, захирадагилар орт томонда саф тортишди. Беш-олти жойда отлиқ казаклардан дозорлар қўйишди. Ҳамма жангга тайёр ҳолда турарди. Асаблар таранг тортилган. Қалъанинг ички девори шинакларида навкарлар у ёқдан-бу ёққа югургилашиб қолишган. Қалъа беги Хонқулибек ўрисларнинг ҳаракатларини диққат билан кузатар экан, ёнида турган юзбоши кўзларини ола-кула қилиб деди:

– Бек ака, қаранг, замбарак-ларни ўқлашяпти.

– Кўряпман.

– Ўрислар кўпчиликка ўхшайдиёв...

– Ваҳима қилма, пешонадагини кўрамиз, – аланглаб мулозимини чақирди: – Сиддиқали, қанисан?

– Лаббай, бек ака.

– Маҳаллаларда ҳамма хотин-халаж, бола-бақраларни битта қолдирмай гузарга йиғ-да, Уйғур, Тоғлик дарво-заларидан чиқариб юбор. Овулларга тарқаб кетишсин. Ўрисларнинг қўлида қолишса, хор бўлишади. Ўлмасак, топиб олармиз...

Хонқулибек бошқа гапира олмай ютиниб қўйди. Сид-диқали бир сўз демасдан пахса зинадан югурганча пастга

тушиб кетди. Шинакда икки дона чўян замбарак билан пилта милтиқлар аллақачон ўқлаб бўлинган, навкарлар тутантириқни тайёр ушлаган ҳолда буйруқ кутишарди. Ҳамма ҳаяжонда. Шу пайт бир тўп офицерлар олдида турган полковник Циммерман қўлидаги қамчи билан замбараклар олдида тайёр турган штабс-капитан Таккелга ишора қилди. У шоша-пиша қиличини суғуриб, баланд кўтарди-да, пастга қараб силтар экан, бор товуши билан ҳайқирди:

– Биринчи батарея, ўт оч!!!

– Иккинчи батарея, ўт оч!!!

– Учинчи батарея...

– Тўртинчи батарея...

Батареялар бирин-кетин гумбурлатиб ўт очишди. Ер-осмонни чанг-тўзон қоплади. Биринчи залпданоқ қалъанинг дарвозаси чилпарчин бўлди. Иккинчи-учинчи залплардан кейин қалъа деворлари ўпирилиб туша бошлади. Шинакдагилар ҳам қарши отишмани бошлаб юборишди. Чўян замбараклар, пилта милтиқлар тилга кирди. Шу пайт дозорда турган казаклардан бири Циммерманнинг олдига от қўйиб келди.

– Мурожаат этишга рухсат беринг, жаноб полковник.

– Нима гап?

– Орқа томондаги дарвозалардан хотин-қизлар, болалар чиқиб, қочиб кетишяпти. Битта-яримта навкарлар, қозоқлар ҳам бор.

– Қаршилик кўрсатманг. Майли, қочиб кетаверишсин. Сенга рухсат, жойингга боравер, казак.

– Эшитаман, жаноб полковник.

Казак честь бериб, отига қамчи босди. Отишма икки соатларча давом қилди. Шу пайт ўн-ўн икки метр узунликда ички девор шинакдаги навкарлар билан бирга „гуп“ этиб ўпирилиб тушди. Навкарларнинг „дод-вой“-лари замбаракларнинг „гумбур-гумбур“и остида эшитилмай ҳам қолди. Циммерман безовталанган отининг жиловидан тортиб, тинчитар экан, казаклар турган томон қичқирди:

– Сотник!

– Шу ердаман, жаноб полковник.

– Деворнинг ўпирилган жойидан казакларни ҳужумга бошла.

– Эшитаман, жаноб полковник.

– Капитан Криштановский!

– Шу ердаман, жаноб полковник.

– Казакларнинг ортидан мингта аскарни қалъага бошланг. Шинакдаги навкарлар билан ҳам жанг олиб боринг.

– Эшитаман, жаноб полковник.

Казаклар қиличларини баланд кўтарганча қийқириб, ҳуштак чалиб, сотникнинг ортидан қалъага қараб от қўйишди. Криштановский бошчилигида мингта аскар ҳайқиришганча милтиқнинг тиғли учини олдинга қаратиб олиб, казакларнинг ортидан югургилаб қолишди. Шинакдаги навкарларнинг қаршилик кўрсатишларига қарамасдан казаклар ҳам, аскарлар ҳам илонизи қилиб, йиқилиб, туртиниб, амаллаб, ўпирилган жойдан қалъага кириб кўздан ғойиб бўлишди. Қалъа шинакларида, кўчаларида навкарлар билан отлиқ казаклар, аскарлар ўртасида қўл жанги бошланиб кетди. Отлиқлар билан пиёдалар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Циммерман ҳаяжон билан жангни кузатиб борар экан, офицерлардан бирини чақирди.

– Капитан Каменоградский!

– Шу ердаман, жаноб полковник.

– Аскарларимизни руҳан кўтариш учун беш юзта аскарни жангга олиб киринг.

– Эшитаман, жаноб полковник!

Каменоградский тайёр турган аскарлар олдига от қўйиб келди-да, тўхтар-тўхтамас қиличини суғуриб ҳайқирди:

– Йигитла-а-ар!!! Россия империяси учун олға-а-а!!!

Аскарлар бараварига ҳайқиришганча Каменоградскийнинг ортидан югуришди. Каменоградский от қўйиб борар экан, қалъанинг иккинчи деворига яқинлашганда шартта от жиловини тортиб, қиличини баланд кўтарганча ҳайқирди:

– Тўхта-а-а!!! Шинакдагиларни мўлжалга ол!! Ўт о-о-оч!!!

Беш юзта милтикдан қарийб бараварига гумбурлаб ўқ узилди. Ҳамма ёқни тутун қоплади. Ҳеч нарса кўринмай қолди. Шинакда ўқ тегиб, ўлганлар, ярадорлар, „дод-вой“, „оҳ, ўлдим“га тўлиб кетди. Ўқ тегмай омон қолганлар милтиқларнинг гумбурлаб отилган товушидан, ҳамма ёқни қоплаган тутундан, ваҳимадан тарракдай қотиб қолишди. Каменоградский пайтдан фойдаланиб ҳайқирди:

– Россия империяси учун олға-а-а!!!

Аскарлар ҳайқиришганча қалъа ичига қараб, югуриб кетишди. Қалъа ичида қўл жанги олиб бораётган казаклар, аскарлар ёрдамга келаётган жангчиларни кўриб, руҳан тетикланишди. Кучларига куч қўшилиб, навкарларга ташланишди. Йигирма дақиқаларда қалъадагиларнинг масаласи ҳал бўлди. Навкарлар таслим бўлишди. Циммерманнинг буйруғи билан ҳеч ким ҳибсга олинмади. Навкарлар ҳам, аҳоли ҳам қалъадан ҳайдаб юборилди. Порох, қурол-яроғ, замбараклар ўлжага олинди. Қалъа казаклар, аскарлар томонидан обдан таланди. Учинчи куни Циммерманнинг буйруғи билан қалъа портлатилиб, яшаб бўлмас даражада вайронага айлантирилди. „Иштаҳа овқат пайтида келади“, дегандай Тўқмоқ қалъаси устидан кам талафот билан осонгина ғалабани қўлга киритган казаклар, аскарлар руҳан кўтарилган ҳолда Циммерман ва офицерлар бошчилигида Пишпак қалъаси томон юриш қилишди. Икки кун деганда Пишпак қалъасига етиб келишди. Пишпак қалъаси Тўқмоқ қалъасидан анчагина катта ва мустаҳкам кўринарди. Циммерман от жиловини тортиб, қалъани кўздан кечираркан, хаёлидан ўтказди: „Қалъа катта. Жуда ҳам катта. Тўқмоқ қалъасидан икки баравар катта деса ҳам бўлади. Хўш, қалъа деворлари икки қатор, зовури ҳам бор. Қалъа деворларини замбарак билан қулатиш мушкул. Ташқи деворни амалласа бўлади, лекин ички девор энли, жуда ҳам энли. Бу қалъани бир-икки кун ичида қўлга олиб бўлмайди. Деярли иложи йўқ. Лекин йўлини топса бўлади. Циммерман

ҳарбий кенгаш ўтказиш учун ёзги чодир тагига қўйилган йиғма стол, стулларга офицерларни таклиф қилди.

– Жаноб офицерлар, стулларга марҳамат қилинглар. Ҳамма сиғдими? Яхши. Кечки овқатгача уч-тўрт соат вақтимиз бор. Пишпак қалъасини забт этиш масаласини ҳал қиламиз. У ёқда, ўзимизда Пишпак қалъасини кўрмасдан ишғол қилиш операциясининг хомаки режасини тузиб чиқувдик. Мана ҳозир қалъани кўриб турибсиз. Тузган режаларимиз қисман ўзгариши мумкин. Бу табиий ҳол. Энди марҳамат қилиб, бир чеккадан ҳар ким ўз фикрини ўртага ташласин. Шундай қилсак бўладими? Миннатдорман. Жаноб штабс-капитан, – Циммерман Таккелга мурожаат қилди, – сиз бошлай қолинг, сўз сизга.

– Ташаккур, – Таккел ўрнидан туриб, камарини тўғрилаган бўлди. – Жаноб полковник! Жаноблар! Кўриб турганингиздек, Пишпак қалъаси Тўқмоқ қалъасидан ҳар томонлама фарқ қилади. Қалъа деворлари энли, айниқса, ички девор ташқи деворга қараганда ҳам энли, ҳам ўта мустаҳкам қурилган. Қалъани забт этишда менинг фикрим мана булардан иборат. Биринчидан...

Таккел бир чеккадан ўйлаган режаларини айта бошлади. Гапини тугатгач унинг режалари кўпчилик офицерларга маъқул келди. Айримлари Таккелнинг режаларига қўшимчалар ҳам қилишди. Криштановский, Каменоградский ва яна уч-тўртта офицерлар ўз фикрларини билдиришди. Бир қанча мунозара, мулоҳазалардан кейин бир тўхтамга келишди...

Эртаси куни Таккел бошчилигида бешта батарея қалъага қарата ўт оча бошлади. Ҳар битта батареяда тўрттадан замбарак бўлиб, кетма-кет ташқи деворнинг бир нуқтасига қаратиб ўт очишарди. Қалъа шинакларидан ҳам замбаракларга қарши ўт очишди. Отишма беш кун давом этди. Бу вақт ичида ташқи деворнинг анча жойи упирилиб тушган, ички деворнинг таги снарядларнинг қарийб бир жойда портлашидан камарга ўхшаш каттагина ҳовуз пайдо бўлди. Бешинчи куни тун ярмидан оққанда сапёрлар аскарлар билан биргаликда йигирма пуддан ортиқроқ мина, порохли қопчаларни камарга тах-

лаб, саҳарга яқин портлатиб юборишди. Ўн-ўн беш метр девор қулаб тушиши билан тайёр турган аскарлар взвод-взводи буйича ўпирилган жойдан қалъага кира бошлашди. Қўл жанги бошланиб кетди. Ўқ товуши, бақир-чақирлар, сўкинишлар, оҳ-воҳлар, қийқиришлар қалъани тутиб кетди. Тайинланган взвод қалъа дарвозасини очиб юборди. Казаклар қиличларини ўйнатганча қийқириб, ҳуштак чалиб, дарвоза томон от қўйишди. Жанг авжига чиқди. Иккала томондан ҳам ўлганлар, ярадорлар борган сари кўпайиб борарди. Ниҳоят, пешинга яқин руслар устун келиб, қалъадагилар таслим бўлишди. Жанг тугади. Саккиз юзга яқин навкарлар асир олинди. Хотин-қизлар, болалар, чол-кампирлар ва савдогарлар қалъадан ҳайдаб юборилди. Тўртта интендант сарбозхонага утириб олиб, аскарлар ташиб келаётган ўлжаларни рўйхатга олишарди. Казаклар, аскарлар қалъани ҳафта-ўн кун талашди. Айрим хонадонларга ўт қўйиб юборишди. Лекин бутунлай вайронага айлантириб улгуришганича йўқ. Фақат дарвоза ёни деворларигина портлаш натижасида қулаб тушган холос.

Ҳозир ҳам урда олди боғда офицерлар тушлик қилиб, қизғин суҳбат қуришар экан, Циммерманнинг адъютанти стол олдига келиб, честь берди.

– Жаноб полковник, мурожаат қилишга рухсат этинг.

Циммерман курсида қаддини ростлаб, винодан қизарган кўзларини унга тикди.

– Талас томондан иккита айғоқчи келди.

– Ҳм... Тилмочни чақир.

– Тилмоч шу ерда. Айғоқчилар билан гаплашяпти.

– Жуда соз. Тилмочнинг ўзини чақир.

Адъютант честь бериб, бурилиб кетди-да, бир оздан кейин татар тилмочни эргаштириб келди.

– Нима гап? – сўради Циммерман тилмоч столга яқинлашиши билан.

– Жаноб полковник, – деди тилмоч честь бериб, – Талас томондан, довон йўли томондан хон навкарлари бостириб келаётган эмиш.

Офицерлар хавотирланиб, бир-бирлари билан кўз

уриштириб олишди. Таккел ўрнидан туриб ҳам кетди. Фақат Циммерман пинагини бузмас эди.

– Шунақа денг? Навкарларнинг сони қанча?

– Йигирма мингдан ортиқ, дейишяпти.

– Ўҳ-ҳў... Ҳозир қаерда улар?

– Узоғи билан икки кундан кейин Пишпакда бўлишар экан, жаноб полковник.

Криштановский ўрнидан туриб, мундирини тузатган бўлди, сўнгра қаддини ғоз тутганча Циммерманга қараб деди:

– Жаноб полковник, биз басурманларни муносиб даражада кутиб оламиз.

– Шубҳам йўқ.

– Уларни ер билан яксон қиламиз, – деди Каменоградский.

– Замбараклардан шундай ўт ёғдирайликки... – деди Таккел.

– Тинчланинг, жаноблар, тинчланинг! – адъютантга қараб, – Офицерларни зудлик билан штабга чақир. Шошма... Анови айғоқчиларга интендантдан ул-бул нарса олиб, бериб юбор, энди боравер, – офицерларга қараб, – жаноблар, олимларимиз „олдин иқтисод, кейин сиёсат" дейишган. Шунинг учун хон навкарлари қачон босиб келишидан қатъи назар тушликни охиригача еб, тамом қиламиз, вассалом.

Офицерлар хохолаб кулишди.

– Кейин эса хон навкарларининг бостириб келиши муносабати билан ҳарбий кенгаш ўтказамиз. Гапларимга қўшиласиз, деган умиддаман, жаноблар.

Офицерлар „қўшиламиз" дегандай бараварига мамнун бош ирғашди.

VI БОБ

Маллахоннинг фармонига биноан Тошканд ҳокими Қаноатшо қўшбеги Тошканд, Қурама қўшинларини бирлаштириб, Пишпак қалъаси томон қўшин тортиб борди. Йўл-йўлакай Чимканд, Авлиёота қалъалари навкар-

ларини ҳам қўшиб олди. Бу орада бир ҳафта нари-бери вақт ўтди. Авлиёотадан бир кунлик йўл юргандан кейин Шодмонхўжа мингбошининг қўшини билан бирлашди. Беклар ҳам, навкарлар ҳам бир-бирлари билан хурсанд ҳолда кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашишди. Талас қалъасида икки кун дам олишди. Қисқа кенгашдан кейин учинчи куни биргаликда Пишпак қалъаси томон юришди. Олимбек додхоҳнинг қўшини билан Пишпак қалъасида қўшилиши учун довон йўлида навкар қолдиришди. Йўлда бир кеча қўниб, иккинчи куни Пишпак қалъасига яқинлашишар экан, олдинда кетган илғор юзликдан икки отлиқ қуюндай елиб келишди-да, отдан туша солиб, Шодмонхўжа мингбошига таъзим қилишди. Мингбоши ёнида турган Қаноатшо қушбегига қараб бир сўз демасдан навкарларга савол назари билан тикилди.

– Мингбоши жаноблари, қалъа дарвозалари ланг очиқ. Деворнинг икки жойи портлашдан қулаб тушган. Қалъада деярли одам йўқ.

– Қанақасига одам йўқ? Ўрислар-чи?

– Ўрислар қалъани талаб, икки кун олдин Тўқмоқ қалъаси томон чекинишибди.

– Жин урсин... Лаънати чўчқалар. Қалъа қай ҳолатда?

– Қалъанинг ҳолати яхши, мингбоши жаноблари. Ўрислар бузиб, вайрона қилишга улгуришмаган, шекилли. Фақат раста, уч-тўртта дўкон, гузарда ҳам беш-ўнта уйларга ўт қўйишган холос. Ўрислар кетгандан кейин эллик-олтмишта моли таланган савдогарлар, юз-юз элликта аҳоли қайтиб келган. Чунки уларнинг қалъадан бошқа борадиган жойлари ҳам йўқ, мингбоши жаноблари.

– Наузанбиллоҳ... Лаънати ўрислар. Бўпти, сизларга рухсат, дасталарингизга бораверинглар, – Қаноатшога қараб, – қушбеги жаноблари, Пишкакда тўхтамай тўғри Тўқмоққа бораверамиз. Бу ерда ҳам навкар қолдиринг. Олимбек додхоҳ келса, қўшини билан тўғри Тўқмоққа бораверсин.

– Маъқул.

Жадал юриш билан бир кунда Тўқмоқ қалъасига етиб

боришди-да, вайронага айланган қалъа олдида тўхтамай Чу дарёси лабида қунишди. Қушин овқатланиб, дам оларди. Овуллардан юборилган айғоқчилар шом аралаш хуфтонга яқин дарё кечиб, етиб келишди. Бу пайтда Шодмонхўжа додхоҳнинг чодирида ҳарбий кенгаш бўлаётган эди. Айғоқчиларнинг каттаси чодирга кириб, таъзим қилди. Тўрда ўтирган Шодмонхўжа кўзини айғоқчига тиқди.

– Бориб, келдиларингми? Нима гап?

– Бориб, ҳамма жайди қораб чиқдиқ. Ўрислар Бикатти ўзиға жай қивоған.

– Бикатти ўзида дегин? Замбарак, навкарлари қанча?

– Жийирма-уттизтача замбарағи бор. Қушини пияда, отлиқ оралаш уч-тўрт минғ чиғип қоларов. Бари ўрисларди қўлида найзали милтиғи бор.

– Бўпти, сенга рухсат, – айғоқчи кўздан ғойиб бўлгач мингбоши давра қуриб ўтирган бекларга қараб, гапида давом этди. – Мана сизларга маълумот. Қаноатшо!

– Лаббай, мингбоши жаноблари.

– Ўн-ун беш йилдан бери жанг-жадални кўп кўргансиз, ҳарбий тажрибангиз бизникидан кўпроқ. Саркардаликни қўлга олинг. Эртага бўладиган жанг ҳақида режа, фикрларингизни ўртага ташланг.

– Маъқул, мингбоши жаноблари, – деди Қаноатшо ўтирган жойида бир қимирлаб олиб. – Мингбоши жаноблари! Жаноблар! Маълумотларга ҳамда жойлардаги шароитга қараб, қушинни учга бўламиз...

Мулоҳаза, мунозаралар билан кенгаш тун ярмигача давом этди...

Эртаси куни тонг отиши билан кенгашда тузилган режалар бўйича Шодмонхўжа мингбоши етти минг навкар билан Бикат мавзесига чап йўл билан. Қаноатшо беш минг навкар билан ўнг томондан борадиган бўлди. Икки минг навкар Нормуҳаммад қушбеги бошчилигида захирада турадиган бўлди. Бошлаб Шодмонхўжа мингбоши навкарлари билан Чу дарёси кечувидан ўта бошлади. Охирги навкар кечувдан ўтиб бўлувди ҳамки, Олимбек додхоҳнинг илғор юзлиги от қўйиб келиб қолди.

Ҳаммалари отларидан тушиб, Қаноатшога таъзим адо қилишди.

– Ҳормангглар, йигитлар! – деди Қаноатшо навкарларга бирров кўз югуртириб.

– Бор бўлсинлар, бек ака, – юзбоши қўлини кўксига қўйган ҳолда, – биз Андижондан, Олимбек додхоҳ дастасиданмиз.

– Додхоҳ жаноблари қаердалар?

– Икки чақирим наридалар, бек ака. Ҳализамон ўн икки минг навкар билан келиб қоладилар.

– Яхши, навкарларингизга дам беринг.

Фурсат ўтиб, довон йўли томондан чанг-тўзон кўтарилди. Қўшин бошида Олимбек додхоҳ бир тўп бийлар билан йўрға юришда келарди. У гердайган ҳолда Қаноатшоларга яқинлашиб, от жиловини тортди. Қаноатшо мезбон сифатида бийларга салом берди.

– Ваалайкум... – ҳамма учун қисқа жавоб берди Олимбек додхоҳ, кечувдан ўтиб, узоқлашиб бораётган қўшинга бир қараб олиб, қовоғини уйган ҳолда сўради. – Кечувдан ким ўтди?

– Шодмонхўжа мингбоши жаноблари.

– Нега мени кутмади?

– Ҳозир кутадиган маврид эмас, бек, – додхоҳнинг қўполлигидан ғижини келиб, – ҳар бир дақиқа ғанимат. Айғоқчиларнинг гапларига кўра, ўрислар Бикат мавзесида ўрнашиб олишганмиш. Ёрдам кучи етиб келмасдан иложи борича қирғин қилиб, уларни Дашти Қипчоқ томон ҳайдаб, қувиб юборишимиз керак.

– Ҳмм... Қўшинга ким сардарлиқ қип жатир? Шодмонхўжа мингбошима?

– Йўқ. Қўшинга ҳозирча мен сардорлик қиляпман.

– Се-е-ен?!

– Шундай. Мен сардорлик қиляпман.

– Нега сен сардарлиқ қиласан? Хон ҳазратлари номани маған жуварғаннар. Қўшинға мен сардарлиқ қиламан.

– Хон ҳазратлари менга ҳам нома юборганлар, бек, – Қаноатшонинг ғазабдан этлари жимирлашса ҳам ўзини

босиб, гапини давом қилди. – Бу биринчидан, иккинчидан сизнинг унвонингиз додхоҳ. Менинг унвоним – қушбеги. Учинчидан, сиз Андижон шаҳрида „бек“ лавозимидасиз. Мен Тошканд шаҳрида бекларбеги лавозимидаман. Чиноз, Бўка, Қурама, Чимканд, Туркистон, Авлиёота, Талас, Пишпак, Тўқмоқ, шаҳар, қалъа, қишлоқ, овуллар устидан назорат қилиш менга топширилган. Ҳозирнинг ўзида сиз турган жой ҳам менинг тасарруфимда. Кўрдингизми, бек, ҳар томонлама мен сиздан устунман. Ҳатто от чопиб, қиличлашишда ҳам сиздан устун тураман. Шунинг учун ҳам қўшинга сардорлик қилишга тўла ҳақлиман.

Олимбек додхоҳ Қаноатшонинг мантиқли гапларидан бўғриқиб, қип-қизариб кетганидан тили гапга айланмай қолди. Бир-икки чуқур нафас олгандан кейин ёнидаги бийларга хириллаган товушда деди:

– Ҳой... Хидир, Чутан, Ирисали... Маған қора баринғ. Бу билан ошимиз пишмайдиғанға ухшайди. От бошини довонға бур. Бул жерда биз қиладиған иш жўғакан.

Олимбек додхоҳнинг гапларини эшитиб, бийлар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Кейин ўзаро пичирлашиб, отларини ниқтаб, Олимбек додхоҳнинг олдига келиб, тухташди. Чутанбий бийларнинг ишораси билан товушини пастроқ қилиб сўради:

– Маған қора, бий, „довонға қойтамиз“, дийсамма?

– Шундайча қиламиз. Довондан ўтип буғандан кейин қўшинди овул-овулиға қўйиб жуварамиздағин ўзимиз беш-ўн кун овулма-овул журамиз. Эт жеб, қимиз ичип, бийлар минан гурунғлашип, қойтамиз. Бўлама?

– Бўмайди. Урислар минан савашмоймизма?

– Савашмоймиз.

– Денинғ совмасов. Ўзи, туври ўйлаяпсамма? Тағин бийларди олдида, хонди олдида шарманда бўп қомаймизма?

– Шарманда бўмоймиз. Хон чоғирса, нима дийишди ўзим биламан.

Ирисалибий Чутанбийга олақараш қилди.

– Маған қора, Чутанбий, „савашмоймиз“ дияпти бўлди-да, мунча эзмаландинғ. Ҳозирғи савашда ўлғанинғ

жахшима, ё довонди наржағида эт жеб, қимиз ичғонинг жахшима? Қона, маған ойт-чи? Говим туврима, бийлар?

– Туври, туври...

– Сартларди ўзи савашаберсин.

– Савашмай қойтсақ, овулдағилар „уятға қолдиқ", деп ор-номус қимойма?

– Ҳа-я... Чўтанбий ойтқондай шарманда бўп қосақ, қойтамиз?

– Ана, ойттим-ғу...

– Э, ойтмой ўл-е... Оринг неси? Номусинг неси? Олимбийдинг ойтқонини қиламиз.

– Мана бу оқлли гап бўлди, Олимбийдинг гови туври.

– Ирисалибийдинғам гови туври.

– Довонға қойтамиз.

– Эт жеб, қимиз ичамиз.

Қирғиз, қипчоқлар чуғурлашиб, бир қарорга келгунга қадар Қаноатшо қушбеги қушини билан кечувдан ўтиб, Бикат томон от қўйди. Икки чақирим орқароқда захирага ажратилган навкар билан Нормуҳаммад қушбеги елиб келарди. Фурсат ўтиб, Бикат ҳам кўрина қолди. Узоқдан замбарак, милтиқларнинг гумбурлаган товуши, қиличларнинг бир-бири билан қарсиллаб урилиши, одамларнинг бақир-чақири эшитилар эди. Жанг ҳидини сезган отларнинг бурун парраклари кенгайиб, кишнашага тушди. Навкарларнинг томирида қон югуриб, этлари жимирлашди. Ниҳоят, ҳамма ёқда сочилиб ётган ўликлар кўзга ташлана бошлади. Мусулмоннинг ҳам, ўриснинг ҳам ўлиги бор. Қушин олдида от қўйиб бораётган Қаноатшо қиличини ўйнатиб, бор товуши билан ҳайқирди:

– Йигитла-а-ар!!! Динимиз учун!!! Ватанимиз Фарғона мамлакати учун!!!.. Хон ҳазратлари учун... Ўрисларни бо-о-о-осс!!! Ўрисларни урҳо-о-о-о!!!

Навкарлар қийқириқ кўтариб, Қаноатшонинг ҳайқирғини илиб кетишди.

– Ҳа-ҳа-ҳа-а-а-айт!!!.. Ур ўрисларни!!!

– Ур, даюсларни!!!

– Ўлсанг, шаҳид!!!

– Ўлдирсанг, ғозий!!!

Шодмонхўжа мингбошининг отлиқ навкарлари билан казаклар, аскарлар ўртасида қонли жанг кетарди. Қаноатшо навкарлари жангоҳга яқинлашмасданоқ рус замбарақларидан отилган снарядлар дўлдек ёғилди. Бир мунча талафотлар бериб бўлса ҳам навкарлар ҳужумни бўшаштирмади. Қайта-қайта ҳужум қилаверишди. Ниҳоят, руслар ҳужумларга бардош бера олмай Кастак томон чекина бошлашди. Навкарлар уларнинг чекинишганини кўриб, руҳан тетикланишди. Уларни Кастаккача қувиб боришди. Чошгоҳда бошланган жанг асрдан ўтиб, тугади. Русларнинг батамом қирилиб кетишидан уларни артиллерия сақлаб қолди. Офицерларнинг кайфияти олдингидай эмас. Полковник Циммермандан тортиб оддий аскаргача руҳан тушиб кетган. Улар навкарларнинг ўлимга тик қараб, шиддатли ҳужумлар қилишларини асло кутишмаган эди. Қўшин Бикатда бир ҳафта қолди. Ўлганларнинг жанозасини ўқиб, кўмишди. Бикат, Тўқмоқ атрофидаги фуқарони Пишпак, Марки, Авлиёота қалъаларига кўчиришди. Кенгаш қилиб, қўшиннинг асосий қисми Шодмонхўжа мингбоши, Нормуҳаммад қушбеги бошчилигида жўнаб кетишди. Қаноатшо қушбеги икки минг навкар билан Пишпак қалъасида қолди. Қалъа деворларини яхшилаб таъмирлади. Фуқаролар турмушини йўлга қўйиб, икки ойлардан кейин Тошкандга жўнаб кетди.

* * *

Верний қалъаси... Русларнинг Бикат мавзесидан Кастаккача талафотлар билан шармандали чекинишлари Верний қалъаси у ёқда турсин, Ғарбий Сибирь, ҳатто Оренбург губерниясигача етиб борди. Бу пайтда генерал Катенин вафоти муносабати билан унинг ўрнига генерал Александр Павлович Безак тайинланган, Ғарбий Сибирь губерниясига эса генерал Госфорд истеъфога

чиқиши муносабати билан унинг ўрнига генерал Дюгамель тайинланган эди. Полковник Циммерман Карпинга ёзган рапортида Бикатда бўлган жанги талафотларини камайтириб, чекинишини „ҳарбий тактика" деб хаспўшлаган бўлса-да, Карпин дарҳол тегишли хулоса чиқариб олди. Петербургга юборган рапортида ўз фикр, мулоҳазаларини ёзди. Генерал Дюгамель билан маслаҳатлашиб олиш учун йўлак буйлаб қабулхона томон юрди. Адъютантнинг тавозеъ билан „кираверинг" ишорасидан кейин эшикни очиб, кабинетга кирди.

– Рухсат этинг, Александр Осипович.

– О, Дмитрий Максимович, азизим, – Дюгамель ўтирган жойидан қўли билан курсига ишора қилди, – марҳамат, курсига марҳамат қилинг.

– Ташаккур.

– Куринишингиздан кайфиятингиз йўқроққа ўхшайди.

– Худди шундай, Александр Осипович, – Карпин ўзини курси суянчиғига ташлаб, – полковник Циммерманнинг рапортини ўқиб, ростдан ҳам кайфиятим тушиб кетди.

– Э, ҳа-а, Дмитрий Максимович, азизим, шу арзимаган талафотга шунчалик куйинасизми? Армиямизда бундан ўн карра, ҳатто юз карра ортиқ талафотлар бўлган.

– Гап талафотда эмас, Александр Осипович.

– Тушунмадим.

– Гап шундаки, Верний қалъасини, Кастакдаги қалъани қурганимизда ён-атрофдаги қозоқ, қирғиз, қипчоқларнинг Россия империясига нисбатан ҳурмат, ишончини қозонган эдик. Пишпакдан тортиб, Тўқмоқ, Бикат, Кастаккача чекинганимиздан кейин уларнинг олдида обрўйимиз тушиб кетди.

– Хўш, нима бўпти? Мен у осиёликларни умуман одам қаторида ҳисобламайман.

– Тўғрику-я, лекин улар яна хон томонга ўтиб олиб, бизга қаршилик кўрсатишлари мумкин. Мен мана шу томондан хавотирдаман.

– Оҳо... Ҳм, шунақа денг? – Дюгамель оромкурсида

қаддини ростлади. – Бу жиддий масала, ҳатто хавфли деса ҳам бўлади. Биби Марям, бу ёввойи осиёликлардан ҳамма нарсани кутса бўлади.

– Мен ҳам шу фикрдаман. Шунинг учун ҳам сиз билан уйлаб қўйган режаларим тўғрисида маслаҳатлашмоқчи эдим.

– Жуда соз. Қулоғим сизда, Дмитрий Максимович.

– Гапнинг лўндасини айтиб қўяқолай, Александр Осипович, бундан кейинги ҳарбий походларимизда умуман чекинишимиз керак эмас. Бунинг учун олдин разведкага зўр беришимиз керак. Верний қалъасидан тортиб, Кастак, Бикат, Туқмоқ, Авлиёота қалъалари, иложи бўлса, Маймоқ, Қорабулоққача бўлган ерларни разведка қилиб, керакли маълумотларни олиш керак. Оренбург губернатори, генерал Безак жанобларига ҳам мактуб юбораман. Улар ҳам Сирдарё йўналиши бўйича Перовский фортидан тортиб, Жўлак, Янгиқўрғон, Динқўрғон, хуллас, Туркистонгача бўлган ерларни разведка қилиб, маълумотлар олишсин. Разведка, маълумотлар меъёрига етгандан кейин иложи борича бир пайтнинг ўзида Верний қалъаси ҳамда Перовский фортидан ҳарбий поход уюштирамиз. Бундай шароитда Қўқон хонлигининг армияси иккига, ҳатто учга бўлиниб кетиши мумкин. Ана шундагина уларнинг устидан тўлиқ ғалаба қозонишимиз турган гап. Хўш, Александр Осипович, уйлаган режаларим сизга маъқул келадими?

– Ёмон эмас, Дмитрий Максимович, жуда ҳам ёмон эмас, – Дюгамель жонланиб, кафтларини бир-бирига ишқалади, – режаларингизга бутунлай қўшиламан. Аввалига разведка, маълумот, кейин эса ҳарбий поход. Яхши, жуда яхши. Бу ишларни амалга оширишимиз учун қанча муддат керак бўлади?

– Бир йил етиб қолар, дейман, Александр Осипович, узоғи билан бир ярим йил.

– Бир ярим йи-ил? – Дюгамель бир фурсат ўйланиб туриб, гапини давом қилди, – Дмитрий Максимович, мен бир ойларнинг ўртасида Петербургга жўнаб кетяпман.

– Петербургга-а?!

– Худди шундай, генерал-адъютант граф Милютин жаноблари ҳарбий министр лавозимига тайинландилар. Шу муносабат билан ҳамма губернаторларни Петербургга чақиртирдилар. Фақат губернаторлар ҳамда министрлар иштирокида уч-тўрт кун ҳарбий кенгаш бўлади. Кенгашда Туркистон масаласи ҳам кўрилиши аниқ. Кенгашдан олдин Осиё бўлимининг бошлиғи граф Игнатьев ҳамда генерал Безак жаноблари билан маслаҳатлашиб оламан. Кейин губерниямиз учун ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий томондан ёрдам беришларини сўрайман. Йўқ, талаб қиламан. Рапорт билан рўйхатни биргаликда тузамиз. Сиз эса, Дмитрий Максимович, бу вақтнинг ичида разведка билан шуғулланасиз. Иккаламиз бир вақтнинг ўзида ҳаракат қилсак, мўлжаллаган ишларни бир йил ичида поёнига етказишимиз турган гап. Хўш, гапларим сизга маъқулми?

– Маъқул бўлганда қандай, Александр Осипович, ҳатто кайфиятим ҳам кўтарилди. Мен шу бугуноқ Оренбург губернаторига мактуб ёзиб юбораман. Кейин эса қозоқ, қирғиз бийларини йиғиб, разведка билан шуғулланаман, – Карпин ўрнидан турди. – Мазмунли суҳбатингиз учун миннатдорман, Александр Осипович, энди рухсатингиз билан...

– Ташаккур, Дмитрий Максимович, марҳамат қилинг.

Карпин кабинетдан чиқиб, кўздан ғойиб бўлгач, Дюгамель ўрнидан туриб, мамнун ҳолда қўлларини орқасига қилганча кабинет бўйлаб, у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. У граф Милютинга берадиган рўйхатни хаёлида пишитарди...

Йигирма кунлардан кейин иккала губернияда ҳам разведка ишлари бошланиб кетди. Қарийб бир вақтнинг ўзида Верний қалъасидан Авлиёота қалъасигача ҳамда Перовский фортидан Динқўрғон қалъасигача разведка қилиниб, маълумотлар тўпланди. Бу орада генерал Дюгамель, генерал Безак Петербургга бориб, келишди. Иккови ҳам қуруқ қайтишмади. Граф Игнатьевнинг саъй-

ҳаракати билан иккала губернияга ҳам керакли миқдорда ўқ-дори, артиллерия, икки ротадан аскар, бир эскадрондан отлиқ казаклар ажратиб берилди. Ҳар куни тинимсиз машқлар ўтказилди. Разведкадан етарли миқдорда маълумотлар тўплангач, бир йилдан кейин ҳарбий походлар бошланди. Перовский фортидан генерал Дебу қўл остидаги офицерлар ҳамда казаклар, аскарлар, артиллерия билан ҳарбий походларни амалга оширди. Перовский форти билан Туркистон шаҳри ўртасидаги Жўлек, Янгиқўрғон, Динқўрғон қалъаларини қамал қилиб, жанг-жадаллар билан босиб олишди. Верний қалъасидан эса подполковник Колпаковский ҳарбий қисмлари билан Пишпак қалъасини, подполковник Лерх Марки қалъасини, штабс-капитан Працинко Жунгал, Куртка қалъаларини қамал қилиб, забт этишди. Бек, навкарларни ҳибсга олиб, аҳолини тўрт томонга ҳайдаб юборишди. Фарғона мамлакати осмонида қора булутлар тўплана бошлади.

* * *

Қўқон... Хон саройи. Маллахон ҳозиргина чопар келтирган номани қовоғи уйилган ҳолда ўқирди. Унинг Бухоро амири Музаффархонга нисбатан шубҳалари тўғри чиқди. Ўрислар икки томонлама ҳарбий поход бошлашлари билан Бухоро амири вақтни ғанимат билиб, ўн мингдан ортиқроқ қўшини кечаю кундуз жадал юришлар билан Ўратепани қамал қилди. Қўшинга амир Музаффархоннинг ўзи бош бўлмаса-да, отасидан қолган ишончли беклардан бири банги Иброҳим хаёлни қўшинга бош қилиб, Ўратепа, Нов, Хўжандни жанг-жадаллар билан қўлга олишни фармон берди. Маллахон бир ҳафтанинг ичида олдинма-кетин учта нома олди. Номалар бири Пишпакдан, бири Жўлакдан, бири Ўратепадан келди. Ўратепадан келган номани ўқиб бўлиб, жаҳл билан ғижимлаганча ерга отиб юборди. Ўзини тахт суянчиғига ташлаб, кўзларини юмди. „Жин урсин... Ўрисларни Пишпак,

Тўқмоқ қалъаларидан Кастаккача қувиб, бир оз тинчигандай бўлувдик. Хурсанд ҳам бўлувдик. Шунга ҳам чипқон чиқди. Бир вақтнинг ўзида учта сарҳаддан ҳужум бўлса-я! Парвардигорим, қайси гуноҳларим учун мени бунчалик азоблаяпсан? Товба қилдим, товба қилдим... Гуноҳларим кўп. Жуда ҳам кўп. Шунисига ҳам шукур. Гуноҳларимни ўзинг кечир, Қодир эгам, астойдил товбадаман. Хў-ўш... Жўлакка қўшин тортиб боришни Қаноатшога фармон бердим. Пишпакка ўзим бош бўлиб, қўшин тортаман, деганимда Ўратепа чиқиб турибди. Нима қилсам экан? Қўшинни учга бўлсаммикин? Йўқ. Бўлмайди. Қаноатшо қушбеги эплайдику-у... Лекин Олимбек додхоҳга ишониб бўлмайди. Икки йил олдин Бикатдаги жангда қирғинга аралашмай қўшин билан чеккага чиқиб турган. Шахсан ўзим бориб, тафтиш қилганимда ўзи тугул, ён-атроф бекликларда анчагина камомад бўлувди. Маълумотларга қараганда арконлар ҳам пора олар экан. Ҳали шошмайтур ҳамманг, мана бу муаммоларни ҳал қилиб бўлгандан кейин олдин додхоҳни Қўқонга чақиртираман. Ҳокимликдан олиб ташлайман. Яхшиси, растага олиб чиқиб, дорга торттираман. Қолганларга ибрат бўлсин. Саройни ҳам айрим арконлардан тозалашим керак. Шодмонхўжа мингбоши, Алимқул эшикоғаси, Ирисалибийларни Туркистонга бадарға қиламан. Хидирбий додхоҳ, Худойназарбий, Чутанбийларни Чинос, Чимкандга бадарға қиламан. Акс ҳолда, сарой қирғиз, қипчоқларга тўлиб кетди. Бу ишни Ўратепадан келгандан кейин амалга ошираман. Ҳозир эса имкон қадар тезлик билан Ўратепага қўшин тортиб боришим керак. Иложи борича тезроқ".

Маллахон икки кун ичида нари-бери қўшин йиғиб, тўрт кун деганда Ўратепага етиб борди. Бу пайтда Иброҳим хаёл Ўратепани забт этиб, Баротбекни ҳоким қилиб тайинлаган эди. Ўратепага кираверишда Қалъачаи Араб мавзесида иккала қўшин бир-бири билан тўқнашди. Жанг бошланиб, қизиб улгурмасдан Бухоро

қўшини чекина бошлади. Бошлаб Иброҳим хаёлнинг ўзи „қочмоқ ҳам ҳунардур“ деганларидай от бошини Бухорога буриб, қамчи босди. Маллахон Ўратепа шаҳрига кирди. Фуқаронинг хоҳиши билан Баротбекни ҳокимликда қолдириб, қўшини билан Қўқон томон йўл олди. Конибодомга етиб келганда кеч кириб қолгани учун шаҳар бегининг ўрдасида қўнди. Тун ярмида дам олиб ётган хонасига ҳудайчи кирди.

– Хон ҳазратлари.

– Нима гап? – Маллахон норозисимон кўзларини ишқалаб ҳудайчига қаради.

– Тоғангиз киришга изн сураяптилар.

– Тоғам?! Қанақа тоғам?!

– Таласдан. Раҳмонқулбек жаноблари.

– Ия, Раҳмон тоғам келдиларми? Таласдан келдиларми? Дарҳол чақир! Тез бўл!

Ҳудайчи ташқарига чиқиб, Маллахон ўрнидан турди. „Тун ярмида тоғам нега келдийикин? Яна Конибодомга-я. Қўқонда кутмай бу ерга келганига қараганда жиддий иш бўлганга ўхшайди. Вой, тоғам-ей, дарвозадан қандай қилиб кирдийикин? Ишқилиб, тинчлик бўлсин“. Раҳмонқулбек хонага кирди-да, таъзим адо қилиб, қўл қовуштирди.

– Хон ҳазратлари, ижозатлари билан...

– Вой, тоғажон-ей... Ассалому алайкум, – Маллахон тоғасининг гапини бўлиб, қучоғини очганча у томон юрди. – Расмиятчиликнинг нима кераги бор, „хон ҳазратлари“га бало борми, ахир мен жиянингизман-ку, оддийгина қилиб „жиян“ денг, вассалом. Мени овулда юрган пайтдагидай „сен“сираб гапираверинг.

– Э-э, хонни „сен“сираб бўлар эканми? Хон ҳазр... э, жиян, буни қара, сени „жиян“ дейишга тил қурғур ҳам айланмайди-я.

– Ха-ха-ха, айлансин-да, тоға, айлантиринг. Хуш, яхши келдингизми? Мол-жон омонми? Ўзингиз тинчми? Овулдагилар яхши юришибдими?

– Яхши, жиян, ҳамма тинч, – Раҳмонқулбек қуришиб,

ҳол-аҳвол сўрашиб, кўрпачага ўтирди-да, алланарсаларни пичирлаб, юзига фотиҳа тортди. – Уф, вой-вой-ей... олдинга кириш мунча қийин? Қирқ битта чиғириқдан ўтдим шекилли. Мунча ҳам қийин қилиб қўймасанг?..

– Ҳа, энди, тартиб шунақа-да, тоға, – деди Маллахон тоғасининг соддалигидан завқи келиб.

– Ҳе, тартибинг қурсин. Бизларгаям тартибми? Шом аралаш келувдим. Шу пайтгача юзтаси суриштирди „кимсан? Қаердан келдинг?“ деб. Бошларим оғриб кетди. Биттасиям танимайди. Олдинига яхши гапириб кўрдим, бўлмади. Кейин бақир-чақир қилиб, амаллаб кириб олдим.

– Ха-ха-ха, вой тоғам-ей, овора бўлиб, бу ерларга келиб нима қилардингиз? Саройда кутсангиз ҳам бўлардику, маза қилиб, дам олиб ётардингиз.

– Э, ҳозир дам оладиган пайтми, жиян? Хабарни эшита солиб, отга миниб йўлга тушдим.

– Хабар?! Қанақа хабар? – сергакланиб сўради Маллахон.

– Бир вақтлар опам менга...

– Опангиз ким, тоға? – Раҳмонқулбекнинг гапини бўлиб сўради.

– Ё, товба... Ким бўларди, ҳа, сени энанг, Ҳокимойимда.

– Ие, ойихониммилар?

– Ҳа-да...

– „Опа“ деган сўзни эшитмаганимга юз йил бўлдиёв, шунинг учун менга ғалат туюлди. Гапираверинг, тоға.

– Бир вақтлар опам менга бир халтача тилла танга бериб, қаттиқ тайинловди. „Беш-ўнта шаҳар, қишлоқларга ўз одамингни қўй. Бирор гап эшитсанг, дарҳол хабарини менга етказ“, девди. Бир ҳафта олдин Андижондан хабар келди.

– Хуш-хуш?

– Қайси бир йиғинда Олимбек додхоҳ бир тўп бийлар билан „яқин ўртада хонни тахтдан ағдариб, ўрнига бошқасини ўтқазамиз. Охирги келганида тафтиш қилиб, ҳаммани остин-устин қилиб кетди. Тездан чорасини кўрмасак, бўлмайди“ деган гапни қилишибди. Хабар кели-

ши билан отга миниб, йўлга тушдим. Қўқонга келсам, „Ўратепага қўшин тортиб кетди", дейишди. От бошини Ўратепага бурувдим, ҳартугул, сени бу ерда учратдим. Хулласи калом, хабарни сенга етказдим, энди бу ёғини ўзинг биласан жиян.

Маллахон тўрт ойларча олдин бекликларни тафтиш қилгани борганини эслади. Ўшанда хоннинг шахсан ўзи келишини кутмаган беклар анча шошиб қолишди. Солиқ, закот, ушрларда етишмовчиликларни кўриб, жаҳл устида бир нечта беклар, бийларни амалидан олиб ташлади. Бир қанчасини зиндонга қомади. Шуларни ўйлаб, Маллахоннинг этлари жимирлашиб кетди. Беклардан ҳар нарсани кутса бўлади. Бир зум ўйланиб тургач бир қарорга келди шекилли, тоғасига жилмайиб қаради.

– Оббо, тоғажоним-ей, ҳақиқатан ҳам ўта муҳим хабар келтирдингиз. Бу ёғини ўзимга қўйиб беринг. Айтгандай, қорин қалай?

– Гур бўлармиди. Кун бўйи ҳеч нарса еганим йўқ.

Маллахон икки марта қарсак уриши билан ҳудайчи кўринди.

– Раҳмон тоғамни яхшилаб меҳмон қил. Дамларини олсинлар. Кейин зудлик билан мирзабошини чақир. Тезлат, – Раҳмонқулбекка қаради. – Тоғажон, сиз ҳудайчи билан боринг. Менинг озроқ қиладиган ишим бор. Эрталаб гаплашамиз, маъқулми?

– Маъқул, – Раҳмонқулбек бош ирғади.

Икковлари хонадан чиқишди. Маллахон болишга суянган ҳолда хаёлга чўмди. „Зудлик билан Қаноатшони қўшини билан бирга Қўқонга чақиртириш керак. У ҳозир Жўлакда бўлса, ўн-ўн беш кун ичида етиб келади. Олимбек додхоҳнинг ўзини чақиртираман. Ўзи келса, яхши. Шартта ҳибсга олиб, дорга торттираман. Қолганларини ҳам шундай қиламан. Агар келмаса, Қаноатшо билан Андижонга қўшин тортиб борамиз. Олимбек додхоҳни бир ёқли қилиб, кейин довон орқали Пишпак, Авлиёота қалъаларини босамиз. У ердан урисларни қувиб, кейин Жўлакка ўтамиз...". Шу пайт хонага мирзабоши кириб, таъзим адо қилди.

– Келдингми? Дарҳол иккита нома битгин. Бири Қаноатшога, зудлик билан қўшинни олиб, Қўқонга келсин. Иккинчисини Олимбек додхоҳга битгин, бийлари билан бирга Қўқонга келсин. Чопарларни саҳар жўнатиб юбор. Бекларнинг бирортасига дамингни чиқарма.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Мирзабоши хонадан чиқиб, танобий буйлаб юрар экан, қия очиқ эшикдан „мирзабоши" деган товушни эшитиб, жойида таққа тўхтади. „Ё, товба... Алимқул понсоднинг товуши-ку, тун ярмидан ўтганда ухламай нима қилиб ўтирибди? Наҳотки мени пойлаб ўтирган бўлса? Ишқилиб бир ғалвани бошламасин-да. Бу шайтоннинг қўлидан ҳар бало келади. Парвардигор, офатлардан ўзинг асра". Мирзабоши бурилиб, Алимқул ўтирган хонага кирди. Хонтахта усти шамдонда фақат битта шам хонани хира ёритиб турарди.

– Чақирдингизми?

– Чоқирмасам, ўзингдан билиб, кирай, демайсан. Хон нега чоқирипти?

– Шундай... Иккита нома битишимни буюрдилар.

– Кимларга?

Мирзабоши кўзларини пирпиратганча пешонасини тириштириб, сукутга борди. У Алимқул понсодга қўрқа-писа қаради. Алимқулнинг обрўси саройда бек, арконлар у ёқда турсин, Шодмонхўжа мингбошининг обрусидан ҳам баландроқ эди. Алимқул понсодни ҳурмат қилишмаса ҳам чўчишар, аниқроғи, қўрқишарди. Ўзига ёқмаган унча-мунча бек, бийларни кишибилмас йўқ қилиб юборишга устаси фаранг эди. Мирзабоши „айтай" деса, хон ғазабидан, „айтмай" деса, Алимқул понсоднинг найрангларидан қўрқади. У икки ўт орасида қовриларди. Понсоднинг дўқ аралаш гапларидан чўчиб тушди.

– Тилингди жутғаммисан? Мендан жаширяпсамма? Номаларингди оппорадиган чопарларди бари моған қорашли жигитлар. Бир ишора қисам, номаларди туври ўзимға опкеп беради.

– Маъзур тутсинлар, бек ака, мен жанобларидан ҳеч

нарсани яширмоқчи эмасман. Лекин хон ҳазратлари „махфий тут“, деганлари учун...

– Хонинғди қуйип тур. Сен маған кимларға нома битишинғди ойт. Тушундинғма?

– Тушундим, бек ака, тушундим... Қаноатшо қушбеги жаноблари билан Олимбек додхоҳ жанобларига нома битаман, бек ака.

– Қанаатшаға нима деп битасан?

– Қаноатшо қушбеги жанобларига Жўлакдаги қўшин ҳамда йўл-йўлакай Хужанддаги қўшин билан бирга Қўқонга келиш буюрилган.

– Додхоға-чи?

– Олимбек додхоҳ жаноблари олдиларидаги бийлар билан бирга Қўқонга ташриф буюришлари буюрилган.

– Шунақа деғин?

Алимқул понсод қовоғини уйганча кўзларини юмиб, бир зум ўйланиб турди. Кейин кўзларини очиб, Мирзабошига қаради.

– Моған қора, мирзабоши, говларимди жахшилаб тинғнаб оғин. Қанаатшаға номани битғиндағин чопарларға бериб, жўнатиб жувар. Додхоға битған номани туври моған опкеппер. Тушундинғма?

– Ту-тушундим, бек ака, – мирзабоши дудуқланиб, – л-лекин хон ҳазратла...

– Хонға сен ойтмосанғ, мен ойтмойман-ғу. Бўпти, ишинға бор.

Мирзабоши қўл қовуштирганча сўзсиз ҳонадан чиқиб, кўздан ғойиб бўлди. Хонада ёлғиз қолган Алимқул понсод болишга оғир ёнбошлаб, хаёлга чўмди. „Ойттима, „хонди тоғаси бекарға кемоған“, деп. Бир балани бошлаб кеған бу ит увли. Хон мени бир овуз чоғирмодиям. Ўзи уч-тўрт ойдан бер жағи маған ола қораб, у-бу ишларди ойтмояпти. Шу кунларда беш-олтита бийларға ҳам жовқараш қип журипти. Майли, шашмайтур, жўжани кузда сонаймиз. Ҳў-ўш... Додхони хонди олдида гунайи кўп. Товларда қип журған ишларини хонға жетказишған шекилли, қойси кун хонди ўзи моған додхони жомон-

лаб турувди. Уни нимаға чоқиртирғани маълум. Саройға келди деғандан отдан туширмай дорға осади. Бу ониқ. Қанаатшани нега чоқиртдийикин? Бунинғ сабабиям додхоҳ бўса керак. Додхоҳ минан қоватидағи бийлар. Энди отти қомчилаб қолиш керак. Акс ҳолда, додхоға қўшилиб, дорға тортилиб кетишим ҳеч гапмас. Додхоға ўзим нома битаман. Туври чорвоққа кесин ў жерда гаплашаман. Ў жерда ўған бир жўл кўрсатаман. Жўлимға журади. Журмасдан иложи жўқ. Буларға Хидирбий, Худойназарбий, Ирисалибийлардиям қўшиб жувараман. Мен ойтқан иш бўғандан кейин бари жахши бўп кетади. Номаларди чопардан жўнатқанимдан кейин Шодмонхўжа минғбоши, Чўтанбий иккови билан гаплашаман. Икковиям хондан журагини ҳовучлаб журипти. Бу икковиға бошқа ишди ойтаман. Жон дип қилади. Аввал номани битай, кейин қоған ишларди қиламан". Алимқул понсод қалам, довот олиб, хира шам ёриғида Олимбек додхоҳға нома бита бошлади.

* * *

Андижон шаҳри... Олимбек додхоҳ Андижонга ҳоким қилиб тайинлангандан бу ёғига қирғизлар анча яйраб қолган. Додхоҳнинг ўзи кўпкарипараст. Бирорта бир кўпкари усиз ўтмайди. Йилнинг турт фаслида ҳам овулма-овул, туйма-туй юради. Ўрдада камроқ куринарди. Қирғизларнинг у-бу овул, қишлоқларни босиб, талашларига панжа ортидан қарарди. Босқинчиликларнинг айримларини хон билиб қолса, Олимбек додхоҳга қаттиқ танбеҳ берар, билмай қолганларини Алимқул понсод саройнинг ўзидаёқ босди-босди қилиб юборар эди. Айниқса, Қаноатшо қушбеги билан бўлган воқеадан кейин Маллахон додхоҳни умуман саройга чақиртирмай қўйди. Хоннинг беэътибор бўлиб қолганидан диққати ошиб юрувди, катта бир йиғинда Абдураҳмон билан гурунглашгандан кейин кўзи мошдай очилди. Бир ойлар олдин довон йўли овулларидан бирида эътиборли бий кўпкари туй ўтказди.

Катта чодир тагида йигирмата атрофида бийлар этхурлик, қимизхурлик қилиб, гурунглашиб утиришарди. Чодир турида Олимбек додхоҳ билан Абдураҳмонбекни ёнма-ён утқазишди. Улар ҳам узаро гурунглашарди.

– Куриммойсиз, катта бий?

– Сояи давлатларида юрибмиз, бек ака, узингиз қандайсиз?

– Мана курганингиздай журипиз зияфат жеб. Қойси овулға бормайиқ қуй суяди. Жиймиз, жотамиз, журамиз. Бундан ортиқ нима бор тағин?

– Э, бу юришларингиз булмайди, бек ака.

– Ия, нимаға бумайди, катта бий?

– Шундай юрингки, сизни эл танисин.

– Ҳа-ҳа-ҳа... Мени бари овулларди итиғача довур тонийди.

– Йуқ, бек ака, битта овуллар билан иш битмайди. Сизни Фарғона мамлакати танисин. Бухоро амирлиги, Хива хонлиги танисин. Туркия, Эрон, Араб, Фаранг, Хитой, Урис мамлакатлари танисин. Мана шундай мақомда юриш сизга ярашади, бек ака.

Олимбек додхоҳ Абдураҳмонга анграйиб қараганча оғзи очилиб қолди. „Вой-боёв... Мана буни катта бий деса булади. Мияси бутун. Уқиған. Илми бор. Саройда бош вазир буладиған ақли бор. „Эл тонисин" дийди-я. Гапи туври. Э, Худойим, қона энди бошқа мамлакатларди хонлари билан бир утовда утириб, қимиз ичсам. Бухороға борсам, Эронға, Туркияға борсам...". Олимбек додхоҳнинг боши ғувиллаб кетди. У Абдураҳмонга бошқача меҳр билан қаради.

– Катта бий.

– Лаббай, бек ака.

– Шундай илмди овулда хур қип журипсиз. Сиздай одам фақат саройда хизмат қилиши керак. Маъқулма?

– Маъқул, бек ака, фақат бир шарт билан. Сиз сарой хизматига утишингиз билан ортингиздан етиб бораман.

– Уҳу, менам жон диридим, катта бий, лекин хон мени саройға жағин жулатмойди. Буни ониқ биламан.

– Нима қипти? Саройга яқин йўлатмаса, бундай хонни тахтдан шартта ағдариб, бошқасини ўтқизинг. Олам гулистон.

– Бошқасини дийсизма? – Олимбек додхоҳ гарангсираб.

– Шундай, бек ака.

Олимбек додхоҳ дастурхондаги буғирсоққа тикилиб қолди. „Э, қонтинғди ур, азамат, зўр гап бўлди-ғу. Товба қилдим, товба-товба... Хонди олмошишди жуваздағи эшшакди олмошқондай жўнғана қип ойтти-қуйди-я“...

Шундан берига Олимбек додхоҳнинг ҳаловати йўқолди. Ҳозир ҳам ўрда саломхонасида ўтирар экан, хаёлида ўша гаплар. „Катта бийдинғ говида жон бор. Агар хонди тахттан ағдариб, ўрниға бошқасини қўйсам, шуни ўзи мени тонитоди. Лекин хонди қойтип тахттан ағдараман? Мана буни ўйлаш керак. Чуқурроқ ўйлаш керак“. Шу пайт эшикдан мулозим кўриниб, Олимбек додхоҳнинг хаёли бўлинди.

– Нима гап?

– Бек ака, чопар келди.

– Чопар?! Қаердан? Кимдан?

– Қуқондан... Хон ҳазратларидан.

Олимбек додхоҳ энтикиб кетди. „Худойимға шукур. Ниҳоят, хонди эсиға кеппанов. Минғ қатла шукур, жўлим очилди. Энди саройға бораман. Шашма, хон тағин мени сўкиб, нома битган бўса-я? Олдин номани ўқийиқ, маълум бўлади-қўяди“. Мулозимга қўли билан ишора қилди.

– Айт, кирсин.

– Мулозим сўзсиз бошини эгган ҳолда хонадан чиқди. Кейин чопар кириб, бир таъзим қилди-да, ўралган иккита номани қўйнидан чиқариб, қўш-қўллаб Олимбек додхоҳга узатди.

– Иккита нома келтирдингма?

– Шундай, бек ака. Икковини ҳам Алимқул понсод жаноблари бериб юбордилар.

– Бориб, даминғди ол.

Чопар ташқарига чиқиб, кўздан ғойиб бўлгач, Олим-

бек додхоҳ номаларга кўз югуртирди. „ Муҳрига қараганда бири хондан, бири Алимқулди ўзидан кепти. Олдин хонди номасини ўқип кўрайиқ-чи, нима диб битипти". Додхоҳ муҳрни синдириб, номани ўқий бошлади.

Амруллоҳи фарзатун ва амруно вожиб.

Бизким, Фарғона мамлакатининг хоқони султон ибн Султон Саййид Муҳаммад Маллахон ибн Шералихон Баҳодир сузимиз.

Ушбуни маълум қиламизким, номамиз Олимбек додхоҳ ибн Ҳасанбий қулиға тегиши билан ҳаддин имкон зудликда ўрда беклари ҳамроҳлиғида Дорул Амораға ташриф буюриб, Ҳузури Олийда хон ҳазратлари хизматларида бўлишингизга фармон берилади.

Сана 1278 ҳижрий йили шаъбон ойининг 12 чоршанба куни битилди.

Олимбек додхоҳ номани ўқиб, пешонасини тириштирганча ўйланиб қолди. „Қизиқ, хон нега чақиртирдийикин? Саройда бирор бир мансаб берармикин? Ҳе, товба, қойси қиған ишим учун мансаб беради? Мансаб наржақда турсин, сукмасаям катта гап. Қона, бунисини ўқийиқ-чи, Алимқул нима дипти". Додхоҳ ўқиган номасини хонтахта устига қўйди-да, муҳрини синдириб, иккинчисини ўқий бошлади.

Андижон ҳокими Олимбек додхонинг қулиға тийсин.

Кундан-кун дуво-саломлардан кейин саған шуни маълум қиламанки, ушбу номани ўзим битиб, ўзим чопардан жувардим. Биров билиб қомасин, деп мирзабошиға биттирмадим. Энди икки овуз битған говимди жахшилаб ўқи. Шу бугун тунда хонди тоғаси келди. Сен ҳоқинғда хонға бир нарсалар деғанов. У-бу жийинда қолтис гап қимовдинғма? Овзингдан мундайча гап чиғиши минан хонға жетказадиғаннар куп. Тилингға эҳтият бўп жур, ўтоғаси. Бир нарса деған бусанғ керак, хон дарров мирзабошини чоғиртиб, саған нома биттирди. Мен номани мирзабошидан об, ўқидим. Хон сени қоватингдаги бийлар

минан саройга чоғиртипти. Саройга кема, баринг ўласан. Хон барингди битта қомай дорға тортиб қуяғояди. Сен қоватингдаги беш-ўнта бийлар минан туври чорвоққа шом, хуфтон аралаш кенглар. Кундуз куни кеманглар, биров кўрип қомасин. Чорвоқда кенгашамиз. Шу билан говим тамом.

Муҳр босдим. Алимқул понсод Ҳасанбий ўғли.

Сана 1278 ҳижрий йили шаъбон ойининг 12 чоршанба куни битилди.

Олимбек додхоҳ номани ўқиб бўлиб, танаси музлаб, қотиб қолди. „Вой, хон буған инанғди... Моған мансаб берама, десам, дор тайяр қип қўйғанакан-да. Қойси жийинда қолтис гап қиғанакамман? Ҳа-а... Марқабийдинг жийинида бир гап говирувдим. Ҳоққаттанам қолтис гап булувди. Қимиз кутариб жуварди назаримда „хонди овдариб, бошқасини ўтқизаман", деп жувариппан. Ҳазил қивдим. Шу гапғаям дарров дорма? Ҳали шашбайтур. Алимқул минан бир найранғ қилайиқ, бор дунё бизди тонисин. Жахшиям, саройда Алимқул бор. Бўмаса, паққос уларакамман. Хўш, энди туври Алимқулди чорвоғиға борамиз. Кенгашиб, бирор-бир найранғди зўрини Алимқулдинг ўзи уйлаб товади. Бугун ишшамми буса бийларди беш-ўнтасини жийиб, икки-уч кунлардан кейин жўлға чиқсақ бўлади. Шашма, олдин катта бийдинг олдиға бориб, ўған маслаҳат соп кўрай-чи, қона, нима дийди. Кейин шуған қорап иш қиламан".

Бир ҳафталардан кейин Олимбек додхоҳ ўн иккита бийлар билан хуфтонга яқин Алимқул понсоднинг чорбоғига етиб келди.

– Ҳой, ким бо-ор!

– Ҳозир, – дарвозанинг бир табақаси очилиб, хизматдаги йигит кўринди, – келинглар, бек акалар, келинглар.

– Қунаққа жай топилама?

– Жой катта, бек акалар, жой катта, – дарвозанинг икки табасини ҳам ланг очиб юборди. – Ичкарига тортинглар, – ўгирилиб қичқирди, – ҳой йигитлар, меҳмонларга

қаранглар. Сан отларни қурага олиб бор, сан бек акамга югур, сан қулга сув ол...

Отлар қурага олиб кетилиб, дарвоза ёпилди. Бийлар қулларини чайиб турганларида, меҳмонхона олдидаги узун айвонда Алимқул понсод кўринди. У савлат билан битта-битта босиб келар экан бийларни қарши олди.

– Ҳай, ҳай, кенғизлар, миймонлар, кенғизлар. Қадамларинға ҳасанат. Сизлар кеп, чорвоғим париштаға тўлди.

– Париштани қопа қима, бий, – Олимбек додхоҳ ишшайганча Алимқул понсод билан қучоқлашиб кўришар экан, – „чорвоғим шайтонға тўлди", де.

– Говинғ туври, утоғаси, агар шайтанди узиям қопа бўп қомаса.

– Ҳи-ҳи-ҳи...

Кўришиб, ҳол-аҳвол сурашилгандан кейин Алимқул понсоднинг манзирати билан айвон бўйлаб, меҳмонхонага қараб юришди. Манқал билан иситилган, иккита лампачироқ билан ёритилган кенг меҳмонхонада бийлар давра қуриб утиришди. Дастурхон тукин тузалган. Нон синдирилиб, чой қайтарилди. Шу пайт йигитлар лаганларда яхна гушт, қази-қарта, ҳасиб, калла-поча кутариб келишди. Қуюқ зиёфат бошланди. Ичкари, ташқарида бешунта йигитлар хизматда. Бийлар йулда совқотиб, очқаб келишган шекилли гурунг аралаш обдан овқатланишди. Олимбек додхоҳ пиёладаги чойни ҳуриллатиб ичар экан, Алимқулга қараб деди:

– Алимқулбий.

– Лаббай.

– Мен бийларға хонди номасини кўрсатғамман холос. Сени номангди кўрсатганим жуқ. Кўрсатганимда бирови уйтиб, бирови буйтиб тушунарди. Шунинг учун кўрсатмай қуяғойдим. Энди бийларға узинг ойт. Хон бизди нимаға чоғиртғонини узинг ойт. Буларам эшитсин. Говим туврима?

– Туври, туври...

– Бий оғанинг узи ойтсин.

– Бизам эшитиб, билайиқ.

– Жим бўл баринг. Қона, Алимқулбий, сўз саған.

Алимқул понсод чордонадан чўкка тушиб ўтирди. Хаёлини тўплаб олиш учун бир зум сукутга борди. „Олимбек пишиқ. Ўта пишиқ. Мени номамди бийларға кўрсатмай жуда туври иш қиғон. Агар кўрсатғандайиди, бу олчоқ бийларди бирортасиям бул жерға кемаған бўларди. Қирғизларди пихини жорған тулкиси шу додхони ўзи. Бундан бўлаги бекар. Бундан эхтият бўлиш керак. Бу „ол" деса, бийлардинг бари қашқирлардай тошланади. Энди бийларди шундай қўрқитайки, барини кўзлари чақчайиб, шамдай қотиб қосин. Ана ундан кейин бари ойтқан жўлимға жўради". Алимқул понсод даврага бирров кўз югуртириб чиқди. Бийлар унинг оғзига кўз тикиб туришарди. У сўз бошлади.

– Эса, мен гап бошлай, сизлар тинғнаб, эшитинғлар. Ўратепани оп қойтаятувдиқ. Кеч бўп қоп, Конибодомда қўндиқ. Ўша куни шаъбонди ўн иккисийиди. Тун жарим бўған. Ҳаммамиз уликдай қотиб жотиппиз. Бир палла қадам товушидан уйғониб кеттим. Эшикди қиялатип қорасам, худайчи минан хонди тоғаси кетиб боражатир. Бир пасдан кейин мирзабоши кеп хонди олдиға кириб кетти. Кейин худайчининг бир ўзи қойтип кеп, ҳужрасиға кирди. Мен орқасидан кириб, суриштирдим. „Хонди тоғаси кеғанини биламан, ўламан олло қоғанини билмойман", деб қосам ичти. Кейин мен мирзабошини чиғишини пойладим. Чиғиши минан ҳужрамға чоғиртиб олдим. Дўқ оралаш суриштирдим. Хон ўған иккита нома битғин, депти. Бири Олимбек додхоға, бири Қанаатшаға. Додхоға битған номани биласизлар. Қанаатшаға нима деп битипти денг? Тошканд, Кировчи, Хўжанд қўшинларини битта қип, Қўқонға кенғлар депти. Қанаатшани Қўқонға келиши сабаби Андижонға, санларди устларинға қўшин тортиб бормоқчи бўған. Мана шунақа гаплар. Ана энди биёғини баринг тушуниб оловур.

Бийлар бир зум Алимқул понсодга қараб, бақрайиб туришди-да, кейин бирдан ола-ғовур бўлиб кетди.

– И-и, бий оға, хон нега Андижонға қўшин тортади?

– Эса, бизди нега чоғиртти?

– Биз ўған нима қиппиз?

– Жим бўл баринғ, жим деяппан, – додхоҳ қўл силтаб, бийларни тинчлантирди, – Алимқулбий, Қанаатша бизди устимизға қўшин тортип келишини товишмоқ қимай ойт. Буларға хон бизди нимага чоғиртғанини очиқ қип ойтип бер.

– Очиқ қип ойтайма?

– Очиқ қип ойт.

– Хон шул жерда ўтирған баринғди битта қомай дорға торттириш учун чоғиртған. Ана санларға очиқ қип ойтадиған бўсам.

Бийлар ўтирган жойларида тарракдай қотиб қолишди. Кейин бир-бирлари билан кўз уриштириб олишдида, сурма ичгандай шивирлаша кетишди.

– Энди ўлдиқ.

– Бул жердан тири чиқип кетип бўмойди.

– Биз нима гуна қиппиз?

– Беш-ўнта овул, қишлақди босувдиқ, солиқ, закат, ушрдан уриб қовдиқ. Мана шуларди тоғаси хонға жеткизиб кеған.

– Шўған шунчама?

– Ҳа, бу камма?

– Энди нима қиламиз?

– Шашма, жим бўл баринғ, бий оғанинғ ўзи бир нарса ўйлаған чиғар. Бизди бекарға чоғиртған жўқ-ғў.

Алимқул понсод бийларнинг ўзаро шивирлашларини бўлмай жим ўтирди. Ниҳоят, ғивир-шивир тугаб, ҳаммалари унга кўз тикишди. Алимқул понсод томоғини бир қириб олди-да, кейин дам унисига қараб, дам бунисига қараб, гап бошлади.

– Бунинғ битта жўли бор. Маллахонди тахтган ағдариб, ўрниға жашрағидан хон қип кўтарамиз.

– Ия-а-а-а...

– Хонди қойтип ағдарамиз?

– Қўшинимиз ҳам жўқ.

– Хонди ағдарсақ, зўр бўлардиёв, лекин кўзим жетмой турипти.

– Шашма, шашма, шашмайтур баринг, – Олимбек додхоҳ ҳам чордонадан чўкка тушиб ўтирди. – Эсларингдама? Уч-тўрт жил олдин Жонкелдибийдинг кўпкари туйида Худоёрхонди тахттан ағдариб, Маллахонди ўтқизамиз, девдиқ. Мана, ағдардиқ-ғў.

– Қонча одам ўлганини ойтмайсамма?

– Ҳа, энди савашиш бўгандан кейин одам ўлатта. Энди гапти чувалаштирмайиқ. Саройди паст-балантини Алимқулбий жахши билади. Шу пайтгача бирор-бир нарса ўйлаб қўйгандир. Ҳозирди ўзида Алимқулбий нима деса, шуни қиламиз. Туврима?

– Туври, туври...

– Бий оға нима деса, шуни қиламиз.

Бийларнинг саросимага тушиб қолганидан Алимқул понсод мамнун эди. У дастурхонга тикилганча сир бой бермай ўтирарди. „Бийлар ана энди қиёмиға жетип, пишди. Бари дорға тортилишини билип, ичи хавф-хатар, ғулғулаға лиммо-лим тўлди. „Ўлишини билган ҳўкиз болтадан қойтмас", деганларидай ҳозирдинг ўзида нима дисам, шуни қилишади. Энди буларди барини осонгана жўлға соп қўяғояман". Алимқул понсод жойида бир қўзғолиб олди-да, салмоқ билан ўйлаган режаларини гапира бошлади.

– Эса, буйтамиз. Бугун, эрта кун буйи шул жерда дам олиб жотинғизлар. Эртага хуфтондан кейин шаҳарға Хужанд дарвозасидан кирасизлар.

– Дарвозадан қойтип кирамиз, бий оға?..

– Дарвозаға Ирисалибийди навкарларға бош қип қўйғамман. Ирисалибий сизларди дарвозада кутиб оладидағин кийин туври саройға оппоради.

– Саройғаям Ирисалибий ияртип кирама?

– Жўқ, саройди дарвозаларига Худойназарбий минан Хидирбийларди навкарларға бош қип қўйғамман. Иккови сизларди ташқи ҳовли, ўрта ҳовли, маҳкамадан ўтказип, кийин туври „Шаҳнишин"ға ияртип боради. Ишди битирғанларингдан кийин баринг туври чорвоққа қораб, от қўйинғлар. Мен ўзим шаҳардағи ҳовлимда бўламан.

– Қондайча ишди бажарамиз, бий оға? Ониқроқ қип говир, – деди саволомуз пастроқда ўтирган бий Алимқул понсоднинг гапларига тушиниб, тушунмай.

– Ҳа, қондайча иш бўларди? „Шаҳнишин“ға кирип, Маллахонди сўясамма, човасамма, бир бала қип ўлдирсаларинғ бўлди. Қиладиған ишларинғ, мана шу.

– Ҳа-а-а... – бий бошқа бийлар билан бир-бир кўз уриштириб олиб, гапини давом қилди. – Охири бохайр бўлама? Тағин ўт-пут чиғип кетмасин?

– Ўт чиғмойди. Яки қўрқяпсамма? Очиғини ойтабер.

– Ман саған „қўрқтим“, дияппамма? – бийнинг Алимқул понсоднинг гапидан орияти келиб, ғижинди. – Қўрқаним жўқ.

– Қўрқмоғон бўсанғ, жахши. Чорвоққа боринғлардағин дамларинғди оп, жотинғлар. Мен саройди паст-баландини билиб келамандағин тонғ жоришмасдан сизларди ўзим Андижонға кузатип жўвараман. Маъқулма?

– Ия, биз саройда қомаймизма? – норозисимон сўради Олимбек додхоҳ.

– Бирданиға қоп бўмайди, ўтоғаси, сал воқт ўтип, қизиғонлар совисин. Қор жовиб, излар босилсин. Беш-ўн кун ўтғандан кейин битта қомай баринғди ўзим Қўқонға чоғиртип оламандоғин кийин хоҳлаған мансабларинға ўзим парманди чиғарип бераман, бўлама?

Бийлар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Уларнинг кўпчилиги саройда қолишни хоҳлашмас эди. Бийлардан бири Олимбек додхоҳга ёвқараш қилиб деди:

– Дотхо, маған қора, биз саройға қойтмоймиз. Саройинғ қурип кетсин. Ўзимизди овул жахши. Қосанғ, ўзинғ қолабер. Жанғи хон бизди овулларға одамини жуварип, „жиллиқ закатти бер, салиқди бер“, деп бошимизди оврутмаса бўлди.

– Туври ойтяпти, биз саройға қойтип кемоймиз

– Хон бизға „нима иш қип жатирсан“, димаса бўлди.

– Қойтмосанғ, қойтма, баринғ ўзинғ биласан, – зарда билан деди Олимбек додхоҳ, кейин ўгирилиб, Алимқул понсоддан сўради. – Ойтқондай, тахтға ким ўтиради?

– Тахтға Саримсоқбекти улчаси Шоҳмуротхон ўти-

ради. Ўтган куни Тўрақўрғондан қовотидаги жигитлар минан бирға олдириб кеп, Жонибекди сарбозхонасиға жайладим. „Хон сени Тошкандға ҳоким қип тойинломоқчи“, девдим, хурсанд бўп кетти. Ҳар куни сарбозхонада жигитлар минан от човуп, қилич човуп журипти.

– Бўпти, Шамурат бўса, Шамурат-та. Маған парқи жўқ, – Олимбек додхоҳ чўккадан ярим чордона қуриб, оғриган тиззаларини уқалади. – Эрта қиладиған ишлардан гапирайиқ.

Бийлар тун ярмигача бажариладиган ишларни пухталаб чиқишди...

Эртаси куни кун бўйи чорвоқда дамларини олишдида, хуфтондан кейин йўлга тушиб, тун ярим бўлмасдан Хўжанд дарвозасига етиб келишди. Ҳут охирлаб қолгани учун ой уроқсимон бўлиб, хирагина ёритиб турарди. Дарвоза берклигини кўрган Олимбек додхоҳ от жиловини тортиб, ёнма-ён келаётган бийга деди:

– Дарвоза жовиқ-ғу, шинақдаям ҳеч ким куринмаяпти.

– Бундай пойтта жовади-да. Чоғирип кўрайма?

– Шашмай тур, азғина қораб турайиқ... И, ана, очилиб жатир.

Шу пайт дарвозанинг бир табақаси қия очилиб, бировнинг шарпаси кўринди.

– Келдиларингма, бий оға?

– Ирисалибиймисан?

– Ҳайя, Ирисалибийман, бий оға, Ирисалибийман.

– Саройда жураберіб, сортқа ўхшаб кетибсан-ғу.

– Ҳи-ҳи-ҳи... Сиз нима десанғиз, шу, бий оға, – деди Ирисалибий дарвозанинг бир табақасини ланг очиб. – Қона ичкариға тортаберинғлар, тўхтамай кетаберинғлар. Мен дорвозани жовдирип, сизларға жетиб оламан.

Ирисалибий соқчи навкарларга дарвозани ёптириб, тамбалатди-да, у-бу нарсаларни тайинлади. Кейин бандарда турган отига миниб, ниқтаганча бир зумда бийларга етиб олди. Олимбек додхоҳ етиб келган Ирисалибийга қараб деди:

– Жўлди биласамма, ўтоғаси?

– Уч-тўрт жилдан бери саройда, шаҳарда журиппан, жўлди билмой ўлиппамма. Бий оға, ҳозирғи кетаятқан жайимизди „Хўжанд“ маҳалла дийишади. Хўжанддан кеған савдагарди бари гўр-жер, молини шу маҳаллада туширади. Кийинғисини „Хонақа“ маҳалла дийишади. Манови тўмпайиб турған бир авлияни гўриякан. Одамлар қўй сўйип, дарахтти шақиға лота байлашади. Манов бир майдан дўканларди кўряпсизма? Растадағиданам кўп чиғаров. Шунинғ учун бу маҳаллани „Галабаққол“ дийишади. Мана бу кўпирдан ўтип, ўнға журамиз, шу жўл туври саройға оппоради.

– Кўпирдиям оти борма?

– Бор, бий оға, аслида оти „Бойбўта кўпир“ одамлар калта қип „Бойта кўпир“ деп, қўяғойишған.

– Товба.

– Манов „Жувари каппон“ маҳалласидан ўтсақ, биёғи саройға қорашли жерлар. Бий оғалар туври бандарға ҳайдаб, отларди байлайберинглар. Мен дарвозаға бориб, қойтаман, маъқулма?

– Маъқул.

Бийлар бандарга отларни нари-бери бойлаб, бир жойда тўпланиб туришди. Ҳали саройга кирмасдан ҳаммасининг юраги „гурс-гурс“ урарди. Дарвоза томон кетган Ирисалибий фурсат ўтиб, югургилаб келди-да, бийларга шивирлганча гапира кетди.

– Воқтида кеппиз. Ташқи ҳовли, ўрта ҳовли, маҳкама дарвозаларида ўзимизға қорашли жигитлар турипти. Ташқи ҳовлида Худойназарбий қораб турипти. Ҳозир дарвозадан кирамиздағин ўған иргашиб кетаберамиз. Гурсиллаб журманғлар, аяқ учда журинғлар. Товуш чиғарип, гавирмонғлар. Баринғ тайярма? Қона, журдиқ эса.

Олдинда Ирисалибий билан Олимбек додхоҳ бир қадам орқароқда қиличларини қини устидан чангаллаб олган бийлар лукиллаганча бир табақаси очиқ дарвозадан ичкарига кириб кетишди. Ташқи ҳовлида уларни сабрсизлик билан кутиб турган Худойназар понсод сўзсиз қўли билан „юринглар“ ишорасини қилиб, ўрта ҳовли дарвозаси томон тез-тез юриб кетди. Бийлар унга эрга-

шишди. Ҳовлиларнинг ҳар жойида узоқ ёнадиган машъаллар ёниб турарди. Ўрта ҳовлига киришганда уларни Хидирбий додхоҳ кутиб олди.

– Секинроқ журинғлар, секинроқ, – Хидирбий додхоҳ маҳкама дарвозаси томон олазарак қараб қўйди, – келдиларингизма, бий оға. Эса, бундай, маҳкама дарвозасидаги соқчилар ўзимизди жигитлар. „Шаҳнишин" эшиги олдида турган иккита соқчи навкар Маллахонди ўзини одами. Уларди олмоштириб бўмади. Эса, буйтамиз. Соқчи навкарлар Худойназарбий, Ирисалибий учовимизди жахши тонийди. Учовимиз уларди олдиға борамиздағин „ўрис келди" деп оллаймиз. Кейин икковини жўқ қиласоп, сизларға товуш берамиз. Баримиз бараварига „Шаҳнишин"ға кирип, хонди жўқ қиламиз. Маъқулма?

– Маъқулов, учовинғ икковини эплайсамма?

– Эплаймиз, – деди Худойназар понсод ҳаяжон билан, – Хидирбий гапға соп турғанда Ирисалибий икковимиз икковиға пичоқ тортамиз.

– Жахши, эса, тез бўнғлар.

Учови илдам қадамлар билан маҳкама дарвозаси олдида турган соқчи навкарлардан ўтиб, ичкари киришди-да, „Шаҳнишин"га қараб юришди. Соқчи навкарлар машъал ёруғида уч киши келаётганини кўриб, ҳушёр тортишди.

– Тухта-а!!! – деди соқчилардан бири қўлидаги милтиғини ўқталиб. – Тухта деяпман! Ким келяпти?!

– Ҳой, милтиғингди четқа ол, ҳайвон, – Хидирбий додхоҳ дўқ уриб, – тонимаяпсамма? Кўзинг кўрмай қолдима?

– Ие, бек ака, сизларми? – суради соқчи бийларни таниб, милтиғини елкасига илар экан, – хон ҳазратлари дам оляптилар. Тунда ҳузурларига кириш ман этилган.

– Буни ўзимам биламан. Ҳозирди ўзида Қанаатшадан чопар нома келтирди. Ўрислар қўшин тортип кеп, Тошканди опқўйипти!

– Ия-а-а... Тошкандни қўлга олишибдими?!

– Шундай. Тезроқ номани хон ҳазратлариға жетказиш керак.

– Қани, номани... Вой ўлдим...

– Бек ака, нима қиляп... И-и-иҳ, лаъна... у-у-уҳ...

Бири кўксидан, бири биқинидан пичоқ еган навкарлар ерга ағдарилиб тушишди. Ирисалибий беш-олти қадам дарвоза томон юриб, бийларга қўли билан ишора қилди. Олимбек додхоҳ бошчилигида бийлар югургилаб уларнинг олдиларига етиб келишди.

– Қойси эшик?

– Мана буниси.

– Оч! – додхоҳ қиличини суғурар экан, – иккала тавақасиниям бараварига очиб жувар. Бўмайсамма? Оч тезроқ!

Эшик табақалари очилиши билан бийлар ичкарига югуриб киришди.

– Ҳеч ким жўқ-ғў?

– Нориғи хонада.

– Тепиб жувар.

Худойназар понсод бир тепиб, эшикнинг иккала табақасини ҳам ланг очиб юборди. Бийлар ўзларини ичкарига уриб, хона ўртасида бир зум тўхтаб қолишди. Хонанинг бир бурчагида пилиги пасайтирилган лампачироқ хира нур сочиб турарди. Дупур-дупур, шарақ-шуруқдан уйғониб кетган Маллахон кўзини очиб, бошини кўтарди. Қилич яланғочлаган одамларни кўриб ҳайқирди:

– Соқчила-а-арр!!!

Ҳайқира туриб, ўнг томонида турган қиличига интилди. У қиличини қинидан суғуришга улгурмади, ҳатто бақиришга ҳам улгурмади. Олимбек додхоҳнинг қулочкашлаб силтаган қиличи „ширт" этиб, бўйнини узиб юборди. Танадан учган калла қон сачратганча гиламга юмалаб тушди. Ўнларча қиличларнинг зарбидан тана кўрпача аралаш қиймаланиб кетди. Кўрпа, ёстиқ, гиламлар қип-қизил қонга бўялди.

– Бўлди, баринғ тошқориға чиқ! – додхоҳ хириллаган товушда буюрди. – Бандарға қораб жугуринғлар! Чорвоққа бориб ўтирмоймиз. Туври Андижонға от қўямиз.

– Туври, туври... Чорвоққа бормаймиз, барибир уйқумиз кемойди.

– Эса, туни минан от қўямиз, бир ғуворимиз чиқсин.

– Қорадаря бўйидағи овулда дам оламиз.

– Маъқул.

Бийлар маҳкамадан ўрта ҳовлига ўтишди-да, ташқи ҳовлига қараб, илдам юриб кетишди. Ташқи ҳовлининг ўрталарига етиб келишувди ҳамки, сарой сарбозхонасидан икки юзтача навкарлар қўлларида милтиқ билан югуриб келиб, бийларнинг олдини тўсишди. Навкарларнинг милтиқ ўқталиб туришганини кўрган бийлар тиллари калимага келмай, шамдай қотиб қолишди. Олимбек додхоҳ Ирисалибий, Хидир додхоҳ, Худойназар понсодларга ёвқараш қилди.

– Бу қандайча бўлди? Навкарлар қойси гўрдан келди? Алимқулбийдинг ўзи қона?

– Биз ҳам билмоймиз, бий оға. Алимқулбий оға „чорвоқда бўламан", деган.

– Ё Алимқулдиям ўлдиришган, ё у бизға хоинлиқ қиған, – деди Олимбек додхоҳ аччиқ билан қиличини суғурар экан, – қона, бийлар. Баринг бир қатор тур. Бу охирғи жанг қилишимизға ўхшайди.

Беш-олтита беклар билан турган Шодмонхўжа мингбоши олдинга чиқиб ҳайқирди:

– Ҳамманг қуролингни ташла!! Таслим бўлинглар!!!

Олимбек додхоҳ Шодмонхўжа мингбошига қаҳр билан қаради.

– Бул жерда минғбоши нима қип жатир?

– Минғбошининг қовотида турған Чўтанбийма? – сўради додхоҳнинг олдида турган бий. – Булар олдиндан билған чиғар-ов, эса, бари қойдан келади?

– Учовинг минғбоши билан гаплаш-чи, қона, нима дийди.

Ирисалибий, Хидир додхоҳ, Худойназар понсодлар олдинга чиқишди. Учови бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди-да, Хидир додхоҳнинг ишораси билан Ирисалибий баланд товушда гапга тушди.

– Мингбоши жаноблари, бу – бизлар, Ирисалибий, Хидирбий додхоҳ, Худойназар понсод. Бизди тонияпсизма?

– Таниб турибман. Олимбек додхоҳни ҳам таниб турибман.

– Тониғон бўсанғиз, жўлимизди нега тўсяпсиз? Бизди баримизди Алимқул понсотти ўзи жуварди. Бизға ойттики, „Шаҳнишин“ға борип хонди...

– Навкарла-а-ар!!! – дея ҳайқирди Шодмонхўжа мингбоши Ирисалибийнинг гапини бўлиб. – Хоинларга қарата ўт оч!!!

Икки юзта милтиқдан гумбурлаб ўқ узилди. Ҳовлини бутунлай тутун қоплади. Бийларнинг гурсиллаб йиқилишларию „дод-вой“лари эшитилди. Бир неча дақиқалардан кейин тутун тарқалгандай бўлди. Бийларнинг ҳаммаси чўзилиб ётар, бирортаси ҳам ҳамла қилишга улгурмади. Шодмонхўжа мингбоши чўзилиб ётган бийларга бир зум қараб турди. Кейин атрофга аланглаб қичқирди:

– Чўтан додхоҳ!

– Лаббай, минғбоши жаноблари.

– Маҳалла ғассолини чақиртириб келинг. Хон ҳазратларини сувга олиб, ювиб-тараб, ғусл қилишга тайёр қилиб қўйсин. Кейин йигирмата навкарни олиб, бийларни қараб чиқинглар. Чалажонларини қиличдан ўтказинг. Шу кечанинг ўзида хоинларнинг ўлигини растага олиб чиқиб, дорга қатор қилиб тортинглар. Эртаси куни халқ кўрсин. Ҳаммага ибрат бўлади.

– Хўп бўлади, минғбоши жаноблари.

– Жаноблар, навкарларни сарбозхонага олиб боринглар.

Мингбоши ўн дақиқа ҳовлида бўлаётган ишларни четдан кузатиб турди-да, кейин икки мулозими билан Урганжий маҳалласига Алимқул понсоднинг ҳовлисига от қўйиб кетди...

Субҳи содиққа яқин ташқи ҳовлида ўрик дарахти тагидаги сўрида Шодмонхўжа мингбоши билан Алимқул понсод паст товушда жиддий суҳбат қурарди.

– Мен ойтқондай бўлдима, минғбоши жаноблари?

– Худди сиз айтгандай бўлди, бек. Бийлар ўрта ҳов-

лидан ўтиб, „Шаҳнишин“га қараб юрганларидан кейин навкарларни сарбозхонадан олиб чиқиб, тайёр қилиб қўйдим. Улар хонни бир ёқли қилиб, ташқи ҳовлига чиқишлари билан навкарлар олдиларини тўсиб чиқишди. Мен олдинга ўтиб, уларга қуролларни ташлаб, таслим бўлишга даъват қилдим. Ирисалибий олдинга чиқиб, бир нарсаларни гапираётувди, сир очилиб қолмаслиги учун навкарларга „ўт оч“ деб буйруқ бериб юбордим.

– Бари ўлдима? – сабрсизлик билан сўради Алимқул понсод.

– Уч-тўрттаси чалажон бўлиб ётувди, Чутан додхоҳга „қиличдан ўтказ“ деб буюрдим.

– Жахши қипсиз. Бирортаси тири қолмасин. Хонди ўлиги нима бўлди?

– Ғассол сувга олиб, ювиб-тараб, ирим-жиримини қиляпти. Лекин анови учови ҳайф кетди-да, яхши йигитлар эди. Нима иш буюрсангиз, „хўп бўлади, бек ака“ деб турарди. Шулар ҳайф кетди.

– Қойси учови?

– Ирисалибий, Хидир додхоҳ, Худойназар понсодларни айтяпман.

– Э, уларма? Биринчи бўп шулар ўлиши керак эди. Шаҳар, қишлоқ, овулларди одамлариға „шу учови бийларға қўшилған, хоинлар. Бийларди шаҳарға, саройға, „Шаҳнишин“ға ияртип борғанлар шулар“, деп ойтамиз. Холқ саройдан хоин чиққониға ишаниши керак. Биз эса хоинларди битта қомай ўлдирғанимиз учун, холқди олдида абийримиз ошади, туврима?

– Ўҳ-ҳў... Тўғри, гапларингиз, тўғри. Бу ёғини ўйламабман.

– Энди биёғини ўйлап кўрайиқ. Ишди энг зўри хондан қутулдиқ. Агар шу ишди қимоғонимизда хонди ўзи бизларди бир бала қип қўярди. Хоинлардиям ўлдирдиқ. Худо холаса, абийримиз ҳам ошади. Мен возипамди бажардим. Энди сизди новатингиз, минғбоши жаноблари. Эртан ишди нимадан бошлаймиз? Мана шундан говиринғ.

Шодмонқул мингбоши бош ирғаб, фикрини йиғиб олиш учун бир зум ўйланиб турди. Кейин Алимқул понсодга қараб, салмоқ билан гапира бошлади.

– Мен аллақачон ишни бошлаб юборганман, бек. Олдингизга келишдан аввал шаҳардаги ҳамма масжидларга одам юбордим. Бомдод намозидан кейин имом домла одамларга тунда бўлган воқеани эълон қиладилар. Эълон қилинаётган пайтда албатта хоинларга урғу берилади. Эрталабдан шаҳарга жарчиларни қўямиз. Хон ҳазратларининг жанозалари Чорсудаги жомеъ масжидида бўлади. Пешин вақтида пешнамоз қиламиз. Шайхулислом, қози, муфтий ҳазратлари халқ олдида ваъз айтишади. Хон ҳазратларининг жанозаларини ўқиб, „Даҳмаи шоҳон"га дафн қиламиз.

– Хонзодани тахтга қай палла ўтқазамиз?

– Хон ҳазратларининг худойиларини ўтқизгандан кейин. Ўзи уч кун фотиҳахонлик бўлади. Беш-ўн қори болаларни ҳар-ҳар жойларга қўйиб ташлаймиз. Келганини фотиҳа ўқиб, кузатаверади. Мундоғроқларини ичкарига оламиз. Ичкарида шайхулислом билан муфтий ҳазратлари навбат қилиб, қуръон ўқийверишади. Туртинчи кундан бошлаб бир хафта давомида худойиларини ўтказиб, халққа ош берамиз. Худойини ўтказганимиздан кейин ҳафта ичида хонзодани тахтга ўтқазсак бўлади.

– Ўҳ-ҳў, икки ҳафта ўтса, чўзилиб кетади-ғў, олдинроқ тахтга ўтқазсак, бўмайма?

– Ҳеч иложи йўқ, бек, икковини бир вақтда қилсак, халқ гапиради.

– Маъқул. Эса, ўша кунғачадайин хонзодани иримжиримини қип, тахтга ўтқазишга тайяр қип қўяман. Кейин бари бекликларга „мана шундай, шундай бўлди, Саримсоқбекди ули Шомуратхонди хон қип тахтга ўтқаздиқ", деб нома битиб, чопарлардан бериб жувараман.

– Яхши, мана бу яхши гап бўлди. Саройга борганда шу ишни мирзабошига каттиқ қилиб тайинлаб қўйинг. Хуш, ҳамма масалаларни ҳал қилиб бўлдик, назаримда. Тонг ҳам отиб боряпти, мен саройга борай. Бирпасдан кейин сиз ҳам боринг. Қолган гапларни ўша ерда гаплашамиз.

– Маъқул.

Беш дақиқалардан кейин Шодмонхўжа мингбоши мулозимлари билан сарой томон от қўйиб кетишди.

* * *

Туркистон шаҳри... Бир ойларча олдин Маллахоннинг фармонига биноан Қаноатшо қушбеги бир тўп беклар ҳамроҳлигида шимолий сарҳад томон қўшин тортиб борди. Бир неча кун йўл босиб, Қулхожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг киндик қони тўкилган ва шу ерда дафн қилинган Туркистон шаҳрига етиб келди. Шаҳар ҳокими Мирза Давлат додхоҳ уларни шаҳар дарвозаси олдида тантана билан кутиб олди. Беклар бир-бирлари билан кўришиб, ҳол-аҳвол сурашишгандан кейин қўшин шаҳар ташқарисида қолиб, беклар дарвоза томон отларини ниқташди. Отлиқлар олдида Мирза Давлат мезбон сифатида йўл бошлаб борар, бир қадам кейинда Қаноатшо қушбеги, Баҳодирбек додхоҳ, Нормуҳаммад қушбеги, Ёқуббек додхоҳлар боришарди. Қаноатшо отини бир ниқтаб, олдинда бораётган Мирза Давлатга тенглашди.

– Мирза Давлат жаноблари.

– Лаббай, бек ака.

– Атрофда вазият қандай?

– Вазият оғир, бек ака, жуда ҳам оғир. Ўрислар икки ҳафта олдин Янгиқўрғонга ҳужум қилишди. Номи билан қўрғон. Қалъага ҳам ўхшамайди. Ўрислар пешинга қолмай қўрғонни қўлга олишибди. Бошида қўрғонликлар яхшигина қаршилик кўрсатишган, кейинчалик урисларнинг қўли баланд келиб, қўрғонни ишғол қилишган. Навкарларнинг қурол-яроғларини тортиб олиб, ўзларини аҳли билан бирга пиёда ҳайдаб юборишган. Устига-устак қозоқлар рўзғор буюмлар, мол-ҳолларини талаб кетишди.

– Қозоқлар?! Қанақа қозоқлар?

– Катта Жуз уруғидан. Бойзоқбийга қарашли қозоқлар.

– Кўпчиликми улар?

– Айтишларича, тахминан мингдан ортиқ қозоқ отлиқлари ўрислар билан қўшилиб келганмиш.

– Жин урсин. Қўрғон одамлари нима бўлди?

– У бечоралар икки кун пиёда, оч-наҳор, совқотиб, аранг Туркистонга етиб келишди. Айниқса, қарилар, болачалар, хотин-қизлар ўта чарчаб, ҳолдан кетиб қолишган эди. Дарҳол ўртага олиб, маҳаллаларга бўлиб ташладик. Амаллаб қишни ўтказиб олсак, ёзга чиқиб, Худо хоҳласа, ҳашар йўли билан янги маҳалла қуриб берамиз.

– Ўлганлар борми?

– Беш-ўнта жанг майдонида шаҳид бўлганлар бор.

Қаноатшо жиловни тортиб, отини тўхтатди. Ёнига келиб тўхтаган Нормуҳаммад қушбеги билан Ёқуббек қушбегига қовоғи остидан бир-бир қараб чиқди. Важоҳатидан ҳозирнинг ўзидаёқ русларнинг устига қўшин тортиб боришга тайёр эди.

– Хўш, жаноблар, ишни нимадан қачон бошлаймиз?

Нормуҳаммад қушбеги Ёқуббекка қаради. У сукут сақлаб тургани учун ўзи жавоб берақолди.

– Жўлак қалъаси билан қозоқ овулларига бир вақтнинг ўзида ҳужум қилиш керак деб ўйлайман, – Ёқуббек „маъқул" ишорасида бош ирғади. – Яхшиси, бек акамнинг ўрдаларига борганда бир пиёла чой устида кенгаш қилайлик. Эртанги қилинадиган ишларни режаларини обдон тузамиз.

– Маъқул.

Беклар шаҳар ўрдаси томон от қўйиб кетишди...

Эртаси куни саҳарлаб йўлга отланишди. Кенгашда тузилган режа бўйича Қаноатшо қушбеги икки минг навкар билан овулларни босиб, буйсундирмоқчи бўлди. Ўн мингдан ортиқ қўшин билан Нормуҳаммад қушбеги руслар истиқомат қилиб турган Жўлак қалъасини қамал қилиб, қалъа атрофидаги овулларга ҳам ҳужум қиладиган бўлди. Кечга яқин ҳар иккала қўшин Тувак мавзесида учрашадиган бўлишди. Қўшин йўлга тушди. Қаноатшо қушбеги навкари билан Янгиқўрғон истеҳкоми олдидан ўтар экан, қулаган деворлар, ўт қўйилган аҳоли уйларини кўриб, ачинди. Таланган маҳаллаларни кўриб, азбаройи

ғазабланганидан юраклари дукурлаб, бурун парраклари кенгайиб кетди. „Ё, Парвардигор, шундай қўрғонни харобазорга айлантиришибди-я. Деворнинг бир қисми қулаган. Маҳаллаларнинг ҳар-ҳар жойига ўт кетган. Буларни таъмирлаш учун қўрғонликларнинг кучи етмайди. Қўшинни ташлаш керак. Ҳашар йўли билан бир-икки ҳафтада ҳаммасини қўлдан чиқарса бўлади". Шу пайт илғордан икки йигит от қуйиб келиб қолди. Қаноатшо от жиловини тортиб, йигитларга қаради.

– Нима гап?

– Бек ака, анови қирнинг орқасида Катта Жузга қарашли иккита овул учради. Овулларнинг ораси унча узоқ эмас, бир ярим-икки чақиримча келади.

– Шунақа дегин? Яхши, жуда яхши, – Қаноатшонинг этлари жимирлашиб, отини ярим бурди, – Ёқуббек жаноблари!

– Лаббай, бек ака.

– Мингта навкарни ажратиб олинг. Овулларни бараварига босамиз.

– Хўп бўлади, бек ака.

Беш дақиқалардан кейин иккига бўлинган навкарлар қийқиришганча овуллар томон от қўйиб кетишди...

Бу орада Нормуҳаммад қушбеги Жўлак қалъасини қамал қилиб, ҳужумга тайёрлана бошлади. Аввалига бир-икки даста навкарни қалъа олди овулларга ташлади. Қозоқлар мол-ҳолларини ташлаб, бақир-чақир қилишганча ҳар томонга қочишар эди. Эркаклари қурадаги отларига миниб, дасталарга қаршилик кўрсатмоқчи бўлишди. Даста юзбошилари навкар олдида қилич ўйнатиб, от қўйишар экан, ҳайқиришди:

– Овулларга ўт қўйинглар! Ёндиринглар! Қаршилик кўрсатишганини қиличдан ўтказинглар!

Навкарлар овулларни босишаётганда четроқдаги дўнглик устида бир тўп беклар билан турган Нормуҳаммад қушбеги замбаракчиларга буйруқ берарди.

– Замбаракларни қалъа дарвозаси рўпарасига ўрнатинглар. Ҳамма замбаракларни дарвозага тўғриланглар. Ана шундай. Қандай бўлмасин дарвозани қулатинглар.

Қалъага ўт қўйиб, вайронага айлантиришни лаънати ўрисларга кўрсатиб қўямиз.

Руслар қалъа ичида қамалиб олишганча шинаклардан туриб, милтиқлар, замбараклардан ўт очишарди. Қаттиқ қаршиликларга қарамасдан навкарлар замбараклардан ўт очиб, қалъа дарвозасини қулатишга муваффақ бўлишди, дарвоза ёнидаги деворни ҳам қулатишди. Беклар навбатма-навбат дасталари билан очиқ қолган жойдан қалъа ичига киришга уриниб кўришди. Лекин ҳар галги ҳужумда навкарлар аскарларнинг жон-жаҳдлари билан кўрсатган қаршилигига дуч келишарди. Очиқ қолган жой энсиз бўлгани учун навкарлар ёйилиб, ҳужум қила олишмас, тор жойда аскарларнинг қаршилигига тоб беролмай чекинишга мажбур бўлишарди. Иккала томондан ҳам ўлганлар бўлди. Қалъага беш-ўн марта ҳужум қилишгач, Нормуҳаммад қушбеги асрга яқин қўшинни Тувак мавзеси томон бошлаб кетди. Мавзега етиб келганди Қаноатшонинг навкарлари чодир тортиб, кечки овқатга тайёргарлик кўришарди. Нормуҳаммад қўшинни дам олишга буюриб, ўзи Қаноатшонинг чодирига кирди. Қаноатшо уч-тўртта беклар билан тамадди қилиб ўтирарди.

– Ҳормангларов.

– Келдингизми, Нормуҳаммадбек, қайнонангиз суяр экан, – Қаноатшо ёнидан жой кўрсатди. – Мана бу ёққа марҳамат қилинг. Чойдан беринглар. Дастурхонимиз қуюқ эмас. Яхна гўшт билан қотирма нон.

– Бўлаверади.

Қаноатшо Нормуҳаммаднинг кайфиятига қараб, вазият унчалик яхши эмаслигини тушунди. Шунинг учун ҳам савол бериб ўтирмади. Нормуҳаммад бир-икки пиёла чой ичиб олгандан кейин Жўлак қалъасига бўлган ҳужумларни икки оғиз гап билан тушунтириб қўяқолди. Қаноатшо овуллар билан бўлган воқеаларни гапириб берди.

– Шу бугуннинг ўзида бешта овулни буйсундирдим. Ҳали яна итоатдан чиққан овуллар ҳам бор экан. Уларни кейинроқ ёзларга чиқиб, кўрамиз. Буларнинг катта бийи

Бойзоқбийни ушлаб, ҳибсга олиб, яхшилаб танбеҳ бериш керак. Бойзоқбий қаерга юрса, Катта Жузнинг ҳаммаси унга эргашади. Бугун босган овулларимизнинг бийлари қатор туриб, товба қилишди. „Хонга тобе бўламиз“, деб қуръон билан қасам ичишди. Талаб кетган молларни ортиғи билан қайтариб беришди. Ёзда қўрғонни таъмирлаш ишларида ҳар бир овул одамлари астойдил ёрдам беришларини айтишди. Хуллас, қозоқлар билан масала ҳал бўлди. Худо хоҳласа, эртага биргаликда Жўлак қалъасига ҳужум қиламиз. Бир амаллаб замбараклар билан қалъанинг икки-учта дарвозасини қулатсак, марра бизники бўларди. Ўша қулаган жойлардан бараварига ҳужумга ташланиб, қалъага кириб олсак борми... Ўрисларни битта қолдирмай қириб...

Шу пайт гиламнинг бир чеккаси кўтарилиб, Аҳмадшонинг боши кўринди. Гапи бўлинган Қаноатшо „нима гап?“ дегандай унга қаради.

– Қўқондан чопар келди, бек ака.

– Чопар?! Айт, кирсин.

Чопар кириб, таъзим адо қилди-да, қўйнидан нома чиқариб, Қаноатшога узатди. У номани қўлига олиб, муҳрига кўз ташлади. „Нома хон ҳазратларидан келибди. Яқиндагина фармон олувдим-ку, яна қандай фармон бўлиши мумкин?

– Бориб, дамингни олавер, йигит.

Чопар чодирдан чиқиб, кўздан ғойиб бўлгач, Қаноатшо муҳрни синдирди-да, номани товуш чиқариб ўқий бошлади.

Олимул ғойби вашшаҳодаҳ ҳувар роҳманир роҳийм...

Бизким Фарғона мамлакатининг хоқони султон ибн Султон Саййид Муҳаммад Маллахон ибн Шералихон сўзимиз.

Тошканд, Қурама, Дашти Қипчоқ вилоятлари беклярбеги Қаноатшо қушбеги жанобларига етиб, маълум ва равшан бўлғайким, Туркистон, Чимканд қўшинларини жойида қолдириб, Тошканд, Кировчи, Хўжанд қўшинлари

ила ҳаддин имкон қадар зудликда Дорул Аморага етиб келишингизга фармон берғаймиз. Беш-ўнта беклар фитна қўзғатмасдан олдин аларнинг танбеҳини бермоқ лозим. Аввал Андижон тарафга қўшин тортамиз. Кейин Ола Бел довони орқали Тўқмоқ, Пишкак, Авлиёота қўрғонларига қўшин тортамиз. Насиб қилса, Жўлак қалъасида мухтасар қиламиз.

Сана 1278 ҳижрий йили шаъбон ойининг 12 чоршанба куни битилди.

Қаноатшо номани ўқиб бўлиб, ураган ҳолда беклар-га кўз югуртириб чиқди. Беклар бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди-да, кейин ғала-ғовур бўлиб кетди.

– Ия-а-а... Биз қайтиб кетсак Янгиқўрғон нима бўлади?

– Жўлак қалъаси-чи?

– Ўрислар „хон қўшини қочди" демайдими?

– Шошманглар, жаноблар, жим бўлинглар, – Норму-ҳаммад қўлини кўтариб, бекларни тинчитди. – Бу ерда каттамиз бор, – Қаноатшога ишора қилиб, – қушбеги жаноблари нима десалар, шу бўлади, вассалом.

Қаноатшо қушбеги нималар дейишини ҳаёлидан ўтказиб олди. Кейин номани қўйнига тиқиб, чордонадан чўкка тушиб ўтирди-да, салмоқ билан гап бошлади.

– Жаноблар! Ҳукми подшоҳ, вожиб. Хон ҳазратлари бекордан-бекорга бундай фармонни бермаганлар. Нома-да битилишича, сарой хавф остида. Ўзингиз эшитдингиз. Беш-ўнта беклар фитна қўзғаш арафасида туришибди. Хон ҳазратларининг фармонларини ижро қилиб, қўшин-ни албатта Қўқонга олиб борамиз. Фитначиларнинг ада-бини бериб, тартиб ўрнатганимиздан кейин довон орқа-ли Пишпак, Тўқмоқ, Авлиёота, Жўлак қалъаларига қў-шин тортар эканмиз. Худо хоҳласа, Пишпак ёки Авлиёота қўрғонларида албатта яна учрашамиз. Масала равшан. Жаноблар! Номада битилгандай ҳаракат қилмоғимиз ло-зим. Худо хоҳласа, эрта саҳардан йўлга чиқамиз. Мирза Давлат жаноблари.

– Лаббай, бек ака.

– Туркистонга етиб борганимиздан кейин навкарла-

рингиз билан қоласиз. Лекин қўшинни сафарга яхшилаб тайёрлаб туринг. Узоғи билан икки-уч ҳафталар ичида чопар юбораман, Пишпакка ёки Авлиёота қалъасига қўшин тортиб борасиз, – Мирза Давлат сўзсиз бош ирғаб қўйди. – Сиз ҳам худди шундай қиласиз, Нормуҳаммадбек. Чимкандда сиз ҳам навкарларингиз билан қоласиз. Иккалангизга бир вақтнинг ўзида чопар юбораман. Додхоҳ билан биргалашиб номада битилган жойга қўшин тортиб борасизлар.

– Хўп бўлади, бек ака.

– Аҳмадшо! – Қаноатшо мулозимини чақирди.

– Лаббай, бек ака.

– Беш-ўн йигитларни понсод, юзбошиларнинг олдига юбор. „Эрта ноғоралар чалиниши билан йиғиниб, йўлга тушар эканмиз“, деб айтишсин.

Аҳмадшо сўзсиз бош эгиб, кўздан ғойиб бўлди. Беклар кейинги бўладиган ишлар ҳақида узоқ кенгашиб, суҳбатлашиб ўтиришди...

Эртаси куни саҳарлаб ноғоранинг гумбура-гумбур садосидан навкарлар чумолининг уйидай ғимирлашиб қолишди. Йиғиниб, йўлга отланишди. Янгиқўрғондан Тошкандгача қарийб, тўрт юз эллик-беш юз чақиримча келади. Туркистонгача бир юз эллик-бир юз олтмиш чақирим. Чимкандгача ҳам қарийб шу масофа. Бу йўл – карвон йўли. Уч хонликка қарашли карвонлар бу йўлдан асосан Оренбургга боришади. Бу йўл қачон очилганини ҳеч ким билмайди. Бу ерларда карвонсаройлар йўқ, лекин ҳар-ҳар жойларда қозоқ овуллари бор. Қўшин тўрт кунлар йўл босиб, Туркистон шаҳрига етиб келди. Бир кеча қўниб, эртаси куни Чимкандга йўл олди. Олти кун деганда Чимканд шаҳрига етиб келди. Шаҳар дарвозасидан киришар экан, Нормуҳаммад Қаноатшога деди:

– Йўл анча толиқтириб қўйди, бек ака. Уч-тўрт кун дам олиб, ҳордиқ чиқариб, кейин йўлга чиқарсиз.

– Қани энди бир ҳаммом қилиб, икки кун қотиб ухласам. Лекин иложим йўқ. Бир кун бўлса ҳам олдин етиб борай. Тошкандга етиб борганда ҳам бир кеча қўниб, йўл-

га чиқаман. Қўқонга борганда биратўла дам оламан. Негадир юрагим ғаш, Нормуҳаммад.

Шом кириб қолган. Беклар ўрда саломхонасида давра қурган ҳолда гурунглашиб, овқатланишар, ўрда мулозимлари бир оёқда туриб хизмат қилишарди. Зиёфат, гурунг айни қизиб турганда эшикдан Назирқулнинг боши кўринди. Ҳадеганда Нормуҳаммаднинг кўзини учратмагани учун секин чақирди.

– Бек ака.

– Нима гап? – сўради Нормуҳаммад ўгирилиб.

– Бек акамларга, – Назирқул боши билан Қаноатшо томон ишора қилиб, – Қўқондан чопар келди.

– Айт, кирсин, – Нормуҳаммад Қаноатшога зимдан қараб хаёлидан ўтди: „Қўқонда бир гап бўлдиёв".

– Кетма-кет нома келиши менга ёқмаяпти, Нормуҳаммадбек, – деди Қаноатшо безовталаниб, – ишқилиб, охири бахайр бўлсин.

Чопар саломхонага кириб, бекларга таъзим қилдида қўйнидан нома чиқариб, Қаноатшога узатди. Нормуҳаммаднинг ишораси билан чопар ташқарига чиққач, Қаноатшо муҳрга кўз югуртирди. „Муҳр девонхонаники. Демак, номани мирзабошининг ўзи юборган. Илоҳим, тинчлик бўлсин". Муҳрни синдирди-да, номани ёйиб, ўқий бошлади.

Ҳуваллази арсала расулаҳу бил Худо

Бизким, Фарғона мамлакатининг хоқони султон ибн Султон Баҳодир Сайиид Шоҳмуродхон ибн Саримсоқхон сўзимиз:

– Ия-а-а... Хон бошқа бўлибдими?

– Хон ҳазратларига нима бўлди?

– Шошманглар, номани эшитайлик.

Ушбу нома Тошканд, Қурама, Дашти Қипчоқ вилоятлари беклербеги Қаноатшо ибн Акбаршо қушбегига етиб, маълум ва равшан бўлғайким, жорий йилнинг шаъбон ойи 24 яъни якшанбадан душанбага ўтар кечаси Андижон ҳокими Олимбек додхоҳ ибн Ҳасанбий бошчи-

лигида бир тўп фитначи беклар Саййид Маллахон ибн Шералихон ҳазратларини „Шаҳнишин"да хобгоҳларида ваҳшийларча қатл қилишди.

Шу жойи ўқилганда бекларнинг ҳаммаси „у-у-уҳ" деб юборишди.

Хон ҳазратларининг шаҳодат даражасиға етишлари муносабати билан тахти маврусийни эгалладик. Ушбуға мутобиқ фармонимиз:

Қаноатшо ибн Акбаршо қушбегини Тошканд, Қурама, Дашти Қипчоқ вилоятлари бекларбеги лавозимида қолишини лозим топдик. Фарғона мамлакатида хоқонлигимизни тан олиб, итоат этган ҳолда салтанатимиз фаровонлиги учун ба сидқи дил хизмат қилишингизни тақрир этдик, шу билан бирга мазкур вилоятларда бекликлар устидан назорат олиб бориш ҳуқуқини чексиз ваколатлар билан сизға топшурдук. Боқий калом маъал мухтасари вассалом.

Сана 1278 ҳижрий йили 25 шаъбон ойи сешанба куни битилди.

Қаноатшо номани ўқиб, тугатди. Ҳамма „чурқ" этмай ўтирарди. Хонага жимлик чўкди. Беклар кўзларини Қаноатшога тикишди. Нормуҳаммад ҳам унга тикилар экан, хаёлидан ўтказди. „Ё, Парвардигор, Маллахон ҳазратларини қатл қилишибди-я. Додхоҳдан бошқа яна кимлар бўлиши мумкин? Бу фитнага хонзода аралашмаган бўлса керак. У ҳали ёш. Ишқилиб, Мусулмонқул даврига ўхшаб қолмасин-да. Бундай ҳол бўлмаслиги учун Худоёрхон ҳазратларини чақиртириб, хон қилиб кўтариш керак. Шундагина ҳаммаси жой-жойига тушади". Қаноатшо чордонадан чўкка тушиб ўтирди-да, бекларга қараб деди:

– Жаноблар! Олдин марҳум хон ҳазратларининг арвоҳларига Қуръон тиловат ўқиб бағишлайлик, кейин гаплашамиз.

Беклар бош ирғашди. Қаноатшонинг ўзи Қуръондан тўрт оят ўқигандан кейин ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишди. Қаноатшо бир зум ўйланиб туриб, кейин салмоқ билан гапира бошлади.

– Жаноблар! Ҳозир сизлар қандай ҳолатда бўлсангиз, мен ҳам шу ҳолатдаман. Хон ҳазратларининг қатл қилинишларини ҳеч ҳам ҳазм қила олмаяпман. Фитнани ким бошлаган? Ким ижро қилган? Бу нарсалар биз учун қоронғи. Олимбек додхоҳ бийлар билан Андижон шаҳридан келиб, тунда шаҳар дарвозасидан тортиб, сарой дарвозаси, ташқи ҳовли, ўрта ҳовли, „Шаҳнишин“гача ҳеч бир қаршиликсиз етиб келиши ақлга сиғмайдиган иш. Шунинг учун айрим нарсаларни аниқлаб олсак яхши бўларди, – Нормуҳаммадга юзланди. – Чопарни чақиртиринг.

– Назиркул! – Нормуҳаммад эшикка қараб қичқирди. Назиркулнинг боши кўриниши билан буюрди. – Бояги чопарни айт, кирсин.

Чопар хонага кириб, қўл қовуштириб турди. Нормуҳаммад „савол бераверинг“ дегандай Қаноатшога қаради. Қаноатшо чордона қуриб ўтирди-да, чопарга савол бера бошлади.

– Саройда хон ҳазратларини қатл қилишибди. Бундан хабаринг борми?

– Шундай, бек ака, хабарим бор.

– Хонзода Шоҳмуродхон Саримсоқбек ўғлини хон қилиб кўтариб, тахтга ўтқазишибди. Бундан ҳам хабаринг борми?

– Йўқ, бек ака, хонзоданинг тахтга ўтқазишларидан хабарим йўқ.

Беклар бир-бирларига қараб олишди. Қаноатшо томоғини бир қириб олиб, ўша оҳангда савол беришни давом этдирди.

– Хон ҳазратларини қатл қилишганда сен қаёқда эдинг?

– Саройда ухлаб ётувдик, бек ака.

– Ухлаб ётувдик?!

– Шундай, бек ака. Саройнинг ташқи ҳовлисида сайислар билан ёнма-ён чопарлар ҳужраси бор. Биз ўша ҳужрада ухлаб ётувдик.

– Хўш, кейин-чи?

– Кейин одамларнинг дупир-дупирлаб югуришларидан, милтиқларнинг гумбурлаб отилишидан уйғониб кетдик. Кейин қарасак, навкарлар...

– Шошма, шошма, сен бир чеккадан гапир, – Қаноатшо чопарнинг гапини бўлди. – Якшанба куни кечқурундан бошлаб гапир.

– Якшанба куни кечқурун сарой арконлари уй-уйларига кетишди. Шу кечаси бизнинг навбатимиз бўлгани учун шеригим билан саройда қолдик, яъни чопарлар учун ажратилган ташқи ҳовлидаги ҳужрамизда қолдик. Шомдан кейин кечки овқатни едик-да, хуфтонни ўқиб, уйқуга ётдик. Бизнинг ҳужрамиздан ҳовлига қараган иккита дераза бор. Ҳовлининг тўрт томонида тўртта машъала қишин-ёзин ёниб туради. Шунинг учун хира бўлса ҳам тунда ҳовли кўриниб туради. Қанча ухлаганимни билмайман, бир пайт турткилашдан уйғониб, кўзимни очсам, шеригим „деразадан қаранг", деб имо қиляпти. Қарасам, икки юз-уч юзта навкарлар дарвозани тўсиб олишибди. Ўрта ҳовли томонда ўн-ўн бешта беклар қўлларида яланғочланган қилич билан туришибди. Шодмонхўжа мингбоши билан беклар ўртасида музокарага ўхшаган гаплар бўлди. Шу пайт Шодмонхўжа мингбоши...

– Шошма, Олимбек додхоҳдан бошқа бийларни танидингми?

– Танидим. Сарой арконларидан Ирисқулибий, Хидир додхох, Худойназар понсод, кейин Олимбек додхоҳнинг ноиби, оти эсимдан чиқди.

– Алимқул понсод ҳам бормиди?

– Йўқ, бек акамни эрталаб мирзабошининг ҳужрасида кўрдим.

– Яхши, гапингни давом қил.

– Бир пайт Шодмонхўжа мингбоши бир нималар деб ҳайқирувди навкарлар бараварига милтиқларидан ўқ узиб юборишди. Назаримда қиёмат қойим бўлгандай бўлди. Даҳшатли гумбурлаш эшитилди. Ташқи ҳовлини тутун қоплади. Деразаларимиз зириллаб кетди. Қўқон ҳалқи битта қолмай уйқудан уйғониб кетган бўлса ке-

рак. Тутун тарқалгандан кейин қарасам, ҳалиги беклар ҳаммаси чўзилиб ётибди. Хуллас, эрталабгача утириб чиқдик. Эшикни ичкаридан занжирлаб олдик. Эрталаб шерикларимиз келишди. Ҳаммаларининг ранглари учган. Эшикдан кира солиб, „нима бўлди?“ деб сўрашди. Биз бўлган воқеани айтиб бердик. Улар ажабланиб, „ахир шаҳарда „хон ҳазратларини қатл қилишибди“ деган „дув-дув“ гаплар юрибди“, дейишди. Даҳшатдан қотиб қолдик. Кейин билсак, шу кечаси ҳалиги отилган беклар хон ҳазратларини қатл қилишган экан. Ўн-ўн беш дақиқа гаплашиб ўтирувдик, кейин ҳаммамизни девонхонага чақиртиришди.

– Саройда хонзода Шоҳмуродхонни кўрдиларингизми?

– Йўқ, бек ака, кўрмадик.

– Бўпти, бориб дамингни олавер.

Чопар кўздан ғойиб бўлгач, Қаноатшо бирров бекларга кўз югуртириб чиқди.

– Хуш, жаноблар, чопарнинг гапларини эшитдиларингизми? Хон ҳазратларининг қотилларини қатл қилишибди. Номадаги битувга қараганда Шоҳмуродхонни хон қилиб кўтаришган. Шунга сизлар нима дейсизлар? Кимда қандай фикр бор? Ўртага ташланглар, биргалашиб, бир қарорга келамиз.

Беклар бир-бирлари билан пичирлаша кетишди.

– Эҳтиёт бўлиб гапириш керак.

– Тўғри, яна балога қолиб юрмайлик.

– Янги хонга итоат қиламизми?

– Яна бошқаси тахтга ўтириб қолса-чи?

– Яхшиси, бек акам нима десалар, ўшанга „хўп“ деб қўяқоламиз.

– Маъқул гап, шундай қиламиз.

Бекларнинг имо-ишоралари билан ёши каттароқ бек Қаноатшога қараб деди:

– Бек ака, гапнинг рости, ҳозир бир нарса дейишга юрагимиз дов бермаяпти. Бу ёғига энди сиз нима десангиз, шуни қиламиз.

– Яхши. Агар менинг гапларимга кирадиган бўлсаларингиз, бундай қиламиз. Мен Шоҳмуродхоннинг хон бўлишига мутлақо қаршилигим йўқ. У ҳам хон авлодидан, лекин у ҳали ёш. Фарғона мамлакатига хонлик қилишга жуда ҳам ёшлик қилади. Яна Мусулмонқул мингбоши даврига тушиб қолмайлик. Шунинг учун бизга мустақил хон керак. Агар „хўп“ десаларингиз, Худоёрхон ҳазратларини хон қилиб кўтарсак, мақсадга мувофиқ бўларди. Шу гапга нима дейсизлар?

Беклар бир овоздан Қаноатшонинг гапларини маъқуллай кетишди.

– Яхши гап бўлди.

– Биз розимиз.

– Тахтга Худоёрхон ҳазратларининг ўзлари муносиб. Бошқаси бўлмайди.

– Ул зот ҳозир қаерда эканлар?

– Билмадим, бек акам билсалар керак.

– Жаноблар! – Қаноатшо қўлини кўтариб бекларни тинчлантирди. – Худоёрхон ҳазратлари айни пайтда қайси шаҳарда бўлишлари бизга номаълум. Сабаби Қўқондаги воқеалар ул зотга биринчилардан бўлиб етиб бориши турган гап. Шул боис Бухородан Самарқанд ёки Жиззах шаҳрига келишлари эҳтимолдан холи эмас. Ул зотга шу бугуннинг ўзидаёқ нома битамиз. Кейин бамаслаҳат нома билан бирга ўн-ўн бешта бекларни Бухорога юборамиз. Беклар амирлик ҳудудларига ўтишгандан кейин Жиззах, Самарқанд ҳокимларидан бемалол суриштиришса бўлади. Хулласи калом, Худоёрхон ҳазратлари кайси шаҳарда бўлишларидан қатъи назар, ўша шаҳардан пешандоз қилиб, Тошкандга олиб келамиз-да, Тошканднинг ўзида хон қилиб кўтарамиз! – деб ҳаяжон билан бекларга кўз югуртириб чиқди. – Хўш, қалай, бўладими? Сиз бир нарса демоқчимисиз, Нормуҳаммадбек? Марҳамат.

– Агар ўн-ўн беш киши бўлиб борсак, кўзга ташланиб қоламизми, деб кўрқаман. Айғоқчилар дарҳол Қўқонга етказишади. Бундай қилсакми дейман, номани оддий бир кишидан юборсак-да, Худоёрхон ҳазратларини Чи-

нозда, дарё кечувида кутиб олсак, қандай бўларкин? Яна ўзингиз биласиз, бек ака.

– Ўҳ-ҳў, маъқул гап.

Нормуҳаммаднинг гаплари бекларнинг ҳаммасига маъқул тушди. Анча пайтгача кенгашиб, гурунглашди. ниҳоят бир қарорга келишди. Эллик-олтмиштача дин пешволари, беклар, бойлар карнай-сурнай, ноғоралар билан Чинозда Худоёрхоннинг ҳурматини жойига қўйиб, кутиб оладиган бўлишди. Уларга бошлиқ қилиб Нормуҳаммад тайинланди. Қаноатшо қолган беклар билан Тошканд шаҳрига кираверишда кутиб оладиган бўлди. Ўрда девонхонасида Нормуҳаммаднинг айтуви билан мирзабоши Худоёрхонга қиртиллатиб нома битарди.

VII БОБ

Бухоро... Шаҳарнинг Зардўзи маҳалласида салобати билан бошқа уйлардан ажралиб турган болохонали кошона қад кўтарган. Амирликка қарашли бу хонадонда Худоёрхон аҳли байти билан истиқомат қилади.

Уч ярим йиллар чамаси олдин Худоёрхон ҳарамдагилар, беклар, беш юз атрофда навкари билан Қўқондан чиқиб, Бухоро томон йўл олди. Ҳокимойимни Қисакўзда кутиб олди-да, биргалашиб, саккиз кун деганда Жиззах шаҳрига кириб келишди. Бир ҳафта шаҳар ҳокимининг меҳмони бўлишди. Бу орада ҳоким Бухорога чопар жўнатиб юборди. Самарқандга отланишар экан, Худоёрхон Ҳокимойимга маслаҳат солди.

– Ойихоним, шу шаҳарнинг ўзидан дурустроқ ҳовли олиб қўяқолай. Нима дейсиз? Об-ҳавоси ҳам яхши экан. Хохласангиз, уч-тўрт таноб ер сотиб олиб, саройдай бўлмаса ҳам мундайроқ қилиб қурдирай. Қалай, маъқулми?

– Йўқ, бу ер бўлмайди, ўғлим, – Ҳокимойим бошини чайқаб, кескин рад қилди. – Бу ерлар Қўқон ерлари билан чегарадош экан, бўлмайди. Ҳар отга миниб айланганингда юрагинг эзилади. Борадиган жойимиз қанча узоқ бўлса, шунча яхши. Кўрмаймиз ҳам, куймаймиз ҳам. Олдин Самарқанд шаҳридаги азиз авлиёларни зиёрат қили-

шимиз керак. Бухорода етти пир бор. Уларни зиёрат қилишимиз керак. Бухорода яшаймиз, ўғлим.

Худоёрхон Ҳокимойимнинг гапини икки қилмади. Бир ҳафта деганда Самарқандга етиб келишди. Шаҳар дарвозаси олдида амир Насруллохоннинг беклари Худоёрхоннинг ҳурматини жойига қўйиб кутиб олишди. Икки кун дам олиб, беклар ҳамроҳлигида Бухорога жўнаб кетишди. Бухоро амири Худоёрхонни Аркда қабул қилди. Худоёрхон ҳудайчининг кузатувида „Ҳузури олий"га кириб борар экан, амир Насруллохон тахтдан тушиб келиб, уни бағрига босди.

– Йўлда қийналмай келдиларингизми, ўғлим? – амир ҳол-аҳвол сўради, – йўл азоби ҳаммамизга маълум, – ён томонга қараб қичқирди. – Шаҳзодам!

– Лаббай, падари бузруквор.

– Бу ёққа келинг, яқинроқ келинг, кўришинглар, йўқ, қучоқлашиб кўришинглар, ана шундай. Бу менинг валиаҳд ўғлим, Сайид Музаффархон. Икковингиз қарийб тенгқурсизлар. Дўст бўлиб кетишларингга ишонаман. Ҳозирги айтмоқчи бўлган гапларимни икковингиз ҳам қулоқларингизга қуйиб олинглар. Мухрланиб қолса ҳам майли. Биз – катталар шунча йил Фарғона мамлакати билан жанг-жадаллар қилиб, осмонга устун бўлмадик. Биздан кейин сизлар асло жанг қилманглар. Халқ қийналиб кетди. Баҳамжиҳат бўлинглар. Мамлакатда тинчлик бўлса, халқ хотиржам тортиб, ҳамма ўз иши билан машғул бўлади. Қўшин тортишга кетган маблағлар халқ фаровонлиги учун ишлатилса, шаҳар, қишлоқлар обод бўлади. Обод мамлакатда халқ тўқ бўлади. Савдо карвонлари қишин-ёзин қатнасин. Икки мамлакат ўртасида иложи борича савдони ривожлантиринг. Бир-бирларингизга ёрдам беринг, доимо аҳил бўлинг...

Шу гапларни айтиб, икки йилдан кейин амир Насруллохон қазо қилди. Тахтга валиаҳд Музаффархон ўтирди. Иккови тенгқур бўлгани учунми, бирпасда чиқишиб кетишди. Расмий зиёфатларда амир Музаффархон Худоёрхонни ҳар доим ўнг томонига ўтқизар, арконлар ҳам бунга

қуникиб қолишган эди. Овга, кўпкарига доим ўзи билан олиб борарди. Расмий қабуллардан, бек, аълам, муфтий, арконларнинг расмиятчилигидан чарчаб, зериккан пайтларида Худоёрхоннинг бир ўзини аркка чақиртириб, „Ҳужраи хос"да ёлғиз иккови норасмий суҳбатлашишни ёқтирарди. Суҳбат самимий бўлиб, ҳар хил мавзуда борарди. Бугун ҳам кун бўйи Арк олди чумолининг уйидай гавжум бўлди. Бандар отлар билан банд. Сайисларнинг қўли, қўлига тегмайди. Биров давлат иши билан, биров шахсий иши билан маҳкамага, амирнинг ҳузурига кириб чиққани чиққан. Обдан чарчаган амир тахт суянчиғига ўзини ташлаб, кўзларини юмди. Одам шарпасини эшитиб, кўзини очди-да, қўл қовуштириб турган ҳудайчига кўзи тушди.

– Нима гап?

– Амир ҳазратлари, Мамашариф понсод жаноблари изн сўраяптилар Қўқондан айғоқчи келганмиш.

– Ўҳ-ҳў... Қўқондан, дейсанми? Айт, тез кирсин.

Ҳудайчи хонадан чиқиши билан ҳаяжонланган Мамашариф понсод кирасолиб, таъзим адо қилди-да, тупукларини сачратганча гапира кетди.

– Амир ҳазратлари, Қиёмат!! Қиёмат-қойим бўлди. Ҳозиргина Қўқондан айғоқчимиз келди. Қирғиз-қипчоқлар қўзғолон кўтариб, Қўқон хони Маллахон ҳазратларини қатл қилишибди.

– Ё, Раббий!.. Нималар деяпсан?!

– Шундай, амир ҳазратлари. Маллахон ҳазратларини қатл қилишиб, тахтга марҳум Саримсоқбекнинг ўғли...

– Шошма, понсод, шошма, мундоқ курсига ўтириб, батафсил гапир.

Понсод курсига жойлашиброқ ўтирди-да, бир оз ўзини босиб олиб, айғоқчи олиб келган хабарни бир чеккадан дона-дона қилиб баён қила кетди. Қирқ-эллик дақиқалик суҳбат, савол-жавобдан кейин амир понсодга рухсат бериб, ҳудайчини чақирди.

– Лаббай, амир ҳазратлари, – ҳудайчи хонага кириб, таъзим адо қилди.

– Худоёрхон ҳазратларини тезда чақиртир... Шошма, ғўғри „Ҳужраи хос“га олиб бор. Хонтахтани ҳам туза.

– Бош устига, амир ҳазратлари.

Йигирма дақиқалардан кейин икковлари қизғин суҳбат қуришарди. Мамлакат атрофида бўлаётган воқеалар, сиёсат тўғрисида гаплашар экан, Худоёрхоннинг назарида амир бу сафар бошқачароқдай туюлди. „Товба, амирга нима бўлдийикин? Гаплари самимийдай, лекин нимани-дир яширяпти ёки айтолмаяпти. Қизиқ, нимайикин? Шу пайт амир гап мавзусини шартта бошқа томонга бурib юборди.

– Жиззах шаҳрига борсангиз, қандай буларкин?

Худоёрхоннинг юраги гумуриб кетди. „Ўҳ, Худойим-га шукур, қанийиди борсам. Жиззах шаҳрига-я! Ватаним билан ёнма-ён. Бир мартага борсам, армоним йўқ эди“. Худоёрхон бир ютиниб сўради:

– Ростданми, амир ҳазратлари?

– Агар жаноблари рози бўлсалар.

– Рози бўлганда қандай. Қачон йўлга чиқишим керак?

– Истаган пайтларида, – амир кулимсираб, кейин жид-дий тортиб, гапини давом қилди. – Жанобларига рос-тини айтиб қўяқолай. Бардам бўлсинлар. Бу гап жано-блари учун хурсандчиликми ёки мусибатми, билмадим. Шу бугун Қўқондан хабар келди. Акангиз Маллахон ҳаз-ратларини қатл қилишибди...

– И-и-иҳ!.. – Худоёрхоннинг юраги зирқираб кетди. – Парвардигорим... Хабар аниқми, амир ҳазратлари? Ким-лар қатл қилибди?

– Хабар аниқ, қирғиз, қипчоқлар қатл қилган, де-йишяпти.

– Ҳайвонлар!!! – ғазабдан қип-қизариб кетган Худоёр-хон ўзини курсининг суянчиғига ташлади. – Маъзур тут-синлар, амир ҳазратлари, беодоблик бўлди.

– Ҳечқиси йўқ, бундай пайтда ҳар қандай гап раво. Ҳозирча волидангиз билмай турсалар, ул зотни ғам-аламга ботиришнинг ҳожати йўқ. Кейинроқ мавриди би-лан айтилгани маъқул. Энди гап бундай, тахтга жиянингиз

Шоҳмуродбекни ўтказишибди. Лекин у ҳали ёш. Хабарларга қараганда кўпчилик беклар қарши эмиш. Шу сабабга кўра Қўқонданми ёки Тошканддданми, жанобларига хабар келиши аниқ. Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши Жиззахга бориб турганингиз маъқул. Жиззах ҳокими навкарлари билан сизнинг ихтиёрингизда бўлади. Шароитга қаранг, қўшимча ёрдам керак бўлиб қолса, чопар юборсангиз кифоя. Мени тушунган бўлсангиз керак?

Худоёрхон сўзсиз бош ирғади. Икковининг шу мавзуда суҳбати анчагача чўзилди. Ниҳоят амирнинг рухсати билан Худоёрхон ташқи ҳовлида кутиб турган Саидбек бошлиқ беклар билан бирга Аркни тарк этди. Саидбек қовоғини уйиб олган Худоёрхоннинг юзига бир қараб, нимадир содир бўлганини сезса ҳам одоб юзасидан сўрамади. Худоёрхон ҳам индамади. Йўрға юришда боришар экан, Лабиҳовузга кираверишда ёнида келаётган Саидбекка қараб, хириллаган товушда деди:

– Саид, қирғиз, қипчоқлар акам Маллахонни қатл қилишибди!..

– Ё, Парвардигор!.. Худо раҳмат қилсин...

– Шунинг учун тўрт кундан кейин сафарга жўнаймиз. Қолган гапларни уйда бафуржа гаплашамиз, маъқулми?

– Маъқул.

– Энди жадаллаймиз.

Худоёрхон от бошини Зардузи маҳалласига буриб, қамчи босди. Беклар унинг ортидан бараварига от қўйишди.

* * *

Мусофирликда Ҳокимойим учун неваралари катта овунчоқ бўлди. Айниқса, биринчи қиз невараси Шаҳзодахонни ҳамма невараларидан ортиқ кўрар „офтобим" деб, ер-кўкка ишонмас, кечалари ўзи билан олиб ётарди. Бир пайтлар унинг онаси Гулзода бегимни Чоркуҳ ҳокими Музаффарбек Худоёрхонга тортиқ қилган эди. Мадаминбек, Саидаъзамхон, Олмагуллар қарийб тенгқур, учови ҳам тўрт ёшдан ошган, лекин ҳали беш ёшга

тулишганча йўқ. Саккиз ёшга тўлган Саидакрамхон домлада ўқийди. Ўн икки ёшга тўлган Насриддинбек домлада ўқиб турса ҳам кўпинча Қиличга эргашиб, Сарбозхонага боради. Бугун ҳам Ҳокимойим хос хонасида бир ёшга тўлган Шаҳзодахоннинг қўлчаларидан ушлаб олиб, тетапоя қиларди.

– Ўзимнинг офтобим, қани, ҳа, тета-тета, қани, юрақол энди, Мадаминбегим, шаҳзодачам, сен укачангни нариги қўлчасидан ушла, ана шундай, ҳа, баракалла. Қани, юрдик, тета-поя, тетапоя... Вой, айланай, офтобимдан, юряпти...

Шу пайт канизак кириб, таъзим адо қилди.

– Нима гап?

– Ойихоним, хон ҳазратлари ташриф буюряптилар.

– Яхши, сен болаларни ол, – Ҳокимойим қайта кўрпачага ўтириб, у ёқ-бу ёғини тўғрилаган бўлди, – Саидакрамхон мактабдан келмадими?

– Йўқ, турачам ҳали келганларича йўқ, – деб жавоб берди канизак болаларнинг бирини кўтариб, бирини етаклаганча эшик томон юрар экан, – келишлари билан ҳузурингизга юбораман.

Худоёрхон хонага кириб, онасига салом берди. Ҳолаҳвол сўради. Ҳокимойим ўғли билан сурашар экан, ундаги ўзгаришни сезди. „Кўзлари одатдагидан ташқари чақнаб турибди, ишқилиб, яхшиликка бўлсин".

– Кел, ўғлим, яхшимисан? Мана бу ёққа, олдимга ўтир. Бугун кўринишинг бошқача? Мунча, қаерларга бориб келдинг?

– Амир ҳазратлари чақиртирган эканлар.

– Тинчликми, ўғлим? – сўради Ҳокимойим сергакланиб.

– Сафарга жўнаяпман, ойихоним.

– Сафарга?! Йўл бўлсин?

– Худо хоҳласа Жиззах шаҳрига, ойихоним.

– Жиззахга? Нега Жиззахга?

– Амир ҳазратлари маслаҳат бердилар.

– Маслаҳат бердиларми ёки буюрдиларми?

– Ойихоним, амир ҳазратлари менга ҳеч қачон буюрмайдилар. Фақат маслаҳат берадилар холос. Танлаш ҳуқуқи ўзимда. Ростини айтсам, ойихоним, амир ҳазратлари шундай маслаҳат ёки буйруқ берганидан ниҳоятда хурсанд бўлиб кетдим. „Жон-жон“ деб рози бўлдим. Келганимизга уч йилдан ошиб кетди. Ватанимни соғиндим, ойихоним. Ерларимизни соғиндим. Одамларимизни соғиндим. Дарахт, гувала девор, мол, чумчуқ, мусичаларимни соғиндим. Жиззахга борсам, шуларни кўргандай бўламан, – Худоёрхон Ҳокимойимнинг кўзларига тикилиб туриб, деди, – ойихоним, мен сиздан гап яшириб ўтирмайман. Амирнинг айғоқчилари аллақандай хабар келтиришган. Қўқонда нотинчлик бўлаётганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам амир ҳазратлари мени Жиззахга юборяптилар.

Ҳокимойимнинг юраги зирқираб кетди. „Э, Худойим, синовларинг бунчалик ҳам оғир бўлмаса! Болаларимни бевақт ўлимдан ўзинг сақла, Парвардигорим. Менга раҳминг келсин, болаларим ўлмасин“. Ҳокимойим бир „уҳ“ тортиб деди:

– Майли борақол. Сенга оқ йўл, ўғлим, сафаринг бехатар бўлсин. Амирнинг маслаҳати буйруқ билан баробар. Биз бу ерда мусофирмиз. Майли, амирнинг айтганини қил. Лекин бир нарсани қулоғингга қуйиб ол. Суфибек қазо қилди. Битта аканг билан битта уканг қолди. Яхшими, ёмонми, бу иккови сенинг қанотларинг. Жиянларинг ҳам бор. Илоҳим, бир-бирларингга қарши бўлманглар. Шундай йўл тутгинки, виждонинг қийналмасин. Биздан хавотир олма, ўғлим. Бу ердагиларнинг ҳаммасига ўзим бош-қош бўлиб тураман.

Тўрт кундан кейин Ҳокимойим ўғлига оқ фотиҳа бериб, йўлга кузатди...

Худоёрхон беклар, навкарлар ҳамроҳлигида икки ҳафтача йўл босиб, Бухородан Самарқанд орқали Жиззахга етиб келди. Шаҳарнинг Совунгар маҳалласида ҳокимликка қарашли ички, ташқи ҳовлидан иборат ҳашаматли хонадон бўлиб, Худоёрхон беклар билан шу ерга қўнди.

Беш юз навкарини сарбозхоналарнинг бирига жойлаштирди. Кунлар бирин-кетин ўта бошлади.

Худоёрхоннинг Жиззахга келганига ҳам салкам бир ой бўлиб қолди. Беклар билан чўл, тўқайларда ов қилишдан чарчамади. Кечқурун сандал атрофида гурунглашиб, китобхонлик қилишарди. Ҳар замонда Саидбек билан Азимбекни олиб қолиб, кўнглини ёзарди.

– Саид, ҳеч нарсадан дарак йўқ-ку!

– Сабр қилайлик, ҳазратим. Ҳали ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ-ку.

– Яна қанча вақт ўтиши керак? Сен нима дейсан, Азим?

– Саидбек тўрам тўғри айтяптилар. Ахир амир ҳазратлари бекорга юбормайдилар-ку, яна озгина сабр қилайлик.

– Уф-ф... Сабр қилиш кераклигини ўзим ҳам биламан, – деди Худоёрхон пешонасини тириштириб. – Лекин кутиш қанчалик азоблигини икковинг биласанларми? – кейин Саидбекка ишшайиб қаради. – Қўй ҳаммасини Саид. Жангномадан ол, бир маза қилиб эшитайлик...

Ҳут тугаб, ҳамал ойи келиши билан, Жиззах халқи Наврўз байрамини бошлаб юборди. Ҳар куни яланглиқда сайиллар ўтказишарди. Кунлар илиб қолгани боис мулозимлар сандални олиб ташлаб, хонтахта қўйишди. Манқалларни ёқмай қўйишди. Бугун ҳам беклар кун бўйи сайилда кўпкари, кураш, қўчқор, хўроз жангларини томоша қилиб, кечга яқин қароргоҳга ҳориб, очқаб келишди. Нари-бери ечиниб, бет-қўлларини ювишди-да, ўзларини меҳмонхонага уришди. Ҳар галгидай тузалган хонтахта тўрида Худоёрхон ўтирди. Атрофига Султонмуродхон, Ҳамдам понсод, Азимбек, Ғани тўқсоба, Саидбек, Қиличлар жойлашишди. Ҳаммалари гурунг аралаш овқатга машғул бўлишди. Мулозимлар хизматда. Тўрт чеккада тўртта лампачироқ хонани ёритиб турарди. Обдан овқатланиб бўлишгач, чой ичишар экан, мулозимларнинг ишларини назорат қилиб юрган бош баковул Худоёрхонга қараб, қўл қовуштирди. Унинг бир нарса

демоқчи эканлигини сезган Худоёрхон пиёлани хонтахта устига қўйиб суради:

– Нима гап?

– Боя асрга яқин бир отлиқ нома ташлаб кетди.

– Чопарми?

– Чопарга ўхшамайди. Қаердан келганини айтмади, ўтирмади ҳам. Номани қўлимга тутқазиб, индамай кетди.

– Ё, товба... Шу пайтгача нега жим турибсан?! Қани нома?!

– Мана, – номани қўйнидан чиқарар экан, – тамадди қилиб олсалар, кейинроқ берарман, деб ўйладим.

– „Тамадди қилиб олсалар"миш. Вой овсар, биз ҳар куни хабар кутамиз, бунинг қилган ишини қара, Саид. Нома асрда келса-ю, бу шу пайтгача қўйнига тиқиб ўтирса-я. Қачон санларга ақл киради, ўзи?! Номани бу ёққа ол! – Худоёрхон номани қўлига олиб, муҳрга кўз югуртирди. – Нома Қаноатшодан экан. У ҳозир қаерда?

– Тошкандда, беклярбеги лавозимида.

– Ҳа, ҳа, тўғри, Тошкандда. Нормуҳаммад Чимкандда эди, ҳозир ҳам ўша ердами?

– Билмадик, анчадан берига хабар олганимиз йўқ.

– Нега йўқ экан? Мана хабар. Қани, Саид, ўзинг дона-дона қилиб ўқи.

Саидбек номани ёйиб,кўздан кечирди-да шошмасдан ўқий бошлади.

Сайид Муҳаммад Худоёрхон ибн Шералихон ҳазратларига

Ушбу нома етиб, маълум ва равшан бўлғайким, Қаноатшо ибн Акбаршо қушбегидан деб билғайлар. Ушбу битган номам ҳазратларига бир тарафдин мусибат билдирса, бир тарафдин иқболингиз кулиб боққанини билдиради. Жорий йилнинг шаъбон ойида бир туп нобакор бийлар Сайид Маллахон ибн Шералихон ҳазратларини тун ярмида „Шаҳнишин"да қатл қилмишлар...

Беклар пичирлашиб, юзларига фотиҳа тортиб қўйишди. Худоёрхон кўзларини чирт юмиб, қовоқларини уйган ҳолда бир дақиқа қотиб турди-да, кейин „ўқи" де-

гандай қули билан ишора қилди. Саидбек ўқишда давом этди.

Ўша тунниng ўзида нобакор бийларнинг ўзлари ҳам қатл қилиндилар.

Шу ерга келганида Худоёрхон бўғиқ товушда „ҳа, итдан тарқаганлар" деди. Тўхтаб қолган Саидбекка „ўқийвер, менга эътибор берма", деб пичирлади.

Бу ишларга бош-қош бўлиб турган Алимқул эшикоғаси ила Шодмонхўжа мингбошилар жиянлари бўлмиш Шоҳмуродхон ибн Саримсоқбекни хон қилиб кўтариб, тахтга ўтқизмишлар. Биз Тошканд, Қурама, Дашти Қипчоқ вилоятлари бекликлари Ҳазратимни тахтга ўтқазиш тарафдоримиз. Нормуҳаммад қушбеги бошлиқ аълам, муфтий, бек, боёнлар ила ҳазратимни Чиноз олди дарё кечувида кутиб олғайлар ҳамда Тошканд узра сарафроз қилиб олиб келғайлар. Тошкандда ҳазратимни хон қилиб кўтарганимиздин кейин иншооллоҳ, Хўқандга қўшун тортиб борғаймиз. Худо хоҳласа, Дорул Амораға бориб, тахтга утирғайсиз. Ҳазратим номани олғон заҳотлари ҳадди имкон Чиноз томон от қўйсунлар. Биз бу ерда ҳамма нарсани тайёр қилиб қўйғаймиз.

Боқий калом маъал эҳтирому вассалом. Аддойи ғуломинғиз Қаноатшо ибн Акбаршо қушбеги муҳр босдим.

Тошканд. Сана 1278 ҳижрий йили ҳут ойининг 28 чоршанба куни битилди.

Саидбек номани ўқиб бўлиб, қоғозни ўраб, хонтахта устига қўйди. Беклар хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билишмасди. Улар бир-бирлари билан кўз уриштириб, сукут сақлаб туришди. Худоёрхон кўзлари ёшга тўлганча Саидбекка қараб деди:

– Саид, Қуръон ўқи, акамнинг арвоҳига бағишлайлик.

Саидбек чўкка тушиб ўтирди-да, ширали овозда „Мулк" сурасини охиригача ўқигач, ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишди. Бекларнинг номидан Ҳамдам понсод кўнгил сўради.

– Бандачилик-да, ҳазратим, Худо сабр берсин.

Худоёрхон сўзсиз бошини қимирлатиб қўйди-да,

кейин бирров бекларга кўз югуртириб чиқди. Унинг юзига қараб, бекларнинг этлари жимирлашиб кетди. Ўзгарган, ёшли кўзлари чақнарди. Бекларнинг олдида тўрт йил олдинги Худоёрхон турарди. Амирона товушда салобат билан буюрди:

– Фармонимни эшитинг! Икки кунда сафарга тайёрланинг. Учинчи куни йўлга чиқамиз. Араваларни қолдирамиз. Ҳар бир навкар ўзи билан бир ҳафталик озуқа олсин. Мирзачўлни кесиб ўтамиз. Фақат сардобалардагина қисқа вақт дам оламиз. Саид, сен амир Музаффархон ҳазратларига нома битиб юбор. Ҳар эҳтимолга қарши йигирма кунлардан кейин Хўжанд шаҳрига икки-уч минг қўшин юборсалар, кифоя. Энди мени холи қолдиринглар, бир ўзим қолмоқчиман. Сизларга рухсат, жаноблар...

Беклар иложи борича товушсиз хонадан чиқиб, кўздан ғойиб бўлишди. Ҳужрада ёлғиз қолган Худоёрхон бошини хам қилганча елкаларини силкитиб, унсиз йиғлади. Акаси билан бирга бўлган болалик даврларини эслаб, яна йиғлади. Рўмол билан кўз ёшларини артганча чуқур ўйга толди. „Ё, Парвардигор, бахтимни бунчалик ҳам мусибатга ўраб бермасанг. Бечора акам, бийларга нима ёмонлик қилдийикин? Итдан тарқаган бийлар, „Шаҳнишин"гача боришаракану, ҳеч ким билмай қоларакан. Йўқ. Бўлмаган гап. Бу ерда бир гап бор. Худо хоҳласа, тахтга ўтирсам, ўзим бир чеккадан тафтиш қиламан. Аралашганини битта қўймай дорга тортгираман". У хос хонасига чиқиб ўтирмади. Хонтахта тўрида бошини эгганча туни билан ўтириб чиқди…

* * *

Худоёрхон учинчи куни бек, навкарлар билан йўлга чиқди. Жиззах шаҳридан йўлга чиқилганда одатда карвон йўли Ховосга қараб юради. Ховос карвонсаройидан тўрт томонга: бири Хўжанд, Қўқон, Андижон, Ўшга қараб, бири Навганда, Ўратепа, Шаҳристонга боради. Бири Жиззах, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро томон кета-

ди. Бири Чиноз, Тошканд, Қурама, Чимканд томонларга юради. Худоёрхон беклар билан маслаҳатлашиб, йўлни тиккасига солди. Икки кун йўл юриб, учинчи кун қозоқ овулларидан чиқиб қолди. Қозоқ бийлари уларни қарши олиб, ўтовга таклиф қилишди.

– Қунақ бунғизлар, мийманнар.

Худоёрхоннинг ишораси билан Азимбек гапирди:

– Раҳмат, бий оға, бошқа сафар қуноқ бўламиз, Худо хоҳласа, ҳозир шошиброқ турибмиз. Дарё кечувига ҳали олисми?

– Вой-боёв, ширғимов, гарттай сўлға кетиб қопсилар-ғў, – ёнидаги бийлар ҳам тасдиқлаб, бош ирғашди. Бий қўра олдида турган йигитни чақирди. – Айитбай, мийманнарди жўлға соп кесанғ-чи, тўриқди миндағин кечув томонди кўрсотип, қойт.

Йўл бошловчи йигит ортидан йўлга тушишди. Уч кеча қуниб, тўртинчи куни қуёш чиқар-чиқмас Сирдарё лабидаги кечувга етиб келишди. Дарёнинг нариги қирғоғида тумонат одам. Алланималар деб ҳайқиришганча Худоёрхонни олқишлашарди. Кечувдан ўтишар экан, биринчи бўлиб Худоёрхоннинг оти қирғоққа чиқиши билан аълам, аркон, беклар Чиноз қалъаси, ён-атрофдаги қишлоқ, овуллардан келган одамлар ҳамда икки минг атрофида навкарлар отларидан тушиб, таъзимда туришди. Оппоқ салла кийган аълам бошини виқор билан кўтариб ҳайқирди:

– Замон, замони Худоёрхон охо-хо-о-ой!!!

Халқ олқишни илиб кетди.

– Замон, замони Худоёрхон!!!

– Худоёрхон, хон бўлсин!!!

– Юз йил хон бўлсин!!!

Худоёрхоннинг этлари жимирлашиб, танасига илиқлик югурди. „Ё, Парвардигор! Наҳотки яна хон бўлиб, тахтга ўтирсам. Агар Тахтга ўтирсам, Худо ҳақи, бундан кейин жанг-жадал, қирғин, уруш бўлишига йўл қўймайман. Мамлакатимда доим тинчлик бўлади. Амир Музаффархон билан шартномалар тузамиз. Карвонлар, одамлар, ўзимиз ҳам борди-келди қиламиз. Амаллаб тахтга

ўтирсам бўлди, ҳамма ёқда тинчлик ўрнатаман". Кутиб олувчилар уч марта таъзим адо қилишгандан кейин Нормуҳаммаднинг ишораси билан ўрда ҳудайчиси баланд товуш билан чақирди.

– Оҳо-ҳо-о-ой!!! Илғор олдинга чиқсин, оҳо-ҳо-о-ой!!! Хон ҳазратларига йўл берингларо ҳо-ҳо-о-ой!!! От миниб, сафланинглар, оҳо-ҳо-о-ой!!! Манзил Тошканд шаҳри оҳо-ҳо-о-ой!!! Манзил Тошканд шаҳри оҳо-ҳо-о-ой!!!

Бир зумда тартиб ўрнатилди. Илғор отига қамчи босиб, олдинга чиқди. Ортидан Худоёрхон отини ниқтади. Кейин аъламлар, беклар, навкарлар хонга эргашишди. Нормуҳаммад отини ниқтаб, Саидбекларнинг тўпига қўшилиб олди. Салкам тўрт йил кўришмаган дўстлар фақат қўл бериб, кўришишди. Кўзлари чарақлаб кулган ҳолда пичирлашиб сўрашишди...

Шом аралаш хуфтонда Тошканд шаҳрига етиб келишди. Қаноатшо қушбеги беклар билан Худоёрхонни иззат, ҳурматини жойига қўйиб, кутиб олди. Қашқар дарвозасидан ўрда дарвозасигача машъалалар кўтариб олган шаҳар халқи Худоёрхонни олқишлашарди. Олдинда бораётган Худоёрхон қўлини кўксига қўйиб, икки томонга тинимсиз бош қимирлатиб, халққа миннатдорчилик билдирарди...

Эртаси куни пешин намозида шаҳар халқи Шайхонтоҳур жоме масжидига йиғилиб келди. Пешин намози ўқилгандан кейин Шайхулислом ҳазратлари амри маъруф қилиб, хутба, Қуръондан оят ўқидилар. Қўл очиб, фатво ўқилгандан кейин тайинланган беклар Худоёрхонни оқ кигизга ўтқазиб, хон қилиб кўтардилар.

Шундай қилиб Худоёрхон 1862 милодий йили 4 апрелда Фарғона мамлакатига хон бўлиб, Тошкандда тахтга ўтирди.

* * *

Қўқон... Маллахоннинг қатл қилиниши шаҳарга бир зумда ёйилди. Бомдод намозидан кейин имом-хатиб меҳроб олдида турган минбарга чиқиб, намозхонларга қарата ваъз айта бошлади.

– Муҳтарам жамоа! Бугун Фарғона мамлакатида катта фожеа бўлди. Мамлакат халқи учун катта мусибатли кун. Шу бугун ярим тунда дажжоли лаъин Олимбек додхоҳ бошчилигида бир тўп бийлар Сайид Муҳаммад Маллахон ибн Шералихон ҳазратларини хобгоҳларида саҳройи ваҳшийларча қатл қилишди...

Ўтирган намозхонлар бараварига „уҳ" тортиб юборишди. Айримлари бир-бирлари билан кўз уриштириб олиб, пичирлаша кетишди.

– Ўша туннинг ўзидаёқ қотил бийларнинг битта қолмай ҳаммаси қатл қилинди. Бошқаларга ибрат бўлсин, деб мурдаларини растага олиб чиқиб, осиб қўйилди. Илоҳим, хон ҳазратларига шаҳиди аъло мақомини берган бўлсин. Иймонларини ўзларига ҳамроҳ қилган бўлсин. Бандачиликда билиб-билмай қилган гуноҳларини Парвардигоримнинг ўзи мағфират қилган бўлсин...

Имом хатиб узоқ вақт амри маъруф қилди. Охирида қуръон-тиловат қилиб, фотиҳа тортилгач, одамлар гарангсиб, ташқарига чиқишди. Кўча-кўйда тўп-тўп бўлиб олишиб, пичирлашишар, чойхона, бозор, расталарда ҳам шу гап.

– Ростдан ҳам хон ҳазратларини қатл қилишибдими?

– Ростга ўхшайди. Ахир имом домланинг ўзлари айтдилар-ку.

– Кимлар қатл қилишибди?

– Юқоридан келган қирғиз, қипчоқ бийлари дейишяпти. Бийларнинг каттаси Олимбек додхоҳнинг ўзи экан.

– Анови Андижон ҳокимини айтяпсизми?

– Худди ўша.

– Ё, товба-а... Бу жаҳаннамга учрагурлар хон ҳазратларини нима учун қатл қилишди? Хон ҳазратлари бу бетовфиқларга нима ёмонлик қилибдилар?

– Худо билади, биродари азиз, Худо билади.

– Қандай адолатли хон эди-я... Мамлакатда яхши тартиб ўрнатаётувди, афсус.

– Айтманг. Яхши одамлар кўп яшамайди.

Маллахоннинг мурдасини ювиб, кафанлаб, тобутга солиб, Чорсудаги жоме масжидга олиб боришди.

Шаҳар халқи масжидга йиғилиб келди. Бозор, раста, чойхоналарда ҳеч ким қолмади. Масжид атрофлари тумонат одам. Тобут олдида белларини боғлаб олган Султон Сайидхон билан Шоҳмуродхон йиғидан кўзлари қизариб кетган. Пешин намозидан кейин маййитни пешнамоз қилиб, жанозасини ўқишди. Тобутни қўлма-қўл ўтказиб, маййитни „Даҳмаи шоҳон"га дафн этишди. Бир ҳафта давомида халққа ош бериб, худойисини ўтказишди. Бу ишларнинг ҳаммасида Алимқул понсод билан Шодмонхўжа мингбоши бош-қош бўлиб туришди. Иккинчи ҳафта Шоҳмуродхонни оқ кигизга солишди-да, хон қилиб кўтариб, тахтга ўтқазишди. „Тошкандга ҳоким бўламан", деб юрган Шоҳмуродхон фалак гардиши билан тахтга ўтириб, хафа ҳам, хурсанд ҳам бўлмади. Хон амакисининг қатлидан, югур-югурдан, йиғи-сиғидан гарангсиб қолган эди. Шаҳарнинг казо-казолари саройга келиб, янги хонга байъат қила бошлади. Ҳар куни чошгоҳдан тортиб пешингача, пешиндан тортиб асргача расмий қабуллар бўларди. Тахтда Шоҳмуродхон, ўнг томонида Султон Сайидхон, чап томонда Алимқул эшикоғаси, Шодмонхўжа мингбоши, Чўтан додхоҳ ва яна бир қан_ча сарой арконлари ўтиришарди. „Ҳузури олий"га ким киришидан қатъи назар Шодмонхўжа мингбоши ёки Алимқул понсод гапирарди. Шоҳмуродхон фақат бошини қимирлатиб турарди холос. Жума куни халқ олдига олиб чиқишди. Халқ Шоҳмуродхонни хон мақомида тан олиб, хотиржам ҳолда ҳар ким ўз касб, ҳунари билан шуғуллана бошлади...

Ҳамал ойининг ўрталари... Пайшанба куни расмий қабуллар ҳар кунгига қараганда тезроқ охирлади. Арконлар ҳам уй-уйларига кетишга тайёргарлик кўришарди. „Ҳузури олий"да Шоҳмуродхон билан Султон Сайидхоннинг ўзлари қолишди.

– Уф-ф, хайрият-ей, тугади назаримда... – Шоҳмуродхон бир тин олиб, гапини давом қилди. – Қу-

риб кетсин бекларим, бийларим, арконларим. Бу қабуллардан кейин кун бўйи от чопгандай чарчайман, – эшикка қараб қичқирди. – Ҳудайчи-и!

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Нима, анови... Бу ерга ҳеч кимни қўйманг, майлими?

– Бош устига, хон ҳазратлари, бош устига. Авлиёсини ҳам қўймайман.

Ҳудайчи таъзим қилиб кўздан ғойиб бўлди. Шоҳмуродхон тахтдан тушиб, гиламга чордона қуриб ўтириб олди.

– Келинг, укажон, ёнимга келинг, – жилмайиб қўли билан ишора қилди. – Мана бу ёққа ўтиринг. Маза қилиб ўзимиз суҳбатлашамиз.

– Уҳ, акажон, – Султон Сайидхон Шоҳмуродхоннинг рупарасида чордона қуриб ўтирар экан, – беклар билан ўтирганимда жуда ҳам қўрқиб ўтираман.

– Нега қўрқасиз? Қўрқманг, ахир ёнингизда мен борман-ку, ҳеч ҳам қўрқманг.

– Ахир бийлар хон отамни қатл қилишди, – Султон Сайидхоннинг кўзларида ёш ҳалқаланди. – Мени ҳам қатл қилишларидан қўрқаман.

– И-и-и... Нималар деяпсиз, укажон? – Шоҳмуродхон энгашиб, унинг елкасидан қучди, – ҳеч ҳам бундай хаёлларга борманг. Мен сизни бир қарич ҳам ёнимдан жилдирмайман. Бундан кейин ҳеч ҳам йиғламанг. Бу тақдири илоҳий, йиғламанг, ахир биз эркаклармиз. Эркак одам йиғламайди, укажон.

– Майли, бошқа йиғламайман, акажон, лекин хон отам эсимга тушсалар, ўзимни йиғидан тўхтата олмайман.

– Худо хоҳласа, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Сабр қилинг. Озгина вақт ўтсин. Ўзимизнинг авлоддаги ҳамма шаҳзодаларни саройга чақиртириб оламан. Доим бирга бўламиз. Бирга овга чиқамиз. Бирга кўпкари чопамиз. Ёзга чиқиб, қозоқ овулларини айланамиз. Қимиз ичиб, қирларда от чопамиз.

– Вой, ростданми, акажон?

– Чин сўзим. Жилла бўлмаса, бир-икки ой ўтсин. Кейин ўзим астойдил...

Шу пайт эшик зарб билан очилиб, Шоҳмуродхоннинг гапи бўлинди. Ташқаридан Алимқул понсоднинг „э, нари тур“, деган товуши эшитилиб, салдан кейин ранглари ўчган ҳолда Шодмонхўжа мингбоши билан олдинма-кетин „Ҳузури олий“га кириб келишди. Хонни гилам устида кўриб, оғзидан „ия“ сўзи отилиб чиқди. Кейин иккови бараварига таъзим адо қилишди. Шоҳмуродхон ўтирган жойидан ўкрайиб қаради. Алимқул понсоднинг такаллуфсизлик билан кириб келиши унинг нафсониятига теккан эди. Шодмонхўжа қўл қовуштириб ерга қаради. Алимқул понсод шоша-пиша изоҳ бера бошлади.

– Хон ҳазратлари, бевақт кириб кеганимиз учун товба қилдиқ. Зарил иш чиғиб қолди. Тошканддан айғоқчимиз келди. Совуқ хабар опкелди-ғу.

Шоҳмуродхон индамасдан ўрнидан туриб, тахт томон юрар экан, қўл қовуштириб турган Султон Сайидхонга деди:

– Сиз танобийга чиқиб туринг, укажон, беш дақиқадан кейин бирга отда сайр қилиб келамиз.

Султон Сайидхон бошини эгиб, хонадан чиқди. У атайлаб, шошмасдан тахтга бориб ўтирди-да, кейин қўл қовуштириб турганларни бир-бир кўздан кечириб, хотиржамлик билан сўради:

– Хўш, айғоқчи олиб келган хабар қанақа хабар экан?

– Хон ҳазратлари, Қаноатшо қушбеги бошчилигида Тошканд, Қурама, Дашти Қипчоқ вилоятлари мухолифатга ўтишипти.

– Мухолифатга ўтишибди!?

– Шундай. Устиға-устак амакингиз Худоёрхонди Жиззахдан чоғиртип кеп, Тошкандда хон қип кўтаришипти.

– Йўғ-е, ростданми? Хон амаким Тошканддамилар? – сўради Шоҳмуродхон севинчини яшира олмай бола-

ларча хаёлидан ўтказди. „Ўҳ... Худога шукур, хон амаким Тошкандга келиптилар! Ойихоним ҳам келган бўлсалар керак, Насриддинбек акам ҳам, Саидбек тўрам, Қилич... Ҳаммаларини соғиндим, улар билан кўришаман! Қандай яхши, лекин қандай қилиб кўришаман? Жанг пайтида қочиб ўтаман, Султон Сайидхонни ёнимга оламан-да, шаҳсуворлар билан хон амакимнинг олдиларига қочиб ўтамиз. Бу ишимдан ойихоним ҳам хурсанд бўладилар. Ана шундай қиламан. Вассалом!

– Тошкандда, хон ҳазратлари, Тошкандда... Индамай қолдингиз?

– Шундай, ўзим... Нима қилиш керак?

– Тездан Тошкандга қўшин тортиб бориш керак. Шаҳарди қомал қип, бекларди барини ҳибсга оп, дорға тортиш керак. Бир парман берсангиз, бўлди. Биёғини ўзимиз тувурлаймиз, – деди Шодмонхўжа мингбошига қараб. – Туврима?

– Туғри, туғри, – мингбоши бош иргаб, тасдиқлади.

– Яхши, мен рози. Сизлар қандай ишни маъқул кўрсаларингиз, ўша ишни қилаверинглар. Қачон йўлга чиқамиз?

– Манов жахши гап бўлди. Икки кун тайярланиб, учинчи кун жўлға чиғамиз.

– Маъқул.

Учинчи кун ўн-ўн икки минг қўшин билан йўлга чиқишди. Алимқул понсод Султон Сайидхонни саройда қолдириш учун Шоҳмуродхонни аранг кўндирди. „Шаҳзода ҳали жаш. Жанғ пайтида дайди ўқ тегип, ўлип-пўлип қоса, малика ойимдан балаға қоп журмайиқ тағин". Бу гапдан кейин Шоҳмуродхон ноилож кўнди. Йўлда беш кеча қўниб, олтинчи кун деганда Тошкандга етиб келишди. Шаҳарни муҳосара қилиш бошланди. Кун ора Тошканд навкарлари Қашқар дарвозасидан отилиб чиқишарди-да, Қўқон навкарлари билан ўн беш-йигирма дақиқа жанг қилиб, яна дарвозадан қалъа ичига кириб

кетишарди. Шоҳмуродхоннинг чодири дўнгроқ жойда тортилган, чодир атрофи айланасига шаҳсуворлар ўраб олиб, хонни қўриқлашарди. Шоҳмуродхон шаҳсувори билан Худоёрхон томонига қочиб ўтишга пайт пойларди, лекин қулай шароит бўлмади. Тошканд қамали йигирма кунча давом қилиб, иккала томонга ҳам зафар шабадаси эсмади. Алимқул понсод ночорликдан юраги ғаш тортиб, асабийлашадиган, сал нарсага жаҳли чиқиб, бақир-чақир қиладиган бўлиб қолди. Қўқонлик навкарлар навбатдаги беҳуда жангдан натижасиз қайтиб келишаётганини кўриб, ғазабдан бўғриқиб кетди."Жин урсин, тағин мана шундай қип ўн-ўн беш кун савашип турсақ, навкарларди жеғани ҳеч баласи қомайди. Атрофдағи қишлоқ, овуллардиям жеб бўлдиқ. Минғбоши минан кенғашиб, режа тузамиздағин, тезрақ бир бала қип, шаҳарди қўлға олиш керак". Замбаракчиларга алланималарни тушунтираётган Шодмонхўжа мингбошига кўзи тушиб, ўша томон тез-тез юриб кетди.

– Минғбоши! – Алимқул понсод асабийлашганидан „жаноблари" деган сўзни қўшиб ҳам ўтирмади, – жийирма кундан бағи ҳар куни, кун ора Тошканд билан савашиб туриппиз. Ҳеч гап жўқ. Шуйтиб кетаберса, ҳеч нарса қимой абийримиз қомайди. Бир нарса қинғ.

Шодмохўжа мингбоши Алимқул понсоднинг важоҳатини кўриб, босиқлик билан деди:

– Шу айтганларингизни ҳозир замбаракчилар билан гаплашиб турувдим. Эртанинг ўзида бундай қиламиз. Тошканд навкарлари дарвозадан чиқишлари билан бизнинг навкарлар гўё жанг қилаётгандай бўлиб, Қўйлиқ томон чекинишади. Шунда замбаракчилар шинақдагиларга ўт очиб, чалғитиб турадилар. Ана ундан кейин асосий қўшинимиз захирадагилар билан бирга ёппасига дарвоза томон...

Шу пайт Алимқул понсоднинг мулозими ранги ўчган бир ҳолатда югургилаб келди.

– Бек ака, бек ака!!!...

– Сен тағин нима дейсан? – Алимқул понсод унга ўшқириб берди.

– Зобиндан айғоқчи келди.

– Айғоқчи дийсамма? Қона у?

Мулозимнинг орқасида турган йигит бир қадам олдинга ташлаб, қўл қовуштирди.

– Зобиндан кеган семма-а?

– Ҳаййа...

– Нима гап?

– Бир ҳафта бурун Бухоро амири Зобинди қиялаб, Ўратева томон қўшин тортиб кетди.

– И-и-иҳ... Ўратевани босиб, оп қўйдима?

– Ҳаййа, Ўратевани босиб оғандан кейин Нов билан Хўжандға қўшин тортиб борармиш. Жузвашини уйда миймон қивдиқ, уша ойтти.

– Нима-а-а!! Ўратепа? Хўжанд? – Алимқул понсоднинг тили калимага келмай, чуқур нафас олди, – Хўжандди оса, Қўқонғаям қўшин тортиб борадиёв, – деди Шодмонхўжа мингбошига қараб. – Қўқондиям оп қўйса, кўчада қоламиз-ғу, минғбоши... Вой амир буған инанғди... – навкарларга қараб, – ҳой, маған қора баринг! Ноғорачиға ойт, ноғорасини чалсин. Баринг жийин, Қўқонға қойтамиз. Хўжанд, Маҳрам қип ўгирмоймиз. Туври Кандир довонидан кесиб чиғамиз. Тез бўл баринг!..

Ноғорачилар гумбурлатиб ноғораларини чалиб юборишди. Навкарлар йиғиниб Чирчиқ дарё кечуви томон йўл олишди. Шоҳмуродхон қирғоқ лаби дўнг устида туриб, қўшиннинг кечувдан ўтишини кузатарди. Охирги навкар кечувдан ўтиши билан эллик нафар шаҳсувори билан бирга Қуйлиқ орқали Тошкандга қараб от қўйди...

Қўқон қўшинларининг тезликда йиғиниб, йўлга тушганини шинакда туриб олиб, кузатаётган Қамбарали понсод қўшин кўздан йўқолгунга қадар қараб турди-да, кейин пастдагиларга қараб қичқирди:

– Ҳой, пастдагила-а-ар!!! Дарвозаларни ланг очиб юборингла-а-ар!! Қўқон қўшини қайтиб кетди-и-и!! Карнай, сурнай, ноғоралар чалинси-и-ин!!

Қарийб бир ойдан бери қамалда қолган шаҳарда байрам бўлиб кетди. Халқ хурсандчилик қиларди. Қамбарали понсод энди зинадан тушмоқчи бўлиб турувди шинакда турган сарбоз ҳаяжон билан унга қичқирди:

– Бек ака, қаранг, қўқонликлар от қўйиб келишяпти!

– Қанақа яна қўқонликлар?! – шинакка келиб, навкар кўрсатган томонга қаради. – Бояги қўшиннинг олдида шулар ҳам отлиқлар бўптими? Нари борса, уттиз-қирқта чиқади холос. Ҳе, ўргилиб кетдим сандақа воҳимачидан. Дарвозани ёпманглар, ланг очиқ тураверсин. Уларни ўзим сўроқ қиламан.

Бу орада отлиқлар дарвозага етиб келиб, секинлашишди. Қамбарали понсод бир қўлини баланд кўтарганча амирона товушда деди:

– Тўхта-а-а!! Тўхта, деяпман санларга! Кимсанлар? Баринг отдан туш! Отдан туш, деяпман санларга! Кимга айтяпман?!

Шоҳмуродхон от жиловини тортиб тўхтар экан, Қамбарали понсодга ўқрайиб қараб деди:

– Мен Шоҳмуродхон бўламан. Хон ҳазратларининг жиянлари.

– Шоҳмуродхо-он!? – Қамбарали додхоҳ дарҳол қўл қовуштириб, бошини эгди, – Бизнинг ҳокимимиз бўлган раҳматли Саримсоқбек жанобларининг ўғиллари бўласизми?

– Шундай.

– И-иҳ... Қадамларига ҳасанот, хонзодам! Бизни маъзур тутсинлар, минг бор узр. „Танимасни сийламас" деб донолар ҳақ гап айтишган. Буюрсинлар!

– Бизни ўрдага олиб боришсин.

– Бош устига, хонзодам, бош устига, – атрофга аланглаб қичқирди, – Сайфи, Омон!

– Лаббай, бек ака.

– Хонзода жанобларини тўғри ўрдага олиб бориб, хон ҳазратларининг қўлларига топшириб қайтинглар.

– Хўп бўлади, бек ака.

Ўн беш дақиқаларда ўрдага етиб келишди. Ҳудайчи Шоҳмуродхонни Худоёрхоннинг ҳузурига олиб кириб чақирди:

– Шоҳмуродхон ибн Саримсоқбек жаноблари ташриф буюрдилар.

– Хон амакижон!!! – Шоҳмуродхон Худоёрхонга талпинди.

– Ўғлим!!! – Худоёрхон жиянини меҳр билан бағрига босди.

Саломхонада қўл қовуштириб турган йигирма чоғли бек, арконлар амаки, жияннинг меҳр билан кўришишларини сўзсиз кузатиб туришди.

* * *

Савр ойининг ўрталарида қўшин билан Тошканддан чиққан Худоёрхон тўрт кун деганда Хўжанд шаҳри ёнидан оқиб ўтадиган Сирдарё кечувига етиб келди. Тошканд, Қурама вилоятлари навкарлари қўшилиб, саккиз минг атрофида қўшин бўлди. Қўшин тортишдан бир кун олдин ўрда кенгашида бекларнинг маслаҳати билан Худоёрхон Нормуҳаммад қушбегини навкарлари билан Чимкандга қайтариб юборишни маъқул топди.

– Қушбеги жаноблари, навкарларингиз билан Чимкандга қайтасиз. Ҳозирча Мирза Давлат икковингиз ўрисларга қалқон бўлиб турасизлар. Худо хоҳласа, марҳум Маллахон ҳазратларининг ниятларини амалга оширамиз. Яъни Қўқон, Андижон, Наманган, Ўшда тартиб ўрнатганимиздан кейин довон орқали қўшин тортиб, Туқмоқ, Пишкак, Талас қалъаларида ҳам тартиб ўрнатамиз. Кейин ҳаммамиз Туркистонда бирлашиб, Янгиқўрғон, Жўлак қалъаларини жанг-жадаллар билан ўрислардан қайтариб оламиз.

– Иссиғида Оқмасжидни ҳам қайтариб олишга бир уриниб кўрсакми, дейман, – деди Қаноатшо бекларга бирров кўз югуртириб.

– Оҳ, қани энди шундай бўлса, – Худоёрхон курси суянчиғига ўзини ташлаб. – Ўша пайтда шароитга қараймиз. Кўтарса шартта босамиз. Эртага саҳар йўлга чиқамиз. Ҳаммаларингизга рухсат, жаноблар...

Эртаси куни саҳарлаб, йўлга чиқишди... Сирдарё кечувидан ўтиб бўлишувди ҳамки, илғордан икки навкар от қўйиб келди.

– Хон ҳазратлари, – иккови ҳам отдан тушиб, қўл қовуштирган ҳолда, – бу ердан икки чақирим нарида Бухоро қўшини қўш уриб ётибди.

– Яхши, тўпингизга бораверинг, – ёнида турган Қаноатшога қараб. – Хўш, қушбеги жаноблари, амир ҳазратлари билан биргаликда ҳаракат қилсак ишимиз анча осонлашади. Нима дедингиз?

– Маъқул гап, ҳақиқатан ҳам ишимиз осонлашади.

Худоёрхон мамнун ҳолда бекларга кўз югуртирар экан, қовоғини уйиб олган Ҳамдам понсодга кўзи тушиб ажабланди.

– Ие, понсод жаноблари, сизга нима бўлди? Қовоқларингизни уйиб олибсиз. Амир ҳазратларининг ёрдамлари сизга маъқул эмасми?

– Шундай, хон ҳазратлари. Менга маъқул эмас. Амир қўшини билан Қўқонга бормасин.

– Ҳм, нега энди бормасин? Сабаб? – ўз навбатида Худоёрхон ҳам қовоғини уйди.

– Сабаби йигирма йил олдин амир Насруллохон Қўқон шаҳрига қўшин тортиб келган эди. Шаҳарда қирғин қилди. Мадалихон амакингизни, укаларини, ёш-ёш шаҳзодачаларни қатл қилдирди. Ҳатто Нодирабегимдай шоирани ҳам қатл қилдирди. Ўша қирғинда тоғам билан қайним ҳам шаҳид бўлишган. Мендақанги қариндоши ўлганлар неччи мингта. Амир Музаффархон ҳам амир Насруллохоннинг ўғли-да. Агар амир Музаффархон Қўқонга қўшин тортиб боргудай бўлса, шаҳар халқи норози бўлиб, қўзғолон кўтармаса, деб қўрқаман.

Ҳамдам понсод амир Насруллохоннинг номини тилга олганида Қаноатшонинг ранги оқариб кетди. Синглисининг қатли эсига тушиб, этлари жимирлашиб кетди. Худоёрхон Қаноатшога зимдан қараб қўйди. „Синглиси ҳали ҳам эсидан чиқмабди. Бир дамда ранги ўзгариб кетди-я бояқишнинг. Унинг юзидаги норозилик ўрнини ҳамдардлик, қайғу, алам эгаллади. Томоғини бир қириб олиб, пастроқ товушда гапира бошлади.

– Ў-ўҳ, понсод... Понсод жаноблари, сиз ҳақсиз. Минг марта ҳақсиз. Лекин иложим қанча. Ҳозирги шароитда ҳамма нарсани бир ўзим ҳал қила олмайман. Фақат бир нарсага аминманки, амир Музаффархон ҳеч вақт Қўқонга қўшин тортиб келмайди. Уни бу йўлдан ким қайтарган, биласизми? Билмайсиз. Шахсан амир Насруллохоннинг ўзлари қайтарди.

– Ё, товба... Ростданми, хон ҳазратлари? – ажабланиб сўради Ҳамдам понсод.

– Бундан рости бўлмайди, чунки амир Музаффархон иккимизни рўпара қилиб қўйиб, „ҳеч вақт бир-бирингизга қўшин тортиб борманглар, биз қўшин тортавериб, осмонга устун бўлмадик. Қайта фуқаронинг қийналгани қолди“, деб насиҳат, аниқроғи, васият қилиб кетдилар. Икки мамлакат ўртасида Ўратепа билан Жиззах талаш бўляпти. Бу муаммони амир Музаффархон билан бирга ҳал қилсак бўлади. Ана ўшандан кейин мамлакатимизда ҳеч ҳам жанг-жадал, қирғин-барот бўлмайди. Худо хоҳласа, фақат тинчлик, осойишталик бўлади.

– Илоҳим, айтганингиз келсин, хон ҳазратлари.

Худоёрхон типирчилаётган отини тинчитиш учун жиловидан тортар экан, Қаноатшо қушбеги билан Ҳамдам понсодга зимдан қараб қўйди. „Ҳа-а... Икковининг ҳам кайфияти йўқроқ. Буларни амирнинг олдига олиб бориб бўлмайди. У ерда қовоқ-тумшуқ қилиб ўтирса, бундан ёмони йўқ. Яхшиси, икковини қўшин билан жўнатиб юбораман“. Бошини кўтариб, йўрға юришда кетаётган қўшинни кузатар экан, Қаноатшога қараб деди:

– Қушбеги жаноблари.

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Қушинни тухтатмай Қисакуз томон бошлаб бораверинг. Қаерда шом бўлса, уша ерда қуш уринглар. Понсод жаноблари билан Қилич сизга ҳамроҳ бўлишади. Биз амир ҳазратлари билан бирров учрашиб, орқаларингиздан етиб оламиз.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Саидбек „яхши қилдингиз", дегандай хонга билинар-билинмас жилмайиб қўйди. Худоёрхон унинг жилмайганини сезмагандай от бошини Бухоро қўшинлари қўнган яланглик томон буриб, қамчи босар экан, қичқирди:

– Қани, жаноблар, менинг ортимдан марҳамат қилинглар.

Беклар ва шаҳсуворлар олдинма-кетин хоннинг ортидан от қўйишди. Қур тўкиб ўтирган юзликлар тўпи орасидан илонизи юриб, ўн беш-йигирма дақиқаларда амирнинг шоҳона чодири олдида отдан тушишди. Чодир олдида уларни ҳудайчи кутиб олди.

– Марҳабо, хон ҳазратлари, марҳабо... Қадамларига ҳасанот. Ҳазратларини амир ҳазратлари чодирда кутиб ўтирибдилар, – деди у ва бекларга қараб гапида давом этди, – жаноблар, сизлар мана бу чодирга марҳамат қилинглар. Дастурхон сизларга мунтазир, – хизматдаги мулозимларнинг бирига буюрди, – ҳой, биттанг бу ёққа қара, жанобларни чодирга бошла. Шаҳсуворларни алоҳида жойга олинглар.

Ҳудайчи Худоёрхоннинг бир ўзини амир ўтирган чодирга бошлаб кириб чақирди:

– Хон ҳазратлари ташриф буюрдилар!

– Ассалому алайкум, амир ҳазратлари.

– Ие, ие, ваалайкум ассалом, хон ҳазратлари, марҳабо, марҳабо, хуш келибдилар, сафо келибдилар, – амир Музаффархон ўрнидан туриб, бир қадам босар-босмас Худоёрхон тез-тез юриб келди. Икковлари қучоқлашиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашишди. Ҳудайчи ўзини ташқарига

олди. Сафар шароитига қарамасдан дастурхон ниҳоятда дид билан тузалган. Янги чой дамланган чойнак устига сочиқ ташлаб қўйилган. Амир жойига ўтирар экан, Худоёрхонга лутф қилиб, ёнидан жой кўрсатди.

– Мана бу ёққа, ёнимга марҳамат қилсинлар, – фотиҳа тортилгандан кейин амир муборакбод қилди, – тахти маврусийлари хон мақоми муборак бўлсин.

– Ташаккур, амир ҳазратлари, ташаккур...

– Бухорода эшитиб, астойдил хурсанд бўлдим. Самимий хурсанд бўлдим. Бемалол расмиятчиликсиз овқатланиб, ҳам суҳбат қилайлик, деб бекларни бошқа чодирга олдирдим, ҳазратлари қарши эмасмилар?

– Асло. Қайта Бухородагидай бемалол суҳбат қиламиз.

– Камина ҳам шуни ўйладим. Ҳазратларига ўрганиб қолган эканман, жўнаб кетганингиздан бу ёғига суҳбатларимизни тез-тез қумсаб тураман. Айтгандай, Жиззахдан Тошкандга қийналмасдан яхши етиб бордиларми?

– Худога шукур, дуолари билан.

– Яхши кутиб олишдими? Мухолифат бўлмадими?

– Йўқ, йўқ... Олий даражада кутиб олишди. Энг муҳими Чиноз, Тошканд халқлари олқишлар билан кутиб олишди. Айниқса, Тошканд халқи...

– Гапларини бўлганим учун мени маъзур тутсинлар, хон ҳазратлари. Агар малол келмаса, Чиноздан бошлаб гапириб берсалар. Ахир мен учун қизиқ-да.

– Маъқул, – деди Худоёрхон чойдан бир ҳўплаб, – кечувдан ўтишимиз билан бизни чинозликлар ҳурматимизни жойига қўйиб, кутиб олишди...

Икковлари узоқ вақт суҳбатлашишди. Ҳудайчи ҳар-ҳар вақт чойни янгилаганда ёки овқат олиб кирганда суҳбат узилиб қолар, чиқиб кетгандан кейин яна давом этарди.

– У-уҳ... Яқин орада бундай суҳбат қилиб, дам олмаган эдим, – амир ўзини орқада турган болишга ташлади. – Энди ўзимизнинг ишлар ҳақида гаплашайлик. Эрта-индинги бўладиган режалар қандай?

– Режаларми? Режалар оддий. Эртадан бошлаб, Худо хоҳласа, Маҳрам, Конибодомда бир кечадан қўниб, учинчи куни Қўқонни муҳосара қиламиз. Кейин шароитга қараб, иш қиламиз. Менингча, шаҳар халқи ҳам қараб турмаса керак.

– Яхши, ҳазратлари Қўқонни муҳосара қилсинлар, биз эртага бу ердан кўчиб, Маҳрам билан Карақчиқум ўртасида қўш урамиз. Уч кундан кейин беш-ўнта одамларимни юбораман. Агар ҳазратларига ёрдам керак бўлса, ўша заҳоти қўшин тортиб борамиз. Шаҳарни қўлга олган бўлсалар, биз Бухорога қайтиб кетамиз.

– Маъқул.

Худоёрхон беклар билан шаҳсуворлар кузатувида хуфтонга яқин Қисакўзда қўнган қўшинга етиб олди. Икки кун йўл босиб, учинчи куни Қўқон шаҳрига қараб борди. Йўл-йўлакай бекликлардан навкарлар қўшинга қўшилишди. Маллахондан кейин қирғиз, қипчоқдан беҳад зулмлар кўрган шаҳар халқи Худоёрхоннинг қўшин тортиб келаётганини эшитиб, Алимқул эшикоғаси бошлиқ қирғиз, қипчоқларга умуман бўйсунмай қўйишди. Алимқулни ёқтирмайдиган беклар ўзаро кенгашиб, Худоёрхонга Урганжий дарвозасини ланг очиб беришди. Дарвоза олдида уламою фузалолар, шаҳарнинг обрўли казо-казолари Худоёрхонга таъзим адо қилиб, қўл қовуштирган ҳолда муборакбод қилишди. Бир дона ўқ узмасдан Худоёрхон қўшини билан шаҳарга кирди. Қирғиз, қипчоқлар Марғилон, Тоғлик дарвозаларидан қочиб чиқиб кетишди. Қочолмай қолганларини халқ оломон қилиб, ўлдирди. Халқ оёққа турди. Урганжий дарвозасидан саройгача йўлнинг икки томонида зич турган ҳолда Худоёрхонни олқишлашарди.

– Давр, даври Худоёрхон-оҳо-ҳо-о-о-ой!!!

– Давр, даври Худоёрхон-оҳо-ҳо-о-о-ой!!!

– Худоёрхон хон бўлди-оҳо-ҳо-о-о-ой!!!

– Адолатли хон бўлсин!..

– Юз йил хон бўлсин!..

Жанг-жадаллардан чарчаган Қўқон халқи байрам қилиб юборди. Бозор, раста, чойхона, гузарларда одамлар кўтаринки руҳда суҳбат қилишарди.

– Худоёрхон яна хон бўлиптими?

– Шундай, хон бўлди, биродар, хон бўлди.

– Худога шукур, шаҳарда энди тинчлик, тартиб, хотиржамлик ҳукм суради.

– Раҳматли Маллахон даврида ҳам ёмон бўлмаган.

– Ёмон бўлмаганку-я, лекин қирғиз, қипчоқларни саройда кўпайтириб юборди-да, ҳаддан кўпайтириб юборди даюс. Қаёққа қарасанг, қирғиз, қипчоқ. Товба қилдим, товба қилдим... Ўлганларнинг орқасидан ёмон гапириш гуноҳи азим.

– Ҳа, бу тўғри гап. Мана, Худоёрхон келди. Худо хоҳласа, яна олдингидай бўлади.

– Илоҳим, айтганингиз келсин.

Худоёрхон виқор билан сарой томон борар экан, Саидбекнинг ишорасига кўра, Қилич беш-ўнта беклар ҳамроҳлигида қўшинни сарбозхоналарга бўлиб ташлади. Худоёрхон ланг очиқ сарой дарвозасидан ичари кираркан, ташқи ҳовлидаги таниш ҳужралар, ошхона, бандар, ёзги, қишки кўралар, сарбозхонага кўзи тушиб, юраги гумуриб кетди. Ўрта ҳовлидан ўтиб, маҳкамагача отда келди. Беклар ташқи ҳовлидаёқ отдан тушиб, пиёда келишарди. Худоёрхон юраги дукиллаганча танобийдан ўтиб, „Ҳузури олий"га кирди. Ўзининг қадрдон тахтига бориб ўтирди-да, кўзларини юмиб тин олди.

* * *

Тўрғайовул... Савр ойи охирлашиб қолган. Овулликлар бир оз кечикиброқ бўлса ҳам ҳар йилгидек ёзги яйловга, тоғ ён бағрига кўчишга ҳозирлик кўришарди. Йигит-яланглар аллақачон молларни тоғ томонга ҳайдаб кетишган, овулда қолганлар йиғиниш билан овора. Қўшни овулдан туй маслаҳати билан келган бийларга оқ йўл тилаган Абдураҳмонбек кўчишга ҳозирлик кўраётган

овулдошларини кузатаркан, хаёлга чумди. "Эртага ярим овул йўлга чиқса, индинга бу ерда ҳеч ким қолмайди. Шу билан тўрт-беш ойлардан кейин қайтиб келамиз". Тоғ ҳавоси, муздай булоқ сувлари, овулларда буладиган туйларни ўйлаб, танасига илиқлик югурди. Шу пайт узоқдан от дупури эшитилиб, бошини кутариб қаради. „Ким бўлдийикин? Ие, Қўйлибой-ку... Худди ўша. Вой, аҳмоқ. Отни шунақа қичаб ҳайдайдими?" Қўйлибой додхоҳ отдан тушмасданоқ ҳансираганча гапира кетди:

– Катта бий, қиямат... Қўқонда қияматти ўзғанаси бўлди.

– Секин-секин, мунча ҳовлиқмасанг, сен учун ҳар куни қиёмат... Отни расво қилибсан-ку, қантариб боғла, ана шундай, кел, – қўл олиб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашди. – Яхши келдингми? Терга пишиб кетибсан-ку, шайтон қувгандай от қўйишингни қара. Ҳа, майли, юр чодирга кирамиз, ўша ерда гапирасан. Тайёр дастурхон бор, ул-бул нарса еб олгин, йўл бўйи очиққандирсан.

– Ўҳ-ҳў, катта бий, – деди Қўйлибой додхоҳ бийлардан қолган ноз-неъматларга кўзи тушиб, – мийманнар келдима?

– Шундай, меҳмонлар келди. Қани, мана бу ёққа ўтир, – юзларига фотиҳа тортишди, – олдин гапирасанми ёки овқат еб оласанми?

– Овқат жеб гапирсам бумайма?

– Бўлмайди, расво қилиб гапирасан.

– Эса, олдин гапираман, катта бий. Худоёрхон Қўқонга қойтип, келдидағин тахтға ўтирип, тағин хон бўлди.

Абдураҳмон Қўйлибойнинг гапларини эшитиб, бирдан сергак тортди.

– Ўҳ-ҳў, мана бу хабаринг ҳақиқатан ҳам қиёматнинг ўзгинаси бўлди.

– Ана, ойттим-ғу, „қиямат" деп, тувриякамма?

– Тўғри айтибсан. Энди бир бошдан гапир.

Қўйлибой додхоҳ дастурхонга бир қараб олиб, бир чеккадан гапира кетди.

– Ўтган сапар кеганимда Маллахонди қатл қип, Шомуратти хон қип кўтаришганини ойтувдим. Шуған ҳеч конча ўтмай Худоёрхон Тошкандға кеп қўйипти. Тошканди одамлари Худоёрхонди хон қип кўтаришипти. Кийин Қўқондан жанғи бўған хонди олдиға соп, Алимқулбий минан Шодмонхўжа минғбоши Тошкандға қўшин тортип борипти. Тошканди ололмапти. Кийин „Бухоро амири қўшин тортип кеп жатир", деған хабарди эшитип қопти. Тошканди ташап, бари Қўқонға кеп қўйипти. Худоёрхон Алимқулбийдинг кетидан қувип, Қўқонғача кепти. Кийин...

– Шошма, Қўйлибой, шошма. Бухоро амири нима бўлди? Худоёрхоннинг қўшини билан бирга келишдими?

– Жўқ, катта бий, амир қўшини минан Хўжандда қопти, деп эшиттим.

– Яхши, гапингни давом қил.

– Кийин Қўқонди холқи Худоёрхонға шаҳарди дарвозасини очип берипти. Қирғиз, қипчоқларди бари тувридағи дарвозадан чиғип қочипти. Худоёрхон саройға кириптидағин, туври бориб, тахтға чиғип ўтирип қуяғойипти.

– Шаҳар дарвозасини халқ очиб бердими ёки уч-тўртта хоинлар очдими?

– Бунисини билмадимов. Лекин уч кун олдин шаҳарди бозор, раста, чойхона, гузарларини эриммой ойлониб чиқтим. Одамларди сийири эгиз туққандай бари хурсанд. Биттаям қирғиз, қипчоқти кўрмадим. Одамлар барини ушлаб, сўйиб жуварипти.

– Жин урсин, Алимқулбекнинг ўйламай қилган ишининг самараси бу. Шунча одамларнинг қирғинига сабаб бўлди.

– Нима бўлди, катта бий?

– Бало бўлди, – деди Абдураҳмонбек асабийлашиб, – ҳозир Алимқулбекнинг ўзи қаерда?

– Қоерда бўларди, Узганди жўлидағи Дуғлатовулға Шодмонхўжа минғбоши минан кеп қўнди.

– Шодмонхўжа мингбоши ҳам шу овулдами?

– Ҳаййа.

– Қушини нима бўлди? Ўзи биланми?

– Кўпи овул-овулиға торқоп кетти. Алимқулбийдинғ олдида минғтадайин одам қоған, уларам торқоп кетса керак.

– Ие, нега тарқалиб кетади?

– Ҳа, уларди ҳар кун боғиш керак, қораш керак, пулмул бериб туриш керак. Уларди бари эт жийди, қимиз ичмосаям айран ичади. Минғта-икки минғта одамди боғиш осон бўппа? Ҳозирди ўзида Алимқулбий нима қилишини билмай жатир.

– Бўпти, овқатингни еявер.

Абдураҳмонбек қовоқларини уйганча кўзларини юмиб, хаёлга чўмди. Узоқ ўйлади. Бу орада Қўйлибой додхоҳ шоша-пиша овқатланишга тушди. Оғзини тўлдириб кавшанар экан, Абдураҳмонбекка қараб қўярди. Ниҳоят, бир қарорга келди шекилли, кўзларини очиб, Қўйлибой додхоҳга қараб деди:

– Менга қара, Қўйлибой, ҳозир бундай қиласан. Қўлингни артма, овқатингни еябер. Қорнингни туйғизгинда қолганини хуржунингга солиб ол. Отингни миниб, йўқ... Қурадаги отлардан бирини олиб мингин-да, тўғри Дуғлатовулга бориб, Алимқулбекнинг ўзи билан учраш. „Катта бий уч-тўрт кундан кейин келади“, деб айт. Боргунимча ўзинг ўша ерда тур. Алимқулбек бирор жойга кетиб қолмасин.

– Маъқул.

Роса беш кундан кейин Абдураҳмонбек Дуғлатовулга етиб келди. Отдан тушиб, жиловни йигитлардан бирига тутқизар экан, атрофга кўз югуртириб чиқди. Овул олди, атрофида қур тўкиб ўтиришган қирғиз, қипчоқлар, руҳан тушиб кетган, қурда ўтирганларнинг бири ухлаган, бири мудраган, бошқаси ҳамма нарсага лоқайд қараган. Абдураҳмоннинг ғижини келди. „Жин урсин, бу жангчилар билан шаҳарни қамал қилиш у ёқда турсин, бирор-бир қишлоқ ёки овулни ҳам қўлга олиб бўлмайди. Ҳа, май-

ли, ҳозир ҳаммасини бошқача қиламиз". Абдураҳмонни таниганлар пичирлашиб, югургилаб қолишди.

– Ия, катта бий келдима?

– Ҳаййа, катта бийдинг ўзи.

– Биттанг кириб, бий оғаға ойт.

– Ҳой, қора, мийман келди.

– Қўлға сув ол.

Ўтовдан уч-тўртта бий, ортидан Чўтан додхоҳ, Алимқул понсод, Шодмонхўжа мингбоши, Қўйлибой додхоҳлар чиқиб келишди.

– Қуноққа жой топиладими, бек? – Абдураҳмонбек қўлини сочиққа арта туриб, Алимқул понсодга жилмайиб қаради.

Абдураҳмонбекнинг жилмайганини кўриб, Алимқул понсоднинг кайфияти кўтарилиб кетди. Қулочини кенг ёйганча, Абдураҳмонга қараб юрди.

– Ойнолойин, катта бий, овулдинг бари сиз учун қуноқ бўсин.

Қучоқлашиб, кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашишди. Шодмонхўжа мингбоши ва қолган бийлар билан ҳам шу тахлитда бўлди.

– Қона, катта бий, ўтовға тортинг. Ҳой, бир тона, бир қўй овдаринглар. Кайваниларға ойтинглар, калла соп, кулчатай қисин. Қона, ўтовға тортинглар.

Фотиҳа тортиб, яна ҳол-аҳвол сўрашилди. Алимқул понсод расмиятчилик юзасидан шунчаки гапирар экан, хаёли бошқа жойда эди. „Катта бий неға келдийикин? Тағин Қўйлибойдан ойттирип жуварипти „ҳеч қақа кетип қомасин", деб. Устимдан кулғани кеғаммикин? Жўқ. Ўған ўхшамойди. Катта бий одамди устидан куладиған одаммас. Бекарға кемойди-ғу? Индамой ўтирай-чи, ўзи гапириб қолар".

– Оббо, катта бий-ей, димоқлар чоқма, кейплар хушма? Бир ойнолиб кепсиз-да?

– Ҳаммаси жойида, бек, ўзингиздан сўрасак? Ўзингиз қандайсиз?

– Ҳа, энди, амал деган қиморға ўхшаган нарса бўларакан. Гоҳ дов келаракан, гоҳ дов кемасакан. Бу сафар довимиз кемади. Ўзингиз кўргандай қочип журипписз, – Алимқул понсод тишини ғижирлатиб жавоб берди.

– Хабарим бор, бек, энди дов келадиган қиламиз. Қўйлибой!

– Лаббай, катта бий.

– Отнинг устида хуржун бор, бу ёққа олиб кел.

Қўйлибой додхоҳ бир зумда оғир хуржунни инқиллаганча кўтариб келиб, Абдураҳмонбекнинг олдига қўйди. У хуржунни Алимқул понсоднинг олдига суриб қўйди.

– Бу, нима бу, катта бий? – Алимқул понсод қизиқсиниб сўради.

– Бу, тилла танга, бек. Хуржуннинг ҳар бир кўзида ўттиз мингдан олтмиш минг тилла танга бор.

Ўтирган бийлар бир зум хужунга қараб, бақрайиб қотиб қолишди. Кейин бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди-да, пичирлаша кетишди.

– Ростданам хуржундаги тиллама?

– Жалтираяпти-ғу.

– Қанча дийди?

– Бари бўп олтмиш минғ тилла, дияпти.

– Ў-ў-ўҳ... Вой, боёв...

– Ўған бир майдан мол оса бўлади-ғу.

– Э-э... Бир майдан молинғ бир хуржун тиллани олдида нима бўпти.

Бир хуржун тилла тангани кўрган Алимқул понсоднинг этлари жимирлашиб, боши ғувиллаб кетди. Энтикканча, хаёлан ҳисоб-китоб қилишга тушди. „Э, Худо-ей, олтмиш минғ тилла, олтмиш минғ нақд тилла-я... Бу деғани жийирма минғ, жўк, ўттиз минғ қўшин, замбарак, милтиқ. Милтиқди жанғисидан олиш керак. Қойдан осамикин? Байзоқбий. Байзоқбийдан топса бўлади, ўриспан жўраси кўп. Қўшинди жийишиға бувдай минан мол олиш керак. Ҳозирди ўзида овулларға одам жувараман. Э, шашма, тилла катта бийдики-ғу. Олдин катта бийдинғ

гапини эшитайик". Алимқул понсод Абдураҳмонбекка қаради.

– Катта бий, буни нима қилай?

– Буни нима қилишни ўзингиз яхши биласиз, бек, қўшин, қурол, озиқ-овқат, вассалом. Етмаса, яна топиб бераман. Қўшинни ростлаб, тартибга келтириш учун сизга бир ой етса керак.

– Жетади, ўн-ўн беш кунга қомай қўшинди жийсам керак.

– Шошилишнинг кераги йўқ, бек, чунки бу вақт ичида амир Музаффархон Бухорога етиб олсин. Кейин бемалол Андижонни қамал қилинг. Наманганни қамал қилинг, кейин Ўшни қамал қилинг. Ўзган ўзимизники. Худоёрхон қўшин тортиб келади. Қўрқмасдан жанг қилинг. Шундай жанг қилингки, Бухоро амиридан ёрдам сўрашга мажбур бўлсин.

– Ия, ўзимизга душман чоғирамизма?

– Шундай. Бугунми, эртами, амир Музаффархон Қўқонга барибир қўшин тортиб келади. Биз учун тезроқ келгани маъқул.

– Амир минан қойтип жанғ қиламиз? Жутқизиб қўямизов...

– Сиз амир билан жанг қилмайсиз.

– Ия, жанғ қимасақ, нима қиламиз, катта бий?

– Қирма-қир, чўлма-чўл, тоғма-тоғ орқамиздан эргаштириб юрамиз. Жанг қилмасдан обдон тинкасини қуритамиз. Бундай ишларга бизнинг ерларимиз ўнғай. Ўн кун-йигирма кун қўшин боқишнинг ўзи бўлмайди. Қишлоқ, овулларни талайди, қанча кўп таласа, биз учун шунча яхши. Бундай пайтда халқ бухороликларга қарши туриши турган гап. Бу бизга қўл келади. Шароитга қараб, иш қилаверамиз. Қалай, гапларим маъқулми?

– Маъқул бўғонда қондай, катта бий, сиз саройда хизмат қисанғиз бўларакан.

– Раҳматли Олимбек додхоҳ ҳам шу гапни айтувдилар.

Орада ўнғайсизланиш пайдо бўлди. Алимқул пон-

сод зимдан Шодмонхўжа мингбоши билан кўз уриштириб олди. „Катта бий бир балани биладиёв. Биров ўган ойтқоммикин? Ё Олимбек додхони ўзи ойттимикин? Э, нима бўса, бўлди, энди". Абдураҳмонбек истеҳзо билан гапини давом қилди.

– Маллахонни ўртадан олиб ташлашни Олимбек додхоҳга мен маслаҳат берувдим. Акс ҳолда, ҳозир бу ерда ўтирмаган бўлардингиз.

Абдураҳмонбекнинг гапини эшитган бийлар бир Алимқул понсодга, бир Шодмонхўжага қарашди. Алимқул понсод қилган ишидан пушаймондай кўринса ҳам ўзини оқлаш учун ғудранди.

– Энди, катта бий, ўзингиз ҳаммасини тушунасиз. Уша кеча уларди барини қотл қимасак, эртаси куни холқ ўзимизга жовушип кетарди. Энди бу сиясатта...

– Сизларнинг энг катта хатоларингиз хонни „Шаҳнишин"да қатл қилганларингиз. Ов баҳонасидами ёки тўй, кўпкари баҳонасидами саройдан ташқарига олиб чиқиб, қатл қилиш керак эди. Бийлар тирик бўлганда эди, ҳозирги шароитда кўп ёрдам қилган бўлишарди. Ҳа, майли, бўлган иш, бўлди. Энди бу ёғини кенгашайлик.

Шодмонхўжа мингбошининг ёнида ўтирган Чўтан додхоҳ бошини чўзиб, Алимқул понсодга алланималар деди. У Абдураҳмонбекка бир қараб олиб, „маъқул" ишорасида бош ирғади-да, кейин томоғини бир-икки қириб олиб, Абдураҳмонбекка юзланди.

– Катта бий, бояна сиз кемасдан олдин биз бир нарсани кенғашиб турувдиқ.

– Хўш?

– Бизди сойлаган хонимиз шаҳсувари минан Худоёрхон тарафға ўтип кетти. Ҳозир хонсиз қоп ўтириппиз. Сизди манов ойтқан гапларингизди қилиш учун бизға битта хон керак. Ё бирортасини хон қип кўтариб қўяғояйиқма?

– Асло дуч келган одамни хон қилиб кўтариш ярамайди. Насл-насаби хон авлодидан бўлган хонзодаларни хон қилиб кўтариш керак. Маллахоннинг ўғли Султон

Сайидхон ҳозирнинг ўзида Наманган шаҳрида турибди. Тўпалангда малика ойим уни Наманганга олиб кетди. Худо хоҳласа, Андижон билан Наманганни қўлга олганларингиздан кейин Наманганни ўзида Султон Сайидхонни хон қилиб кўтаринглар. Бу ишни „Гумбаз" жомий масжидининг саҳнида қилинглар. Халқ кўрсин. Султон Сайидхоннинг хон қилиб кўтарилганлиги ҳамма ерда овоза бўлсин. Бу овоза Худоёрхоннинг ҳам қулоғига етиб борсин. Ўзига ҳам, қўшинига ҳам таъсир қилади. Бу бизнинг фойдамизга. Султон Сайидхоннинг атрофидаги қўшин руҳан тетикланади. Ишимиз осонлашади. Ҳозир жавзонинг боши бўлса, бир ой, ярим ой тайёрланиб, саратоннинг бошларида Андижонга қўшин тортиб борсаларингиз, бўлаверади. Энди кенгашни бошласак. Эртадан бошлаб қиладиган ишларимизни бир чеккадан режасини тузиб чиқайлик. Қани, Алимқул понсод, сиз бошланг.

Шу пайт хизматдаги йигитлардан бири ўтовга бошини тиқиб, Алимқул понсоддан сўради:

– Бий оға, кайванилар кулчатайди тайяр қип қўйишипти. Нима қилайиқ?

Очиқиб ўтирган бийлар ютиниб, Алимқул понсодга қарашди. Понсод ишшайганча Абдураҳмонбекка қаради.

– Катта бий, кулчатай тайяракан кенғаш бошламасдан жеб қўяқолайиқ. Тўқ қорин билан ҳар қандай ишди ҳал қип жуварамиз. Туврима, бийлар?

– Туври, туври...

– Шуйтғин, бий оға.

– Оч қоринға гап жоғама?

– Тўқ қориндан гап чиғади.

– Маъқул, бешбармоқ бўлса, бешбармоқ-да, – кулимсираб деди Абдураҳмонбек.

– Опкелабер, утоғаси.

Иштаҳа билан ейилган овкатдан кейин кенгашни бошлаб юборишди. Алимқул понсоднинг ишораси билан Муҳаммад Юнус қоғоз-қалам олиб, ёзилиши лозим бўлган гапларни бир чеккадан қитирлатиб ёза бошла-

ди. Бошлаб ҳар бир уруғнинг бийига ўн тилладан ажратишди. Милтиқларни ўртага одам қўйиб, Кастакдаги ўрислардан сотиб олмоқчи бўлишди. Алимқул понсод мук тушиб ёзаётган Муҳаммад Юнусга бармоғини нуқди.

– Жонкелдибийди жаз, бийлари минан ўртаға шу тушади. Ўған тағин ўн тилла қўшиб жувар.

– Бойзоқбий бумайма? – сўради Чўтан додхоҳ. – Униям ўрислар билан олди-бердиси бор деб эшитғамман.

– Бумайди, Бойзоқбийдинғ ўрислари Оқмачитта. У Кастакдағи ўрисларди бировиниям тонимойди. Ҳамма ишди Жонкелдибийдинғ ўзи тувирлайди. Гапға мундан зўри жўқ. Замбараклардиям шу эплайдиёв. Бошламасиға туртта замбаракди оп берса, зўр иш буларди-да.

– Иккитаси бўсаям жон де, бий оға.

– Энди, жахши ният, жорти мол-да, ўтоғаси. Шашма... Бир нарса эсдан чиғай депти. Пулатбий, маған қора.

– Лаббай, бий оға, – деди пойгахроқда ўтирган Пулатбий додхоҳ қўлини кўксига қўйиб.

– Сени Наманганда тонишинғ кўп, ўтоғаси. Икки жуз тиллани олдағин, эрта минан Наманганға жўна. Бекдан қопа буған битта-яримта бекма, бошқасима, дарвозани очиб берадиған қип гаплаш. „Хўп" деса, тиллани қўлиға бер... Шашма, шаҳарди қўлға олишимиз билан Султон Сайидхон турған ҳовлиға беш-ўнта навкарди қўй. Қўриб, қораб турсин. Султон Сайидхонға бошинғ билан жавоп берасан.

– Хўп булади, бий оға.

Қушинга боғлиқ бўлган кўп нарсаларни ўртага олиб, ҳал қилишди. Мулоҳаза, мунозаралар қилиб, кенгаш тугаганида тун ярмидан ўтиб қолган эди.

* * *

Қўқон... Худоёрхоннинг фармонига биноан сарой ҳовлилари тартибга келтирилиб, акаси Маллахоннинг шаҳид бўлиши ҳамда қайтадан тахтга ўтириши муносабати билан халққа бир ҳафта ош берди. Ҳамма кўтаринки

руҳда ўз вазифасини бажарарди. Бозор, раста, гузарларда одам гавжум. Ҳамма хурсанд. Чойхоналарда аския, кулгилар ҳам эшитилиб туради. Саройга яна файз кирди. Маҳкама, девонхона, сарбозхоналарда тартиб, қоидалар ўрнатилиб, олдингидай изига тушиб кетди. Сарви кайвонининг қўли қулига, оёғи ерга тегмайди. Канизакларга буюриб, „Шаҳнишин" билан „Ҳужраи хос"ни ҳам тамоман янгилатиб чиқди. Гилам, кўрпа, болишдан тортиб, токчадаги чойнак, пиёлаларгача алмаштириб ташлади. Эскиларини (бу нарсаларни эски дейишга одамнинг тили бормайди) ҳаммасини камбағал, муҳтожларга бериб юборди. Бир ҳафталар олдин ҳали арконлар ишга келмасдан ҳеч ким йўқлигида ҳудайчининг ишораси билан кайвони „Ҳузури олий"га кириб келди-да, йиғлаганча Худоёрхоннинг елкасидан тавоф қилди.

– Яхши келдингизми, айланай? Ойихоним яхшимилар? Олтиним, малика ойимлар, неваралар яхши юришибдими? Ойихоним келяптиларми? Қачон келадилар?

Худоёрхон кайвонининг қатор саволларини кулимсираганча сабр билан эшитиб турди. Кайвони жавоб кутиб, жим қолгандан кейин жавоб берди.

– Худога шукур, ҳаммаси яхши. Ўзингиз яхшимисиз, эна? Ойихонимга нома битиб, жўнатиб юбордим. Худо хоҳласа, ўн-ўн беш кунларда келиб қоладилар.

– Худойимга шукур, минг марта шукур, – кайвонининг кўзларидан маржондай ёш тома бошлади.

– Биз йўғимизда қийналиб қолмадиларингизми, эна?

– Йўқ, қийналганимиз йўқ, айланай, – деди кайвони кўз ёшларини шоша-пиша артиб. – Нимага ҳам қийналардик. Бир томондан мусибат бўлса, бир томондан хурсандчилик. Худойим хафачиликни ҳам, хурсандчиликни ҳам „ол қулим", деб битта қилиб бераверар экан. Қудратингдан ўргилай...

Ҳудайчининг „одам келяпти" деган ишорасини кўриб, гапдан тўхтади. „Одам келяпти, шекилли. Мен бора-

қолай, кейин келарман", деб хонадан шипиллаганча чиқиб кетди.

Ўн-ўн беш кун саройдан одам аримади. Шайхулисломдан тортиб, қози, муфти, мударрис, уламо, фузалолар, боёнлар, казо-казолар Худоёрхонни муборакбод этгани ташриф буюришди. Бу орада амир Музаффархоннинг вакиллари келиб қолишди. Уч-тўртта беклар, навкарларга бош бўлиб, Алёр парвоначи билан Яъқуббек меҳтар Бухорий муборакбод қилишди. Кечқурун „Ҳузури олий"да ўзлари қолишгач, Худоёрхон ўртага маслаҳат солди.

– Жаноблар, амир ҳазратларининг ҳурматларини жойига қуймоғимиз лозим. Шундай қилайликки, ул зот Бухорога хурсанд бўлиб кетсинлар. Нима қилишимиз керак? Саид, ичимизда сен у ёқ-бу ёққа кўпроқ юргансан. Элчиларнинг паст-баландини яхшироқ тушунасан. Турмай гапираверинглар.

Саидбек ўнғайсизланиб, Қаноатшо қушбеги, Ҳамдам понсод, Азимбекларга қараб қўйди. Томоғини қирган бўлиб, тортиниброқ гапирди.

– Хон ҳазратлари, мендан ёши катталар ўтиришибди. Бек акалардан олдин мен бир нарса дейишим...

– Э, э, тўрам, бизни маъзур тутсинлар, – деди Ҳамдам понсод Саидбекнинг гапини бўлиб. – Умримизнинг ярмидан кўпи от устида ўтган. Шундайми, қушбеги жаноблари? Ҳа, балли, элчиликнинг нозик томонларини билмаймизам, тушунмаймизам. Ўзимиз томонни-ку, амаллаймиз, лекин Бухоро амирига тишимиз ўтмайди. Бу ёғини ўзингиз кўраверинг. Сиз нима десангиз, шуни қиламиз.

Қолган беклар ҳам „понсоднинг гапи тўғри", дегандай бош ирғашди. Беклардан рухсат бўлгач, Саидбек лўнда қилиб гапириб қўяқолди.

– Хон ҳазратлари, агар менинг гапим билан бўладиган бўлса, бундай қиламиз. Тавочи чиройли қилиб шоҳона туҳфа тайёрлаб берсин. Кейин бухоролик вакиллар билан бирга амир ҳазратларининг ҳузурларига борайлик. Туҳфани ҳазратларининг номларидан топшириб, мин-

натдорчилигимизни изҳор қилайлик. Кейин уларни Бухоро йўлига кузатиб, оқ йўл тилаб, қайтиб келамиз. Менимча, шундай қилсак, бўлар, дейман.

– Маъқул. Бундан ортиғи ҳам ортиқ, ками ҳам кам. Хуш, ким-ким боради?

– Ижозат берсалар, хон ҳазратлари, мен ҳам вакиллар қаторида борсам, – деди Қаноатшо қушбеги.

– Си-из?! – ажабланиб сўради, хон.

– Шундай, хон ҳазратлари. Қишлоғимни кўрмаганимга ҳам қарийб йигирма йил бўлибди. Алимқулнинг хатти-ҳаракатини ҳисобга олмасак, Худога шукур, ҳозирча тинчлик. Агар ижозат берсалар, шунақасига қишлоғимга ўтсам, ота-онамнинг арвоҳига худойи-эҳсон қилиб, бир ойларга қолмай қайтиб келаман.

Хон бошини қуйи солиб, бир зум ўйланиб қолди. „Нима қилсам экан? Рухсат берсам, қушбеги амирнинг олдида ўзини қандай тутишини Худо билади. Рухсат бермасам, кўнглини оғритган бўламан. Йигирма йил ҳазилми? Йигитлик умри Қурама билан Дашти Қипчоқда ўтди. Эҳ, таваккал". Хон бошини кўтарди.

– Маъқул, қушбеги жаноблари, сиз айтганча бўлақолсин. Лекин мамлакатимизда жуда ҳам тинчлик деб бўлмайди. Алимқулдан ташқари ўрислар ёдингиздан чиқмагандир. Майли, сиз бемалол бориб, келаверинг. Келганингиздан кейин жавзонинг охирларидами ёки саратоннинг бошларида довон орқали Пишпак, Тўқмоқ қалъаларига қўшин тортиб борамиз. Саид, туҳфани тавочи билан бирга тайёрланглар.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Икки кундан кейин хон вакиллари Бухоро вакиллари билан бирга Маҳрам томон йўл олишди...

Худоёрхоннинг тахтга ўтирганидан бир ой ўтса ҳамки, муборакбод қилувчиларнинг оёғи узилганича йўқ. Шаҳарда осойишталик, ҳар ким ўз иши билан машғул. Бекликларда ҳам тинчлик. Худоёрхон Андижонга Дўстумбой юз додхоҳни, Марғилонга Султонмуродни, Ўз-

ганга Холиқназар понсодни, Баликчига Дўстмуҳаммад додхоҳни ҳоким қилиб тайинлади. Саидбек, Қилич бир тўп беклар ҳар куни сарбозхоналарда навкарлар билан ҳарбий машқлар ўтказишади. Ҳафтада бир марта далага чиқиб, замбараклардан махсус нишонга қарата ўт очишарди. Бугун жума куни бўлгани учун саройда жимжитлик. Фақат навбатчи беклар билан соқчи навкарлардан ташқари ҳамма арконлар дам олишда, арз билан келувчилар ҳам йўқ. Хон қабулхонасида ҳудайчи ҳомуза тортганча чой қайтарарди. Шаҳар, қишлоқ, овулларда тирикчилик рисоладагидай кетаётган бўлса ҳам Худоёрхоннинг негадир юраги ғаш. У „Ҳузури олий"да қўлларини орқасига қилганча хона бўйлаб шошмасдан қадам ташларди. „Қаноатшо нима қилдийикин? Айғоқчиларнинг келтирган хабарига кўра, амир ҳазратлари Қаноатшони Қарши шаҳрига ҳоким қилиб тайинлабди. Нега бундай қилдийикин? Ёки отаси қилган ишнинг товонини тўлаган бўлдимикин? Бўлиши мумкин. Ҳў-ўш, қирғиз, қипчоқларни тинчитиш учун довон томон қўшин тортишимиз керак. Кечқурун бу ҳақда Саид билан маслаҳатлашиб олишим лозим. Қайси куни „қўшин сафарга тайёр", деятгандай бўлувди. Саратон ўтиб кетса, асад, сумбула кириб қолади. Бу ёғи куз. Қишга қолиб кетмасак ҳали. Шунинг учун саратоннинг бошларида қўшин тортиш керак...". Хонага ҳудайчи кириб, хоннинг хаёли бўлинди.

– Хон ҳазратлари, Баҳодирбек шиғовул Самадбек ўғли ҳузурларига киришга изн сўраяптилар.

– Ким дединг? – сўради хон ҳаяжон билан.

– Баҳодирбек шиғовул Самадбек ўғли.

– Ия, тез чақир, кирсинлар.

Ҳудайчи сўзсиз кўздан ғойиб бўлди. Худоёрхон ҳар галгидай тахтга бориб ўтирмади. Пешонасини тириштириб, астойдил уринса ҳам шиғовул билан охирги марта қачон учрашганини эслай олмади. Ўзидан аччиқланиб, қовоғини уйди. „Хомкалла, қандай қилиб буларни унутдим-а? Ахир бу учалови умр бўйи салтанатга ҳалол хиз-

мат қилиб келган беклар-ку. Булар ҳатто Мусулмонқул мингбошидай одамга бўйин эгишмаган. Учовини яхшилаб тақдирлашим керак. Шоҳона туҳфа бўлсин". Хонага қариб қолган Баҳодир шиғовул кириб, аранг таъзим адо қилди. Худоёрхон унга пешвоз келиб, елкасидан қучди.

– Бардаммисиз, шиғовул жаноблари?

Шиғовулнинг ҳаётида биринчи марта тартиб, қоида бузилди. Хон келиб, унинг елкасидан қучоқлади. Бу ҳолат унинг учун ғайриоддий эди. Сарой одоб, тартиби Баҳодир шиғовулнинг қонига сингиб кетгани учун гапира олмай кўзларида ёш ҳалқаланди. Худоёрхон уни курсига ўтқазиб, ўзи ёнига ўтирди.

– Хон ҳазратлари, мен ҳазратлари билан ёнма-ён ўтира олмайман. Ахир бу қоидага хилоф.

– Қоида, тартиб бошқалар учун, шиғовул жаноблари, Сизлар умр бўйи одоб, тартиб, қоидага риоя қилиб келдингиз, етади. Бўлди энди, бошқалар риоя қилсин. Ҳў-уш... Ўзингиз қандайсиз? Мол-жон омонми? Султонбек парвоначи билан Умарали понсод яхши юришибдими? Улар қани? Олиб келмадингизми?

Баҳодир шиғовул ҳазин жилмайди.

– Одамизод бу дунёда устун бўлмас экан, хон ҳазратлари. Уч йил олдин Султонбек қазо қилди. Ярим йил ўтиб, Умаралибек ҳам қазо қилди. Улфатлар кетиб, бир ўзим қолганман.

– И-и-иҳ... – Худоёрхон ўзига қадрдон бўлиб қолган беклярнинг қазо қилганига астойдил ачинди. Фотиҳа тортиб, бир-бирларига тасалли беришди. Баҳодир шиғовул Умаралибекнинг қирқида бўлган учрашувни хонга гапириб берди...

Қўқондан унча узоқ бўлмаган Тўрғоқ қишлоғида Умаралибекнинг қирқини ўтказишаётган эди. Дарвоза олдида бели боғланганлар қатор туришар, келди-кетдига Баҳодир шиғовулнинг ўзи бош-қош бўлиб турарди. Шу пайт дарвоза олдига отарава келиб, тўхтади. От жилови ёшгина йигитчанинг қўлида, аравада мункиллаб қолган

Қувондиқбий ўтирарди. У ўрнидан ярим турди-да, аравадан туша олмай неварасига ўшқириб берди.

– Жардам бермайсамма, жалпайиб ўтиришини қора.

Дарҳол икки-уч киши бўлиб Қувондиқбийни аравадан тушириб қўйишди.

– Қўлингди ол, ўзим жураман. Ҳассани бер.

Қувондиқбий ҳассани дўқиллатиб, дарвоза томон юра бошлади. Баҳодир шиғовул унга пешвоз чиқди. Собиқ рақиблар бир-бирлари билан қучоқлашиб кўришишди.

– Бандалиқ-да, Баҳодирбек, Умаралибек туври одамиди. Баримиз бир кун ў жерға борамиз.

– Иймонларини ўзларига ҳамроҳ қилсин... Ҳой, меҳмонни ичкарига тортинглар...

Кетар пайтда Қувондиқбий қаддини бир амаллаб ростлади-да, Баҳодир шиғовулга қараб деди:

– Маған қора, Баҳодирбек, икковимизам ошимизди ошаб, жашимизди жашаб бўлдиқ. Энди ўладиған пайтимиз кеп қоған, ўтоғаси. Воқтида от қувип, қилич човдиқ. Энди от минолмой қоғамман, куним небарамға қоған. Кўрип турғонинғдек, қўлимда ҳасса. Ўразанбий, Оқбутабий, Норқулбийлар ўлди. Бойқушдай бир ўзим қолдим. Султонбек, Умаралибеклар ҳам ўлди, сен маған ўхшаб бир ўзинғ қолдинғ. Воқтида учов, тўртов бир-биримизға ола қораб, озма-куппа жомонлиқ қиғаммиз. Ўғонимди олдида гунайимиз кўп. Буни муйнимға оламан. Мен бул жерға рази-ризачилиқ сўрағани кеғамман, Баҳодирбек. Учовинғ тўртовимиздан рази бўнғлар. Бизам тўртовимиз учовинғдан разимиз. Эгаси кеғанда жонди қийналмосдан берайиқ. Тағин кўришамизма, жўқма, Ўғоним билади. Сен мендан рази бўл, менам сендан разиман, Баҳодирбек.

Баҳодир шиғовул Қувондиқбийнинг оддий тўпори гапларидан таъсирланиб, томоғига бир нарса тиқилди. Индамасдан Қувондиқбийнинг елкасидан қучоқлаб, кўзлари ёшланганча аравагача кузатиб борди...

– Мана шунақа гаплар, хон ҳазратлари, – Баҳодир шиғовул гапини тугатар экан. – Собиқ рақибимиз рози-ризочилик сўраб келибди. Бу ўзига хос ҳам мардлик, ҳам одамийлик. Мени маъзур тутсинлар, биз қариялар сергапроқ бўламиз, кўп гапириб, ҳазратларини толиқтириб қўйдим шекилли.

Худоёрхон унга жилмайиб қаради.

– Ў-ўҳ... Шиғовул жаноблари, қани энди ҳамма вақт мана шундай толиқтириб турсангиз. Анчадан бери бундай самимий гапларни эшитиб, таъсирланиб, ҳузур қилмаган эдим. Сиздан ўта миннатдорман. Ишонсангиз, ғуборларим тарқаб, кайфиятим кўтарилди.

Беш-ўн дақиқа суҳбатдан кейин Баҳодир шиғовул кетишга рухсат сўради. Худоёрхон ҳудайчи орқали Эргаш тавочини чақиртирди. Шоҳона совға-саломлар билан Баҳодир шиғовулнинг ҳурматини жойига қўйиб, кузатиб юборди. „Ҳузури олий"да бир ўзи қолган Худоёрхон яна қўлини орқасига қилиб олди-да, хона бўйлаб шошмасдан одимлай кетди. Шиғовул билан суҳбатлашиб, ҳақиқатан ҳам кайфияти бир оз кўтарилган эди. „Қани энди ҳар доим шундай кайфиятда бўлсам. Эҳ, қандай яхши. Ҳеч қандай бошоғриқ муаммолар бўлмаса. Иложи йўқ. Мамлакатда батамом тинчлик ўрнатишим керак. Алимқул понсод билан музокара олиб борсаммикин? Э, йўқ, бўлмайди. Мамлакат иккига, ҳатто учга бўлиниб кетиши мумкин. Қандай бўлмасин улар итоатда бўлиши лозим. Довондан нарёғини уларга бериб юборсам-чи? Ўрислар билан ўзлари жанг қилиб ётаверишсин. Мана бу яхши фикр бўлди. Буни кенгашда ўртага ташлаш керак". Шу пайт ҳудайчи кириб, хоннинг хаёли бўлинди. Ҳудайчига норозисимон қовоғини уйиб қаради.

– Бугун қанақа кун?

– Бугун... Бугун жума куни, хон ҳазратлари, – ҳудайчи ажабланиб жавоб берди.

– Унда мени нега безовта қиляпсан?

– Мени маъзур тутсинлар, хон ҳазратлари, айбдор-

ман, – деди ҳудайчи эшик томон юрар экан, – мен уларга „бугун жума“деб айтдим, лекин Саидбек тўрам мени қўй...

– Шошма, шошма, – Худоёрхон юриб бориб, тахтда қаддини ростлаб ўтирди. – „Саидбек“ дейсанми?

– Шундай, хон ҳазратлари, Саидбек тўрам, Азимбек, Қиличбеклар киришга изн сўрашяпти.

– Вой, овсар, олдинроқ шундай демайсанми? Чақир учовиниям.

Беклар кириб, таъзим адо қилишди.

– Уф-ф... Келдиларингми? Қаёқда юрибсанлар? – Хон тахт суянчиғига ўзини ташлаб. – Қани, курсиларга марҳамат қилинглар. Кўринишларинг бошқачароқдай? Бирор хабар борми дейман?

– Шундай, хон ҳазратлари,

– Саидбек курсига ўтириб, одоб юзасидан яна ўрнидан турди. – Келган...

– Ўтириб, гапиравер, – хон Саидбекнинг гапини бўлиб.

– Ташаккур, хон ҳазратлари, келтирган хабарларимизда хушхабар ҳам бор, озгина нохуш хабар ҳам бор. Қайси биридан бошлайлик?

– Хушхабардан бошла, Саид, кайфиятим яхши. Дарров бузилмасин.

– Яхши, хушхабаримиз шулки, ойихоним тушган карвон кеча Қисакўзга қўнибди. Худо хоҳласа, карвон эртаиндин Қўқонга кириб келса керак.

– Ў-ўҳ... Худога шукур, мана бу хабаринг ҳақиқий хушхабар бўлди. Ойихоним йўлда қийналмабдиларми? Ҳаммалари бардамми?

– Ҳаммалари соғ-саломат. Бухородан чиққандан бошлаб ҳаммалари яхши кайфиятда, ҳаммалари хурсанд. Машойихлар „Ватан соғинчи, Ватан тупроғи, Ватан васли ҳамма дардга даво“, деб бекорга айтишмаган.

– Ҳақ гап. Машойихларимиз бу дурдона, олтин гапларни ҳаётдан олиб, айтиб кетишган. Илоҳим, соғ-сало-

мат етиб келишсин. Ойихонимнинг хурматларини жойига қўйиб, кутиб олишимиз керак.

– Бу ёғидан хотиржам бўлсинлар, хон ҳазратлари. Икки-уч чақирим қолганда ўзимиз пешвоз чиқамиз. Фақат сарой дарвозаси олдида ҳазратларининг ўзлари шахсан кутиб олсалар, ойихонимнинг кўнгиллари тоғдай кўтариларди.

– Сўзсиз... Ҳеч қандай эътироз бўлиши мумкин эмас. Саид, сарой дарвозасидан тортиб ички ҳовлигача от жиловидан ўзим етаклаб бораман. Энди нохуш хабарларингни айтавер. Ҳар қандай нохуш хабар кайфиятимни буза олмайди. Қани, бошла, Саид.

Саидбек Қиличга бир қараб олиб, хонга деди:

– Хабарни Қиличнинг айғоқчи йигитлари олиб келишди. Яхшиси, Қиличнинг ўзи гапириб қўяқолсин.

– Шунақа дегин, – хон назарини Қиличга қаратди.

– Хўш, Қилич, гапир.

– Хон ҳазратлари, – Қилич ўтирган жойида бир қўзғолиб олди, – йигитларим Алимқул понсоднинг нақ қароргоҳидан келишди.

– Ўх-ҳў, қароргоҳидан дейсанми? Қаерда экан?

– Андижондан олтмиш-етмиш чақирим тоғ томонда, яланглиқда қўш урган. Ўттиз мингдан ортиқ қўшини бор.

– Эҳа-а-а... Маълумот аниқми?

– Аниқ, хон ҳазратлари.

– Унақада шу-унча қўшинни қандай қилиб ушлаб турибди?

– Бир ой олдин Абдураҳмонбек анови раҳматли Мусулмонқул мингбошининг ўғли, Алимқул понсодга бир хуржун тилла танга олиб келиб берибди.

– Тўхта, шошма, Қилич. Мана буни янгилик деса бўлади, – Худоёрхон қаддини ростлаб ўтирди. – Мана бу биз учун кутилмаган воқеа. Алимқулнинг тилла билан таъминланиши бизнинг ишимизни қийинлаштиради. Бўлса-бўлмаса, Алимқул биринчи бўлиб Андижонни муҳосара қилса керак?

– Йўқ, хон ҳазратлари, Алимқул понсод биринчи бўлиб Ўш шаҳрини муҳосара қилмоқчи. Қўшин ичида шундай гаплар юрган экан.

Худоёрхон пешонасини тириштириб, ўзини тахт суянчиғига ташлади. „Товба, нега Ўш? Ахир биринчи Андижонни муҳосара қилиш ўнғай-ку? Нега Ўшни танладийикин? Бир балоси боров...“. Хон бир Саидбекка, бир Азимбекка кўз ташлади.

– Қизиқ, Алимқулнинг қилаётган иши тескари-ку! Сен нима дейсан, Саид? Ҳар эҳтимолга қарши қўшиннинг бир қисмини Ўшга юборсакмикин?

– Нима ҳам дердим, хон ҳазратлари. Алимқул понсод ҳарбий ҳийла ишлатмоқчи бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳушёр турмоғимиз лозим. Лекин қўшинни иккига бўлиб бўлмайди.

– Ҳозирнинг ўзида нақд қанча қўшин бор?

– Тошканднинг қўшинлари билан бирга ўн саккиз мингта бор.

– Ўн саккиз мингта-а... Алимқулнинг қўшинига қарағанда сал чўғи камроқдай. Майли, бизда замбараклар бор. Мабодо Алимқул қўшини билан Ўш шаҳрини ёки бошқа шаҳарни муҳосара қилса, ўз қўшинимиз билан жанг қиламиз. Ҳозирча амир ҳазратларидан ёрдам сўрамаймиз. Зарурат туғилиб қолгандагина нома битамиз. Айтгандай, – хон қаддини яна ростлаб ўтирди, – Алимқул билан музокара олиб борсак-чи? Бизга итоатда бўлган ҳолда довоннинг нарёғини, яъни Пишпак, Тўқмоқ, Авлиёота қалъалари, қишлоқ, овулларни ўзи қараб, қўриб юрса, нима дединг, Саид? Қирғин ҳам бўлмайди, қон ҳам тўкилмайди.

– Маъқул гап, хон ҳазратлари, лекин ҳар қандай музокаралар учун қўшинимиз рақиб қўшинидан сал бўлса ҳам устун бўлиши керак...

Улар узоқ муҳокама қилишди. Олдин қирғиз, қипчоқларнинг юрагини ёрадиган замбараклар ҳақида мулоҳазалар бўлди. Қўшин билан нечта замбараклар олиб

кетилишини, қаерда, қачон ишлатилишини обдан муҳокама қилишди. Алимқул понсоднинг бир неча жойга қўшин тортишини ҳам тасаввур қилиб, унга қарши фикрларини айтишди. Хомаки режалар тузилиб, бир қарорга келишгандан кейин хоннинг рухсати билан туришди. Хон яна „Ҳузури олий"да бир ўзи қолди. Тахтдан тушиб, қўлларини орқасига қилганча хона бўйлаб оҳиста юра бошлади.

* * *

Ҳокимойимнинг келиши муносабати билан саройда шодлик, хурсандчилик бўлиб кетди. Нафақат саройда, ҳатто шаҳарда байрам бошланди. Карвон шаҳарга уч чақиримларча қолганда Саидбек қирқ-элликта беклар билан Ҳокимойимга пешвоз чиқди. Ҳокимойим, Олтиной, бола-бақра, канизаклар тушган араваларни олдинга ўтказиб юборишди. Хўжанд дарвозасига яқинлашишганда карнай, сурнай, ноғоралар садоси остида шаҳарга киришди. Ҳокимойимнинг келиши гузар-гузарларга бир зумда тарқалди. Шунинг учун ҳам шаҳарда ҳар кунгига қараганда одамлар гавжум. Хўжанд дарвозасидан тортиб саройгача йўлнинг икки чеккаси одамлар билан тирбанд. Ҳатто Маллахон, Худоёрхон ҳам тантана билан ўтишганда халқ бунчалик йиғилмаган эди. Аравалар олдида туртта отлиқ „ҳай-ҳай"лашиб борарди.

– Ҳой, четроқ туринглар!

– Йўлни бўшатинглар, Ҳокимойим келяптилар!

– Ҳушёр бўлинглар-о-о-ов!!

Бозор, расталардан, чойхона, гузарлардан одамлар шоҳкўча томон шошилишарди. Шаҳарга файз киргандай. Одамлар хурсанд. Аравалар яқинлашганда одамлар Ҳокимойимни олқишлашарди.

– Ҳокимойим яшасинлар-оҳо-ҳо-о-о-ой!!!

– Юзга кирсинлар-оҳо-ҳо-о-о-ой!!!

– Халқнинг бахтига Ҳокимойим соғ-саломат юрсинлар-оҳо-ҳо-о-о-ой!!!

– Ҳокимойим келди, барака келди!..

Қишлоқдан келганлар шаҳарликлардан сўраб-суриштиришарди.

– Нима гап, биродар? Нима бўлди?

– Ҳокимойим келдилар.

– Ҳокимойим, дейсизми? Наҳотки Модари хон келган бўлсалар?

– Шундай. Ҳокимойим қизлари, неваралари, маликаойимлар, канизаклар билан бирга келишяпти.

– Э, Худога шукур, энди шаҳримизда ҳақиқий тинчлик, хотиржамлик бўлади.

– Айтганингиз келсин, бир бурда нонни хотиржамлик билан ейишга нима етсин.

Аравалар шоҳкўчадан бориб, чапга бурилишди-да, бир оз юргандан кейин одамларнинг олқишлари остида сарой дарвозасидан бирин-кетин кириб кетишди. Уларни кузатиб келган беклар ташқарида қолишди. Ташқи ҳовлида курсида ўтирган Худоёрхон ўрнидан турди. Сал орқароқда исириқ тутатиб олган Сарви кайвони, хонзода ойимлар, бегойим, пошша ойимлар ва беш-ўнта канизаклар туришарди. Товушсиз йиғлаётган кайвони хондан истиҳола қилиб, Ҳокимойимнинг аравасига қараб югуришдан ўзини аранг тухтатиб турар, араваларга алангланча Олтинойни қидирарди. Ҳокимойим тушган арава тухташи билан хон тез-тез юриб келиб, аравадан тушаётган онасининг қўлидан олди. Она-бола қучоқлашиб кўришишди.

– Яхши юрибсанми, ўғлим? Тахти маврусий, муборак бўлсин!

– Бирга бўлсин. Яхши келдингизми, ойихоним?

– Ўзига шукур, – деди Ҳокимойим четроқда турган бегойимлар томон бир кўз югуртириб, хоннинг қулоғига пичирлади. – Сен Насриддинбек билан Саидакрамхонни олиб, маҳкамага бораверинглар. Бегойим, пошша ойимлар тортинишмасин.

– Хўп бўлади, ойихоним. Бугун дам олинг, эртага ҳузурингизга кирарман.

– Маъқул.

Бу орада Олтиной билан малика ойимлар Худоёрхоннинг елкасидан тавоф қила кетишди. Хон улар билан узун-қисқа сўрашган бўлди-да, Насриддинбек билан Саидакрамхонга „юринглар" ишорасини қилиб, „Ҳузури олий" томон юрди. Ҳокимойим атрофга аланглаб, кайвонини чақирди:

– Сарви, қанисан?

– Шу ердаман, ойихонгинам. Шу ердаман-а, шу ердаман... Ҳув-ҳув...

Насриддинбек, Саидакрамхон билан кўришиб турган кайвони „ув" тортганча югургилаб келиб, ўзини Ҳокимойимнинг бағрига ташлади. Ҳовли бир дамда йиғи-сиғи, қий-чувга тўлиб кетди. Ҳаммалари бир-бирлари билан астойдил кўришиб, сўрашиш билан овора, чақнаган кўзлардан севинч ёшлари оқарди.

– У-у-ув-в... Ойихоним, мен бечорани шу-унча йиллар ташлаб кетасизми? Ҳик, ҳу-ув, – кайвони кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, ҳиқиллаганча Ҳокимойимдан астойдил гина қиларди. – Яна бир кун келмаганингизда жинни бўлиб қолардим, ойихоним. Айтгандай, менинг шаҳзодам қани? Соғиниб, ўлдим. Кетганида, бир ёшда эди, қарийб тўрт йил утди-я, юраккинам эзилиб кетди.

– Вой, Сарви-ей, биргина сенинг ўзинг соғинибсанми? – Ҳокимойим малика ойимлар томон қичқирди. – Ҳой, полапонларимни бу ёққа олиб келинглар.

Кайвони бегонасираб турган болаларни меҳр билан бирини олиб, бирини қўйиб, жавраганча ялаб-юлқай кетди.

– Пояндозлари бўлай шу болаларимга, Худойимга шукур. Каттагина бўлиб қолишибди. Шаҳзодам, ўзимнинг шаҳзодагинам, Саидаъзамхоним, Олмагулчам!.. Баринг энажонингни соғинтириб ўлдирдиларинг-ку, айланайлар. Жоним қоқиндиқ. Вой, бу жажжи маликача ким?

Купайдикми? „Менинг офтобим“, дейсизми, ойихоним? Вой, ўргилай... Офтобимдан. Бу маликача менинг ҳам офтобим бўлади. Ўзимнинг Офтоб ойим.

Шу пайт Олтиной атайлаб атрофга аланглаганча кайвонини қидириб қолди.

– Ҳой, менинг меҳрибон энажоним қани? Энажонгинамни кўрмадиларингми?

Болаларга ёпишиб олган кайвони ўрнидан туриб, Олтиной томон жавраганча шипиллаб қолди.

– Менгина ўлай, Олтиним. Сени эсимдан чиқардимми? Қаро ергина ютсин мени-я, – кайвони Олтинойни бағрига босиб, юзларидан „чўлп-чўлп“ упди. – Мени соғиндингми, оппоғим? Айланиб кетай, сендан мен ҳам... Вой-вой-е-е-ей, ўлдим! – кайвони ёшига ярашмаган ҳаракат билан бир қадам орқага сакраб тушди. – Илойим, қурибгина кетсин ҳазилинг. – Биқинини уқалар экан, оғизларини беркитиб кулаётган канизакларга ўшқириб берди, – бас қилларинг, ҳамманг, – Ҳокимойимга қараб, шикоят қила кетди. – Ойихоним, бу Олтинимга нима бўлган ўзи-а? Бухоройи шарифдай азиз жойларда турт йил юрса ҳам мулла бўлмапти-я.

– Оҳ, Сарви, Сарви, – Ҳокимойим кайвонига ёшланган кўзи билан жилмайиб қаради. – Олтиной, ўша ўзинг билган, Олтиной. Бир мисқол ҳам ўзгаргани йўқ. Унга ўзинг тарбия бергансан, – канизакларга қараб. – Ҳамманг қуришиб бўлдиларингми? Қани, юринглар энди, ичкарига кирамиз. Бодом, сан болаларга қара. Юринглар, бу ҳовлидагилар ҳам ўз ишларини қилишсин. Қани, пошша ойим, бегойимлар, марҳамат қилинглар, мен бошлайми? Майли, бошладим бўлмаса.

Ҳокимойим „Бисмилло...“ деб қадам қўйиши билан ҳаммалари унга эргашишди. Орқада бухча-тугунларни кўтариб олган канизаклар боришарди...

Эртаси куни йўл азобидан танаси қақшаб оғриб турганига қарамасдан Ҳокимойим қизлари, невaралари, малика ойимлар билан Маллахоннинг қабрини зиёрат

қилиш учун „Даҳмаи шоҳон“га отланди. Хайр-садақага ният қилиб олган тугунчаларни ўз қўли билан аравага қўяр экан, кайвонига тайинлади.

– Сарви, утганларнинг рухи-арвоҳларига ният қилиб, бугун ҳам „мавлуд“, ҳам „мушкулкушод“ ўқитамиз. Шунга қараб, тайёргарлигингни кўр. Дастурхонга қўйиладиган нарсаларни ўзинг қараб чиқ. Камчилиги бўлса, бозорга одам юбор. Олдин қассобни чақиртириб, Худо йўлига қўй сўйдир. Қўй дадилроқ бўлсин. Дарров калла, ҳасиб солинглар. Отинбибиларни асрдан олдин олдириб кел. Пошша ойим, бегойимларга ҳам хабар қил, ахир кимкимларни хабар қилишни ўзинг яхши биласан-ку.

– Хотиржам бўлинг, ойихоним, айтганингиздай қиламан.

– Яхши, биз пешин бўлмасдан қайтиб келамиз.

Ҳокимойим „Даҳмаи шоҳон“га келиб, аввал Маллахон билан Суфибекнинг қабрларини йиғлаб, узоқ зиёрат қилди. Кейин эрининг қабридан бошлаб, катта-кичик қабрларни бир-бир зиёрат қила бошлади. „Хон турам, хонзодаларим, мен билиб-билмаган, таниб-танимаган шаҳзодачаларим“. – Нодирабегимнинг қабри олдида бир оз туриб қолди, – „катта малика шоира ойим, илоҳим, ҳаммаларингизни Парвардигорим раҳматига олсин. Охиратда ҳаммаларингизни жаннатга доҳил қилсин“. Қабристонни қараб-кўриб юрувчи шайхга Қуръон ўқитди. Олиб борган нарзларини сўри устига қўйди-да, кўнгли хотиржам тортиб, саройга қайтди.

Шом кириши билан ҳужраларда, танобийларда, ҳовлида лампачироқлар ёқиб қўйишди. „Мавлуд“, „Мушкулкушод“лар ўқилиб, меҳмонларни уй-уйларига кузатишди. Канизаклар дастурхонларни йиғиштириб, супурсидир, қозон-товоқларни ювиш билан банд. Ҳокимойим хос хонасида шомни ўқиб бўлиб, жойнамоз устида тасбеҳ ағдарар экан, кайвонини чақирди.

– Сарви, қанисан? Нималар қилиб юрибсан? Бу ёққа кел.

– Олтинимни, Бодомни бола-чақалари билан уйларига кузатиб юбордим, – кайвони хонага кириб, кўрпачага ўтирар экан, – Майда-чуйда қилиб, қўлларига тутқазиб юбордим.

– Яхши қилибсан.

– „Хонзодалар ҳовлиси"да Шоҳмуродбек билан Насриддинбекнинг жойларини солиб бердим. Бир тўп хонзодалардан саройда фақат иккови қолди холос, ойихоним. Суфибек қазо қилганида Маллахон кичик малика ойимни Қўқонга кўчиртириб олиб келувди. Бир йиллардан кейин ўғиллари Назирбек, Муродбек, Ғаффорбекларни олиб, Тошкандга кўчиб кетишди. Кечаги туполонда ўртанча малика ойим Султон Сайидни олиб, Наманганга кўчиб кетди. Ҳаммаси ҳар қаёққа тузғиб кетди, ойихоним.

– Ҳа, майли, қаерда бўлишса ҳам соғ-саломат бўлишсин. Худо хоҳласа, Қўқонда яхшигина тинчлик ўрнатсак, яна ҳаммамиз бирга бўламиз.

– Илоҳим айтганингиз келсин, ойихоним.

– Гап билан бўлиб, сўрамабман, отинбибиларни яхшилаб кузатдингми?

– Кузатдим, ойихоним, яхшигина қилиб кузатдим. Пошша ойим, бегойимларни ҳам биратўла кузатиб юбордим. Вой, ойихоним-ей, дугоналарингизнинг ҳаммаси бирам димоғдор, бирам иззатталабе-ей, товба қилдим, аравалар ўрнидан жилмагунча хушомаддан оғзим тинмабди-я.

– Қўявер уларни, Сарви. Мен йўғимда бу ерларда нималар бўлди? Шулардан гапир.

– Сиз кетганингиздан кейин, Худога шукур, ҳарамда олдингидай тинчлик бўлиб турди. Бошида „нима бўлар экан?" деб дарахтнинг баргидай қалтираб юрдим. „Шитир" этган товушга чўчиб тушардим. Йўқ, кейин ҳаммаси яхши бўлиб кетди. Ўн олтита канизакни эрга бериб юбордим. Ахир қариқиз қилиб, ушлаб ўтираманми, ойихоним?

– Яхши иш қилгансан, Сарви, уй-жой қилишгани яхши. Хўш, Маллахон нима иш қилди? Хонликни яхши олиб бордими?

– Оҳ, ойихоним, Маллахон бошида саройни қирғиз, қипчоққа тўлдириб ташлади. Мусулмонқул даврида қандай бўлган бўлса, шундай бўлди. Маллахоннинг бошига етганлар ҳам шулар бўлди. Беш ой олдин йиллик солиқларни ўзи тафтиш қилиб, беш-ўнта бийларни қаттиқ жазолади. Ер ютгур бийлар тилни битта қилиб, бечора боламни бир кечада сўйиб кетишди.

– Астағфирулло, товба қилдим, минг марта товба қилдим, бечора болам-ей, – Ҳокимойимнинг кўзларидан ёш думалади. – Кейин нима бўлди, Сарви?

– Кейин ўша кечанинг ўзида милтиқлар бирам гумбирлади, бирам гумбирлади... „Қиёмат-қойим бўлдимикин?“ деб даҳшатга тушдим. Жойимда эрталабгача шамдай қотиб ўтирдим. Кейин билсам, Маллахонни сўйган қотил қирғиз, қипчоқларнинг ҳаммасини отиб ташлашибди. Эрталаб ўликларини растага олиб чиқиб, дорга илиб қўйишибди.

– Ё, Парвардигор, қандай даҳшат. Офатлардан ўзинг сақла.

– Маллахонни „Даҳмаи шоҳон“га дафн этишди. Шоҳмуродни тахтга ўтқазишди. Бир ойлардан кейин Тошкандга, Худоёрхоннинг устига қўшин тортиб кетишди.

– Шоҳмуродбекми?

– Йўғ-е, ойихоним, Шоҳмуродбек ҳали гўдак-ку, нимани ҳам биларди? Бу ишларнинг устида турган анови гўрсўхта Алимқул понсод бўлади. Сафарга чиқишдан олдин хайрлашгани малика ойимнинг олдига кирди. Бечора болагинам шундай гарангсиб қолган. Малика ойимга „ойижон, нима қилай?“ деб йиғламсираб турибди. Мен унга яхши маслаҳат бердим. „Тошканга борганингда мавридини топиб, хон амакингга қўшилиб, олгин“, дедим. Борганидан кейин айтганимдай қилибди. Бир пайт бир ойлардан кейин қирғиз, қипчоқлар бало-қазодай ёпирилиб келишди. Бир ҳафталардан кейин Худоёрхон қўшин тортиб келди. Парвардигоримга минг қатла шукурки,

шаҳар халқи бирлашиб, Урганжи дарвозасини очиб беришди. Худоёрхон шаҳарга кирди.

– Қирғиз, қипчоқлар нима бўлди?

– Бир-икки кун олдин Тоғлик дарвозасидан жин қувгандай ҳаммаси қочиб кетди.

– Уф-ф... Худога шукур, қон тўкилмасдан тинчлик билан тугапти.

– Гўрда тинчликми, ойихоним, уша куни шаҳарда қолиб кетган юз эллик-икки юзта қирғиз, қипчоқни халқ оломон бўлиб, ўлдирди.

– Э, Худойим-ей... Бари бир қирғин бўлибди-да, Сарви?

– Қирилганлар қирғиз, қипчоқлар-ку, ойихоним.

– Ундай дема, Сарви, улар ҳам одам. Ахир чумчуқ ҳам боласига чирқиллайди-ю, булар одам-ку, булар ҳам кимнингдир боласи-да. Алимқул додхоҳ нима бўлди? Уни ушлашдими ёки йўқми?

– Йўқ-да, ойихоним, Алимқул билан Шодмонхўжа мингбоши иккови қолган-қутган қўшин билан тоғ томонга қочиб кетишибди. Ҳудайчидан эшитдим, бир-икки ҳафталардан кейин Худоёрхон Алимқул понсоднинг устига қўшин тортиб борар эмиш.

– Нима?! Қўшин тортармиш? Йўқ, бўлди энди. Шунча қўшин тортишлар, жанг-жадаллар етар энди, бас. Мен хон билан ўзим гаплашаман. Қўшин тортишнинг ўрнига элчи юборсин. Алимқул понсод билан музокара олиб борсин. Ўртадаги муаммоларни биргаликда тинчлик йўли билан ҳал қилишсин, вассалом. Халққа тинчлик керак, Сарви. Ахир қачонгача бу жанг-жадаллар давом этади? Етимчалар, бевалар кўпайиб кетди-ку. Бунга чек қўйиш керак. Эртагаёқ хон билан гаплашаман.

– Шундай қилинг, ойихоним, музокара қилиб, зора бир қарорга келишса. Илоҳим, халқнинг бахтига мамлакатимизда тинчлик бўлсин.

Қарийб тўрт йилдан бери бир-бирини кўрмаган Ҳокимойим билан Сарви кайвони тун ярмигача гаплашиб, ҳасратлашиб ўтиришди.

VIII БОБ

Дуғлатовул... Алимқул понсоднинг қароргоҳи. Абдураҳмонбек келиб-кетгандан кейин овулда катта ўзгаришлар бўлди. Ҳар томондан тўп-тўп бўлиб қирғиз, қипчоқлар кела бошлашди. Отлиғи ҳам бор, пиёдаси ҳам бор. Алимқул понсод пиёдани от билан, қуролсизни қурол билан таъминлади. Бийлар ҳар куни ўз тўплари билан ялангликда ҳарбий машқлар ўтказишарди. Алимқулнинг хуфёна буйруғи билан қўшин ўртасида „бир-икки ҳафтадан кийин Ўшди қамал қип, босаракаммиз" деган гапларни тарқатишди. Қўшин ўттиз беш-қирқ мингларга етгач, бийлар ўзаро келишиб, ҳарбий кенгаш ўтказмоқчи бўлишди. Шодмонхўжа мингбоши бўлса ҳам қўшин ичида Алимқул понсоднинг обруси баландлиги учун кенгашга у бошчилик қилди.

– Бий оғалар, – биринчи бўлиб гап бошлади Алимқул понсод, – мўлжалдаги қўшин жийилип бўлди. Хонди қўшини билан астойдил жанғ қилишимиз учун бизға битта хон керак. Кимди хон қип кўтарамиз? Бирортанғди ўйлаб қўйғонинғ бордир? Ўйлаб қўйғонинғ бўса, ойт.

– Шуниям ўйлаб ўтирамизма, бий оға, – деди ўтирган бийлардан бири, кейин бийларга қараб, – Алимқулбийдинғ ўзини хон қип кўтарип қўяғояйиқ. Гапим тўврима?

– Туври, туври...

– Хон қидириб журамизма...

– Алимқулбийдинғ ўзи хон бўп қўяғойсин.

– Шошма, шошма, жим бўл баринғ, – Алимқул понсод чўкка тушиб ўтирди. – Мен хон бумойман.

– Ия, бий оға, жон демойсамма?

– Жўқ! Хон бўсам, мени шу ўтовдағилар тан олади. Қўқон, Андижон, Наманган шаҳарларининғ сартларининғ биттасиям тан омайди. Э, шаҳаринғди қўй, ўзимизди овуллардиям йорми тан оса, йорми тан омайди. Бошқа мамлакатларди-ку, қўябер. „Хон бўламан", деп шарман-

дам чиғиши ониқ. Шунинғ учун насл-насаби тоза хонзодани товип, хон қип кўтарайиқ.

– Эса, катта бий ойтған Маллахонди улчаси Султон Сайидхонди хон қип кўтариб қўяғояйиқ. Осонғанаси шу.

– Ана, баракалла, ўзимам шуни ўйлаб турувдим. Катта бийдинғ айтувича, Маллахондинғ улчаси ҳозирди ўзида Намангандайимиш. Шунинғ учун олдин Намангандди қамал қип, қандай бўмасин қўлға олишимиз керак.

– Ия, Ўш нима бўлади? Қўшиннинғ бари „Ўшди босамиз“, деб журипти-ғў.

– Шашма, ўтоғаси, шашма... Ўшдиям босамиз, Намангандиям босамиз. Катта бий кетар пайтта бир гапти маслаҳат қип овдиқ. Ҳозир ўша гапти ойтаман, – Шодмонхўжа мингбошига қараб гапида давом этди, – сиз бир иш қиласиз, минғбоши. Икки кундан кейин қўшиндан беш-олти минғ одамди ожратип олинғдағин Ўшға қораб қўшин тортинғ. Чўтанбий додхоҳ сизға жардам қилади.

– Хўп бўлади, бий оға.

– Шуйтип хонди чолғитамиз. Булар борип, Ўшди қамал қиса, хон Ўшға қўшин тортип боради. Минғбой додхоҳ қўшиндан ўн минғ ажратип осиндағин Андижонни қамал қисин. Хон қўшинди иккиға бўлади. Биз қоған жийирма минғ атрофидағи қўшин минан Намангандди қамал қиламиз. Мана бу гапимди баринғ қулоғинға қуйиб ол. Андижондима, Намангандима, Ўштима, қойси шаҳарди қўлға осақ ҳам бирорта навкарди ўлдирмоймизам, бирорта уйдиям толамоймиз...

– Ия, бий оға, – Алимқул понсоднинг гапини бўлди пастроқда ўтирган бий, – ҳа, қўшинларимиз жанғ удумиға қораб, қишлоқ, шаҳарларди толамойма?

– Толамойди! Қишлоқ, шаҳарди толаған дастанинғ бийларини дорға торттираман. Бу менинғ қатъий қарорим. Жанинг ширин бўса, баринғ дасталаринға қоттиқ қип тойинла. Катта бий тағин тилла бераман, деған. Қўшинға шу тилладан улашаман. Бояна гапим нимада қовди? Ҳа, шаҳарди қўлға осақ, ҳеч кимди ўлдирмоймиз, то-

ламоймиз, кейин ҳокимиям, арканлариям жайида қолади. Қози, муфти, мударрисларим жайида қолади. Агар шуйтсақ, бари шаҳарлар биз томон бўлади, ана ундан кийин...

Шу пайт хизматдаги йигитлардан бири бошини ўтовга тиқибди-ю, Алимқул понсоднинг гапи бўлинди.

– Бий оға, хондан элчилар келди.

– Элчилар дийсамма!?

– Ҳайя, қўшин бошида ушладиқ. Қорасам, беш-олтита турамлар кеп жатир. „Хондан элчи бўп кеп жатирбиз. Бизди Алимқул понсотти олдиға оппор", деп ойтти. Турамларди гапини қойторип бумайди. Туври шияқа оп кеп, қуяғойдим.

– Туври қиғансан. Қона, каттасини ойт, кирсин.

– Хуп бўлади, бий оға.

Бироздан кейин ўтовга Худоёрхоннинг пирларидан бири Сулаймонхўжа аълам кириб, салом берди.

– Ассалому алайкум, жаноб бийлар!

Алимқул понсод Сулаймонхўжа аъламни таниб қолиб, шошиб ўрнидан турди.

– И, и, и... Турам кептилар, тур баринғ...

– Ия-а-а... Турамди ўзлари кептилар.

– Элчи бўп кептиларма?

– Шундайчаға ухшайди-ғу.

Алимқул додхоҳ Сулаймонхўжа аъламнинг ҳурматини жойига қўйиб, ёнидан жой берди. Фотиҳа тортилиб, ҳол-аҳвол сўрашилди. Бийлар ўзларича „турам қандайча гап опкелдийикин", деб унга кўз тикишди. Сулаймонхўжа аълам бир пиёла чой ичиб, нафасини ростлагунча ўтовда жимлик бўлиб турди. Ниҳоят, Сулаймонхўжа аълам гап бошлади.

– Мулло Алимқулбек понсод жаноблари.

– Лаббай, турамжон.

– Камина хон ҳазратларидан жаноблариға элчи бўлиб келдим.

– Пойқодамлари қутлуқ бўсин, турамжон.

– Гапнинг холисанлиллоси, бу элчилик Ҳокимойимнинг бир оғиз қаттиққина гаплари билан бўлди.

– Ҳокимойим соғ бўсинлар.

– Каминаға жаноблари билан музокара олиб бориш ҳуқуқи берилған. Алалхусус, бизнинг ҳамроҳларимиз бор. Улар ҳам музокарада иштирок этишлари лозим. Олдин музокарани қаерда, қачон олиб боришимизни аниқлаб олсак, маъқулмикин, дейман. Жаноблари нима дейдилар?

– Маъқул, тўрамжон, музокарани ҳозир, шул жерди ўзида ўтказиб қўяғоямиз. Биз учун, тўрамжон, бир ўзингиз ўн кишини ўрнини босиб қўяғоясиз. Шунинг учун шерикларингиз нарғи ўтовда дамини оп жотсин. Биз тўпори, чўлди одамларимиз. Расмиятчиликди унча тушуммоймиз, ониғи, билмоймизам. Сизди ҳар бир гапингизди кўзимизға суртип, қабул қиламиз. Туврима, бийлар?

– Туври, туври…

– Тўрамди ўзлари қоп, гапирсинлар.

– Тўрамди абрийлари бор, жахши гап бўса баримиз кўнамиз.

– Қона, жим бўл баринг! Тўрамди гапларини эшитайиқ. Қона, тўрамжон, бошланг.

Сулаймонхўжа аълам томоғини бир қириб олиб, ширали товушда гап бошлади:

– Мулло Алимқулбек понсод жаноблари, жаноб бийлар! Маълумингизким, камина мана шундай издиҳомларда фақат шариатдан амри маъруф, наҳи мункарлардан ваъз айтиб, халққа илм-маърифат дурдоналарини сочиб келғанмиз. Алҳол элчилик мақомида ҳаргиз бўлмағанмиз. Шул сабабдин музокарани қай тарзда олиб бориш одоб, тартибидин камина мутлақо бехабарман. Жанобларидан сўровим шулки, гапларимда ноқислик сезилса, беодобликка йўймасангизлар, камина беҳад хурсанд бўлиб, илло музокарани хотиржамлик ила олиб борур эрдик.

– Вой, вой-ей, турамжон, сизди ойтқан мана шу гапларингизди ўзи биз учун бир дунё тарбия, бир дунё одоб, – деди Алимқул понсод ихлос билан бошини эгиб. – Бизга қанча осон қип гапирсанғиз, биз шунча жахши, тез тушунамиз. Худоёрхонди гапларини лўнда қип ойтип қўяғойинғ, турамжон.

– Маъқул, бу гапларингиздан кейин камина анча енгил тортдим. Бўлмаса эшитинглар, жаноблар. Хон ҳазратлари каминани ҳузурларига чақиртириб, мана шу вазифани тайин қилиб, жаноблариға арз қилишимни буюрдилар. Жаноблар, маълумингизким, икки ўртада муаммолар тинчлик йўли билан ҳал қилинмаса, жанг-жадал юзага келиб, ҳар икки томондан беҳад қон тўкилиши муқаррар. Қон тўкилишининг олдини олиш учун хон ҳазратлари тинчлик йўли ила ҳал қилишни лозим топдилар. Хон ҳазратларининг хоҳишлари шундай. Жаноблариға довоннинг нариги томони, хусусан Тўқмоқ, Пишпак, Авлиёота қалъаларини суюрғол қилиб бермоқчилар. Алардин олунодурғон йиллик солиқлар, закот, ушрлар мундин бу ёғига ҳаргиз олинмас. Жануб томондан чегара довоннинг ўзи бўлади. Шимол томондан чегара Авлиёота қалъаси билан Янгиқўрғон қалъасининг ўртаси ҳисобланади. Мана шу икки чегара ерларининг ҳаммаси жанобларининг тасарруфларида бўлиб, сиёсатни шариат ҳукмларидан чиқмаған ҳолда бемалол олиб борсалар бўлади.

Сулаймонхўжа аълам яна бир қанча гапларни гапириб, Алимқул додхоҳни хон билан сулҳ тузишга даъват этди. Алимқул додхоҳ сукут сақлаб турган бийларга бир кўз югуртириб олиб, Сулаймонхўжа аъламга қараб деди:

– Эса, турамжон, ҳозир буйтамиз. Сиз нарғи ўтовға чиғиб, даминғизди онғ. Биз бийлар минан кенғашиб, жавобини эртаға ойтамиз. Маъқулма, турамжон?

– Маъқул, – Сулаймонхўжа аълам бийларнинг кенгашидан бир иш чиқишига кўзи етмаган ҳолда фотиҳа тортиб, ўрнидан турди...

Эртаси куни нонуштадан кейин Алимқул додхоҳ одоб доирасидан чиқмаган ҳолда Сулаймонхўжа аъламга шундай деди:

– Тўрамжон, ҳозирғи ойтаётқан гапларимди сизға эмас, Худоёрхонға ойтяппан. Шуни ҳесапға онғ. Бизди хонға жавобимиз шундай бўлади. Биз олдин бутун Фарғона мамлакатини қўлға омоқчийидиқ. Хон музокара қип, сулҳ тузмоқчиякан, майли, биз розимиз. Шуям бўса, Ҳокимойимди ҳурмати. Эса, гап бундай, тўрамжон, Худоёрхон Қўқондан кетсин. Тошканд беклиғини уған бердиқ. Пасқи чегара Кировчи минан Хўжанд шаҳрини ўртаси. Жўғори чегара кеча ўзинғиз ойтқандай Жанғиқўрғон қалъаси минан Авлияота қалъасининғ ўртаси бўлади. У маған тиймасин, ман уған тиймойман. Мана шу шартларға кўнса, тинчлиқ бўлади. Кўммаса, жанғ қиламиз. Бийлар минан кенғашиб, шу қарорға келдиқ. Мени гапим тамом, тўрамжон.

Сулаймонхўжа аълам „маъқул, гапларингизни хон ҳазратларига етказаман", деб шериклари билан Қўқон томон йўл олди. Икки кундан кейин Шодмонхўжа мингбоши Чўтанбий додхоҳ билан олти минг қўшинни олиб, Ўш шаҳрига қараб юрди. Бир кун ўтиб, Мингбой додхоҳ ўн минг қўшин билан Андижон томон юрди. Роса бир ҳафтадан кейин Алимқул додхоҳ йигирма икки-йигирма уч минг қўшинни Наманган шаҳрига тортиб борди. Йўлда икки кун қўниб, учинчи кун пешинга яқин қарши томондан келаётган беш-олтита отлиқ қораси кўринди. Қўшин олдида келаётган Алимқул понсод қўлини соябон қилганича ёнида бийларнинг биридан сўради.

– Анови келаятқан илғардамма ё бошқама?

– Илғорди одамиға ўхшамайди-ғў... Ўртада келаятқан Пўлатбий додхоҳға ўхшайдиёв.

– Туври, Пўлатбий додхоҳдинғ ўзғанаси, – деди бийларнинг бошқаси. – Журишиға қорағанда иши олчиға ўхшайди.

– Кеганда, кўрамиз.

Бу орада отлиқлар яқинлашиб қолишди. Алимқул додхоҳнинг сабри чидамай қичқириб қолди.

– Бўрима, тулкима?

– Бўри, бий оға, бўри, – Пулатбий додхоҳ ишшайганча от устида ним таъзим қилиб, – ойтқан ишларингизди бажариб келяппан, бий оға.

– Баракалла, ўтоғаси, отингди бурдағин қаватимда тур, ана шундай, тўхтатмай ҳайдайбер, – Алимқул додхоҳ отини ниқтабди. – Энди бир чеккадан гапир. Жўл олис. Қойтип бординг? Ким билан гаплашдинг? Нима қилдинг? Ҳаммасини гапир.

– Бир чеккадан ойтсам агар, овулдан чиққанимиздан бошлаб тўрт кун шашмасдан жўл журиб, бешинчи кун деганда жетип бордиқ. „Кўзға ташланмайик“, деп биттадан, иккитадан бўп, дарвозадан кирдиқ. Кийин туври ўзимизди қипчоқлар савдо қиладиған каппон бозорға бордиқ. Бизди кеганимизди кўрип, бари хурсанд бўп кетти. Каттасини бир четға чоғирдимдағин нима учун кеганимизди ўган ойттим. Бирпас ўйлониб турдидағин, кийин „шул жерда турип туринглар“, деп асрғача жўқ бўп кетти. Кийин кеп, бизди уйиға оппорди. Қунок қип, мийман қилди. Бир палла биз ўтирған жерға иккита бий кириб келди. Кийимиға қорасам сартға ўхшайди. Кўзиға қорасам, қипчоққа ўхшаб кетади. Гапти индаллоси, нимаға кеганимди ойтип, икки жуз тиллани икковининг олдиға қўйдим. Тиллани кўрип, икковининг қисилип турғон кўзи чайнакдинг овзидай думалоқ бўп қуяғойди. Иш битти, бий оға. Бориб, шаҳарди икки кун қамал қиламиздағин учинчи кун тунда иккита дарвозани очип беришади. Бир кечанинг ўзида шаҳарди қўлға оп қўяғоямиз.

– Баракалла, Пулатбий, баракалла ўтоғаси. Шаҳарди оп, Султон Сайидхонди хон қип кўтарсақ, ойтқан амалингди саған бераман.

Қўшин уч кун йўл босиб, тўртинчи кун деганда Наманган шаҳрига етиб келди. Шаҳарни ўраб олиб, икки

кун қамал қилди. Ҳужумлар уюштириб, отишмалар бўлиб турди. Ниҳоят, учинчи куни тунда шаҳар дарвозаларини очиб беришди. Тайёр турган қўшин қийқирганча ланг очиқ дарвозалардан шаҳарга от қўйиб кирди...

Эртаси куни Алимқул додхоҳнинг буйруғи билан жарчилар бозор, раста, чойхона гузарларни айланиб, шаҳар халқини ўрда олдидаги майдончага чақиришди. Майдонча четида карнайлар, сурнайлар, ноғоралар товуши тўхтовсиз янграб турди. Ўрда дарвозаси олдида гиламлар ташланган, гиламлар устига қатор курсилар қўйилган, зинадан пастки майдончада одамлар йиғилиб келишган. Ҳудайчи у ёқдан-бу ёққа юриб, мулозимларга иш буюрар, тартибни назорат қилиб турарди. Олдинда шайхулислом, қози, муфти, аълам, уламолар, шаҳарнинг казо-казолари тик турганча қўл қовуштириб туришарди. Ўрда дарвозаси очилиши билан карнай, сурнайларнинг товуши тинди. Тайёр турган ҳудайчи товуши борича қичқириб қолди:

– Қўшин бошлиғи Алимқул понсод жаноблари, хонзода Султон Сайидхон жаноблари, шаҳар ҳокими Ниёзалибек қушбеги жаноблари ҳамда бек ва арконлар билан ташриф буюряптила-а-а-ар!!!

Дарвозадан Алимқул понсод ёнида Султон Сайидхон, икки-уч қадам орқароқда Ниёзалибек қушбеги, бийлар, арконлар чиқиб келишди-да, лавозимлари, каттакичик ёшларига қараб, курсиларга ўтиришди. Алимқул понсоднинг буйруғи билан тун ярмида навкарлар малика ойим, ўғли, канизаклари билан ўрда ҳарамига олиб келишди. Ўн ёшдан ўн бир ёшга қадам қўйган Султон Сайидхон онаси малика ойимнинг уқтиргани бўйича Алимқул понсод нима деса, шуни қиларди. Ҳудайчи пастда турган шайхулислом, қози, муфти, аълам яна казо-казолардан бешолтитасини териб, юқорига манзират қилди:

– Турамлар! Жаноблар! Ҳаммаларингиз зинадан чиқиб, юқорига марҳамат қилинглар. Ҳоким жанобларининг ёнларидаги курсиларга марҳамат қилинглар, – Ҳам-

ма курсиларга ўтиргач, ҳудайчи Алимқул понсодга қараб деди, – бўлди, бек ака, марҳамат қилсинлар.

Алимқул понсод ўрнидан туриб, уч-тўрт қадам юриб тўхтади, кейин баланд товушда халққа қараб гапира кетди:

– Халойиқ!!! Маған қора баринг! Баринг кўрип турғандай шаҳарди қўлға олдиқ. Қаршилиқ қилғанларди ўлдирдиқ. Таслим бўлғанларди ўлдирмадиқ. Ҳатто қуролини ҳам олмадиқ. Навкарларим бирорта уйдима ё дўкондима толоғони жўқ. Толомойдиям. Кимди уйи толонғон бўса, ҳозирди ўзида чиғип ойтсин. Толонғон молини икки баравар қип қойторомандағин, толоғон навкарди растаға опчиғип, дорға торттираман. Кимди уйи толонғон? Чиғип, маған ойтсин. Жўқма? Бу, жахши. Шаҳар ҳокими Ниёзали қушбеги ўз жайида қолади. Ўрда арконлариям жай-жайларида қолади. Мана бу, қози, муфти, муллалар ҳам бари жайида қолади. Олдин қондай жашаған бўсаларинг, бундан кейин ҳам шундай жашанғлар. Мана бу қовотимда турған жигит марҳум Маллахонди ули Султон Сайидхон бўлади. Биз ҳозир уни оқ кигизга ўтқазип, хон қип кўтарамиз. Баринг Фарғона мамлакатининг хони Султон Сайидхонди тан оп, итоат қиласанлар, – Алимқул понсод чуқур нафас олди-да, бошлаб ўзи ҳайқирди: – Давр, даври Султон Сайидхон-оҳо-ҳо-о-ой!!!

Халқ бараварига Султон Сайидхонни олқишлай кетди.

– Давр, даври Султон Сайидхон-оҳо-ҳо-о-о-о-о-ой!!!

– Давр, даври Султон Сайидхон-оҳо-ҳо-о-о-о-о-ой!!!

– Султон Сайидхон хон бўлси-и-и-ин!!!

– Юз йил хон бўлси-и-и-ин!!!

– Адолатли хон бўлси-и-и-ин!!!

Алимқул понсод қўлини кўтариши билан жимлик бўлди. У уламолар ўтирган қаторга қараб деди:

– Қона, турамжонлар, Султон Сайидхонди хон қип кўтаришимиздан олдин ўған фотиҳа беринғлар. Қона, қойси биринг ўқийсан?

Шариат пешволари ўзаро пичирлашиб олишди-да, кейин муфтий ҳазратлари ширали овозда қуръондан оятлар ўқий бошлади. Қироатни тугатиб, шайхулисломга қаради. Шайхулислом қўлларини фотиҳага кўтарди.

– Илоҳи, оми-и-и-ин!!!

Халқ фотиҳага қўл кўтариб, унга жўр бўлди.

– Илоҳи, оми-и-и-ин!!!

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Парвардигоро, ўқилган тиловатил қуръондан, ота-боболаримиз удуми бўлмиш оқ кигизга ўтқазиб, хон қилиб кўтаришдан, халқнинг шод-хурсандчилигидан, мана шу суннат, фарз амаллардан ҳосил бўлган савобларни пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи ва саллам руҳларига, ўтган пайғамбарлар, ўтган азиз авлиё, анбиёлар, чорёрлар, хусусан, ҳаммамизнинг ўтган ота-оналаримиз, авлод-аждодларимиз, умидворларимиз руҳларига ҳадоя қилиб бағишладик. Оллоҳ, ҳаммаларини раҳматига олсин. Фарғона мамлакатининг хони бўлмиш Султон Сайидхон ҳазратларини Парвардигорим ўз ҳифзи ҳимоясига олсин. Эл устидалар. Ёмон назарлардан, ёмон кўзлардан ўзи асрасин. Хонлик мартабасида буладиган мушкулотларни осон қилиб, кушойиши кор берсин. Омадларини берсин. Байтул аморада адолатли хон бўлсинлар. Мамлакатда обрў, эътибор, даражаларини Оллоҳ баланд қилсин. Умрларини узоқ, мартабаларини улуғ, ризқларини бутун қилсин. Хонимизнинг пойқадамлари қутлуқ бўлиб, Парвардигорим, мамлакатимизга ҳар доим тинчлик, сиҳатлик берсин. Хотиржамлик, хурсандчилик берсин. Файзу баракот берсин. Илоҳим, мамлакатимиз обод бўлсин. Оқ кигизга ўтқазиб, хон қилиб кўтаришга фатво берилди. Хонлик мартабаси қутлуқ бўлсин! Омин, Оллоҳу акбар!!!

Халқ юзига фотиҳа тортди.

– Оллоҳу акба-а-ар!!!

Алимқул понсоднинг ишораси билан олтита навкар ичкаридан оқ кигизни кўтариб чиқишди-да, Султон Сайидхоннинг олдига олиб келиб гилам устига қўйишди.

Алимқул понсод хурсандлик билан Султон Сайидхонга қараб деди:

– Қона, хон ҳазратлари, кигизди устиға чиғинғ.

Султон Сайидхон кигизнинг устига чиқиши билан карнай, сурнайлар овози янграб, ноғорачилар рез бериб юборишди. Алимқул понсод кигизнинг олд томонидаги бурчагидан ушлаб қичқирди:

– Кемайсамма баринғ! Туровинғ орқаға ўт, олтовинғ у томон, олтовинғ бу томон, Қоғанинғ олдинға ўт. Баринғ ушладинғма? Ҳа, баракалла... Эса, „бисмилло" деп, бараварига кўтар!

Йигирма чоғли бек, бий, арконлар Султон Сайидхон ўтирган кигизни даст кўтариб олишди-да, халқнинг олқиши остида ўрда дарвозасидан ичкарига олиб кириб, кетишди...

Султон Сайидхоннинг хон қилиб кўтарилиши муносабати билан Алимқул понсод шаҳар халқига бир ҳафта давомида ош берди.

* * *

Қўқон... Хон саройи. Жадий ойи охирлаб, далв ойи бошланиб қолган. Қиш қаттиқроқ келгани учун мулозимлар манқал, сандалларни узлуксиз пистакўмир ёқиб иситишади. Беклар, арконлар кундалик ишлари билан машғул бўлишса ҳам ҳужраларда, танобийларда паст товушда ғаплашишарди. Тушликда ёки чилим тортган пайтларда олдингидай ҳазил-мутойиба, қаҳ-қаҳ отиб кулишлар йўқ. Ҳарамда ҳам деярли шундай. Ҳар галгидай бугун ҳам Худоёрхоннинг юраги ғаш. Зарурат юзасидан беш-ўнта бекни пешингача аранг қабул қилди-да, ўзини тахт суянчиғига ташлаб, ҳудайчини чақирди.

– Хон ҳазратлари, – ҳудайчи қўл қовуштирганча хонга савол назари билан қаради.

– Дам олмоқчиман.

– Ижозатлари билан „Хос хона"ни тўғрилаймми?

– Ҳожати йўқ.

Худайчи сўзсиз кўздан ғойиб бўлди. „Ҳузури олий"да ёлғиз қолган хон кўзларини юмганича тасбеҳ доналарини битта-битта ағдара кетди. Ўзини оғир ҳис қилиб, чуқур хаёлга чўмди...

... Беш-олти ой олдин бекларнинг маслаҳати билан Худоёрхон Сулаймонхўжа аъламни бир тўп бекларга бош қилиб, музокара олиб бориш учун Алимқул понсоднинг қароргоҳига юборди. Музокара фойдасиз ўтди. Алимқул понсод қўйган шартлар Худоёрхонга маъқул келмади. Сулаймонхўжа аълам музокарадан қайтиб келганидан кейин бир ҳафталар ўтгач, ҳар томондан айғоқчилар хунук хабарлар келтира бошлашди. „Қирғиз, қипчоқлар Ўш шаҳрига қўшин тортишибди", „Жанг-жадал билан Андижон шаҳрини олишибди", „Наманган шаҳри қарийб жангсиз таслим бўлибди". Бу хабарни эшитган хоннинг ғазаби қайнаб, дарҳол кенгаш чақирди. Кенгашга келган йигирма-йигирма бешта бекларнинг орасида Нормуҳаммад, Саидбек, Қиличлар ҳам бор. Хон қатор курсиларда ўтирган бекларга бирров кўз югуртириб чиқди. Кейин тиззаси устида кўндаланг турган қиличини маҳкам чангаллаганча бекларга қарата гапира кетди:

– Жаноблар, шу кунларда олган маълумотларимизга кўра, қирғиз, қипчоқлар икки ҳафтанинг ичида учта катта-катта шаҳарни Андижон, Ўш, Наманган шаҳарларини қўлга олишган. Яна „қандай қилиб" денг? Осонгина! Шаҳар ҳокими, ўрда хизматчилари ўз вазифасида қолоптн. Ҳатто шайхулислом, қози, муфти, аъламлар ҳам. Шаҳар, қишлоқ, овуллар қирғиз, қипчоқлар томонидан бир мисқол ҳам таланмаган. Мол-жони таланмаганидан халқ хурсанд. Бу Алимқул понсоднинг халққа нисбатан ўта нозик сиёсати деса ҳам бўлади. Сиёсат бобида айрим нарсаларни Алимқул понсоддан ўргансак, зарар қилмасди. Ҳатто айрим беклар навкарлари билан понсод томонга ўтган. Наманганда марҳум акам Маллахоннинг ўғли шаҳзода Султон Сайидхонни хон қилиб кўтаришган...

Беклар ҳайратланиб, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Ўтаббой мингбоши ярим ўрнидан туриб, хонга деди:

– Хон ҳазратлари, шаҳзода Султон Сайидхон ҳали жаш бола-ғу, ҳеч балани билмойди. Алимқул понсодди ўзи хон қип кўтарғанов.

– Биламан, шаҳзодада айб йўқ. Шоҳмуродбекни қандай хон қилиб кўтаришган бўлса, буни ҳам шундай хон қилиб кўтаришган. Яра газакламасдан олдини олиш керак. Шунинг учун шу ҳафта ичида қирғиз, қипчоқлар устига қўшин тортиб борамиз. Лекин қўшинни қай йўсинда, икки қисмга бўламизми ёки йўқми? Қўшин қайси йўл билан, қаерга боришини аниқлашимиз лозим. Икки жиҳатга эътибор беринг. Биринчиси – Алимқул понсодда замбараклар деярли йўқ, Бу – яхши. Иккинчиси – қўшини бизникига қараганда қарийб икки баравар кўп. Бу – ёмон. Бир оз бўлса ҳам маълумотга эга бўлдингиз. Шунга қараб, ўз фикрларингизни ўртага ташланг. Бирга муҳокама қиламиз. Сўз сизларга, жаноблар.

Хон гапини тугатгандан кейин хонада бир зум жимлик бўлиб турди-да, кейин беклар иккитадан, учтадан бўлиб олиб, ўзаро паст овозда гурунглаша бошлашди.

– Қўшинни иккига бўламиз, вассалом. Олдин Наманган билан Андижонни бир вақтнинг ўзида қўлга оламиз. Орада бир нафасни ростлаб олиб, бирлашамиз-да, кейин Ўшни оламиз, қалай?

– Бўлмайди.

– Нега бўлмайди?

– Понсод жаноблари „бўлмайди“ деб, тўғри айтдилар. Қўшиннинг нимасини иккига бўламиз, ахир рақиб қўшинидан кам бўлса?..

– Бўлмаганимиз яхши. Бўлинганни бури ер, дейишган.

– Замбаракларни ишга солиш керак.

– Мана бу тўғри гап. Беш-ўн марта бараварига гумбурлатиб ўт очсак, қўшинларнинг ҳисоби тенглашади-қўяди.

– Осонгина ҳисоб-китоб қилиб қўяқолдингиз-да, додхоҳ.

– Ҳи-ҳи-ҳи...

Ўтаббой мингбоши ўрнидан туриб, бекларни тартибга чақирди. Кейин хон томон қараб, гапиришга изн сўради.

– Хон ҳазратлари, жаноблар, эса, гап бундай. Кенгаш бошланмасдан олдин айғоқчилар кебиди. Улар маған шул гапти ойтти. Алимқул понсоддинғ қўшини Намангандан-нам, Андижонданам, Ўшданам чиғиб кетипти.

Беклар ажабланган ҳолда бир-бирларига қараб олишди-да, кейин хонада ғала-ғовур бошланиб кетди.

– Ия, нега кетар экан?

– Ростдан чиқиб кетибдими?

– Бир балоси боров...

Хон унг қўлини кўтариши билан ғала-ғовур босилди. Ўтаббой мингбоши гапини давом қилди.

– Шаҳарда бир ҳафта туриптидағин кейин бари Марғилонди наржағидағи Жаккатут минан Қува қишлоғининғ оралиғидағи майдонға жийилипти. Жағин-ўртада Алимқул понсод бизға қораб, қўшин тортиш, тортмаслиғи номаълум бўп турипти. Жийилған жайидан жўнайма, жўнамайма, ҳеч ким билмойди. Ўзиға қорашли уч-тўртта бийларғаям ойтмапти. Сўраганға „туз билади“, деп қўяғояйкан холос. Шуған қорап, таразиға тош қўяйиқ. Мойда-чуйдани ҳесапға омағанда қўшинимиз сафарға тайяр. Шундаям буса, бир ҳафта-жарим ҳафта гўр-жерларди тувурлаб олайиқ-да, роса бир ҳафтадан кейин жўлға чиқайиқ. Жов қўшини бир жерға жийилғандан кейин бизам қўшинди бўлиб ўтирмоймиз. Жахлитғана қип қўшин тортамиз. Энди гапирадиғанинғ бир чеккадан туриб гапир. Сиздан бошлаб қўяғояйиқ, додхоҳ. Қона, марҳамат қинғ.

Беш-ўнта понсод, додхоҳ, шиғовуллар навбат билан ўринларидан туриб, ўз фикрларини билдиришди. Муҳокама, мунозаралар тугаб, бир тўхтамга келишгандан кейин хон гапни якунлади.

– Жаноблар, ҳамма гапларни гапириб бўлдик, шекилли. Анча мунозаралар бўлди. Бу яхши. Аста-секин пишиб, пухта бўлиб бораверамиз. Тўғри, рақибимиз қўшини хийла кўпроқ. Шуни ҳисобга олиб понсод, додхоҳларимиз бўладиган жанг усулларини бир оз ўзгартиришди. Замбараклардан умидимиз катта. Қилич бошчилигида замбаракчиларга Худо қувват берсин. Сизларга албатта милтиқдори, замбарак ўқларини вақтида етказиб бериш учун қўшимча навкарлар ҳамда аравалар ажратамиз. Бу ишни шахсан мингбоши жаноблари ўз назоратларига оладилар. Агар бошқа савол-жавоблар бўлмаса, сизларга рухсат, жаноблар.

Эшик олдида тайёр турган ҳудайчи бекларни дастурхонга таклиф қилди.

– Жаноблар, тўғри танобийга қараб, марҳамат қилинглар, бир пиёла чой тайёр.

Беклар бир-бир хонга таъзим қилиб, бирин-кетин танобийга қараб юришди.

... Роса бир ҳафтадан кейин Худоёрхон Алимқул понсоднинг қароргоҳи бўлган Марғилон томон қўшин тортиб борди. Йўлда тўрт кеча қўниб, бешинчи куни пешинга яқин илғор „душман кўринди“, деган хабарни олиб келди. Қува қишлоғи ёнидаги яланглиққа етиб келишар экан, олисдан рақиб қўшини кўзга ташланди. Алимқул понсод хоннинг қўшин тортиб келишидан аллақачон хабар топган шекилли, қўшинини даста-даста қилиб, ростлаб қўйган ҳолда хон навкарларини кутарди. Понсодлар, юзбошиларнинг буйруқлари билан қўшин даста-даста бўлиб, жой-жойларини эгаллай бошлашди. Худоёрхон бир тўп беклар билан ён томондаги дўнгликка чиқиб, рақиб қўшинини дурбинда кузата бошлади. Шу пайт қўшин орасидан ўндан ортиқ замбаракларни тортиб келаётган отларни „ҳа бўл“ деб, олдинга утказиб юборишди. Ҳар битта замбаракни тўрттадан от тортиб келарди. Худоёрхон рақиб дасталарини диққат билан кўздан кечирар экан, бекларга хитобан деди:

– Жаноблар, Алимқул додхоҳнинг қўшини дастала-рининг туриши менга ёқмаяпти.

– Нимаси жоқмаяпти, хон ҳазратлари? – сўради Ўтаб-бой мингбоши.

– Худди омонат тургандай. Бирорта ҳам чодир йўқ. Аравалар умуман кўринмайди. Қозон-товоқ, ошпазлар-ни айтмай қўяқолай, номига ҳам йўқ. Сизга қизиқ туюл-маяптими?

– Туври ойтяпсиз, хон ҳазратлари, омонатти ўзға-наси...

– Ия, ана бўлмаса, – деди ҳаяжон билан Нормуҳаммад қушбеги, – улар ҳужумга ўтишди... От қўйиб келишяпти.

– Булар нима қилиб жатир, ўзи?.. И-и-и... От қўйип кеп жатир...

– Жин урсин, замбараклар ҳали отлардан узилмаган.

– Ҳой, тўртта дастани қарши ташла!

– Бўл, тез!.. Кеп қолишди!

Тўрт-беш минг қирғиз, қипчоқ қийқирганча қилич-ларини ўйнатиб, от қўйиб келишарди. Дўнг тепасида тур-ган беклар безовталаниб қолишди. Ўтаббой мингбоши пастда турган понсодга қўшиндан тўртта дастани жангга ташлашни буюрди. Навкарлар қийқириқ солиб, от қўйиб кетишди.

– Қани, ур-р рақибни!..

– Ҳа, ҳа, ҳа-а-а-айт!.. Ур ифлосларни!!!

– Ҳи-и-ий... Ҳайт, ҳайт!..

Рақиблар тўқнашишди. Яраланганлар, ўлганлар, от-дан йиқилганлар, дод-войлар бошланди. Жанг энди „қи-зийман" деб турганида қирғиз, қипчоқлар Алимқул пон-соднинг буйруғи билан бараварига довон томон чеки-нишди. Отлиқ навкарлар уларнинг ортидан от қўйишди. Ўн дақиқаларча таъқиб қилиб боришган эди ҳамки, қир ортида яшириниб турган икки даста отлиқ қипчоқлар бирдан ён томондан ҳужум қилиб қолишди. Жанг охири-га етмасдан улар ҳам дарҳол чекинишди. Замбаракларни ишлатишга иложи қолмади. Пешиндан аср, шомгача у

ёнбағирда, бу ёнбағирда қипчоқлар билан жанг қилиб, таъқиб қилавериб, навкарлар обдан ҳолдан тойди. Тунда қўшин дам олар экан мингбоши томондан ажратилган навкарлар Қилич бошчилигида туни билан замбараклар-ни олдинга олиб чиқиб, ўт очишга тайёр қилиб қўйишди. Эртаси кун рақиб қўшини бир қадам ҳам жойидан жилмади. Кейинги кун ҳам аҳвол шундай бўлди. Мингбошининг буйруғи билан навкарлар от қўйишса, бир оз жанг қилган бўлишади-да, яна чекинишади. Жанг жараёнини Худоёрхон дурбин билан кузатар экан, бурнининг тагида ғулдиради.

– Бу қанақа жанг бўлди, ўзи, а? Асабни уйнашдан бошқа нарса эмас. Алимқул додхоҳ янги усул ўйлаб топтимикин, жин урсин? Замбаракларга яқин йўлашмаяпти, ҳайвонлар. Бунақада жанг бир йилга чўзилиши мумкин, ҳатто ундан ҳам кўпга. Нима қилиш керак?

Хон ўзаро шивирлашиб турган бекларга савол назари билан қаради. Ўтаббой мингбоши қўл қовуштириб, хонга қараб деди:

– Хон ҳазратлари, Алимқул понсод қўшинимизди жугуртирип, чарчатип, ҳолдан тойдирмоқчи шекилли.

– Ўзи-чи? Ўзи ҳолдан тоймас эканми?

– Қипчоқларди билас-ғу, хон ҳазратлари, барининг озиғи қуржунида. Улар от устида ухлаб, от устида ковшаниб кетаберади, чарчамойди.

– Жин урсин...

Бир ойча аҳвол шундай бўлиб турди. Жанг-жадаллардан бирор-бир натижа чиқмагач, Худоёрхон Қўқонга қайтишга фармон берди. Устига-устак қўшин озиғининг таги кўриниб, ёғин-сочин ҳам бошланиб қолганди. Қўшиннинг олди, ортига илғорлар қўйилиб, замбараклар-ни ўртага олган ҳолда аста-секинлик билан ортга қайта бошлашди. Йўл буйи ўн-ўн икки кеча қуниб, майдалаб ёғаётган ёмғир остида Қўқонга кириб келишди. Худоёрхон тахтда ўтириб ҳам ҳаловат топмади. Орадан йигирма кунлар ўтиб, ўтмай айғоқчилар „Алимқул понсод қўшин тор-

тиб келяпти", деган хабарни келтиришди. Тўрт кунлардан кейин ниҳоят душманнинг ўзи ҳам кўринди. Қипчоқлар шаҳарни қамал қилиб ўтиришмади. Катта Кенагасдан келаверишда кенг ялангликда чодир қуришди-да, гўшт еб, қимиз ичиш билан машғул бўлишди. Хон шаҳарни мудофаага тайёрлаб, кечаю кундуз душман ҳужумини кутди. Қимиздан қони қизиган қипчоқлар мингта атрофида отлиқ бўлиб олишарди-да, қийқиришганча қиличларини ўйнатиб қалъанинг Қашқар дарвозасидан Хўжанд дарвозасигача от қўйиб боришар, йўл-йўлакай шинакда турган навкарларга бақир-чақир қилишарди.

– Ҳой, тевада турғаннар, маған қора баринғ, – деди чорпахилдан келган қипчоқ отини сапчитганча оғзидан ҳовур чиқиб, – пастға тушмайсамма... Куппаклар, би-ир маза қип, савашардиқ.

– Сарттинғ бари қўрқип, иниға кириб кетибди-ғу...

– Бияқа чиқ, ит увли!.. Бирға-бир олишамиз!

Шу пайт шинакда турган юзбошининг буйруғи билан навкарлар милтиқларидан қарийб бараварига ўқ узишди. Қалъа деворларини тутун босиб кетди. Ўқ еганлар, отдан йиқилганлар, „дод-вой" деганлар кўпайиб қолди. Қипчоқлар орасида бояги манманлик йўқолиб, ҳаммаларини ваҳима, қўрқув босди. Ортга қараб, олатасир от қўйиб кетишди. Кейинги сафар қипчоқлар ҳушёрроқ бўлишди. Энди улар ўқ етмайдиган жойларда от ўйнатиб, шинакдагиларга қараб бақиришди:

– Ҳо-о-ой, маған қора... Ҳе, милтиқ отған инанғди...

– Қона-а, тағин отип кўрчи-и, маған тийгизасаммакан?..

– Ўғи бул жерғача жетмайдиёв.

– Булар тошқари чиқмайдиёв.

– Билмойсамма? Сартлар тошқари чиқса, энаси уришип беради.

– Ҳи-ҳи-ҳи...

Эртаси куни бир вақтнинг ўзида иккита дарвоза ланг очилди-да, уч-тўрт минг отлиқ навкар қипчоқлар усти-

га от қуйди. Хон томондан ҳужумни кутмаган қипчоқлар олдинига довдираб қолишди, кейин ўзларига келиб, қарши ҳужумга ўтишди. Бир оз „ҳайя-ҳайя" қилиб жанг қилишган бўлди-да, бийларнинг буйруғи билан чекиниша бошлашди. Бийлар у ёқдан-бу ёққа от солиб, қипчоқларга қараб қичқиришарди:

– Ҳой, баринг тов томонга қорап қоч, новкарларди орқангдан иргаштир. Бари шаҳардан узоқлашсин, кейин жаланг майданда ўраб оламиз...

Лекин понсод, юзбошилар ҳам анойи эмас, навкарлар бир оз қипчоқларни қувиб боришди-да, дарҳол ортга қайтишди. Қиши билан кун ора, ҳар куни дарвозалардан навкарлар от қуйиб чиқишадиган бўлишди. Жанг узоқ давом этмас, ўн-ўн беш дақиқа жангдан кейин қипчоқлар яна чекинишар, навкарлар уларни таъқиб қилмасдан бурилиб, қалъага кириб кетишарди. Шу жангларда иккала томондан ҳам ярадорлар, ўлганлар бўлди. Қавс ойининг охирларида ёққан қор эримади, далв ойининг бошларигача яхшигина совуқ бўлди...

Хон бир „уҳ" тортиб, тахтдан турди-да, қўлини орқасига қилганча бир-бир қадам босди. Хона ўртасига келганда таққа тўхтаб, бир муддат ўйланиб турди. Кейин бир қарорга келди шекилли, эшикка қараб қичқирди:

– Ҳудайчи!

– Лаббай, хон ҳазратлари, – шошиб кирган ҳудайчи қўл қовуштирди.

– Ўтаббой мингбоши, Нормуҳаммад, Саид, Азимбекларни чақир.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Худоёрхон шошмасдан тахтга бориб ўтирди. У беклар билан бўладиган суҳбат устида бош қотирарди. Ёз, куз, қиш бўйи Алимқул понсод қўшини билан бўлаётган самарасиз жанглар хоннинг асабига теккан эди. Бир хон эмас, ҳамманинг асаби толиқди. Бу ҳам етмагандай уч ойдан берига шаҳар ярим қамал ҳолатида бўлиши дард устига чипқон. Хон чуқур нафас олди. „Бўлди, бас... Бун-

дай ҳолга чек қўйиш керак. Акс ҳолда, жинни бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Шу бугуннинг ўзидаёқ...“ хонага беклар кириб, хоннинг хаёли бўлинди.

– Келдингизларми? – хон таъзим қилиб, қўл қовуштириб турган бекларни курсиларга таклиф қилди. – Бу ёққа марҳамат қилинглар.

Курсиларга ўтиришар экан, Саидбек хонга зимдан кўз ташлаб қўйди. „Хоннинг ўта кайфияти йўқ, лекин кўзлари чақнаб турибди. Бу яхши. Нимадир ўйлаган кўринади. Ишқилиб, яхшиликка бўлсин“. Беклар курсиларга ўтиришгач, хон бир зум сукут сақлаб турди-да, қовоғини уйган ҳолда гап бошлади:

– Жаноблар, шароитимиз ўзларингизга маълум. Бундай ҳолат бизларга ҳеч ҳам тўғри келмайди. Алимқул понсоднинг қўшинини тезроқ бир ёқли қилишимиз керак. Акс ҳолда бундай шароит шаҳар халқининг норозилигига сабаб бўлиши турган гап. Роса икки ойдан кейин Наврўз бошланади. Халқ байрам қилиши керак. Бу ёғи ер ҳайдаб, деҳқончилик дегандай... Вақт оз қолди. Худо кўрсатмасин, Алимқул понсоднинг айғоқчилари шаҳар оралаб, фитна қўзғатса, халқ ғалаён кўтариб юбориши ҳеч гап эмас. Шунинг учун мен бир қарорга келдим. Қарорим шундай. Амир ҳазратларига нома битиб, ёрдам сўрамоқчиман. Шунга сизлар нима дейсизлар?

Ўтаббой мингбошининг ёши улуғ бўлгани учун учови унинг ҳурматини қилиб, ерга тикилиб ўтиришди. Мингбоши жойидан бир қўзғолиб, томоғини қирганча хонга қараб деди:

– Қарорлари биз учун ўта маъқул, хон ҳазратлари. Бояна ҳазратлари ойтқандай, шарайитимиз бўмайди, бундан жомони жўқ. Алимқул понсод одамди тулкидай оллайди. Мард бўп, майдонға чиқмойди. Устиға от қўйсонғ, думини қисиб қочади. У минан жанғ қип, жанғ қиғандай бўмойсан. Бунинғ жаззаси кўпчилиқ бўп, ўртаға олиш керакдағин, кейин барини қириб ташаш керак. Мени

ўйлаганим шундай, амир ҳазратларига номани битиб, тездан жўнатиш керак. Говим тамом, хон ҳазратлари.

– Яхши, сизга маъқул келганидан хурсандман. Мингбоши жаноблари, лекин бир андишага бориб турибман, – хон пешонасини тириштирди. – Амир ҳазратлари кечагина қўшинлари билан бирга Бухорога жўнаб кетдилар. Ҳали нафасларини ростламасдан туриб, нома битиб юборсам, қандай бўлар экан? Мана шунга андиша қилиб турибман.

– Буған андиша қиманғ, хон ҳазратлари, – деди Ўтаббой мингбоши ажабланғандай қисиқ кўзларини пирпиратиб. – Бундайча ишда андишаға жой жўқ. Хурсандчилиқ билан номани туври қип битовуринғ.

Хон ҳазин жилмайганча Саидбекка қаради.

– Саид.

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Ўшанда амир ҳазратларини Қўқонга марҳамат қилдирмай чакки қилган эканмиз. Энди бу ёғи хижолатчиликдай. Бухорога кузатганингда қандай кайфиятда эдилар?

– Кайфиятлари яхши эди. Айниқса, ҳазратларининг тахтга ўтирганларини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлгандилар. Ҳазратлари андиша ҳам қилмасинлар, хижолат ҳам чекмасинлар, номани ҳаддин имкон тезроқ битиш керак.

– Сен нима дейсан? – суради хон Нормуҳаммад қушбегига қараб.

– Мингбоши жаноблари билан Саидбек тўрамнинг гаплари гап, хон ҳазратлари. – Номани битиш керак. Лекин номани Саидбек тўрамнинг ўзлари битсалар, яхши бўларди. Бундай нозик номаларни тўрам ўхшатиб битадилар.

– Маъқул, – хон елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортиб, юзи ёришди. – Саид, сен девонхонага бориб, номани тезлат, ўзинг битгин. Азимбек!

– Лаббай хон ҳазратлари.

– Сен иккита чопарни йўлга тайёрла. Тун ярмида йўлга чиқар.

– Бош устига, хон ҳазратлари.

Хон тасбеҳни қўлига олиб, қайтарар экан деди:

– Бир ҳафта тайёргарлик, икки ҳафта йўлга кетсин, дейлик, у ёқ-бу ёғи билан бир ой-бир ярим ойларда амир ҳазратлари қўшинлари билан Қўқонда бўлар эканлар. Албатта, бу тахминий ҳисоб. Мингбоши жаноблари.

– Лаббай, хон ҳазратлари.

– Бир ой ичида қўшинни сафарга тайёрланг, замбаракларни ҳам. Амир ҳазратлари келишлари билан икки қўшинни бирлаштириб, Алимқул понсоднинг қўшинига зарба берамиз. Икки қўшиннинг адади эллик-олтмиш минг атрофида бўлади. Худо хоҳласа, рақиб устидан бемалол ғалаба қозонамиз.

– Илойим, шундай бўсин, – Ўтаббой мингбоши ихлос билан юзига фотиҳа тортди.

– Бошқа гап бўлмаса, сизларга рухсат, жаноблар.

Беклар хонга таъзим қилиб, эшик томон юришди.

* * *

Қўқон билан Катта Кенагаснинг қарийб ўртасида жойлашган Алимқул понсоднинг қароргоҳи... Кенг яланглиқда бетартиб тортилган минглаб ўтов, чодирларда қирғиз, қипчоқлар овул-овул, уруғ-уруғи билан ётиб туради. Алимқул понсод қўшинда қаттиқ тартиб ўрнатган. Қўшиндан бир чақирим масофада айланасига соқчилар қўйилган. Бийларнинг буйруғи билан ҳар куни ҳарбий машқлар ўтказилади. Қўшиннинг ўрталарида беш-олтита алоҳида ўтов тортилган бўлиб, бирида яқинда хон қилиб кўтарилган Султон Сайидхон, бирида Алимқул понсод, катта ўтовда хон бошчилигида беклар, бийлар кенгаш, суҳбат, зиёфат учун йиғилишади, қолган ўтовларда Шодмонхўжа мингбоши, Чўтан додхоҳ, Пўлатбий додхоҳ ва яна бир қанча эътиборли бийлар истиқомат қили-

шади. Бугун ҳам катта ўтовда хон бошчилигида бийлар гурунглашиб ўтиришарди. Вақт аср билан шомнинг ўртаси. Бақадриҳол жиҳозланган ўтов ўрида Султон Сайидхон, ўнг томонида Алимқул понсод, чап томонида Шодмонхўжа мингбоши, Чўтан додхоҳ, Пулатбий додхоҳ ва ёшига, ҳурматига қараб, қолган бийлар ўтиришибди. Чордона қуриб ўтирган Алимқул понсод кейинги бўладиган ишлар ҳақида гапирарди.

– ...Баринғ тайярланиб журинғлар. Нари борса, икки ҳапталардан кейин Худо хоҳласа Қўқонди, қўлға оламиз.

Бийлар ишонқирамай бир-бирларига қараб олишди. Беш ойдан бу ёғига қўлга ололмаган шаҳарни икки ҳафтада қўлга олармиш. Бийлардан бири бўйинини чўзиб сўради:

– Ониқ гапиряпсамма, бий оға?

– Ониқ гапиряппан, ишаммай турипсамма? – Алимқул понсод қўйнидан рўмол олиб, пешона терини артди, – Чўтан, бугун ҳут ойининг неччиси?

– Саккизи, бий оға.

– Тағин ўн беш кунлардан кейин, Худо хоҳласа, Наврўз киради. Мўлжал қип турипсамма, шу Наврўз куни шаҳарди қўлға оламиз. „Қойтип оламиз?“ дийсамма? Шаҳарға ўн-ўн бешта одам жувардим. „Гузарлардағи бари катталарди қўлиға тилла бериб, қўлға оғиндағин, байрамғача одамларди пишитип борсин“, деп ойттим. Тўрт-беш ойди ичида халқ қийнолип кетған. Шаҳардан ташқари чиқолмаса, бир иш қилолмаса, халқ учун шаҳарди ичи зиндондай бўп қоған. Хонди қўлидан ҳеч бир иш кемояпти. Шундай қилиш керакки, халқ байрам куни ғалаён кўтарсин. Халқ кўтарилиши минан ўзимизға қорашли одамлар шаҳарди тўрт дарвозасини очип беришади. Бул жерда баримиз тайяр бўп турамиздағин дарвозалар очилиши минан шаҳар ичиға от қўйип борамиз. Шаҳарға кирғандан саройди ўрап олиш керак. Биров кирмасинам, чиқмасинам. Сарбозхоналардиям барини ўрап оламиз. Қаршилиқ қиғанди ўлдирамиз. Таслим

бўган навкарларга тиймоймиз. Шаҳарди қўлга оғандан кейин бир чеккадан тартиб ўрнатамиз. Сарой арконларини бари жайида қолади, сабаби қоғаз, ҳужжат, арза ишларини улардан жахши биладиган одам жўқ. Маллахон даврида хизмат қиган беклардиям бари жайида...

Шу пайт ташқарида турган соқчилардан бири ўтовга кириб, Алимқул додхоҳнинг гапи бўлинди. Бийларнинг ҳаммаси соқчига қаради.

– Нима гап? – норозисимон сўради Алимқул понсод.

– Бий оға, четдаги соқчилар қўшинга кираятган иккита одамди ушлаб, опкелишди. Нима қилайиқ?

– Опкир, икковиниям опкир.

Соқчи бош иргаганча ташқарига чиқди. Бир оздан кейин ўтовга бирин-кетин иккита ўрта ёшли савдогарлар кириб, таъзим адо қилишди. Алимқул понсод савдогарларга кўз ташлаб, ўзига қарашли айғоқчиларини дарҳол таниди. Айғоқчиларнинг юзига қараб, нохуш хабар келтиришгани сезса ҳам сир бой бермай вазминлик билан сўради.

– Тинчлиқма? – айғоқчларнинг сукутда туришганини кўриб, гапини давом қилди. – Гапираверинг, бийлардан жашрадиган сирим жўқ.

– Понсод жаноблари, – гап бошлади айғоқчиларнинг ёши каттароғи. – Бухоро амири қўшин тортиб келяпти.

– Нима-а?! Нима дединг?!

– Бухоро амири Музаффархон Қўқонга қўшин тортиб келяпти.

Бийлар ўтирган жойларида шамдай қотиб қолишди. Кейин бир-бирлари билан шивирлаша кетишди.

– Ана саған байрам!..

– Энди нима бўлади?!

– Нима бўларди? Жанғ бўлатта, жанғ бўғандаям катта жанғ бўлади.

– Амир билан ҳазиллашип бўмайди.

– Э, Худо-ей... У билан ҳазиллашип бўлама... Баримизди қўйдай суйип ташамаса ўргайиди...

– Нега суяракан? Нима, бизди қулимиз жуқма?

– Жим бўл баринг! Жим деяппан, санларга! – бийлар жим бўлишгач Алимқул понсод айғоқчидан сўради. – Амирди қушини қаерда?

– Икки кун олдин Конибодомдан чиқувди. Қушин юришда икки кунлардан кейин амирнинг қушини Кўқонда бўлади.

– Икки кундан кейин дегин? – пешонасини тиришгирганча бир зум ўйланиб туриб деди: – Нечта замбараги бор?

– Замбаракка кўзимиз тушмади, замбарак йўғидиёв.

– „Замбарак жўқ", деғин. Бу жахши, жудаям жахши... Хабарди воқтида опкеп, хизматти жахши қилдинғлар, баракалла, хизматларинг учун сизларга аталган туҳфалар бор. Чўтан!

– Лаббай, бий оға.

– Икковини оппорип, ҳар бирининг қулига беш тилладан бер, желкасига адрас тўндан жов. Миймон қил, дамини осин. Кейин тун жармида жўлга соп жувар. Энди сизларга жувап, азаматлар. Бораверинғлар.

Чўтан додхоҳ иккала айғоқчини эргаштириб, ташқарига чиқди. Бийлар сўзсиз Алимқул додхоҳга кўз тикишди. У пинагини ҳам бузмай бийларга тиржайиб қаради. Бийлар ажабланиб, бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди-да, яна Алимқул додхоҳга кўз тикишди. Додхоҳ бийларга бирров кўз югуртириб чиқиб деди:

– Амир қушин тортип кеғани жахши бўлди.

– Ия, бий оға, денинг совма? Бунинг нимаси бизға жахши?

– Амир бугун кемаса, эртанғ кун бари бир қушин тортиб келиши турган гап, шундайма? Шундай. Агар шаҳарди оганимиздан кейин кеғанда шаҳарди ташаб чиғишимизға туври кеп, баримизға қийин бўларди.

– Хуп, бу говинг туври дийиқ, бий оға. Сен бундан кейинғи бўладиган ишдан гапир, энди биз нима қилайиқ? Бизға мана шуни ойт.

– Маъқул. Эса, буйтамиз. Баринг қулоғинга қуйип ол, – Алимқул понсод чордонадан чўкка тушиб, ўтириб олди-да, гапини давом қилди, – шундай зўр бир иш қилайиқки, амир Қўқонга қўшин тортип кеганига минг пушаймон бўсин. Шодмонхўжа минғбоши!

– Лаббай.

– Сиз хон ҳазратлари минан бирға қўшинди учдан иккисини бийлари минан қўшиб олинғдағин туври Қорағулчаға ияртип боринғлар. Қорағулча даҳанасиға кирип, жай тайярланғлар.

– Маъқул, понсод жаноблари.

– Жай тайяр буғандан кейин бизға беш-ўнта замбарак керак бўлади, буларди Ўш билан Андижондан оламиз. Пулатбий!

– Лаббай, бий оға.

– Дастанғдан жузта жигитти олдағин саҳар минан туври Ўшға бориб, иккита замбаракди ол. Кейин Андижонға ўтип, беш-олтита замбаракди олдағин, барини битта қип, туври Қорағулчаға бор. Икковинғиз замбараклари олисдан кўринадиғаи қип, беш-олти жойға маккамлаб қўйинғлар. Кейин қўшин дам осин. Мен қўшинди қоғанини ростлаб, амирди қўшини минан қандай гаплашишни ўзим биламан. Сизлар бизди Қорағулчада кутинғлар.

Бийлар Алимқул понсоднинг ҳарбий усулига тушунмасдан бир-бирларига қараб олишди. Дангал гапни хуш кўрадиган Пулатбий додхоҳ Алимқул понсодга ғижиниб қаради.

– Маған қора, бий оға, сен бизға парда қимасдан гапир. Нима қимоқчисан ўзи? Гапларинға битта тушунған бўсақ, ўлдир. Қўшинди учдан иккисини минғбоши жаноблари опкетса, сен бир қисм қўшин билан амирди қўшиниға қорши жанғ қимақчимисан? Маған шуни ойт.

– Додхоҳ жаноблари тўғри айтяптилар, – деди Шодмонхўжа мингбоши гапга аралашиб. – Бизнинг ҳозирги шароитимизда ниҳоятда эҳтиёт бўлмоғимиз даркор. Жанг-жадалнинг икки томони бор: ё зафар, ё мағлубият. Зафар

бўлса, яхши... Худо кўрсатмасин, мағлубият бўлса, шу бугунги қўшинни қайта икки дунёда ҳам йиғолмаймиз, понсод жаноблари, амир қўшини билан Худоёрхоннинг қўшини бирлашса, камида қирқ-эллик минг қўшин бўлади. Шунинг учун ўн-ўн беш минг қўшин билан бу қўшинига қарши зинҳор муҳораба қилмасинлар. Охири бахайр бўлмайди, деб қўрқаман.

Бийларга Шодмонхўжа мингбошининг гаплари маъқул келиб, бош ирғашди. Алимқул понсод безовталанган бийларга бирров қараб чиқиб, гапира кетди:

– Мен сенларга амир билан жанг қиламан, деганим жўқ, у билан гаплашаман, дедим. Амир билан Худоёрхонди қўшиниға бас кеп бўмаслиғини ўзимам биламан. Шунинг учун амирга ҳарбий ҳийла ишлатмақчиман. „Қондайча қип?“ дийсамма, жўли осон. Икки кундан кейин амирди шул жерди ўзида кутиб оламиз. Лекин жанг қимоймиз. Бир ўқ жетар-жетмас жайда амирди қўшиниға қараб тураберамиз. Қўшин бизларга ҳужум қиса, бириккита дастаси минан жанг қиған бўламиз. Бошлаб Марғилонға қараб қочамиз, кейин Шаҳрихонға жўл оламиз. Лекин ҳар дайим амирди қўшинидан узоқлашмай журамиз, Шаҳрихондан чиғип, Чуст, Наманганға борамиз. Амирди қўшинини олдиға тушиб оламиздағин илон изи қип қочип жураврамиз. Бу пайтти ичида ҳафта-ўн кун ўтип кетама? Ўтип кетади. Гапти зўри шундаки, биздинғ қўшинимиз шаҳар, қишлоқ, овулларди толамайди. Амирдинғ қўшини толайди. Амир „толама“, деп пармон берсаям толайди. Чунки ўн кунди ичида бари иттай оч қоп, ўладиған бўлади. Ўлмаслиғи учун қўшин холқди толайди-да, туврима? Туври. Халқ молини толотқондан кейин амир билан Худоёрхонди жомон кўрадими? Жомон кўради. Бизға мана шуниси керак. Кейин биз амирдинғ қўшинини ортимиздан ияртип оламиздағин Андижон, Ўш, Ўзганди ойлониб, туври Қорағулчаға борамиз. Қорағулчаға борғунча амирди қўшини ҳам оч қолади,

ҳам чарчаб, ҳолдан тояди. Ана ундан кейин амир минан очиқчасиға гаплашсақ бўлади.

Алимқул понсоднинг сўзларини эшитиб, бийлар анграйиб қолишди. Айғоқчилар келгандан бу ёғига тушкунликка тушиб ўтирган бийлар Алимқул понсоднинг гапларидан кейин анча ўзларига келиб қолишди. Ҳатто кайфиятлари кўтарилиб, бир-бирлари билан ҳазиллашиб ҳам олишди. Ҳамма хурсанд.

– Бий оғанинғ гаплари зўр-ғў.

– Ишлар бий оға ойтқанчалиқ бўса, унчалиқ кўп одам ўлмайдиёв.

– Зўр иш бўларди-да.

– Қорағулжада амир минан гаплашғанимиздан кейин нима бўлади?

– Нима бўларди? Жанғ бўса керак-да.

– Ия, ундайчада одам ўлади-ғў?

– Ҳа, уруш бўғандан кейин одам ўлатта...

– Жим бўл баринғ... Жим, деяппан, – утовда жимлик бўлгач Алимқул понсод гапини давом қилди. – Жанғ бўмойди, одам ҳам ўлмойди. Амир ҳолдан тойған қўшинини дам оп жотған қўшинға қарши жанғға ташлашға журағи дов бермойди. Ана ўша пойтта холасаям, холамасаям, биз минан гаплашишға мажбур бўлади. Агар жанғ қиған тақдирдаям қўрқмоймиз. Бизди қўшинларимизди қорни тўқ, димоғи чоқ, бир ой нари-бери дам оп жотир. Ҳолдан тойған амирдинғ қўшинини биринчи ҳужумдаёқ қаттиқ зарба бериб, жер билан жаксан қип ташаймиз. Туврима?

– Туври, туври...

– Отанға балли, бий оға.

– Амир жанғда жутқизса, Қўқонға кемайдиған бўлади.

– Худоёрхонам бирға қурисин.

– Туври, уям Бухороға кетсин.

– Шашма, жим бўл баринғ, – Алимқул понсод чўккадан яна чордона қуриб ўтирди, – энди қиладиған ишла-

римизди майда-чуйдасини гаплашайиқ. Минғбоши жаноблари, хон ҳазратлари минан бирға қўшинди оп жўлға чиққонда ҳар бир даста ўз чодир, ўтовларини ўзи минан опкетсин. Минғбой додхоҳ.

– Лаббай, бий оға.

– Сен битта дастани оп, охирроқда қоласандағин бизға қорашли ўтовларди, араваларди опкетасан. Ҳали амирдинғ қўшини кеса, шаҳардан-шаҳарға от қўйиб журишға туври келади. Шунинғ учун бизларға ўтов, араваларди кераги жўқ, бу ортиқча жук. Бизларға қотирма нон минан қуритилған гўшт бўса, бўлди... Ўтовлардиям, араваларди-ям, қоған гўр-жерлардиям битта қомай барини опкетасан...

Кайфияти кўтарилган бийлар эртанги бўладиган ишларни майда-чуйдасигача узоқ вақт муҳокама, мунозаралар қилишди. Тун қарийб яримлаб қолганда бийлар дам олиш учун ўтов-ўтовларига тарқалди.

* * *

Амир Музаффархон билан Худоёрхон қўшинларни бирлаштириб, Алимқул додхоҳнинг қўшинини таъқиб қилиб борарди. Аввалига Марғилон, Шаҳрихонгача қипчоқларни дадил қувиб боришди. Шаҳрихонга етар-етмас олдинроққа кетиб қолган илғор юзлик қипчоқларнинг пистирмасига дуч келиб, юзликнинг ярми талафотга учради. Кейинги илғор юзликлар қўшиндан икки юз-уч юз қадамдан ортиқ узоқлашмайдиган бўлди. Шаҳрихондан чиққан қўшин Наманган, Андижонгача бир оз сусайди. Ўш, Ўзган тоғли ерларида тамоман ҳолдан тойди. Дам олишга фармон бўлмаса ҳам айрим дасталар чарчоқдан отдан ўзларини ташлаб, узала ётиб уйқуга кетишарди. Овқат захираларининг ҳам таги кўриниб қолганди. Бир ҳамлада қирғиз, қипчоқлар устидан зафар қозонишни хаёл қилган навкарлар энди қорин ғамида эди. Ўшга етмасдан туриб, қишлоқ, овуллар талана бошлади. Навкарларни юзбоши, понсодлар ҳам эплолмай

қолишди. Қўшин тушкунлик ҳолатида. Ўзгандан ўтиб боришар экан, тошлоқли қирлар, тепаликлар орасидан замбаракларни тортиб келаётган отлар ўтишга йўл қидириб, орқада қолиб кетишди. Қўшин бошида амир Музаффархон билан Худоёрхон ёнма-ён келар, тўрт қадам орқада йигирма беш-ўттизта атрофида бухоролик, қўқонлик беклар аралаш-қуралаш ҳолда паст товушда гурунглашиб келишарди. Амир Музаффархоннинг кайфияти бўлмаса ҳам билдирмасликка ҳаракат қилар, Худоёрхон дангал қовоғини уйиб олган, юраги ғашлигини яширишга ҳаракат ҳам қилмади. Атрофни дурбин билан қараб чиқиб, амирга деди:

– Амир ҳазратлари, бу лаънати понсод бирор-бир найрангни ўйлаяпти назаримда. Қўшин ҳам анча толиқди. Ортга қайтсакмикин? Нима дейсиз?

– Асло, хон ҳазратлари, понсоднинг ортидан қолмаймиз. Бу ерларда нима найранг қиларди? Кўрайлик-чи, қаёққача борар экан. Тўғри, қўшинимиз бир оз толиққан, лекин понсоднинг ҳам қўшини чарчаган. Ахир бирор жойда бориб, барибир тўхтайди-ку. Тўхтаган жойида жангни бошлаб юбораверамиз.

Саҳарлаб Ўзгандан чиққан қўшин пешинга яқин Қорағулжага етиб келди. Узоқдан даҳана олдида тўхтаб турган қўшинни кўриб, амир қўшини ҳам тўхтади. Даҳананинг икки томонида ўттиз мингта яқин қирғиз, қипчоқлар саф тортган. Олд томонда ўт очишга мос қилиб ўрнатилган тўққизта замбарак ваҳимали кўринарди. Алимқул понсод билан келган қўшин даҳана ўрига кириб борарди. Понсодлар юзбошиларга қўшинни дарҳол даста-дастага бўлиб, сафга тортишни буюришди. Қўшин чумолининг уясидай ҳаракатга келди. Жангга тайёр турган Алимқул понсоднинг қўшинини кўриб, орқароқда турган беклар орасида пичирлашиш бошланди.

– Бизнинг замбаракларимиз қани?

– Орқада келяпти.

– Жин урсин.

– Даҳанадаги понсоднинг захирасими?

– Захирага ўхшамайди, асосий қўшин бўлса керак.

– Понсод бизни роса лақиллатиб, у шаҳардан бу шаҳарга қочиб юрган экан-да.

– Шунақага ўхшайди.

– Вой, хонасаллот, ёш болани алдагандай, алдаяпти-я.

– Секинроқ, амир ҳазратлари эшитиб қолмасинлар.

– Э, Худойим-ей, энди нима бўлади?

Бу орада амир Музаффархон ва Худоёрхон беш-олтита беклар билан қизғин кенгаш қилишарди. Худоёрхон сукут сақлаб турар, амир Музаффархоннинг қовоғи уюлганига қараганда бекларнинг маслаҳати унга ёқинқирамай турарди. Амир мушовирларидан бири амирни астойдил ишонтиришга ҳаракат қиларди.

– Амир ҳазратлари, ҳозирги шароит биз учун ноқулайроқ. Қўшин ниҳоятда чарчаган. Ўзига келиши учун камида бир кеча-кундуз дам олиши керак. Рақиб қўшини бу ерда қарийб икки ҳафтадан бери дам олиб ётибди. Шу сабабдан Алимқул понсодга нома битиб, сулҳга таклиф қилиш керак.

Беклар бу таклифни тасдиқлаб, бош ирғашди. Амир Музаффархон ғазабдан қип-қизариб кетди.

– Нималар деяпсизлар, жаноблар? Бухоро амири аллақандай бир понсодга сулҳ тузиш учун нома битадими? Бу бизнинг шаънимизга муносиб эмас.

– Додхоҳ жаноблари тўғри айтадилар, амир ҳазратлари. Ҳозирги шароитда рақиб бизлардан ҳар томонлама устунроқдир. Замбаракларимиз ҳали келгани йўқ, келган тақдирда ҳам ўрнатишга улгурмаймиз. Худо кўрсатмасин, агар Алимқул понсод жангни бошлаб юборса, аҳволимиз танг бўлиб қолмаса, деб кўрқаман. Додхоҳ жаноблари айтганларидек, сулҳ тузишимиз лозим.

– Шундай, Амир ҳазратлари, нома битмоғимиз зарур...

– Сулҳ тузмасак, бўлмайди, амир ҳазратлари...

Уч-тўртта бекларнинг саъй-ҳаракатлари билан ни-

ҳоят, амир Музаффархон Алимқул понсодни сулҳга чақириб, нома битишга кўндиришди. Беклар дарҳол мирзани чақиртириб, тезликда номани битиртиришди-да, амирнинг олдига олиб боришди. Амир Музаффархон номани ўқимаёқ бармоғидан муҳр ўйдирилган узукни олиб, номага босди. Уч-тўртта ёши улуғ беклар Ўтаббой мингбоши бошчилигида номани олиб, элчи сифатида даҳанага жўнашди...

Даҳана олдида турган соқчилар элчиларни расмий қарши олиб, Алимқул понсод тайёрлатиб қўйган алоҳида ўтовга киритишди. Алимқул понсод иккита бий билан элчиларни яхши кайфиятда кутиб олди.

– Келинғлар, мийманнар, келинғлар. Қона, тўрға тортинғлар, ота-боволаримиз „элчига ўлим жўқ“ деған. Бемалол ўтиринғлар... Илоҳи, овми-ин...

Фотиҳа тортилиб, расмиятчилик юзасидан ҳол-аҳвол сўрашилди.

– Ўтаббой бий оға, жахши журипсизма? – Ўтаббой мингбошининг ёшини ҳурмат қилиб, Алимқул понсод „сиз“лаб гапирди. – Мол-жон омомма-а?..

– Шукур, кўриб турипсан-ғў, ўзинғ тинчма? Денинғ совма?..

– Шукур, кўрип турипсиз-ғў...

– Эса, гапти чўзиб ўтирмайиқ, Алимқулбий, ўзинғ кўрип турғондай иккала қўшинам бирдай жураберибжураберіб, чарчаб, ҳолдан тойди...

– Бизди қўшин чарчаған жўқ, бий оға.

– Оббо-о, „ҳўп“ деп турғин энди сенам... Бари чарчамаған бўсаям, жарми чарчаған.

– Ҳўп, ҳўп, бий оға, ҳўп.

– Шуларди ҳесапға оп, амир ҳазратлари саған сулҳди таклиф қип жатирлар. Мана саған нома. Ўқип чиқдағин сулҳға кўнип жавабини жаз. Ойтқандай, амирди мийманлиғини ҳесапға оп, ҳурматини жайиға қўйип жаз.

– Нималар деяпсиз, бий оға? – Алимқул понсоднинг ғижини келди. – Қўшин тортип кеған амир миймон бўлама?

– Ҳа, энди, сенам гапти ойлантирма... Тазаям тупори қип жазма дияππан.

– Қондай жазишди ўзим биламан, маған ургатманғ, бий оға. Эса, сизлар ўтирип туринғлар, – деди Алимқул понсод ўрнидан турар экан, – мен нарғи ўтовға чиғип, номани ўқийдағин кейин жавапини битиб, опкеп бераман. Маъқулма?

– Маъқул.

Нариги ўтовда Алимқул понсодни Шодмонхўжа мингбоши, Чўтан додхоҳ, Пулатбий додхоҳ, Мингбой додхоҳлар кутарди. Алимқул понсод ўтовга кириши билан тўртови унга қарашди. Понсод ҳали ўтирмасданоқ Чўтан додхоҳ чидамай сўради.

– Бий оға, нима бўлди? Ановилар нимаға кепти?

– Ойтқанимдай бўпти, амир „сулҳ тузамиз", деб нома битиб жуварипти.

– Хойрият, номани ўқидинғма?

– Жўқ, ҳазир ўқиймиз.

Алимқул понсод тўрга чиқиб ўтирди-да, ўралган номани ёйиб ўқий бошлади.

Бизким, Бухоро мамлакатининг ҳукмдори амирал муъминин Саййид Музаффархон ибн Насруллохон Баҳодир сўзимиз.

Ушбу номамиз Алимқул понсод Ҳасанбий ўғли жаноблариға етиб, маълум ва равшан бўлғойким, ҳар икки мамлакат, яъни Бухоро мамлакати ҳамда Фарғона мамлакатининг қўшунлари бирлашиб, водий музофотидаги барча шаҳарларни итоатға келтурдик. Сизлар билан жанг-жадал қилиш ниятимиз йўқ. Икки ўртада шаҳидлар бўлмаслиги учун ниятимиз сизлар бирла сулҳ тузиш. Ушбуға биноан сизларға фармонимиз шундай. Бизға итоат қилған ҳолда ҳузуримизға келиб, таъзимда турғойсизлар. Сизларға илтифот қилмоқчимизким, сизлар кимни хоҳласаларингиз, ўша одамни хон қилиб, тахтға ўтқизурмиз. Сарой арконлиғиға кимни сайлаш

сизларнинг ихтиёрларингизда қолур. Кейин бизлар азми Бухоро қилиб, қайтиб кетурмиз.

Боқий калом маъал эҳтироми вассалом.

Алимқул понсод номани ўқиб бўлиб, бийларга кўз ташлади. Номани эшитган бийлар бир зум бир-бирларига қараганча бақрайиб туришди-да, кейин бараварига норозичилик оҳангида гапира кетишди.

– „Итоат қиласан", дийдима-а?

– „Итоат қиласан, кейин таъзимам қиласан", депти.

– Вой, амир буғаи инанғди...

– Бий оға, ҳозирди ўзида жанғди бошлаб жуварамиз. Қона, жанғдан кейин ким-кимға итоат қиларакан, туврима?

– Шашмайтур, бий оғани ўзи бир нарса десин.

– Туври, бий оға нима деса, шуни қиламиз.

– Жим бўл баринг, жим дияппан саған! – Алимқул понсод ўзини орқа болишга суяниб, Чутан додхоҳга қаради. – Қалам, довотти баға ол, қоғозданам бер.

– Қоғоз китопти ичида, бий оға.

Алимқул понсод ҳафсала билан қиртиллатиб жавобнома ёза бошлади...

Йигирма дақиқаларда номани битиб бўлган Алимқул понсод элчилар ўтирган ўтовга кириб келди.

– Мана, бий оға, нома тайяр, – деди у ўралган номани Ўтаббой мингбошига берар экан. – Амирға оппорип беринг.

– Одамға ухшаб биттингма, Алимқул? Тағин уялип қомайиқ.

– Одам уялама, уялмойма, энди, билғанимча биттимда, бий оға. Амир номани қойтип битған буса, менам шуйтип биттим. Лекин бир нарсани ойтип қуяй, номани амирди ўзи ўқиса, энасини оник кўради-ғу.

Беклар „ялт" этиб, Алимқул понсодга қаращди-да, ўринларидан тура бошлащди. Ўтаббой мингбоши белини уқалаб қаддини ростлар экан, Алимқул понсодга деди:

– Қайсарлиғинғ қомапти-да, ойна. Майли, буғанича бўлди, номани оппорип берсақ, амир калламизди омайди-ғў...

Бу орада енгил-елпи тортилган чодир ичида амир Музаффархон билан Худоёрхон дўстона суҳбат қуриб, элчиларни кутишарди. Амир Музаффархон кайфияти тушган Худоёрхоннинг кунглини кўтаришга ҳаракат қиларди.

– Азият чекмасинлар, дўстим, бундай сафарларда чекинишга ҳам тўғри келади. Буни ўзлари ҳам яхши биладилар. Худо хоҳласа, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Понсодга битилган нома ҳарбий ҳийла холос. Бу ердан омон-эсон пойтахтга етиб олсак, қўшинларни қайтадан ростлаб, қипчоқлар устига дабдурустдан ҳужум қилиб, зафар қозонамиз. Худо хоҳласа, Фарғона мамлакатини мустаҳкамлаб оласиз.

– Илоҳим, айтганингиз келсин, лекин қўшинларимиз понсоднинг ортидан қуваман, деб обдон чарчашди.

– Ҳаммаси ҳам майлию қишлоқ, овулларни талашгани ёмон бўлди.

– Сафарда бундай ҳоллар бўлиб туради, амир ҳазратлари.

– Шундай, – деди амир бир „уҳ" тортиб, – ҳали ўзлари тахтга яхшилаб ўрнашиб олганларидан кейин икковимиз бир иш қиламиз. Худо хоҳласа, келаси йил ёзда ҳозиргидай қилиб қўшинларимизни бирлаштирамиз-да Оқмасжид қалъасига қўшин тортиб борамиз. Хива хонига бир мартага айтиб кўрамиз. Бизга қўшилса, яхши. Қўшилмаса, ўзимиз...

Шу пайт чодирга мулозим кириб, таъзим адо қилди. Гапи бўлинган амир Музаффархон унга савол назари билан қаради.

– Элчилар қайтиб келишди, амир ҳазратлари.

– Айт, биттаси кирсин.

Мулозим чиқиб, чодирга Ўтаббой мингбоши кирди-да, тўрга қараб, таъзим қилди. Ўралган номани икки қўллаб, амирга тутқазди, кейин орқаси билан юриб чодирдан чиқди. Амир номани ёйиб ўқий бошлади.

Бухоро мамлакатининг ҳукмдори амирал муъминин Саййид Музаффархон ибн Насруллохон Баҳодир ўғлига

Ушбу нома ҳазратларига жетиб, маълум ва равшан бўлгайким, ҳазратлари жуварган номани ўқип, барига тушундик. Ҳазратлари бизларга лутф кўрсатип, биз хоҳлаган шаҳзодани хон қимоқчи бўпсиз, биз Султон Сайидхон ибн Маллахонди хон қип кўтардик, шу хон бизга булади. Биз – сахройиларди сулҳга даъват қиптилар, лекин маган сулҳ керакмас, мен сиз билан жанг қимақчиман. Ҳазратларини биринчи бўп сулҳга даъват қиганларини ҳесапга оп, сизларга имконият бермақчиман. Бир кеча-кундуз сизларга муҳлат бераман. Худоёрхон билан қушинди оп, Бухорога жунаб кетинг. Акс ҳолда, жангди бошлаб жуварамиз. Туври, жангди икки томони бор. Ё зафар, ё маглубият. Агар биз жангда маглубиятга учрасак ор қимоймиз, чунки биз сахройи, кучманчилармиз. Кейин хонимизам ҳали гудак, шунинг учун биров бизларди уят қимойди. Агар ҳазратлари маглубиятга учраб, тормор этилсалар, Бухоро мамлакатининг шаъну шарафи қомай, дусту душман олдида шарманда булади. Бу шармандаликнинг оқибати Қиёматгача Бухоро амирларининг желкаларига жукланади. Ҳазратларини бир нарсадан воқиф қип қуяй, агар биз зафар қозонсак, Бухородан кеган навкарлар уттиз минғма, қирқ минғма, битта қомай барини ўлдирамиз, бирортасиям тирик қомайди. Конибодомгача бусаям қувип, жетип оп, ўлдирамиз.

Мени говим тамом. Алимқул понсод Ҳасанбий ўғли. Муҳр босдим.

Амир Музаффархон нома ўқишни бошлаганданоқ этлари жимирлашди, ўқиб булгандан кейин бирдан ғазаби қайнаб, қоғозни гиламга отиб юборди.

– Жанг қиламиз!!! – амир аламдан ўкириб юборди. – Қушинни ўзим жангга бошлаб бораман! Ҳудайчи-и-и!!!

– Лаббай, амир ҳазратлари, – ташқарида тайёр турган ҳудайчи чодирга кира солиб, қўл қовуштирди.

– Бекларни кенгашга чақир, бояги мингбошини ҳам айт, беклари билан бирга кирсин. Тез бўл!

Ҳудайчи сўзсиз кўздан ғойиб бўлди. Ўн дақиқага қолмай чодирда беклар йиғилиб ўтиришарди. Амир мушовирлардан бирига буюриб, номани ўқиттирди. Мушовир номани ўқир экан, беклар кўзларини чақчайтириб бир-бирларига қараб олишди. Нома ўқиб бўлингач шивирлаша кетишди.

– Жуда ҳам ўзидан кетвормадимикин?

– Бир нарсасига ишонганки, ўзидан кетган-да.

– Вой аблаҳ, „баримгди ўлдираман", деб ёзипти-я.

– Важоҳати ёмонов...

– Жанг бўлса, катта қирғин бўлиши аниқ.

– Шундай, бу жангда омон қолиш даргумон.

– Парвардигор, ўзинг сақла.

Амир бошини эгиб, бекларнинг шивир-шивирини бўлмай жим ўтирди. Ниҳоят, шивирлашлар тугагач, бошини кўтариб, бекларга бирров қараб чиқди. „Э, ҳа-а... Ҳаммаси воҳимага тушиб қолган кўринади. Битта саҳройи понсоднинг номаси бу бекларни қўрқитиб юборган шекилли. Ҳозир қўйиб берсанг, ҳаммаси Бухорога қараб от қўядиганга ўхшаб турибдиёв. Қани, олдин ўзларига ташлаб кўрай-чи, нима дейишаркин?"

– Хўш, жаноблар, номада нималар битилганини ҳаммангиз эшитдингиз... Нима дейсизлар? Кимда нима фикр бор?

Беклар „сен гапир, сен гапир" дегандай қилиб, бир-бирларига имлашди. Бу ҳолни кўриб, Ўтаббой мингбоши амирга қаради.

– Рухсат берсалар, амир ҳазратлари, гапирсам.

– Рухсат. Гапиринг, мингбоши жаноблари.

– Амир ҳазратлари, мен Алимқул понсотти жахши биламан, у билан мамла қип бумойди. Ута қойсар одам. Бир ишди қиламан, деса, ўзиниям оёмойди, бошқалардиям. Шундайча одам у. Агар „жанғ қинғлар" десалар, биз жанғ қилаверамиз. Баримиз ўлимдан қўрқмоймиз. Бир

бошқа, бир ўлим. Лекин жудаям кўп одам қирилип кетади. Бундай қирғиндан кейин Бухоро мамлакатиям, Фарғона мамлакатиям беш-ўн жиллардаям ўзига келиши қийинов. Мени ўртаға ташайдиған маслаҳатим шундай. Ҳозирғи шараитда энғ туври жўл қўшинларди оп, ортға қойтиш керак. Жоз бор, куз бор, қиш бор. Воқти кеғанда тайяргарлиқ қип, гўр-жерларди тувурлап, тағин қўшин тортиб келаберамиз. Ҳозирди ўзида эса ортға қойтиш керак, амир ҳазратлари.

Ўтаббой мингбоши гапини тугатиб, қўл қовуштириб турди. Беклар „амир нима дер экан", деб сукут сақлашди. Жаҳлдан тушиб, ўзини анча босиб олган амир Ўтаббой мингбошининг гапларидан ҳушёр тортди. „Товба қилдим, товба, товба... Мингбошининг гапларида жон бор. Қирғин катта бўлиб кетса, ҳақиқатан ҳам мамлакат яқинорада ўзига келиши қийин, шармандаликни-чи, – амирнинг ёдига сарҳадлардаги қишлоқ, овул, карвонларни мунтазам равишда талайдиган қароқчи туркманлар тушиб, этлари жимирлашиб кетди. – Парвардигор, офатбалолардан ўзинг асра. Мағлубиятга учрасам, туркманларга Худо беради. Мингбошининг гаплари тўғри, ортга қайтиш керак, вассалом". Амир сир бой бермай бекларга қаради.

– Хўш, жаноблар, мингбоши жанобларининг гапларига нима дейсизлар?

Беклар навбати билан жавоб бера бошлашди.

– Мингбоши жанобларининг гаплари жуда ҳам тўғри, амир ҳазратлари. Ҳозир биринчи қиладиган ишимиз қўшинни сақлаб қолиш керак.

– Тўғри, амир ҳазратлари, қўшинни сақлаб қолиш керак. Кейинги қўшин тортиб келганимизда икки ҳисса қилиб чиқарамиз.

– Маъқул гап, амир ҳазратлари. Мингбоши жанобларининг маслаҳатларига амал қилмоғимиз даркор...

– Ортга қайтишимиз лозим...

– Шундай, амир ҳазратлари...

Амир Худоёрхонга қаради.

– Ҳазратлари нима дейдилар?

– Мен бу гапни Ўшга кирмасимиздан олдин айтувдим. Амир ҳазратлари, ортга қайтиб, Алимқулнинг мана бу усулига қарши бирор-бир ҳийла ўйлаб чиқиш керак.

– Маъқул, хон ҳазратлари, гапларингизни инобатга оламиз, – амир гаплардан мамнунлигини сездирмасдан ўзини орқа болишга ташлади. – Жаноблар, ҳеч бир ишни сизлардан бемаслаҳат қилмаслигимизни яхши биласиз. Кенгашларда ҳар доим бизга тўғри маслаҳатлар бериб борасизлар. Мингбоши жанобларининг гаплари ҳазратларига, сизларга маъқул экан, бизга ҳам маъқул. Ноғорачиларга буюринг, „қайтиш"га чалсинлар. Пешиндан кейин йўлга чиқсак, шомга қолмай Ўзганга етиб борамиз. Сизларга рухсат, жаноблар, қўшинни йўлга тайёрланг.

Беклар таъзим билан чодирдан чиқишди...

* * *

Алимқул понсод элчиларни кузатиб, бийлар ўтирган ўтовга қайтди. Чой ичиб ўтирган бийлар сабрсизлик билан унга савол назари билан қарашди. Ҳар галгидай Чўтан додхоҳнинг сабри чидамай сўради:

– Нима қилдинг, бий оға?

– Нима қилардим? Элчиларди қўлиға номани тутқазиб, жўлға соп жувардим, – деди тўрга чиқиб ўтирар экан. – Энди кутиш керак. Чайдан қуй.

– Номани гарттай қотти битиб жувардинг-ғў, бий оға, – Чўтан додхоҳ чой қуйиб узатар экан. – Амир ўқип кўрип, тағин ойниб журмаса гургайиди.

– Ойнийдима, ойнимойдима, кўрасан ҳали, мени ойтқонимдай бўлади. Бугун қойтмоса, эртан қойтади. Номанинг охирида тўрт қатор сўз битғаним ҳар қондай амирдиям журагини жориб жуваради.

Шодмонхўжа мингбоши бийларнинг гапларига қулоқ солиб турди-да, кейин бир томоғини қириб олиб, Алимқул понсодга қараб деди:

– Понсод жаноблари, Худога шукур, ишларимиз кўнгилдагидай кетяпти, бу яхши. Фараз қилайлик, Амир қўшинини олиб Бухорога кетди, дейлик, кейин нима қиламиз? Ишни нимадан бошлаймиз?

– Ишдима? Ишди Қўқонга борип, саройди қўлга олишдан бошлаймиз. Саройга кирип хон тахтга ўтиргандин кейин мамлакатта тартип ўрнатамиз. Бари шаҳарларга керакли одамларди ҳоким қип тойинлоймиз. Сиз, минғбоши жаноблари, Пўлатбий додхоҳ минан учтўрт минғ одамди оп, туври Хўжандга борасизлар. Ул жерда тартип ўрнатип, кейин туври Тошкандга борасизлар. Минғбоши жаноблари, сиз Тошкандда қоласиздағин, беш-олти ой ҳокимлиқ қип берасиз.

– Беш-олти о-ой... Нега энди мен бораман? – норозилик оҳангида деди Шодмонхўжа минғбоши. – Қушинга бош бўлиб, Пўлатбий додхоҳнинг ўзи бораверсин.

– Шашманғ, минғбоши жаноблари, шашманғ... Пўлатбий додхоҳ бундайча ишларди қип кўрғани жўқ. Қоватинғизда журиб кўради, урганади, Тошкандга бориб, тартип ўрнатғанинғиздан кейин Чиноз, Бўка, Қурама, Чимканд, Туркистон бекликларини назорат қинғ. Авлиёота, Талас, Тўқмоқ қалъаларига одам жуварип, текширтиринғ. Ўрислар қалъаларди оғамма, жўқма, шуни ониқланғ. Пўлатбий, сен минғбоши жанобларининғ қоватида журиб, ҳокимликди урган, воқти кеп сен Тошкандда қоласандағин минғбоши жаноблари Қўқонга қойтип келади. Қалай, гапларим маъқулма, минғбоши жаноблари?

– Маъқул.

Шодмонхўжа минғбоши четга қараб, ижирғанди. „Жин урсин, бу понсодни, мен билан бир оғиз маслаҳат қилмасдан Тошкандга ҳоким қилиб, катталик қилганига ўлайми? Ёш болани хон қилиб, Қўқонда ўзи бош бўлиб қолмоқчи, шекилли. Чучварани хом санабсан. Сен шохида юрсанг, мен баргида юраман. Тошкандга бориб, нима қилишни ўзим биламан“. Алимқул понсод қовоғини уйиб олган Шодмонхўжа минғбошига зимдан қараб қўй-

ди. „Тошкандга ҳоким қип тойинлағаним минғбошиға жоқмадиёв... Ўрниға Чутанбийди тойинласаммикин? „Жон“ дейди-ғу. Жўқ, Чутанбий Тошкандди эплалмойди, жоқмасаям ўзи боради“. Шу пайт ташқарида ғалағовур, бақир-чақир бўлиб кетди. Бийлар „тинчликми“, дегандай бир-бирлари билан кўз уриштириб олишдида, кейин кигиз билан тўсиб қўйилган эшикка қарашди. Ғала-ғовур тинчимай қайтага қийқириқлар қўшилиб кетди.

– Чутан, чиғип қора-чи, нима гап?

Чутан додхоҳ ташқарига чиқиб, зум ўтмай қайтиб кирди.

– Бий оға, бий оға!! – Чутан додхоҳ ҳаяжонланганидан нафаси тиқилиб. – Амирди қўшини қойтти, битта қомай бари қойтти!..

– Гапинғ ростма-а?..

– Бий оға, ўзинғ чиғип кўр, баринғ чиқ!..

Бийлар ташқари чиқиб, рақиб қўшини томон қарашди. Ҳақиқатан ҳам амирнинг асосий қўшини ортга қайтган, охирида қолганлар уч-тўртта тортилган чодирларни бузиб, араваларга ортишарди. Қирғиз, қипчоқлар хурсандликларидан қийқириб, бақир-чақир қилишарди. Шовқинни эшитиб, Султон Сайидхон ҳам ўтовдан ташқари чиққан эди.

– Худоға шукур, минғ қатла шукур, – севинчдан Алимқул понсоднинг кўзларидан ёш думалади. Илдам юрганча Султон Сайидхоннинг олдига бориб, таъзим адо қилди. – Хон ҳазратлари, амирди қўшини мағлуб буғандай қойтип кетти. Худо хоҳласа, тахт сиздики, – атрофга қараб, ҳайқирди. – Ҳой, маған қора баринғ... Жим бўл баринғ, жим, дияппан... Хон ҳазратларининғ фармонларини эшитинғлар. Ҳар бир жузлиқ Худо жўлиға бир қўй, бир тона суйсин. Қозонлар осилсин, бохшилар ўлан ойтсин, достон ойтсин... Бугун-эрта қўшин байрам қисин! Индин саҳарлаб Қўқонга қораб жўл оламиз. Давр, даври Султон Сайидхон-оҳо-о-ой!!!

Қирғиз, қипчоқлар ҳайқиришганча Султон Сайидхонни ҳам Алимқул понсодни ҳам олқишлай кетишди.

– Давр, даври Султон Сайидхон-оҳо-о-о-ой!!!

– Давр, даври Султон Сайидхон-оҳо-о-о-ой!!!

– Хон ҳазратлари жузға кирсинларо-оҳо-о-о-ой!!!

– Жашасин, Алимқул понсодо-оҳо-о-о-о!!!

– Алимқул понсод жузға кирсино-оҳо-о-о-ой!!!

– Хон ҳазратлариға амирлашкар бусино-оҳо-о-о-ой!!!

– Туври, туври, амирлашкар бусин!!

Қирғиз, қипчоқлар хурсандчилик билан кутаринки руҳда хонлари бўлмиш Султон Сайидхоннинг фармонини бажаришга киришишди.

* * *

Амир Музаффархон билан Худоёрхоннинг қўшинлари Ўзгандан чиқиб, ҳафта-ўн кун деганда Қўқон шаҳрига яқинлашиб келишди. Худоёрхон билан ёнма-ён келаётган амир айри йўл келганда от жиловини тортиб тўхтади. Олисдан шаҳарнинг Марғилон дарвозаси кўзга ташланиб турарди. Хон савол назари билан амирга қаради.

– Биз шаҳарга кирмаймиз, дўстим. Сизни Маҳрамда ёки Қисакўзда кутамиз. Сиз саройга бориб, ҳарамдагилар Бухорога бориш-бормасликлари тўғрисида волидангиз билан маслаҳатлашсангиз.

– Маъқул.

Айри йўлда қўшин иккига бўлинди. Амирнинг қўшини амир бошчилигида Конибодом томонга йўл олди, хоннинг қўшини Марғилон дарвозадан шаҳарга кирди, юзбошилар бошчилигида сарбозхоналарга йўл олишди. Кўпчилик беклар Худоёрхондан рухсат олиб, хайр-хўшлашиб, уй-уйларига қараб кетишди. Хон қолган беш-олтита беклар, орқароқда келаётган шаҳсуворлар билан сарой томон юрар экан, ёнидаги Саидбекка қаради.

– Саид, саройга бориб, ойихоним билан маслаҳатлашамизку-я, лекин сен ўзинг нима дейсан?

– Менга қолса, ойихоним малика ойимлар, хонзода

ойимлар, канизаклар билан бирга Қўқонда қолганлари маъқул.

– Мен ҳам шундай фикрдаман. Ўтган сафар Бухорога боришда ҳам, келишда ҳам қаттиқ қийналишди. „Йўл азоби – гўр азоби“ деб бекорга айтишмаган. Ойихонимни саройда қолишларига кўндираман.

– Маъқул.

Йигирма дақиқалардан кейин Худоёрхон саломхонада Ҳокимойим билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашди. Ўғлининг аҳволига қараб, она ачинди. „Э, Худойим-ей, ўғлим мағлубиятга учраган кўринади. Нима бўлган тақдирда ҳам ўзи тирик-ку, шунисига ҳам шукур. Яна Бухорога кетади, шекилли. Ўғлимни мусофир юртларда соғ-саломат сақла, Парвардигорим“. Худоёрхон бўлган воқеаларни қисқача қилиб, Ҳокимойимга гапириб берди. Хон гапини тугатганидан кейин Ҳокимойим паст товушда сўради.

– Энди нима қилмоқчисан, ўғлим?

– Саҳарлаб Бухорога жўнаймиз. Амир ҳазратлари Яйпанда кутадилар.

– Саидбек қани? У ҳам борадими?

– Саид Қилич билан уйларига кетишди, саҳар келишади, – хон онасига зимдан қараб қўйди, „ишқилиб, мен ҳам бораман, демасинлар-да“. – Ойихоним, бу сафар кўпчилик бўлиб бормаймиз, шу ҳақда сиз билан маслаҳатлашмоқчийдим. Саид, Қилич, уч-тўртта беклар кейин шаҳсуворларим бирга боришади холос.

– Султонмуродбек билан Насриддинбек-чи, улар қолишадими?

– Йўқ, ойихоним, иккови ҳам мен билан кетади, – Худоёрхон бир оз сукут сақлаб туриб, кейин оҳиста гапини давом қилди. – Ўзингиз биласиз, ойихоним, йўл олис, машаққатли, сизлар шу ерда қолсангиз девдим. Сиз нима дейсиз?

– Нима ҳам дердим, ўғлим. Сен айтмасанг ҳам бизлар саройда қолишимизга тўғри келади. Иккита малика ой-

имнинг „кўзи ёрай“ деб турибди. Бири Мунисахон ойим, бири Шириной ойим. Буларни ташлаб, қаёққа кетаман? Нари борса, бир-икки ойнинг ичида иккови ҳам олдинма-кетин кўзи ёради. Невараларимга қарашим керак. Бухорога ўзларинг сафар қиласизлар, энди. Сизларга оқ йўл. Бошинг тошдан бўлсин, ўғлим, Илоҳи, омин...

Ҳокимойим кўзларидан ёш думалатганча узундан-узоқ дуо қилиб, юзига фотиҳа тортди. Саломхона эшиги олдида хайрлашар экан, ўғлининг пешонасидан ўпиб, буйин, кўкракларидан чуқур-чуқур ҳидлади...

Худоёрхон „Хос ҳужра“га қараб юрар экан, бир неча кунлардан бери биринчи марта юзига табассум югурди. У Ҳокимойимнинг Бухорога бора олмаслигидан, фарзандлик бўлишидан хурсанд бўлиб кетди. „Худога шукур, ҳаммаси мен ўйлаганимдан ҳам яхши бўлди. Ойихонимнинг ўзлари қолдилар. Устига-устак Худо менга фарзанд беряпти. Лекин уларни кўра олмайман... Ё, товба-а, мен уларни кўра олмайман! Бу, даҳшат! – хоннинг юзидан табассум кетиб, кўзларида ёш айланди. – Э, Худо, ота учун бундан ортиқ жазо бормикин? Ҳа, майли, шунисига ҳам шукур, Парвардигорим, гуноҳкор бандангни ўзинг кечириб, ўзинг раҳм қил. Олдинги марта Бухорога кетганимда тўрт йилдан ортиқроқ мусофирчиликда юрдим. Бу сафар бундай муддатга чидай олмайман, бу мен учун ниҳоятда узоқ муддат. Ё, Тангрим, сен шундай қилгин-ки, ватанимга тезроқ қайтиб келай! Болаларим билан дийдор кўришай!“ Хоннинг кўзларидан ёш думалади...

Эртаси куни саҳарлаб, Худоёрхон бошчилигида элликтача отлиқлар шаҳарнинг Хўжанд дарвозасидан чиқиб, Бухорога йўл олишди.

* * *

Қорағулчадан қўшини билан чиққан Алимқул понсод Ўзгандга келиб, икки кун турди. Учинчи куни Ўттиз адир йўли билан уч кун йўл босиб, Ўшга етиб келди. Бир ҳафтадан кейин Андижонга яқин жойда қўш урди. На-

манган ҳокими Мирзо Аҳмад қушбеги, Шаҳрихон ҳокими Ёқуббек қушбеги, Марғилон ҳокими Баҳодирхон тўралар совға-саломлар билан олдинига Алимқул понсодга учрашиб, кейин Султон Сайидхон ҳузурига таъзимга киришди. Қўшин яна бир ҳафталар йўл босиб, Катта Кенагасга етиб келди. Алимқул понсод икки кун қўшинга дам бериб, Қўқондаги аҳволни билиш учун айғоқчиларни юборди. Учинчи куни ҳеч бир қаршиликсиз Қўқонга яқинлашиб келди. Алимқул понсод билан Султон Сайидхонни Марғилон дарвозаси олдидаги кенг ялангликда олим-уламолар бошчилигида Қўқон халқи карнай-сурнайлар билан кутиб олди. Шодмонхўжа мингбоши, Пулатбий додхоҳ тўрт-беш минг қўшин билан Қўқонга кирмасдан тўғри Тошкандга ўтиб кетишди. Алимқул понсоднинг биринчи қилган иши Султон Сайидхонни расмий равишда тахтга ўтқазди-да, шайхулислом, қози, муфти, аълам, мударрислардан тортиб, бек, аркон, савдогар, боёнлар, ҳатто сарбозхонадаги юзбоши, навкарларгача хонга байъат қилдирди. Кун бўйи қабул қилиш маросимларидан обдан чарчаган Султон Сайидхон тахтда аранг ўтирарди. Уни зимдан кузатиб турган Алимқул понсод қўл қовуштирган ҳолда хонга деди:

– Хон ҳазратлари, чарчаган бўсанғиз, ичкариға кирип, дам оп қўяғонғ, кийинғи кеғаннарға ўзимиз қорайберамиз.

– Ростдан ҳам дам олсам бўладими? – ишонқирамай сўради Султон Сайидхон.

– Бўғонда қондай. Сиз хонсиз. Хоҳлаған ишингизди қинғ. Хоҳланғ, от човинғ, хоҳланғ, овға чиғинғ, хоҳланғ, дам онғ, нима хоҳласанғиз, шуни қинғ, хон ҳазратлари.

Султон Сайидхон индамасдан тахтдан тушди-да, Алимқул понсод билан уч-тўртта бийларнинг тиржайиб туриши остида тез-тез юриб, танобий орқали маҳкама ҳовлисига чиқди. Ортидан эргашиб чиққан иккита мулозимни ҳовлида тўхтатиб деди:

– Йўқ йўқ... Сизлар шу ерда қолинглар. Мен ойихонимнинг олдиларига ўзим бораман.

Ҳарамнинг ҳовли, танобийларида таъзимда турган канизакларга заррача эътибор бермай саломхонагача жадал юриб борди. Хонага кириб, Сарви кайвони билан дардлашиб ўтирган Ҳокимойимнинг бағрига ўзини ташлади.

– Ойихоним!!!

– Вой, полвоним, келди, баҳодирим, келди! – Ҳокимойим хоннинг у бетидан, бу бетидан чўлпиллатиб ўпди, – Ўзимнинг хончам, хончагинамдан айланай, Сарви, қара, отасининг ўзгинаси бўпти-қопти. „От ўрнини той босади“, деганлари шу-да... Илоҳим, мартабаси ўхшаб, умри ўхшамасин. Ёнимда ўтир, тойчоғим, ана шундай... Сенга нима бўлди, отажоним? Чарчадингми?..

Кайвони ҳам Султон Сайидхоннинг пешонасидан ўпиб, суйди. Ҳокимойим неварасининг сулғин юзига қараб, ачинди. „Э, Худойим-ей, қачонгача фарзандларим беку бийларнинг қўлларида ўйинчоқ бўлишади? Болам бечора отасининг қатлидан кейин қўрқиб, гарангсиб қолган, нима қилишини ҳам билмайди, бояқиш болагинам. Болаларимнинг тинчлигини бергин, Парвардигорим“. Хон Ҳокимойимнинг пинжига тиқилиб, қовоғини уйганча паст товушда деди:

– Ойихоним, Шоҳмуродхон акам йўқ, Назирбек Тошканддa, саройда бир ўзим қолдим... Қўрқиб кетяпман... Сизнинг олдингизда қоламан, „Ҳузури олий“га бошқа бормайман, майлими?.

Ҳокимойим билан кайвони бир-бирларига қарашди. Кайвони ёшланган кўзларини рўмол учи билан арта туриб, ғулдираб қўйди: „қуриб кетсин бекляриям, бийлариям, ёш болачани тахтга ўтқазадими“. Ҳокимойим Султон Сайидхонни овунтира кетди.

– Нимадан қўрқасан, полвоним? Ҳеч нарсадан қўрқма. Бошқалар қўрққанда ҳам сен қўрқмаслигинг керак, чунки сен хонсан, ботирим. Ҳамма сенга кўз тикиб турибди. Қўрққан тақдирингда ҳам билдирмаслигинг керак, тойчоғим. Сен хон авлодидансан. „Саройда бир ўзим

қолдим", деб ўкинмагин, ёнингда бизлар бормиз. Худо хоҳласа, ака-укаларинг келади, ҳаммаси келади. Сен „Ҳузури олий"га бориб, тахтга ўтиришинг, бек акаларингнинг айтганларини қилишинг керак, хўпми, жоним болам? – кейин Ҳокимойим неварасига жиддий қараб туриб, гапини тугатди, – Таомил шундай, ўғлим, бунга амал қилишинг керак, хўпми?

Ҳокимойимнинг гапларидан таскин топган Султон Сайидхон индамасдан бурнини тортиб, бош ирғаб қўйди. Асргача саломхонада ухлаб, кечки овқатни ҳам Ҳокимойим билан бирга тановул қилди, кейин бувисининг гапи билан истар-истамас „Ҳузури олий"га қараб юрди...

Султон Сайидхоннинг тахтга ўтириши муносабати билан Алимқул понсод бошчилигида халққа бир ҳафта ош тортилди. Шу ҳафтанинг ичида қирғиз, қипчоқларни рози қилиб, овул-овулига жўнатиб юборди. Ҳаёт изига тушгандай, ҳамма ўз касб-кори билан машғул. Йиллаб жанг-суронлардан чарчаб, қийналиб кетган халқ Султон Сайидхон тахтга ўтиргандан кейин бир оз тинчигандай бўлди. Энди сарҳадларни мустаҳкамласа бўлди. Мамлакат иқтисодини ҳар томонлама кўтариш учун амлок ерларни деҳқонларга арзон нархда ижарага бериш, савдогарларни рағбатлантириб, карвонларни кўпайтириш керак. Алимқул понсод енг шимариб, мамлакатда қаттиқ тартиб ўрната бошлади. Беш-олтита ҳокимларни алмаштирди. Шаҳарларнинг ободонгарчилигига эътибор бериб, бозор, раста, дўконларда нарх-наволарни назорат қилиш учун ўз одамларини қўйди. Бугун ҳам Алимқул амирлашкар ўз ҳужрасида маҳкамага келган аризаларни қараб чиқар экан, хонага Чўтан додхоҳ ҳовликиб кирдида, ҳаяжонланганидан дудуқланиб гапирди:

– Б-бий оға, олдинғи хон к-келди!

– Денинг совма? Қондайча олдинғи хон? – қоғоздан бошини кўтариб сўради Алимқул понсод. – Нималар деяпсан? Туври-туври гапир.

– Ш-шомуротхон келди.

– И-и-иҳ... Шомурот келдима?

– Шундай, Шомуротхон келди, – Чутан додхоҳ бир оз ўзини босиб олиб, гапини давом қилди. – Қорасам туври „Ҳузури олий“га қораб боражатир, човип бордимдағин кўришип, сўрашип, ҳужрамға қўйип келдим. Энди нима қиламиз, бий оға?

Алимқул понсод пешонасини тириштириб, бир зум ўйланиб турди-да, товушини пасайтириб деди:

– Секин борип жаллотти ияртип ке, ҳеч ким билмосин.

– Ия, бий оға, Шомуротхон ҳали жаш бола-ғу?

– Жаш бўған минан хон бўған. Икки қўчқорди калласи бир қозонда қойнамойди, энди билдинғма? Уни ияртип кеп ўтирма, бордағин ўзиға секин ойт. Қош қорайған пойтта Шомуротти ўзи билан бирға осиндағин „Даҳмаи шоҳон“га оппорип қатл қисин. Ишди ими-жимида қисин, тушундинғма?

– Тушундим, бий оға.

Чутан додхоҳ гарангсиб, ҳужрадан чиқди. Алимқул понсод юраги ғашланиб, уйга толди. „Парвардигор, товба қилдим, ўзинғ кўрип турипсан, бошқа иложим жўғиди. Бирини қатл қимасам, булар тағин тахт талашади. Сени жўлингға бир қўй сўйип, мўҳтажларға торқатаман. Гунайимди ўзинғ кечир...“. Шу пайт қўлида ўралган нома тутган мулозим ҳужрага кириб, хаёлини бўлди.

– Нима гап?

– Тошканддан чопар иккита нома келтирибди. Иккивиниям „махфий“ дейди, амирлашкар жаноблари.

– Махфий, дейсамма? Қона, маған бер-чи.

Мулозим ҳужрадан чиқиши билан Алимқул понсод номаларни бир-бир кўздан кечирди. „Хўш, номаларди бири Пўлатбий додхоҳдан, бири Шодмонхўжа минғбошидан. Товба товба, бу номаларди бари ойланасиға махфий бўп кетти, додхоҳ минан минғбоши маған қондайча махфий гапти ойтаракан? Ё Тошкандға ўрис босиб кел-

дима? Жуғ-е, уриснинг нимаси махфий, бул жерда бошқа гап боров, қона, бир-бир уқип курайиқ-чи". Бошлаб Пулатбий додхоҳнинг номасини ёйиб уқий бошлади.

Алимқул понсодға тийсин (махфий)

Бий оғаға жетип маълум ва равшан бусинки, ушбу нома Тошкандда хизмат қип журган Пулатбий додхоҳдан деп билғойсан. Бий оға, ҳамма ишди сен ойтқандай қип қилдиқ. Тошкандда тартип урнатип, ҳамма нарсани жай-жайиға қуйдиқ. Шаҳарди холқи хон ҳазратларидан хурсанд. Қурама, Чимканд, Туркистон шаҳарлариға узим қушин тортип бордим, ишлар жайида булди. Ҳокимлар Султон Сайидхон ҳазратларини тан оп, бари итоатда турипти. Авлиёота, Талас, Пишпак қалъаларига одам жувардим. Бу қалъалар улда-жулдаякан, одам қуйип, бариға ойттирип, тартип қип, итоатға келтирдиқ. Урислар Пишпак қалъасини бир мартаға қулға оп, толашғанакан Қанаатша қушин тортип кеганда қойтип кетишипти. Туқмоқ қалъасиғаям одам жувардим, қалъада одамлар бор, бари рузғарини қип жатипти. Қалъа урисларди қулидаякан, лекин қалъа ичида бирортаям урис жуқ, бари узимизди одамлар. Секин узингға хуфя қип ойтай, Шодмонхужа минғбоши Тошканға ҳоким бып, гарттай ойнип, босар-тусарини билмой қолди. Одамди писан қимойди. Бир-икки нотуври иш қиғаниди, „бий оғам эшитса, қопа булади" десам, „бий оғанг ким бупти, нари борса, понсод-да, мен минғбошиман" деп, мени қойирип ташади. Мениям ажинам кеп, минғбошиниг ортидан одам қуйдим. Жахшиям, шу ишди вокгида қиғанакамман, амирға жуварған чопарини жулда ушлап, олдиқдағин қулидағи номани оп, саған жуваряппан.

Шу ерга келганида Алимқул понсоднинг ғазаби қузғаб, сукиниб юборди, „хе, минғбоши буған инанғди... Хоинлиқ қимоқчи булдинғма, ит увли? Узи Қорағулчада утириб-туриши гарттай узғариб қоғандай куринувди-я,

шуған эътибор қимаппан. Одамди оласи ичида, деп бекарға ойтмаған. Мен ўған ишанип журиппан-а, тағин Тошканға ҳоким қип қўйиппан куппакди".

Шу кетишда бўса, минғбоши хон ҳазратларини амирға алмашип қўядиёв. Буни олдини олиш керакмикин? Тағин ўзинг биласан, бий оға. Шу билан гавим тамом.

Нома 1280 ҳижрий жили жавзо ойининг 4 куни битилди.

Пулатбий додхоҳ муҳр босдим.

Алимқул понсод номани хонтахта устига қўйиб, пешонасини тириштирганча иккинчи номани олиб ўқий бошлади.

Бухоро мамлакатининг ҳукмдори Саййид амир Музаффархон Баҳодир ибн Насруллохон ҳазратлариға

Ушбу нома етиб, маълум ва равшан бўлғайким, Тошканд вилояти ҳокими Шодмонхўжа минғбоши Шарифхўжа ўғлидин, деб билғайлар. Амир ҳазратлари Тошканд, Қурама, Чимканд, Туркистон шаҳарларининг фуқаролари баҳамжиҳатлиқ ила ҳазратларининг дуойи жонларини қилиб, ҳазратлариға итоат қилиш орзусида ҳаёт кечириб юрибдурмиз. Ҳазратлариға хуш келған вақтда қўшин тортиб келсалар, биз Тошканд вилоятидин қўшин тортиб, Хўжандда ҳазратлариға қўшилурмиз. Хўжанд, Маҳрам, Конибодом қўшинлари ҳам ҳазратларининг итоатларида бўлур...

Алимқул понсод номани охиригача ўқимасдан ғазаб билан майдалаб ташламоқчи бўлган жойда тўхтаб қолди. Кейин ғижимлаганча сўкинди. „Бу номани жиртип бўмайди, буни исбот қип кўрсатаман. Ҳали шашпайтур, минғбоши. Мен саған хоинлиқ қондайча бўлишини кўрсатип қўяман, ит увли... Хўш, энди биёғиға отти қомчилаш керак. Тездан кенғаш чоқириш керакдағин олдин мансапти каттасиға ўтириш керак, кейин Тошкандға қўшин тортип бориш керак, вассалом".

Шу куннинг ўзида уч-тўртта бийлар билан маслаҳатлашиб эртаси куни кенгаш чақирди. Кенгашда икки масала кўрилди. Биринчи масала, Алимқул понсод, амирлашкар лавозимига кўтарилди. У энди мамлакатда хондан кейин биринчи одам бўлиб қолди. Хонга оталиқ, ички, ташқи ишлар, олий жазо қатлга ҳукм қилиш, афв қилиш, қўшинга бошчилик қилиш Алимқул амирлашкарнинг қўл остига ўтди. Иккинчи масала, Тошкандга қўшин тортиб бориб, хоинликнинг олдини олиш ва бекликларда тартиб ўрнатишни бек, арконлар маъқуллашди. Ўн ёшлар атрофидаги Султон Сайидхон тахтда ўтирган бўлса ҳам Алимқул амирлашкар унинг номидан илк фармонларни бера бошлади.

– Чўтанбий додхоҳ.

– Лаббай, б-бий... амирлашкар жаноблари!

– Қўшин билан жўнаб кетганимизда сен саройда қоласан, маҳкамага кеган одамлар минан савол-жавоп қиласан. Бизди жўғлиғимизди билинтирмой турасан.

– Бош устиға, амирлашкар жаноблари.

– Нормуҳаммад қушбеги, Мирза Давлат қушбеги, Гулминғбой додхоҳ. Ёқуббек қушбеги баринғ биз билан бирға борасизлар. Понсот, жузбашилар қўшинға ойтип, жўлға тайяргарлиқ қинғлар.

Беклар бош эгиб, қул қовуштиришди. Бир ҳафталарча тайёргарлик кўрилгандан кейин Алимқул амирлашкар Султон Сайидхон билан бирга Тошканд томон қўшин тортишди. Йўл-йўлакай Конибодом, Маҳрам, Қисакўзларда тартиб ўрнатиб, Ёқуббек қушбегини Хўжандга ҳоким қилиб тайинлашди. Қўшин йўлда уч кеча қўниб, тўртинчи кун Чирчиқ дарёсидан кечиб, Қўйлиқ қишлоғи орқали Тошканд шаҳрига яқинлашди. Қашқар дарвозаси олдида Шодмонхўжа бошлиқ уламо, бек, боёнлар Алимқул амирлашкар билан Султон Сайидхонни тантана билан кутиб олишди. Шаҳар халқининг ҳайқириқ билан олқишлари остида ўрдага қараб юришди.

– Давр, даври Султон Сайидхоно-оҳо-о-о-ой!!!

– Марҳабо, хон ҳазратлари, марҳабо-о-о-о!!!

– Хуш келибдила-а-а-а-ар!!!

– Сафо келибдила-а-а-а-ар!!!

– Қадамларига ҳасаното-оҳо-о-о-о-ой!!!

– Юз йил даврон сурсинларо-оҳо-о-о-о!!!

– Алимқул амирлашкар, яшасинооҳо-о-о-ой!!!

– Хон ҳазратларининг ёнларида тоғдай бўлиб юрсино-оҳо-о-о-о!!!

Қўшин сарбозхоналарга жойлаштирилди. Хон беку шаҳсуворлар кузатувида ўрдага етиб келиб, ташқи ҳовлида отдан тушишди. Сайислар чаққонлик билан отларни қўра томон етаклаб кетишди. Ўн-ўн беш дақиқалардан кейин хон бошчилигида беклар, аъламлар, боёнлар саломхонада ўтиришарди. Тўрдаги курсида Султон Сайидхон ўтирар, ўнг томонида шайхулислом, қози, муфти, мударрис, уламолар, чап томонида Алимқул амирлашкар, Нормуҳаммад қушбеги, ёши, обрў-эътиборига қараб, понсод, шиғовул, додхоҳлар ўтиришарди. Шодмонхўжа мингбоши билан Пўлатбий додхоҳ ҳам шулар қаторида. Саломхонадагилар ёш хонга қизиқсиниб қарашса ҳам Алимқул амирлашкар қовоғини уйиб олгани учун юракларини ҳовучлаб ўтиришарди. Пастроқдагилар бир-бирлари билан пичирлашиб ҳам олишди.

– Амирлашкар жанобларининг машқлари пастроқми, дейман?

– Э, машқи у ёқда турсин, юзидан заҳар томяпти-ку.

– Ишқилиб бир балони бошламасин.

– Айтманг, боя мингбошига бир ола қараб қўйди.

– Парвардигор, офатлардан ўзинг асра.

– Хонимиз ҳали жуда ёш эканлар.

– Ҳа-а... Бу ёшда улар ҳали фариштанинг ўзгинаси.

– Шундай...

Бу орада ҳудайчининг ишораси билан уламолардан бири Қуръон тиловат қилиб, ҳаммалари юзларига фотиҳа тортишгандан кейин саломхонада ноқулай жимлик

чўкди. Алимқул амирлашкар хон томон энгашиб, бир нарсалар деган бўлди-да, сўнгра қаддини ростлаб ўтирди. Қовоқларини уйганча бекларга бирров кўз югуртириб чиққач, салмоқ билан гап бошлади:

– Жаноблар! Худога минг қатла шукурки, мамлакатимизда озма-кўппа тинчлиқ ўрнаттиқ. Бухоро амири бизди жерларға қойтип кемойдиған бўп кетти. Энди деҳқон доласиға, боғбон дарахтиға қорасин. Савдагар карван минан шаҳарма-шаҳар журип, савдосини қисин. Ҳунармандди бари ўз ҳунарини қисин. Мана шундай тинчлиқ пойтта ҳар ким ўз иши билан машғул бўса, ана шунда мамлакатимиз обод бўлади. Журт тинч, халқ тўқ бўлади. Биз бул жерға бекардан-бекарға қўшин тортип кеганимиз жўқ. Ичимизда фитна торқатип, сувди лойқалатип, мамлакат тинчлиғини бузип, хоинлиқ жўлиға кирип қоған бекларам боракан. Бу ишди олдини омасақ, кейинғи „аттанғ"ди фойдаси жўқ, – Алимқул амирлашкар атрофга аланглаб ҳайқирди, – Шодмонхўжа минғбоши!

Амирлашкарнинг ҳайқириғидан бекларнинг танаси музлаб қолди. Лаби гезариб кетган Шодмонхўжа мингбоши ўрнидан гандираклаб, аранг турди-да, паст товушда дудуқланиб деди:

– Л-лаббай, м-мен шу ерда, амирлашкар ж-жаноблари.

– Ўртаға чиқ, – Шодмонхўжа мингбоши судралгудай бўлиб, ўртага чиқар-чиқмас Алимқул амирлашкар унга ўшқира кетди. – Маған қора, ит увли, ҳали сен мени писанд қимойдиған бўлдингма? Мансабинг меникидан жўғари бўлдима?

– Худо ҳақи, амирлашкар жаноблари, мен ҳар доим жанобларини астойдил...

– Ба-а-асс!!! – Шодмонхўжа мингбошининг гапини шартта бўлиб. – Ҳали, сен, иттан торқаған, хон ҳазратлариға хоинлиқ қиладиған бўлдингма?

– Т-туҳмат, б-бу гаплар менга б-бўҳтон. Хон ҳазратлари, ҳақиқат қилсинлар, мен салтанат учун жонимни аямай...

– Туҳмат дийсамма? Ҳали саған исбот керакма? Мана саған исбот!!

Алимқул амирлашкар қўйнидан амир номига битилган номани олиб, Шодмонқул мингбошининг башарасига улоқтирди. Ранги докадай оқариб кетган мингбоши ўзини гиламга ташлаб, дудуқланганча хондан шафқат сўрай кетди. Султон Сайидхоннинг унга раҳми келиб, Алимқул амирлашкарга ўгирилиб қаради.

– Амирлашкар жаноблари, мингбоши жаноблари-нинг хизматларини ҳисобга олиб, афв қилсакмикин...

– Бунинғ ҳеч иложи жўқ, хон ҳазратлари. Ўғирликди, ғарликди афв қиса бўлади, лекин хоинликди афв қип бўмойди. Уни томири билан қуритиш керак, акс ҳолда, газаклаб кетиши оник, – Алимқул амирлашкар ер тепиниб ҳайқирди: – Жаллод!!!

Танобийда тайёр турган икки жаллод ўзларини ичкари уришди.

– Ханжаримиз қонсираган.

– Ҳибсға ол, бу қуппакди, растаға опчиғип, калласини танидан жудо қиғин.

– Бош устига, амирлашкар жаноблари.

Шайхулислом ҳам афв сўраш учун энди оғз жуфтлаб турган эди, амирлашкарнинг важоҳатини кўриб, кўзларини пирпиратганча индамай қўяқолди. Жаллодлар ярим ҳушини йўқотган Шодмонхўжа мингбошини судраб, ташқарига олиб чиқиб кетишди. Бояқиш бирор-бир товуш чиқаришга ҳам улгурмади. У билан бирга ўтириб-турган беш-ўнта бекларнинг қўрқувдан этлари жимирлашиб, таналари бўшашиб кетди. Мингбошининг қисматига тушмасликлари учун тишлари такирлаганча Худога илтижо қилишар, аълам, уламолар ҳам ваҳима аралаш бир-бирлари билан кўз уриштириб олишди. Амирлашкардан ҳар нарсани кутса бўлади, қизиб турган пайтда мингбошига қўшиб, беш-олтита бекларни ҳам дорга торттириб юбориши ҳеч гапмас. Хонада яна юракни эзадиган жимлик чўкди, „кейинги навбат

кимники экан?" деб, гиламга кўз тикишганча юраклари безиллаб турди. Алимқул амирлашкар навбатдаги бекни ҳибсга олиш учун жаллод ёки навкар чақирмади. Бошқа ҳеч ким жазоланмаслигини сезган беклар сал енгил тортиб, юракларидаги ғашлик ҳам бир оз ёзилгандек бўлди. Ўртароқда ўтирган беклар терлаган юзларини рўмол билан артиб, бир-икки елпиниб қўйишди. „Уф-ф, бир балодан қутулдиг-ей, Худога шукур, мансабдан олишса, олишсин, қатл қилишмаса бўлди". Худо бекларнинг оҳига етди шекилли, Алимқул амирлашкарнинг қовоғи очилди. Нормуҳаммад қушбеги томон хиёл эгилиб, мийиғида кулиб алланималар деди. Беклар ҳам кўзларини ола-кула қилганча бир-бирлари билан пичирлашиб олишди.

– Вой-вое-ей... Понсод, энамди кўрдим...

– Айтманг, мингбошинимас, худди мени судрашгандай бўлди.

– Яхшиям, номага муҳр босмаганимиз.

– Айтманг, акс ҳолда ҳозир мингбошининг ёнида растада дорга осилиб турардик, Худо бир асради.

– Шундай, Худонинг ўзи асради.

– Рўпарадаги додхоҳ ҳушидан кетиб қолдиёв.

– Э-э, мингбошининг аҳволини кўриб, ҳамма ҳушидан кетди. Парвардигор, ўзинг асра...

– Секин, амирлашкар гапирмоқчи, жим бўлинглар.

Алимқул амирлашкар курсида жойлашиброқ ўтирди-да, қисиқ кўзлари билан бекларга қараб чиқди. Унинг юзидаги совуқ заҳилликни илиқлик эгаллаган, қараши олдингидай одам этини жимирлатадиган даражада эмасди. Уламолар ҳам, беку арконлар ҳам амирлашкарнинг юз ўзгаришига қараб, тамоман хотиржам тортишди. У томоғини қирган бўлиб, салмоқ билан гап бошлади.

– Жаноблар! Тағин бир-иккита бекларди жазоға тортиш керагиди-ю, лекин хон ҳазратлари офв қилдилар. – беклар енгил тин олишди, – Шу пойтқача ким қондай лавозимда хизмат қип кеган бўсаларинғ, баринғ ўша лавозимда қоласанлар, – беклар хурсандлик билан „маъқул,

розимиз" ишорасида бошларини ирғаб қуйишди. Амирлашкар гапини давом қилди, – лекин Тошканд шаҳрига ҳокимди ўзим тойинлойман. Шаҳарга Нормуҳаммат қушбегини ҳоким қимоқчиман. Баринг Нормуҳамматти жахши тонийсанлар, олдинам ҳокимлиқ қиган, бари пастбалантти гўр-жериғачайин билади. Хўш, уни ҳоким қип тойинласам, бўлама?

Беклар бир овоздан унинг гапларини маъқуллай кетишди.

– Бўлади, амирлашкар жаноблари, бўлади.

– Яхши ҳоким бўлади.

– Адолат билан иш кўради.

– Отасига раҳмат.

– Ҳокимга ялчийдиган бўлдик.

Бекларнинг маъқуллашидан мамнун бўлган Алимқул амирлашкар Нормуҳаммад қушбегига қараб деди:

– Нормуҳаммат қушбеги!

– Лаббай, амирлашкар жаноблари.

– Сени хон ҳазратлари номларидан Тошкандга ҳоким қип тойинлодиқ. Салтанатга хизмат қиғин. Адолатли ҳоким бўл.

– Бош устиға, амирлашкар жаноблари.

– Жахши, – Алимқул амирлашкар назарини Пўлатбий додхоҳга қаратди, – Пўлатбий, маған қора.

– Лаббай, амирлашкар жаноблари.

– Сени хон ҳазратлари номларидан Чимканд шаҳриға ҳоким қип тойинлодиқ. Туври, саған сал қийинроқ бўлади, тартип издан чиққан, халқди ишонтир, тартипди жайиға қўйдир. Мамлакатти тинчлиғи, ободонғарлиғи учун хизмат қип берасан. Бир-икки жил ўтгандан кейин Андижонға ҳоким бўп борасан, бўлама?

– Бош устиға, амирлашкар жаноблари.

– Мирза Давлат қушбеги!

– Лаббай, амирлашкар жаноблари.

– Сени хон ҳазратлариниғ номларидан Туркистон шаҳриға тойинлодиқ.

– Бош устига, амирлашкар жаноблари.

– Бу икковиға қорағанда саған бир мунча овурроқ бўлади. Ўрислар қаватинғда турипти. Қозоқ, қирғиз, қипчоқ бийлариға одам жувар. Элат, уруғларди бирлаштирғин. Ўрислар томондан бирор-бир ҳаракат бўладиған бўса, Чимкантта Пўлатбий додхоҳ бор, Тошкандда Нормуҳаммат қушбеги бор, биргалашип, кенғаш қинғлар. Агар иш катта бўладиған бўса, маған чопар жувар, тушундинғма?

Мирза Давлат қушбеги сўзсиз бош эгиб, қўл қовуштирди. Алимқул амирлашкар ҳудайчига қараган эди, у дарҳол икки қадам олдинга ташлаб қичқирди:

– Хон ҳазратлари, рухсат бердила-а-а-ар!..

Беклар хонга таъзим қилиб, бирин-кетин саломхонани тарк қилишди... Алимқул амирлашкар, Султон Сайидхонлар Тошкандда бир ҳафта туришди-да, кейин қўшин билан бирга Қўқон томон йўл олишди...

* * *

Қўқон... Ҳарамда хурсандчилик. Худоёрхоннинг хотинлари Ғозихон тўра қизи Мунисхон ойим билан Зуфархон тўра қизи Ширин ойимларнинг бирин-кетин кўзи ёриди. Мунисхон ойим ўғил, Ширин ойим қиз кўришди. У ҳужрадан-бу ҳужрага бўзчининг мокиси бўлган Ҳокимойимнинг қувончи чексиз: „Худойимга шукур, ўзи бир томондан олса, яна бир чеккадан беради. Ўғлим ўзга юртларда мусофир бўлиб юрса ҳам тирноқлари шу ерда. Авлодимиз кўпайяпти. Қаерда бўлса ҳам соғ-саломат юрсин. Парвардигор, ўзингга минг қатла шукур". Кичик чилласи чиққандан кейин чақалоқларни чўмилтиришди. Бешикларни тайёрлашар экан, Ҳокимойим кайвонига маслаҳат солди:

– Сарви, ирим-жиримни қандай ўтказамиз?

– Ирим-жиримни ўзаро ими-жимида ўтказамиз, ойихоним. Олдингилардай дангир-дунгир қилиб ўтирмаймиз. Ҳозирнинг ўзида ярашмайди, фарзандларимизнинг бири Тошканда, бири Бухорода. Шунинг учун биров билиб, биров билмагани маъқул.

– Шундай қилайлик, Сарви, илойим барака топ, ишни нимадан бошлаймиз?

– Нимадан бошлардик, чақалоқларнинг қулоқларига азон-такбир айттиришдан бошлаймиз-да, ойихоним. Кейин Отин бибиларнинг бирини айттириб, мушкулкушод ўқитиб юборамиз, ёнларига бир-икки пошша ойим, бегойимларни хабар қилсак, бўлди.

– Яхши... Олтиной, Бодомлар ҳам эсингдан чиқмасин.

– Вой, ойихоним, саройда бирор-бир лозиманда Олтинимсиз утармиди.

– Ҳа, энди, айттим – қўйдим-да. Бўлмаса олдин пиримни айтдириб кел, йўқ, шошма, яхшиси, ҳудайчига айт, обрўлироқ одамни Тошмат саркорга қушиб, менинг аравамда боришсин. Пиримнинг ҳурматларини жойига қўйиб, аравада олиб келишсин.

– Хўп бўлади, ойихоним.

– Мушкулкушодни қачон ўқитамиз?

– Бугун ҳазратим келиб, азон-такбир айтсинлар, кейин кечгача тайёргарлик кўриб, эртаси куни ўқитиб юборамиз.

– Маъқул.

Пешинга яқин Соҳибзода ҳазрат саройга ташриф буюрди. Маҳкамадан утиб, ички ҳовли орқали саломхона томон савлат билан борар экан, соқчилар, учраган канизаклар унга таъзим қилишарди. Соҳибзода ҳазрат чақалоқларнинг қулоқларига азон-такбир айтиб, Ҳокимойимнинг хоҳиши билан Мунисхон ойимнинг ўғлига Сайиид Умарбек, Ширин ойимнинг қизига Тура Пошшахон исмларини қўйди. Кейин Қуръондан оятлар ўқиб, чақалоқларнинг ҳақларига яхши ниятлар билан дуолар қилди...

Эртаси куни саломхонанинг бори буйича дастурхон тузаб, меҳмонларни пешвоз олиш учун тайёргарлик кура бошлашди. Ошпазлар, канизаклар ўз ишлари билан банд. Ҳокимойим икки яшар Офтоб ойимни етаклаганча кайвони билан Мунисхон ойим, Ширин ойимлар турган

каттагина ҳужрага ташриф буюрди. Малика ойимлар, канизаклар ўринларидан тура солиб, таъзим қилишди.

– Ваалайкум ассалом... Яхши ётиб, турдиларингми, қизларим? Саййид Умарбек билан Тўра Пошшахон сизларни чарчатишмаяптими? Баракалла, шаҳзода билан хонзода ойимни „бир кўриб кетайлик", деб келдик. Ҳа, малика ойимлар, кўзларинг киртайиб қолибди-ку, азон-такбир, қўйилган исмлар муборак бўлсин! Қани, энди бир чеккароқ турларинг-чи, ана шундай. Кел, Сарви, кўрпачага ўтирамиз. Офтобим, сен қўйнимга ўтир, ҳамма ўтирдими? Илоҳи, омин... – яхши ниятлар билан юзларига фотиҳа тортишди. Говорапўши ярим очиқ бешикларга беланган чақалоқларнинг дам унисига, дам бунисига термилди. – Невараларимизга қара, Сарви, бири-биридан чиройли-я, пишиллаб ухлашларини қара... Қизларники, ўғилларники бўлиб, ҳаммаси нечта бўлди? Билмайман? Ҳа-ҳа-ҳа... Ана шунақа ҳисобига етолмай қоласан. Ўнта бўлса, ўрни бошқа. Ҳаммаси ўзимизники, жужукларимдан айланай, – чақалоқларни упиб, суйди. Офтоб ойимга уларни бир-бир кўрсатиб деди. – Офтобим, ниничаларни кўряпсанми? Мана бу Саййид Умарбек укачанг, қани, „укачам" дегин-чи.

– Укачам.

– Айланай, мана буниси Тўра Пошшахон сингилчанг, „сингилчам" дегин-чи.

– Сингилчам.

– Вой, ширингина тилчангга ўзим гиргиттон. Сарви, эшитдингми, буррогина қилиб айтди-я. Шунинг гапларини эшитсам, баҳри дилим очилиб кетади.

Невaралари ухлашаётган бўлса ҳам Ҳокимойим тилини чучук қилиб, уларга гапирган бўлди, кейин қисқа омин қилди-да, қўйнида ўтирган Офтоб ойимнинг қўлтиғидан кўтариб, тикка турғизди.

– Қани, Офтобим, танобийга чиқамиз. Сарви, қўлимдан торт, ё, пирим... Юр, саломхонага бориб, қизларнинг ишларини кўрайлик. Отин бибиларнинг ҳам келадиган вақти бўлиб қолди.

– Хуп булади, ойихоним.

Танобийга чиқиб, энди юришган эди ҳамки, рўпараларидан таёқ от миниб олган Сайид Мадаминбек ёғоч қиличини кўтариб чопқиллаб келар, ортидан икки канизак „шаҳзодам, тўхтанг“ деганча югуришарди. Шаҳзода Ҳокимойимга яқинлашганда таққа тўхтади-да, қиличини ўқталиб чинқирди.

– Қочинглар, хон келяпти.

Офтоб ойим қўрқиб, Ҳокимойимнинг пинжига тиқилди. Бу орада канизаклар етиб келиб, таъзим қилишди. Ҳокимойим Офтоб ойимнинг бошини силаб канизакларнинг таъзимига бош ирғади, кейин шаҳзоданинг пешонасидан ўпиб деди:

– Чопқиллаб юрибсанми, полвоним? Минган тулпоринг зўр-ку, Сарви, мана, яна битта хон сенга. Қўрқма, Офтобим, шаҳзода ўзингнинг аканг-ку.

– Вой, ўзим айланай, баҳодиримдан, дарров хон бўла қолдингми? – кайвони шаҳзодага завқ билан кулиб қаради. – Қаёққа отландинг, ўргилай?

– Урушга...

– Ҳа, урушни оти ўчсин-а, отигина ўчсин. Урушни қўй, шаҳзодам. Мен сенга ҳолва олиб қўйди-им.

– Қани?

– Ҳали ҳужрамга боргин, бераман, хўпми!

– Хўп.

– Энди яхши хон бўлиб, канизакларинг билан ҳужрангга бор.

Шаҳзода шартта бурилди-да, канизаклар кузатувида қийқириб чопқиллаб кетди. Ҳокимойим саломхонага келиб, тузалган дастурхонларни кўздан кечирди, қўйилган ноз-неъматлардан кўнгли тўлди шекилли, кайвонига жилмайиб қаради.

– Дастурхон кўнглимдагидай тузалипти, Сарви. Бирорта ҳам камчилиги йўғов. Меҳмонлар келгандан кейин қуюқ-суюғини тортсанг, бўлди. Юр, энди, ҳужрамизга борамиз.

Ҳокимойим хос ҳужрасига кириб, жойига ўтириб, ҳар галгидай Офтоб ойимни тиззасига ўтқазди. Бир оз ушланиб қолган кайвони кўтариб келган тугунини очди-да, ҳар хил матони ёйиб, кўздан кечира бошлади.

– Нима қиляпсан, Сарви?

– Эрмак, ойихоним, чақалоқларга йўргакми, куйлакчами, бичмоқчиман.

– Эрмак яхши нарса, вақт қандай ўтганини ҳам билмай қоласан. Бир хил пайтларда вақт тўхтаб қолгандай бўлади назаримда. Шунда тарс ёрилиб кетаман. Яхшиям, олдимда Офтобим бор, менинг энг катта овунчоғим.

Неварасининг бошини силаб туриб, ўғилларини эслади. Кўзларида ёш айланиб, даструмол тутаётган кайвонига зимдан қараб, „ух" тортиб қўйди. Худоёрхонларнинг Бухорога жўнаб кетишганига уч ойдан ошиб қолди. Ҳалигача хат-хабар йўқ. „Тиқ" этса, эшикка қарайди. Кундузлари сиқилганини ҳеч кимга билдирмайди, ҳатто кайвонига ҳам. Кечалари кўз ёшидан ёстиқ ҳўл бўлади. Кайвони унинг кўзлари қизариб, қовоқлари шишганидан сезса ҳам индамайди. Яхшиям, невaралари бор. Айниқса, Офтоб ойим. Кечаю кундуз ўзи билан бирга, овунчоғи шу. Невараларига исм қўйиш баҳонасида кўнгли бир оз ёришгандай бўлди, мушкулкушоддан кейин зора Худо ниятларига етказса. Бир тин олиб, кайвонига ёрилди.

– Сарви, бу дадрдимни сенга айтмасам, кимга айтаман. Салкам тўрт ой бўляпти-я, юрагим қон бўлиб кетти. Бир энлик нома битиб юбориш шунчалик қийинми? Мана бундай йиғинларда хоҳласанг, хоҳламасанг, ёдингга тушади. Ҳаммасини кўргинг келади. Парвардигорим, қачон болаларимизни ҳаммаси бир жойда йиғилар эканей? Ҳаммаси ҳар жойда-я. Сарви, Насриддинбегим Бухорода, Назирбегим укалари билан Тошкандда... Шоҳмуродхоннинг дараги йўқ. Таласгача одам қўйсам ҳам дараги топилмаяпти.

– Сиқилманг, ойихоним, – деди кайвони чит матога қайчи солар экан, – Шоҳмуродим ёш бола эмас, овулма-овул жўралари билан юргандир.

– Қани энди шу кунларда „ойихоним“, деб кириб келса... Невараларимнинг ҳаммаси йиғилиб келиб, олдимда бўлса, ҳаммасини бағримга боссам, ниятим мана шу, Сарви.

– Илоҳим, ниятингизга етинг, ойихоним, икковимиз яхши ният қилаверайлик. Худо хоҳласа, вақти келиб, невараларимиз саройга йиғилиб келади. Бағримиз тўлиб, димоғларимиз чоғ бўлиб юради.

– Айтганинг келсин, Сарви... Айтгандай, Олтиной-дан шу пайтгача нега дарак йўқ? Қаттиққина қилиб тайинлаганмидинг?

Кайвони жавоб беришга улгурмай танобийдан қадам товушлари, кўришиб, сўрашишлар, шўх гаплар, қаҳ-қаҳ кулгилар эшитилди. Ҳокимойим кайвонига савол назари билан қаради. Кайвони қиқирлаб кулганча Ҳокимойимга қараб деди:

– Ҳи-ҳи-ҳи, ойихоним, саройни бошларига кўтариб келяптилар-ку, – ўрнидан туриб, белини уқалади. – „Келди“ дегандан саройга файз киради-я.

– Ким келяпти, Сарви?

– Ким бўларди, Олтиним-да, ойихоним, саройда Олтинимдан бошқа ҳеч ким бундай „чақ-чақ“ қилиб юрмайди.

Очиқ эшикдан шодон жилмайган Олтиной кўринди, орқароқда Бодомгул билан икки канизак келишарди. Ҳаммалари ҳужрага кириб, Ҳокимойимга таъзим адо қилишди.

– Ассалому алайкум, ойихоним, – Олтиной чўкка тушиб, Ҳокимойим билан ўпишиб, кўришди. – Яхши ўтирибсизми? Жиянчаларимни исмлари муборак бўлсин... Саййид Умарбек! Тўра Пошшахон! Яхши, исмлар бири-биридан чиройли.

– Хонаммажон, – деб Офтоб ойим ўтирган жойидан Олтинойга қараб жилмайди.

– Вой, мана буни мусичадай бўлиб, ўтиришини қаранг, – Офтоб ойимни қўлига олиб кўтарди-да, нимчасидан парварда олиб бериб сўради. – Қани, энди менга айтчи, бўғирсоғим, сен кимнинг офтобисан?

– Сизди-и.

– Ҳа-ҳа-ҳа, ким нима берса бу ўшанинг офтоби, ҳў-ў, сотқинча. Яхши юрибсизми, энажон? – Офтоб ойимни Ҳокимойимга тутқазиб, кайвони билан ҳам ўпишиб сўрашди. – Неваралар чарчатмаяптими?

– Чарчаб, қаёққа ҳам борардик, Олтиним, невараларнинг измидамиз. Қаёққа судрашса, ойихоним билан ўша ёққа қараб думалаймиз. Айтгандай, Саидакрамхонлар қани? Олиб келмадингми?

– Ҳаммаси тахтакачини кўтариб, домласиникига кетди.

– Ҳа-а-а... Мактабга, дегин. Майли, ўқигани яхши. Ўтиринглар, омин қилайлик. – Ҳокимойимга қараб. – Қани, ойихоним!

Ҳаммалари ўтириб, фотиҳа ўқишгач расмиятчилик юзасидан ҳол-аҳвол сўрашилди. Ҳокимойим Олтиной билан Бодомгулга зимдан қараб қўйди: „Қизим билан Бодомгулга нима бўлдийикин? Икковиям бугун бошқачароқдай. Рангларига қараганда яхшиликка ўхшайдиёв. Парвардигор, доим хурсандчиликка етказ“.

– Ҳа, қизим, – Ҳокимойим қизига жилмайиб қаради. – Бугун икковинг жуда очилиб кетибсанларми? Кўз тегмасин.

– Қачон хумрайиб юрувдик, ойихоним?

– Бодомгулни билмадиму, лекин Олтинимнинг қачон хумрайиб, қачон очилиб юришини билиб бўлмайди, – гапга аралашди кайвони. – Қишу ёзининг фарқи йўқдай.

– Оҳ, энажон, қани энди ҳар доим сиз айтганчалик бўлса, – Олтиной кулиб туриб кўзларида ёш айланди. – Бир хил пайтларда баҳоримдаёқ хазон бўлгандай бўлиб қоламан.

– Туф-туф, ундай демагин-а, қизим, сен ҳеч қачон йиғлама, – деди Ҳокимойим қизига меҳр билан қараб. – Сен йиғласанг биз Сарви иккимиз улиб қуяқоламиз, жоним қизим.

– Қуйинг, ойихоним, унақа деманг. Яхшиси, сизларга бир нарса айтайми? – Олтиной сирли шивирлаганча кўзларини ўйнатиб. Ҳаммалари унга кўз тикишди. – Бир ҳафтанинг ичида иккита нома олдим. Бири Таласдан. Тоғам юборибдилар. Иккинчи нома бегимдан, кеча асрдан кейин олдим.

– Вой, қизим-ей, – Ҳокимойим кайвонига бир қараб қўйди. – Олдинроқ гапни шундан бошламайсанми? Ҳаммаси соғ-саломатми? Олдин шуни айт!

– Соғ-саломат, ойихоним, – Олтинойнинг кўзларидан ёш думалади, – ҳаммалари соғ-саломат...

– И-и-и... Сенга нима бўлди, жоним қизим? Вой, бунисиям бошлади, – Ҳокимойим, гоҳ Олтинойга, гоҳ Бодомгулга қараб. – Санларга нима бўлди ўзи? Нимага йиғлаяпсанлар? Гапирсангчи бундай!

– Соғиниб кетдим, ойихоним. Бегимни соғиниб, соғиниб кетдим.

Ҳокимойим бир зум Олтинойга анграйиб турди-да, кейин кайвонига қараб, кулганча деди:

– Вой, шарманда, ҳи-ҳи-ҳи... Сарви, буни қара, уялмайдиям-а, товба қилдим.

– Нимага уялишим керак, ойихоним? Ўзимнинг бегимни соғинганим учун уялишим керакми? Уялмайман, минг марта уялмайман, вассалом!

– Уф-ф... Товба-товба-ей. Сарви бу кимга тортти, а? Уруғимизда бунақаси бўлмаган. Одам соғинганини бунчалик очиб-сочиб ташламайди, қизим. Икковинг ҳам йиғласанг, ҳар хил хаёлларга бориб, „нимайикин“ деппан. – Ҳокимойим бир оз хотиржам тортиб, гапини давом қилди. – Қани, йиғини бас қилинглар энди. Бас деяппан, кўз ёшларни артинглар-чи, ана шундай. Энди икковинг ҳам яхшилаб гапларимни қулоқларинга қуйиб олинглар.

Айрилиқ азоби жуда ёмон, одамни ичиктириб юборади. Санлар биринчи марта бу азобни тортяпсизлар. Биз ўз давримизда жуда кўп айрилиқ азобига учраганмиз. Ҳозир ҳам фарзандларим, невараларим фироқидаман. Лекин чидаяппан. Сизлар ҳам чиданглар. Ҳали яна қанча айрилиқ азоблари бўлади, буни фақат Парвардигоримни ўзи билади. Сен Олтинойсан, қизим. Ҳар доим Олтиной бўлиб юргин. Сен, хонзодалар авлодидансан, кўз ёши сенга ярашмайди. Ҳар қандай азобга чидаб, бўлмайдиган даражада бўлса ҳам кулиб тургин. Бошқалар „дод" солиб йиғлаган тақдирда ҳам сен кулиб тургин. Гапларимга тушундингми, қизим?

– Тушундим, ойихоним, тушундим, – Олтиной Ҳокимойимга жилмайиб қаради, – лекин бир хил пайтларда кулиб туриб, йиғлаб юбораман. Кўз ёшим ўзимга бўйсунмайди, ойихоним. Кейин „бор-е" дейман-да, туйиб-туйиб йиғлаб оламан.

– Ҳа, бундай ҳоллар бўлиб туради, жоним қизим, лекин шундай пайтларда ҳам йиғлаганингни биров кўрмасин, жоним. Энди номадан гапир. Ўлда-жўлда қилмасдан бир чеккадан гапир.

Олтиной номада битилган сўзларни эслади. Танасига илиқлик югуриб, кўзларини юмганча ҳузурланди.

Умрим баҳори, ҳаётим мазмуни, орзум гулшани Олтинимга.

Ушбу нома етиб маълум ва равшан бўлгайким мусофир юртларда рафиқасини ҳаддин зиёд соғиниб юрган завжангиз Саидбекдан, деб билгайсиз. Азизам, бизлар бу ўлкаларда, яъни Жиззах шаҳрида соғ-саломат умргузаронлиқ қилиб, сизларнинг сиҳат-саломатликларингизни парвардигори оламдин беш вақт намозда сураб юрибдурмиз. Ўзимнинг фариштам, иккимизнинг ҳам жигарпораларимиз бўлмиш Саидакрамхон билан Саидазимхонлар сиҳат-саломат юришибдими? Соғинганларида „отам қанилар?" деб, сизни қийнашмаяптими?...

– Ҳа, қизим, кўзларингни юмиб, жим бўлиб қолдинг, гапиравер.

Ҳокимойимнинг гапидан Олтинойнинг хаёли бўлиниб, ёшланган кўзларини очди. Жилмайганча онасига қараб деди:

– Оҳ, ойихоним, бегимнинг номаларини эслаб, ширин хаёлга берилиб кетибман. Шундаям ширин нома битибдиларки, маза қилиб ўқидим, кейин йиғлаб ҳам олдим.

– Ҳи-ҳи-ҳи... Ойихоним, – кайвони ишшайиб кулди, – Олтиним номани ўқиб, маза қилиб йиғлаптилар, ҳи-ҳи-ҳи...

– Бўлмаса эшитинглар, – Олтиной кайвонининг кулишига эътибор бермай, – хон акамлар Қўқондан чиқишгандан кейин Конибодомда бир кеча қўниб, эртаси куни Маҳрамда амир ҳазратлари билан учрашибдилар. Жиззах шаҳригача бирга бўлишибди. Хон акамлар Жиззахда қолишибди-да, амир ҳазратлари қўшинлари билан Бухорога йўл олишибди.

– Шошма, қизим, шошма, – Ҳокимойим норозисимон Олтинойнинг гапини бўлиб, – хон аканг нега Жиззахда қолади? Нега амир билан бирга Бухорога кетмади?

– Вой, ойихоним-ей, Жиззахда нима учун қолганларини мен қаёқдан билай, ўзларининг бирор-бир режалари бордир-да.

– Нималар деяпсан? Қанақа режа? – Ҳокимойимнинг юраги ғаш тортди. – Нима, яна уруш бўладими?

– Қанақа уруш, ойихоним? Ҳеч қанақа уруш йўқ.

– Жиззахда қолгани яхшиликка бўлсин, илоҳим. Гапингни давом қил.

– Шу, ойихоним, бегим билан Қилич ҳар куни сарбозхонада навкарларни машқ қилдиришятганакан. Хон акам ҳар куни шаҳар ҳокими билан бирга экан... Номада битилган бор гап шу, ойихоним.

– Ҳм-м... Бир зумда тугатдинг қўйдинг. Ҳа, майли, ҳам-

малари соғ-саломат экан, шунинг ўзи биз учун катта давлат. Энди Таласдан келган номадан гапир. У ерда нима янгиликлар боракан?

– Оҳ, ойихоним, Таласдан хунук хабар келди. Ўрислар Тўқмоқ, Пишпак, Талас қалъаларини жанг билан босиб олишибди.

– Ё товба... Товба-товба, – деди Ҳокимойим тили калимага келмай, – товба қилдим. Нималар деяпсан, қизим. Ростдан жанг бўлиптими?

– Тоғам номада „жанг бўлди", деб битганлар.

– Авлиёота қалъаси-чи?

– Номада Авлиёота қалъаси тўғрисида ҳеч нарса битмаганлар. Лекин ўрислар Таласда қўшин йиғаётган экан.

– Парвардигор, ўрислардан ўзинг асра. Энди нима бўлади? Пишпак, Талас жангларида одамлар ўлмаптими?

– Жанг бўлади-ю, одамлар ўлмайдими, ойихоним?

– Э, Худо-ей... Тоғанглар, қариндошлар тинчми? Овулдагилар-чи? Овулларда ўлганлар борми?

– Ҳаммалари тинч, ойихоним. Ўрислар овулларга ҳужум қилишмаган. Номада „овулдагилар ҳаммаси соғ-саломат", деб битилган. Ахир номани тоғам юборганларку.

– Худога шукур, ҳаммаси тинч экан. Сарви, нома битиб, эрта билан Таласга чопар юбор. Бориб, овулларни ўз кўзи билан кўриб келсин...

Шу пайт танобийдан келган канизак эшикдан мўралаб кайвонига ишора қилди. Кайвони ташқарига чиқиб, зум ўтмай қайтиб кирди.

– Ойихоним, меҳмонлар келишибди. Отин биби, пошша ойим, бегойимлар ички ҳовлида аравадан тушишяпти экан.

– Ия, меҳмонлар келишдими? Вақтнинг ўтишини қара, Сарви. Номани кечқурун бирга битамиз. Қани, тур ҳамманг. Отинбибиларни кутиб олайлик. Қани, иккитанг

қўлингни бер-чи, шошма, олдин Офтобим турсин, ана шундай... Энди қўлингни бер, ё, пирим, – Ҳокимойим канизаклар ёрдамида ўрнидан туриб, шикоятланди: – Қарилик қурсин, одамнинг ўзи туролмай қоларакан. Қани, Офтобим, қўлингни бер.

Меҳмонларни пешвоз олиш учун барчалари неварасини етаклаб олган Ҳокимойимнинг ортидан турнақатор тизилиб ташқарига юришди.

ТЎРТИНЧИ КИТОБ ТУГАДИ

МУНДАРИЖА

I БОБ.....3
II БОБ.....43
III БОБ.....82
IV БОБ.....117
V БОБ.....155
VI БОБ.....188
VII БОБ.....236
VIII БОБ.....291

84(5Ў)6
Э 99

Мавлавихон ўғли Саъдихон
Таназзул, 4- китоб [Матн]: Тарихий роман / С. Мавлавихон. – Тошкент: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2020. – 360 бет.

ISBN 978-9943-22-435-3

УЎК: 821. 512.133-311.6
КБК 84(5Ў)6

САЪДИХОН МАВЛАВИХОН ЎҒЛИ ЭШОНЖОНОВ

ТАНАЗЗУЛ

(Тарихий роман)

Тўртинчи китоб

„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент – 2020

Муҳаррир *Ортиқбой Абдуллаев*
Бадиий муҳаррир *Шоҳрух Тоштурдиев*
Техник муҳаррир *Назокат Ниёзмуҳамедова*
Мусаҳҳиҳ *Акмал Лутфуллаев*
Компьютерда саҳифаловчи *Муслима Акбарова*

Нашриёт лицензияси АА № 0040. 10.12.2019. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 11.03.2020. Бичими 84×108 $^{1}/_{32}$. Кегли 10,5 шпонли. Palatino Linotype гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Шартли б. т. 18,9. Ҳисоб-нашриёт т. 14,39. Адади 5000 нусха. 1- завод 1000 нусхада босилди. Буюртма № 138-20

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент – 206. Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй. Шартнома № 178-19.